

САМУЭЛ ХАНТИНГТОН

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТЎҚНАШУВИ





Ушбу китоб, бир гуруҳ зиёли ёшлар томонидан блогер Нурбек Алимовнинг “Alimoff Team – Ёшлар ёшлар учун!” лойиҳаси бўйича ҳолис билим олиш йўлида илк бора ўзбек тилига таржима қилинди. Биз профессионал китобчилар эмасмиз. Камчиликлар учун олдиндан узр сўраймиз. Ушбу таржимани ўқиш учун тарқатишингиз мумкин. Дарслар, презентацияларда ҳам ушбу таржимадан фойдаланишга қарши эмасмиз. Ушбу китоб илк бор ўзбек тилида чиқишида ҳиссасини қўшган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Янги китобларни <https://t.me/nurbekalimov> Telegram-канали орқали ўқиб боришингиз мумкин.

Сотиш ва тижорий мақсадда фойдаланиш қатъиян маън этилади!

Таржимонлар:

- 1. Моҳина Нурсаидова**
- 2. Эъзога Қиличова**
- 3. Неъматжон Ражабов**
- 4. Бунёд Тангрибергенов**
- 5. Малика Нарзуллаева**
- 6. Камола Бекниёзова**
- 7. Ислон Ўролов**
- 8. Камола Фозилова**
- 9. Ахроржон Ўроқов**
- 10. Шарофиддин Ҳошимжонов**
- 11. Умиджон Сотиболдиев**
- 12. Расулбек Раҳимов**

13. Дилшода Худойназарова
14. Сирожиддин Юлдошев
15. Дийдор Бердикличев
16. Рамзбек Ҳамдамов
17. Озода Азимова
18. Улуғбек Артиков
19. Олимжон Камбаров
20. Раимжон Норматов
21. Миржалол Қосимов
22. Дилноза Ахунова
23. Абдуғаниев Бурхониддин
24. Арофат Ахунжанова

Таҳрирчи/муҳаррирлар:

1. Жавохирбек Абдуллаев
2. Севара Алижонова
3. Дилбар Исматуллаева
4. Дилрух Исомиддинова
5. Жаҳонгир Остонов
6. Дилафруз Абдинабиева
7. Малика Нарзуллаева
8. Абдимўмин Шодиев

Лойиҳа раҳбари:

Нурбек Алимов

1-боб: Жахон сиёсатида Янги Эра

Кириш: Байроқлар ва маданий айният

1992 йил 3 январ, Москва шаҳрида ҳукумат биносидаги аудиторияда россиялик ва америкалик олимларнинг йиғилиши ташкил этилди. Бундан икки ҳафта олдинроқ эса Совет Иттифоқига барҳам берилган, Россия Федерацияси мустақил мамлакат дея эълон қилинганди. Бунинг натижасида илгарилари аудитория сахнасига жозоба бериб турган Ленин ҳайкали ғойиб бўлиб, Россия Федерацияси байроғи олд деворда кўриниб турар эди. Америкаликларнинг кузатишига кўра, биргина муаммо шунда эдики, байроқ тепадан пастга қараб тескарисига осилиб турарди. Бу хато россиялик мезбонларга кўрсатилиши биланоқ, биринчи танаффусда зудлик билан сездирмасдан тўғрилаб қўйилди.

Совуқ урушдан кейинги йиллар мобайнида инсонларнинг ўзлиги ва бу ўзликни ифодалаб турувчи рамзларда сезиларли ўзгаришларнинг бошланиши кузатилди. Глобал сиёсат эса маданий чегаралар бўйлаб қайтадан ислоҳ қилинди. Пастга қараб осилган байроқлар ўзгариш белгиси деб қаралган бўлса-да, байроқлар янада баланд ва тўғри ҳилпирайверар экан, россияликлар ва бошқа халқлар бу ва бу каби янги, маданий айниятини кўрсатувчи рамзлар орқасидан руҳлантирилади ва марш қилаверишади.

1994 йили 18 апрелда Сараевода 2 миллион одам Саудия Арабистони ва Туркия байроқларини ҳилпиратган кўйи тўпланишди. БМТ, НАТО ёки Америка байроқларининг ўрнига айнан мана шу рамзларни ишлатишди, сараеволиклар ўзларининг мусулмонларга дўст эканликларини ифодалашди ҳамда дунёга ким ҳақиқий ва ким сохта дўст эканлигини кўрсатиб беришди.

1994 йил 16 октябр Лос-Анджелесда 70 мингта одам ноқонуний муҳожирлар ва уларнинг фарзандларига нисбатан давлат томонидан тақдим этилувчи имкониятларини чеклаш тўғрисидаги референдум бўлмиш 187-қонун лойиҳасига

қарши норозилик намоёиши сифатида “Мексика байроқлари дарёси” маршини уюштиришди. Кузатувчилар: “Нега улар кўчаларда Мексика байроқлари билан юришиб, мамлакат муҳожирларга бепул таълим бериши кераклигини талаб қилишяпти? Ахир, улар Америка байроғини ҳилпиратиши керак эди-ку”, – дея савол беришди. Икки ҳафтадан сўнг кўплаб норозилар Америка байроғини тепадан пастга қаратиб тескари кўтарганча кўчаларда марш уюштиришди. Ушбу байроқлар 59% калифорниялик овоз берувчилар томонидан маъқулланган 187-қонун лойиҳасининг “таъминланган” ғалабасини акс эттирарди.

Сўнгги Совуқ уруш мобайнида байроқлар ва бошқа маданий айниятнинг белгилари: хочлар, яримойлар ва ҳаттоки бош кийимлар ҳам аҳамиятли бўла бошлади, чунки маданий айният ва ифодалар кўплаб инсонлар ҳаётига мазмун беради. Инсонлар тарихий бўлган айниятни янгича кашф этиб, асли эски бўлган байроқларни янгиланган кўйи маршлар қилиб, тарихдаги душманлари билан янгитдан душман бўлиб боришмоқда.

Майкл Дибдиннинг “Ўлик Лагуна” асаарида венециялик миллатчи демагог томонидан, мана шу янги эрадаги ғамгин тафаккур дурдонаси жуда яхши ифодаланган: “Ҳақиқий дўстлар ҳақиқий душманларсиз мавжуд эмас. Биз бу тарихий ҳақиқатларни ўз таъсирини кўрсатган рижорликлар билан бирга, бир асрдан сўнг афсуслар билан қайтадан англаб ета бошладик. Кимки буларни рад этар экан, ўз оиласини, ўз меросини, ўз маданиятини, аслини ва ўзлигини рад этган бўлади. Улар осонликча кечирилмайди!” Тарихий фактлардан келиб чиққан бундай ачинарли ҳақиқатни ҳеч қайси бир давлат арбоби ёки олимлар рад эта олмайди. Ўз миллатига ва ўзлигига таянадиган инсонлар учун душманлар жуда ҳам аҳамиятли ва бундан жаҳоннинг улкан цивилизациялари бўлиниш чизиғида эҳтимолий хавfli адоватлар юз беради.

Ушбу асарнинг асосий мавзуси маданият ва маданий айниятлар, кенг маънода Совуқ урушдан кейинги йиллардаги низолар, парчаланишлар ва бирдамлик қолипларини шакллантираётган цивилизациявий айниятлардир. Асарнинг бешта қисми асосий ғоянинг хулосаларини батафсил ёритиб боради.

1-қисм: Тарихда илк маротаба глобал сиёсат кўп қутбли ва кўп цивилизациявий бўлгани; модернизациянинг вестернизациядан фарқ қилиши; на ғарбий бўлмаган мамлакатларда вестернизация, на универсал цивилизация ярата олинмаётгани ҳақида.

2-қисм: Цивилизациялар бўйлаб қудрат мувозанатининг ўзгариши ҳақида: Ғарб нисбий таъсирда заифлашмоқда; Осиё цивилизациялари ўзларининг иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий кучларини кенгайтиришмоқда; ислом дини мусулмон ўлкаларда ва уларнинг қўшни мамлакатларида демографик тарзда беқарорлашаётган оқибатлар билан ёйилиб бормоқда; шунингдек, ғарбий бўлмаган мамлакатлар ўзларининг маданий қадриятларида собит туришмоқда.

3-қисм: Цивилизацияга асосланган жаҳон тартиби юзага келмоқда: маданий ўхшаш жамиятлар бир-бири билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда; жамиятларни бир цивилизациядан бошқа цивилизацияга ўзгартиришга уринишлар муваффақиятсиз бўлмоқда; мамлакатлар ўз цивилизацияларининг бош ёки асосий давлатлари атрофида гуруҳлашяптилар.

4-қисм: Ғарбнинг универсалист даъволари цивилизацияларда низонинг келиб чиқишини ошириб юбормоқда, ислом ва Хитойники эса энг жиддийлашаётганидир. Маҳаллий даражадаги бўлиниш чегарасидаги урушларда, кўпинча муслим ва муслим бўлмаган мамлакатлар ўртасида қардош мамлакатларнинг иттифоқлашуви, чегараларнинг кучайиш хавфи ва шулар туфайли ядро қуролига эга давлатларнинг урушнинг тўхтатишга нисбатан ҳаракатларини келтириб чиқармоқда.

5-қисм: Америкаликларнинг ўз ғарбий айниятини тасдиқлаши ҳамда ғарбликларнинг уларнинг маданиятини қабул қилиши универсал эмас, балки ноёб бўлиб, ғарбий бўлмаган жамиятлардан ҳимояланиши ва янгиланиши Ғарбнинг сақланиб қолишига асос бўлмоқда. Цивилизацияларнинг глобал урушларни четлаб ўтиши жаҳон етакчиларининг глобал сиёсатнинг мультицивилизационал аҳамиятини оширишда ҳамкорлик қилиши ва буни қабул қилишига боғлиқдир.

Кўп қутбли, мультицивилизациявий дунё.


Сўнгги Совуқ урушда, тарихда илк мартаба глобал сиёсат кўп қутбли ва мультицивилизациявий бўлди. Инсоният мавжудлигида кўпинча муносабатлар вақтинчалик ёки умуман бўлмаган эди. Кейинчалик, замонавий эраинг бошларида (тахминан милодий 1500 йил) глобал сиёсат икки томонга бўлингандек қаралди. Тўрт юз йиллар мобайнида Ғарбнинг миллий мамлакатлари – Британия, Франция, Испания, Австрия, Пруссия, Германия, Қўшма Штатлар ва бошқалар – ғарбий цивилизация билан кўп қутбли халқаро тузумни ташкиллаштиришди, шунингдек, ўзаро муносабат ўрнатишди, мусобақалаштиришди, ҳаттоки бир-бири билан урушларда кураштиришди. Шу билан бир вақтда ғарбий миллатлар кенгайишди, забт этиб, колониялаштиришди ёки бошқа цивилизацияларга айёрона таъсир ўтказишди (1.1-харита). Совуқ уруш мобайнида глобал сиёсат икки қутбли эди, жаҳон эса уч қисмга бўлиниб олганди. АҚШ томонидан бошқариладиган демократик ва жуда бой мамлакатлар Совет Иттифоқи томонидан бошқариладиган ва қўллаб-қувватланадиган, маълум маънода камбағалроқ коммунист жамиятлар билан кенг ёйилган мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ва шунингдек, ҳарбий мусобақага киришиб иш юритишар эди. Бу низоларнинг кўп қисми шу икки лагернинг ташқарисидаги Учинчи дунёда содир бўлиб, камбағал, сиёсий турғунлиги кучсиз, эндигина мустақил бўлган, шунингдек, тенг бўлмаган дея эътироф этилган давлатларни қамраб олди (1.2-харита).

1980 йиллар охирида коммунист дунёси кулади, Совуқ уруш эса тарихда халқаро тизим сифатида муҳрланди. Совуқ урушнинг сўнгги йилларида халқларнинг энг асосий фарқлари мафкуравий, сиёсий ёки иқтисодий эмас эди. Энг асосий фарқ маданийликда эди. Инсонлар ва миллатлар инсоният учрайдиган энг асосий саволга жавоб беришга ҳаракат қилишяпти: Биз киммиз? Бунга инсонлар инсоният жавоб бериб келган одатдаги усулда, яъни дин, тил, тарих, қадриятлар, одатлар ва расм-русумларга ишора қилганча жавоб беришмоқда.


Улар ўзларини қабилалар, уруғлар, этник гуруҳлар, диний жамоалар, миллатлар ва кенг маънода – цивилизациялар билан танитишади. Инсонлар сиёсатдан фақатгина қизиқишларини ошириб бориш учун эмас, балки ўзликларини изоҳлашда ҳам фойдаланишади. Биз қачонки ким эмаслигимизни билсак ҳамда кимга қарши эканлигимизни англаб етсаккина ким эканлигимизни билишимиз мумкин.

Миллий давлатлар жаҳон ҳамжамиятида асосий актёрлар ҳисобланишади. Уларнинг феъл-атвори ўтган замонлардаги бойлик ва қудрат таъқибига кўра, шунингдек, маданий афзалликлар, умумийликлар ва фарқликларга кўра шаклланган. Давлатларнинг энг муҳим гуруҳлаштиришлари энди Совуқ урушнинг учта блокига эмас, балки жаҳоннинг каттагина етти ёки саккизта цивилизациясига боғлиқ бўлиб қолди (1.3-харита). Ғарбий бўлмаган мамлакатлар, асосан, Шарқий Осиё, ўзларининг иқтисодий бойликларини ошириб бориб, сиёсий таъсир ва маҳоратли ҳарбий қудрат учун асос яратмоқдалар. Ўз куч-қудрати ва ўзига ишончи ошиб борар экан, ғарбий бўлмаган мамлакатлар маданий қадриятларини муттасил тасдиқлаб, ғарб томонидан сингдирилаётган “мажбурлаш”ларни рад этиб келмоқдалар. “XXI асрнинг халқаро тизими”, – дея сўз очади Генри Киссинжер, — “ўз ичига олти кучли давлатларни: Қўшма Штатлар, Европа, Хитой, Япония, Россия ва эҳтимоллик билан Ҳиндистон, шунингдек, ўртача ва кичик давлатлар кўплигини қамраб олади. Киссинжернинг буюк олтилиги бешта турли хил цивилизацияга тегишли бўлса-да, бунда стратегик жойлашуви, аҳоли кўплиги ҳамда ёқилғи бойликларига эга исломий мамлакатларнинг ҳам жаҳон ҳамжамиятига таъсири бор. Ҳозирги кунда жаҳонда маҳаллий сиёсат – бу этник сиёсат, глобал сиёсат эса цивилизациялар сиёсати ҳисобланади. Суперкучлар рақобатининг ўрни эса цивилизациялар тўқнашуви билан алмашди.

Ғарб ва бошқалар: 1920



Совук уруш: 1960-йиллар




Эркин давлатлар

Коммунист блок

Бетараф халқлар

Жаҳон цивилизациялари: 1990–йиллардан кейинги ҳолат.



Ғарб томонидан бошқарилган

Ғарбнинг мустақил ва номинал давлатлари

Ҳозирги кунда кенг тарқалган, муҳим ва хавфли низолар ижтимоий табақалар, бойлар ва камбағаллар ёки бошқа иқтисодий изоҳланувчи гуруҳлар ўртасида эмас, балки турли хил маданий бирлашмаларга тегишли инсонлар ўртасида келиб чиқмоқда. Қабилавий ва этник низолар цивилизацияларнинг ичида рўй беради. Турли цивилизацияларга тегишли давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги низолар бошқа цивилизацияга тегишли давлатлар ва гуруҳларнинг қардош ўлкаларга кўмагини ошириб боргани каби ўзларининг ривожланиш эҳтимолига сабаб бўлади. Сомалидаги уруғ қабилаларининг қонли тўқнашуви катта низо келтириб чиқармайди. Руандадаги қабилаларнинг қонли тўқнашуви Уганда, Заир ва Бурунди учун аҳамият касб этса-да, бу узоқ давом этмайди. Аммо Босния, Кавказ, Марказий Осиё ёки Кашмирдаги цивилизациялар тўқнашуви каттагина урушга айланиб кетиши мумкин. Югославия низосида Россия Сербияга дипломатик ёрдам кўрсатган бўлса, Саудия Арабистони, Туркия, Эрон ва Ливиянинг маблағ ва қуроллар томонидан Боснияга ёрдам кўрсатиши ғоявий ёки куч сиёсати ёхуд иқтисодий қизиқишлар сабабидан эмас, балки маданий қариндошлик туфайли эканлигидан далолатдир. “Маданий низолар”, - дея кузатади Ваклав Хевл, - “тарихга нисбатан олиб қарасак, ҳозирги кунда янада ошиб, хавфли тусга кириб бормоқда”. Бу фикрга Жекус Делорс кўшилар экан: “келажакдаги низолар иқтисодий ёки ғоявий омилларга нисбатан, маданий омиллар орқали кўпроқ учкун олади”, - дейди. Энг хавфли маданий низолар эса цивилизацияларнинг ўртасидаги бўлиниш чизиғида ётади.

Совуқ урушдан кейинги йилларда маданият бўлувчи ва бирлаштирувчи кучга айлана борди. Инсонлар ғоявий бўлинган бўлсалар-да, улар маданий бирлаша олардилар, буни Германия амалга оширгани, шунингдек, икки Корея ҳамда бир нечта хитойликларнинг бирлашиш арафасида тургани мисолида кўришимиз мумкин. Жамиятлар ғоявий ёки тарихий ҳолатларда бирлашиши мумкин, аммо цивилизацияларга кўра ё Совет Иттифоқи, Югославия ва Босния каби бўлиниб кетади, ёки Украина, Нигерия, Судан, Ҳиндистон, Шри-Ланка ва бошқа мамлакатлар каби кучли зўриқишга учрайди. Маданий яқинликка эга мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик қилишади. Маданий умумийликка эга давлатларга асосланган халқаро ташкилотлар, мисол учун Европа

Иттифоқи, ҳаддан ортиқ маданиятлашаётганларга нисбатан анча муваффақиятга эришмоқда. Қирқ беш йил мобайнида Темир парда чизиғи Европанинг марказий ажратувчи чизиғи бўлди. Бу чизиқ шарққа қараб бир неча юзлаб милягача чўзилганди. Ҳозирги кунда эса бу чегара Ғарб христианлигини муслим ва бошқа эътиқодли инсонлардан ажратиб турувчи чизиққа айланди.

Қадриятлар, ижтимоий муносабатлар, одатлар ва ҳаётга нисбатан қарашлар асосида ётувчи фалсафий фаразлар цивилизациялар орасида катта фарққа эга. Диннинг дунёнинг кўпгина қисмида жонлантирилиши маданий фарқларни мустаҳкамлаб боряпти. Маданиятлар ўзгариши мумкин, худди шундай, уларнинг сиёсат ва иқтисодийга нисбатан таъсир табиати ҳам бир даврдан бошқа даврга нисбатан фарқ қилади. Бироқ цивилизациялар ичра иқтисодий ва сиёсий ривожланишлардаги катта ўзгаришлар уларнинг турли хил маданиятларига бориб тақалади. Шарқий Осиёнинг иқтисодий муваффақияти асоси Шарқий Осиё маданиятида ётади, чунки Шарқий Осиё жамиятлари кўрган қийинчиликлари орқали демократик сиёсий тизим мувозанатига эришди. Исломи маданияти эса муслим дунёсида демократиянинг рўй бериш эҳтимоллигини йўққа чиқаришда энг катта сабабдир. Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқининг посткоммунист жамиятларининг тараққиёти уларнинг цивилизациявий айниятларига асосан шаклланди. Ғарбий христиан маданий меросига эга бўлганлар иқтисодий тараққиёт ва демократик сиёсатга нисбатан жадал ривожланишда бўлса, православ мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти мавҳум, муслим мамлакатларининг истиқболи эса мудҳиш аҳволда қолмоқда.

Ғарб ҳозирда ва келаётган бир неча йилларда энг кучли цивилизация бўлиб қолади. Аммо унинг бошқа цивилизацияларга нисбатан қудрати заифлашиб бормоқда. Ғарб мамлакатлари ўз қадриятларини тасдиқлаш ва манфаатларини ҳимоя қилишга уринишса, ғарбий бўлмаган мамлакатлар танловга қарши бўлишади. Айримлари Ғарб билан мусобақалашади, ҳамкорлик қилишади ёки жайдари қилиб айтганда, “аравасига осилиб олади”. Конфуций ва исломий жамиятлар эса Ғарбга нисбатан “мувозанатлашиш” ва қарши туриш учун ўзларининг иқтисодий ва ҳарбий кучларини кенгайтиришга уринишмоқда.

Совуқ урушдан кейинги йиллар сиёсатининг марказий ўқи Ғарб қудрати ва маданияти ғарбий бўлмаган мамлакатлар цивилизациясининг маданияти ва қудрати билан ўзаро алоқага киришувидадир.

Хулоса қилсак, Совуқ урушдан кейинги йиллардаги дунё етти ёки саккизта цивилизация дунёсидир. Маданий умумийликлар ва фарқлар манфаатлар, антагонизмлар ва давлатлар ҳамкорлигини шакллантиради. Жаҳонда жуда аҳамиятли мамлакатлар катта эҳтимол билан турли хил цивилизациялардан келиб чиқади. Маҳаллий низоларнинг катта урушлардек аланга олиб кетиши, асосан, турли цивилизацияларга тегишли гуруҳлар ва мамлакатлар ўртасида юз беради. Сиёсий ва иқтисодий ривожланишларнинг устунлик намуналари цивилизациядан цивилизацияга ўзгариб боради. Халқаро кун тартибидаги асосий муаммолар цивилизациялар орасидаги фарқларни қамраб олади. Қудрат узоқ вақтлик ғарбдан ғарбий бўлмаган мамлакатларга кўчиб ўтмоқда. Глобал сиёсат кўп қутбли ва мултицивилизациявий сиёсатга айланди.

Бошқа дунёлар?

Харита ва парадигмалар. Маданий омиллар туфайли шаклланган ҳамда турли цивилизациялар гуруҳлари ва давлатларнинг ўзаро муносабатларини ўз ичига олган дунё сиёсатининг Совуқ урушдан кейинги ушбу манзараси анча соддалашган. Негаки, бунда кўплаб омиллар ҳисобга олинмайди, баъзи нарсалар бузиб талқин этилса, бошқалари ноаниқ бўлиб қолади. Шундай бўлса ҳам дунёдаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва унга самарали таъсир кўрсатиш учун қандайдир соддалаштирилган реаллик харитаси, қанақадир назария, концепция, модел ёки намуна зарур бўлади. Бундай ўйлаб топилган назарияларсиз, Уилям Жеймс айтганидек, “чалкаш алғов-далғовлик” сақланиб қолади. Томас Кун ўзининг классик асари “Илмий инқилоблар структураси”да кўрсатган илмий ва интеллектуал ривожланиш янги ёки қайтадан кашф этилган фактларни изоҳлашга анча яроқсиз бўлган бир парадигма(намуна)нинг шундай фактларни қониқарлироқ кўринишда баён этадиган бошқа парадигмага алмашишини ўзида мужассам этган. “Парадигма сифатида қабул қилиниши

учун, - ёзади Кун, - назария ўзининг муқобилларидан устунроқ бўлиши керак, аммо у қийинчилик туғдира оладиган барча фактларни ҳам изоҳлаши шарт эмас ва умуман буни амалга ошира олмайди ҳам”. “Нотаниш жойдан ўтиш учун, - зукколик билан изоҳлайди Жон Люис Геддис, - одатда кишига қандайдир харита керак бўлади. Картография, ўзини англатганига биноан бизга қаердалигимиз ва қаёққа бора олишимиз мумкинлигини кўришга имкон берадиган зарур содалаштириш ҳисобланади”. Унинг тасвирлашича, Совуқ уруш давридаги суперкудратли давлатлар ўртасидаги рақобат тимсоли 1-мартта Гарри Труман томонидан ифодалаб берилган “ҳамма тушуна оладиган халқаро ландшафтни тасвирлайдиган ва шу тариқа тийиб туришнинг яқин орада юз берадиган мураккаб стратегиясига замин тайёрлайдиган геосиёсий картография усули” каби эди.

Дунёқарашлар ва сабабий назариялар халқаро сиёсатнинг ажралмас мўлжаллари саналади. 40 йил мобайнида халқаро муносабатлар тадқиқотчи ва изланувчилари дунёдаги вазиятнинг жуда содалашган, аммо анча фойдали бўлган Совуқ уруш парадигмаси асосида ўйлашди ва ҳаракат қилишди. Бу парадигма дунё сиёсатида содир бўлган барча нарсани изоҳлай олмади. Кун таъбири билан айтганда, бу ҳолатда кўплаб аномалиялар бўлган ва ушбу парадигма ўз даврида олимлар, давлат арбобларининг хитой-совет қарама-қаршилиги каби муҳим ҳодисалардан кўз юмишига олиб келган. Шундай бўлса ҳам, глобал сиёсатнинг оддий модели сифатида у кўпроқ муҳим бўлган ҳодисаларни ўзининг бошқа муқобил рақибларидан кўра батафсилроқ изоҳлай олган. У халқаро вазият ҳақида фикрлаш учун асосий бошланиш нуқтаси бўлган, деярли ҳамма жойда қабул қилинган ва икки авлод дунё сиёсати ҳақида фикр юритишни шакллантирган. Содалашган парадигмалар ёки хариталар инсон ўйлари ва ҳаракатлари учун муҳим саналади. Бир томондан, биз назария ва моделларни равонлик билан шакллантиришимиз ва уларни онгли равишда хатти-ҳаракатларимизга йўл кўрсатувчи сифатида қабул қилишимиз мумкин. Бироқ, агар биз шундай тахмин қилсак, ўзимизни алдаган бўламиз. Чунки, бизнинг онгимиз тубида реалликни қандай ҳис этишимиз, қандай фактларга диққат қаратишимиз ва қандай қилиб биз уларнинг аҳамияти ва афзалликларига

баҳо беришимизни аниқловчи фаразлар, нотўғри тушунчалар ва асоссиз фикрлар бор.

- 1) Реалликни тизимлаштириш ва умумлаштириш;
- 2) ходисалар орасидаги сабабий муносабатларни тушуниш;
- 3) олдиндан ҳис этиш ва мабодо, омадимиз юришса, келажақдаги ходисаларни олдиндан айтиш;
- 4) муҳим ва муҳим бўлмаганларни фарқлай олиш;
- 5) мақсадга эришиш учун қайси йўлдан бориш кераклигини кўрсатишга бизга имкон берадиган яққол (эксплицит) ва яққол бўлмаган (имплицит) моделлар зарур бўлади.

Ҳар қандай модел ёхуд харита мавҳумлик ҳисобланиб, фақат битта мақсадда бошқаларига қараганда кўпроқ фойдали бўлади. Йўл харитаси бизга А нуқтадан Б нуқтагача автомобилда қандай бориш мумкинлигини кўрсата олади. Аммо биз самолёт бошқараётганда ҳаво ҳудудида белгиланган харита, радиосигналлар, учиш йўналишлари ва топографияга муҳтож бўлган пайтимизда у фойда бермайди. Аммо харитасиз адашиб қолиш мумкин. Харита қанчалик муфассал бўлса, у шунчалик реалликни ўзида акс эттиради. Бироқ жуда мукамал, тўлдирилган харита кўп мақсадлар учун фойдали бўлмайди. Агар бир йирик шаҳардан иккинчисига йирик магистрал орқали боришни хоҳласак, биз умуман транспорт тизимига алоқаси бўлмаган ва йирик йўллар иккиламчи тўрида аралашиб кетган кўп маълумотли харитага эҳтиёж сезмаймиз. Бошқа тарафдан, фақатгина йирик автомагистрал тасвирланган харита йирик автоҳалокат ҳолатлари ва ундан келиб чиққан тирбандлик вазиятларида бизнинг муқобил йўлни излаш имкониятларимизни чеклаб қўяди. Қисқа қилиб айтганда, бизга реалликни тасвирлайдиган ва бизнинг мақсадимизга энг мувофиқ тарзда содалаштирилган харита зарурдир. Совуқ уруш сўнгида дунё сиёсатининг бир нечта харита ёки парадигмалари ишлаб чиқилган.

Битта дунё: Эйфория ва гармония. Кўп тилга олинган бир парадигма Совуқ урушнинг тугаши дунё сиёсатидаги кенг қамровли зиддиятнинг якунини ва нисбатан ҳамжихат дунёнинг пайдо бўлишини англатади, фаразга асосланган. Ушбу парадигманинг энг кенг муҳокама қилинган таърифи Френсис Фукуяма томонидан илгари сурилган “тарихнинг якуни” назарияси эди. “Шунинг гувоҳи бўлишимиз мумкинки, - ишора қилади Фукуяма, - тарихнинг якуни – одамзот мафкуравий эволюциясининг якуний нуқтаси ва инсоният бошқарувининг сўнгги шакли сифатидаги Ғарбий либерал-демократиянинг универсаллашувини англатади. Албатта, қаердадир Учинчи дунёда зиддиятли ҳудудлар бўлиши мумкин, аммо глобал зиддиятлар ортда қолди ва бу фақатгина Европада ҳам эмас. Айнан Европадан ташқари дунёда, энг аввало, Хитой ва Совет Иттифоқида улкан ўзаришлар юз берди. Ғоялар уруши ниҳоясига етди. Марксизм-ленинизм тарафдорлари ҳали ҳам Манагуа, Пхенянь ва Массачусетснинг Кембридж шаҳри каби ҳудудларда учраши мумкин, лекин, умуман олганда, либерал-демократия зафар қозонди. Келажак ғоялар ортидаги буюк курашларга эмас, балки ҳеч кимнинг қизиқишини жалб этмайдиган иқтисодий ва техник муаммоларни ҳал қилишга бағишланадиган бўлди ва шубҳасиз, буларнинг бари анчагина зерикарли бўлиши мумкин”.

Ҳамжихатлик хомхаёлига берилиш кенг авж олган эди. Сиёсатчилар ва зиёли қатлам вакиллари ўхшаш қарашларни ривожлантиришди. Берлин девори кулади, коммунистик тузумлар барҳам топди, БМТ янгича аҳамиятга эга бўлган ташкилотга айланди, Совуқ урушдаги собиқ рақиблар “ҳамкорлик” ва “буюк битим”га жалб этилдилар, тинчликсеварлик ва тинчлик ўрнатиш кун тартибидан жой олди. Дунёнинг етакчи мамлакати президенти “янги дунё тартиби”ни тантанали равишда эълон қилди. Дунёнинг олди университети президенти хавфсизлик бўйича изланиш олиб борадиган профессор хизматидан воз кечди, негаки бунга эҳтиёж қолмаган эди. Hallelujah (Ура)!!! Биз ортиқ урушни ўрганмаймиз, боиси, бундан буёғига уруш бўлмайди”.

Совуқ уруш тугалланишидаги эйфория вақти кейинчалик тезда сароб эканлиги аён бўлган ҳамжихатлик хомхаёлини юзага келтирди. 90-йиллар бошида дунё аввалгидан ўзгача бўлди, аммо доимий тинч сақланмади.

Ўзгаришлар бўлиши муқаррар, ривожланиш эса аксинча. XX асрнинг ҳар бир йирик зиддияти сўнгидаги ҳамжиҳатликнинг ўхшаш хомхаёли узоққа бормади. I жаҳон уруши “урушга яқун ясовчи уруш” эди ва у дунёда демократияни ўрнатиши керак эди. Франклин Рузвелт ифода этганидек, “Бир томонлама ҳаракат тизими, бир-бирини инкор этувчи иттифоқлар, куч-қудратдаги қарама-қаршилиқларни тугаллаши керак бўлган II жаҳон уруши ва бир неча асрлар давомида амалга оширилган ҳаракатлар ҳеч қандай натижа бермади”. Бунинг ўрнига биз “тинчликсевар мамлакатлар” нинг “умумжаҳон ташкилоти” ни ва “доимий тинчлик тузилмаси”нинг асосини яратишимиз керак. I жаҳон уруши, аксинча, коммунизм, фашизмни олиб келди, демократия сари қаратилган юз йиллик ҳаракатни тесқари томонга буриб юборди. II жаҳон уруши ҳақиқатда глобал бўлган Совуқ урушни келтириб чиқарди. Совуқ уруш сўнгидаги ҳамжиҳатлик хомхаёли тез орада этник зиддиятлар ва “этник тозалаш” нинг ривожланиши, қонун ва интизомнинг бузилиши давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва иттифоқларнинг янги намуналари пайдо бўлиши, нео-коммунист ва нео-фашист ҳаракатларининг юзага келиши, диний фундаментализмнинг чуқурлашиши, Россиянинг Ғарб билан муносабатларида “табассум дипломатияси” ва “Ҳа! сиёсати”нинг барҳам топиши, БМТ ва АҚШ нинг маҳаллий қонли зиддиятларни бостришга қобилиятсизлиги, Хитойдан ўзиб кетишга бўлган ўз-ўзига ишончнинг ортиши туфайли кўздан ғойиб бўлди. Берлин девори қулаганидан 5 йил ўтиб, “генотсид” атамаси Совуқ урушнинг ҳар қачонги 5 йиллигидан кўра кўпроқ кулоққа чалинди. Совуқ урушдан кейинги фойдали кўрсаткич бўлиши мумкин бўлган ҳамжиҳат дунё парадигмаси ҳақиқатдан анча йироқ эди.

Икки дунё: Биз ва Улар. Йирик зиддиятлар яқунидаги ягона дунё умидлари юзага келган бир пайтда инсоният тарихи мобайнида иккита дунё асосида фикрлашга мойиллик қайта-қайта такрорланади. Одамлар доимо ўзларини “биз” ва “улар”га, “гуруҳ аъзолари” ва “ўзгалар”га, “бизнинг цивилизация” ва “варварлар”га ажратишга мойилдирлар. Олимлар дунёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб, марказ ва ташқари (периферия) жуфтликлари бўйича

таҳлил қилишган. Муслмонларда анъанавий равишда “дар ул-ислом” ва “дар ул-Ғарб”, тинчлик манзили ва уруш манзили каби бўлиниш мавжуд. Бу тафовутлар Совуқ уруш сўнгида дунёни “тинчлик зонаси” ва “тартибсизлик зонаси” каби зоналарга бўлган америкалик олимлар томонидан акс эттирилган ва қайсидир маънода тескари буриб юборилган. Биринчиси Ғарб ва Японияни – дунё аҳолисининг 15% ини ўз ичига олган, иккинчиси эса қолган аҳолини қамраб олган.

Бу қисмларнинг қандай аниқланишига боғлиқ равишда дунёнинг икки қисмдан иборат манзараси қайсидир меъёрга биноан реаллик билан мос келиши мумкин. Турли хил номлар остида келадиган энг кенг тарқалган бўлиниш бой (замонавий, ривожланган) ва камбағал (анъанавий, ривожланмаган ёки ривожланаётган) мамлакатлар ўртасида. Ушбу иқтисодий бўлиниш билан тарихий жиҳатдан мослик иқтисодий фаровонликдаги камроқ фарқлар ва яшаш тарзи, қадриятлар ва фалсафий ёндашувлардаги кўпроқ фарқларга эга Ғарб ва Шарқ ўртасидаги маданий бўлиниш ҳисобланади. Ушбу намуналарнинг ҳар бири реалликнинг бир нечта элементларини акс эттиради, аммо баъзи чекловлар боис оқсайди. Бой ва ривожланган мамлакатлар ўзига хос хусусиятлари билан бошқа хусусиятларга эга камбағал давлатлардан ажралиб турадилар. Бойликдаги тафовутлар жамиятлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради, аммо далиллар шуни кўрсатадики, бу, биринчи навбатда, бой ва кўпроқ қудратли жамиятлар нисбатан камбағал ибтидоий жамиятларни забт этиш ва мустамлака қилишга уринган пайтларида юз беради. Ғарб буни 400 йиллар мобайнида амалга оширди, сўнгра бир қанча мустамлака остидаги давлатлар мустамлакачи давлат ўз империясини қўллаб-қувватлаш имкониятини бой берган бир пайтда уларга қарши озодлик учун қўзғолонлар кўтаришди. Бугунги кунда деколонизация (мустанлакадан чиқариш) амалга ошган ва мустамлака ҳукуматга қарши озодлик курашлари ўрнига мустақил жамиятлар ўртасида ўзаро низолар юз бермоқда.

Бойлар ва камбағаллар орасида анча юқори даражадаги зиддиятларнинг эҳтимоли кам, чунки алоҳида вазиятларни ҳисобга олмаганда, бой давлатларга қарши туриш учун камбағал мамлакатларда сиёсий уюшганлик ҳам, иқтисодий қудрат ҳам, ҳарбий имконият ҳам етарли эмас. Осиё ва Лотин Америкасининг иқтисодий ривожланиши оддийгина «эгаман» ва «эга эмасман» тафовутларини хиралаштиради. Бой давлатлар бир-бирлари билан савдо урушларида курашишлари, камбағал давлатлар эса ўзаро зўравонлик урушлари асосида курашишлари мумкин, аммо қашшоқ Жануб ва бой Шимол ўртасидаги халқаро аҳамиятдаги уруш ягона бахтли ҳамжихат дунёда содир бўлгани билан деярли ҳақиқатдан йироқдир. Дунёнинг маданий белгилар бўйича икки қисмга бўлиниши ҳали ҳам кам аҳамиятга эга. Қайсидир даражада Ғарб ягона саналади. Аммо, ғарб бўлмаган жамиятларда, улар ғарб эмас деган фактдан ташқари яна қандай муштараклик бор? Япон, хитой, ҳиндуй, мусулмон ва африкаликлар цивилизациялари дин, ижтимоий тузилмалар, жамият ташкилотлари ва муштарак қадриятлар борасида анча кам умумийликка эгадирлар. Ғарб бўлмаганлар бирлиги ва Ғарб-Шарқ қарама-қаршилиги ғарбликлар томонидан ўйлаб топилган афсоналардир.

Бундай афсоналар "ўзимизникилар (Европа, Ғарб, биз) ва бегоналар (Шарқ, улар) орасидаги фарқлар"нинг тарғибот қилиниши ва азалдан аввалгиси кейингисидан устунлигининг иддао қилиниши Эдуард Сед томонидан ҳаққоний танқид қилинган шарқшунослик камчиликларидан зарар кўради. Совуқ уруш даврида дунё сиёсий кўлам бўйича анчагина юқори даражада кутбларга ажралган эди. Аммо ягона маданий кўлам мавжуд эмасди. Ғарб ва Шарқ каби кутбларга бўлиниш, кенг тарқалган, аммо нотўғри тушунча – Европа ва Ғарб цивилизацияларининг бир хил қабул қилинишини тахмин қилади. "Ғарб ва Шарқ"нинг ўрнига жуда кўп Ғарбдан бошқалар мавжудлигини назарда тутувчи "Ғарб ва бошқалар" дейилиши қўллаш учун жуда мос. Дунё жуда мураккаб, уни иқтисодий жиҳатдан тасаввур қилиш учун

Шимол ва Жанубга, маданий томондан тасаввур қилиш учун Ғарб ва Шарққа ажратилади.

Деярли 184 мамлакат. Совуқ урушдан кейинги учинчи харита одатда "реалистик" назария деб аталадиган халқаро муносабатлар назариясидан келиб чиққан. Бу назарияга кўра давлатлар дунё саҳнасида асосий, ҳатто ягона ўйинчилар ҳисобланиб, улар ўртасидаги муносабатлар - анархия, шу сабабли ўзларининг тирикликлари ва хавфсизликларини мустаҳкамлаш мақсадида доимо мамлакатлар ўз қудратларини оширишга ҳаракат қиладилар. Мабодо бир давлат иккинчи давлатнинг қудрати ошаётгани ва бунинг воситасида эҳтимолий таҳдид юзага келаётганини кўрса, у мамлакат ўз қудратини ошириш ва ёки бошқа мамлакатлар билан иттифоққа қўшилиш орқали ўз хавфсизлигини ҳимоялашга ҳаракат қилади. Ушбу фаразлар орқали Совуқ урушдан кейинги деярли 184 та мамлакатнинг қизиқишлари ва саъй-ҳаракатларини олдиндан айтиш мумкин.

Дунёнинг бундай "реалистик" манзараси халқаро муносабатларни таҳлил қилиш ва кўпчилик ҳукуматларнинг феъл-атворини изоҳлашда юқори самарадор етакчи манба саналади. Давлатлар дунёдаги жараёнларда устун бўлган бирликлардирлар ва шундай бўлиб қоладилар. Улар қўшинлар сақлайдилар, дипломатик алоқалар олиб борадилар, битимлар тузадилар, уруш олиб борадилар, халқаро ташкилотларни назоратга оладилар савдо ва ишлаб чиқаришга таъсир этадилар ҳамда кўпинча уларни шакллантирадилар. Мамлакат ҳукуматлари ташқи хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ўз давлати учун юқори устуворлик яратади (гарчи улар кўпинча ички таҳдидлардан ҳимояланиш учун бундай устуворлик беришса ҳам). Умумий олганда, бу статистик парадигма бизга бир ёки икки концептуал схемалардан кўра глобал сиёсатнинг янада реалроқ манзараси ва йўналишларини тақдим этади.

Аммо у бир нечта чекланишлар билан чегараланиб қолади.

У барча давлатлар ўз манфаатларини бир хил йўл билан фаҳмлашлари ва бир хил йўл билан ҳаракат қилишларини тахмин қилади. Ушбу содда фараз шуки, куч-қудрат бу мамлакатлар феъл-атворини тушунишда таянч нуқта бўладиган ҳамма нарса, аммо у бизни узоққа олиб бормади. Мамлакатлар ўз манфаатларини фақат куч-қудрат жиҳатдан эмас, бошқа нуқтаи назардан ҳам аниқлайдилар. Давлатлар, албатта, кучга қарши куч мувозанатини сақлашга интилишади, аммо улар шундай қилишганида эди, Ғарбий Европа давлатлари 1940-йиллар охирларида АҚШга қарши Совет Иттифоқи билан бирлашган бўларди. Давлатлар, аввало, кўзга ташланиб турган таҳдидларга жавоб қайтаришади, Ғарбий Европа давлатлари кўришдики, сиёсий, ғоявий ва ҳарбий таҳдидлар Шарқдан келаётган эди. Улар ўз маслақларини классик реалистик назария орқали олдиндан кўрсатилганидек битта йўлда кўришмади. Мамлакатлар ўз қизиқишларини қандай белгилашига қадриятлар, маданият ва анъаналар кенг қамровли таъсир кўрсатади. Давлатларнинг қизиқишлари нафақат уларнинг миллий қадрият ва анъаналари орқали, балки халқаро нормалар ва қоидаларга биноан шаклланади. Бундан ташқари, ўзларининг биринчи навбатдаги хавфсизликларини таъминлаш учун қайғуришлари бўйича, турли давлатлар ўзларининг қизиқишларини турлича аниқлашади. Ўхшаш маданият ва урф-одатларга эга мамлакатлар ўхшаш қизиқишларга эга ҳисобланадилар. Демократик давлатларда бошқа демократик давлатлар билан умумийликлар бор ва шу туфайли бир-бирлари билан зиддиятга бормадилар. Канадага АҚШ тажовузидан сақланиш учун ҳеч қандай иттифоққа қўшилиш шарт эмас.

Шундай қилиб, статистик "реалист" назария асосида қилинган тахминлар тарих мобайнида тасдиқланиб келган. Шунга қарамай, ушбу модел қандай қилиб Совуқ урушдан кейинги жаҳон сиёсати Совуқ урушгача ва Совуқ уруш давридаги глобал сиёсатдан фарқ қилганлигини тушунишга ёрдам беролмайди. Бироқ, шуниси аниқки, тафовутлар мавжуд ва давлатлар бир

тарихий даврдан бошқасига ўтганда ўз манфаатлари ортидан турлича эргашадилар. Совуқ урушдан кейинги даврдаги жаҳонда мамлакатлар ўз манфаатларини цивилизация ўлароқ аниқлайдилар. Улар ўзларига маданий ўхшаш ёки бир хил бўлган давлатлар билан иттифоққа бирлашадилар ёки ҳамкорлик қиладилар ва кўп ҳолларда бошқа маданиятга эга давлатлар билан зиддиятга киришадилар. Давлатлар хатарларни бошқа мамлакатларнинг мақсад-муддаолари асосида аниқлайдилар ва ушбу муддаолар ҳамда уларнинг рўёбга чиқиш усуллари - кучли даражада маданий идрок этиш туфайли шаклланади. Ижтимоий ва сиёсий арбоблар ўзлари тушунадиган кишилардан хавф кутишга мойил эмаслар, балки уларга тил, дин, қадриятлар, одатлар ва маданият умумий бўлгани туфайли ишонадилар. Арбоблар маданияти ўзгача бўлган жамиятлардан ташкил топган давлатлардан кўпроқ хавф кутишга мойилдирлар, шу сабабли уларга ишонмайдилар ва уларни тушунмайдилар. Бугунги кунда марксист-ленинистик Совет Иттифоқи энди эркин дунёга хавф сола олмайди ва АҚШ ҳам коммунистик дунё учун жавоб таҳдиди кўрсатмайди, иккала дунёнинг ҳам давлатлари бошқа бегона маданият жамиятларидан хавф кутишади.

Давлатлар дунё ишларида асосий иштирокчи бўлиб қолаётган бир пайтда, улар жиддийлик, функциялар ва куч йўқотишларига дуч келмоқдалар. Энди халқаро институтлар ҳукм қилиш ҳуқуқига ва давлатларнинг ўз ҳудудларида қилаётган ишларига чек қўйишга ҳақли. Баъзи ҳолатларда, хусусан, Европада, халқаро институтлар илгари давлатлар томонидан бажариладиган муҳим функцияларни ўз зиммаларига олишди ва бевосита фуқароларнинг ўзига бевосита ишлайдиган кучли халқаро бюрократиялар яратилди. Дунё миқёсида штатлар ҳукуматлари субстанциялар, минтақавий, вилоят ва маҳаллий сиёсий субъектларга ўтиш орқали ҳокимиятни йўқотиш тенденциясига эга. Кўпгина давлатларда, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда, минтақавий ҳаракатлар муҳим автономия ёки ажралишни

тарғиб қилади. Штатлар ҳукуматлари мамлакатларида ва ундан ташқарида пул оқимларини бошқариш қобилятини сезиларли даражада йўқотдилар ва ғоялар, технологиялар, товарлар ва одамлар оқимини назорат қилишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Қисқаси, давлат чегаралари тобора кўпроқ ўтиб борадиган бўлди. Ушбу барча воқеалар кўпчиликка аста-секин “билярд тўпи” давлатининг аста-секин тугашини кўришга олиб келди, бу ҳолат 1648 йил Вестфалия келишувидан бери ва одатий, мураккаб, кўп қиррали халқаро тартиб пайдо бўлганидан бери одатий ҳол бўлиб келган. Ўрта асрлар даврига ўхшаш.

Бутун тартибсизликлар. Штатларнинг заифлашиши ва “муваффақиятсиз давлатлар” пайдо бўлиши анархия дунёсининг тўртинчи кийёфасига ёрдам беради. Ушбу парадигма таъкидлайди: давлат ҳокимиятининг бузилиши; давлатлар парчаланиши; қабилавий, этник ва диний можароларнинг кучайиши; халқаро жинойт мафияларнинг пайдо бўлиши; ўнлаб миллионларга кўпайиб кетган қочоқлар; ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуроллари сонининг ортиши; терроризмнинг тарқалиши; оммавий қирғин ва этник тозалашнинг кенг ёйилиши. Тартибсиз дунёнинг суръати мутлақ жадал илгарилаётган эди, шунингдек, 1993 йилда чоп этилган Даниел Патрик Мойниханнинг “Пандемониум” ва Збигнев Бжезинскийнинг “Назоратдан ташқарида” номли ўткир асарлари сарлавҳаларида хулоса қилинган.

Штатлар парадигмаси сингари, тартибсизлик парадигмаси ҳам ҳақиқатга яқин. У дунёда содир бўлаётган нарсаларнинг кўпчилигининг аниқ тасвирини акс эттиради ва давлатлар парадигмасидан фарқли ўлароқ, Совуқ уруш тугаши билан жаҳон сиёсатидаги сезиларли ўзгаришларни таъкидлайди. Масалан, 1993 йил бошига келиб дунё миқёсида тахминан 48 та этник урушлар бўлиб ўтди ва собиқ Совет Иттифоқида 164 та “худудий-этник даъволар ва низолар” мавжуд бўлиб, уларнинг 30 таси қуролли тўқнашувнинг айрим турларини ўз ичига олган. Аммо бу ҳақиқатга яқин бўлган давлатлар парадигмасига қараганда анча қийин вазиятни бошдан кечиради. Дунё

тартибсиз бўлиши мумкин, аммо бутунлай эмас. Умумжаҳон ва фарқланмаган анархия тасвири дунёни тушуниш, воқеаларни тартибга солиш ва уларнинг аҳамиятини баҳолаш, анархия тенденцияларини башорат қилиш, бетартиблик турлари ва уларнинг сабаблари ҳамда оқибатларини ажратиш, ҳукумат учун кўрсатмаларни ишлаб чиқиш учун бир қанча маълумотлар билан таъминлайди.

Дунёларни таққослаш: реализм, парсимония ва башоратлар

Ушбу тўрт парадигмаларнинг ҳар бири реализм ва парсимониянинг бироз ўзгача комбинациясини таклиф этади. Шунингдек, ҳар бирининг нуқсон ва меъёрлари бор. Ўйлаб кўрсак, уларга парадигмаларни уйғунлаштириш орқали қарши туриш мумкин ва бундан, мисол тариқасида, дунё бир вақтда ҳам парчаланиш, ҳам интеграция жараёнларини бошидан ўтказмоқда. Бу икки йўналишлар ҳақиқатан мавжуд ва комплекс моделлар оддийсига нисбатан қараганда ҳақиқатга анча яқинроқ. Аммо бу парсимонияни реализм учун қурбон қилади ҳамда узоқ давом этган тақдирда, барча парадигма ёки теорияларнинг рад этилишига олиб келиши мумкин. Қўшимча қилиб айтганда, бу икки қарама-қарши йўналишларни бир вақтда қабул қилиш орқали парчаланиш-интеграция модели қандай ҳолатларда бир йўналиш самарали бўлиши, қандай ҳолатларда эса бошқаси самарали бўлишини ифодалашда муваффақиятсизликка учрайди. Қийини эса ҳал қилувчи воқеалар билан ҳисоблашадиган ва интеллектуал мавҳумликнинг бир ҳил даражасидаги ўзга парадигмаларга қараганда йўналишларни яхши англашга хизмат қилувчи парадигмаларни шакллантиришдир.

Бу тўрт парадигмалар бир-бирига номутаносибдир. Дунё бирваракайига иккитадан бўла олмайди, яъни асосли қараганда Шарқ ва Ғарб ёки Шимол ва Жанубга бўлина олмайди. Шунингдек, миллий давлат ҳам, агар у парчаланаётган ва ортиб бораётган фуқаролик урушидан вайрон бўлаётган бўлса, халқаро жараёнларда асосий қоя бўла олмайди. Дунё ёки бир, ёки икки, ё 184 мамлакат, ё худ потенциал қараганда деярли номаълум сондаги қабила, этник гуруҳ ва миллатлардир.

Дунёни етти ёки саккиз цивилизациялар тариқасида кўриш кўпгина муаммо-қийинчиликларни четлаб ўтади. Бунда бир ёки икки дунёлик парадигмалар каби реалликни парсимонияга қурбон қилмайди, шунингдек, статистика ва бетартиблик парадигмалари каби парсимонияни реалликка қурбон қилмайди. Бу нарса дунёни тушуниш учун ақлий рамка (framework) ва осонликча англаш, ошиб бораётган низолар ва келажакдаги тараққиёт башоратлари ичра қайси бири муҳим, қайси бири номуҳим эканлигини фарқлашда ёрдам беради ҳамда сиёсатчилар учун йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бошқа парадигмаларнинг элементларини бирлаштиради ва ривожлантиради. Бу бир-бирига қараганда айнан уларга мос келади. Цивилизациявий ёндашув, мисол қилсак, қуйидагиларни қамраб олади:

- Дунёда интеграция кучи реал ва аниқки, цивилизациявий онг ва маданий тасдиқларнинг қарши кучларини шакллантиради.
- Дунё қайсидир маънода иккитадир, аммо асосий фарқ шу пайтгача доминант цивилизация деб ҳисобланувчи Ғарб ва бир-бирида бироз ўхшашликлари мавжуд бўлган бошқа цивилизациялар ўртасидадир. Қисқача айтсак, дунё ягона Ғарб ва ғарбий бўлган кўплик ўртасида бўлинган.
- Миллий мамлакатлар дунё воқеаларида энг муҳим актёрлар бўлган ва бўлади ҳам. Аммо уларнинг қизиқишлари, ҳамкорликлари ва низолари шиддатли тарзда маданий ва цивилизациявий омиллар орқали шаклланади.
- Дунё аслида анархиядир, миллий ва маҳаллий низолар илдиз отган, аммо бу низолар турли цивилизациядаги гуруҳлар ва давлатлар ўртасидаги турғунликка жуда катта хавф туғдиради.

Цивилизациявий парадигма бирмунча соддароқ ифодаланса-да, XX аср охирида дунёда содир бўлаётган ҳодисаларни англаш учун содда харита эмас. Ваҳоланки, ҳеч қайси бир парадигмани энг яхшиси дея олмаймиз. Жаҳон сиёсатининг Совуқ уруш модели қирқ йилча вақт фойдали ва мувофиқ бўлган

бўлса-да, 1980-йиллар охирига келиб эскирди ва баъзи нуқталар ҳисобига кўра цивилизациявий парадигмани ҳам шундай тақдир кутади. Ҳозирги замонавий давр учун бу парадигма муҳим нарсаларнинг номуҳим нарсалардан фарқлаш учун фойдали йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, 1993 йил бошларида жаҳонда юз берган 48 этник низоларнинг деярли ярми турли цивилизацияга мансуб бўлган гуруҳлар ўртасида рўй берди. Цивилизационал нуқтаи назар БМТ бош котиби ва АҚШ давлат котибини бошқаларни урушни кучайтиришга жалб қилиш эҳтимоли катта бўлган бу низоларни тинчлантиришга уринишга сабаб бўлди.

Парадигмалар башорат ҳам қила олади ва парадигма давомийлигининг ҳал қилувчи синови ва фойдалилиги муқобил парадигмаларга қараганда ундан келиб чиққан башоратлар анча аниқроқ бўлиб чиққан даражададир. Масалан, статистик парадигмалар Жон Мершмейрнинг башорат қилишига олиб келди: Украина ва Россия ўртасидаги ҳолат улар ўртасидаги хавфсизлик мусобақасининг ибтидоси етилишига олиб келди. Украина ва Россияга ўхшаб ҳимоясиз ва узун чегаралар билан ўртоқлашган буюк кучлар кўпинча хавфсизлик ҳавотиридан келиб чиққан мусобақа вазиятига тушиб қолади. Россия ва Украина бу динамикага ечиб топиши ва тинч-осуда яшашга келишиб олиши мумкин, аммо бу амалга ошса, жуда ноодатий бўлар эди. Бошқа томондан қарасак, цивилизациявий ёндашув Россия ва Украина ўртасидаги яқин маданий, шахсий ва тарихий ришталарга ҳамда руслар ва украинларнинг иккала мамлакатда аралашиб кетганлигига урғу беради, аммо Православ Шарқий Украинаси ва Униат Ғарбий Украинасининг цивилизациявий бўлиниш чизиғига эътибор қаратиб, узоқ вақт мобайнида асосий тарихий факт бўлиб келган, қўшма ва ўзини ўзи идентификациялаган бирлашмалардек ҳолатларнинг "реалист" тушунчасини сақлаган ҳолда Мершмейр тўлиқ буни рад этади. Статистик ёндашув Россия-Украин уруши эҳтимоллигига урғу берган тақдирда ҳам, цивилизациявий ёндашув буни кичрайтириб, Украинанинг иккига бўлиниш эҳтимоллигига урғу беради, маданий омиллар сабабли юз берувчи бўлинишдан таҳмин қилиш мумкинки, бўлиниш

Югославияга қараганда бироз қонли кечади, аммо Чехословакияга қараганда анча дахшатли бўлиши мумкин. Бу турли хил тахминлар, ўз навбатида, турли сиёсий афзалликларни юзага келтиради. Мершмейрнинг эҳтимолий уруш ва Россиянинг Украинани забт этиши ҳақидаги статистик тахминлари унинг Украинага водород қуролларига эга бўлишида кўмакчи бўлишига сабаб бўлди. Цивилизациявий ёндашув Украина ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириши, Украинанинг водород қуроллардан воз кечишга ундаши, улкан иқтисодий ҳамкорликка ҳамда Украинанинг бирдамлиги ва мустақиллигини сақлашга хизмат қилувчи бошқа омилларга имкон туғдириши, шунингдек, Украинанинг эҳтимолий парчаланиш режасига ҳомийлик қилиши мумкин.

Совуқ уруш охирларидан кейинги кўпгина муҳим тараққиётлар цивилизациявий парадигмага мувофиқ келарди, айтини вақтда тахмин ҳам қилинган эди. Булар ўз ичига Совет Иттифоқи ва Югославиянинг парчаланишини, уларнинг собиқ ҳудудларида рўй берувчи урушларни, жаҳон бўйлаб динит фундаментализмнинг ўсиши, ўзларининг айнияти устида Россия, Туркия ва Мексикадаги муаммолар, АҚШ ва Япония ўртасидаги тижорат низоларининг кучайиши, Ғарбнинг Ироқ ва Ливияга босимига нисбатан исломий мамлакатлар қаршилиги, исломий ва Конфуций мамлакатларининг водород қуролларига эга бўлиш ва етказиб беришга уринишлари, Хитойнинг "бегона" буюк куч сифатидаги ролини давом эттириши, баъзи мамлакатларда демократик тузумларни мустаҳкамлаган ҳолда бошқаларида мустаҳкамламаслик ва Шарқий Осиёда қуролланиш пойгасини шакллантиришни ўз ичига олади.

Ҳозирги замонавий дунёда цивилизация парадигманинг долзарблиги парадигмага мос равишда 1993 йилнинг олти ой вақт мобайнида юз берган воқеалар орқали ойдинлашади:

- Хорватлар, муслимлар ва сербларнинг собиқ Югославияда ўзаро жанжаллашишларининг давом этиши ва кучайиши;

- Ғарбнинг Босния муслимларига фойдали кўмак беришдаги ёрдамнинг ёки серб шафқатсизликларининг қоралангани каби хорват шафқатсизликларининг қораланишининг муваффақиятсизликка учраши;
- Россиянинг сербларнинг Хорватияда хорват ҳукумати билан тинчлик ўрнатишга келишувида ва Босния муслимларини ҳимоя қилиш учун 18 000 труппа билан таъминлашда Эрон ва бошқа муслим халқларига таклиф беришда БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига кўшилиш учун хайрихоҳ бўлмаганлиги;
- Арман ва озар халқлари ўртасида кучайиб бораётган уруш, Туркия ва Эроннинг Арманистондан босқинчилик сиёсатини тўтатиши, Озарбайжон чегараси бўйлаб Туркия ва Эрон ҳарбий кўшинларининг жанговар ҳолатга келтирилиши, Россиянинг Эроннинг ҳаракатлари "низони кучайтириши" ва "интернационализациянинг хавфли меъёрларига босим ўтказиши"да ҳисса қўшаётганидан огоҳлантириши;
- Марказий Осиёда Россия кўшинлари ва мужоҳид партизанлари ўртасидаги муросасиз жанг;
- АҚШ Давлат котиби Уоррен Кристофер томонидан ташкиллаштирилган Вена Инсон Ҳуқуқлари конференциясида Ғарб билан адоват "маданий қардошлик"ни қоралаши ҳамда Ислом коалицияси ва Конфуций мамлакатларининг "Ғарб универсализми"ни рад этиши;
- "Жанубдан таҳдид" бўйича Россия ва НАТО ҳарбий режалаштирувчиларнинг параллел ҳаракат тарзига диққат қаратишлари;
- Овоз бериш, деярли бутун цивилизациявий чегаралар бўйлаб, 2000 йилги Олимпия ўйинларини ўтказиш Пекиндан Сиднейда афзал кўрилганлиги;
- Хитойдан Покистонга снаряд компонентлари савдоси, АҚШнинг Хитойга санкциялари таъсири натижалари ва ядровий технологияларни Эронга етказиб бериш бўйича таҳминларда Хитой ва АҚШ адоватлари;

- Мораторийнинг бузилиши ва АҚШнинг кескин қаршиликларига қарамасдан Хитойнинг ядровий қуроқларни синаб кўриши ҳамда Шимолий Кореянинг ядровий қуроқлари дастури бўйича суҳбатга иштирок этишда рад этиши;
- АҚШ Давлат Департаментининг Эрон ва Ироққа нисбатан "икки томонлама" сиёсатининг қутилмаган янгилик сифатида кўрилиши;
- Эрон президентининг "халқаро воқеалар тўғрисида сўнги сўзга эга бўлишимиз" учун Хитой ва Ҳиндистон билан битимлар тузишга чақируви;
- Германиянинг янги қонунчилиги қочқинларни қабул қилишни кескин қамайтириши;
- Россия президенти Борис Елтсин ва Украина президенти Леонид Кравчук ўртасида Қора денгиз флотини жойлаштириш тўғрисида келишув ва бошқа масалалар;
- АҚШнинг Бағдодни портлатиши, Ғарб ҳукуматлари томонидан деярли бир овоздан қўллаб-қувватланиши ва деярли барча мусулмон ҳукуматлари томонидан Ғарбнинг "икки томонлама стандарти"нинг яна бир мисоли сифатида тан олинishi;
- Америка Қўшма Штатларининг Суданни террорчи давлат сифатида рўйхатга олиши ва мисрлик Шайх Умар Абдул Раҳмон ҳамда унинг тарафдорларини "АҚШга қарши шаҳар терроризми уруши олиб боришда" фитна уюштирганликда айблаш;
- Полша, Венгрия, Чехия ва Словакияни НАТОга бирлаштиришнинг яхшиланган истикболлари;
- 1993 йилдаги аҳолиси ва элита қатлами Ғарбга қўшилиш ёки эътироз билдириш тўғрисида аниқ қарорга эга бўлмаган "парчаланган" мамлакат эканлигини кўрсан Россиядаги президентлик сайловлари.

Цивилизация парадигмасининг муҳимлигини намойиш этувчи воқеаларнинг таққосланадиган рўйхати 1990 йилларнинг бошидаги деярли ҳар қандай олти ойлик давр учун тузилиши мумкин эди. Совуқ урушнинг

дастлабки йилларида канадалик давлат арбоби Лестер Пирсон ғарбий бўлмаган жамиятларнинг қайта жонланиши ва ҳаётийлигини таъкидлаб ўтди. "Шарқда янги сиёсий жамиятлар пайдо бўлиши, биз Ғарбда таниш бўлганларнинг нусхалари бўлишини тасаввур қилиш бемаънилик бўлар эди, - деб огоҳлантиради у. "Бу қадимий цивилизацияларнинг тикланиши янги шаклларни олади". Халқаро муносабатлар "бир неча асрлар давомида" Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларга асос бўлганига ишора қилиб, "энг узоққа чўзилган муаммолар энди битта цивилизация таркибидаги халқлар ўртасида эмас, балки цивилизацияларнинг ўзлари ўртасида келиб чиқади", - деб таъкидлади. Совуқ уруш Пирсон наздида содир бўлиши керак бўлган воқеаларни кечиктирди. Совуқ урушнинг тугаши 1950-йилларда у аниқлаган маданий ва цивилизация кучларини озод қилди ва кенг доирадаги олимлар ва кузатувчилар ушбу омилларнинг глобал сиёсатдаги янги ролини англадилар ва эътироф этдилар". Фернан Браудел жиддий равишда огоҳлантиради: "Замонавий дунёга қизиққан ва бундан ташқари, унинг ичида ҳаракатланишни истаган ҳар бир кишидан бугунги цивилизациялар мавжуд бўлган дунё, уларнинг чегараларини, марказлари ва атроф-муҳитини, уларнинг вилоятлари ва у ерда инсон нафас олаётган ҳавони, уларда мавжуд бўлган ва келиб чиқадиган насабий ва ўзига хос "шакллар"ни аниқлай олиши учун бугун, дунё харитасида, қайси цивилизациялар мавжудлигини билиш "талаб этилади". Акс ҳолда, истиқболнинг даҳшатли хатолари юзага чиқиши мумкин!

II БОБ.

ҚАДИМГИ ВА БУГУНГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР

Цивилизациялар табиати.

Инсоният тарихи цивилизациялар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоният тараққиётини бошқа атамалар ёрдамида тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Бу ўтмиш қадимги шумерлар ва мисрликлар цивилизацияларининг дастлабки даврларидан тортиб классик ҳамда америкача ҳаёт тарзи, христиан ва исломий цивилизацияларгача, шунингдек, Хитой ва ҳинд цивилизацияларининг изчил кўринишларигача чўзилади. Инсонлар учун тарихий цивилизациялар ҳар жиҳатдан кенг кўламли, аниқ ўзига хосликни таъминлаган. Натижада цивилизацияларнинг ўсиш ва пасайиши, шу даврларда кўлга киритилган ютуқлар, муносабатлар, талафотлар ва уларнинг асл сабаблари **Макс Вебер, Эмиле Даркхем, Освалд Спенглер, Питирим Сорокин, Арнолд Тойнби, Алфред Вебер, А.Л.Кройебер, Филип Багби, Керол К уигли, Раштон Колборн, Кристофер Девсон, С.Н.Эйсенстед, Фернанд Брау дел, Вилям Х, Микенел, Адда Боземен, Иммануел Воллерстейн ва Фелип Фернандес-Арместо** каби тарихчилар, социологлар ва антропологлар томонидан ўрганилган. Ушбу номлари саналган ва бошқа кўплаб ёзувчилар цивилизацияларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган улкан, яхши шакллантирилган ва такомиллашган адабиётлар яратишди. Дунёқарашлар, методология, манбалар ва тушунчалардаги фарқлар бу адабиётларнинг ёйилишига сабаб бўлди. Шунингдек, асосий ғоялар ҳисобланган цивилизацияларнинг табиати, келиб чиқиши ва ўсишига қаратилган кенг кўламли келишувлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Биринчи навбатда, кўп ҳолларда айтилажак цивилизация ва бирликда ифодаланадиган цивилизациялар ўртасида фарқлар бор. Цивилизация ғояси XVIII асрда “варваризм” тушунчасига қарама-қарши ғоя сифатида француз файласуфлари томонидан кашф этилган. Цивилизациялашган жамият ибтидоий жамиятдан ажралиб турган, чунки бу жамият барқарор, шаҳарлар турмуш тарзига мос, шу билан бирга унинг аъзолари ҳам фарқли равишда

саводли бўлган. Цивилизациялашиш самарали, цивилизациялашмаслик эса самарасиз бўлган. Маданиялашиш тушунчаси жамиятларга баҳо бериш тизимига асос бўлган. Шунингдек, XIX аср давомида асли европаликлар ўзларига хос бўлмаган жамиятларни халқаро европалашган тизимнинг аъзолари сифатида қабул қилиш учун цивилизациялашув жараёнини амалга оширишда муҳим бўлган мезонларга интеллектуал, дипломатик ҳамда сиёсий жиҳатдан ёндашди. Шу кезларда одамлар цивилизация сўзини кўп маротаба тилга олишди. Бундан англашиладики, Брауделнинг тасаввурига кўра цивилизацияни қабул қилмаслик инсоният тарихидаги бир неча устун халқлар ва қабилаларни қониқтирмади, ўз йўлида цивилизациялашган маданий жараёнлар кўпаяверди. Айримлар цивилизация ўз “муҳри”ни йўқотди дейишган бўлса-да, кўпчилик цивилизация пайдо бўлиши учун барча унсурлар бирдек ҳаракатда бўлиши зарур деб ҳисоблашади.

Цивилизациялар китобнинг бош мавзуси ҳисобланади. Ҳанузгача бир цивилизациялар ва кўп цивилизациялар ўртасида фарқлар мавжуд. Бирликда кўлланиладиган цивилизация ғояси одамлар орасида оммабоп бўлган цивилизация сўзидан тарқала бошлади. Бу борада баҳс-мунозаралар тўхташи мумкин эмас ва буни ўрганиш фойдали ҳамдир. Китобнинг сўнги бўлимида бунга алоҳида тўхталиб ўтамиз – цивилизациялар чиндан ҳам рўй бермоқдами ёки йўқми?

Иккинчидан, цивилизация Германия миқёсида маданиятга асосланган моҳиятдир. XIX аср немис файласуфлари механика, технология, хомашё, маданият, шунингдек, қадриятлар, мукамаллик, юқори интеллектуал артистик ва ундан ҳам кўпроқ хислатларни ўз ичига олган цивилизациялар ўртасидаги улкан тафовутни кашф этди. Бу тафовут немисча қарашга асосланиб аниқланди ва бошқа минтақаларда қабул қилинмади. Айрим антропологлар турли маданият вакиллари урбанизациялашмаган, умуман ўзгармайдиган ибтидоий жамиятлар сифатида қараган. Бироқ улар мураккаброқ ривожланган, шаҳарга мос равишда ўсаётган жамиятларни цивилизация ўчоғи деб ҳисоблашади. Маданият ва цивилизация ўртасидаги

фарқни кўрсатиб беришга қаратилган уринишлар самарасиз бўлмади. Браудернинг фикрича, маданиятни цивилизацион асосидан ажратиш немисча қарашларга мос келмайди.

Маданият тушунчаси кишиларнинг умумий ҳаёт кечириш жараёнига алоқадор, цивилизация эса улкан маданият бирлигидир. Бу тушунчалар бирор жамият шаклланишида муҳим рол ўйнаган омадли авлод вакиллари яратган қарашлар ва тузилмалар, нормалар ва қадриятларни ўз ичига олади. Браудернинг фикрига кўра, цивилизация улкан маданий ўчоқдир. Шунингдек, уни маданий характеристикалар ва феноменларнинг коллекцион тўплами деб аташади. Воллер Стейн уни жаҳонда мавжуд барча урф-одатлар ва маданиятнинг бир намунаси деб атайди. Бу мавзуда бир қанча тарихий феноменлар мавжуд. Девсон назариясига кўра, цивилизация маданий яратувчанликнинг асосидир, аммо Дурхем ва Меус цивилизацияни давлатларни бир-биридан ажратиб турувчи восита деб ҳисоблайди. Спенглер учун эса цивилизация маданиятнинг ўзгартириб бўлмайдиган тақдиридир. Унинг ташқи ва ички ҳолатлари эса инсоният ривожланишининг қандай кечишига боғлиқ. Хулоса қилиб айтганда, цивилизациянинг омадли яқунлангани ва худди шу замида давом этаётганини кузатиш мумкин. Маданият эса цивилизациянинг асл моҳиятидаги бош мавзудир.

Цивилизацияни изоҳлайдиган, маданиятга оид бўлган калит сўзлик элементлар дастлаб греклар, яъни спарталиқлар, кейин эса эронлиқлар томонидан татбиқ этилган.

Биз бир жойда туриб қолсак-да, бунга йўл қўймайдиган кўплаб асосли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тамаддун аввалида худоларнинг тасвирлари ва тахминий маконлари ёниб кетган ва вайронага айланган дейилади башоратларда. Бундай қилмишни содир этган кимсалар билан келишиш ўрнига улардан қасос олган маъқул деб ҳисоблашган. Аслида юнон ирқиға мансуб, қони ва тили бир бўлган афиналиқлар учун худоларнинг

ибодатхоналари, умумий қурбонликлар ва шунга ўхшаш урф-одатларга хоинлик қилиш қораланган.

Греklarнинг қони, тили, дини ва турмуш тарзи уларни эронликлар ва бошқа юнон бўлмаган халқлардан ажратиб турган. Афиналикларнинг фаразига кўра, цивилизация жараёнларини белгилайдиган барча объектив элементлар ичида энг муҳими бу диндир. Жуда катта тахминларга кўра, инсоният тарихидаги энг йирик цивилизация жараёнлари дунёнинг буюк динларига мансуб жамият ҳамда миллати ва тили бир бўлган, аммо диний карашлари бир биридан фарқ қилган инсонлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ливан, собиқ Югославия ва минтақанинг ярмидаги динга эътиқод қилувчилар орасида мавжуд бўлган бир бирини ўлдириш мумкинлиги тўғрисидаги назариялар ҳам цивилизация негизига мисол бўла олади.

Статистик маълумотларга кўра, одамларнинг маданий, цивилизацион ва жисмоний хусусиятлари бўйича ирқларга бўлиниши ўртасида сезиларли мос келувчи ҳолатлар мавжуд. Бироқ цивилизация ва ирқ бир бирига ўхшаш эмас. Бир хил ирқдаги халқлар цивилизация жиҳатидан кескин фарқ қилиши мумкин. Шунингдек, турли хил ирққа мансуб одамлар эса цивилизация таъсирида бирлаштирилиши мумкин. Хусусан, насронийлик ва ислом каби буюк миссионерлик динлари турли ирқдаги жамиятларни қамраб олади. Инсон гуруҳлари орасидаги асосий тафовутлар уларнинг қадриятлари, эътиқодлари ва ижтимоий келиб чиқишини ўз ичига олади, уларнинг жисмоний ҳолати, бош шакллари ва тери ранглари эса муҳим аҳамият касб этмайди.

Учинчидан, цивилизациялар кенг қамровли бўлиб, уларнинг таркибини алоҳида урғу бермасдан ҳам тўлиқ тушуниш мумкин. Тойнбининг таъкидлашича, цивилизациялар бошқалар томонидан англабмайди, бироқ тушунилади. “Цивилизация бу умумийликдир“, деб давом эттиради Мелко, фикрининг сўнгида эса цивилизациялар маълум даражадаги интеграцияга эга эканлигини таъкидлайди. Цивилизацияларни ташкил этган қисмлар ўзаро ва умумий муносабатлар билан аниқланади. Агар цивилизация давлатлардан ташкил топган бўлса, бу давлатлар цивилизациялардан

ташқарида бўлган мамлакатлардан кўра ўзига ўхшаш муҳитдаги давлатлар билан алоқага киришади, бундай давлатлар тезда бир бири билан келишолмай қолиши ва ёки дипломатик алоқага киришиши мумкин. Улар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишади, шунингдек, уларда кенг тарқалган эстетик ва фалсафий оқимлар бўлади.

Цивилизация энг катта маданиятга эга бўлган моҳиятдир. Маданий хилма-хилликнинг турли хил даражаларидаги қишлоқлар, динлар, этник гуруҳлар, миллатлар, диний гуруҳларнинг барчасида яққол бир маданият мавжуд. Жанубий Италиядаги қишлоқ маданияти шимолий Италиядаги қишлоқдан фарқли бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар иккиси, бир сўз билан айтганда, немис қишлоқ маданиятидан ажралиб турувчи Италия қишлоқ маданиятидир.

Европа жамиятларини Хитой ва Хиндистон жамиятларидан ажратиб турувчи маданий унсурлар мавжуд. Шундай экан, хитойликлар, ҳиндлар ва ғарбликлар ҳар қандай кенг кўламли маданий қатламнинг бир қисми бўлолмайди. Улар алоҳида цивилизацияларни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, цивилизация кўп сонли одамлар гуруҳидан ташкил топган маданий негиздир. Цивилизация бу инсонларга хос бўлган, уларни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган энг юқори даражадаги маданий тузумдир. У тил, тарих, дин, урф-одатлар, муассасалар ва одамларнинг ўз ўзига субъектив йўл билан аниқлик киритиши орқали белгиланади. Инсонлар хусусиятини аниқлашни ўзига хос даражалари мавжуд: масалан, рим фуқароси ўзини турли хил интенсивлик билан атайди. Мисол учун улар ўзларини римлик, италиялик, католик, христиан, европалик ёки ғарблик дейиши мумкин. У тегишли бўлган цивилизация унга аниқлик киритилиши мумкин бўлган энг муносиб кўрсаткичдир. Цивилизация энг катта “биз” бўлиб, унинг ичида биз ўзимизни бошқа барча мавзулардан ажралиб турган ҳолда, маданий жиҳатдан маконимизда деб хис этамиз. Цивилизациялар Хитой цивилизацияси каби жуда кўп сонли одамлар ёки англофон Кариб денгизи каби жуда кам сонли одамларни ўз ичига олиши мумкин. Тарих давомида кўплаб кичик гуруҳлар

Ўзига хос маданият яратган бўлса-да, бироқ кенг маданий хусусиятларга эга бўлмаганлар. Йирик ва периферик цивилизациялар (мисол учун Багби цивилизацияси), йирик ва чегараланган, бекор қилинган цивилизациялар (мисол учун Тойнби цивилизацияси) ўрта асрда ўлчами ва аҳамиятига кўра буларнинг ўртасида фарқлар аниқланди. Ушбу китоб инсониятнинг асосий цивилизациялари деб ҳисобланадиган жараёнлар билан боғлиқдир.

Цивилизациялар аниқ бир чегара, бошланиш ва якунга эга эмас. Одамлар ўзларининг идентификаторларини қайта аниқлашлари ва амалга оширишлари мумкин, натижада вақт ўтиши билан цивилизациянинг шаклланиши ўзгаради. Халқлар маданияти бир-бирига ўзаро таъсир қилади ва бир-бирини тўлдиради. Цивилизациялар маданиятининг ўхшашлик даражаси ёки бир-биридан фарқ қилишида ҳам тафовутлар мавжуд. Шунга қарамай цивилизациялар бу бир мазмунли ҳодисалардир. Ва улар ўртасидаги йўналишлар кескин бўлса-да барибир ҳақиқатдир.

Тўртинчидан, цивилизациялар тўхтагандек тўйилиши мумкин, аммо улар жуда узок вақт давомида мавжуд бўлади; улар ривожланади, мослашади, уларнинг ўзига хослиги, ўзига хос моҳияти бу узок тарихий давомийлигидандир. Аслида цивилизация барча нарсанинг энг узун тарихидир. Империялар ривожланади, қулайди, ҳукуматлар келади ва кетади, цивилизациялар қолади, лекин бу жараёнда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳаттоки, идеологик чалкашликлар сақланиб қолиши мумкин.

Халқаро тарих “Боземан хулосасига кўра”, сиёсий тизимлар цивилизацияда юзага чиқиб турган мақсадлар ва ҳар бир тилшуноснинг цивилизация тақдири тўғрисидаги тезисини ҳақли равишда тасдиқлайди. Ахлоқий жиҳатдан бирлаштирилган жамият охир-оқибат баъзи кишиларнинг омон қолишига боғлиқ бўлиб қолади. Шунингдек, кейинги авлодларни ўзаро уйғунлаштирадиган ва шу орқали жамиятнинг узлуксизлигини акс эттирувчи бирламчи тузилмавий ғоялардир. Деярли барча асосий цивилизациялар Лотин

Америкасида узок муддат давом этган цивилизация каби XX аср дунёсида кўп вақтдан бери мавжуд бўлиб келмоқда. Бардошли бўлган цивилизациялар ривожланади. Улар динамик бўлиб, кўтарилади ва қулайди, улар бирлашади ва бўлинади ва ҳар қандай тарихшунос талаба билганидек улар қачондир йўқолиб, вақт қумига кўмилиши мумкин. Уларнинг ривожланиш босқичлари турли йўллар билан белгиланиши мумкин. Куингли цивилизациялар етти босқич орқали ўтиб бораётганини кўради, булар: аралаш, авлодли, кенгайиш, баҳсли давр, универсал империя, парчаланиш ва босқинчилик. Мелко кристалланган ўзгариш моделини феодад тизимдан феодад тизимга ўтиш ва кристалланган давлат тизимидан империяд тизимга ўтиш даври давлат тизимини умумийлаштирди. Тойнби муаммоларга жавоб сифатида цивилизацияни унинг ўсишида деб билади, ҳамда атроф-муҳит устидан назоратни кучайтирган ҳолда ўсиш, кейин эса даврий муаммоларни ҳал этиш, умумбашарий давлатларнинг кўтарилиши ва кейинчалик парчаланиб кетишига оид фикрларни кўзда тутди. Цивилизациялар ўртасида катта фарқлар мавжуд бўлса ҳам бу теорияларнинг барчаси цивилизациянинг “можаролар даври”дан ўтиб, парчаланиш жараёнини ҳам енгиб бир шаклга келади.

Бешинчидан, цивилизациялар сиёсий эмас, балки маданий объектлар бўлганлиги сабабли тартибни сақлаш, адолат ўрнатиш, солиқлар йиғиш, урушларга қарши курашиш, савдо-сотиқ бўйича музокаралар ёки бошқа ҳукуматлар томонидан қилинажак ҳар қандай ишлардан ҳолидир. Цивилизацияларнинг сиёсий ҳолати бошқа цивилизациялар ўртасидаги жараёнлар вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Шундай қилиб цивилизация бир ёки кўп сиёсий қўшилмаларни ўз ичига олиши мумкин. Бу бирлашмалар шаҳарлар, империялар, федерациялар, конфедерациялар, кўп миллатли давлатларни ўз ичига олиши мумкин. Бу қўшилмалар турли хил бошқарув шаклига эга бўлиши мумкин. Цивилизация ривожланар экан, ўзгаришлар унинг сиёсий, таркибий бирликларининг миқдори ва табиатида юз беради. Фақатгина бир томонлама цивилизация ва

сиёсий шахс бир-бирига мос келиши мумкин. Хитойлик Лушиан Пай тақидлаганидек, давлат бўлиш бир цивилизация демакдир. Бунга мисол қилиб, Японияни келтириш мумкин, Япония цивилизация маркази бўлган давлатдир. Аммо аксарият цивилизациялар биттадан ортиқ давлат ёки бошқа сиёсий субъектни ўз ичига олиши мумкин. Замонавий дунёда аксарият цивилизациялар икки ёки ундан ортиқ давлатларни ўз ичига олади.

Ва ниҳоят, олимлар одатда тарихдаги ва замонавий дунёда мавжуд бўлган цивилизацияларнинг асосий қийматларини аниқлашга келишишди. Аммо улар кўпинча тарихда мавжуд бўлган цивилизацияларнинг умумий сони бўйича фарқлар мавжудлигини таъкидлашди. Қуигли 16 та аниқ тарихий воқеалар ва эҳтимол 8 та қўшимча ҳодисаларни кўриб чиқади. Тойнби дастлабки рақамни 21га, кейинчалик эса 23га оширади. Спенглер 8 та асосий маданият белгиларига тақсимлайди. Макнел бутун тарихдаги 9та цивилизацияни муҳокама қилади. Багби ҳам 9та цивилизацияни кўриб чиқади. Агарда Япония ва христиан давлатлари Хитой ва Ғарб мамлакатлари цивилизациясидан ажралса, 11 та цивилизацияни кўриб чиқишига тўғри келади. Браудел 9 та ва Ростова 7 та асосий замонавий цивилизация шакллари аниқлайди. Бу қисмдаги ушбу тафовутлар хитойлик ва ҳиндистонликлар каби маданий гуруҳларнинг тарих давомида битта – ягона ёки иккита ва ундан ортиқ бир-бирига ўхшаш цивилизация шаклларида бўлганми ёки йўқми, шунга боғлиқдир.

Ушбу тафовутларга қарамай, асосий цивилизация жараёнларининг ўзига хослигига асло шубҳа келтирилмайди. Адабиётларни кўриб чиққандан сўнг Мелко “оқилона келишув” деган ҳолда хулоса қилади. Унга кўра, 12 та асосий цивилизациялар мавжуд. Улардан 7таси эса ҳозирда мавжуд бўлмай(Месопатамияликлар, мисрликлар, критликлар, Классик, византия, Ўрта америка, Анд) ва 5 таси ҳанузгача мавжуд (хитой, япон, ҳинд, ислом ва

ғарбий). Бир неча олимлар проваслав рус цивилизациясини унинг бош Византия цивилизацияси ҳамда ғарбий христиан цивилизациясидан алоҳида цивилизация сифатида кўришади. Ўшбу 8та цивилизацияга Лотин Америка ва эҳтимол Африка цивилизацияларини ҳам кўшиш замонавий дунёда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Асосий замонавий цивилизация шакллари қуйидагилар:

Хан. Барча олимлар милоддан аввалги 1500 йиллар ва балким ундан ҳам 1000 йил олдинги даврларга тақалган ягона Хитой цивилизацияси мавжудлигини тан олишади ёки иккита Хитой цивилизациялари, биттаси насронийлик даврлари пайтида ривожланган деган тахминлар ҳам бор. Менинг “Ташқи ишлар бўйича” деган мақоламда бу цивилизацияни Конфуций цивилизацияси деб белгиллаган эдим. Лекин “хан” терминини ишлатиш тартиб жиҳатдан анча қулайроқ. Конфуцианизм Хитой цивилизациясининг асосий таркибий қисми бўлса-да, Хитой цивилизацияси Конфуционизмдан ҳам устунроқ

туради ва шунингдек, Хитойни сиёсий жиҳатдан ҳам устун қўяди. Кўплаб олимлар томонидан қўлланилган “хан” атамаси Хитойнинг асосий маданияти ва жанубий осийдаги хитойлик муҳожирлар ва хитойдан ташқарида шунингдек, Вьетнам ва Корея каби Хитойга алоқаси бўлган жамиятларни тасвирлаб ўтади.

Япон цивилизацияси. Баъзи олимлар уни Япон ва Хитой маданиятини бирлаштирган ягона Узоқ Шарқ цивилизациясининг сарлавҳаси деб ҳисоблайди. Аммо кўпчилик олимлар бундай ўйлашмайди ва бунинг ўрнига Япония милоддан аввалги 400 ва 100 йиллар оралиғида пайдо бўлган, Хитой цивилизациясининг авлоди ҳисобланиб, алоҳида ўзига хос цивилизация сифатида тан олинишини таъкидлайдилар.

Ҳинд цивилизацияси. Одатда энг омадли цивилизациялардан бири сифатида тан олинган ҳинд цивилизацияси милоддан аввалги 1500 йилдан

бери субконтинентал минтақада мавжуд бўлиб келмоқда. Бу одатда энг янги цивилизация даврини бошланишига қараб ҳинд цивилизацияси деб аталади. Бир ёки бошқа шаклда бўлган хиндуизм милoddан аввалги 2 минг йилликдан бери субконтинент минтақанинг маданият марказида бўлиб келмоқда. Шундай фикрлар мавжудки: дин ёки ижтимоий тизимдан кўра кўпроқ ҳинд цивилизациясининг ядроси муҳим саналган. Ҳиндистон ўзининг улкан ҳажмдаги мусулмон жамоалари, шунингдек, бир қанча кичикроқ маданий гуруҳлари бўлса ҳам бу нарса замонавий даврлар давомида ҳам ўз йўлида давом этмоқда. Хан цивилизацияси сингари ҳинду термини ҳам цивилизация номини ўзининг давлат номидан олган. Бу шуни англатадики, цивилизация жараёни бирор- бир давлат остида амалга ошади.

Ислom цивилизацияси. Барча йирик олимлар аниқ ягона исломий цивилизация мавжудлигини тан олишади. Арабистон ярим оролида милodий VII асрда пайдо бўлган ислом дини жуда тез фурсат билан Шимолий Африка бўйлаб Иберия ярим оролига, шунингдек, шарқдан Марказий Осиё минтақаси ва Жанубий Шарқий Осиёга тарқалди. Бунинг натижасида исломда кўплаб ўзига хос маданиятлар ва цивилизациялар, шунингдек, араб, туркий, форс ва малай каби маданий бирликлар шаклланди.

Ғарб цивилизацияси. Ғарб цивилизацияси одатда милoddан аввалги 800 ёки 700 йилда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Одатда олимлар уни учта асосий таркибий қисмга эга деб ҳисоблашади: Европада, Шимолий Америкада ва Лотин Америкасида.

Лотин Америкаси цивилизацияси. Лотин Америкаси уни Ғарбдан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятга эга. Гарчи Лотин Америкаси Европа цивилизацияси давомчиси бўлса-да, Европа ва Шимолий Америкадан турли йўллар орқали ривожланди. У Европада камроқ даражада, Шимолий Америкада эса умуман бўлмаган корпоратив ва авторитар маданиятга эга эди. Европа ва Шимолий Америка иккаласи ҳам Реформация таъсирини сезишди ва Католик ва Протестант маданиятларини қориштириб юборишди. Бу

Ўзгариши мумкин бўлса-да, тарихан, Лотин Америкаси асосан Католик эди. Лотин Америкаси цивилизацияси Европада бўлмаган, Шимолий Америкада самарали равишда йўқ қилинган ва бир томондан, аҳамият даражаси турли бўлган Мексика, Марказий Америка, Перу ва Боливияда, бошқа томондан Аргентина ва Чили туб маданиятларини ўз ичига олади. Лотин Америкасининг сиёсий эволюцияси ва иқтисодий ривожланиши Шимолий Атлантика мамлакатларида устунлик қилган характердан буткул фарқ қилган. Лотин Америкаликлар ўзларини аниқлаш борасида иккига бўлинишган. Баъзилар “Ҳа, биз Ғарбнинг бир қисмимиз”, деб айтса, бошқалар “Йўқ, ўзимизнинг ягона, ўзига хос маданиятимиз бор”, деб даъво қилишади ва Лотин ва Шимолий Америкаликларнинг йирик адабиётлари уларнинг маданий тафовутларини аниқлаштиради. Лотин Америкасини Ғарб цивилизациясидаги субцивилизация ёки Ғарб билан боғлиқ алоҳида цивилизация сифатида кўриш мумкин. Цивилизациянинг халқаро сиёсий оқибатлари таҳлили ва бир томондан Лотин Америкаси, иккинчи томондан Шимолий Америка ва Европа билан муносабатлар учун охириги энг мос ва фойдали белги бўлди.

Ғарб ўз ичига Европа, Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия каби Европа кўчманчи давлатларни олади. Ғарбнинг икки асосий таркибий қисми ўртасидаги муносабат вақт ўтиши билан ўзгарди. Ўз тарихининг кўп қисмида америкаликлар ўз жамиятларини Европага қарама-қарши этиб белгилашган. Америка эркинлик, имконият ва келажак мамлакати эди; Европа зулм, синфий низолар, иерархия ва ортда қолишни кўрсатди. Такидланишича, Америка алоҳида цивилизация бўлган. Америка ва Европа ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг ижобий томони, кўп жиҳатдан, камида XIX аср охирига қадар Америка Ғарбга тегишли бўлмаган цивилизациялар билан фақат чекланган алоқаларнинг мавжудлигида эди. Америка Қўшма Штатлари дунё сахнасига чиққач, Европа билан ўзига хослик ҳисси пайдо бўлди. XIX асрда Америка ўзини Европадан ажралиб турадиган ва унга қарши деган бўлса ҳам, XX асрга

келиб, Америка ўзини Европа билан биргаликда, Ғарбнинг кенг доираси аъзоси ва раҳбари сифатида белгилаб қўйди. Ҳозирги умумий “Ғарб” атамаси аввалги Ғарбий христианлар олами билан боғлиқ. Шундай қилиб, Ғарб ягона цивилизациясини маълум бир шахс, дин географик ҳудуд билан эмас, компас йўналиши бўйича танитди* Бундай таништирув цивилизацияни унинг тарихи, географик ва маданий нуқтаи назарлардан ташқарига олиб чиқади. Тарихга назар ташланса, Ғарбий цивилизация бу Европа цивилизациясидир. Замонавий даврда Ғарбий цивилизация бу ЕвроАмерика ёки Шимолий Атлантика цивилизациясидир. Европа, Америка ва Шимолий Атлантика харитадан топилиши мумкин; Ғарб эса топилмайди. “Ғарб” атамаси “ғарблашиш” тушунчаси ривожланишига ҳам сабаб бўлган ҳамда Ғарблашиш ва замонавийлашиш тушунчалари аралашиб, нотўғри тушунча ҳосил бўлишига олиб келган: Японияни “ЕвроАмерикалашган” деб тушунишдан кўра, “Ғарблашган” деб тушуниш осонроқ. Аммо Европа-Америка цивилизацияси, умуман олганда, Ғарб цивилизацияси деб аталади ва бу атама, жиддий камчиликларига қарамасдан, бу китобда қўлланилади.

*“Шарқ” ва “Ғарб”нинг географик ҳудудларни аниқлашда ишлатилиши чалкаш ва этноцентриkdir. “Шимол” ва “Жануб” қутблардаги умумий қабул қилинган мўлжалларни англатади. “Шарқ” ва “Ғарб”да бундай мос мўлжаллар йўқ. Савол: Ниманинг шимоли ва жануби? Ҳаммаси сиз қаерда туришингизга боғлиқ. “Ғарб” ва “Шарқ” дастлаб Евроосиёнинг ғарбий ва шарқий қисмларига ишора қилган. Америка нуқтаи назаридан, Узоқ Шарқ аслида Узоқ Ғарб. Хитой тарихининг аксарият қисмида Ғарб Ҳиндистонни назарда тутган бўлса, Японияда “Ғарб” одатда, Хитойни англатади. Уиллиам Нафф, “Шарқ ва Ғарб” саволига Япония нуқтаи назаридан фикрлар”

Африка цивилизацияси (эҳтимолий). Броделдан бошқа цивилизацияларни ўрганувчи кўплаб етакчи олимлар Африка

цивилизациясини алоҳида цивилизация деб тан олишмайди. Шимолий Америка қитъаси ва унинг шарқий қирғоқлари Ислом цивилизациясига тегишли. Тарихдан Эфиопия ўз-ўзидан цивилизация ҳосил қилган. Кўплаб Европа империализми давлатлари ва кўчманчи халқлар ғарб цивилизациясининг жиҳатларини ўз ҳаёт тарзларига олиб киришган. Жанубий Африка кўчманчилари дастлаб Голландия, Франция, кейин эса Англиядан келган аралаш европа маданиятларини татбиқ қилишган. Энг асосийси, Европа империализми Сахарадан то қитъанинг жанубининг каттагина қисмига христианлик динини олиб кирган. Бутун Африка бўйлаб қабилавий шахсиятлар кенг тарқалган, аммо африкаликлар орасида борган сари кўпроқ африкалик шахсияти хисси ортиб борапти. Суб-сахровий Африка Жанубий Африка асосий ўрин тутган алоҳида цивилизация бўлиши мумкин.

Дин цивилизациянинг асосий аниқловчи хусусиятидир, худди Кристафор Даусон айтганидек, «Ортида буюк цивилизациялар ётган динлар, буюк динлардир». Уэбернинг беш «олам динлари»дан тўрттаси - Христианлик, Ислом, Индуизм ва Конфуцийлик - йирик цивилизациялар билан боғлиқ. Бешичиси - Буддизм эса йўқ. Нега бундай? Буддизм ҳам аввал Ислом ва Христианлик сингари икки оқимга бўлинган, аммо у Христиан динидек ўз туғилган жойида яшаб қололмади. Бизнинг эрамининг биринчи юз йиллигидан бошлаб, буддизмнинг йўналишларидан бири - махаяна - дастлаб Хитой, кейин Корея, Вьетнам ва Японияга юналтирилди. Бу жамоатларда буддизм турли даивжаларда мослаштирилди, маҳаллий маданиятлари томонидан ўзлаштирилди (мисол учун Хитойда, конфуцийлик ва даосизм кўринишида) ёки тақиқланди.

Шундай қилиб, ўша пайдан буддизм бу маданиятларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Улар буддавийлик цивилизациясининг қисми эмас ва улар ўзларини шунга ўхшаш образларга тенглаштирмайди. Бироқ, Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос ва Камбоджада теравада буддавийлик цивилизациясига


тегишли нарсалар бор. Бундан ташқари, Тибет, Мўғилистон ва Бутан аҳолиси тарихан махаянинг ламиатча йўналишини қабул қилган ва бу жамиятлар буддавий цивилизациянинг иккинчи туманини ташкил қилади. Аммо, бир муҳим факт бор - Ҳиндистонда қабул қилинган буддизмнинг Хитой ва Япония маданиятига мослаштирилган вариантдан яққол фарқи бор. Бу шуни англатадики, буддизм асосий динлардан бири бўлиб қолиб, ҳеч қандай йирик цивилизацияга асос бўлмаган.

Яҳудий цивилизацияси ҳақида нима дейиш мумкин? Цивилизацияни ўрганувчи кўплаб олимлар уни камдан-кам эслашарди. Тойнби буни илгари Сурия цивилизациясидан келиб чиққан, ҳибсга олинган цивилизация деб таърифлайди. Бу тарихан Христианлик ва Ислом билан боғлиқ бўлиб, бир неча асрлар давомида яҳудийлар Ғарб, Православ ва Ислом цивилизациялари ичида маданий хусусиятларини сақлаб келишган. Исроил пайдо бўлиши билан яҳудийлар цивилизациянинг барча керакли нарсалари: дин, тил, урф-одатлар, адабиёт, институтлар ва сиёсий бошпанага эга бўлди. Аммо субъектив идентификация ҳақида нима дейиш мумкин? Бошқа маданиятларда яшовчи яҳудийлар ўзларини яҳудий ва исроилликларнинг умумий идентификациясидан бошлаб номинал иудаизм ва улар яшаган цивилизация билан тўлиқ идентификациялашга қадар давом этдилар, аммо бу асосан Ғарбда яшовчи яҳудийлар орасида содир бўлди. (Мордекай Каплан, «Иудаизм Цивилизация сифатида». Филадельфия: Reconstruction press, 1981, биринчи бўлиб 1934 йилда чоп этилган)

Цивилизациялар ўртасидаги алоқалар
Кутилмаган тўқшувлар. 1500 йилгача бўлган цивилизациялар.

Цивилизациялар ўртасидаги алоқалар икки босқичда ривожланиб, ҳозирда учинчи босқичда. Биринчи цивилизация пайдо бўлганидан уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, улар орасидаги алоқалар баъзи истиснолардан ташқари, умуман мавжуд бўлмаган ва чекланган ёки даврий ва қизғин бўлган. Ушбу

алоқаларнинг табиатини тарихчилар уларни тасвирлаш учун ишлатган «тасодифий тўқнашувлар» сўзи билан яхши ифодалаган. Цивилизациялар вақт ва масофа орқали ажратилган. Бенжамин Шварц ва Шмуел Эйзенштадтлар таъкидлаганидек, Тош асри ва Тош асригача бўлган цивилизациялардаги «транцендентал ва дунёвий тартиблар» ўртасидаги фарқни тан олиш ёки олмаслик масаласида оз сонли инсонлар мавжуд эди. Тош асри цивилизациялари ўзларидан олдинги одамлардан фарқли ўларок, маълум бир интеллектуал синф томонидан тарғиб қилинган транцендентал афсоналарга эга эди: «Яхудий пайғамбарлари ва руҳонийлари, Юнон файласуфлари ва софистлари, Хитой шоирлари, Ҳинд Брахминлари, Буддист Санха ва Ислом уламолари». Баъзи бир минтақалар бошқа авлод пайдо бўлиши орқасидан бир цивилизация йўқ бўлиши орқали икки ёки уч авлод цивилизациясининг гувоҳи бўлишган. 2.1 расмда асосий Евроосиё цивилизацияларининг ўзаро муносабатлари турли вақтларда қандай ўзгарганлиги ҳақида соддалаштирилган (Кэрол Куиглидан олинган) диаграмма кўрсатилган.



Шунингдек, цивилизация географик жихатдан ҳам бўлинган. 1500 йилгача анд ва мезоамерика цивилизациялари бошқа цивилизациялар билан ҳам, ўзаро ҳам алоқа қилмаган. Дастлаб Нил водийлари, Тигр ва Евфрета,

Ҳинд ва Сарик денгиз цивилизациялари ҳам ўзаро ҳамжиҳат бўлмаган. Вақт ўтиши билан, Шарқий Ўртаер денгизи, Жануби-Ғарбий Осиё ва Шимолий Ҳиндистон цивилизациялари ўртасида алоқалар кўпайишни бошлади. Бироқ, цивилизациялар бир-бирларига яқин бўлган масофалар ва ушбу масофани босиб ўтадиган транспорт воситаларини чекланганлиги алоқа ва тижорат муносабатларига тўсқинлик қилди. Ўртаер денгизи ва Ҳинд океанида қандайдир савдо-сотик давом этаётган бир пайтда, «отлар, қарвонлар ва дарё флотлари милоддан аввалги 1500 йилгача дунё цивилизацияларини оз миқдорда бўлса ҳам ўзаро алоқаларини ушлаб турган ягона транспорт воситаси эди.

Ғоя ва технологиялар бир цивилизациядан бошқасига ўтиб келган, лекин бу асрларни талаб этарди. Босиб олиш натижасида бўлмаган энг муҳим маданий диффузия бу Буддизм Шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлганидан кейин олти аср ўтгач Хитойга ёйилиши бўлган. Босиб чиқариш (нашр қилиш) милоддан аввалги саккизинчи асрда Хитойда ихтиро қилинган, ўн биринчи асрда эса кўчма турдагиси. Лекин бу технология ўн бешинчи асрга келибгина кириб борган. Қоғоз эрамиздан олдинги иккинчи асрда Хитойда пайдо бўлган, Японияга еттинчи асрда кириб келган ва Ғарб томон ёйилиб, саккизинчи асрда Марказий Осиёга, тўққизинчида Шимолий Африкага, Испанияга ўн иккинчи, Шимолий Европага эса ўттинчи асрда кириб борган. Хитой ихтироларидан яна бири, тўққизинчи асрда ясалган порох бир неча юз йил ўтгач арабларга кириб, ўн тўртинчи асрда Европага кириб борган. Цивилизациялар ўртасидаги энг драматик ва муҳим алоқалар бир цивилизациядан бўлган халқлар бошқа халқларни забт этган, йўқ қилган ёки кул қилган пайтда содир бўлган. Одатда бу алоқалар қонли, аммо қисқа ва табиатан эпизодик характерли эди. Эрамизнинг VII асридан бошлаб Ислом олами ва Ғарб, шунингдек Ислом ва Ҳиндистон ўртасида нисбатан узоқ ва баъзан кучли цивилизация алоқалари вужудга кела бошлади. Асосан тижорат, маданий ва ҳарбий алоқалар цивилизациялар доирасида ривожланган. Агар Ҳиндистон ва Хитой, масалан,

баъзан бошқа халқлар (мўғиллар, монголлар) томонидан босиб олинганида, бу иккала цивилизациялар ҳам ўз цивилизациялари доираси ичида узоқ вақт давом этадиган урушлар бўлиши мумкинлигини билишган. Шунга ўхшаб, юнонлар бир-бирлари билан уришиб, бир-бирлари билан форслар ёки бошқа Юнон бўлмаганларга қараганда кўпроқ савдо қилишган.

TABLE 2.1
USE OF TERMS
"FREE WORLD" AND "THE WEST"

	Number of References		% Change in References
	1988	1993	
New York Times			
Free World	71	44	- 38
The West	46	144	+ 213
Washington Post			
Free World	112	67	- 40
The West	36	87	+ 142
Congressional Record			
Free World	356	114	- 68
The West	7	10	+ 43

Source: *Lexis/Nexis*. Reference numbers are numbers of stories about or containing the terms "free world" or "the West." References to "the West" were reviewed for contextual appropriateness to insure that the term referred to "the West" as a civilization or political entity.

Таъсир: Ғарбнинг юксалиши.

Европа христианлиги 8-9 асларда алоҳида цивилизация сифатида шакллана бошлади. Аммо бир неча асрлар давомида у ривожланиш даражаси кўплаб бошқа цивилизацияларидан орқада эди. Танг, Сонг ва Минг сулолалари ҳукмронлиги остида Хитой, саккизинчи-ўн иккинчи асрлардаги Ислом дунёси ва Византия саккизинчи-ўнинчи асрларда тўплаган бойлиги, худуди ва ҳарбий кучи, шунингдек, бадиий, адабий ва илмий ютуқлари бўйича Европадан анча олдинда эди. Аммо XI-XIII асрларда Европа маданияти жадал ривожлана бошлади, бунга «ривожланган цивилизациялар - Ислом ва Византия мақсадлари ва тегишли ютуқларини тизимли равишда ўзлаштириш, шунингдек, ушбу меросни Ғарбнинг ўзига хос шароитлари ва манфаатларига мослаштириш» ёрдам берди. Худди шу даврда, Венгрия, Полша, Скандинавия ва Болтиқ бўйи соҳиллари Ғарбий христианликка қабул қилинди, Рим қонунлари ва Ғарб цивилизациянинг бошқа таркибий қисмлари ҳам тарқалди ва Ғарб цивилизациясининг у ерда ўзоқ вақт давомида сезиларли ўзгаришларсиз қолиши керак бўлган шарқий чегараси барқарорлашди. XI-XII асрларда Ғарб аҳолиси Испанияда ўз таъсир доирасини кучайтириш учун курашдилар ва Ўртаер денгизда барқарор ҳукмронликка эришишди. Аммо кейинчалик, Турк кучининг юксалиши «Ғарбий Европанинг биринчи денгиз империяси»нинг қулашига олиб келди. Ва шунга қарамай, 1500 йилга келиб, Европа маданиятининг тикланиши авж олди ва ижтимоий плюларизм, савдотикнинг кенгайиши ва технологик ютуқлар глобал сиёсатнинг янги даврига замин яратди. Цивилизациялар ўртасидаги тасодифий, қисқа ва хилма-хил алоқалар Ғарбнинг бошқа цивилизацияларига доимий, кўп талаб қиладиган бир томонлама таъсирини ўтказди. XV асрнинг охирида Иберия ярим оролининг Мурлардан якуний тортиб олиниши ва Португалиянинг Осиёга ва Испаниянинг Америкага кириб бориши бошланди. Кейинги 250 йил ичида бутун Ғарбий яримшар ва Осиёдаги йирик худудлар европалар кўлида бўлди. XVIII аср охирига келиб, Европанинг тўғридан-тўғри назорати қисқарганини кўришимиз мумкин

- аввал АҚШ, кейин Лотин Америкасининг кўп қисми Европа бошқарувига қарши чиқиб, мустақилликка эришдилар.

Бироқ, XIX асрнинг сўнгги йилларида янгиланган Ғарбий империализм Ғарбнинг таъсирини деярли Африкага кенгайтди, Ҳиндистон ва бутун Осиё устидан назоратни кучайтди ва XX аср бошларига келиб, Туркиядан ташқари деярли барча Яқин Шарқ Европанинг бевосита ва билвосита назорати остига ўтди. Европаликлар ёки собиқ Европа мустамлакалари (иккала Америкада ҳам) 1800 йилда қуруқликнинг 35 фоизини, 1878 йилда 67 фоизини, 1914 йилга келиб 84 фоизини назорат қилишган. 1920 йилга келиб, Англия, Франция ва Италия ўртасида Усмонли империясининг бўлиниши натижасида бу фоиз янада ошди. 1800 йилда Британия империяси 20 миллион аҳолига эга 1,5 миллион квадрат мил майдонни эгаллади. 1900 йилга келиб қуёши ботмайдиган Виктория империяси 11 миллион квадрат мил ва 390 миллион кишини ўз ичига олди. Европанинг кенгайиши даврида Анд ва Мезоамерика цивилизациялари бутунлай йўқ қилинди, Ҳинд, Ислон ва Африка цивилизациялари бўйсундирилди, Хитой ҳам Ғарб таъсирига бўйсунди. Фақат Рус, Япон ва Эфиопия цивилизациялари Ғарбнинг қаттиқ ҳужумларига бардош бера олди ва ўзларини мустақиллигини ҳимоя қилолди. Тўртюз йил давомида цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар бошқа жамиятларнинг Ғарб цивилизациясига бўйсундиришдан иборат эди.

Ушбу ноёб ва драматик ривожланишнинг сабаблари Ғарбдаги ижтимоий тузилиш ва ўзаро алоқалар, шаҳарлар ва тижоратнинг гуллаб-яшнаши, вассаллар ва монархлар, шунингдек, дунёвий ва диний ҳокимиятлар ўртасидаги ҳокимиятнинг нисбий тарқалиши Ғарб халқлари орасида миллий ўзига хослик пайдо бўлиши ва давлат бюрократиясининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Ғарб кенгайишининг бевосита сабаби технология эди: узок мамлакатларга етиб бориш учун океан навигацияси ва у халқларни бўйсундириш учун ҳарбий имкониятларни ривожланиши. Жеффри Паркер

таъкидлаганидек, «Ғарбнинг юксалиши» куч ишлатиш, Европаликлар ва уларнинг хориждаги рақиблари ўртасидаги ҳарбий мувозанат аввалгиларининг фойдасига тескари томонга ўзгариши билан боғлиқ эди;... Ғарбнинг 1500 ва 1750 йилгача биринчи ҳақиқий глобал империяларни яратишда муваффақият қозонишининг калити айнан «ҳарбий инқилоб» деб аталган урушга қодир кучларнинг яхшиланиши билан боғлиқ эди. Ғарбнинг кенгайишига, шунингдек, қўшинларни ташкил этиш, уларда тартиб-интизомни шакллантириш ва ўқитиш, шу билан бирга транспорт, логистика ва тиббий хизмат соҳасидаги устунликлар туфайли эришилди. Ғарб дунёни ўзининг (бошқа цивилизацияларнинг оз сонли вакилларига қаратилган) ғоялари, кадриятлари ёки диннинг устунлиги билан эмас, балки уюшган зўравонлик ишлатиб қўлга олган. Одатда, Ғарбликлар бу фактни эсларидан чиқариб қўяди, бошқалар эса ҳеч қачон.

1910 йилга келиб, дунё инсоният тарихидаги бошқа даврларга қараганда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кўпроқ бирлашди. Халқаро савдонинг ялпи дунё маҳсулотларидаги улуши ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ бўлиб, бу кўрсаткич XX асрнинг 70-90 йилларида яна ошди. Умумий инвестициялардаги халқаро инвестицияларнинг улуши бошқа даврларга қараганда юқори бўлди. Цивилизация термин сифатида Ғарб цивилизациясини англатади. Халқаро ҳуқуқ Греция урф-одатларидан келиб чиққан Ғарбий халқаро ҳуқуқ эди. Халқаро тизим Ғарбий Вестфалия суверен, аммо «цивилизатциялашган» миллий давлат ва улар бошқарган мцстамлака ҳудудлар эди.

Ғарбда ҳукмронлик қиладиган бундай халқаро тизимнинг пайдо бўлиши 1500 йилдан кейинги бутун давр учун глобал сиёсат ривожланишидаги иккинчи муҳим босқич эди. Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятлар билан «ҳукмронлик - қарамлик» режимида ўзаро алоқада бўлишидан ташқари, Ғарб жамоалари ҳам бир-бири билан тенг асосда ўзаро алоқада бўлган. Бир цивилизация таркибида сиёсий жамоаларнинг ўзаро алоқалари Хитой, Ҳинд ва Юнон

цивилизацияларида содир бўлган воқеаларни эсга соларди. Улар «тил, конунчилик, маъмурий амалиёт, қишлоқ хўжалиги, ерга эгалик қилиш ва, эҳтимол, қариндошлик»ни ўз ичига олган бир хилликка асосланган эди. Европа халқлари «умумий маданият ва умумий савда алоқалари, фаол одамларнинг доимий ҳаракати ва ҳукмрон оилаларнинг ўзаро яқин алоқалари орқали кенг алоқаларни сақлаб туришган. Бундан ташқари, улар деярли доимий равишда бир-бири билан уруш олиб боришган; Европа давлатлари орасида тинчлик қоида эмас, истисно эди. Ва бу даврнинг муҳим қисми бўлишига қарамай, Усмонли империяси баъзан Европа деб ҳисобланганларнинг чорак қисмини бошқарган бўлса ҳам, бу империя Европа халқаро тизимининг аъзоси сифатида қабул қилинмаган.

150 йил давомида Ғарбнинг ички цивилизацион сиёсатида чуқур диний низолар, шунингдек, диний ва сулолавий урушлар ҳукмронлик қилди. Вестфалия билан қуролли низодан кейин бир ярим аср ўтиб, Ғарбий дунёда асосан ҳукмдорлар - императорлар, мутлақ монархлар ва конституцион монархлар ўртасида бюрократияларни, армияларини, ўзларининг иқтисодий устунликларини ва энг муҳими, улар ўзлари яшайдиган ва ҳукмдорлик қиладиган ерларни кенгайтириш ҳаракатида қуролли тўқнашувлар содир бўлди. Бу жараёнда улар миллий давлатлар туздилар ва Франция инқилобидан бошлаб низоларнинг асосий йўналишлари ҳукмдорлар ўртасида эмас, балки уларнинг халқлари орасида эди. 1793 йилда П.П. Палмерга кўра, "Қироллар ўртасидаги уруш тугади, халқлар ўртасида урушлар бошланди ». Ўн тўққизинчи аср модели Биринчи Жаҳон урушигача ўз кучида бўлган. 1917 йилда рус инқилоби натижасида, миллий давлатлар ўртасидаги низода мафкуралар тўқнашуви кучайди. Биринчи навбатда фашизм, коммунизм ва либерал демократия ўртасида, сўнгра охириги иккиси ўртасида. "Совуқ уруш" даврида бу мафкуралар иккита буюк кучлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг ҳар бири ўзига хослигини ўз мафкураси билан белгилаб қўйди ва уларнинг ҳеч бири анъанавий Европа маъносида миллий давлат бўлмаган.

Марксизмнинг ҳокимият тепасига келиши, аввал Россияда, кейин Хитой ва Ветнамда, Европа халқаро тизимидан постевропа кўпцивилизацияли тизимга ўтиш даври бўлди. Марксизм Европа цивилизациясининг маҳсули эди, аммо у бунда илдиз отмади ва муваффақият қозонмади. Ғарбда ушбу мафқурани жорий қилиш ўрнига модернизация қилувчи ва инқилобий элита уни Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларга киритди; Ленин, Мао ва Хо Ши Мин буни ўз мақсадларига мослаштирдилар ва ундан Ғарб кучларига қарши курашда, шунингдек, ўз халқларини ҳаракатга келтиришда ва Ғарбга қарши кураш сифатида ўзларининг миллий ўзига хосликлари ва автономияларини ўрнатишда фойдаланганлар. Совет Иттифоқида марксизмнинг қулаши ва кейинчалик Хитой ва Ветнамда амалга оширилган ислоҳотлар, бу жамиятлар фақат Ғарб либерал демократиясининг мафқурасини олиб кириши мумкин деган маънони билдирмайди. Ғарбликлар Ғарбга хос бўлмаган маданиятларнинг ижодий кучи, мослашувчанлиги ва шахсияти хайратга солиши мумкин деб ўйлашган.

Умумий инвестицияларнинг улуши сифатида халқаро инвестициялар бошқа даврларга қараганда юқори бўлди. Цивилизация Ғарб цивилизациясини англатади. Халқаро ҳуқуқ Гроциус анъанасидан келиб чиққан эди. Халқаро тизим суверен, аммо "цивилизациялашган" давлатлар ва улар бошқарган мустамлака ҳудудлар тизими эди. Ушбу Ғарб томонидан белгилаб берилган халқаро тизимнинг пайдо бўлиши 1500-йилдан кейинги асрларда глобал сиёсатдаги иккинчи йирик ривожланиш даври бўлди. Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятлар билан доминант-бўйсунувчи режимда ўзаро муносабат қилишдан ташқари Ғарб жамиятлари ҳам бир-бири билан кўпроқ тенг шартлар асосида ҳаракат қилишган. Битта цивилизация доирасидаги сиёсий субъектларнинг ўзаро муносабатлари хитой, хинд ва юнон цивилизацияларида бўлган ҳолатларга жуда ўхшаш эди. Улар "тил, қонун, дин, маъмурий амалиёт, қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш ва эҳтимол қариндошлик"ни ўз ичига олган маданий бир турлиликка асосланган эди. Европа халқлари "умумий

маданиятни тарқатишди ва фаол савдо тармоғи, одамларнинг доимий кўчиши ва ҳукмрон оилаларнинг ўзаро манфаатдорлиги орқали кенг алоқаларни сақлаб туришди". Улар бир-бирлари билан тўхтовсиз курашдилар; Европа давлатлари орасида тинчлик қоида эмас, балки истисно эди. Гарчи бу даврнинг катта қисмида Усмонлилар империяси Европа деб номланадиган қитъанинг тўртдан бир қисмини бошқарган бўлса ҳам, бу империя Европа халқаро тизимининг аъзоси бўла олмади. 150 йил давомидаги буюк диний низолар, диний ва сулолавий урушлар натижасида Ғарбнинг инквизиция сиёсати амалда бўлди. Вестфалия келишувидан кейин яна бир ярим аср давомида Ғарбий дунёда низолар асосан шахзодалар - императорлар, мутлақ монархлар ва конституцион монархлар ўртасида, бюрократияни, армияларини, тижорий-иқтисодий қудратини ва энг муҳими, улар эгаллик қиладиган ҳудудларни кенгайтиришга ҳаракат қилишди. Бу жараёнда улар миллий давлатчилигини яратдилар ва Франция инқилоби бошланиши билан асосий тўқнашувлар шахзодалар орасида эмас, балки миллатлар ўртасида эди. 1793 йилда Р. Р. Палмер шундай деган эди: «Қироллар уруши тугади; халқлар уруши бошланди. XIX асрнинг ушбу модели Биринчи жаҳон урушигача давом етди. 1917 йилдаги рус инқилоби оқибатида миллий давлатлар тўқнашуви фашизм, коммунизм ва либерал-демократия ўртасидаги мафкуралар тўқнашуви билан бойитилди. Совуқ уруш даврида бу мафкуралар иккита супер кучда мужассамланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мафкураси билан ўзига хослигини белгилаган ва ҳеч бири анъанавий Европа миқёсидаги миллий давлат ғояси бўлмаган. Дастлаб Россияда, сўнгра Хитой ва Ветнамда Марксизмнинг ҳокимият тепасига келиши Европа халқаро тизимидан пост-европа мултицивилизацион тизимига ўтиш даври эди. Марксизм Европа цивилизациясининг маҳсули эди, аммо бу мафкура кўҳна қитъада илдиз отмади ва муваффақият қозонмади. Бунинг ўрнига замонавий ва инқилобий элиталар уни ғарбий бўлмаган жамиятларга олиб киришди; Ленин, Мао ва Хо буни ўз мақсадларига мослаштирдилар ва Ғарб ҳокимиятига қарши чиқиш, ўз халқларини сафарбар қилиш ва Ғарбга қарши миллий ўзига хослик ва

автономияни ўрнатиш учун фойдаланганлар. Бироқ, Совет Иттифоқида ушбу мафкуранинг қулаши ва Хитой ва Ветнамнинг мослашувчанлиги, бу жамиятлар бошқа Ғарб либерал демократиясининг мафкураларини олиб киришини англамайди. Буни таклиф қилган ғарбликлар ғарбга хос бўлмаган маданият вакиллариининг ижодкорлиги, қатъиятлилиги ва шахсиятига қойил қолишади.

Ўзаро алоқалар: мултицивилизацияон тизим. Шундай қилиб, XX асрда цивилизациялар ўртасидаги муносабатлар барча цивилизациялар ўртасида бир цивилизациянинг бошқаларга бир томонлама йўналтирилган таъсири ҳукмронлик қиладиган босқичдан барча босқичларга ўтди. Аввалги цивилизациялараро муносабатларнинг иккала марказий хусусиятлари йўқолишни бошлади.

Биринчидан, тарихчиларнинг сеvimли "Ғарбнинг кенгайиши" ибораси истеъмолдан чиқа бошлади ва "Ғарбга қарши исён" бошланди. Ғарб таъсири бошқа цивилизацияларга нисбатан нотекис ва тўхталишлар билан камайиб борди. 1990 йилги дунё харитаси билан 1920 йилги дунё харитаси ўртасида катта фарқ бор еди. Ҳарбий-иқтисодий кучлар ва сиёсий таъсирлар мувозанати ўзгарди (бу кейинги бобда батафсил муҳокама қилинади). Ғарб бошқа жамиятларга жиддий таъсир кўрсатишда давом этди, лекин Ғарб ва бошқа цивилизациялар ўртасидаги муносабатларда Ғарбнинг ушбу цивилизациялар ривожига муносабати устун келди. Ғарб томонидан яратилган тарихнинг объекти бўлишдан ташқари, ғарбий бўлмаган жамиятлар тобора ҳаракатлантирувчи кучга айланиб, ўзларининг тарихи ва Ғарб тарихини ўрганаётган эдилар. Иккинчидан, ушбу воқеалар натижасида халқаро тизим Ғарбдан чиқиб, мултицивилизацияга айланди. Шу билан бирга, асрлар давомида ушбу тизим устидан ҳукмронлик қилган Ғарб давлатлари ўртасидаги зиддият йўқолди. XX асрнинг охирига келиб, Ғарб "урушаётган давлат" цивилизация сифатида ривожланиш босқичидан чиқиб, "универсал давлат" босқичига ўтди. Асрнинг охирида бу босқич ҳали яқунланмаган, чунки

Ғарб миллий давлатлари Европа ва Шимолий Америкадаги иккита ярим универсал давлатларга бирлашдилар.

Аммо бу икки объект ва уларнинг таркибий қисмлари расмий ва норасмий институционал алоқаларнинг ўта мураккаб тармоғи билан боғланган. Олдинги цивилизацияларнинг универсал ҳолатлари - бу империялар. Бироқ, демократия Ғарб цивилизациясининг сиёсий шакли бўлганлиги сабабли, Ғарб цивилизациясининг янги пайдо бўлган давлатлари империя эмас, балки федерациялар, конфедерациялар шаклида бўлди.

TABLE 3.1
SPEAKERS OF MAJOR LANGUAGES
(Percentages of World Population*)

Year	1958	1970	1980	1992
Arabic	2.7	2.9	3.3	3.5
Bengali	2.7	2.9	3.2	3.2
English	9.8	9.1	8.7	7.6
Hindi	5.2	5.3	5.3	6.4
Mandarin	15.6	16.6	15.8	15.2
Russian	5.5	5.6	6.0	4.9
Spanish	5.0	5.2	5.5	6.1

* Total number of people speaking languages spoken by 1 million or more people

Source: Percentages calculated from data compiled by Professor Sidney S. Culbert, Department of Psychology, University of Washington, Seattle, on the number of people speaking languages spoken by 1 million people or more and reported annually in the *World Almanac and Book of Facts*. His estimates include both "mother-tongue" and "nonmother tongue" speakers and are derived from national censuses, sample surveys of the population, surveys of radio and television broadcasts, population growth data, secondary studies, and other sources.

TABLE 3.2
SPEAKERS OF PRINCIPAL CHINESE
AND WESTERN LANGUAGES

Language	1958		1992	
	No. of Speakers (in millions)	Percentage of World	No. of Speakers (in millions)	Percentage of World
Mandarin	444	15.6	907	15.2
Cantonese	43	1.5	65	1.1
Wu	39	1.4	64	1.1
Min	36	1.3	50	0.8
Hakka	19	0.7	33	0.6
Chinese Languages	581	20.5	1119	18.8
English	278	9.8	456	7.6
Spanish	142	5.0	362	6.1
Portuguese	74	2.6	177	3.0
German	120	4.2	119	2.0
French	70	2.5	123	2.1
Western Languages	684	24.1	1237	20.8
World Total	2845	44.5	5979	39.4

Source: Percentages calculated from language data compiled by Professor Sidney S. Culbert, Department of Psychology, University of Washington, Seattle, and reported in the *World Almanac and Book of Facts* for 1959 and 1993.

Йигирманчи асрнинг буюк сиёсий мафкуралари либерализм, социализм, анархизм, корпоратизм, марксизм, коммунизм, ижтимоий демократия, консерватизм, миллатчилик, фашизм ва христиан демократиясини ўз ичига олади. Уларнинг барчасида умумий бир жиҳат бор: улар Ғарб цивилизациясининг маҳсулотидир. Бошқа ҳеч қандай цивилизация муҳим сиёсий мафкурани вужудга келтирмади.

Бинобарин, Ғарбда асосий дин йўқ еди. Дунёдаги барча буюк динлар ғарбий бўлмаган цивилизациялар маҳсулидир ва кўп ҳолларда Ғарб цивилизациясидан олдинда юрган. Дунё ғарбий босқичдан узоқлашганида, кечки Ғарб цивилизациясини ифода этувчи мафкуралар камайган, динлар ва бошқа маданий шакллар, ўзига хослик ва садоқат унинг ўрнини егаллайди. Ғарбий цивилизациянинг ўзига хос маҳсулоти бўлган Вестфалия дин ва халқаро сиёсат бўйича ажратиш ўз ниҳоясига яқинлашмоқда ва Эдвард Мортимер айтганидек, дин "халқаро ишларда диннинг таъсири тобора ортиб бормоқда". Ғарб яратган сиёсий ғояларнинг интрасвилизацион тўқнашуви маданият ва диннинг цивилизациялараро тўқнашуви билан аралашиб

кетмоқда. Шундай қилиб, глобал сиёсий география 1920-йилларнинг ягона дунёсидан 1960-йилларнинг уч оламига 90-йилларнинг ярмидан кўпроқ оламига ўтди.

Шу билан бирга, 1920- йилларнинг Ғарб глобал империялари 1960-йилларнинг анча чекланган "Эркин дунё"сига(шу жумладан коммунизмга қарши бўлган ғарбий бўлмаган давлатларни ўз ичига олган), кейин эса 1990-йиллардаги янада чекланган "Ғарб" томон тарқалди. Ушбу ўзгариш 1988-йилдан 1993- йилгача "Эркин дунё" мафкуравий атамасидан фойдаланишни қисқартиришда ва "Ғарб" цивилизацияси атамасидан фойдаланишни кенгайтиришда семантик равишда акс етди (2.1-жадвалга қаранг).

Бу Исломда маданий ва сиёсий ҳодиса сифатида, "Буюк Хитой", Россия ва унинг "яқин атрофи", шунингдек, Европа Иттифоқига цивилизация таркибидаги барча атамалар тобора кўпроқ мурожаат қилинишида намоён бўлади.

Бундан ташқари, "Совуқ уруш" дан фарқли ўлароқ, Ғарб ва бошқа цивилизациялар орасида жуда кўплаб бўшлиқлар мавжуд. Хедли Булл таъкидлаганидек: "Икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида етарлича алоқа ўрнатган ва бир-бирларининг қарорларига, ўзларини тутишларига, ҳеч бўлмаганда, маълум даражада таъсир кўрсатадиган халқаро тизим мавжуд".

Аммо халқаро ҳамжамият фақат халқаро тизимдаги давлатлар "умумий манфаатлар ва умумий қадриятларга" ега бўлган, "ўзларини умумий қоидалар тўпламига эга деб ҳисоблаган" ва "умумий маданият ёки цивилизация" га эга бўлганидагина мавжуддир. Шумер, юнон, эллинистик, хитой, ҳинд ва исломнинг аجدодлари сингари, 17-19-асрлардаги Европа халқаро тизими ҳам халқаро жамият эди. Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Европа халқаро тизими кенгайиб, бошқа цивилизацияларнинг деярли барча жабҳаларини камраб олди. Баъзи Европа институтлари ва амалиётлари ушбу мамлакатларга татбиқ қилинди. Шундай бўлса-да, ушбу жамиятларда ҳали ҳам Европа халқаро ҳамжамиятининг асоси бўлган умумий маданият шаклланмаган.

Халқаро муносабатларнинг Буюк Британия теореси нуктаи назаридан, дунё яхши ривожланган халқаро тизимдир, аммо жуда ибтидоий халқаро ҳамжамиятдир. Ҳар бир цивилизация ўзини дунёнинг маркази деб ҳисоблайди ва ўз тарихини инсоният тарихининг кулминацион воқеаси сифатида ёзади. Еҳтимол, бу Ғарб учун бошқа маданиятлар билан солиштирганда тўғрироқ еди. Бирок, бундай моноцивилизацион нуктаи назарлар мультицивилизацион дунёда ҳар доим аҳамияtsiz ва фойдасиз ҳисобланган. Бу баёнотни цивилизация олимлари қадимдан тан олишган.

TABLE 3.3
PROPORTION OF WORLD POPULATION ADHERING TO MAJOR RELIGIOUS TRADITIONS
(in percentages)

Year Religion	1900	1970	1980	1985 (est)	2000 (est)
Western Christian	26.9	30.6	30.0	29.7	29.9
Orthodox Christian	7.5	3.1	2.8	2.7	2.4
Muslim	12.4	15.3	16.5	17.1	19.2
Nonreligious	0.2	15.0	16.4	16.9	17.1
Hindu	12.5	12.8	13.3	13.5	13.7
Buddhist	7.8	6.4	6.3	6.2	5.7
Chinese folk	23.5	5.9	4.5	3.9	2.5
Tribal	6.6	2.4	2.1	1.9	1.6
Atheist	0.0	4.6	4.5	4.4	4.2

Source: David B. Barrett, ed., *World Christian Encyclopedia: A comparative study of churches and religions in the modern world A.D. 1900–2000* (Oxford: Oxford University Press, 1982).

1918 йилда Шпенглер Ғарбда ҳукмронлик қилган тарихнинг миёпик қарашларини кескин равишда қоралаб, уни фақат Ғарбга тегишли бўлган қадимий, ўрта асрлар ва замонавий босқичларга ажратди. Унинг сўзларига кўра, ушбу "тарихга Птолемейча ёндашув" ни Коперникнига алмаштириш ва "битта йўналишли тарихнинг уйдирмаларидан - бир қатор қудратли маданиятларнинг драмасини" алмаштириш керак еди. Бир неча ўн йиллар ўтгач, Тойнби Ғарбдаги "чекланганлик ва сурбетлик" ни қаттиқ фош қилди, "эгоцентрал ҳаёллар" атрофида дунё ўзгариб боришини, "ўзгармас Шарқ" ва "таракқиёт" муқаррар эканлигини илгари сурди. Шпенглер сингари, у тарихнинг бирлиги ҳақидаги тахминни, "фақат цивилизациянинг дарёси бор, қолганлари унинг ирмоғи ёки чўл қумида йўқолган зарра" каби тахминларни ишлатишга эҳтиёж сезмади.

Тойнбидан эллик йил ўтгач, Браудел, "дунёдаги буюк маданий зиддиятлар ва цивилизацияларнинг хилма-хиллигини" тушуниш учун кенгрок нуқтаи назарга интилиш кераклигини таъкидлади. XX аср охирида Ғарбнинг Европа цивилизацияси энди дунёнинг универсал цивилизацияси деган тушунча кенг тарқалди.

2.1 Жадвал. “Эркин дунё” ва “Ғарб атамаларининг қўлланилиши”

	Манбаалар сони		Манбаалардаги ўзгаришлар
	1988	1993	
Нью Йорк Таймс	71	44	-38
Эркин дунё	46	144	+213
Ғарб			
Вашингтон Пост	112	67	-40
Эркин дунё	36	87	+142
Ғарб			
Конгресс ёзуви	356	114	-68
Эркин дунё	7	10	+43
Ғарб			

3 - БОБ

УМУМБАШАРИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАВЖУДМИ? МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ҒАРБЛАШИШ

Умумбашарий цивилизация: Мазмун моҳияти

Баъзи одамларнинг таъкидлашича, ҳозирги давримиз В. С. Найпаул атагандек, “Умумбашарий цивилизация”нинг гувоҳи бўлмоқда. Мазкур атаманинг маъноси нима? Бу дегани инсониятнинг маданий бирлашиши ва бутун дунё халқлари тарафидан бир хил қадриятлар, эътиқодлар, тартиблар, урф-одатлар ва институтларнинг қабул қилиниши кундан кунга ортиб бораётганлигидир. Қисқароқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур қарашда баъзи нарсалар чуқур фикрлашни талаб этадигандек туюлади, бироқ кўзга кўринмас. Баъзи нарсалар эса аҳамиятга эга-ю, теран фикрлашни талаб этмайдигандек гўё, баъзилар эса ҳам аҳамиятсиз, ҳам юзакидек туюлади.

Биринчидан: одамларнинг деярли барча жамиятлари бир хил қадриятларга эга, масалан бировни ўлдириш - ёвузлик белгиси, шунингдек баъзи бир фуқаролик институтлари, масалан оила институти - ҳар бир жамиятнинг ажралмас бўлагидир. Аксарият жамиятлардаги одамларда ўзига хос “ахлоқ нормалари” ва нима тўғри-ю нима нотўғрилигини белгилаб берувчи “тор” қолиплар мавжуд. Агар юқоридаги таъриф ва мисоллар умумбашарий цивилизацияни англатса, унда умумбашарий цивилизация ҳам чуқур асосга эга, ҳам инсоният тараққиётида ўта муҳим саналади ва аксинча, у на янги тушунча ва на кўзга кўринади. Агар одамлар тарихан умумий қадриятлар ва фуқаролик институтларига эга экан, унда бу инсоният хулқ-атворидаги ўзгармас хислатларни англашда ёрдам беради. Ваҳоланки, инсон хатти-ҳаракатлари ўзгаришига мойил бўлган тарихни эса, на тушунтириб бера олади ва на ёритиб бера олади. Бундан ташқари, агар бутун инсоният учун ягона бўлган “умумбашарий цивилизация” мавжуд экан “инсон зоти” атамасидан бошқа яна қайси терминни умуминсоний фазилатларни таърифлаш учун ишлатиш мумкин? Инсоният ўзини ўзи қабила, халқ қаби фирқаларга бўлади. Кенгроқ маданий ўзликларни эса цивилизация деб атайди. Агар цивилизация атамасини олиб чиқиб у билан бутун инсониятга тегишли бўлган барча нарсалар номланса, унда “инсоният” атамасидан бошқа бир атамани инсоният учун умумий бўлган тушунчаларни ифодалаш мақсадида яратишимизга тўғри келади, йўқса катта, лекин барчани қамраб олмаган гуруҳ йўқликка юз тутади. Масалан, Вацлав Гавелнинг фикрича “Биз ягона улкан цивилизацияда яшамоқдамиз”; бу дегани “Ўз остида турфа хил маданиятлар, халқлар, диний дунёқарашлар, тарихий анъаналар, тарихан шаклланган ўзаро муносабатлар хилма-хиллигини яшираётган ёки қамраб олган юпқа қатлам”дан бошқа нарса эмас. “Цивилизация” атамасини глобал миқёсда қўлланилишини чеклаш фақатгина семантик тушунмовчиликка ва тарихан

доимо цивилизация деб атаб келинган улкан маданий бирликларни “маданият”, “субцивилизация” каби беъхшов терминлар билан ифодаланишига олиб келади.

Иккинчидан, “умумбашарий цивилизация” атамаси саводлилик ва шаҳарлашиш каби умумий фазилатларга эгаки, бу фазилатлар маданиятли жамоаларни анчайин примитив жамиятлардан ва варварлардан яққол ажратиб турган. Шубҳасизки, бу - атаманинг ўн саккизинчи асрдаги тор маъноси саналади ва ушбу маънодаги цивилизация кенгайиб бормоқда, бу эса примитив жамоаларнинг йўқликка юз тутаётганини ўз кўзлари билан кузатиб турган антрополог ва бошқа беътибор бўлмаган одамларнинг қўркувига сабаб бўлаяпти. Ушбу таърифдаги цивилизация тушунчаси бутун инсоният тарихи давомида кенгайиб бормоқда. Маданиятликнинг ўсиши эса турфа цивилизацияларнинг бир пайтда мавжуд бўлиши билан мос тушади.

Учинчидан, “умумбашарий цивилизация” дейилганда ғарбликлар ва баъзи бошқа юртдагиларга хос бўлган тушунчалар, кадриятлар, таълимотлар тушунилади. Буни “Давос маданияти” деб номлаш мумкин. Ҳар йили ўнлаб мамлакатлардан йиғилган бизнесменлар, банкирлар, ҳукумат вакиллари, зиёлилар ва журналистлар Швейцариянинг Давос шаҳрида Жаҳон Иқтисодий Форумини ўтказишади. Иштирокчиларнинг деярли барчаси аниқ фанлар, ижтимоий фанлар, бизнес ёки ҳуқуқ йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиб, нафақат сўзлар, балки рақамлар билан ҳам иш олиб боришади. Инглиз тилида эркин мулоқот қила олишади, ўз юртидан ташқарига тез – тез саёҳатга чиқишни тақозо этадиган ва халқаро миқёсда иш олиб борадиган ҳукумат, корпорация ёки илмий институтларда фаолият олиб борадилар. Давос одамлари ғарбликларга хос бўлган индивидуализм, бозор иқтисоди, сиёсий демократия каби тамойилларга эътиқод қўйган. Давос одамлари деярли барча халқаро ташкилотларни, дунёнинг аксарият ҳукуматларини ва жаҳон иқтисодий ва ҳарбий соҳасининг асосий қисмини назорат қиладилар. Шунинг учун ҳам Давос маданияти ўта муҳим саналади. Дунёда қанча одам Давос маданиятининг вакили саналади? Ғарбий давлатлардан ташқари тахминан 50 млн ёки дунё аҳолисининг 1 фоизи, ҳаттоки мана шу бир фоизнинг ўндан бири ҳам бўлиши мумкин. Шундай экан биз уни умумбашарий маданият деб аташдан йироқмиз ва Давос маданияти вакиллари бўлмиш ҳукумат бошлиқлари аслида ўзларининг жамиятидаги назорат тизгинини қўлга олган эмаслар. Хедли Булл таъкидлаганидек, “Умумбашарий интеллектуал маданият мавжуд. Фақат у элита миқёсида: аксарият жамиятларда унинг илдизи бақувват эмас... [ва] шу қадар катта шубҳа уйғотадики, ҳатто дипломатик йўл билан ҳам умумий интеллектуал маданиятларга хос бўлмаган умумбашарий ахлоқ тамойилларинигина қамраб олади.”

Тўртинчидан, шундай фикр илгари сурилмоқдаки, истеъмолнинг ва оммавий маданиятнинг ғарбга хос жиҳатлари тарқалар экан, бутун дунёда умумий маданият яратилишига замин ҳозирланмоқда. Мазкур фикр на пухта ўйланган ва на ҳақиқатга яқин туради. Маданий янгиликлар бир жамоадан иккинчи жамоага ўтиши тарихий жараён дир. Бир жамоада пайдо бўлган инновация, бошқа жамоалар томонидан мунтазам равишда ўзлаштириб борилган. Бироқ бундай технологиялар ё муҳим маданий таъсирга эга бўлмаган бўлади, ёки мавжуд маданиятга таъсир ўтказолмайдиган бўлади. Бундай янгиликлар маълум бир цивилизациядан ёки ғайриоддий бўлганлиги сабабли, ёки мажбур бўлганликлари учун ўзлаштирилади. Ўн тўққизинчи асрда шундай маданий “импорт”лар Хитой ва Ҳиндистонда анчайин оммалашиб кетди. Чунки улар ғарбнинг қудратини акс эттирарди. Ҳозирги кундаги оммавий маданият ҳамда ғарбга хос истеъмол товарларнинг кенг тарқалиши шуни исботламоқдаки, дунёда ғарб маданияти номи остида ғарб цивилизацияси ҳукм юритмоқда. Ғарб цивилизациясининг моҳияти Magna MacDonald’s эмас, Magna Carta ҳисобланади. Ғарблик бўлмаган киши MacDonald’sда овқатланиши мумкин, лекин бу ҳаракати билан у ғарб маданияти вакили бўлиб қолмайди.

Бу эса ғарбга бўлган муносабатни тўлиқ белгилаб беролмайди. Масалан, Яқин Шарқнинг қаеридадир жинси шимларни кийган, Кока Кола ичадиган, реп кўшиқлар эшитадиган беш-олтита ёшлар, Макка томон юзланиб ибодат қилиш асносида, бомба ясашни ўрганиб Америка самолётини портлатишни режалаштириши мумкин. 1970 – 80 йиллар оралиғида америкаликлар миллионлаб япон автомобилларини, телевизорларини, камераларини ва электроник жиҳозларини “японлашмаган” ҳолда сотиб олдилар ва айна пайтда Японияга бўлган салбий қараш кучайиб борди. Фақатгина гўл такаббурликкина ғарбликларни бошқалар уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилса “ғарблашишига” ишонтириши мумкин. Ғарбликларнинг ўзлари маданиятларини газланган сувлар, таги осилган иштонлар ва ёғли овқатлар билан боғлаётган паллада, Ғарб ҳақида дунёга нима айтиш мумкин?

FIGURE 3.2

MODERNIZATION AND CULTURAL RESURGENCE





FIGURE 3.1
ALTERNATIVE RESPONSES TO THE IMPACT OF THE WEST



Универсал оммавий маданиятнинг янада мукамалроқ шакли умумий истеъмол товарлари эмас, балки ОАВга, аниқроғи Кока Коладан кўра Голливудга кўпроқ диққатини қаратади. Американинг халқаро кино, телевидение ва видео саноати ҳатто унинг авиасаноатидан-да қудратлироқ саналади. 1995 йилда энг кўп ташриф буюрилган 100 та филмдан 88 таси АҚШ ҳиссасига тўғри келди. Дунё миқёсидаги ахборот тўплаш ва тарқатиш борасида АҚШнинг иккита ва Европанинг иккита ташкилоти устунлик қилган эди. Бу вазият иккита ҳодисани акс эттиради. Биринчиси: инсоният қизиқишларининг севги, жинсий майллик, бузғунчилик, махфийлик, қаҳрамонлик ва бойлик борасидаги умумийлиги, шунингдек асосан Америкага тегишли бўлган фойда олишга йўналтирилган компанияларнинг мазкур қизиқишлардан ўз манфаати йўлида фойдаланишидир. Айни дамда коммуникацион технологиялар қамровининг ошиши эътиқод ва муносабатларнинг ўзгаришига олиб келиши тўғрисида бизда жуда кам маълумот (йўқ десак ҳам бўлаверади) мавжуд. Майкл Влахоснинг таъкидлашича, “Умумий кўнгилочар ҳодисалар маданиятни ўзгариши дегани эмас.” Иккинчидан: одамлар коммуникацияга ўзларини эски қарашларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Кишор Мабубанининг фикрича, “Дунёнинг турли нуқталарига бир пайтда узатилган тасвирлар қарама-қарши тушунчаларни уйғотиши мумкин. Қитъалараро ракета Бағдодни бомбардимон қилганда, ғарбликлар хонадонида қарсак билан кутиб олинса, ғарб ташқарисидаги аксарият мамалакатлар аҳолиси эса “оқ танли” бўлмаган

ироқлик ва сомалиликлардан қай даражада тезкор ўч олинисини-ю, “ок танли” бўлган сербларга ҳеч нарса қилинмаганлигига гувоҳ бўлади.”

Глобал коммуникация ғарб қудратининг асосий белгиларидан биридир. Ғарбнинг гегемонияси эса кўплаб ғарблик бўлмаган жамиятлардаги сиёсатчиларнинг ғарбнинг маданий босимини инкор этишга, ҳамда ўз маданий ўзликларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга чақириш каби популистик қарашлари пайдо бўлишига туртки беради. Ғарбнинг глобал коммуникациядаги ролини мустаҳкамланиши эса, ғарблик бўлмаганларнинг ғарбга бўлган нафрат ва душманлигининг асосини ташкил этади. Бундан ташқари 1990 йилларнинг бошидаги ғарбдан ташқарида бўлган жамиятлардаги модернизация ва ривожланиш бошқа аудиторияга мўлжалланган маҳаллий ОАВларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, 1994 йилда CNN International компанияси 55 миллион, бошқача қилиб айтганда, дунё аҳолисининг 1%ини ташкил этган аудиторияга эга эди (Давос маданиятига тегишли бўлган одамларнинг сони билан бир хил рақамда) ва компания президенти, уларнинг инглиз тилида эфирга узатиладиган кўрсатувлари вақт ўтиши билан, жаҳон бозорининг 2-4%ини қамраб олиши мумкин эди. Шу тариқа, маҳаллий (яъни маданий) тармоқлар пайдо бўлди, улар ўз кўрсатув ва эшиттиришларини испан тилида, араб тилида, япон тилида, француз (Ғарбий Африка учун) ва бошқа тилларда олиб борганлар. Учта олимнинг хулосасига кўра “Халқаро янгиликлар таҳририяти ҳамон Бобил минораси қурилаётганда бўлгани каби, тўс-тўполон билан тўкнашмоқда.” Роналд Дор дипломатлар ва зиёли одамлар орасида глобал интеллектуал маданиятнинг Довос турининг ёрқин вакилидир. Шундай бўлсада, хатто у ҳам тез ўсаётган коммуникациянинг таъсири ҳақида етарлича мураккаб хулосага келди: “ахборот зичлигини ортар экан, *бошқа тенг шартлар қаторида* (Дорнинг курсиви), миллатлар ўртасида ёки ўрта синф вакиллари орасида, ҳеч бўлмаса дипломатлар орасида ўзаро тушуниш ва мулоқотни таъминлаб беришини тақазо этади.” Шунингдек, у юқоридаги фикрига қўшимча қилиб, “бутун дунёда ўзгармас бўлган айрим нарсалар ҳам муҳим бўлиши мумкин” дейди.

Тил

Ҳар қандай маданият ёки тамаддуннинг асосий элементлари тил ва эътиқод саналади. Модомики, умумбашарий цивилизация бўй кўрсатаётган экан, демак, умумбашарий тил ва эътиқод пайдо бўлишига мойиллик ҳам кучайиши керак. Бундай даъволар, одатда, тилга нисбатан қўлланилади. Wall Street Journal муҳаррири айтганидек, “дунёнинг тили инглиз тилидир.” Бу иккита нарсани англатиши мумкин, ундан фақат биттаси умумбашарий цивилизация тамойилига мос тушиши мумкин. Бу дегани, дунё аҳолиси орасида инглиз тилида гапирувчилар сони мунтазам ортиб боради. Бу нуқтаи

назарни исботловчи ҳеч бир исбот йўқ ва мавжуд манбалардан энг ишонарлилари, эҳтимол улар аниқ эмас, бунинг аксини кўрсатмоқда. 30 йилдан ошиқроқ муддатни камраб олган(1958-1992), бизга маълум бўлган маълумотнинг таҳлили дунё миқёсида тилдан фойдаланувчиларнинг сонидан кескин ўзгаришлар бўлмаганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Шунингдек, инглиз, француз, немис, япон тилларида сўзлашувчиларнинг дунё аҳолисидаги улуши кескин камайган бўлиб, мандарин (хитой адабий тили) тилида гаплашувчилар сони эса нисбатан камроқ пасайган. Ҳинд, малай-индонезия тили, араб, бенгал, испан, португал тилларида гаплашувчилар улуши эса ошган. Дунё аҳолисининг инглиз тилида она тили сифатида гаплашувчилар сони 1958 йилдаги 9.8% идан 1992 йилга келиб бир миллион йўқотиш билан 7.6% ташкил қилди (3.1 жадвал). Ғарбий Европанинг беш асосий (инглиз, француз, немис, португал, испан) тилларида гаплашувчилар улуши 1958 йилдаги 24.1 фоиздан 1992 йилда 20.8 фоизга тушган. 1992 йилда мандарин тилида гаплашувчиларнинг улуши 15.2% бўлиб, у инглиз тилидан икки ҳисса ортиқ бўлган. Ундан ташқари дунё аҳолисининг 3.6%и хитой тилининг турли хил шеваларида гаплашган (3.2 жадвал).

Бир томондан дунё аҳолисининг 92%и учун она тили бўлмаган тил жаҳон тили даражасига кўтарила олмайди. Бошқа томондан эса, маълум бир тил турли хил тилларда гаплашувчи ва турли хил маданиятларга мансуб одамлар ўртасида мулоқот тили вазифасини ўтаса, уни жаҳон тили деб аташ мумкин, яъни агар у *lingua franca* ёки тилшунослик нуқтаи назаридан олиб қараганда, жаҳоннинг асосий кенг мулоқот тили бўлса. Бир бирлари билан мулоқотга киришмоқчи бўлган одамлар бунинг йўлини топишлари лозим. Бир жиҳатдан, улар икки ё ундан ортиқ тилларда мулоқот қилишга ихтисослашган ва оғзаки ёки ёзма таржимон сифатида фаолият юритувчи одамларнинг хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Лекин бу усул жуда ноқулай, кўп вақт талаб қилади ва қиммат бўлади. Шунинг учун, бутун тарих давомида *lingua franca*лар пайдо бўлаверган. Масалан, латин тили қадимги давр ва ўрта асрларда, бир неча аср давомида француз тили Ғарбда, Африканинг кўпгина худудларида суахили ва XX асрнинг иккинчи ярмида дунёнинг катта қисмида инглиз тили шундай мақомга эга бўлдилар. Дипломатлар, бизнесменлар, олимлар, туристлар ва уларга хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, самалёт учувчилари ва авиа диспетчерлар ўзаро самарали мулоқот воситасига муҳтож бўладилар. Ҳозирда улар асосан инглиз тилидан шундай мулоқот воситаси сифатида фойдаланмоқдалар.

Бу маънода инглиз тили, худди вақт ўлчашда ишлатиладиган христиан календари, халқаро санок воситаси ўрнида ишлатиладиган араб сонлари ва ўлчов бирлиги сифатида ишлатиладиган метрик система каби маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида ишлатилади. Шундай бўлсада, инглиз тилининг қўлланилиши маданиятлараро мулоқот воситаси саналади; у эса ўз навбатида

алоҳида маданият пайдо бўлишини тақазо этади. *Lingua franca* лисоний ва маданий фарқларга қарамасдан, мулоқот қила олишни таъминлаши лозим, уларнинг йўқолишига сабаб бўлмаслиги керак. У фақатгина мулоқот воситаси, ўзликни ва бирор бир жамоага тегишлиликни билдирадиган белги эмас. Япон банкири билан индонезиялик бизнесменнинг бир-бирлари билан инглиз тилида сўзлашишлари, уларнинг инглизлашишидан ёки ғарблашишидан далолат бермайди. Худди шундай ҳолат немис ва француз тилида сўзлашувчи швейцарияликлар ўзаро мулоқот тили сифатида инглиз тилини танлаганда кузатилади. Яна шундай вазиятни инглиз тилининг Ҳиндистонда амалдаги миллий тил сифатида қолишида кузатишимиз мумкин. Нерунинг инглиз тилидан воз кечиш борасидаги жон куйдиришларига қарамасдан, инглиз тилини ҳамон сақланиб қолинганлиги ҳиндийда гаплашмайдиган Ҳиндистон миллатларининг ўз тили ва маданиятини сақлаб қолишга кучли хоҳишини ифода этиб, Ҳиндистоннинг кўптилли мамлакат бўлиб қолишини тақазо этади.

Етакчи тилшунос олим Жошуа Фишменнинг кузатишича, агар тил маълум бир этник гуруҳ, дин ёки мафкура билан боғланмаса, *lingua franca* сифатида қабул қилиниши эҳтимоли юқори бўлади. Ўтмишда инглиз тилида ҳам ана шундай белгиларнинг кўпчилиги бўлган. Сўнгги пайтларда эса, инглиз тили “миллий жиҳатларини йўқотди (ёки миллатга боғлиқлиги минималлашди)”, худди шундай ҳолат ўтмишда аккад, оромий, юнон ва лотин тиллари билан ҳам кузатилган. “Инглиз тилининг иккинчи тил сифатида шуҳрат қозонишига сабаб бўлган устунлиги шундаки, у охириги чорак асрда на Британияни ва на Американи бир миллат сифатида кўрилмаслиги ёки мафкуравий тағмаънога тилни тикиштирилмаганлигида эди.” Шунинг учун ҳам инглиз тилининг миллатлараро мулоқот воситаси сифатида ишлатилиши, турли хил халқларнинг миллий ўзлигини нафақат сақлаб қолишга, балки ривожланишига олиб келди.

Дунёдаги инглиз тилида сўзлашувчилар тобора унинг турли шаклларида гаплашиб келмоқдалар. Инглиз тили маҳаллийлашмоқда ва Британия ва Америка инглиз тилига ёт маҳаллий бўёқдорлик касб этмоқда, натижада инглиз тилининг турли шакллари ўзаро тушунишни қийинлаштирмоқда, худди хитой тилининг турли шевалари каби. Нигерияча пиджин инглиз тили, ҳиндча инглиз тили ва яна кўплаб бошқа шакллардаги инглиз тили турлари ўша давлатларнинг ўзлигига айланиб улгурди ва чамаси, келажакда бир бирларидан узоқлашиб, худди роман тиллари лотин тилидан келиб чиққани каби қардош, лекин ўзаро фарқларга эга тилларга ажраб кетади. Аммо италян, испан ва француз тилларидан фарқли ўлароқ, бу тиллар жамиятдаги кичик бир гуруҳ томонидангина гаплашилади ва улар асосан турли тилли кишилар ўртасида мулоқот учунгина фойдаланилади.

Мазкур жараёнларни амалдаги ҳолатини Ҳиндистонда кузатишимиз мумкин. Масалан, аслида 1983 йилда Ҳиндистоннинг умумий 733 миллион аҳолисидан 18 миллиони инглиз тилида эркин гаплаша оларди. 1991 йилда умумий аҳоли 867 миллион бўлганида инглиз тилида эркин мулоқот қилувчилар сони эса 20 миллионга етди. Шундай қилиб, Ҳиндистонда инглиз тилида гаплашувчилар миқдори барқарор 2-4 фоиз атрофидаги кўрсаткични ташкил қилади. Инглиз тилида хужжат юритувчи тор доирадаги элитадан ташқарида, инглиз тили, ҳатто *lingua franca* вазифасини ҳам ўтамайди. Нью Дехлидаги университетнинг иккита профессори таъкидлашларича, “Асл реаллик шундан иборатки, агар сиз Кашмирнинг энг жанубий нуқтасидан то Каякумаригача саёҳатга отлансангиз, ҳиндий тилда мулоқотга киришиш инглиз тилидагига нисбатан анча осон бўлади.” Ундан ташқари ҳиндча инглиз тили жуда кўп ўзига хос хислатларни қабул қилиб оляптики, у кундан кунга ҳиндлашиб бормоқда, ёки аниқроғи, турли маҳаллий тилда гаплашувчиларнинг таъсирида, маҳаллийлашиб бормоқда. Худди илгари санскрит ва форс тиллари ҳинд маданиятига сингиб кетгани каби, инглиз тили ҳам ҳинд маданиятининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Тарихан тилларнинг тарқалиши дунёдаги қудратларнинг тарқалишини акс эттирган. Энг кўп гаплашиладиган тиллар – инглиз, мандарин, испан, француз, араб ва рус тиллари – бошқа халқларга ўз тилларини ўрганишга ва қўллашга даъват қилган империяларнинг асосий тиллари бўлган. Дунёдаги ҳукмронлик тақсимотидаги ўзгариш, тилларнинг тарқалишидаги ўзгаришга мос келган. “Америка ва Британиянинг икки аср давомидаги мастамлакачилик, савдо, саноат, илмий ва молиявий қудрати олий таълимда, дунё бўйлаб давлат бошқарувида, савдо ва технологияларда ўз изини қолдирган.” Британия ва Франция ўз мустамлакаларида ўзларининг тилларини мажбуран ёйганлар. Аммо мустақилликдан кейин собиқ мустамлакалар турли усуллар билан маҳаллий тилларни тарғиб қила бошлаган, натижа эса ҳаммада ҳам бирдай бўлавермаган. Совет иттифоқининг энг гуллаган чоғида, рус тили Прагадан Ханойгача *lingua franca* сифатида ишлатилган. Шўъровий тузум қудратининг пасайиши, рус тилининг иккинчи тил сифатида ўқитилишига иштиёқнинг сўна бошлаши билан параллел кечди. Маданиятнинг бошқа шакллари қаторида қудратнинг ортиши ҳам тил эгаларининг ўз тилларига бўлган ишончини орттиради, ҳам бошқа тил вакиллари тарафидан бу тилни ўрганишга иштиёқни уйғотади. Берлин девори кулаши ортидан Германия янги гегемон сифатида кўрила бошланди ва инглиз тилида равон сўзлаша оладиган немислар орасида халқаро учрашувларда немис тилида гапиришга мойиллик кучайди. Япониянинг иқтисодий қудрати япон тилини бошқалар томонидан ўрганилишига тўртки берди. Яқин йиллардаги Хитойнинг иқтисодий ўсиши хитой тилига бўлган қизиқишни ортишига сабаб бўлмоқда. Хитой тили Гонконгда аллақачон инглиз тилини асосий тил сифатида сиқиб чиқармоқда

ва Жанубий Шарқий Осиёдаги хитойликларнинг роли туфайли хитой тили мазкур ҳудудда халқаро бизнес алоқалари амалга ошириладиган тилга айланиб улгурди. Бошқа цивилизацияларга қараганда, Ғарб қудратининг пасайиши инглиз ва бошқа ғарб тилларининг маданиятлараро мулоқот тили сифатида қўлланилишига путур етказмасдан қолмайди. Агар узок келажакда Хитой цивилизацияси Ғарб цивилизацияси устидан устунликни қўлга киритса, инглиз тили халқаро *lingua franca* ўрнини хитой тилига бўшатиб беришга мажбур бўлади.

Собиқ мустамлакалар мустақиллик сари ҳаракат қилиб унга эришар эканлар, маҳаллий тилларнинг риволаниши рағбатлантирилиб, империалистларнинг тилларини сиқувга олиш маҳаллий элитанинг колонистлардан ажратиб турадиган ва ўзлигини белгилайдиган хислати деб кўрилади. Мустақилликдан сўнг эса, элита вакиллари оддий аҳолидан ўзларини ажратиб турувчи хислатга эҳтиёж туғилади. Инглиз, француз ва бошқа ғарб тилларидаги равон сўзлаша олишлик шундай хислат саналади. Натижада ана шундай элиталар ўз халқидан кўра, ғарбликлар билан тез тил топишади (худди шундай ҳолат ўн еттинчи ва ўн саккизинчи асрларда Европа аристократлари бир-бири билан француз тилида гаплашиб тил топишган ва лекин оддий аҳолининг оғзаки тилини тушунмаган пайтларда кузатилган). Ғарблик бўлмаган жамиятларда иккита бир-бирига қарама қарши ҳаракат юзага келган кўринади. Бир тарафдан инглиз тили олий таълимда харидор ва капитал учун рақобатбардошликни ошириш мақсадида зўр бериб ўқитилмоқда. Бошқа тарафдан эса итимоий ва сиёсий босимлар остида маҳаллий тилларнинг кенг миқёсда қўлланилиши авж олмақда. Масалан, Шимолий Африкада араб тили француз тилининг ўрнини эгаллаган бўлса, Покистон ҳукумати ва таълимида урду тили инглиз тилини сиқиб чиқармоқда. Ҳиндистонда эса маҳаллий тиллар инглиз тилини ОАВдан сиқиб чиқараяпти. Бундай ўзгаришлар, 1948 йилда Ҳиндистон Маориф Комиссияси томонидан башорат қилинган эди. Унда “инглиз тилини қўллаш халқни иккига ажратиб кўяди, бир ховуч бошқарувчилар ва аксарият бошқарилувчилар, уларнинг бири иккинчисининг тилини тушунмайди ва ўзаро тушунмовчилик юзага келади” дейилган эди. Орадан қирқ йил ўтиб, инглиз тилининг элита тили сифатида қолиши, башорат тўғри бўлиб чиқишини исботлади ва “катта ёшлиларнинг овоз беришига асосланган ишчи демократияни яратишда ғайритабиий вазиятни юзага келтирди. Инглиззабон Ҳиндистон, ҳамда сиёсий онгга эга бўлган Ҳиндистон бир-биридан борган сари узоклаша бормоқда. Бу эса юқорида ўтирган инглиззабон озчилик ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган юз миллионлаб кўпчилик ўртасида тарангликни кескинлаштирмоқда.” Ғарблик бўлмаган давлатларда демократиянинг ўрнатилиши ва давлат бошқарувида оддий халқнинг кенг иштироки ғарб тилларининг ролини пасайишига, ҳамда маҳаллий тилларнинг ўрни ортишига замин ҳозирлайди.

Совет иттифоқининг қулаши, ҳамда совуқ урушнинг якуланиши, нутилган ёки таъқиб остида бўлган тилларни янгиланишига ва риволанишига туртки бўлди. Миллий тилларни қайта тиклаш ҳаракатларининг энг жўшқин тўлқини собиқ иттифоқ давлатларида кузатилди. Эстон, латиш, литва, украин, грузин ва арман тиллари мустақил давлатларнинг миллий тилларига айланди. Собиқ иттифоқнинг мусулмон ўлкалари орасида ҳам ўз миллий тилларини ривожлантириш бўй бера бошлади. Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон рус оғаларининг ёзуви бўлмиш кирилл алифбосидан воз кечиб, ғарб томон юзландилар ва турк қардошларига яқин бўлган лотин графикасига асосланган ёзувга ўта бошладилар. Форсийзабон Тожикистон эса араб ёзувини қабул қилди (Қирғизистон ва Тожикистон ҳамон кирилл ёзувидан фойдаланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Тожикистонда араб алифбосига қайтишга қарор қилинган, лекин кейинроқ бундан воз кечилган. - тарж.). Серблар эса, аксинча, ўз тилларини сербо-хорват деб эмас, серб деб атайдиган бўлишди ва католик душманларининг ёзуви бўлмиш лотин алифбосидан юз ўгириб, рус қардошларининг кирилл алифбосига ўтишди. Бунга параллел равишда хорватлар ўз тилларини хорват тили деб атаб, уни турк ва бошқа хорижий тиллардан кирган унсурлардан тозалай бошлашди. Ваҳоланки, Боснияда “худди ўша туркча ва арабча ўзлашмалар Усманийлар империясининг 450 йиллик бошқаруви рамзи сифатида қайта тилга киритилди ва оммалашди.” Тиллар цивилизацияларнинг хусусиятларига қараб сайқалланади ва қайта тикланади. Қудрат ёйилиши билан тилларнинг бири бири билан аралаш ҳолда мавуд бўлиши ҳам кенгайди.

ЭЪТИҚОД

Умумбашарий диннинг пайдо бўлиши умумий тилнинг пайдо бўлишидан эҳтимоли юқорироқ. Йигирманчи асрнинг охирида дунё диний тикланишга гувоҳ бўлди. Ана ўша тикланиш, диний ўзликнинг кучайиши ва фундаментализм ҳаракатларининг ошишини ҳам қамраб олди. Шунинг учун бундай тикланиш динлар ўртасидаги тафовутни кенгайтирди. У аслида турфа хил динларга эътиқод қилувчиларнинг дунё аҳолисидаги улушига катта таъсир кўрсатмади. Динга эътиқод қилувчилар ҳақидаги маълумотлар тиллар ҳақидаги маълумотлардан ишончсизроқ ва тўлиқ очиб бермайди. 3.3 жадвал энг кенг қўлланиладиган малумот асосида берилган. Юқоридаги берилган ва бошқа бир қанча маълумотларга таяниб айтишимиз мумкинки, динларнинг сондаги нисбати ўтган асрда катта фарқ билан ўзгармади. Манбаларда келтирилган энг катта сондаги ўзгариш, ўзларини “бирор динга эътиқод қилмайдиган” ва атеист деб ҳисоблайдиганларнинг улуши 1900 йилдаги 0.2% дан 1980 йилда 20.9% гача ошган. Онгли тарзда бундай ўзгаришни динлардан чекиниш дейиш мумкин ва 1980 йилда диний тикланиш эндигина бўй кўрсатаётган эди. Унинг устига бу 20.7%ли ўзгариш “Хитой маҳаллий динлари”нинг шу муддат ичида йўқотган улушига мос келади. Улар 1900

йилда 23.5% эдилар, 1980 йилда эса 19% пасайиш билан 4.5%га тушиб қолишди. Деярли бир хил ўсиш ва пасайиш Хитойда коммунизмнинг сиёсий ҳукмронликка келиши билан аҳолисининг аксар қисми анъанавий маҳаллий динларга мансуб деб эмас, шунчаки, атеизмга алоқадор деб ҳисобланган бўлиши мумкин.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, иккита асосий даъват этувчи динлар бўлмиш ислом ва христианликнинг дунё аҳолисидаги улуши ўтган аср давомида ошган. Христианларнинг улуши 1900 йилдаги 26.9% кўрсаткичдан 1980 йилда 30% гача ошган. Мусулмонларнинг улуши эса, салмоқли миқдорда ўсган. 1900 йилдаги 12.4% дан 1980 йилда 16.5% га, баъзи маълумотларга кўра 18% га ошган. Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йилликларида ҳам ислом дини, ҳам христианлик Африкада сон жиҳатдан ортди. Ёппасига христианликни қабул қилиш эса Жанубий Кореяда юз берди. Тезлик билан замонавийлашаётган жамиятларда агар анъанавий динлар модернизациянинг талабларига жавоб бера олмаса, у ҳолда у ерда ислом ва ғарбий христианликни тарқалишига шароит пайдо бўлади. Бундай ўлкаларга ғарб маданиятининг ёйишда энг муваффақиятли инсонлар – булар нео-классик иқтисодчилар ҳам, салб юриш қилаётган демократлар ҳам, халқаро корпорацияларнинг менежерлари ҳам эмас, балки улар ўз эътиқодларини жон бериб ёяётган христиан миссионерларидир. На Адам Смит ва на Томас Жеферсон шаҳарга кўчиб келган мигрантнинг ёки оиласидан биринчи бўлиб олийгоҳни тамомлаган ўсмирнинг ижтимоий, психологик, ҳиссий ва ахлоқий эҳтиёжларини қондира олмаслиги мумкин. Исо Масих ҳам уларни талабларини қондиради деёлмаймиз, лекин унинг имконияти юқорироқ.

Узоқ муддатли курашда, умуман олганда, ислом ютиб чиқмоқда. Христианлик асосан бошқа эътиқод эгаларини ўз динига киритиш орқали нуфузини ошираётган бўлса, ислом ҳам динни бошқалар ўртасида ёйиш, ҳам юқори даражадаги туғилиш билан сон жиҳатдан ошмоқда. Христианларнинг дунё аҳолисидаги улуши 1980 йилда 30% га чиқди, аммо кейинчалик ўсишдан тўхтади ва ҳозирда камайишга ўтди; эҳтимол, 2025 йилга бориб 25% га тушиб қолар. Ўта юқори даражадаги туғилиш натижасида (5 бобни кўринг) мусулмонларнинг улуши катта тезликда ошиб бормоқда ва аср охирига бориб 20% ни ташкил этади. Ўша йилларда, эҳтимол, христианларнинг сонидан ошиб кетади ва 2015 йилга бориб дунё аҳолисининг 30% мусулмон бўлади.

УМУМБАШАРИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ: МАНБАЛАР

Умумбашарий цивилизация тушунчаси Ғарб цивилизациясининг ўзгача талқинидир. XIX асрда “оқ танлининг юки” ғояси ғарблик бўлмаганларнинг устидан ғарбнинг сиёсий, иқтисодий тарафлама ҳукмронлигини оқлашга

кўмаклашган. Йигирманчи асрнинг охирида эса умумбашарий цивилизация тушунчаси ғарблик бўлмаганлар устидан маданий ҳукмронлигини ва ғарбга хос маданиятни бошқалар қабул қилиши лозимлигини оқлашда ёрдам бермоқда. Универсализм – бу ғарбликлар мафкурасининг ғарблик бўлмаганларга қарши турувчи усулидир. Бундай ҳолат ўз қарашларини ғарблаштирганлар билан ҳам тез-тез юз бериб туради. Найпаул, Фуад Ажами каби ягона тамаддун тарафдорлари бўлмиш ғарбга иммиграция қилган интеллигация вакилларига универсализм тушунчаси энг асосий савол бўлмиш “мен кимман?” деган сўроққа жавоб топиши мумкин. Бироқ “оқ танли негр” атамасини араб интеллегенциясининг бир вавкили шундай мигрантларга қарата қўллаган. Умумбашарий цивилизация ғояси бошқа цивилизацияларда катта қўллаб қувватлашга эришолмади. Ғарблик бўлмаганлар ғарбликлар нимани универсал деб билса шуни кўришади. Ғарбликлар халқаро оммавий ахборот воситаларининг тарқалиши каби безарар умуминсоний интеграция деб ҳисоблайдиган нарсалар бошқалар томонидан ғарбнинг разил империализмининг ёйилиши деб кўрилади. Ғарбликлар дунёни ягона бирлик деб кўриши бошқаларга таҳдиддек туюлади.

Нима сабабдан умумий цивилизация масаласи кўндаланг кўйилаётганига келсак, учта фараз мазкур ҳолатни изоҳлаши мумкин. Дастлабки бобда кўриб чиққанимиздек, Совет Иттифоқининг қулаши муайян тарих тугаганини билдиради, ҳамда дунё бўйлаб умумий либерализмнинг ғалабасини англатади. Бу биринчи фараз бўлиши мумкин. Бу фаразнинг битта иштибоҳи бор. Унинг илдизи совуқ урушга бориб тақалади. У даврда коммунизмга муқобил тузум либерал демократия эди, биттасининг қулаши иккинчисининг ғалабасини англатарди. Аммо, биламизки, дунёда барқарор ҳукмронлик юритаётган авторитар, миллатчи, корпоратист ва бозор иқтисодиётига асосланган коммунизм (Хитой мисолида) тузумлари бор. Яна ҳам муҳимроқ аҳамият касб этадиган диний муқобиллар борки, улар дунёвийлик атрофида ётади. Бугунги кунимизда, дин одамларни жунбушга келтирадиган марказий куч дейишимиз мумкиндир, эҳтимол. Совет коммунизмнинг қулаши - ғарб либерализмининг ғалабаси, ҳамда мусулмонлар, ҳиндлар ва хитойликлар гўёки либерализмдан бошқа муқобил мафкура йўқдек, кучоқ очиб ғарб либерализмини кутиб олади, дейиш ғирт аҳмоқона фикрлаш бўларди. Совуқ уруш туфайли содир бўлган тарафкашлик барҳам топди. Инсониятни миллатга, динга ва маданиятга қараб гуруҳлашлар эса ҳамон мавжуд, мавжуд бўлибгина қолмай халқлар орасидаги ихтилофларга асосий сабабчи ҳамдир.

Иккинчидан, одамлар орасида шундай фараз борки, унга кўра халқлар ўртасидаги савдо, инвестиция, туризм, ОАВ, электрон ахборот умумий барчага хос бўлган маданиятни яратяпти. Дарҳақиқат, коммуникацион технологиялардаги ўсиш маблағ, одамлар, товарлар, ғоялар ва расмларни дунё

бўйлаб ҳаракатланишини осонроқ ва арзонроқ бўлишига туртки берди. Шубҳа йўқки, юқорида эслатилган нарсаларнинг ҳаракати ошган. Аммо савдо сотиқ ихтилофларни пайдо бўлишида қай даражада рол ўйнаши мавҳум масала. У халқлар орасидаги уруш хавфини камайтиради, деган фикр ҳали ўз исботини топган эмас, аксинча, улар урушга олиб келиши мумкинлиги ҳақида далиллар бор. Халқаро савдо сотиқ 1960-1970 йилларда ва совуқ урушдан кейинги ўн йилликда сезиларли ошди. Бироқ 1913 йилда халқаро савдо ўзининг энг юқори босқичида эди ва бир йил ўтар ўтмас, халқлар бир-бирларини мисли кўрилмаган даражада қирғинбарот қилишди. Агар халқаро савдо-сотиқ ўзининг энг юқори чўққисига чиқган даврда, урушнинг олдини ололмаган экан, унда қачон олдини олиши мумкин? Бундай мисоллар либерал ва халқаро фараз бўлмиш “савдо тинчлик олиб келади” деган қарашларни шубҳа остига кўйиши табиий. 1990 йилларда қилинган таҳлиллар музкур фикрга шубҳани ошириб юборди. Бир тадқиқотнинг хулосасига кўра “юқори даражадаги савдо халқаро сиёсат учун ҳал қилувчи куч бўлиши мумкин” ва “ халқаро тизимда савдо алоқаларининг ошишининг ўзи халқаро зиддиятларни енгиллатиши ва барқарорликни таъминлаши учун муҳим омил ҳисобланмайди.” Бошқа тадқиқотнинг аниқлашича, юқори даражадаги иқтисодий мустақиллик “савдо келажигидаги ниятга қараб ёки уруш кўзғовчи ёки тинчликни тикловчи бўлиши мумкин.” Иқтисодий ўзаро боғлиқлик фақатгина “юқори даражадаги савдо алоқалари яқин келажакда сақланиб қолишига кўзи етсагина” тинчликни таъминлаши мумкин. Агар ҳукуматлар юқори даражадаги ўзаро боғлиқ алоқалар сақланиб қолишига кўзи етмаса, уруш чиқиш хавфи ортади.

Ўзаро савдо ва алоқаларни тинчлик ва умумий ҳиссиётни яратишдаги муваффақиятсизлиги ижтимоий фанларнинг тадқиқот хулосаларига мос келади. Ижтимоий психологияда “фарқлилиқ назарияси” деган тушунча бор. Унга кўра, муайян бир вазиятда одамлар ўзларини бошқалардан фарқлайдиган жиҳатларга эътибор беришади. “Инсон ўзини характер жиҳатидан бошқалардан фарқли томонини ҳисобга олиб англаб етади, айниқса ўзлари таниш бўлган маданият одамларидан.... ўнлаб аёллар ишлайдиган компанияда ишлайдиган психолог аёл, улар орасида ўзини психолог деб кўради; худди ўша аёл ўнлаб эркак психологлар орасида ўзини аёл деб кўради.” Одамлар ўзликларини ўхшамайдиган томонларига қараб белгилайдилар. Коммуникацион воситалар, савдо ва саёҳат маданиятлараро алоқани кучайтириб, одамларнинг ўз маданиятларига бўлган ҳурматини ошишига олиб келяпти. Иккита европалик бир француз ва бир немис ўзаро суҳбатлашса ўзларини немис ва француз деб биладилар. Иккита европалик, бир француз ва бир немис иккита араб, бир саудиялик ва бир мисрлик ўзаро мулоқотга киришса, улар албатта ўзларини кенгроқ маънода европалик ва араб деб билишади. Францияда шимолий африкалик мигрантларга қарши норозилик кучайиши фонида католик Полшадан келувчиларга нисбатан

илиқлик пайдо бўлмоқда. Америкаликлар Япония инвестициясига Канада ёки Европа инвестициясига қараганда салбий муносабатда бўлишади. Шунингдек, Доналд Ҳоровиц айтганидек, “Ибо халқига мансуб киши, балким Нигериянинг шарқий ҳудудида овери ибо ёки ониш ибодир, бироқ Лагосда у шунчаки ибо, Лондонда у шунчаки нигериялик, Нью-Йоркда у шунчаки африкалик. Жамиятшуносликда оммавийлаштириш назарияси бир хил хулосани кўрсатади: тобора оммалашган жаҳонда цивилизация, ижтимоий ва ўзаро боғлиқликнинг бошқа турлари ва кенг тарқалган тушунча: маданий, ижтимоий ва этник ўзини англаш тарихан алоҳида даражада тавсифланган. Оммавий диний тикланиш, «Иймонга қайтиш», инсонларнинг тушунишича, оламнинг «жой сифатида» ягоналигига жавобдир.

ҒАРБ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ

Универсал цивилизация пайдо бўлишининг учинчи ва энг асосий сабаби - бу XVIII асрдан бери давом этиб келаётган модернизациянинг йирик жараёни натижаси деб қаралади. Модернизация саноатлаштириш, урбанизация (шаҳарлаштириш), саводхонлик, ўқитиш, бойлик ва ижтимоий мобилизациянинг кўтарилаётган даражасини, нисбатан мураккаб ва турли хил касбга оид тузилмаларни ўз ичига олади. Бу XVIII асрда илмий ва муҳандислик билимининг улкан ёйилиш маҳсулоти бўлиб, инсонларга мислсиз даражада тамомила атроф-муҳитни назорат қилиш ва унга шакл бериш имконини берди. Модернизация, ибтидоий жамиятдан маданиятлашган жамиятга силжиш билан таққослаш мумкин бўлган инқилобий жараён бўлиб, у тахминан милoddан аввалги 5000 йилда Дажла ва Фурот водийларида, Нилда ва Ҳинд дарёси бўйларида маданийлашганликнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан бошланган. Замонавий жамият одамларининг муносабатлари, қадриятлари, илми ва маданияти анъанавий жамиятдан ниҳоятда фарқ қилади. Замонавийлашишга юз тутган биринчи цивилизация сифатида, замонавийлик маданиятини эгаллашда Ғарб етакчилик қилади. Бошқа жамиятлар ҳам бир хил ўқитиш, иш, бойлик ва синфий тузилма намуналарини эгаллашлари баҳсга чек кўяди. Бу замонавий Ғарбий маданият дунёнинг умумжаҳон маданиятига айланади.

Замонавий ва анъанавий маданият ўртасида сезиларли фарқ мавжуд, бу ҳақда баҳслашмаса ҳам бўлади. Бу, албатта, изчил содир бўлмайди, бироқ анъанавий маданиятли жамиятдан кўра замонавий маданиятли жамиятлар бир-бирига кўпроқ ўхшашади. Шубҳасиз, жамиятлари замонавийлик даражаси таққосланадиган даражада юқори бўлган оламдан кўра баъзи жамиятлари ниҳоятда ривожланган, қолганлари эса ҳамон анъанавий бўлган дунё камроқ ўхшаш бўлади. Лекин барча жамиятлари анъанавий бўлган дунёчи? Бу дунё бир неча юз йил аввал мавжуд бўлган. У келажакдаги

умумжаҳон замонавий дунё билан камроқ ўхшаш бўлганми? Эҳтимол, йўқ. Бродел ёзганидек, “Мао Цзе-Дун давридаги Хитой Бешинчи республика пайтидаги Франциясига таққослагандагидан кўра Минг сулоласи давридаги Хитой, шубҳасиз, Валуа давридаги Францияга яқинроқ бўлган.”

Бундан ташқари, анъанавий жамиятдан кўра замонавий жамиятнинг бир-бирига ўхшай олганининг иккита сабаби бор. Биринчиси, замонавий жамиятлар ичида ривожланган ўзаро муносабат янги умумий маданиятни юзага келтира олмаслиги мумкин, лекин техника, кашфиёт ва амалиётни бир жамиятдан бошқасига тезлик ва анъанавий дунёда имконсиз бўлган даражада ўтказишга ёрдам беради. Иккинчидан, анъанавий жамият қишлоқ хўжалигига асосланган эди; замонавий жамият эса қўл меҳнатига асосланган касаначилиқдан классик оғир саноатга, кейин билимга асосланган технолигиялар ва ишлаб чиқаришгача тараққий этиши мумкин бўлган саноатга асосланган. Хўжалик намуналари ва улар билан мослашган ижтимоий тузилма саноат намуналаридан кўра табиатга кўпроқ боғлиқ. Улар тупроқ ва иқлимни фарқлашади, шу йўсинда ер мулкдорлиги, ижтимоий тузилма ва ҳукуматнинг турли йўналишларига оширишни ҳукм қилишади. Умуман, Виттфогелнинг ирригацион тамаддун назарияси ҳар қанча олқишга лойиқ бўлмасин, марказлашган ва бюрократик сиёсий ҳокимиятини пайдо қилишга асос бўладиган қишлоқ хўжалик конструкция ва катта суғориш тизими операциясига боғлиқ. Бу аксинча бўлиши қийин. Унумдор тупроқ ва яхши иқлимнинг кенг кўламдаги плантация хўжалиги тараққиётини руҳлантириши эҳтимоли бор ва натижадаги ижтимоий тузилма бой ер эгаларидан иборат кичик гуруҳ, плантацияда ишлайдиган қуллар, ҳамда деҳқонлардан иборат катта гуруҳни ўз ичига олади. Кенг кўламда яшаш учун ноқулай бўлган шароит, мустақил фермерлар жамиятининг пайдо бўлишига туртки бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик жамиятларида, қисқаси, ижтимоий тузилма география орқали шаклланган. Саноат, аксинча, маҳаллий табиий муҳитга анча камроқ тобе. Саноатлашган ташкилотдаги тафовутларнинг географиядан кўра маданият ва ижтимоий тузилмадаги фарқлардан келиб чиқиш эҳтимоли бор. Олдингилари битта нуқтада кесиша олган, кейингилари эса йўқ.

Замонавий жамиятда шу йўсинда кўп умумийлик бор. Лекин улар бир турлиликка қўшилишадими? Улар кўрсатган сабаблар замонавий жамият якка ёзувда ажралиб туриши керак, деган тахминга таянади, Фарбий ёзув, ўша замонавий цивилизация – бу Фарбий цивилизация, Фарбий цивилизация – бу замонавий цивилизация. Бироқ бу – буткул хато қараш. Фарбий цивилизация VIII-IX асрларда пайдо бўлиб, кейинги асрларда ўзининг махсус хусусиятларини ривожлантирган. Бу XVII-XVIII асрларгача замонавийлашишни бошламаган. Фарб замонавий бўлишидан анча олдин ҳам

Ғарб бўлган. Ғарбнинг уни бошқа цивилизациялардан фарқлаб турадиган асосий фазилатлари Ғарб модернизациясининг эрта келганидир.

Юзлаб йиллар мобайнида у замонавийлашишидан олдин Ғарбий жамиятнинг ажралиб турадиган фазилатлари нима эди? Турли билимдонлар бу саволга жавоб беришди, жавобларининг маълум жойларида фарқ бўлсада, улар тажриба, етакчи институт, ақида мантиқан Ғарбий цивилизациянинг ўзаги бўлганини тасдиқлашди.

Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Мумтоз мерос. Учинчи авлод цивилизацияси сифатида Ғарб аввалги цивилизациядан кўп нарсани мерос қилиб олди, айниқса, Мумтоз цивилизацияни ичига олган ҳолда. Ғарбнинг мумтоз цивилизациядан мерослари кўп, Юнон фалсафаси ва рационализм, Рим қонунлари, Лотин ва христианликни ўз ичига олади. Ислом ва Православ цивилизацияси ҳам мумтоз цивилизациядан мерос бўлиб қолган, лекин ҳеч қаерда Ғарб шу даражага яқин мерос қолдирмаган.

Католиклик ва Протестантлик. Ғарбий христианлик, аввал Католиклик, кейин Католиклик ва Протестантлик ғарбий цивилизациянинг тарихан ягона энг муҳим характеристикасидир. Биринчи минг йиллик мобайнида, дарҳақиқат, ҳозир биз Ғарбий цивилизация деб билганимиз Ғарбий христианлар оламидеб аталган. Ғарбий Христиан одамлари ичида ақлан яхши ривожланган жамият яшаган ва улар турклар, мурлар, бизантинлар ва бошқалар бўлган. XVI асрда ғарбликлар дунёни забт этиш учун йўлга чикди ва бунинг барчаси Худо учун, қолаверса, олтин учун ҳам эди. Реформация, контр-реформация, ғарбий христиан оламининг шимолий протестантлик ва жанубий католикликка бўлиниши ҳам ғарбий тарихнинг ўзига хос хусусияти, шарқий проваславнинг мутлақо иштирок этмаганлиги ва маълум Лотин Америкасини бошидан кечирганлари ҳам.

Европа тиллари. Тил диндан кейин одамларни бошқа маданиятдан эканлигини билдирадиган иккинчи омил. Ғарб тилларининг хилма-хиллиги билан бошқа цивилизациялардан фарқ қилади. Япон, ҳинд, мандарин (Хитой), рус ва ҳатто араб тили ҳам ўз цивилизациясининг ўзак тили деб эътироф қилинади. Ғарб лотин тилини ўзига мерос қилиб олди. Лекин турли миллатлар пайдо бўлди ва уларнинг тиллари улкан гуруҳларга: роман ва герман категорияларига бўлинди. XVI асрдан бу тиллар ўз даврининг шаклини олди.

Диний ва вақтинчалик ҳокимиятнинг бўлиниши. Ғарб тарихида мамлакатдан ташқари биринчи Черков, кейин кўплаб черковлар мавжуд бўлган. Худо ва яккаҳоким, давлат ва черков, диний ҳокимият ва муваққат ҳокимият, Ғарбий маданиятда дуализм ҳукмронлик қилиб келаётган эди. Фақат Ҳинд цивилизациясида дин, шунингдек, сиёсат яққол ажралиб турган.

Исломда Худо – бу яккаҳоким; Хитой ва Японияда, яккаҳоким – бу Худо, Проваславияда Худо яккаҳокимнинг кичик шериги. Бошқа цивилизацияларда мавжуд бўлмаган мамлакат ва черков ўртасидаги ажрашув ва қайта тўқнашув ғарбий цивилизацияни гавдалантиради. Бу ҳокимият бўлиниши Ғарбда эркинлик ривожига беқиёс ҳисса қўшади.

Қонун бошқаруви. Цивилизациялашган мавжудлик Римликлардан қонуннинг муҳимлик ғоясини мерос қилиб олган. Ўрта аср мутафаккирлари подшоҳлар ўз куч-қудратларини кўрсатиш керак деган фикрга таяниб табиий қонун ғояси ва умумий анъанавий Англияда ривожланган қонунни ишлаб чиққанлар. Абсолютизм даври мобайнида (XVI-XVII асрлар) қонунга риоя қилишдан кўра қонуннинг бузилиши кўпроқ кузатилган, бироқ инсон ҳукмронлигининг қандайдир четдан келган чекловларга буйсуниши тўғрисидаги ғоя - «Non sub homine sed sub Deo et lege» яшашда давом этган. Бу қонун устуворлиги анъанаси асосида конституционализм ва инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ётарди, у мулк ҳуқуқи ва зўравон кучларга қарши курашишни ўз ичига олган. Бошқа кўплаб цивилизацияларда фикр ва хулқ шаклланишида қонуннинг аҳамияти анча камроқ эди.

Ижтимоий плюрализм. Тарихан ғарбий жамият ниҳоятда плюралист бўлган. Немис қайдномаларида айтилганидек, Ғарб учун асосийси – бу «Ўсиш ва қонли қариндошлик ва никоҳга асосланмаган турли автоном гуруҳлардан сақланиш». VI-VII аср бошларида, бу гуруҳлар дастлаб монастырлар ва монастыр тартибларини ўз ичига олди, лекин кейин кўплаб Европа ерларини, турли ассоциация ва жамиятларни қамраб олиш мақсадида ёйилди. Ассоциациал плюрализм классик – мумтоз плюрализм томонидан мукаммаллаштирилган эди. Аксар Ғарбий Европа жамиятлари нисбатан кучли ва автоном аристократия, катта миқдорда деҳқончилик ва кичик, лекин сезиларли деҳқонлар ва савдогарлар гуруҳини ўз ичига оларди.

Феодал аристократиянинг қудрати, айниқса, масофаси чекланганда сезиларли эди, яъни абсолютизм кўплаб Европа халқларида мустаҳкам илдиз отишга қодир эди. Бу Европа плюралиزمи бир вақтнинг ўзида Россия, Хитой, Оттоман ерларида ва бошқа Ғарбий бўлмаган жамиятларда мавжуд бўлган фуқаролик жамиятининг ночорлиги, аристократиянинг кучсизлиги ва марказлашган бюрократик империянинг қудрати билан кескин фарқ қилади.

Табақага оид гуруҳлар. Ижтимоий плюрализм худудлар, парламентлар ва бошқа муассасаларга аристократия, руҳонийлик, савдогарлик ва бошқа гуруҳларнинг манфаатларини тасвирлаш учун барвақт ўсиш берди. Бу гуруҳлар модернизация курсини ва замонавий демократия институтларида ривожланган ваколат тузилмасини тақдим қилишди. Абсолютизм даврида баъзи масалаларда гуруҳларнинг ваколоти бекор қилинган ёки қаттиқ чеклаб қўйилган. Бироқ, ҳатто бу воқеа содир бўлганда ҳам улар Франциядаги каби

тиклана олишган ва кенгайган сиёсий иштирок учун восита бўла олишган. Бошқа замонавий цивилизацияда делегат гуруҳларнинг 10 асрга узайтирилган таққосланадиган мероси йўқ. Шунингдек, маҳаллий даражада, тахминан, IX асрнинг бошларида ўз-ўзини бошқариш органлари пайдо бўла бошлаган, аввалига улар Италия шаҳарларида ривожланган ва шимол тарафга тарқалган. Епископлар, маҳаллий баронлар ва бошқа зодагон табақа вакиллари билан ҳокимиятни тақсимлашга мажбур қилган ва охирида ҳаммаси таслим бўлишига тўғри келган. Миллий даражадаги вакиллик, шу йўсинда, дунёнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган маҳаллий даражадаги сезиларли автономия билан тўлдириб борилган.

Индивидуализм. Ғарб цивилизациясининг келтирилган хусусиятлари маданий жамиятлар орасида ўзига хослик ҳиссининг, индивидуал ҳуқуқнинг ва эркинлик анъаналарининг пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Индивидуаллик XIV ва XV асрларда такомиллашди ва XVII асрнинг ўзидаёқ юнонларнинг тилида “Ромео ва Джулетта” номли инқилоби ғарб мамлакатларига ўз таъсирини кўрсатишни бошлади. Ҳатто, ҳамма учун тенг ҳуқуқлилик жорий этилди. Индивидуализм ғарбдаги XX аср цивилизациясининг энг муҳим такомилларидан биридир. Шунга ўхшаш 50 та мамлакатни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ичида индивидуаллик кенг қўламда тарқалган 20 та устун мамлакат (Португалия ва Исроилдан ташқари) ғарбда жойлашган. Индивидуализм ва коллективизм тадқиқотлар муаллифи бошқалар сингари индивидуализмнинг бошқа мамлакатларга қараганда ғарбда устуворлигини таъкидлаб, “Ғарб мамлакатларида муҳим саналадиган кадриятлар дунё миқёсида ўз ўрнини йўқотиб бормоқда” деган хулосага келди.

Юқоридаги рўйхат ғарб цивилизациясининг тўлиқ хусусиятларини яққол намоён этишга ожиз. Шунингдек, бу хусусиятлар ғарбга ҳар доим ҳам хос бўлмаган. Сабаби, Ғарб тарихидаги кўплаб истидболар мунтазам равишда қонун устиворлигини менсинмасдилар. Ҳатто, бу хусусиятлар бошқа цивилизацияларда ҳам рой берганини кўра оламиз: Қуръонва шарият ислом жамиялари учун асосий қонундир; Япония ва Ҳиндистон ҳам ғарб мамлакатларига ўхшаш синфий тизимларга эга эдилар (натижада демократик ҳукуматларни қўллаб-қувватловчи ягона иккита ғарбий бўлмаган жамиятлар пайдо бўлди).

Аслида, бу омилларнинг деярли ҳеч бири Ғарб учун хос емаслигига қарамасдан, уларнинг комбинацияси Ғарбга ўзига хос хусусиятни берди. Сабаби, ушбу тушунчалар ва олиб борилган амалиётлар бошқа цивилизацияларга қараганда Ғарбда кўпроқ тарқалган бўлиб ғарб

цивилизациясининг муҳим қисмини ташкил қиларди. Улар, шунингдек, ғарбни ва дунёни модернизация қилишда етакчилик қилган омиллардир.

Ғарбнинг кенгайиши Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларни модернизация қилиш ва ғарблаштиришга ёрдам берди. Ушбу жамиятларнинг сиёсий раҳбарлари ғарб таъсирига учта йўлнинг бири орқали жавоб беришди: модернизацияни ва ғарблаштиришни рад этиш; иккаласига ҳам кўниш; биринчисини қабул қилиб, иккинчисини рад этиш.

Тан олмаслик сиёсати. Япония XIX асрнинг 1542 йилларидан бошлаб Ғарб билан радикализм ёналиши буйича кескин алоқаларини олиб борди. Ўқотар қуролларни сотиб олиш ва Ғарб мамлакатларига христиан динини олиб кириш каби модернизация қилишнинг таъқиқланган шаклларига йўл қўйилди. Ушбу радикализм позицияси, 1854 йилда Япониялик Комодере Пэрри томонидан куч билан ўрнатилди ва 1868 йилда Мейджи тикланишидан сонг яқунланди. Бир неча асрлар давомида Хитой ҳам ҳар қандай замонавий модернизация ёки ғарбланишга тўсқинлик кўрсатди. 1601 йилда христиан эмиссарлари Хитойга кўшиб олинди ва 1722 йилларга келиб, улар Хитой қарамоғидан самарали қўтилиб чиқишга эришдилар. Япониядан фарқли ўлароқ, Хитойнинг тан олмаслик сиёсати, асосан, Хитойнинг Ўрта Қироллик сифатида намоён бўлишига ва Хитой маданиятининг устунлигини кўчайтиришга қаратилган эди.

Йигирманчи асрда транспорт ва коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар ва глобал янгиланишлар ишлаб чиқариш харажатларининг кескин ўсишига сабаб бўлди. Кичкина қишлоқ жамоаларини ҳисобга олмаганда, модернизация ва ғарблашувни рад этишни ҳеч ким хоҳламади. Даниэл Пипес Ислон дини ҳақида қуйидагича ёзган: “Фақатгина экстримал фундаменталистларгина модернизация ва ғарбийликни рад қилишга журъатлари етарли эди. Улар телевизорларни дарёларга отардилар, қўл соатини тақишдан бош тортардилар ва ҳатто-ки ҳеч қачон двигател ишлатмасдилар.

Кемализм. Ғарбга берилган иккинчи жавоб Тойинбийнинг Геродианизми бўлиб, у ҳам модернизацияни, ҳам ғарблаштиришни ўз ичига олганди. Ушбу ёндашув XIX аср охирларига келиб япон ва хитойни ўз тарихий тилларидан воз кечишга ва инглиз тилини ўз миллий тили сифатида қабул қилишга ундади. Бу ғоя ғарбда жойлашмаган зоналарга қараганда ғарбликлар орасида оммалашганлиги ажабланарли эмас. Айтишларича: “Муваффақиятли бўлиш учун биз каби бўлишингиз керак; бизнинг йўлимиз ягона йўлдир”. Гап шундаки, “ушбу кадриятлар ва жамиятларнинг ижтимоий тузилмалари индустриянинг кадриятлари ва амалиётига мутлақо бегона”. Демак, иқтисодий ривожланиш ҳаётни ва жамиятни тубдан бузиб ташлашни талаб қилади.

Модернизацияга ўтиш учун мусулмонлар ғарблашиши лозим. Дунёвиликдан қочиб бўлмайди. Европа тиллари ва Ғарб таълим муассасалари осон яшашни қўллаб-қувватлайди ва шунинг учун улардан осонликча қутилиб бўлмайди. Агар мусулмонлар Ғарб моделини қабул қилсагина, улар техника соҳасида ривожланишга тайёр бўладилар. Бу сўзларнинг ёзилишидан олтмиш йил аввал, Мустафо Камол Отатурк ҳам шу каби хулосаларга келди ва Усмониларнинг ёқасидан янги бир Туркияни яратди ва уни ғарбилаштириш ва модернизация қилиш учун катта ишларни амалга оширди.

Реформизм жамиятни ривожланаётган замонавий дунёдан ажратишни ўз ичига олса, Кемализм еса бир неча асрлар давомида мавжуд бўлган маданиятнинг йўқ қилиш ва унинг ўрнига бошқа цивилизациядан олиб кирилган мутлақо янги маданиятнинг ўрнатишдек қийн вазифани ўз зиммасига олганди. Учинчи танлов-модернизацияни маданий кадрлар, амалиётлар ва институтлар билан бирлаштиришдир. Шубҳасиз, бу танлов ғарбий бўлмаган зоналарда жудаям машхур бўлган. Мисрда 1830-йилларда Мухаммад Али ғарбилашмасданоқ техник модернизацияга ўтишга ҳаракат қилди. Аммо бу уриниш муваффақиятсиз тугади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Жамол ал Дин ал-Афғоний, Мухаммад Абдух ва бошқа ислоҳатчилар "Исломининг замонавий илм ва Ғарбнинг энг яхши ғоялари билан мослиги" ва "замонавий ғоялар ва институтларни қабул қилиш учун исломий асослар" ни асослаб, Ислом ва замонавийликни янгича туташтиришга ҳаракат қилдилар. Конституционизм ва вакиллик ҳукумати Кемализмга интилетган кенг қамровли ислоҳат еди.

Ушбу турдаги ислоҳатлар 1870-йилдан 1920-йилларгача мусулмонлар томонидан ўрганилиниб чиқди.

Рад этиш сиёсати, Кемализм ва Ислоҳотчилик нима мумкун ва нимани хошлашига қараб ҳар ҳил тахминларга асосланган. Рад қилиш сиёсати учун модернизация ҳам, ғарблашиш ҳам номақбулдир, сабаби бу амалиёт иккаласини ҳам рад этиши мумкин. Кемализм учун эса модернизация ва ғарблашиш мақсадга мувофиқдир, чунки иккинчисисиз биринчисига ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Ислоҳотчиликни йулга қўйиш учун фақатгина модернизация лозимдир. Рад этиш амалиёти ва Кемализм орасида модернизация ва ғарблашишни бутунлай қабул қилиш ҳақида тушунмовчиликлар пайдо бўлган. (3.1-расмда ушбу учта ҳаракат йўналиши диаграммаси келтирилаган) А-нуқтаси Рад этиш амалиёти ; В-нуқтаси Кемалист диоганали бўйлаб ҳаракатланади; С-нуқтаси Ислоҳотчилик томон ҳаракатланади. Бу йўллар билан улар қандай қилиб қўзғалади? Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир Ғарбда жойлашмаган жойларнинг ўзининг учта прототип йўллари бор. Марзуйнинг айтишича Миср ва Африка Д-нуқта тамон қозғалади сабаби улар модернизациясиз Ғарблаштирилган халқлардир. Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларнинг Ғарбга муносабатида модернизация ва

ғарбийлаштиришнинг умумий шакли мавжуд бўлса, унда у А-нуқтасидан Е-нуқтаси бўйлаб ҳаракатланади. Дастлаб, ғарблаштириш ва модернизация бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун, Ғарбда жойлашмаган мамлакат Ғарб маданиятининг муҳим элементларини ўзлаштириш сари секин қадам қойган. Модернизация суръати ошгани сайин, турғунлик даражаси пайсаймоқда ва маҳаллий маданият тикланмоқда. Кейинчалик, модернизация Ғарб ва Ғарбий бўлмаган жамият орасидаги цивилизация мувозанатини ўзгартиради.

3.1-расм.

Ўзгаришнинг дастлабки босқичларида, Ғарблаштириш модернизацияга туртки бўлади. Кейинчалик, модернизация Ғарблашишга ёрдам беради. Жамият даражасида модернизация бутун жамиятнинг иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий кучини оширади ва ушбу жамият одамларини ишонтириб, маданий жиҳатдан етук бўлишга ундайди.

Ушбу тахминий модел ижтимоий фан назарияси ва тарихий тажрибага мос келади. Рейнер Баум “Ўзгармас фарзга” оид мавжуд далилларни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, бир хулосага келди: “Инсоннинг шахсий автономлигини изланишини давом эттириш маданий жиҳатдан ажралиб турадиган тўқнашувларда юзага келади”.

Дунёдаги деярли барча ғарбий цивилизациялар камида бир минг йиллик, баъзи ҳолларда бир неча минг йиллик даврда пайдо бўлган. Улар ўзларининг ҳаётларини яхшилаш мақсадида бошқа цивилизациялардан ўзига керакли жиҳатларини олишган. Хитойнинг Буддизм динини Ҳиндистонга сингдириши, олимларнинг фикрига кўра, барибир Ҳиндистонни буйсиндиришга олиб келмади. Хитойликлар Буддизмни Хитой мақсадлари ва эҳтиёжларига мослаштирганлар. Хитой маданияти Хитойлигича қолаверди. Хитойликлар Ғарб мамлакатларини христианлаштириш учун кўп тер тўкиши лозим. Агар улар бу динни ўзлаштиришса, у Хитой маданиятининг марказий элементларига мос келадиган тарзда мослаштирилиши кутилмоқда. Шу каби, Мусулмон Араблар Юнон меросини асл утилитар сабабларга кўра олдилар. VII асрда Япония Хитой маданиятини ўз ҳудудигага олиб кирди ва ҳарбий тазйиқлардан холи ҳолда, ўз ташаббуси билан юқори цивилизацияга айланди.

Камолчиларнинг Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларининг модернизация қилиниши ҳали кунгача исботини топмаган. Ғарбга хос бўлмаган жамиятларни модернизация қилиш учун уларни ғарблаштириш керак деган фикр нотўғри. Лекин бир савол туғилади: Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятлар модернизация қилиниши учун тўсиқлар жудаям каттами? Уларни

модернизация қиладиган бўлсак, биз уларнинг маданиятини Ғарб маданияти билан алмаштиришимиз керакми? Назарий жиҳатдан олиб қарасак, Ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларни мукамаллаштириш учун ғарбийлаштириш керак деган ўта камолчилик важдари универсал таклиф эмас. Бироқ, бу ҳаракат савол туғдиради: Ғарбга қарашли бўлмаган баъзи жамиятларда маҳаллий маданиятнинг модернизация қилиш йўлидаги тўсиқлари шунчалик каттаки, агар модернизация қилинадиган бўлса, маданиятни Ғарб маданияти билан алмаштириш керакми? Танловлар чекланган кўринмайди. Япония, Сингапур, Тайван, Саудия Арабистони ва озгина даражада Эрон Ғарбга айланмасдан, каттиқ жамиятларга айланди. Дарҳақиқат, Шахнинг Камолчилар оқимида амал қилиш ва иккаласини қилиш ҳаракатлари ғарбга қарши шиддатли, аммо антидодерн реакцияни келтириб чиқарди. Хитой аниқ ислоҳот йўлидан бормоқда. Исломий жамиятлар модернизацияга ўтиш даврида қийинчиликларга дучкелишди ва Пипес, Вестемизация, Ислом ва замонавийлик ўртасидаги иқтисодий масалаларда, масалан, қизиқиш, рўза тутиш, мерос ҳақидаги қонунлар ва ишчи кучларда аёлларнинг иштироки каби зиддиятларга ишора қилиб, унинг даъвосини қўллаб-қувватлайди. Шунга қарамай, у Максин Родинсонни "мусулмон дини ислом дунёси замонавий капитализм йўлидан ривожланишига тўсқинлик қилганлигини кўрсатадиган ҳеч нарса йўқ" деган фикрни тасдиқлайди ва иқтисодий ислом ва модернизациядан ташқари бошқа масалаларда ҳам таъкидлайди. Улар, албатта, Диний илмларни ривожлантира олишлари, фабрикаларда самарали ишлашлари ёки илғор қуроллардан фойдаланишлари мумкин. Модернизация ҳеч қандай сиёсий мафқурани ёки муассасаларни талаб қилмайди: сайловлар, миллий чегаралар, фуқаролик бирлашмалари ва Вестем ҳаётининг бошқа белгилари иқтисодий ўсиш учун зарур эмас. Ислом ақида сифатида менежмент бўйича маслаҳатчиларни ҳам, деҳқонларни ҳам қониқтиради. Шариатда модернизация билан бирга келадиган ўзгаришлар, масалан, қишлоқ хўжалигидан саноатга, қишлоқдан шаҳарга ёки ижтимоий барқарорликдан ижтимоий оқимларга ўтиш ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Бу оммавий таълим,

тезкор алоқа, транспортнинг янги турлари ёки соғлиқни сақлаш каби масалаларга ҳам халақит бермайди. Шубҳасиз, ҳатто, ғарбий Ғарбга қарши кураш ва маҳаллий маданиятларни жонлантиришнингз амонавий тарафдорлари ҳам электрон почтанинг замонавий усулларида фойдаланишда иккиланмайдилар. Модернизация, қисқаси, Ғарблаштириш дегани эмас. Ғарбий бўлмаган жамиятлар ўз маданиятларидан воз кечмасдан ва ғарбий ғарб кадриятлари, институтлари ва амалиётини қабул қилмасдан ҳам модернизацияни ўтказиши мумкин.

4-Боб

Ғарбнинг сўниши: Қудрати, Маданияти ва Маҳаллийлаштириши

Ғарбий куч: Устунлик ва Кучсизланиш

Ғарбнинг бошқа цивилизацияларга нисбатан муносабати икки кўринишда намоён бўлади. Биринчиси – ғолиблик яъни Ғарбий ҳукмронлик. Совет Иттифоқининг парчаланиши оқибатида Ғарб ягона жиддий рақибини йўқотади, натижада дунё Япониянинг эҳтимолий вақти-вақти билан берган ёрдами билан асосий Ғарб давлатларининг мақсадлари, устуворликлари ва манфаатларига қараб шакллантириладиган ва ўзгарадиган бўлди. Сақланиб қолган Супер куч сифатида Америка Қўшма Штатлари Буюк Британия ва Франция билан биргаликда сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича, Германия ва Япония билан биргаликда иқтисодий масалалар бўйича ҳал қилувчи қарорларни қабул қилади. Ғарб бошқа ҳар бир цивилизация ёки минтақада муҳим манфаатларга эга бўлган ва бошқа цивилизациялар ва минтақаларнинг сиёсати, иқтисодиёти ва хавфсизлигига таъсир кўрсата оладиган цивилизация. Бошқа цивилизациялардан бўлган жамиятларга мақсадларига эришишлари ва қизиқишларини ҳимоя қилишлари учун Ғарбий ҳимоя зарурдир. Муаллифнинг таъкидлашича, Ғарб давлатлари:

- Халқаро банк тизимига эгалик қилади ва фаолият кўрсатади ;
- Барча валюта таърифларини назорат қилади ;
- Дунёнинг асосий харидори ҳисобланади ;
- Дунёнинг кўплаб тайёр маҳсулотларини тақдим этади ;
- Халқаро капитал бозорларида устунлик қилади ;
- Кўплаб жамиятлар орасида асосий ахлоқий етакчи бўлишга интилади ;
- Оммавий ҳарбий аралашувларга қодир бўлади ;
- Денгиз йўлларини назорат қилади ;

- Энг илғор техник тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказди ;
- Етакчи техник таълимни бошқаради ;
- Фазога киришда ҳукмронлик қилади ;
- Аерокосмик соҳада ҳукмронлик қилади ;
- Халқаро муносабатларда ҳукмронлик қилади ;
- Юқори технологияли қурол саноатида устунлик қилади.¹

Ғарбнинг иккинчи сурати ўзгача. Бу цивилизация таназзулга юз тутган, унинг жаҳон сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий кучидаги улуши бошқа цивилизацияларникига нисбатан пасайган. Совуқ урушдаги Ғарбнинг ютуғи ғалабани эмас чарчоқни келтириб чиқарди. Ғарб ўзининг ички муаммолари ва эҳтиёжлари билан тобора кўпроқ ташвишлана бошлади, чунки у иқтисодий ўсишнинг сустлиги, турғунликнинг пасайиши, ишсизлик, ҳукуматнинг катта танқислиги, иш этикасининг пасайиши, тежамкорликнинг паст даражаси ва кўплаб мамлакатларда, жумладан, АҚШда ижтимоий тарқоқлик, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқалар жиноятларга дуч келганди. Иқтисодий кудрат тезда Шарқий Осиё қўлига ўтади ва ҳарбий куч, сиёсий таъсири кучая бошлайди. Ҳиндистон иқтисодий таназзул ёқасида туриб қолади ва Ислом дунёси Ғарбга тобора душманлик қила бошлайди. Ғарбнинг буйруқларини ёки унинг ваъзларини бажаришга тайёр бўлган бошқа жамиятларнинг истаги йўқола бошлайди ва Ғарбнинг ўзига бўлган ишончи ва ҳукмронлик қилиш иродаси ҳам тезлашади. 1980-йилларнинг охирларида АҚШ деклинист тезислари бўйича кўплаб мунозараларга гувоҳ бўлди. 1990 йилларнинг ўрталарида мувозанатли таҳлил деярли бир хил хулосага келди:

Кўп жиҳатдан, унинг [АҚШ] нисбий кучи тез суръатлар билан пасаяди. Ўзининг иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан Қўшма Штатларнинг Японияга ва охир-оқибат Хитойга нисбатан позицияси янада ёмонлашиши мумкин бўлади. Ҳарбий соҳада Қўшма Штатлар ва ривожланаётган бир қатор минтақавий кучлар (шу жумладан, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой) ўртасидаги

самарали имкониятлар мувозанати марказдан четга қараб силжийди. Американинг баъзи тузилмавий кучи бошқа халқларга ўтади; баъзи (ва унинг юмшоқ кучлари ҳам) кўп миллатли корпорациялар сингари нодавлат субъектлар кўлига ўтади.²

Ғарбнинг дунёдаги ўрнини акс эттирувчи ушбу иккита қарама-қарши суратларидан қайси бири ҳақиқатни тасвирлайди? Албатта, иккаласи ҳам. Ғарб ҳозирда ҳукмронликни кўлга олмоқда ва XXI асрга қадар куч ва таъсир жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ғарбнинг устуворлиги пасайиб борар экан, унинг катта кучи йўқола бошлайди ва қолган қисми минтақавий асосда бир нечта йирик цивилизациялар ва уларнинг асосий давлатлари орасида тақсимланади. Ҳокимиятнинг энг сезиларли ўсиши Осиё цивилизацияларига кўшилиб боради ва ўсиб боради. Хитой аста-секин Ғарбни глобал таъсирга дучор қиладиган жамият сифатида пайдо бўлади. Цивилизациялар орасидаги ҳокимиятдаги бу силжишлар ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларнинг тикланишига ва маданий фаоллигини оширишга ва Ғарб маданиятининг тобора рад этилишига олиб келади.

Ғарбнинг пасайиши учта асосий хусусиятга эга.

Биринчидан, бу жуда секин жараён. Ғарбий кучнинг кўтарилиши тўрт юз йил вақтни олди. Унинг пасайиши узоқ давом этиши мумкин эди. 80-йилларда таниқли британиялик олим Хедли Булл "Умумжаҳон халқаро жамиятнинг Европа ёки Ғарб ҳукмронлиги ўз чўққисига 1900 йилларда яқинлашди дейиш мумкин."³ - деб таъкидлайди. Спенглернинг биринчи жилди 1918 йилда пайдо бўлган ва "Ғарбнинг таназзули" XX аср тарихида марказий мавзу бўлган. Жараённинг ўзи асрнинг кўп қисмида чўзилган. Эҳтимол, бу тезлашиши ҳам мумкин. Иқтисодий ўсиш ва мамлакат имкониятларининг бошқа ўзгаришлари кўпинча S эгри чизиғи бўйлаб давом этади: секин бошланиб, кейин тезлашиб, кенгайиш ва текисланиш суръатлари пасаяди. Давлатларнинг қисқариши тескари S эгри чизиғи бўйлаб ҳам содир бўлиши мумкин, худди Совет Иттифоқи: аввал мўтадил бўлиб, пастга тушишдан олдин

тезлашгани сингари. Ғарбнинг таназзули ҳали ҳам бир маромда давом этмоқда, аммо баъзи пайтларда у кескин тезлашиши мумкин. Иккинчидан, пасайиш тўғри чизикда давом этмайди. Ғарбий заифликнинг намоён бўлишидан кейин Ғарб кучини тўхтатиш, орқага қайтариш ва қайта ишонтириш бу жуда тартибсиздир. Ғарбнинг очик демократик жамиятлари янгилашиш учун катта имкониятларга эга. Бундан ташқари, кўплаб цивилизациялардан фарқли ўлароқ, Ғарбда иккита асосий куч маркази бўлган. Тахминан 1900 йилларда бошланган Булл кўрган таназзул аслида Ғарб цивилизациясининг Европа таркибий қисмининг таназзулга юз тутиши эди. 1910-1945 йилларда Европа ўз-ўзидан бўлиниб кетди ва ички иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолари билан банд бўлиб қолди. Аммо 1940-йилларда Ғарб ҳукмронлигининг Америка босқичи бошланди ва 1945 йилда Америка Қўшма Штатлари дунёни қисқа вақт ичида 1918 йилдаги қўшма Иттифоқ кучлари билан таққосланадиган даражада қисқароқ қилиб ҳукмронлик қилди. Урушдан кейинги деколонизация Европанинг таъсирини янада камайтирди, аммо янги трансмиллий империализм бўлган АҚШни анъанавий ҳудудий империяга алмаштирди. Аммо Совуқ Уруш даврида Америка ҳарбий қудрати Советлар кучига тенглашди, аммо иқтисодий қудрати Япония иқтисодиётига нисбатан пасайди. Ҳарбий ва иқтисодий янгилашиш бўйича даврий ҳаракатлар олиб борилди. 1991 йилда таниқли британиялик олим Барри Бузан "чуқурроқ ҳақиқат шундаки, марказ ҳалиям мустамлака қилинган пайтдан бери ҳар қачонгидан ҳам устунроқ ва атроф-муҳит унга кўпроқ бўйсинувчидир."⁴ - деб таъкидлади. Аммо бу фикрнинг аниқлиги уни келтириб чиқарган ҳарбий ғалаба тарихга айлангани учун йўқола бошлади. Учинчидан, куч - бу бир одам ёки гуруҳнинг бошқа одам ёки гуруҳнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш қобилиятига эга бўлишдир. Хулқ-атвор хоҳиш устунлиги, мажбурлаш ёки насихат орқали ўзгартирилиши мумкин, бу эса куч ишлатувчидан иқтисодий, ҳарбий, институционал, демографик, сиёсий, технологик, ижтимоий ёки бошқа манбаларга эга бўлишини талаб қилади. Шундай қилиб, бир давлат ёки гуруҳнинг кучи,

одатда унинг тасарруфида бўлган ресурсларнинг бошқа давлатлар ёки гуруҳларга бўлган таъсирига қараб ўлчаб аниқланади. Фарбнинг кўплаб (аммо, ҳаммаси эмас), муҳим энергия манбалари улуши XX аср бошларига келиб ўз чўққисига чиқди, сўнгра бошқа цивилизациялар манбаларига нисбатан пасая бошлади.

Жадвал 4.1

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ СИЁСИЙ НАЗОРАТИ ОСТИДАГИ ҲУДУДИ, 1900-1993

МИНГЛАБ КВАДРАТ МИЛЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ
УМУМИЙ ҲУДУДИЙ БАҲОСИ

ИЛИ	ҒАРБ	АФРИКА	ХИТОЙ	ҲИНД	ИСЛОМ	ЯПОНИ	ЛОТИН АМЕРИКАСИ	ПРОВАСЛАВ	БОШҚА
1900	20,290	164400	4,3173,913	5454	3,5921,811	161261	7,7218,098	8,73310,258	7,4682,258
1920	25,447	4,6365,682	3,9363,923	1,3161,279	9,18311,054	142145	7,8337,819	10,3467,169	2,3022,718
1971	12,806								
1993	12,711								

ДУНЁ ҲУДУДЛАРИНИ ФОИЗЛАРДА БАҲОЛАШ

ЭСЛАТМА: ДУНЁНИНГ НИСБИЙ ҲУДУДИЙ УЛУШЛАРИ КЎРСАТИЛГАН ЙИЛДАГИ
ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИГА АСОСЛАНГАН

- Дунё миқёсида 52,5 миллион квадрат миля Антарктидани ўз ичига олмайди

1900	38.7	0.3	8.2	0.1	6.8	0.3	14.7	16.6	14.3
1920	48.5	0.8	7.5	0.1	3.5	0.5	15.4	19.5	4.3
1971	24.4	8.8	7.5	2.5	17.5	0.3	14.9	19.7	4.4
1993	24.2	10.8	7.5	2.4	21.1	0.3	14.9	13.7	5.2

МАНБАЛАР: Давлат арбобининг йил китоби [Нью Ёрк: Авлиё Мартин Матбуоти, 1901-1927]; Дунё Атлас Китоби [Чикаго; Field Enterprises Educational Корп. 1970] Britannica Book of the Year [Чикаго; Британия Энциклопедияси Инк. 1992-1994].

Цивилизацияларнинг сиёсий назорат остидаги ҳудудлари.

1900-1993 йиллардаги ҳудуд ва аҳоли.

1490 йилда Ғарбий жамиятлар Болқон ярим оролидан ташқари Европа яриморолининг кўп қисмини, ёки эҳтимол 52,5 миллион квадрат милга тенг (Антарктидан ташқари) глобал ер майдонининг 1,5 миллион квадрат милини назорат остига олишди. 1920-йилда ўзининг ҳудудий кенгайиш чўққиси пайтида Ғарб 25.5 миллион квадрат мил ҳудудга ёки ернинг ярмига яқин қисмида ҳукмронлик қилди. 1993 йилга келиб ушбу ҳудудий назорат тахминан 12,7 миллион квадрат милга қисқартирилди. Ғарб ўзининг асл Европа ядросига, шунингдек, Шимолий Америка, Австралия ва Янги Зеландияда жойлашган аҳоли яшайдиган ҳудудларига қайтди. Мустақил ислом жамиятларининг ҳудуди, аксинча, 1920 йилдаги 1,8 миллион квадрат милдан 1993 йилда 11 миллион квадрат милга кўтарилди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар аҳоли сони назоратида ҳам юз берди. 1900 йилда Ғарбликлар дунё аҳолисининг қарийб 30 фоизини ташкил этар эди ва Ғарб ҳукуматлари ўша пайтдаги аҳолининг қарийб 45 фоизини, 1920 йилда эса 48 фоизини бошқарган. 1993 йилда Ғарб ҳукуматлари Гонконг каби кичик империя қолдиқларини ҳисобга олмаганда ғарбликлардан бошқа ҳеч кимни бошқармаган. Инсониятнинг 13% дан ортиқ қисмини ташкил этган ғарбликлар кейинги асрнинг бошларида 11% га, 2025-йилгача 10% га тушиш арафасида.⁵ Умумий аҳоли борасида 1993 йилда Ғарб Хитой, Ислом, Ҳинду цивилизацияларидан кейин 4-ўринда турган.

Сон жиҳатдан, ғарбликлар дунё аҳолисининг тобора камайиб бораётган кичик қисмини ташкил этади. Таркибий жиҳатдан эса ғарбликлар ва бошқа халқлар ўртасидаги мувозанат ўзгармоқда. Ғарбий бўлмаган минтақадаги халқлар соғломлашиб, маъданийлашиб ва саводхонлиги ошиб бормоқда. 1990 йилларнинг бошларигача Лотин Америкаси, Африка, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Шарқий Осиё ва Жанубий-шарқий Осиёдаги чақалоқлар нобуд бўлиши кўрсаткичи 30 йил аввалги ҳолатнинг $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этган. Ушбу минтақаларда ўртача умр кўриш, Африкада 11 йил, Шарқий Осиёда 23 йилгача ўсди. 1960 йилларнинг бошларида кўплаб Учинчи Дунё мамлакатларида ўрта ёшлиларнинг учдан бир қисмидан камроғи саводли эди. 1990 йиллар

бошларида Африкадан ташқари бир мунча давлатлар аҳолисининг ярмидан камроғи саводли эди. Ҳиндистонликларнинг тахминан 50% и ва хитойликларнинг 75% и ўқиш ва ёзишни билган. 1970 йилда ривожланаётган мамлакатлардаги саводхонлик даражаси ривожланган давлатлардагининг ўртача 41% ини, 1990 йилда эса 71% ни ташкил этган. 1990 йилнинг бошларигача, Африкадан бошқа ҳар бир минтақадаги барча ёшдагилар ҳақиқатан бошланғич таълимга қамраб олинди. Энг муҳими, 1960 йилларнинг бошларида Осиё, Лотин Америкаси, Ўрта Шарқ ва Африкада мос ёш тоифасининг учдан бир қисми, 1990 йиллар бошларида Африкадан бошқаларидаги ёш тоифасининг ярми ўрта таълимда теҳсил олган. 1960 йилда шаҳар аҳолиси ўрта ривожланган дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этган. Аммо, 1960-1992 йиллар давомида аҳолининг шаҳарда яшайдиган қисми Лотин Америкасида 49% дан 73% га, Араб мамлакатларида 34% дан 55% га, Африкада 14% дан 29% га, Хитойда 18% дан 27% га, Ҳиндистонда 19% дан 26% га ўсган.⁶

Жадвал 4.2

Дунёнинг катта цивилизацияларига тегишли бўлган мамлакатлар аҳолиси, 1993 йил (мингларда)

Хитойлар	1,340,900	Лотин Америкаси	507,500
Ислон	927,600	Африка	392,100
Ҳинду	915,800	Ортодох	261,300
Ғарб	805,400	Япон	124,700

Манба: «Encyclopædia Britannica» асосида ҳисобланган, 1994, Йил китоби (Чикаго: «Encyclopædia Britannica», 1994) 764-769- бетлар

Жадвал 4.3

Цивилизацияларнинг сиёсий назорати остида бўлган дунё аҳолиси улуши, 1900-2025, (фоизларда)

Йиллар	Умумий*	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинду	Ислон	Япон	Лотин Америкаси	Проваслав	Бошқалар
1900	1,6	44,3	0,4	19,3	0,3	4,2	3,5	3,2	8,5	16,3
1920	1,9	48,1	0,7	17,3	0,3	2,4	4,1	4,6	13,9	8,6

1971	3,7	14,4	5,6	22,8	15,2	13,0	2,8	8,4	10,0	5,5
1990	5,3	14,7	8,2	24,3	16,3	13,4	2,3	9,2	6,5	5,1
1995	5,8	13,1	9,5	24,0	16,4	15,9+	2,2	9,3	6,1#	3,5
2010	7,2	11,5	11,7	22,3	17,1	17,9+	1,8	10,3	5,4#	2,0
2025	8,5	10,1	14,4	21,0	16,9	19,2+	1,5	9,2	4,9#	2,8

Еслатма: Кўрсатилган йил бўйича мавжуд давлат чегаралари асосида дунё аҳолисининг нисбий ҳисоб-китоблари. 1995 йилдан 2025 йилгача аҳоли сонини ҳисоблаш 1994 йил чегараларини ўз ичига олади.

*Дунё умумий аҳолиси миллиардларда.

+ Ҳисоб-китобларга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари ёки Босния кирмайди.

Ҳисоб-китоблар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари, Грузия ва собиқ Югославия киритилган.

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Аҳоли Тақсимоти, Иқтисодий-ижтимоий ахборот ва сиёсатни таҳлил қилиш бўлими, Дунё аҳолисининг истиқболлари, 1992 Ревизион (Ню Йорк, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1993); Давлат раҳбарининг йиллик китоби (Ню Йорк; Ст.Мартин нашриёти, 1901-1927); Алманак Дунёси ва Фактлар китоби (Ню Йорк: Пуб нашриёти. Со, 1970-1993).

Саводхонлик, таълим ва маданийлашиш борасидаги бундай силжишлар саводсиз деҳқонларнинг қўлидан келмайдиган, сиёсий мақсадларда юқори қобилият ва кучли ишонч билан ҳаракатланиш учун ижтимоий сафарбар этилган жамиятни яратди. Ижтимоий сафарбар этилган жамият кучли жамият ҳисобланади. 1953 йилда эронликларнинг 15%и саводли, 17%и шаҳарлашган бўлган бир пайтда Кермит Рузвелт ва Марказий Разведка бошқармасининг бир неча амалдорлари ғалаённи осонликча бостиришди ва Шоҳни ўз тахтига қайтаришди. 1979 йилда эса эронликларнинг 50% и саводли, 47% и шаҳарларда яшарди, аммо Қўшма Штатларнинг ҳеч қандай ҳарбий кучлари Шоҳни ўз тахтида олиб қола олмади.

Хитой, Ҳинд, Араб ва Африкаликларни Ғарбликлар, Япон ва Руслардан ажратиб турадиган муҳим тафовут ҳануз мавжуд. Аммо ушбу тафовут жуда тез қисқармоқда. Бир пайтнинг ўзида яна бир тафовут пайдо бўляпти. Япон, Рус ва Ғарбликларда ўртача ёш босқичма-босқич ўсмоқда, ва эндиликда ишламайдиган аҳолининг катта қисми ҳали ҳам самарали ишлаётганлар учун оғир юк юклайди. Болаларнинг кўплиги бошқа цивилизацияларга оғир юкдай бўлиши мумкин, аммо ёшлар келажак ишчиси ва аскарларидир.

Ғарбликларнинг Глобал иқтисодий ишлаб чиқаришдаги улуши 1920 йилларда энг юқори нуқтасига эришган бўлиши мумкин ва бу кўрсаткич Иккинчи Жаҳон урушидан буён пасаймоқда. 1750 йилда Дунё мануфактурасининг деярли учдан бир қисми Хитойга, ярми эса Ҳиндистонга ва бешдан бир қисми Ғарбга тўғри келган. 1830 йилларгача Ғарб аста-секин Хитойни ортда қолдирди. Паул Баироч таъкидлаганидек, кейинги ўн йилликларда Ғарбнинг саноатлашиши дунёнинг қолган қисмининг саноати ривожланмаслигига сабаб бўлди. 1913 йилда Ғарбий бўлмаган мамлакатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши 1800 йилдаги кўрстакичнинг деярли 2/3 қисмини ташкил этган. XIX асрнинг бошларида Ғарбликларнинг дунё маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ўсиб, 1928 йилда 84,2% га тенглашди. Бундан кейин эса ўсиш суръати ўртача бўлган ҳолда, Ғарбнинг улуши камайди ҳамда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин унчалик саноатлашмаган давлатларнинг ишлаб чиқариш ҳажми кескин кенгайди. 1980 йилга келиб Ғарбдаги ишлаб чиқариш жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришининг 57,8% ини ташкил этди, бундай кўрсаткич 120 йил олдин, 1860 йилларда бўлган эди.⁷

Жадвал 4.4

Жаҳон маҳсулот ишлаб чиқариши цивилизация ёки мамлакат бўйича тақсимоти, 1750-1980 (фоизларда, Умумий=100%)

Мамлакат	1750	1800	1830	1860	1880	1900	1913	1928	1938	1953	1963	1973	1980
Ғарб	18,2	23,3	31,1	53,7	68,8	77,4	81,6	84,2	78,6	74,6	65,4	61,2	57,8
Хитой	32,8	33,3	29,8	19,7	12,5	6,2	3,6	3,4	3,1	2,3	3,5	3,9	5,0
Япония	3,8	3,5	2,8	2,6	2,4	2,4	2,7	3,3	5,2	2,9	5,1	8,8	9,1
Ҳиндистон /Покистон	24,5	19,7	17,6	8,6	2,8	1,7	1,4	1,9	2,4	1,7	1,8	2,1	2,3
Россия /СССР*	5,0	5,6	5,6	7,0	7,6	8,8	8,2	5,3	9,0	16,0	20,9	20,1	21,1
Бразилия &Мексика	-	-	-	0,8	0,6	0,7	0,8	0,8	0,8	0,9	1,2	1,6	2,2
Бошқалар	15,7	14,6	13,1	7,6	5,3	2,8	1,7	1,1	0,9	1,6	2,1	2,3	2,5

*Совуқ уруш йиллари давомида Варшава шартномаси мамлакатларини ўз ичига олади
Манба: Паул Баироч, “1750-1960 йиллар давомида Халқаро саноатлашиш даражаси”, “Европа иқтисодий тарихи” журнали, 11 (1982, куз), 269-334.

Иккинчи Жаҳон Урушидан олдинги Ялпи ишлаб чиқариш бўйича ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Аммо 1950 йилда жаҳон ялпи ишлаб чиқаришида Ғарб улуши тахминан 64% эди, 1980 йилларгача ушбу кўрсаткич 49% га тушди. (Жадвал 4.5 га қаранг.) Бир ҳисоб-китобга қараганда, 2013 йилгача Жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришида Ғарб улуши 30% га тенг бўлади. Бошқа бир ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, 1991 йилда дунёнинг 7 та катта иқтисодиётидан 4 таси Ғарбий бўлмаган миллатларга тегишли бўлган: Япония (2-ўринда), Хитой (3-ўринда), Россия (6-ўринда) ва Ҳиндистон (7-ўринда). 1992 йилда Қўшма Штатлар дунёдаги энг катта иқтисодиётга эгалик қилган ва 5 та Ғарб давлати ва 5 та бошқа цивилизациянинг етакчи мамлакатлари: Хитой, Япония, Ҳиндистон, Россия ва Бразилия иқтисодиёт бўйича юқори ўнталиқни ташкил этган. Истиқболли лойиҳалар шуни кўрсатадики, 2020 йилда энг яхши 5 иқтисодиёт 5 хил цивилизацияда бўлади. Албатта, Ғарбдаги бундай камайишга Шарқий Осиёнинг юқори суръатларда ўсиши сабаб бўлган.⁸

Иқтисодий натижалар бўйича ялпи кўрсаткичлар Ғарбнинг сифат жиҳатдан устунлигини қисман яширади. Ғарб ва Япония юқори технология саноати бўйича деярли тўлиқ устунлик қилади. Технологиялар кенг ёйилмоқда, лекин Ғарб ўзининг устунлигини сақлаб қолишни истаса, бу тарқалишнинг олдини олиш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Аммо яралишига Ғарб ҳисса қўшган ўзаро боғлиқ дунё туфайли, технологияларнинг бошқа цивилизацияларга тарқалишини секинлаштириш тобора қийинлашиб боради. Бу - Совуқ уруши вақтида бўлгани каби ягона, бас келиб бўлмайдиган ва барчага маълум бўлган хавф мавжуд эмас ҳолатда янада қийинлашди ва шунингдек, технология тарқалишини назорат қилиш самарадорлигини камайтирди.

Жадвал 4.5

Жаҳон Ялпи ишлаб чиқаришида цивилизацияларнинг улуши, 1950-1992 (фоизларда)

Йил	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинду	Ислом	Япон	Латин Америкаси	Проваслав*	Бошқалар+
1950	64,1	0,2	3,3	3,8	2,9	3,1	5,6	16,0	1,0
1970	53,4	1,7	4,8	3,0	4,6	7,8	6,2	17,4	1,1
1980	48,6	2,0	6,4	2,7	6,3	8,5	7,7	16,4	1,4
1992	48,9	2,1	10,1	3,5	11,0	8,0	6,2	6,2	2,0

Проваслав* 1992 йилдаги кўрсаткич собиқ СССР ва Югославияни ҳам ўз ичига олган

Бошқалар+ бошқа цивилизациялар ва яхлитлашдаги хатолар

Манба: 1950,1970,1980 йиллардаги кўрсаткичлар Ҳерберт Блок томонидан ўзгармас доллар маълумотлари асосида ҳисобланган, Planetary Product 1980: Ижодий Пауза (Вашингтон ДС, Оммавий тадбирлар бўлими,1981) 39-45-бетлар. 1992 йилдаги кўрсаткичла World Development Reportда Жаҳон Банки харид қилиш қобилятига кўра ҳисобланган, 1994 (Нью Йорк, Оксфорд Университети нашриёти, 1994)

Ўтган анча давр мобайнида, Хитой дунёнинг энг катта хўжалигига эгалик қилган. XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий бўлмаган давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва технологиянинг кенг ёйилиши аввалги ҳолат тикланишига туртки бўлмоқда. Бу секин жараён бўлиши мумкин, аммо XXI асрнинг ўрталаригача, балки ундан ҳам олдин, етакчи йивилизациялар бўйича иқтисодий ишлаб чиқариш тақсимоти 1880 йиллардагидек бўлади. Жаҳон иқтисодиётида Ғарбликларнинг икки юз йиллик “чакнаши” ўз ниҳоясига етади.

Ҳарбий Салоҳият.

Ҳарбий кучларнинг 4 хил ўлчов бирлиги мавжуд: Миқдорий -кўшин, қурол-аслаҳа, жиҳоз ва ресурслар сони; Технологик - қурол-аслаҳа, асбоб-ускуналарнинг самарадорлиги ва илғорлиги; Ташкилий - кўшиннинг уйғунлиги, интизоми, жисмоний шуғулланиши ва кайфияти ҳамда буйруқлар ижроси самарадорлиги, назорат муносабати; Ижтимоий-аҳолининг ҳарбий кучлар сафига фаол қўшилиш учун қобилят ва хоҳиш-истаги. 1920 йилларда Ғарб юқоридаги тўрт мезон бўйича ҳам энг олдинда турарди. Кейинги йилларда Ғарбнинг ҳарбий қудрати бошқа цивилизацияларга нисбатан

сусайди, гарчи бу сусайиш ўта муҳим бўлмаса-да, ҳарбийлар ўртасидаги ҳарбий салоҳият ўлчовидаги мувозанат ўзгаришига таъсир қилди. Модернизация ва иқтисодий тараққиёт давлатларнинг ҳарбий имкониятларини ривожлантириш учун ресурслар ва хоҳишни келтириб чиқарди ва кўпчилик давлатлар шундай йўл тутишди. 1930 йилларда Япония ва Совет Иттифоқи Иккинчи Жаҳон урушида намоиш этишганидек жуда қудратли ҳарбий кучлар яратди. Совуқ Уруш даврида Совет Иттифоқи дунёдаги энг кучли ҳарбий салоҳиятга эга бўлган икки мамлакатдан бири эди. Ҳозирда Ғарб дунёнинг исталган жойида катта миқдордаги ҳарбий кучларни жангвор ҳолатга келтира олиш бўйича ҳукмрон. Ғарбнинг бундай салоҳиятини сақлаб қолиш, қолмаслиги ноаниқ. Аммо салоҳиятини сақлаб қолиши асосли равишда аниқдек туюлиши мумкин, чунки Ғарбий бўлмаган давлатлар ёки мамлакатлар гуруҳи келгуси ўн йилликларда рақобатбардош салоҳият ярата олмайди.

Жадвал 4.6

Жаҳон ҳарбий кучлари бўйича цивилизациялар улуши (фоизларда)

йил	Жами	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинду	Ислон	Япон	Лотин Америкаси	Проваслав	Бошқа
1900	10,086	43,7	1,6	10,0	0,4	16,7	1,8	9,4	16,6	0,1
1920	8,645	48,5	3,8	17,4	0,4	3,6	2,9	10,2	12,8*	0,5
1970	23,991	26,8	2,1	24,7	6,6	10,4	0,3	4,0	25,1	2,3
1991	25,797	21,1	3,4	25,7	4,8	20,0	1,0	6,3	14,3	3,5

Еслатма: Кўрсаткичлар берилган йилдаги давлат чегаралари бўйича ҳисобланган.

Жаҳон умумий (амалдаги) қуролли кучлари кўрсатилган ҳар бир йил учун мингликларда ҳисобланган.

СССР улуши 1924 йил учун қайд этилган тахминий кўрсаткич бўлиб, Ж.М. Макинтошнинг "Қизил Армия 1918-1945", "Совет Армияси 1946 ҳозирги кунгача" китобларидан олинди. [J.M. Mackintosh, The Red Army, New York: Харсоурт, Брасе, 1901-1927]

Манбалар: АҚШ Қурол назорати ва қуролсизланиш агентлиги, Жаҳон ҳарбий харажатлари ва қурол-аслаҳа таъминоти (Вашингтон, Д.С.: Агентлик, 1971-1994); Сиёсатчининг йиллик кундалиги (Нью Йорк, Сент-Мартин матбуоти, 1901-1927).

Умуман олганда, “Совуқ Уруш”дан кейинги йилларда глобал ҳарбий салоҳиятнинг кенгайишида асосий бешта тенденция ҳукмронлик қилди.

Биринчидан, Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кўп ўтмай, Совет Иттифоқи қуролли кучлари ҳам тугатилди. Россиядан ташқари, фақат Украина муҳим ҳарбий салоҳиятни мерос қилиб олди. Россия қўшинлари сезиларли даражада қисқартирилди ва Марказий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатларидан олиб чиқилди. Варшава шартномаси тугатилди. АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарши чиқиш мақсади бекор қилинди. Ҳарбий ускуналар йўқ қилинди ёки ишлатишдан тўхтатилди. Мудофаа учун бюджет маблағлари кескин қисқартирилди. Зобитлар ва оддий аскарлар орасида тушқунлик кайфияти тарқалди. Шу билан бирга, рус ҳарбийлари ўзларининг янги миссияларини ва доктриналарини аниқлаб олдилар ва русларни ҳимоя қилиш ҳамда постсовет мамлакатларидаги минтақавий можароларни ҳал қилишдаги ўзларининг янги мақсадларига кўра қайта шаклланишди.

Иккинчидан, Россия ҳарбий салоҳиятининг кескин пасайиши Ғарб ҳарбий харажатлари, кучлари ва имкониятларининг секин, аммо сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Буш ва Клинтон маъмуриятининг режаларига кўра, АҚШ ҳарбий харажатлари 1990 йилдаги 342,3 миллиард доллардан (1994 йилдаги доллар курсида) 1998 йилдаги 222,3 долларгача 35 фоизга камайтирилиши керак эди. Ўша йили кучлар таркиби Совуқ уруши сўнгидаги кучлар учдан иккисининг ярмига тенг бўлиши керак эди. Умумий ҳарбий хизматчилар сони 2,1 миллиондан 1,4 миллионгача камайтирилиши лозим эди. Қурол-яроғ бўйича кўплаб йирик дастурлар бекор қилинди ва бекор қилинмоқда. 1985 йилдан 1995 йилгача асосий қурол-яроғлар йиллик хариди 29 та кемадан 6 тагача, 943 та самолётдан 127 тагача, 720 та танқдан 0 тагача ва 48 та стратегик ракетадан 18 тагача камайди. 80 йилларнинг охиридан бошлаб, Англия, Германия ва маълум даражада, Франция ҳам мудофаа харажатлари ва ҳарбий салоҳиятини қисқартиришга киришди. 1990 йилларнинг ўрталарида Германия қуролли кучларининг сони 370 мингдан 340 минггача ва эҳтимол 320 мингга камайиши режалаштирилган эди; француз армияси эса 1990 йилдаги 290 минг кишидан 1997 йилда 225 мингга камайиши керак эди. Британия ҳарбий хизматчилари эса 1985 йилдаги 377,1 мингдан

1993 йилда 274,8 минггача камайди. НАТОнинг минтақавий аъзолари ҳам муддатли ҳарбий хизматни қисқартиришди ва чақирувдан воз кечиш масаласини муҳокама қилишди.

Учинчидан, Шарқий Осиёдаги тенденциялар Россия ва Ғарбдаги тенденциялардан кескин фарқ қиларди. Ҳарбий харажатларни кўпайтириш ва ҳарбий кучларни такомиллаштириш кун тартибидаги асосий масала эди; бунда Хитой йўлбошчи эди. Ўз иқтисодий бойликларининг ортиб бориши ва хитойликларнинг кучайиб бориши туфайли, Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам ўзларининг ҳарбий кучларини замонавийлаштириш ва кенгайтиришмоқда. Япония ўзининг юқори даражадаги ҳарбий салоҳиятини янада яхшилашда давом этмоқда. Тайван, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Сингапур ва Индонезия каби мамлакатлар барчаси ўз ҳарбий харажатларига ҳамда Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатлардан самолёт, танк ва кемалар сотиб олишга тобора кўпроқ маблағ сарфлашмоқда. НАТОнинг мудофаа харажатлари 1985 йилдан 1993 йилгача қарийб 10 фоизга (1993 йилдаги реал доллар курси бўйича 539,6 миллиард доллардан 485,0 миллиард долларга) камайган бир пайтда Шарқий Осиёда ҳарбий харажатлар 50 фоизга 89,8 миллиард доллардан 134,8 миллиард долларга ошди.⁹

Тўртинчидан, оммавий қирғин қуроллари қамраб олувчи ҳарбий имкониятлар дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда. Мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борар экан, улар ўзлари учун қурол ишлаб чиқариш имкониятларини яратмоқдалар. 1960-1980 йилларда, масалан, Учинчи Дунё давлатларидан қирувчи самолётларни ишлаб чиқарувчилар сони биттадан саккизтагача, танклар ишлаб чиқарувчилар эса биттадан олтигагача, вертолётлар ишлаб чиқарувчилар ҳам биттадан олтигагача, тактик ракеталар ишлаб чиқарувчилар эса еттитагача кўпайди. 90 йилларда мудофаа саноатининг глобаллашуви тенденцияси кузатилди, бу Ғарбнинг ҳарбий афзалликларига путур этказиши мумкин.¹⁰ Ғарбий бўлмаган кўплаб жамиятлар ядро қуролига эга (Россия, Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Покистон

ва эҳтимол Шимолий Корея) ёки уларни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда (Эрон, Ироқ, Ливия ва эҳтимол Жазоир) ёки зарурат сезганда тезда қўлга киритиш учун ўзларига шароит яратишмоқда (Япония).

Ва ниҳоят, ушбу барча жараёнлар Совуқ урушдан кейинги дунёда минтақалашувни ҳарбий стратегия ва кучларда марказий тенденцияга айлантirmoқда. Минтақалашув Россия ва Ғарб ҳарбий кучларининг қисқариши учун ва бошқа давлатлар ҳарбий кучларининг кўпайиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Россия энди глобал ҳарбий салоҳиятга эга эмас, эндиликда у ўз стратегияси ва кучларини постсовет мамлакатларига қаратмоқда. Хитой эса ўз стратегияси ва кучларини маҳаллий ҳокимият лойиҳаларига урғу беришга ва Шарқий Осиёда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирди. Шу тариқа, Европа мамлакатлари ҳам ўз кучларини НАТО ва Ғарбий Европа Иттифоқи орқали Ғарбий Европа атрофидаги беқарорликларни ҳал этиш учун йўналтирмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари ўзининг ҳарбий режасини Совет Иттифоқини тийиб туриш ва унга қарши глобал миқёсда курашишдан Форс кўрфази ва Шимоли-шарқий Осиё минтақасидаги эҳтимолий муаммоларни бартараф этиш учун тайёр туришга аниқ йўналтирди. Аммо Қўшма Штатлар ушбу мақсадларга эришиш учун ҳарбий имкониятга эга эмас. АҚШ Ироқни мағлуб қилиш учун Форс кўрфазига ўзининг фаол тактик самолётларининг 75 фоизини, замонавий жанговар танкларининг 42 фоизини, самолёт ташувчиларининг 46 фоизини, армия қўшинларининг 37 фоизини ва денгиз кучларининг 46 фоизини жойлаштирди. Келгусида қуролли кучларининг сезиларли даражада қисқариши билан Қўшма Штатларнинг Ғарбий ярим шардан ташқаридаги катта минтақавий кучларга қарши биттадан, нари борса иккитадан кўп зўравонликни амалга ошириши қийин бўлади. Дунё бўйлаб ҳарбий хавфсизлик кучининг глобал тақсимланишига ва йирик кучларнинг ҳаракатларига эмас, балки кучнинг дунёнинг ҳар бир минтақасида тақсимланишига ва асосий цивилизация давлатларининг ҳаракатларига тобора кўпроқ боғлиқ.

Умуман олганда, Ғарб ХХІ асрнинг дастлабки ўн йилликларида энг кучли цивилизация бўлиб қолади. Эҳтимол бундан кейин ҳам илмий қобилият, тадқиқот ва тараққиёт салоҳиятида, шунингдек, фуқаролик ва ҳарбий технологик соҳалардаги инновацияларда етакчи мавқеини сақлаб қолади. Аммо бошқа қувват манбалари устидан назорат тобора ғарб бўлмаган цивилизацияларнинг асосий давлатлари ва етакчи мамлакатлари орасида тарқалмоқда. Ғарбнинг ушбу манбалар устидан назорати 1920 йилларда чўққига чиқди ва шундан бери нотекис, аммо сезиларли даражада пасаймоқда. Ўша чўққидан юз йил ўтгач, 2020 йилларда, дунё ҳудудининг қарийб 24 фоизи (чўққисидаги 49 фоиз ўрнига), дунё аҳолисининг 10 фоизи (48 фоиз ўрнига) ва ижтимоий мобил аҳолининг тахминан 15-20 фоизи, дунё иқтисодий неъматининг қарийб 30%и (чўққида - тахминан 70%), эҳтимол ишлаб чиқариш саноатининг 25%и (чўққида - 84%) ва ҳарбий қўшинлар умумий сонининг 10% дан камроғи (чўққида - 45% эди) Ғарбга тегишли бўлиши мумкин.

1919 йилда Вудро Вилсон, Ллойд Жорж ва Жорж Клемансо биргаликда дунёни деярли ўз назоратларига олдилар. Парижда ўтириб, улар қайси давлатлар яшаб қолиши ва қайси давлатлар қолмаслигини, қандай янги давлатлар пайдо бўлишини, уларнинг чегаралари қандай бўлиши ва уларни ким бошқаришини, шунингдек, Яқин Шарқ ва дунёнинг бошқа қисмларини ёлиб кучлар ўртасида қандай тақсимлашни ҳал қилдилар. Шунингдек, улар Россияга ҳарбий аралашувлар ва Хитойдан олинадиган иқтисодий имтиёзлар тўғрисида ҳам қарор қабул қилдилар. Юз йилдан сўнг, сиёсатчиларнинг ҳеч бир кичик гуруҳи бу сингари кучга эга бўлолмади; ва агар бирон бир гуруҳни улар билан таққослаш мумкин бўлса, унда у Ғарбнинг учтагина вакилидан эмас, балки етти ёки саккизта дунё цивилизациясининг асосий мамлакатлари раҳбарларидан иборат бўлади. Рейган, Тетчер, Миттеран ва Колнинг меросхўрлари Денг Хиаопинг, Накасоне, Индира Ганди, Елцин, Хомейни ва Сухартонинг ворислари кўринишидаги рақиблари билан тўқнашадилар. Ғарб ҳукмронлиги даври тугайди. Шу билан бирга, Ғарбнинг таназзулга юз тутиши ва бошқа куч марказларининг пайдо бўлиши глобал индигенизация

жараёнларига ва ғарбий бўлмаган маданиятларнинг қайта тикланишига ёрдам беради.

ИНДИГЕНИЗАЦИЯ: ҒАРБИЙ БЎЛМАГАН МАДАНИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Дунёда маданиятларнинг тарқалиши ҳокимият тақсимотини акс эттиради. Савдо-сотиқ миллий ғояга боғлиқ бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо маданият деярли ҳар доим кучга бўйсунди. Тарих силсиласида цивилизация кудратининг кенгайиши, одатда, унинг маданияти гуллаши билан мутаносиб равишда содир бўлгани кузатилади ва деярли ҳар доим бу кучдан бошқа жамиятларга ўз қадриятлари, анъаналари ва институтларини тарқатишда фойдаланилган. Умумжаҳон цивилизацияси универсал кучни талаб қилади. Рим ҳокимияти қадимги дунёнинг чекланган имкониятларида деярли универсал цивилизацияни яратди. Ўн тўққизинчи асрда Европа мустамлакачилиги шаклидаги Ғарб кудрати ва XX асрда Америка гегемонлиги замонавий дунёнинг кўп қисмида Ғарб маданиятини кенгайтди. Европа мустамлакачилиги тугади; Америка гегемонлиги поёнига етмоқда. Ғарб маданиятининг емирилиши маҳаллий, тарихий илдизларга асосланган хулқлар, тиллар, эътиқод ва институтлар ўзларини қайта намоён этишлари натижасида юзага келади. Модернизация натижасида ғарбий бўлмаган жамиятларнинг ўсиб бораётган кучи бутун дунёда Ғарбий бўлмаган маданиятларнинг тикланишига олиб келади.*

Жозеф Найнинг таъкидлашича, иқтисодий ва ҳарбий кудратга таянадиган "қаттиқ ҳокимият" ва мамлакат маданияти ва мафкурасининг жозибаси билан "бошқа давлатларни айнан у истаган нарсаларини хоҳлаши"га олиб келиш қобилияти ҳисобланган "юмшоқ ҳокимият" ўртасида фарқ мавжуд. Унинг таъкидлашича, дунёда "қаттиқ ҳокимият"нинг тарқалиши рўй бермоқда ва йирик давлатлар "ўз мақсадларига эришиш йўлида ўзларининг анъанавий куч манбаларидан илгарига нисбатан камроқ фойдалана олишмоқда". Най яна айтадики, агар давлатнинг "маданияти ва мафкураси жозибали бўлса, бошқалар ҳам унинг етакчилигига эргашишга тайёр бўлишади" ва шунинг

учун юмшоқ ҳокимият "қаттиқ ҳокимият каби муҳимдир".¹¹ Бироқ маданият ва мафқурани нима жозибали қилади? Улар ўз моддий муваффақияти ва нуфузи негизда жозибадор бўладилар. "Юмшоқ ҳокимият" "қаттиқ ҳокимият"га таянсагина, чин маънодаги ҳокимиятга айланади. Қаттиқ иқтисодий ва ҳарбий ҳокимиятнинг кучайиши, ўзига ишончни, мағрурликни ва ўз маданияти ёки юмшоқ ҳокимиятининг бошқа халқларникига нисбатан устунлигига ишончни кучайтиради ва бошқа халқлар олдида ўз жозибасини сезиларли даражада оширади. Иқтисодий ва ҳарбий ҳокимиятнинг заифлашиши эса ўз-ўзига ишончсизликка, ўзлигини йўқотишга ва бошқа маданиятларда иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий муваффақият калитларини топиш учун интилишларга олиб келади. Ҳарбий бўлмаган жамиятлар иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий имкониятларини оширар экан, улар ўз кадриятлари, институтлари ва маданияти фазилатларини тобора баралла жар солишмоқда.

1950-1960 йилларда Совет Иттифоқининг иқтисодий муваффақияти ва ҳарбий кучи билан боғланган пайтда коммунистик мафқура дунё бўйлаб тарқала бошлади. Бу мафқурага Совет иқтисодиёти инқирозга учраб ҳарбий кучини ушлаб тура олмаганида яқун ясалди. Ҳарб кадриятлари ва институтлари Ҳарб кучи ва бойлик манбаи сифатида кўрилганлиги сабабли бошқа маданиятлардаги инсонларга таъсир қилиши бошланган. Бу жараён асрлар давомида давом этиб келмоқда. Уилям Макнил таъкидлаганидек, 1000-1300 йилгача масиҳийлик, рим қонунлари ва Ҳарб маданиятининг бошқа элементлари венгерлар, поляклар ва литваликлар томонидан қабул қилинган ва бу "Ҳарб цивилизациясининг қабул қилиниши кўрқув ва ҳарбий шижоат билан кўзғатилган".¹² Ҳарб давлатлари таназзулга юз тутган сари, Ҳарбнинг инсоният ҳуқуқлари, либерализм ва демократия тушунчаларини бошқа цивилизацияларга сингдириш қобилияти ҳам пасаймоқда ва шу кадриятларнинг бошқа цивилизацияларга жозибадорлиги ҳам тушиб бормоқда.

Бу аллақачон мавжуд. Бир неча асрлар давомида Ҳарб бўлмаган халқлар Ҳарб жамиятларининг гуллаб-яшнашига, технологик маҳоратига, ҳарбий кучига ва сиёсий ҳамжихатлигига ҳасад қилишган. Улар ушбу

муваффақиятнинг сирини Ғарб кадриятларидан изланишган ва улар буни тушуниб етишганда ўзларининг жамиятларида қўллашга уринишган. Бой ва кудратли бўлиш учун улар Ғарб каби бўлишлари керак эди. Энди, лекин бу Кемалистик муносабат Шарқий Осиёда йўқолди. Шарқий осиеликлар ўзларининг драматик иқтисодий ривожланишларини Ғарб маданиятининг импорти билан эмас, балки ўз маданиятларига содиқликлари билан боғлайдилар. Улар муваффақият қозонмоқда, улар баҳслашмоқда, чунки улар Ғарбдан фарқ қилади. Шунга ўхшаб, Ғарб бўлмаган жамиятлар Ғарбга нисбатан заифликни ҳис қилишганда, улар Ғарбнинг ҳукмронлигига қарши чиқишлари учун Ғарб либерализми, демократия ва мустақиллик кадриятларидан фойдаланишган. Энди улар бошқа кучсиз эмас, балки тобора кучайиб бораётганлиги сабабли, улар илгари ўз манфаатларини илгари суриш учун фойдаланган кадриятларга ҳужум қилишдан тортинмайдилар. Ғарбга қарши исён дастлаб Ғарб кадриятларининг универсаллигини тан олиш орқали қайд этилди; ҳозир эса Ғарбга хос бўлмаган кадриятларнинг устунлигини таъкидлаш орқали қайд этилмоқда. Бундай муносабатнинг кўтарилиши Роналд Доре томонидан "иккинчи авлоднинг индигенизация феномени" деб атаганлигининг ифодасидир. Ғарбий мустамлакаларда ҳам, Хитой ва Япония каби мустақил мамлакатларда ҳам «биринчи модернизация» ёки «пост мустақиллик» авлоди кўпинча хорижий (ғарбий) университетларда ғарбий космополит тилидан дарс олишди. Қисман улар биринчи тажрибага эга ўспирин сифатида чет элга чиқишганлиги сабабли, уларнинг Ғарб кадриятлари ва турмуш тарзини ўзлаштириши жуда фойдали бўлиши мумкин. Иккинчи катта авлоднинг аксарияти, аксинча, ўз таълимларини биринчи авлод томонидан яратилган университетларда олади ва таълим бериш учун мустамлака тилидан кўра маҳаллий тилдан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Ушбу университетлар "дунё миқёсидаги маданият билан саёз алоқа ўрнатишади" ва "билимлар таржималар орқали ўрганилади, одатда чекланган ва паст сифатли". Ушбу университетларнинг битирувчилари Ғарбда илгари ўқитилган авлоднинг ҳукмронлигига қарши чиқишади ва шунинг учун,

кўпинча, "нативист муҳолифат ҳаракатларига мурожаат қилишади".¹³ Ғарбнинг таъсири кучайгани сайин, ёш интилаётган раҳбарлар Ғарбдан уларни куч ва бойлик билан таъминлашини кутишмайди. Улар ўзларининг жамиятларида муваффақиятга эришиш воситаларини топишлари керак ва шунинг учун улар ушбу жамиятнинг кадриятлари ва маданиятига мос келишлари лозим бўлади.

Индигенизация жараёни иккинчи авлодни кутмаслиги керак. Иқтидорли, идрокли ва мослашувчан биринчи авлод етакчилари ўзларини индигенизация қиладилар. Эътиборга молик учта ҳолат - Муҳаммад Али Жинна, Гарри Ли ва Сулаймон Бандаранаике. Улар Оксфорд, Кембриж ва Линколн университетларининг энг яхши битирувчилари бўлиб, ўз навбатида зўр ҳуқуқшунослар ва ўз жамиятлари элитасининг ғарблашган аъзолари эдилар. Жинна содиқ дунёвий одам эди. Ли, Британия Вазирлар Маҳкамаси вазирининг сўзларига кўра, "Сувайш шарқидаги энг яхши инглиз эди". Бандаранаике насроний бўлиб улғайган. Мустақилликка эришишга ўз халқларини етаклаш учун ҳам улар индигенизация қилишлари, яъни туб аҳолига сингишлари керак эди. Улар ўз ота-боболари маданиятига қайтишган ва бу жараён давомида баъзан ўз аслини, исмларини, кийиниш ва эътиқодини ўзгартиришган. Инглиз юристи М. А. Жинна Покистоннинг Қуайд-и Азами, Гарри Ли Ли Куан Ю га айланган. Дунёвий инсон ҳисобланган Жинна Покистон давлатида Ислом дини асосини яратган чинакам элчига айланди. Англиялик Ли Мандарин тилини ўрганган ва конфутсий динининг яққол тарафдори бўлди. Христиан Бандаранаике буддизм динига ўтди ва Синҳал миллатига мурожаат қилган. 1980 ва 90 йилларда ғарб бўлмаган дунёда индигенизация кун тартибига айланди. Исломнинг тикланиши ва "қайта Ислом динига ўтиш" мусулмон жамиятларидаги асосий мавзуларига айланган. Ҳиндистонда ғарб услублари ва кадриятларининг рад қилинган, сиёсат ва жамиятнинг "индуизацияси" асосий тенденция ҳисобланади. Шарқий Осиёда ҳукуматлар конфуцийизмни тарғиб қилиб, сиёсий ва интеллектуал раҳбарлар ўз мамлакатларининг "осиёликлаштириш"и ҳақида гапиришмоқда. 80

йилларнинг ўрталарида Япония "Нихонжинрон ёки Япония ва японлар назарияси" га мойил бўлиб қолди. Кейинчалик япониялик етакчи зиёли тарихан Япония "ташқи маданиятларни сингдириш" ва "бу маданиятларни кўпайтириш ва такомиллаштириш орқали маҳаллийлаштириш" жараёнларидан ўтиб келган, сингдирилган ва ижодий таъсирнинг тугатиш ва ташқи дунёга қайтиш натижасида юзага келган муқаррар тартибсизликларни бошдан кечирди, деб таъкидлади. "Ҳозир Япония" ушбу жараённинг иккинчи босқичига ўтмоқда".¹⁴ Совуқ Урушнинг тугаши билан Россия яна Ғарбликлар ва славофиллар ўртасидаги классик курашнинг қайта вужудга келиши билан мураса мамлакатга айланди. Аммо ўн йил давомида бу тенденция дастлабкисидан иккинчисига қадар ўзгариб борди, чунки Ғарблаштирилган Горбачёв Елцинга русча услуб, ғарбча эътиқодга қўйиб берган, ўз навбатида эса унга рус православлиги вакиллари бўлган миллатчилар таҳдид қилишган. Индигенизация демократия парадокси: Ғарблашмаган жамиятлар томонидан Ғарб демократик институтларини қабул қилиниши нативист ва Ғарбга қарши сиёсий ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. 1960-1970 йилларда ривожланаётган мамлакатларда Ғарб ва Ғарбга қаршли ҳукуматлар тўнтаришлар ва инқилоблар билан таҳдид қилинди; 1980 ва 1990 йилларда уларни сайловлардан четлашиш хавфи кучайди. Демократлаштириш ғарблаштириш сиёсатига зид бўлиб, демократия космополитизация жараёни эмас, балки табиий равишда маҳаллий манфаатларни ҳимоя қилишга етакловчи жараён ҳисобланади. Ғарблашмаган жамиятлардаги сиёсатчилар ўзларининг ғарбликларини намойиш қилиб сайловларда ғалаба қозонмайдилар. Бунинг ўрнига, сайловлардаги рақобат уларнинг фикрида энг кўп машҳурлик қозонадиган ишни қилишга ундайди ва бундай ишлар, одатда, этник, миллатчилик ва диний характерга эга бўлади.

Бунинг натижаси халқнинг ғарбда таҳсил олган, ғарбга йўналган элита қатламига қарши бирлашиши бўлди. Мусулмон давлатларининг кўпчилигида ислом фундаменталистлари қатор сайловларда яхши натижаларга эришишда ва агарда ҳарбийлар 1992 йилдаги сайловни бекор қилишмаганида Алжир

давлатида ҳукуматга келишлари мумкин эди. Ҳиндистонда сайловдаги овозлар учун курашлар натижаси оммавий митинглар ва оммавий зўравонликка олиб келди.¹⁵ Шри-Ланкада демократия Шри-Ланка Озодлик Партиясини вужудга келтирди ва ўз навбатида ушбу партия 1956 йилдаги сайловда элитар Бирлашган Миллий Партияни вайрон қилди ва 80 йилларда Патика Чинтанайянинг миллатчилик ҳаракатларининг бошланишига имкон яратди. 1949 йилга қадар Жанубий Африкада элита қатлами ҳам Ғарб мамлакатларида ҳам ЖАР ни ғарбий мамлакат деб қабул қилишарди. Мамлакатда апартаид режими ўрнатилгандан сўнг ғарб элитаси ЖАРни ғарбдан ташқари лагер таркибида кўра бошлашди, аммо ЖАР аҳолиси ўзини ғарб аъзолари деб ҳисоблашда давом этишарди. Шу асосида, ғарбнинг халқаро жамиятида ўз ўрнини топиш учун мамлакат ғарбнинг қатор демократик институтларини жорий қилишига тўғри келди ҳамда мамлакатда юқори вестернлашган қора элита қатлами вужудга келди. Шунга қарамасдан, агар иккинчи авлодда индигенизация (маҳаллийлашиш) фактори ишласа, улар кўпроқ хоса, зулу ва африкалик бўлишади ҳамда ўзларини кўпроқ африка мамлакати сифатида кўра бошлашади.

Турли даврларда XIX асрга қадар византияликлар, араблар, хитойликлар, турклар, мўғуллар ва руслар ўзларини ғарб билан солиштириб ўз кучига ва имкониятларига жуда ишонишган. Бундан ташқари, улар ғарбнинг маданий беқарорлигига, институтларининг қоқоқлигига ва коррупцияга беписандлик билан қарар эдилар. Ғарбнинг ютуқлари ҳайратланарли бўлмай қолганда ушбу муносабат яна такрорланди. Одамлар “уларнинг даври ўтди” деб ҳисоблай бошлашди. Эрон – фавқулотда ҳолат бўлганлиги билан, бир кузатувчининг фикрларига кўра: “ғарб қадриятлари турли йўллар билан инкор қилинмоқда, лекин Малайзия, Индонезия, Сингапур, Хитой ва бошқа мамлакатлардан қатъиян кам эмас”.¹⁶ Биз ғарб мафкураси ҳукмронлик қилган ва "тараққий этган даврнинг охири" нинг гувоҳи бўлмоқдамиз ва кўплаб турли хил цивилизациялар ўзаро таъсир қиладиган, рақобатлашадиган, бирга яшайдиган ва бир-бирига мослашадиган

даврга кирмоқдамиз.¹⁷ Ушбу глобал индигенизация жараёни дунёнинг кўплаб мамлакатларида содир бўлган, хусусан Осиё ва Ислон давлатларининг иқтисодий ва демографик динамизми асосида вужудга келган маданий тикланишида яққол намоён бўлади.

La revanche de Dieu

Йигирманчи асрнинг биринчи ярмида интеллектуал элита вакиллари, коида тариқасида, иқтисодий ва ижтимоий модернизация инсон ҳаётининг муҳим қисми бўлган диннинг ролини кучсизлантиришга олиб келади, деб ҳисоблашган. Бу тахминга уни мамнуният билан қабул қилганлар ҳам, ушбу тенденция ҳақида нолиганлар ҳам қўшилишган. Модернизация атеист-адептлари мавжуд динларнинг асосини ташкил этган бидъатлар, афсоналар, иррационализм ва диний маросимларнинг илм-фан, рационализм ва прагматизм томонидан сиқиб чиқаришини олқишлаганлар. Вужудга келаётган давлат толерант, рационал, прагматик, прогрессив, инсонпарвар ва дунёвий бўлиши керак. Бошқа тарафдан хавотирга тушган консерваторлар диний эътиқод, диний институтлар ва инсоннинг индивидуал ва жамоавий ҳуқуқ-атвориға таъсир этувчи диннинг ахлоқий дастуриламали йўқ бўлиб кетишнинг даҳшатли оқибатлари тўғрисида огоҳлантирганлар. Бунинг якуний натижаси – анархия (ҳокимиятсизлик), ахлоқсизлик, цивилизациялашган ҳаётнинг издан чиқиши. “Агар сиз Худони улуғлашни хоҳламасангиз (У эса – рашкчи Худодир), унда Гитлерни ёки Сталинни ҳурмат қилишингизга тўғри келади” – дейди Т.С. Элиот.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми бу умидлар ва хавотирлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Иқтисодий ва ижтимоий модернизация глобал миқёсга эга бўлди ва шу вақтнинг ўзида диннинг глобал тикланиши юз берди. Жил Кепел уни *la revanche de Dieu*, деб номлаган тикланиш ҳар бир қитъага, ҳар бир цивилизацияга ва деярли ҳар бир мамлакатга кириб борди. Кепел таъкидлагандек, 70-йилларнинг ўрталарида секуляризация (*черков ёки монастыр мулкани давлат мулкига айлантириши, дин таъсиридан чиқариши*) ва

атеизм билан диннинг қотиб қолиш курси “карама-қарши томонга” бурилди. Янги диний ёндашув вужудга келди, энди унинг мақсади дунёвий қадриятларни қабул қилиш эмас, балки керак бўлса жамиятни ўзгартириш орқали жамиятни ташкил қилишнинг муқаддас асосларини қайтаришдир. Кўп усуллар билан ифодаланган ушбу ёндашув муваффақиятсизликка дучор бўлган модернизацияни, унинг барбодини ва боши берк ҳолатини Худодан четлашиш билан изоҳлаб, рад қилишни тарғибот қилади. Бу энди *aggiornamento* бўртирилиши эмас, балки “Европанинг иккинчи чўқинтирилиши”, мос равишда бошқа мақсад бу исломни модернизация қилиш эмас, балки “замонавийликни исломлаштириш”дир [с.139]

Ушбу диний тикланиш илгари у ерда бўлмаган янги издошлар орттирган, баъзи динларнинг қисман экспансияси (кенгайиши) билан боғлиқ. Бироқ кўпроқ даражада бу ўз жамоаларининг анъанавий динларига қайтган, уларга янги кучлар олиб кирган ва уларга янги маънолар берган инсонлар билан боғлиқдир. Насронийлик, ислом, яҳудийлик, ҳиндуийлик, буддавийлик ва православлик – уларнинг барчаси бир вақтлар оддий этиқод қилувчи бўлганлар томонидан садоқат ва эътиборнинг кўтарилишини бошдан кечирмоқда. Ушбу динларнинг барчасида диний ақидаларга мувофиқ диний таълимот ва институтларни қабътий равишда тозалашни, индивидуал, ижтимоий ва жамоавий хулқ-атворни ўзгартиришни даъват қиладиган фундаменталистик ҳаракатлар вужудга келди. Фундаменталистик ҳаракатлар сезиларли даражада кўзга ташланади ва аҳамиятли сиёсий вазнга эга бўлиши мумкин. Бироқ улар фақат йигирманчи аср охирида инсон ҳаётини шакллантирадиган янада кенгроқ ва фундаментал диний оқимлар юзасидаги тўлқинлардир. Дунё бўйлаб диннинг янгиланиши фундаменталист-экстремистлар ҳаракатларининг чегарасидан анча ташқарига чиқаяпти. Гоҳ у, гоҳ бу жамиятда у одамларнинг кундалик ҳаётида ва ишларида, ҳамда ҳукуматларнинг фаолиятларида ва лойиҳаларида ўзини намоён қиляпти. Дунёвий конфуций маданиятидаги маданий тикланиш Осиё қадриятларини қабул қилиш шаклини оляпти, аммо дунёнинг қолган қисмида бу диний

кадриятларнинг тасдиғи сифатида намоён бўляпти. Жорж Вайгел таъкидлаганидек: “дунёнинг десекуляризацияси йигирманчи аср охиридаги асосий ижтимоий ҳодисалардан биридир”.

Диннинг ҳар ерда ҳозирлиги ва аҳамияти, айниқса, собиқ коммунистик мамлакатларда яққол намоён бўлади. Диний тикланиш, мафқуранинг қулаши натижасида вужудга келган бўшлиқни тўлдирган ҳолда, диний қайта тикланиш Албаниядан то Ветнамгача бўлган давлатларга тарқалиб кетди. Россияда православликнинг қайта тикланиши юз берди. 1994 йилда 25 ёшдаги русларнинг 30 фоизи атеизмдан Худога ишонишга ўтишганини айтишган. Москва ва Москва вилоятларидаги фаол черковлар сони 1988 йилдаги 50 тадан 1993 йилда 250 тага кўпайди. Сиёсий раҳбарлар [с.140] яқдиллик билан динни ҳурмат қила бошладилар, ҳукумат эса уни қўллаб-қувватлади. 1993 йилда бир зийрак кузатувчи таъкидлаганидек: “Россия шаҳарларида черков жомлари (кўнғироқлари) овози янгидан ҳавони тўлдирди. Яқиндагина тилла суви югуртирилган гумбазлар қуёшда ярқирамоқда. Яқинда ҳаробаларда ётган черковлар яна ўзларининг улуғвор кўшиғини қуйлаб бошлашди. Черковлар шаҳарнинг энг гавжум жойларига айланди”. Славян республикаларида православликнинг тикланиши билан бир вақтда, Исломий тикланиш Ўрта Осиёни қамраб олди. 1989 йилда Ўрта Осиёда 160 та масжид ва битта мадраса (мусулмон олий мактаби) мавжуд эди; 1993 йил бошларида 10 000 га яқин масжид ва ўнта мадраса мавжуд эди. Қайта тикланиш ўз ичига баъзи бир фундаментал сиёсий ҳаракатларни олганига ва чет элдан – Саудия Арабистони, Эрон ва Покистон томонидан қўллаб қувватланганига қарамай, умуман олганда, мўътадил фойданинг кенг тарқалган маданий ҳаракати эди.

Умумий диний уйғонишни қандай изоҳлаш мумкин? Табиийки, турли мамлакатлар ва цивилизацияларда бу турли омиллар туфайли юзага келади. Шунга қарамай, кўп сонли турли ҳил сабаблар дунёнинг аксарият минтақаларида бир вақтнинг ўзида ва бир бирига ўхшаш оқибатларга олиб келган, деб ишониш нотўғри бўлади. Глобал феномен (*камдан-кам учрайдиган ҳодиса*) глобал изоҳни талаб қилади. Айрим мамлакатларда ноёб омиллар

таъсири остида қанча ҳодиса содир бўлишидан қатъий назар, бари бир баъзи умумий ҳолатлар мавжуд бўлиши керак. Улар қанақа?

Глобал диний тикланишнинг энг аниқ, энг ёрқин ва энг кучли сабаби диннинг ўлимига сабабчи бўлган нарса ҳисобланар эди, яъни йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида бутун дунёда содир бўлган ижтимоий, иқтисодий ва маданий модернизация жараёнлари. Ўзига хосликнинг қадимий манбалари ва обрў-эътибор тизими барқарорлигини йўқотди. Одамлар қишлоқ жойларидан шаҳарларга кўчиб келишади, ўз илдизларидан ажраб кетишади, янги иш жойларига жойлашадилар ёки ишламайдилар. Улар [с.141] ғоят катта сонли нотанишлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, муносабатларнинг янги моделлар таъсирига дуч келишади. Уларга маъно ва мақсад ҳиссини берадиган ўзига хослик манбалари, барқарор жамиятнинг янги шакллари ва янги ахлоқий тамойиллари керак. Дин, унинг йўналишлари, фундаментал оқимлари ушбу талабларга жавоб беради. Ли Куан Ю Шарқий Осиё учун тушунтириш берганидек:

“Биз сўнги бир-икки авлод давомида саноатлаштириш жараёнини бошдан кечирган аграр жамиятлармиз. Ғарбда 200 ва ундан ортиқ йил содир бўлган воқеалар бу ерда 50 йил ва ундан камроқ вақт давом этади. Буларнинг барчаси аралашиб кетган ва жуда тор рамкаларга тикилган, шу сабабли номувофиқликлар ва адашишлар муқаррар. Агар сиз тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар – Корея, Таиланд, Гонконг ва Сингапурга қарасангиз, барчасида бир диққатга сазовор феномен мавжуд: диннинг юксалиши... Қадимги урф-одатлар ва динлар – аждодлар дини, шомонлик энди одамларни тўлиқ қондира олмайди. Инсоннинг тақдири ва нима учун биз бу ердалигимизнинг янги изоҳлари қидирилиши бошланади. Бу жамиятдаги улкан қизғинлик (*асабий қизғинлик*) даврлари билан боғлиқ.

Одамлар фақат маънавий манфаатларни кўзлаб яшамайдилар. Аммо улар ўзи “мен”ини аниқламагунларича, ўзларининг ғаразли манфаатлари орқасидан қувиб, ҳисоб-китоб ва рационал ҳаракат қила олмайдилар. Шу

сабабли идентификациялаш масаласи сиёсатнинг қизиқиш мавзусидир. Тез суръатларда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар даврида ўрнатилган ўзига хослик қулайди, “мен” қайтадан баҳоланиши ва янги ўзига хослик яратилиши талаб этилади. “Мен кимман?” ва “Менинг ўрним қаерда?” деган саволларга жавоб топиш билан тўқнашган одамлар учун дин ишончли жавобларни беради, диний гуруҳлар эса урбанизация туфайли йўқотилганларнинг ўрнига келган кичик ижтимоий бирлашмаларга айланадилар. Хасан ал-Таробий сўзлари билан айтганда: “Барча динлар одамларга ўзига хослик туйғусини ва ҳаётий йўналишларини тақдим қилади”. Ушбу жараён орқали одамлар тарихий ўзига хосликни кашф этадилар [с.142] ёки янгиларини яратадилар. Динлар қандай универсал мақсадларга эга бўлишидан қатъи назар, улар имонлилар ва кофирлар ўртасида ҳамда ўзининг юқори гуруҳи ва бошқа қуйи гуруҳ ўртасида асосий тафовут ўтказиб одамларга ўзига хосликни беради.

Бернард Люис сўзларига кўра, мусулмон дунёсида “такрорланувчи тенденция мавжуд – қийин даврларда мусулмонлар ўзларининг таянч ўзига хосликларни ва диний жамоатга содиқлигини, яъни ўзига хосликни этник ва худудий белгилардан эмас, балки ислом динидан топадилар. Жил Кепел, шунингдек, ўзига хосликни излаш марказий ўринни эгаллашига урғу беради: «пастдан» қайта исломлаштириш маъносини йўқотган ҳамда шаклсиз ва бегона бўлиб қолган дунёда ўзига хосликни тиклашнинг энг биринчи ва энг асосий усулидир”. Ҳиндистонда модернизация оқибатида вужудга келган босим ва бегоналашувга жавоб тариқасида “янги ҳинд ўзига хослигини шаклантириш жараёни кетмоқда”. Россияда диний тикланиш “Россиянинг 1000 йиллик тарихи билан ягона узилмаган алоқа бўлган, фақат православ черкови бериши мумкин бўлган ўзига хосликни топишни астойдил иташ” нинг натижасидир. Мусулмон республикаларида эса тикланиш ўхшаш ҳолда “Марказий Осиёдаги энг кучли, Москва томонидан ўн йиллар давомида куч билан бостирилиб келинган ўзига хосликни ўрнатишга қараталиган интилиш” нинг натижасидир. Хусусан, фундаменталистик ҳаракатлар замонавий ижтимоий ва сиёсий моделларни, атеизмни, илмий маданиятни ва иқтисодий

тараққийетни жадал мажбуран сингдиришдан юзага келган хаос ва ўзига хосликни, мазмунни ва бошқа ижтимоий тузилмаларни йўқотишни енгмоқ усули. Уилям Макнил таъкидлашича, “ҳисоблашиш керак бўлган ҳаракатлар - булар жамиятдан ўз аъзоларини жалб қилиб, тез ўсиб бораётганлардир”. Чунки улар инсониятнинг янги англаган эҳтиёжларига жавоб беради (ёки жавоб бераётганлиги тўғрисида хаёлот яратади)... Бу ҳаракатларнинг барчаси ерга бўлган демографик босим эски қишлоқ турмуш тарзини кўпчилик аҳоли учун бундан буён мавжудлигини имконсиз қиладиган ва урбанизациялашган оммавий ахборот воситалари қишлоқларга кириб келиб, қишлоқ ҳаётининг кўп асрлик асосларини вайрон қила бошлаган мамлакатларда яралиши бежиз эмас.

Кенгроқ маънода бутун дунёда диний тикланиш бу – атеизмга, ахлоқий релятивизмга *(билимларнинг нисбийлигини метафизикларча мутлоқлаштириб, воқеликни обектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик принцип)* ва ўзининг заиф томонларига эрк бериш, бундан ташқари, тартиб, интизом, меҳнат, ўзаро ёрдам ва инсон бирдамлиги қадриятларини тасдиқлашдир. Диний гуруҳлар давлат бюрократияси эътиборсиз қолдирадиган ижтимоий эҳтиёжларни қондиради. Бунга тиббий ва касалхона хизматлари, болалар боғчалари ва мактаблар, қарияларга ғамхўрлик қилиш, табиий ва бошқа офатлардан кейин тезкор ёрдам бериш, иқтисодий инқироз даврида ижтимоий таъминлаш ва ёрдам кўрсатиш киради. Ўрнашган негизлар ҳалокати ва фуқаролик жамиятининг қулаши вакуумни *(бўшлиқни)* яратади ва уни диний, аксарият ҳолларда эса фундаменталистик гуруҳлар тўлдиради.

Агар анъанавий равишда ҳукмронлик қиладиган динлар қочқинларнинг ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирмаса, бу вазифани бошқа диний гуруҳлар амалга оширади, натижада уларнинг сони, худди диннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги аҳамияти каби кескин ошиб боради. Тарихан, Жанубий Корея, асосан, 1950 йилда христианлар сони аҳолининг тахминан 1-3 фоизини ташкил қилган, буддистлар мамлакати бўлган. Жанубий Кореяда, кенг

кўламли урбанизация ва касбларнинг табақаланиши билан ҳамроҳ бўлган, жадал иқтисодий ўсиш бошланганида, буддизм етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. “Шаҳарларга қуйилиб келган миллионлаб одамлар ва ўзгарган кишлоқларда қолган кўпчилик учун Кореянинг аграр давридаги турғун буддизм ўз жозибадорлигини йўқотди. Христианлик шахсий нажот ва инсон тақдири ғоялари билан ўзгариш ва саросима даврида анча ишончлироқ ва тинчлантирувчи дунёқарашни таклиф қилди. 1980 йилларга келиб христианлар, асосан пресвитериан ва католиклар, Жанубий Корея аҳолисининг камида 30 фоизини ташкил этар эди. [с.144]

Шунга ўхшаш кўзғалишлар Лотин Америкасида ҳам содир бўлди. У ердаги протестантларнинг сони 1960 йилдаги тахминан 7 миллиондан 1990 йилда 50 миллионгача ўсди. 1989 йилда Лотин Америкаси католик руҳонийлари бу муваффақият сабабини католик черковининг “шаҳар ҳаётининг техник жиҳатлари билан секин мурасага келишида” кўрдилар. Бир бразилиялик воиз таъкидлаганидек, католик черковидан фарқли ўлароқ, протестант черковлари “инсоннинг асосий эҳтиёжлари – инсоний илиқлик, шифо топиш ва чуқур руҳий тажрибага” жавоб беради. Лотин Америкасидаги камбағаллар ўртасида протестантизмнинг тарқалиши, аслида, битта динниг бошқасига алмашилиши эмас, аксинча, сушт ва номига католик бўлганлар фаол ва ашаддий евангелистларга айланганлари сари диний содиқликнинг ва иштирокнинг кескин ўсиб кетишидир. Шундай қилиб, 90-йилларнинг бошларида Бразилия аҳолисининг 20 фоизи ўзларини протестант деб, 73 фоизи эса ўзларини католиклар деб ҳисоблашган, аммо якшанба кунлари протестант черковларида 20 миллион киши ва католик черковларида тахминан 12 миллион килиш бўлар эди. Бошқа дунё динлари сингари, христианлик ҳам модернизация билан боғлиқ бўлган тикланиш босқичидан ўтади ва Лотин Америкасида у католик шаклини эмас, балки протестант шаклини қабул қилди.

Жанубий Корея ва Лотин Америкасидаги бу ўзгаришлар буддизмнинг ва мос равишда ўрнашган католикликнинг модернизациядан жароҳат олган

инсонларнинг психологик, ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга жавоб беришнинг уйдасидан чиқа олмаслигини акс этади. Яна қаердадир диний содиқликда сезиларли ўзгаришлар бўлиш-бўлмасилиги устун диннинг бу эҳтиёжларни қай даражада қондира олиши билан боғлиқ. Конфуцийликнинг ҳиссизлигини ҳисобга олган ҳолда, у анчайин ҳимоясиз кўринади. Конфуциан мамалкатларда протестантлик ва католицизм худди евангелист протестантликнинг Лотин Америкаси аҳолисига, христианликнинг Жанубий Кореяликларга ва фундаментализмнинг мусулмонлар ва ҳиндларга жозибали бўлгани каби мафтункор бўлиши мумкин. 1980 йилларнинг охирида, Хитойнинг иқтисодий ўсиш чўққисидан, христианлик ҳам “асосан ёшлар орасида” тарқалди. Эҳтимол, тахминан 50 миллион хитойлик христиандир. Ҳукумат руҳонийларни, миссионерларни (*ерли халкни христиан динига ўтишига тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс*) ва евангелистларни қамаш, диний маросимларни тақиқлаш ва таъқиб қилиш орқали уларнинг сонининг ўсишини олдини олишга ҳаракат қилди ва 1994 йилда ажнабийларга ўз динига қаратиш бўйича ишларни ва диний мактаблар ёки бошқа диний ташкилотларни ташкил этишни, диний гуруҳларга эса мустақил равишда ёки чет элдан молиялаштириладиган тадбирларда иштирок этишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Сингапурда Хитойда бўлгани каби, аҳолининг 5 фоизи христианлар. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида ҳукумат вазирлари евангелистларни мамлакатдаги беқарор диний мувозанатни бузмаслик тўғрисида огоҳлантирганлар, диний хизматчиларни, шу жумладан католик ташкилотлардаги расмий шахсларни ҳам ҳибсга олишган ва христиан гуруҳларини ва алоҳида диндорларни турли йўллар билан кўрқитишган.

“Совуқ урушнинг” тугаши билан ва унинг кетидан юзага келган сиёсий очиқлик ортидан ғарбий черковлар православ собиқ Совет республикаларига интилдилар ва у ерда қайта тикланган православ черковларига рақобатчи бўлдилар. Бу ерда ҳам Хитойда бўлгани каби, уларнинг миссионерлик фаолиятини чеклашга ҳаракат қилинди. 1993 йилда, православ черковининг

талабига кўра, Россия парламенти хорижий диний гуруҳлардан, агар улар миссионерлик ёки маърифий фаолитни юритиш ниятида бўлишса Россия партиархат паноҳига ўтишларини ёки давлат аккредитациясидан ўтишларини талаб қилувчи қонунни қабул қилди. Бироқ Президент Елцин, бу қонун лойиҳасини имзолошдан бош тортди. Умуман олганда, далиллар шуни кўрсатадики, la revanche de Dieu индигенизацияси билан тўқнашганда, у кучлироқ бўлиб чиқади: агар анъанавий эътиқод модернизациянинг диний эҳтиёжларини қондира олмаса, одамлар ўзларига мос эмоционал импортга мурожаат қила бошлайдилар.

Модернизация оқибатида юзага келган психологик, ҳиссий ва ижтимоий жароҳатлардан ташқари, диний тикланишнинг бошқа, жумладан, Ғарбнинг ортга чекиниши [с.146] ва “совуқ урушнинг” яқунланиши каби рағбатлари ҳам мавжуд. Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб ғарбий бўлмаган цивилизациялар Ғарбнинг таъсирига, одатда, Ғарбдан олиб келинган мафкураларни биринкетин ўзлаштириш билан муносабат билдиришди. Ўн тўққизинчи асрда ғарбий бўлмаган элиталар ғарбий либерал кадриятларни ўзлаштирадилар ва биринчи марта Ғарбга қарши ҳаракати либерал миллатчилик кўринишида намоён бўлди. Йигирманчи асрда рус, осие, африка ва лотин америкаси элиталари социалистик ва марксистик мафкураларни олиб келиб, уларни Ғарб капитализмига ва Ғарб имериализмига таққослаб, миллатчилик билан бирлаштирадилар. Совет иттифоқида коммунизмнинг барбод бўлиши, унинг Хитойдаги жиддий ислоҳоти, шунингдек, социалистик иқтисодиётнинг барқарор ўсишга эриша олмаслиги мафкуравий бўшлиқни яратди. Ғарб ҳукуматлари, гуруҳлар ва халқаро институтлар, масалан, Ҳалқаро валюта фонди ва Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки бу бўшлиқни православ бўлмаган иқтисод ва демократик сиёсат доктринаси билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Ғарбга хос бўлмаган маданиятларга ушбу таълимотлар қай даражада таъсир қилиши ҳалигача номаълум. Бироқ одамлар ҳозирги пайтда коммунизмни шунчаки омадсизликка учраган охирги дунёвий бут деб билишади. Дин эстафетани (*мусобақада қўлма-қўл узатиладиган нарса*)

мафкурадан олади, диний миллатчилик эса дунёвий миллатчиликнинг ўрнига келади.

Диний тикланишга қаратилган ҳаракатлар дунёвийликка, универсалликка қаршидир, фақат унинг Ғарбга қарши христиан кўринишидан ташқари. Шунингдек, улар Брюс Лоуренс замонавийликдан ажратиб “модернизм” деб атаган термин билан мос тушадиган релятивизмга, худбинликка ва истъемолчиликка қарши қаратилган. Умуман ва бутун олганда, улар урбанизацияни, индустриализацияни, ривожланишни, капитализмни, илм-фан ва технологияни ва жамиятни ташкиллаштиришда буларнинг барчаси англатадиган нарсаларни рад этмайдилар. Бу маънода улар замонавийликка зид эмас. [с.147] Ли Куан Ю айтганидек улар модернизацияни “илм-фан ва технология ривожналинишининг муқаррарлигини, шунингдек, улар билан олиб келинадиган турмуш тарзидаги ўзгаришларни” қабул қиладилар, лекин улар “ўзларининг вестернизацияга (ғарблашувга) учраётганлиги тўғрисидаги ғояни” қабул қилмайдилар. Ал Таробий таъкидлашига кўра, миллатчилик ҳам, социализм ҳам ислом оламида ўзгариш қилмади. “Дин – бу тараққиётнинг ҳаракатлантирувчисидир” ва пок ислом замонавий даврда Ғарб тарихидаги протестант этикасига тенг келувчи рол ўйнайди. Дин замонавий давлат ривожланиши билан таққосланмас деб бўлмайди. Ислом фундаменталистик ҳаракатлари энг ривожланган ва дунёвий кўринадиган Жазоир, Эрон, Миср, Ливан ва Тунис каби мусулмон мамлакатларида энг кучлидир. Диний ҳаракатлар, айниқса, фундаментал характерга эга бўлган ҳаракатлар замонавий оммавий ахборот воситаларини ва ташкилий технологиялардан профессионал даражада фойдаланадилар. Бунинг энг ёрқин намунаси Марказий Америкадаги протестант телеевангелизмнинг муваффақияти бўлди.

Диний тикланиш иштирокчилари барча фаолият соҳаларидан келади, аммо аксариятида иккаласи ҳам мобил (ҳаракатчан) ва урбанизацияланган гуруҳлардан. Шаҳарларга янги келган муҳожирлар, одатда, ҳиссий, ижтимоий ва моддий ёрдам ва йўл-йўриққа мухтож бўладилар, буларни эса диний

гуруҳлар бошқалардан кўра яхшироқ тақдим қила оладилар. Режис Дебрей, таъкидлашича, улар учун дин бу “одамлар учун афюн эмас, балки кучсизлар учун витамин” дир. Иккинчи муҳим гуруҳ – бу “иккинчи авлод индигенизация феномени” Дорани ўзида мужассам этган ўрта синфдир. Кепел таъкидлаганидек, Ислом фундаменталистик гуруҳлар фаоллари “кекса консерваторлар ёки саводсиз деҳқонлар” эмас. Мусулмонларда бошқа гуруҳларда бўлгани каби, диний тикланиш замонавий, яхши маълумотга эга, касбларда, давлат ишида ва тижоратда хизмат даражаси кўтарилаётган одамларни ўзига жалб қиладиган урбанистик феномен (фавқулодда ходиса) дир. [с.148]

Мусулмонлар орасида кўпинча ёшлар диндор, уларнинг ота-оналари эса атеистлардир. Ҳиндуийлик билан ҳолат анча ўхшаш, бу ерда тикланиш ҳаракатларининг етакчилари ҳам маҳаллий иккинчи авлоддан чиққанлардир ва кўпинча улар “муваффақиятли тадбиркорлар ва бошқарувчилар” дир. Ҳинд матбуоти уларни шафран яппи кийган “скаппи” деб атай бошлади. 1990 йилларнинг бошларида уларнинг ҳимоячилари тез-тез “Ҳиндистон ҳиндларининг ўрта синфига – савдогарлар, ҳисобчилар, ҳуқуқшунослар ва маҳандисларга”, шунингдек “юқори мартабали давлат хизматчилари, зиёлилар ва журналистларга” тегишли бўлишди. 1960 ва 70-йилларда Жанубий Кореяда худди шу турдаги одамлар католик ва пресвитериан черковларини тўлдирдилар.

Маҳаллий ёки импорт қилинган дин модернизация содир бўлаётган жамиятда яралаётган янги элита учун маъно ва йўналиш беради. “Анъанавий динга қадр бериш” – дейди Роналд Дор, – “бу “бошқа етқачилик қиладиган” миллатга қарама-қарши бўлган ўзаро хурматга ва кўпинча, бу билан бир вақтда ва бевосита, “бошқа етқачи миллатларнинг қадриятларини ва яшаш тарзини қабул қилган”, маҳаллий бошқарув синфига қарши туришга давъатдир. “Кўпинча, – дейди Уилям Макнил, – Исломнинг қайта-қайта тасдиқланиши, қайси мазҳабий шаклда бўлишидан қатъий назар, Европа ва Американинг маҳаллий жамиятга, сиёсатга ва ахлоққа таъсирини рад

этилишини англатади. Шу маънода, Ғарбий бўлмаган динлар ғарбий бўлмаган жамиятларда ғарбийликка қаршиликнинг энг кучли намоёнишидир.

Бундай қайта тикланиш замонавийликни рад этиш эмас, балки Ғарб ва Ғарб билан ассоциацияланадиган дунёвий, релятивистик, яралаётган маданиятни рад этишдир. Бу Ғарбий бўлмаган жамиятларнинг “вестофикация” атамаси билан аталган нарсани рад этишидир. Бу Ғарбдан маданий мустақиллик декларацияси, “Биз замонавий бўламиз, аммо биз сиз бўлмаймиз” деган мағрур баёнотидир. [с.149]

Изоҳлар

Ҳокимият ва маданият ўртасидаги боғлиқлик умуминсоний цивилизация мавжудлиги ёки пайдо бўлиш арафасида эканлигини даъво қиладиганлар, шунингдек ғарблаштириш модернизация учун зарур шартдир, деб даъво қиладиганлар томонидан эътиборга олинмайди. Улар ўзларининг вазлари мантиғидан Ғарб ҳукмролигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни кўллаб-қувватлашларини талаб қилинишини рад этишади ва агарда бошқа жамиятларга ўз тақдирларини белгилаш эркинлиги берилса, улар эски дунёқарашга, одатларга ва урф-одатларга универсалистларга кўра тараққиёт душмани бўлган янги куч олиб киришади. Умумжаҳон цивилизациясининг фазилатларини улуғлайдиган одамлар, универсал империянинг фазилатлари ҳақида гапиришга мойил эмасдирлар.

4-Боб

Ғарбнинг сўниши: Қудрати, Маданияти ва Маҳаллийлаштириши

Ғарбий куч: Устунлик ва Кучсизланиш

Ғарбнинг бошқа цивилизацияларга нисбатан муносабати икки кўринишда намоён бўлади. Биринчиси – ғолиблик яъни Ғарбий ҳукмронлик. Совет Иттифоқининг парчаланиши оқибатида Ғарб ягона жиддий рақибини

йўқотади, натижада дунё Япониянинг эҳтимолий вақти-вақти билан берган ёрдами билан асосий Ғарб давлатларининг мақсадлари, устуворликлари ва манфаатларига қараб шакллантириладиган ва ўзгарадиган бўлди. Сақланиб қолган Супер куч сифатида Америка Қўшма Штатлари Буюк Британия ва Франция билан биргаликда сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича, Германия ва Япония билан биргаликда иқтисодий масалалар бўйича ҳал қилувчи қарорларни қабул қилади. Ғарб бошқа ҳар бир цивилизация ёки минтақада муҳим манфаатларга эга бўлган ва бошқа цивилизациялар ва минтақаларнинг сиёсати, иқтисодиёти ва хавфсизлигига таъсир кўрсата оладиган цивилизация. Бошқа цивилизациялардан бўлган жамиятларга мақсадларига эришишлари ва қизиқишларини ҳимоя қилишлари учун Ғарбий ҳимоя зарурдир. Муаллифнинг таъкидлашича, Ғарб давлатлари:

- Халқаро банк тизимига эгалик қилади ва фаолият кўрсатади ;
- Барча валюта таърифларини назорат қилади ;
- Дунёнинг асосий харидори ҳисобланади ;
- Дунёнинг кўплаб тайёр маҳсулотларини тақдим этади ;
- Халқаро капитал бозорларида устунлик қилади ;
- Кўплаб жамиятлар орасида асосий ахлоқий етакчи бўлишга интилади ;
- Оммавий ҳарбий аралашувларга қодир бўлади ;
- Денгиз йўлларини назорат қилади ;
- Энг илғор техник тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказади ;
- Етакчи техник таълимни бошқаради ;
- Фазога киришда ҳукмронлик қилади ;
- Аерокосмик соҳада ҳукмронлик қилади ;
- Халқаро муносабатларда ҳукмронлик қилади ;

- Юқори технологияли қурол саноатида устунлик қилади.¹

Ғарбнинг иккинчи сурати ўзгача. Бу цивилизация таназзулга юз тутган, унинг жаҳон сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий кучидаги улуши бошқа цивилизацияларникига нисбатан пасайган. Совуқ урушдаги Ғарбнинг ютуғи ғалабани эмас чарчоқни келтириб чиқарди. Ғарб ўзининг ички муаммолари ва эҳтиёжлари билан тобора кўпроқ ташвишлана бошлади, чунки у иқтисодий ўсишнинг сустлиги, турғунликнинг пасайиши, ишсизлик, ҳукуматнинг катта танқислиги, иш этикасининг пасайиши, тежамкорликнинг паст даражаси ва кўплаб мамлакатларда, жумладан, АҚШда ижтимоий тарқоқлик, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқалар жиноятларга дуч келганди. Иқтисодий қудрат тезда Шарқий Осиё қўлига ўтади ва ҳарбий куч, сиёсий таъсири кучая бошлайди. Ҳиндистон иқтисодий таназзул ёқасида туриб қолади ва Ислом дунёси Ғарбга тобора душманлик қила бошлайди. Ғарбнинг буйруқларини ёки унинг ваъзларини бажаришга тайёр бўлган бошқа жамиятларнинг истаги йўқола бошлайди ва Ғарбнинг ўзига бўлган ишончи ва ҳукмронлик қилиш иродаси ҳам тезлашади. 1980-йилларнинг охирларида АҚШ деклинист тезислари бўйича кўплаб мунозараларга гувоҳ бўлди. 1990 йилларнинг ўрталарида мувозанатли таҳлил деярли бир хил хулосага келди:

Кўп жиҳатдан, унинг [АҚШ] нисбий кучи тез суръатлар билан пасаяди. Ўзининг иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан Қўшма Штатларнинг Японияга ва охир-оқибат Хитойга нисбатан позицияси янада ёмонлашиши мумкин бўлади. Ҳарбий соҳада Қўшма Штатлар ва ривожланаётган бир қатор минтақавий кучлар (шу жумладан, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой) ўртасидаги самарали имкониятлар мувозанати марказдан четга қараб силжийди. Американинг баъзи тузилмавий кучи бошқа халқларга ўтади; баъзи (ва унинг юмшоқ кучлари ҳам) кўп миллатли корпорациялар сингари нодавлат субъектлар қўлига ўтади.²

Ғарбнинг дунёдаги ўрнини акс эттирувчи ушбу иккита қарама-қарши суратларидан қайси бири ҳақиқатни тасвирлайди? Албатта, иккаласи ҳам.

Ғарб ҳозирда ҳукмронликни кўлга олмоқда ва ХХІ асрга қадар куч ва таъсир жихатидан биринчи ўринда туради. Ғарбнинг устуворлиги пасайиб борар экан, унинг катта кучи йўқола бошлайди ва қолган қисми минтақавий асосда бир нечта йирик цивилизациялар ва уларнинг асосий давлатлари орасида тақсимланади. Ҳокимиятнинг энг сезиларли ўсиши Осиё цивилизацияларига кўшилиб боради ва ўсиб боради. Хитой аста-секин Ғарбни глобал таъсирга дучор қиладиган жамият сифатида пайдо бўлади. Цивилизациялар орасидаги ҳокимиятдаги бу силжишлар ғарбга қарашли бўлмаган жамиятларнинг тикланишига ва маданий фаоллигини оширишга ва Ғарб маданиятининг тобора рад этилишига олиб келади.

Ғарбнинг пасайиши учта асосий хусусиятга эга.

Биринчидан, бу жуда секин жараён. Ғарбий кучнинг кўтарилиши тўрт юз йил вақтни олди. Унинг пасайиши узоқ давом этиши мумкин эди. 80-йилларда таниқли британиялик олим Хедли Булл "Умумжаҳон халқаро жамиятнинг Европа ёки Ғарб ҳукмронлиги ўз чўққисига 1900 йилларда яқинлашди дейиш мумкин."³ - деб таъкидлайди. Спенглернинг биринчи жилди 1918 йилда пайдо бўлган ва "Ғарбнинг таназзули" ХХ аср тарихида марказий мавзу бўлган. Жараённинг ўзи асрнинг кўп қисмида чўзилган. Эҳтимол, бу тезлашиши ҳам мумкин. Иқтисодий ўсиш ва мамлакат имкониятларининг бошқа ўзгаришлари кўпинча S эгри чизиғи бўйлаб давом этади: секин бошланиб, кейин тезлашиб, кенгайиш ва текисланиш суръатлари пасаяди. Давлатларнинг қисқариши тескари S эгри чизиғи бўйлаб ҳам содир бўлиши мумкин, худди Совет Иттифоқи: аввал мўтадил бўлиб, пастга тушишдан олдин тезлашгани сингари. Ғарбнинг таназзули ҳали ҳам бир маромда давом этмоқда, аммо баъзи пайтларда у кескин тезлашиши мумкин. Иккинчидан, пасайиш тўғри чизиқда давом этмайди. Ғарбий заифликнинг намоён бўлишидан кейин Ғарб кучини тўхтатиш, орқага қайтариш ва қайта ишонтириш бу жуда тартибсиздир. Ғарбнинг очик демократик жамиятлари янгиланиш учун катта имкониятларга эга. Бундан ташқари, кўплаб

цивилизациялардан фарқли ўлароқ, Ғарбда иккита асосий куч маркази бўлган. Тахминан 1900 йилларда бошланган Булл кўрган таназзул аслида Ғарб цивилизациясининг Европа таркибий қисмининг таназзулга юз тутиши эди. 1910-1945 йилларда Европа ўз-ўзидан бўлиниб кетди ва ички иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолари билан банд бўлиб қолди. Аммо 1940-йилларда Ғарб ҳукмронлигининг Америка босқичи бошланди ва 1945 йилда Америка Қўшма Штатлари дунёни қисқа вақт ичида 1918 йилдаги қўшма Иттифоқ кучлари билан таққосланадиган даражада қисқароқ қилиб ҳукмронлик қилди. Урушдан кейинги деколонизация Европанинг таъсирини янада камайтирди, аммо янги трансмиллий империализм бўлган АҚШни анъанавий худудий империяга алмаштирди. Аммо Совуқ Уруш даврида Америка ҳарбий қудрати Советлар кучига тенглашди, аммо иқтисодий қудрати Япония иқтисодиётига нисбатан пасайди. Ҳарбий ва иқтисодий янгиликлар бўйича даврий ҳаракатлар олиб борилди. 1991 йилда таниқли британиялик олим Барри Бузан "чуқурроқ ҳақиқат шундаки, марказ ҳалиям мустамлака қилинган пайтдан бери ҳар қачонгидан ҳам устунроқ ва атроф-муҳит унга кўпроқ бўйсинувчидир."⁴ - деб таъкидлади. Аммо бу фикрнинг аниқлиги уни келтириб чиқарган ҳарбий ғалаба тарихга айлангани учун йўқола бошлади. Учунчидан, куч - бу бир одам ёки гуруҳнинг бошқа одам ёки гуруҳнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш қобилиятига эга бўлишдир. Хулқ-атвор хоҳиш устунлиги, мажбурлаш ёки насихат орқали ўзгартирилиши мумкин, бу эса куч ишлатувчидан иқтисодий, ҳарбий, институционал, демографик, сиёсий, технологик, ижтимоий ёки бошқа манбаларга эга бўлишини талаб қилади. Шундай қилиб, бир давлат ёки гуруҳнинг кучи, одатда унинг тасарруфида бўлган ресурсларнинг бошқа давлатлар ёки гуруҳларга бўлган таъсирига қараб ўлчаб аниқланади. Ғарбнинг кўплаб (аммо, ҳаммаси эмас), муҳим энергия манбалари улуши XX аср бошларига келиб ўз чўққисига чиқди, сўнгра бошқа цивилизациялар манбаларига нисбатан пасая бошлади.

Жадвал 4.1

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ СИЁСИЙ НАЗОРАТИ ОСТИДАГИ ҲУДУДИ, 1900-1993

МИНГЛАБ КВАДРАТ МИЛЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ
УМУМИЙ ҲУДУДИЙ БАҲОСИ

ИЛИ	ҒАРБ	АФРИКА	ХИТОЙ	ҲИНД	ИСЛОМ	ЯПОН	ЛОТИН АМЕРИКАСИ	ПРОВАСЛАВ	БОШҚА
1900	20,290	164400	4,317	54	3,592	161	7,721	8,733	7,468
1920	25,447	4,636	3,913	54	1,811	261	8,098	10,258	2,258
1971	25,447	4,636	3,936	1,316	9,183	142	7,833	10,346	2,302
1993	12,801	5,682	3,923	1,279	11,054	145	7,819	7,169	2,718

ДУНЁ ҲУДУДЛАРИНИ ФОИЗЛАРДА БАҲОЛАШ

ЭСЛАТМА: ДУНЁНИНГ НИСБИЙ ҲУДУДИЙ УЛУШЛАРИ КЎРСАТИЛГАН ЙИЛДАГИ
ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИГА АСОСЛАНГАН

- Дунё миқёсида 52,5 миллион квадрат миля Антарктидани ўз ичига олмайди

1900	38.7	0.3	8.2	0.1	6.8	0.3	14.7	16.6	14.3
1920	48.5	0.8	7.5	0.1	3.5	0.5	15.4	19.5	4.3
1971	24.4	8.8	7.5	2.5	17.5	0.3	14.9	19.7	4.4
1993	24.2	10.8	7.5	2.4	21.1	0.3	14.9	13.7	5.2

МАНБАЛАР: Давлат арбобининг йил китоби [Нью Ёрк: Авлиё Мартин Матбуоти, 1901-1927]; Дунё Атлас Китоби [Чикаго; Field Enterprises Educational Корп. 1970] Britannica Book of the Year [Чикаго; Британия Энциклопедияси Инк. 1992-1994].

Цивилизацияларнинг сиёсий назорат остидаги ҳудудлари.

1900-1993 йиллардаги ҳудуд ва аҳоли.

1490 йилда Ғарбий жамиятлар Болқон ярим оролидан ташқари Европа яриморалининг кўп қисмини, ёки эҳтимол 52,5 миллион квадрат милга тенг (Антарктидан ташқари) глобал ер майдонининг 1,5 миллион квадрат милини назорат остига олишди. 1920-йилда ўзининг ҳудудий кенгайиш чўққиси пайтида Ғарб 25.5 миллион квадрат мил ҳудудга ёки ернинг ярмига яқин қисмида ҳукмронлик қилди. 1993 йилга келиб ушбу ҳудудий назорат тахминан

12,7 миллион квадрат милга қисқартирилди. Ғарб ўзининг асл Европа ядросига, шунингдек, Шимолий Америка, Австралия ва Янги Зеландияда жойлашган аҳоли яшайдиган ҳудудларига қайтди. Мустақил ислом жамиятларининг ҳудуди, аксинча, 1920 йилдаги 1,8 миллион квадрат милдан 1993 йилда 11 миллион квадрат милга кўтарилди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар аҳоли сони назоратида ҳам юз берди. 1900 йилда Ғарбликлар дунё аҳолисининг қарийб 30 фоизини ташкил этар эди ва Ғарб ҳукуматлари ўша пайтдаги аҳолининг қарийб 45 фоизини, 1920 йилда эса 48 фоизини бошқарган. 1993 йилда Ғарб ҳукуматлари Гонконг каби кичик империя қолдиқларини ҳисобга олмаганда ғарбликлардан бошқа ҳеч кимни бошқармаган. Инсониятнинг 13% дан ортиқ қисмини ташкил этган ғарбликлар кейинги асрнинг бошларида 11% га, 2025-йилгача 10% га тушиш арафасида.⁵ Умумий аҳоли борасида 1993 йилда Ғарб Хитой, Ислום, Ҳинду цивилизацияларидан кейин 4-ўринда турган.

Сон жиҳатдан, ғарбликлар дунё аҳолисининг тобора камайиб бораётган кичик қисмини ташкил этади. Таркибий жиҳатдан эса ғарбликлар ва бошқа халқлар ўртасидаги мувозанат ўзгармоқда. Ғарбий бўлмаган минтақадаги халқлар соғломлашиб, маъданийлашиб ва саводхонлиги ошиб бормоқда. 1990 йилларнинг бошларигача Лотин Америкаси, Африка, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Шарқий Осиё ва Жанубий-шарқий Осиёдаги чақалоқлар нобуд бўлиши кўрсаткичи 30 йил аввалги ҳолатнинг $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этган. Ушбу минтақаларда ўртача умр кўриш, Африкада 11 йил, Шарқий Осиёда 23 йилгача ўсди. 1960 йилларнинг бошларида кўплаб Учинчи Дунё мамлакатларида ўрта ёшлиларнинг учдан бир қисмидан камроғи саводли эди. 1990 йиллар бошларида Африкадан ташқари бир мунча давлатлар аҳолисининг ярмидан камроғи саводли эди. Ҳиндистонликларнинг тахминан 50% и ва хитойликларнинг 75% и ўқиш ва ёзишни билган. 1970 йилда ривожланаётган мамлакатлардаги саводхонлик даражаси ривожланган давлатлардагининг ўртача 41% ини, 1990 йилда эса 71% ни ташкил этган. 1990 йилнинг бошларигача, Африкадан бошқа ҳар бир минтақадаги барча ёшдагилар

хақиқатан бошланғич таълимга қамраб олинди. Энг муҳими, 1960 йилларнинг бошларида Осиё, Лотин Америкаси, Ўрта Шарқ ва Африкада мос ёш тоифасининг учдан бир қисми, 1990 йиллар бошларида Африкадан бошқаларидаги ёш тоифасининг ярми ўрта таълимда теҳсил олган. 1960 йилда шаҳар аҳолиси ўрта ривожланган дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этган. Аммо, 1960-1992 йиллар давомида аҳолининг шаҳарда яшайдиган қисми Лотин Америкасида 49% дан 73%га, Араб мамлакатларида 34% дан 55% га, Африкада 14% дан 29% га, Хитойда 18% дан 27% га, Ҳиндистонда 19% дан 26% га ўсган.⁶

Жадвал 4.2

Дунёнинг катта цивилизацияларига тегишли бўлган мамлакатлар аҳолиси, 1993 йил (мингларда)

Хитойлар	1,340,900	Лотин Америкаси	507,500
Ислон	927,600	Африка	392,100
Ҳинду	915,800	Ортодох	261,300
Ғарб	805,400	Япон	124,700

Манба: «Encyclopædia Britannica» асосида ҳисобланган, 1994, Йил китоби (Чикаго: «Encyclopædia Britannica», 1994) 764-769- бетлар

Жадвал 4.3

Цивилизацияларнинг сиёсий назорати остида бўлган дунё аҳолиси улуши, 1900-2025, (фоизларда)

Йиллар	Умумий*	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинду	Ислон	Япон	Лотин Америкаси	Проваслав	Бошқалар
1900	1,6	44,3	0,4	19,3	0,3	4,2	3,5	3,2	8,5	16,3
1920	1,9	48,1	0,7	17,3	0,3	2,4	4,1	4,6	13,9	8,6
1971	3,7	14,4	5,6	22,8	15,2	13,0	2,8	8,4	10,0	5,5
1990	5,3	14,7	8,2	24,3	16,3	13,4	2,3	9,2	6,5	5,1
1995	5,8	13,1	9,5	24,0	16,4	15,9+	2,2	9,3	6,1#	3,5
2010	7,2	11,5	11,7	22,3	17,1	17,9+	1,8	10,3	5,4#	2,0
2025	8,5	10,1	14,4	21,0	16,9	19,2+	1,5	9,2	4,9#	2,8

Еслатма: Кўрсатилган йил бўйича мавжуд давлат чегаралари асосида дунё аҳолисининг нисбий ҳисоб-китоблари. 1995 йилдан 2025 йилгача аҳоли сонини ҳисоблаш 1994 йил чегараларини ўз ичига олади.

*Дунё умумий аҳолиси миллиардларда.

+ Ҳисоб-китобларга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари ёки Босния кирмайди.

Ҳисоб-китоблар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари, Грузия ва собиқ Югославия киритилган.

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Аҳоли Тақсимоли, Иқтисодий-ижтимоий ахборот ва сиёсатни таҳлил қилиш бўлими, Дунё аҳолисининг истикболлари, 1992 Ревизион (Нью Йорк, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1993); Давлат раҳбарининг йиллик китоби (Нью Йорк; Ст.Мартин нашриёти, 1901-1927); Алманак Дунёси ва Фактлар китоби (Нью Йорк: Пуб нашриёти. Со, 1970-1993).

Саводхонлик, таълим ва маданийлашиш борасидаги бундай силжишлар саводсиз деҳқонларнинг қўлидан келмайдиган, сиёсий мақсадларда юқори қобилият ва кучли ишонч билан ҳаракатланиш учун ижтимоий сафарбар этилган жамиятни яратди. Ижтимоий сафарбар этилган жамият кучли жамият ҳисобланади. 1953 йилда эронликларнинг 15%и саводли, 17%и шаҳарлашган бўлган бир пайтда Кермит Рузвелт ва Марказий Разведка бошқармасининг бир неча амалдорлари ғалаённи осонликча бостиришди ва Шоҳни ўз тахтига қайтаришди. 1979 йилда эса эронликларнинг 50% и саводли, 47% и шаҳарларда яшарди, аммо Қўшма Штатларнинг ҳеч қандай ҳарбий кучлари Шоҳни ўз тахтида олиб қола олмади.

Хитой, Ҳинд, Араб ва Африкаликларни Ғарбликлар, Япон ва Руслардан ажратиб турадиган муҳим тафовут ҳануз мавжуд. Аммо ушбу тафовут жуда тез қисқармоқда. Бир пайтнинг ўзида яна бир тафовут пайдо бўляпти. Япон, Рус ва Ғарбликларда ўртача ёш босқичма-босқич ўсмоқда, ва эндиликда ишламайдиган аҳолининг катта қисми ҳали ҳам самарали ишлаётганлар учун оғир юк юклайди. Болаларнинг кўплиги бошқа цивилизацияларга оғир юкдай бўлиши мумкин, аммо ёшлар келажак ишчиси ва аскарларидир.

Ғарбликларнинг Глобал иқтисодий ишлаб чиқаришдаги улуши 1920 йилларда энг юқори нуқтасига эришган бўлиши мумкин ва бу кўрсаткич Иккинчи Жаҳон урушидан буён пасаймоқда. 1750 йилда Дунё мануфактурасининг деярли учдан бир қисми Хитойга, ярми эса Ҳиндистонга ва бешдан бир қисми Ғарбга тўғри келган. 1830 йилларгача Ғарб аста-секин Хитойни ортда

колдирди. Паул Баироч таъкидлаганидек, кейинги ўн йилликларда Ғарбнинг саноатлашиши дунёнинг қолган қисмининг саноати ривожланмаслигига сабаб бўлди. 1913 йилда Ғарбий бўлмаган мамлакатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши 1800 йилдаги кўрстакичнинг деярли 2/3 қисмини ташкил этган. XIX асрнинг бошларида Ғарбликларнинг дунё маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ўсиб, 1928 йилда 84,2% га тенглашди. Бундан кейин эса ўсиш суръати ўртача бўлган ҳолда, Ғарбнинг улуши камайди ҳамда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин унчалик саноатлашмаган давлатларнинг ишлаб чиқариш ҳажми кескин кенгайди. 1980 йилга келиб Ғарбдаги ишлаб чиқариш жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришининг 57,8% ини ташкил этди, бундай кўрсаткич 120 йил олдин, 1860 йилларда бўлган эди.⁷

Жадвал 4.4

Жаҳон маҳсулот ишлаб чиқариши цивилизация ёки мамлакат бўйича тақсимоти, 1750-1980 (фоизларда, Умумий=100%)

Мамлакат	1750	1800	1830	1860	1880	1900	1913	1928	1938	1953	1963	1973	1980
Ғарб	18,2	23,3	31,1	53,7	68,8	77,4	81,6	84,2	78,6	74,6	65,4	61,2	57,8
Хитой	32,8	33,3	29,8	19,7	12,5	6,2	3,6	3,4	3,1	2,3	3,5	3,9	5,0
Япония	3,8	3,5	2,8	2,6	2,4	2,4	2,7	3,3	5,2	2,9	5,1	8,8	9,1
Ҳиндистон /Покистон	24,5	19,7	17,6	8,6	2,8	1,7	1,4	1,9	2,4	1,7	1,8	2,1	2,3
Россия /СССР*	5,0	5,6	5,6	7,0	7,6	8,8	8,2	5,3	9,0	16,0	20,9	20,1	21,1
Бразилия &Мексика	-	-	-	0,8	0,6	0,7	0,8	0,8	0,8	0,9	1,2	1,6	2,2
Бошқалар	15,7	14,6	13,1	7,6	5,3	2,8	1,7	1,1	0,9	1,6	2,1	2,3	2,5

*Совуқ уруш йиллари давомида Варшава шартномаси мамлакатларини ўз ичига олади
Манба: Паул Баироч, “1750-1960 йиллар давомида Халқаро саноатлашиш даражаси”, “Европа иқтисодий тарихи” журналы, 11 (1982, куз), 269-334.

Иккинчи Жаҳон Урушидан олдинги Ялпи ишлаб чиқариш бўйича ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Аммо 1950 йилда жаҳон ялпи ишлаб чиқаришида Ғарб улуши тахминан 64% эди, 1980 йилларгача ушбу кўрсаткич 49% га тушди. (Жадвал 4.5 га қаранг.) Бир ҳисоб-китобга қараганда, 2013 йилгача Жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришида Ғарб улуши 30% га тенг бўлади.

Бошқа бир ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, 1991 йилда дунёнинг 7 та катта иқтисодиётдан 4 таси Ғарбий бўлмаган миллатларга тегишли бўлган: Япония (2-ўринда), Хитой (3-ўринда), Россия (6-ўринда) ва Ҳиндистон (7-ўринда). 1992 йилда Қўшма Штатлар дунёдаги энг катта иқтисодиётга эгалик қилган ва 5 та Ғарб давлати ва 5 та бошқа цивилизациянинг етакчи мамлакатлари: Хитой, Япония, Ҳиндистон, Россия ва Бразилия иқтисодиёт бўйича юқори ўнталикни ташкил этган. Истиқболли лойиҳалар шуни кўрсатадики, 2020 йилда энг яхши 5 иқтисодиёт 5 хил цивилизацияда бўлади. Албатта, Ғарбдаги бундай камайишга Шарқий Осиёнинг юқори суръатларда ўсиши сабаб бўлган.⁸

Иқтисодий натижалар бўйича ялпи кўрсаткичлар Ғарбнинг сифат жиҳатдан устунлигини қисман яширади. Ғарб ва Япония юқори технология саноати бўйича деярли тўлиқ устунлик қилади. Технологиялар кенг ёйилмоқда, лекин Ғарб ўзининг устунлигини сақлаб қолишни истаса, бу тарқалишнинг олдини олиш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Аммо яралишига Ғарб ҳисса қўшган ўзаро боғлиқ дунё туфайли, технологияларнинг бошқа цивилизацияларга тарқалишини секинлаштириш тобора қийинлашиб боради. Бу - Совуқ уруши вақтида бўлгани каби ягона, бас келиб бўлмайдиган ва барчага маълум бўлган хавф мавжуд эмас ҳолатда янада қийинлашди ва шунингдек, технология тарқалишини назорат қилиш самарадорлигини камайтирди.

Жадвал 4.5

Жаҳон Ялпи ишлаб чиқаришида цивилизацияларнинг улуши, 1950-1992 (фоизларда)

Йил	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинд	Исланд	Япон	Латин Америкаси	Прованс *	Бошқалар +
1950	64,1	0,2	3,3	3,8	2,9	3,1	5,6	16,0	1,0
1970	53,4	1,7	4,8	3,0	4,6	7,8	6,2	17,4	1,1
1980	48,6	2,0	6,4	2,7	6,3	8,5	7,7	16,4	1,4

1992	48,9	2,1	10,1	3,5	11,0	8,0	6,2	6,2	2,0
------	------	-----	------	-----	------	-----	-----	-----	-----

Проваслав* 1992 йилдаги кўрсаткич собиқ СССР ва Югославияни ҳам ўз ичига олган

Бошқалар+ бошқа цивилизациялар ва яхлитлашдаги хатолар

Манба: 1950,1970,1980 йиллардаги кўрсаткичлар Ҳерберт Блок томонидан ўзгармас доллар маълумотлари асосида ҳисобланган, Planetary Product 1980: Ижодий Пауза (Вашингтон ДС, Оммавий тадбирлар бўлими,1981) 39-45-бетлар. 1992 йилдаги кўрсаткичла World Development Reportда Жаҳон Банки харид қилиш қобилиятига кўра ҳисобланган, 1994 (Нью Йорк, Оксфорд Университети нашриёти, 1994)

Ўтган анча давр мобайнида, Хитой дунёнинг энг катта хўжалигига эгалик қилган. XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий бўлмаган давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва технологиянинг кенг ёйилиши аввалги ҳолат тикланишига туртки бўлмоқда. Бу секин жараён бўлиши мумкин, аммо XXI асрнинг ўрталаригача, балки ундан ҳам олдин, етакчи йивилизациялар бўйича иқтисодий ишлаб чиқариш тақсимооти 1880 йиллардагидек бўлади. Жаҳон иқтисодиётида Ғарбликларнинг икки юз йиллик “чакнаши” ўз ниҳоясига етади.

Ҳарбий Салоҳият.

Ҳарбий кучларнинг 4 хил ўлчов бирлиги мавжуд: Миқдорий -қўшин, қурол-аслаҳа, жиҳоз ва ресурслар сони; Технологик - қурол-аслаҳа, асбоб-ускуналарнинг самарадорлиги ва илғорлиги; Ташкилий - қўшиннинг уйғунлиги, интизоми, жисмоний шуғулланиши ва кайфияти ҳамда буйруқлар ижроси самарадорлиги, назорат муносабати; Ижтимоий-аҳолининг ҳарбий кучлар сафига фаол қўшилиш учун қобилият ва хоҳиш-истаги. 1920 йилларда Ғарб юқоридаги тўрт мезон бўйича ҳам энг олдинда турарди. Кейинги йилларда Ғарбнинг ҳарбий қудрати бошқа цивилизацияларга нисбатан сусайди, гарчи бу сусайиш ўта муҳим бўлмаса-да, ҳарбийлар ўртасидаги ҳарбий салоҳият ўлчовидаги мувозанат ўзгаришига таъсир қилди. Модернизация ва иқтисодий тараққиёт давлатларнинг ҳарбий имкониятларини ривожлантириш учун ресурслар ва хоҳишни келтириб чиқарди ва кўпчилик давлатлар шундай йўл тутишди. 1930 йилларда Япония ва Совет Иттифоқи Иккинчи Жаҳон урушида намоиш этишганидек жуда

кудратли ҳарбий кучлар яратди. Совуқ Уруш даврида Совет Иттифоқи дунёдаги энг кучли ҳарбий салоҳиятга эга бўлган икки мамлакатдан бири эди. Ҳозирда Ғарб дунёнинг исталган жойида катта миқдордаги ҳарбий кучларни жанговор ҳолатга келтира олиш бўйича ҳукмрон. Ғарбнинг бундай салоҳиятини сақлаб қолиш, қолмаслиги ноаниқ. Аммо салоҳиятини сақлаб қолиши асосли равишда аниқдек туюлиши мумкин, чунки Ғарбий бўлмаган давлатлар ёки мамлакатлар гуруҳи келгуси ўн йилликларда рақобатбардош салоҳият ярата олмайди.

Жадвал 4.6

Жаҳон ҳарбий кучлари бўйича цивилизациялар улуши (фоизларда)

Йил	Жами	Ғарб	Африка	Хитой	Ҳинду	Ислон	Япон	Лотин Америкаси	Проваслав	Бошқа
1900	10,086	43,7	1,6	10,0	0,4	16,7	1,8	9,4	16,6	0,1
1920	8,645	48,5	3,8	17,4	0,4	3,6	2,9	10,2	12,8*	0,5
1970	23,991	26,8	2,1	24,7	6,6	10,4	0,3	4,0	25,1	2,3
1991	25,797	21,1	3,4	25,7	4,8	20,0	1,0	6,3	14,3	3,5

Еслатма: Кўрсаткичлар берилган йилдаги давлат чегаралари бўйича ҳисобланган.

Жаҳон умумий (амалдаги) қуролли кучлари кўрсатилган ҳар бир йил учун мингликларда ҳисобланган.

СССР улуши 1924 йил учун қайд этилган тахминий кўрсаткич бўлиб, Ж.М. Макинтошнинг "Қизил Армия 1918-1945", "Совет Армияси 1946 ҳозирги кунгача" китобларидан олинди. [J.M. Mackintosh, The Red Army, New York: Харсоурт, Брасе, 1901-1927]

Манбалар: АҚШ Қурол назорати ва қуролсизланиш агентлиги, Жаҳон ҳарбий харажатлари ва қурол-аслаҳа таъминоти (Вашингтон, Д.С.: Агентлик, 1971-1994); Сиёсатчининг йиллик кундалиги (Нью Йорк, Сент-Мартин матбуоти, 1901-1927).

Умуман олганда, “Совуқ Уруш”дан кейинги йилларда глобал ҳарбий салоҳиятнинг кенгайишида асосий бешта тенденция ҳукмронлик қилди.

Биринчидан, Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кўп ўтмай, Совет Иттифоқи қуролли кучлари ҳам тугатилди. Россиядан ташқари, фақат Украина муҳим ҳарбий салоҳиятни мерос қилиб олди. Россия қўшинлари сезиларли даражада қисқартирилди ва Марказий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатларидан олиб чиқилди. Варшава шартномаси тугатилди. АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарши чиқиш мақсади бекор қилинди. Ҳарбий ускуналар йўқ

қилинди ёки ишлатишдан тўхтатилди. Мудофаа учун бюджет маблағлари кескин қисқартирилди. Зобитлар ва оддий аскарлар орасида тушкунлик кайфияти тарқалди. Шу билан бирга, рус ҳарбийлари ўзларининг янги миссияларини ва доктриналарини аниқлаб олдилар ва русларни ҳимоя қилиш ҳамда постсовет мамлакатларидаги минтақавий можароларни ҳал қилишдаги ўзларининг янги мақсадларига кўра қайта шаклланишди.

Иккинчидан, Россия ҳарбий салоҳиятининг кескин пасайиши Ғарб ҳарбий харажатлари, кучлари ва имкониятларининг секин, аммо сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Буш ва Клинтон маъмуриятининг режаларига кўра, АҚШ ҳарбий харажатлари 1990 йилдаги 342,3 миллиард доллардан (1994 йилдаги доллар курсида) 1998 йилдаги 222.3 долларгача 35 фоизга камайтирилиши керак эди. Ўша йили кучлар таркиби Совуқ уруши сўнгидаги кучлар учдан иккисининг ярмига тенг бўлиши керак эди. Умумий ҳарбий хизматчилар сони 2,1 миллиондан 1,4 миллионгача камайтирилиши лозим эди. Қурул-яроғ бўйича кўплаб йирик дастурлар бекор қилинди ва бекор қилинмоқда. 1985 йилдан 1995 йилгача асосий қурул-яроғлар йиллик хариди 29 та кемадан 6 тагача, 943 та самолётдан 127 тагача, 720 та танқдан 0 тагача ва 48 та стратегик ракетадан 18 тагача камайди. 80 йилларнинг охиридан бошлаб, Англия, Германия ва маълум даражада, Франция ҳам мудофаа харажатлари ва ҳарбий салоҳиятини қисқартиришга киришди. 1990 йилларнинг ўрталарида Германия қурулми кучларининг сони 370 мингдан 340 минггача ва эҳтимол 320 мингга камайиши режалаштирилган эди; француз армияси эса 1990 йилдаги 290 минг кишидан 1997 йилда 225 мингга камайиши керак эди. Британия ҳарбий хизматчилари эса 1985 йилдаги 377,1 мингдан 1993 йилда 274,8 минггача камайди. НАТОнинг минтақавий аъзолари ҳам муддатли ҳарбий хизматни қисқартиришди ва чақирувдан воз кечиш масаласини муҳокама қилишди.

Учинчидан, Шарқий Осиёдаги тенденциялар Россия ва Ғарбдаги тенденциялардан кескин фарқ қиларди. Ҳарбий харажатларни кўпайтириш ва ҳарбий кучларни такомиллаштириш кун тартибидаги асосий масала эди;

бунда Хитой йўлбошчи эди. Ўз иқтисодий бойликларининг ортиб бориши ва хитойликларнинг кучайиб бориши туфайли, Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам ўзларининг ҳарбий кучларини замонавийлаштириш ва кенгайтиришмоқда. Япония ўзининг юқори даражадаги ҳарбий салоҳиятини янада яхшилашда давом этмоқда. Тайван, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Сингапур ва Индонезия каби мамлакатлар барчаси ўз ҳарбий харажатларига ҳамда Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатлардан самолёт, танк ва кемалар сотиб олишга тобора кўпроқ маблағ сарфлашмоқда. НАТОнинг муҳофаа харажатлари 1985 йилдан 1993 йилгача қарийб 10 фоизга (1993 йилдаги реал доллар курси бўйича 539,6 миллиард доллардан 485,0 миллиард долларга) камайган бир пайтда Шарқий Осиёда ҳарбий харажатлар 50 фоизга 89,8 миллиард доллардан 134,8 миллиард долларга ошди.⁹

Тўртинчидан, оммавий қирғин қуролиларини қамраб олувчи ҳарбий имкониятлар дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда. Мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борар экан, улар ўзлари учун қурол ишлаб чиқариш имкониятларини яратмоқдалар. 1960-1980 йилларда, масалан, Учинчи Дунё давлатларидан қирувчи самолётларни ишлаб чиқарувчилар сони биттадан саккизтагача, танклар ишлаб чиқарувчилар эса биттадан олтигагача, вертолётлар ишлаб чиқарувчилар ҳам биттадан олтигагача, тактик ракеталар ишлаб чиқарувчилар эса еттитагача кўпайди. 90 йилларда муҳофаа саноатининг глобаллашуви тенденцияси кузатилди, бу Ғарбнинг ҳарбий афзалликларига путур этказиши мумкин.¹⁰ Ғарбий бўлмаган кўплаб жамиятлар ядро қуролига эга (Россия, Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Покистон ва эҳтимол Шимолий Корея) ёки уларни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда (Эрон, Ироқ, Ливия ва эҳтимол Жазоир) ёки зарурат сезганда тезда қўлга киритиш учун ўзларига шароит яратишмоқда (Япония).

Ва ниҳоят, ушбу барча жараёнлар Совуқ урушдан кейинги дунёда минтақалашувни ҳарбий стратегия ва кучларда марказий тенденцияга айлантirmoқда. Минтақалашув Россия ва Ғарб ҳарбий кучларининг

қисқариши учун ва бошқа давлатлар ҳарбий кучларининг кўпайиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Россия энди глобал ҳарбий салоҳиятга эга эмас, эндиликда у ўз стратегияси ва кучларини постсовет мамлакатларига қаратмоқда. Хитой эса ўз стратегияси ва кучларини маҳаллий ҳокимият лойиҳаларига урғу беришга ва Шарқий Осиёда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирди. Шу тариқа, Европа мамлакатлари ҳам ўз кучларини НАТО ва Ғарбий Европа Иттифоқи орқали Ғарбий Европа атрофидаги беқарорликларни ҳал этиш учун йўналтирмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари ўзининг ҳарбий режасини Совет Иттифоқини тийиб туриш ва унга қарши глобал миқёсда курашишдан Форс кўрфази ва Шимоли-шарқий Осиё минтақасидаги эҳтимолий муаммоларни бартараф этиш учун тайёр туришга аниқ йўналтирди. Аммо Қўшма Штатлар ушбу мақсадларга эришиш учун ҳарбий имкониятга эга эмас. АҚШ Ироқни мағлуб қилиш учун Форс кўрфазига ўзининг фаол тактик самолётларининг 75 фоизини, замонавий жанговар танкларининг 42 фоизини, самолёт ташувчиларининг 46 фоизини, армия қўшинларининг 37 фоизини ва денгиз кучларининг 46 фоизини жойлаштирди. Келгусида қуроли кучларининг сезиларли даражада қисқариши билан Қўшма Штатларнинг Ғарбий ярим шардан ташқаридаги катта минтақавий кучларга қарши биттадан, нари борса иккитадан кўп зўравонликни амалга ошириши қийин бўлади. Дунё бўйлаб ҳарбий хавфсизлик кучнинг глобал тақсимланишига ва йирик кучларнинг ҳаракатларига эмас, балки кучнинг дунёнинг ҳар бир минтақасида тақсимланишига ва асосий цивилизация давлатларининг ҳаракатларига тобора кўпроқ боғлиқ.

Умуман олганда, Ғарб XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида энг кучли цивилизация бўлиб қолади. Эҳтимол бундан кейин ҳам илмий қобилият, тадқиқот ва тараққиёт салоҳиятида, шунингдек, фуқаролик ва ҳарбий технологик соҳалардаги инновацияларда етакчи мавқеини сақлаб қолади. Аммо бошқа қувват манбалари устидан назорат тобора ғарб бўлмаган цивилизацияларнинг асосий давлатлари ва етакчи мамлакатлари орасида

тарқалмоқда. Ғарбнинг ушбу манбалар устидан назорати 1920 йилларда чўққига чиқди ва шундан бери нотекис, аммо сезиларли даражада пасаймоқда. Ўша чўққидан юз йил ўтгач, 2020 йилларда, дунё ҳудудининг қарийб 24 фоизи (чўққисидаги 49 фоиз ўрнига), дунё аҳолисининг 10 фоизи (48 фоиз ўрнига) ва ижтимоий мобил аҳолининг тахминан 15-20 фоизи, дунё иқтисодий неъматининг қарийб 30%и (чўққида - тахминан 70%), эҳтимол ишлаб чиқариш саноатининг 25%и (чўққида - 84%) ва ҳарбий кўшинлар умумий сонининг 10% дан камроғи (чўққида - 45% эди) Ғарбга тегишли бўлиши мумкин.

1919 йилда Вудро Вилсон, Ллойд Жорж ва Жорж Клемансо биргаликда дунёни деярли ўз назоратларига олдилар. Парижда ўтириб, улар қайси давлатлар яшаб қолиши ва қайси давлатлар қолмаслигини, қандай янги давлатлар пайдо бўлишини, уларнинг чегаралари қандай бўлиши ва уларни ким бошқаришини, шунингдек, Яқин Шарқ ва дунёнинг бошқа қисмларини ёлиб кучлар ўртасида қандай тақсимлашни ҳал қилдилар. Шунингдек, улар Россияга ҳарбий аралашувлар ва Хитойдан олинадиган иқтисодий имтиёзлар тўғрисида ҳам қарор қабул қилдилар. Юз йилдан сўнг, сиёсатчиларнинг ҳеч бир кичик гуруҳи бу сингари кучга эга бўлолмади; ва агар бирон бир гуруҳни улар билан таққослаш мумкин бўлса, унда у Ғарбнинг учтагина вакилидан эмас, балки етти ёки саккизта дунё цивилизациясининг асосий мамлакатлари раҳбарларидан иборат бўлади. Рейган, Тетчер, Миттеран ва Колнинг меросхўрлари Денг Хиаопинг, Накасоне, Индира Ганди, Елцин, Хомейни ва Сухартонинг ворислари кўринишидаги рақиблари билан тўқнашадилар. Ғарб ҳукмронлиги даври тугайди. Шу билан бирга, Ғарбнинг таназзулга юз тутиши ва бошқа куч марказларининг пайдо бўлиши глобал индигенизация жараёнларига ва ғарбий бўлмаган маданиятларнинг қайта тикланишига ёрдам беради.

ИНДИГЕНИЗАЦИЯ: ҒАРБИЙ БЎЛМАГАН МАДАНИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Дунёда маданиятларнинг тарқалиши ҳокимият тақсимотини акс эттиради. Савдо-сотиқ миллий ғояга боғлиқ бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо маданият деярли ҳар доим кучга бўйсунди. Тарих силсиласида цивилизация қудратининг кенгайиши, одатда, унинг маданияти гуллаши билан мутаносиб равишда содир бўлгани кузатилади ва деярли ҳар доим бу кучдан бошқа жамиятларга ўз қадриятлари, анъаналари ва институтларини тарқатишда фойдаланилган. Умумжаҳон цивилизацияси универсал кучни талаб қилади. Рим ҳокимияти қадимги дунёнинг чекланган имкониятларида деярли универсал цивилизацияни яратди. Ўн тўққизинчи асрда Европа мустамлакачилиги шаклидаги Ғарб қудрати ва XX асрда Америка гегемонлиги замонавий дунёнинг кўп қисмида Ғарб маданиятини кенгайтирди. Европа мустамлакачилиги тугади; Америка гегемонлиги поёнига етмоқда. Ғарб маданиятининг емирилиши маҳаллий, тарихий илдизларга асосланган хулқлар, тиллар, эътиқод ва институтлар ўзларини қайта намоён этишлари натижасида юзага келади. Модернизация натижасида ғарбий бўлмаган жамиятларнинг ўсиб бораётган кучи бутун дунёда Ғарбий бўлмаган маданиятларнинг тикланишига олиб келади.*

Жозеф Найнинг таъкидлашича, иқтисодий ва ҳарбий қудратга таянадиган "қаттиқ ҳокимият" ва мамлакат маданияти ва мафкурасининг жозибаси билан "бошқа давлатларни айнан у истаган нарсаларини хоҳлаши"га олиб келиш қобилияти ҳисобланган "юмшоқ ҳокимият" ўртасида фарқ мавжуд. Унинг таъкидлашича, дунёда "қаттиқ ҳокимият"нинг тарқалиши рўй бермоқда ва йирик давлатлар "ўз мақсадларига эришиш йўлида ўзларининг анъанавий куч манбаларидан илгарига нисбатан камроқ фойдалана олишмоқда". Най яна айтадики, агар давлатнинг "маданияти ва мафкураси жозибали бўлса, бошқалар ҳам унинг етакчилигига эргашишга тайёр бўлишади" ва шунинг учун юмшоқ ҳокимият "қаттиқ ҳокимият каби муҳимдир".¹¹ Бироқ маданият ва мафкурани нима жозибали қилади? Улар ўз моддий муваффақияти ва

нуфузи негизда жозибадор бўладилар. “Юмшоқ ҳокимият” “қаттиқ ҳокимият”га таянсагина, чин маънодаги ҳокимиятга айланади. Қаттиқ иқтисодий ва ҳарбий ҳокимиятнинг кучайиши, ўзига ишончни, мағрурликни ва ўз маданияти ёки юмшоқ ҳокимиятининг бошқа халқларникига нисбатан устунлигига ишончни кучайтиради ва бошқа халқлар олдида ўз жозибасини сезиларли даражада оширади. Иқтисодий ва ҳарбий ҳокимиятнинг заифлашиши эса ўз-ўзига ишончсизликка, ўзлигини йўқотишга ва бошқа маданиятларда иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий муваффақият калитларини топиш учун интилишларга олиб келади. Ҳарбий бўлмаган жамиятлар иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий имкониятларини оширар экан, улар ўз кадриятлари, институтлари ва маданияти фазилатларини тобора баралла жар солишмоқда.

1950-1960 йилларда Совет Иттифоқининг иқтисодий муваффақияти ва ҳарбий кучи билан боғланган пайтда коммунистик мафкура дунё бўйлаб тарқала бошлади. Бу мафкурага Совет иқтисодиёти инқирозга учраб ҳарбий кучини ушлаб тура олмаганида яқун ясалди. Ҳарб кадриятлари ва институтлари Ҳарб кучи ва бойлик манбаи сифатида кўрилганлиги сабабли бошқа маданиятлардаги инсонларга таъсир қилиши бошланган. Бу жараён асрлар давомида давом этиб келмоқда. Уилям Макнил таъкидлаганидек, 1000-1300 йилгача масихийлик, рим қонунлари ва Ҳарб маданиятининг бошқа элементлари венгерлар, поляклар ва литваликлар томонидан қабул қилинган ва бу “Ҳарб цивилизациясининг қабул қилиниши кўрқув ва ҳарбий шижоат билан кўзғатилган”.¹² Ҳарб давлатлари таназзулга юз тутган сари, Ҳарбнинг инсоният ҳуқуқлари, либерализм ва демократия тушунчаларини бошқа цивилизацияларга сингдириш қобилияти ҳам пасаймоқда ва шу кадриятларнинг бошқа цивилизацияларга жозибадорлиги ҳам тушиб бормоқда.

Бу аллақачон мавжуд. Бир неча асрлар давомида Ҳарб бўлмаган халқлар Ҳарб жамиятларининг гуллаб-яшнашига, технологик маҳоратига, ҳарбий кучига ва сиёсий ҳамжиҳатлигига ҳасад қилишган. Улар ушбу муваффақиятнинг сирини Ҳарб кадриятларидан изланишган ва улар буни тушуниб етишганда ўзларининг жамиятларида қўллашга уринишган. Бой ва

кудратли бўлиш учун улар Ғарб каби бўлишлари керак эди. Энди, лекин бу Кемалистик муносабат Шарқий Осиёда йўқолди. Шарқий осиеликлар ўзларининг драматик иқтисодий ривожланишларини Ғарб маданиятининг импорти билан эмас, балки ўз маданиятларига содиқликлари билан боғлайдилар. Улар муваффақият қозонмоқда, улар баҳслашмоқда, чунки улар Ғарбдан фарқ қилади. Шунга ўхшаб, Ғарб бўлмаган жамиятлар Ғарбга нисбатан заифликни ҳис қилишганда, улар Ғарбнинг ҳукмронлигига қарши чиқишлари учун Ғарб либерализми, демократия ва мустақиллик қадриятларидан фойдаланишган. Энди улар бошқа кучсиз эмас, балки тобора кучайиб бораётганлиги сабабли, улар илгари ўз манфаатларини илгари суриш учун фойдаланган қадриятларга ҳужум қилишдан тортинмайдилар. Ғарбга қарши исён дастлаб Ғарб қадриятларининг универсаллигини тан олиш орқали қайд этилди; ҳозир эса Ғарбга хос бўлмаган қадриятларнинг устунлигини таъкидлаш орқали қайд этилмоқда. Бундай муносабатнинг кўтарилиши Роналд Доре томонидан "иккинчи авлоднинг индигенизация феномени" деб атаганлигининг ифодасидир. Ғарбий мустамлакаларда ҳам, Хитой ва Япония каби мустақил мамлакатларда ҳам «биринчи модернизация» ёки «пост мустақиллик» авлоди кўпинча хорижий (ғарбий) университетларда ғарбий космополит тилидан дарс олишди. Қисман улар биринчи тажрибага эга ўспирин сифатида чет элга чиқишганлиги сабабли, уларнинг Ғарб қадриятлари ва турмуш тарзини ўзлаштириши жуда фойдали бўлиши мумкин. Иккинчи катта авлоднинг аксарияти, аксинча, ўз таълимларини биринчи авлод томонидан яратилган университетларда олади ва таълим бериш учун мустамлака тилидан кўра маҳаллий тилдан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Ушбу университетлар "дунё миқёсидаги маданият билан саёз алоқа ўрнатишади" ва "билимлар таржималар орқали ўрганилади, одатда чекланган ва паст сифатли". Ушбу университетларнинг битирувчилари Ғарбда илгари ўқитилган авлоднинг ҳукмронлигига қарши чиқишади ва шунинг учун, кўпинча, "нативист муҳолифат ҳаракатларига мурожаат қилишади".¹³ Ғарбнинг таъсири кучайгани сайин, ёш интилаётган раҳбарлар Ғарбдан

уларни куч ва бойлик билан таъминлашини кутишмайди. Улар ўзларининг жамиятларида муваффақиятга эришиш воситаларини топишлари керак ва шунинг учун улар ушбу жамиятнинг кадриятлари ва маданиятига мос келишлари лозим бўлади.

Индигоенизация жараёни иккинчи авлодни кутмаслиги керак. Иқтидорли, идрокли ва мослашувчан биринчи авлод етакчилари ўзларини индигоенизация қиладилар. Эътиборга молик учта ҳолат - Муҳаммад Али Жинна, Гарри Ли ва Сулаймон Бандаранаике. Улар Оксфорд, Кембриж ва Линколн университетларининг энг яхши битирувчилари бўлиб, ўз навбатида зўр ҳуқуқшунослар ва ўз жамиятлари элитасининг ғарблашган аъзолари эдилар. Жинна содиқ дунёвий одам эди. Ли, Британия Вазирлар Маҳкамаси вазирининг сўзларига кўра, "Сувайш шарқидаги энг яхши инглиз эди". Бандаранаике насроний бўлиб улғайган. Мустақилликка эришишга ўз халқларини етаклаш учун ҳам улар индигоенизация қилишлари, яъни туб аҳолига сингишлари керак эди. Улар ўз ота-боболари маданиятига қайтишган ва бу жараён давомида баъзан ўз аслини, исмларини, кийиниш ва эътиқодини ўзгартиришган. Инглиз юристи М. А. Жинна Покистоннинг Қуайд-и Азами, Гарри Ли Ли Куан Ю га айланган. Дунёвий инсон ҳисобланган Жинна Покистон давлатида Ислом дини асосини яратган чинакам элчига айланди. Англиялик Ли Мандарин тилини ўрганган ва конфуций динининг яққол тарафдори бўлди. Христиан Бандаранаике буддизм динига ўтди ва Синҳал миллатига мурожаат қилган. 1980 ва 90 йилларда ғарб бўлмаган дунёда индигоенизация кун тартибига айланди. Исломнинг тикланиши ва "қайта Ислом динига ўтиш" мусулмон жамиятларидаги асосий мавзуларига айланган. Ҳиндистонда ғарб услублари ва кадриятларининг рад қилинган, сиёсат ва жамиятнинг "индуизацияси" асосий тенденция ҳисобланади. Шарқий Осиёда ҳукуматлар конфуцийизмни тарғиб қилиб, сиёсий ва интеллектуал раҳбарлар ўз мамлакатларининг "осиёликлаштириш"и ҳақида гапиришмоқда. 80 йилларнинг ўрталарида Япония "Нихонжинрон ёки Япония ва японлар назарияси" га мойил бўлиб қолди. Кейинчалик япониялик етакчи зиёли

тарихан Япония "ташқи маданиятларни сингдириш" ва "бу маданиятларни кўпайтириш ва такомиллаштириш орқали маҳаллийлаштириш" жараёнларидан ўтиб келган, сингдирилган ва ижодий таъсирнинг тугатиш ва ташқи дунёга қайтиш натижасида юзага келган муқаррар тартибсизликларни бошдан кечирди, деб таъкидлади. "Ҳозир Япония" ушбу жараённинг иккинчи босқичига ўтмоқда".¹⁴ Совуқ Урушнинг тугаши билан Россия яна Ғарбликлар ва славофиллар ўртасидаги классик курашнинг қайта вужудга келиши билан муроса мамлакатга айланди. Аммо ўн йил давомида бу тенденция дастлабкисидан иккинчисига қадар ўзгариб борди, чунки Ғарблаштирилган Горбачёв Елцинга русча услуб, ғарбча эътиқодга қўйиб берган, ўз навбатида эса унга рус православлиги вакиллари бўлган миллатчилар таҳдид қилишган. Индигенизация демократия парадокси: Ғарблашмаган жамиятлар томонидан Ғарб демократик институтларини қабул қилиниши нативист ва Ғарбга қарши сиёсий ҳаракатларни кўллаб-қувватлайди. 1960-1970 йилларда ривожланаётган мамлакатларда Ғарб ва Ғарбга қаршли ҳукуматлар тўнтаришлар ва инқилоблар билан таҳдид қилинди; 1980 ва 1990 йилларда уларни сайловлардан четлашиш хавфи кучайди. Демократлаштириш ғарблаштириш сиёсатида зид бўлиб, демократия космополитизация жараёни эмас, балки табиий равишда маҳаллий манфаатларни ҳимоя қилишга етакловчи жараён ҳисобланади. Ғарблашмаган жамиятлардаги сиёсатчилар ўзларининг ғарбликларини намойиш қилиб сайловларда ғалаба қозонмайдилар. Бунинг ўрнига, сайловлардаги рақобат уларнинг фикрида энг кўп машҳурлик қозонадиган ишни қилишга ундайди ва бундай ишлар, одатда, этник, миллатчилик ва диний характерга эга бўлади.

Бунинг натижаси халқнинг ғарбда таҳсил олган, ғарбга йўналган элита қатламига қарши бирлашиши бўлди. Мусулмон давлатларининг кўпчилигида ислом фундаменталистлари қатор сайловларда яхши натижаларга эришишда ва агарда ҳарбийлар 1992 йилдаги сайловни бекор қилишмаганида Алжир давлатида ҳукуматга келишлари мумкин эди. Ҳиндистонда сайловдаги овозлар учун курашлар натижаси оммавий митинглар ва оммавий

зўравонликка олиб келди.¹⁵ Шри-Ланкада демократия Шри-Ланка Озодлик Партиясини вужудга келтирди ва ўз навбатида ушбу партия 1956 йилдаги сайловда элитар Бирлашган Миллий Партияни вайрон қилди ва 80 йилларда Патика Чинтанайянинг миллатчилик ҳаракатларининг бошланишига имкон яратди. 1949 йилга қадар Жанубий Африкада элита қатлами ҳам Ғарб мамлакатларида ҳам ЖАР ни ғарбий мамлакат деб қабул қилишарди. Мамлакатда апартаид режими ўрнатилгандан сўнг ғарб элитаси ЖАРни ғарбдан ташқари лагер таркибида кўра бошлашди, аммо ЖАР аҳолиси ўзини ғарб аъзолари деб ҳисоблашда давом этишарди. Шу асосида, ғарбнинг халқаро жамиятида ўз ўрнини топиш учун мамлакат ғарбнинг қатор демократик институтларини жорий қилишига тўғри келди ҳамда мамлакатда юқори вестернлашган қора элита қатлами вужудга келди. Шунга қарамадан, агар иккинчи авлодда индигенизация (маҳаллийлашиш) фактори ишласа, улар кўпроқ хоса, зулу ва африкалик бўлишади ҳамда ўзларини кўпроқ африка мамлакати сифатида кўра бошлашади.

Турли даврларда XIX асрга қадар византияликлар, араблар, хитойликлар, турклар, мўғуллар ва руслар ўзларини ғарб билан солиштириб ўз кучига ва имкониятларига жуда ишонишган. Бундан ташқари, улар ғарбнинг маданий беқарорлигига, институтларининг қоқоқлигига ва коррупцияга беписандлик билан қарар эдилар. Ғарбнинг ютуқлари ҳайратланарли бўлмай қолганда ушбу муносабат яна такрорланди. Одамлар “уларнинг даври ўтди” деб ҳисоблай бошлашди. Эрон – фавқулотда ҳолат бўлганлиги билан, бир кузатувчининг фикрларига кўра: “ғарб қадриятлари турли йўллар билан инкор қилинмоқда, лекин Малайзия, Индонезия, Сингапур, Хитой ва бошқа мамлакатлардан қатъиян кам эмас”.¹⁶ Биз ғарб мафкураси ҳукмронлик қилган ва "таракқий этган даврнинг охири" нинг гувоҳи бўлмоқдамиз ва кўплаб турли хил цивилизациялар ўзаро таъсир қиладиган, рақобатлашадиган, бирга яшайдиган ва бир-бирига мослашадиган даврга кирмоқдамиз.¹⁷ Ушбу глобал индигенизация жараёни дунёнинг кўплаб мамлакатларида содир бўлган, хусусан Осиё ва Ислон давлатларининг

иқтисодий ва демографик динамизми асосида вужудга келган маданий тикланишида яққол намоён бўлади.

La revanche de Dieu

Йигирманчи асрнинг биринчи ярмида интеллектуал элита вакиллари, коида тариқасида, иқтисодий ва ижтимоий модернизация инсон ҳаётининг муҳим қисми бўлган диннинг ролини кучсизлантиришга олиб келади, деб ҳисоблашган. Бу тахминга уни мамнуният билан қабул қилганлар ҳам, ушбу тенденция ҳақида нолиганлар ҳам қўшилишган. Модернизация атеист-адептлари мавжуд динларнинг асосини ташкил этган бидъатлар, афсоналар, иррационализм ва диний маросимларнинг илм-фан, рационализм ва прагматизм томонидан сиқиб чиқаришини олқишлаганлар. Вужудга келаётган давлат толерант, рационал, прагматик, прогрессив, инсонпарвар ва дунёвий бўлиши керак. Бошқа тарафдан хавотирга тушган консерваторлар диний эътиқод, диний институтлар ва инсоннинг индивидуал ва жамоавий ҳуқуқ-атвориға таъсир этувчи диннинг ахлоқий дастуриламали йўқ бўлиб кетишнинг даҳшатли оқибатлари тўғрисида огоҳлантирганлар. Бунинг якуний натижаси – анархия (ҳокимиятсизлик), ахлоқсизлик, цивилизациялашган ҳаётнинг издан чиқиши. “Агар сиз Худони улуғлашни хоҳламасангиз (У эса – рашкчи Худодир), унда Гитлери ёки Сталинни ҳурмат қилишингизга тўғри келади” – дейди Т.С. Элиот.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми бу умидлар ва хавотирлар асосиз эканлигини кўрсатди. Иқтисодий ва ижтимоий модернизация глобал миқёсга эга бўлди ва шу вақтнинг ўзида диннинг глобал тикланиши юз берди. Жил Кепел уни *la revanche de Dieu*, деб номлаган тикланиш ҳар бир қитъага, ҳар бир цивилизацияга ва деярли ҳар бир мамлакатга кириб борди. Кепел таъкидлагандек, 70-йилларнинг ўрталарида секуляризация (*черков ёки монастыр мулкани давлат мулкига айлантириш, дин таъсиридан чиқариш*) ва атеизм билан диннинг қотиб қолиш курси “қарама-қарши томонга” бурилди. Янги диний ёндашув вужудга келди, энди унинг мақсади дунёвий

кадриятларни қабул қилиш эмас, балки керак бўлса жамиятни ўзгартириш орқали жамиятни ташкил қилишнинг муқаддас асосларини қайтаришдир. Кўп усуллар билан ифодаланган ушбу ёндашув муваффақиятсизликка дучор бўлган модернизацияни, унинг барбодини ва боши берк ҳолатини Худодан четлашиш билан изоҳлаб, рад қилишни тарғибот қилади. Бу энди *aggiornamento* бўртирилиши эмас, балки “Европанинг иккинчи чўқинтирилиши”, мос равишда бошқа мақсад бу исломни модернизация қилиш эмас, балки “замонавийликни исломлаштириш”дир [с.139]

Ушбу диний тикланиш илгари у ерда бўлмаган янги издошлар орттирган, баъзи динларнинг қисман экспансияси (кенгайиши) билан боғлиқ. Бироқ кўпроқ даражада бу ўз жамоаларининг анъанавий динларига қайтган, уларга янги кучлар олиб кирган ва уларга янги маънолар берган инсонлар билан боғлиқдир. Насронийлик, ислом, яҳудийлик, ҳиндуийлик, буддавийлик ва православлик – уларнинг барчаси бир вақтлар оддий этиқод қилувчи бўлганлар томонидан садоқат ва эътиборнинг кўтарилишини бошдан кечирмоқда. Ушбу динларнинг барчасида диний ақидаларга мувофиқ диний таълимот ва институтларни қабтий равишда тозалашни, индивидуал, ижтимоий ва жамоавий хулқ-атворни ўзгартиришни даъват қиладиган фундаменталистик ҳаракатлар вужудга келди. Фундаменталистик ҳаракатлар сезиларли даражада кўзга ташланади ва аҳамиятли сиёсий вазнга эга бўлиши мумкин. Бироқ улар фақат йигирманчи аср охирида инсон ҳаётини шакллантирадиган янада кенгроқ ва фундаментал диний оқимлар юзасидаги тўлқинлардир. Дунё бўйлаб диннинг янгиланиши фундаменталист-экстремистлар ҳаракатларининг чегарасидан анча ташқарига чиқаяпти. Гоҳ у, гоҳ бу жамиятда у одамларнинг кундалик ҳаётида ва ишларида, ҳамда ҳукуматларнинг фаолиятларида ва лойиҳаларида ўзини намоён қиляпти. Дунёвий конфуций маданиятидаги маданий тикланиш Осиё кадриятларини қабул қилиш шаклини оляпти, аммо дунёнинг қолган қисмида бу диний кадриятларнинг тасдиғи сифатида намоён бўляпти. Жорж Вайгел

таъкидлаганидек: “дунёнинг десекуляризацияси йигирманчи аср охиридаги асосий ижтимоий ҳодисалардан биридир”.

Диннинг ҳар ерда ҳозирлиги ва аҳамияти, айниқса, собиқ коммунистик мамлакатларда яққол намоён бўлади. Диний тикланиш, мафқуранинг қулаши натижасида вужудга келган бўшлиқни тўлдирган ҳолда, диний қайта тикланиш Албаниядан то Ветнамгача бўлган давлатларга тарқалиб кетди. Россияда православликнинг қайта тикланиши юз берди. 1994 йилда 25 ёшдаги русларнинг 30 фоизи атеизмдан Худога ишонишга ўтишганини айтишган. Москва ва Москва вилоятларидаги фаол черковлар сони 1988 йилдаги 50 тадан 1993 йилда 250 тага кўпайди. Сиёсий раҳбарлар [с.140] яқдиллик билан динни ҳурмат қила бошладилар, ҳукумат эса уни қўллаб-қувватлади. 1993 йилда бир зийрак кузатувчи таъкидлаганидек: “Россия шаҳарларида черков жомлари (кўнғироқлари) овози янгидан ҳавони тўлдирди. Яқиндагина тилла суви югуртирилган гумбазлар қуёшда ярқирамоқда. Яқинда ҳаробаларда ётган черковлар яна ўзларининг улуғвор кўшиғини қуйлаб бошлашди. Черковлар шаҳарнинг энг гавжум жойларига айланди”. Славян республикаларида православликнинг тикланиши билан бир вақтда, Исломий тикланиш Ўрта Осиёни қамраб олди. 1989 йилда Ўрта Осиёда 160 та масжид ва битта мадраса (мусулмон олий мактаби) мавжуд эди; 1993 йил бошларида 10 000 га яқин масжид ва ўнта мадраса мавжуд эди. Қайта тикланиш ўз ичига баъзи бир фундаментал сиёсий ҳаракатларни олганига ва чет элдан – Саудия Арабистони, Эрон ва Покистон томонидан қўллаб қувватланганига қарамай, умуман олганда, мўътадил фойданинг кенг тарқалган маданий ҳаракати эди.

Умумий диний уйғонишни қандай изоҳлаш мумкин? Табиийки, турли мамлакатлар ва цивилизацияларда бу турли омиллар туфайли юзага келади. Шунга қарамай, кўп сонли турли ҳил сабаблар дунёнинг аксарият минтақаларида бир вақтнинг ўзида ва бир бирига ўхшаш оқибатларга олиб келган, деб ишониш нотўғри бўлади. Глобал феномен (*камдан-кам учрайдиган ҳодиса*) глобал изоҳни талаб қилади. Айрим мамлакатларда ноёб омиллар

таъсири остида қанча ҳодиса содир бўлишидан қатъий назар, бари бир баъзи умумий ҳолатлар мавжуд бўлиши керак. Улар қанақа?

Глобал диний тикланишнинг энг аниқ, энг ёрқин ва энг кучли сабаби диннинг ўлимига сабабчи бўлган нарса ҳисобланар эди, яъни йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида бутун дунёда содир бўлган ижтимоий, иқтисодий ва маданий модернизация жараёнлари. Ўзига хосликнинг қадимий манбалари ва обрў-эътибор тизими барқарорлигини йўқотди. Одамлар қишлоқ жойларидан шаҳарларга кўчиб келишади, ўз илдизларидан ажраб кетишади, янги иш жойларига жойлашадилар ёки ишламайдилар. Улар [с.141] ғоят катта сонли нотанишлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, муносабатларнинг янги моделлар таъсирига дуч келишади. Уларга маъно ва мақсад ҳиссини берадиган ўзига хослик манбалари, барқарор жамиятнинг янги шакллари ва янги ахлоқий тамойиллари керак. Дин, унинг йўналишлари, фундаментал оқимлари ушбу талабларга жавоб беради. Ли Куан Ю Шарқий Осиё учун тушунтириш берганидек:

“Биз сўнги бир-икки авлод давомида саноатлаштириш жараёнини бошдан кечирган аграр жамиятлармиз. Ғарбда 200 ва ундан ортиқ йил содир бўлган воқеалар бу ерда 50 йил ва ундан камроқ вақт давом этади. Буларнинг барчаси аралашиб кетган ва жуда тор рамкаларга тикилган, шу сабабли номувофиқликлар ва адашишлар муқаррар. Агар сиз тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар – Корея, Таиланд, Гонконг ва Сингапурга қарасангиз, барчасида бир диққатга сазовор феномен мавжуд: диннинг юксалиши... Қадимги урф-одатлар ва динлар – аждодлар дини, шомонлик энди одамларни тўлиқ қондира олмайди. Инсоннинг тақдири ва нима учун биз бу ердалигимизнинг янги изоҳлари қидирилиши бошланади. Бу жамиятдаги улкан қизғинлик (*асабий қизғинлик*) даврлари билан боғлиқ.

Одамлар фақат маънавий манфаатларни кўзлаб яшамайдилар. Аммо улар ўзи “мен”ини аниқламагунларича, ўзларининг ғаразли манфаатлари орқасидан қувиб, ҳисоб-китоб ва рационал ҳаракат қила олмайдилар. Шу

сабабли идентификациялаш масаласи сиёсатнинг қизиқиш мавзусидир. Тез суръатларда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар даврида ўрнатилган ўзига хослик қулайди, “мен” қайтадан баҳоланиши ва янги ўзига хослик яратилиши талаб этилади. “Мен кимман?” ва “Менинг ўрним қаерда?” деган саволларга жавоб топиш билан тўқнашган одамлар учун дин ишончли жавобларни беради, диний гуруҳлар эса урбанизация туфайли йўқотилганларнинг ўрнига келган кичик ижтимоий бирлашмаларга айланадилар. Хасан ал-Таробий сўзлари билан айтганда: “Барча динлар одамларга ўзига хослик туйғусини ва ҳаётий йўналишларини тақдим қилади”. Ушбу жараён орқали одамлар тарихий ўзига хосликни кашф этадилар [с.142] ёки янгиларини яратадилар. Динлар қандай универсал мақсадларга эга бўлишидан қатъи назар, улар имонлилар ва кофирлар ўртасида ҳамда ўзининг юқори гуруҳи ва бошқа қуйи гуруҳ ўртасида асосий тафовут ўтказиб одамларга ўзига хосликни беради.

Бернард Люис сўзларига кўра, мусулмон дунёсида “такрорланувчи тенденция мавжуд – қийин даврларда мусулмонлар ўзларининг таянч ўзига хосликларни ва диний жамоатга содиқлигини, яъни ўзига хосликни этник ва худудий белгилардан эмас, балки ислом динидан топадилар. Жил Кепел, шунингдек, ўзига хосликни излаш марказий ўринни эгаллашига урғу беради: «пастдан» қайта исломлаштириш маъносини йўқотган ҳамда шаклсиз ва бегона бўлиб қолган дунёда ўзига хосликни тиклашнинг энг биринчи ва энг асосий усулидир”. Ҳиндистонда модернизация оқибатида вужудга келган босим ва бегоналашувга жавоб тариқасида “янги ҳинд ўзига хослигини шаклантириш жараёни кетмоқда”. Россияда диний тикланиш “Россиянинг 1000 йиллик тарихи билан ягона узилмаган алоқа бўлган, фақат православ черкови бериши мумкин бўлган ўзига хосликни топишни астойдил иташ” нинг натижасидир. Мусулмон республикаларида эса тикланиш ўхшаш ҳолда “Марказий Осиёдаги энг кучли, Москва томонидан ўн йиллар давомида куч билан бостирилиб келинган ўзига хосликни ўрнатишга қараталиган интилиш” нинг натижасидир. Хусусан, фундаменталистик ҳаракатлар замонавий ижтимоий ва сиёсий моделларни, атеизмни, илмий маданиятни ва иқтисодий

таракқиётни жадал мажбуран сингдиришдан юзага келган хаос ва ўзига хосликни, мазмунни ва бошқа ижтимоий тузилмаларни йўқотишни енгмоқ усули. Уилям Макнил таъкидлашича, “ҳисоблашиш керак бўлган ҳаракатлар - булар жамиятдан ўз аъзоларини жалб қилиб, тез ўсиб бораётганлардир”. Чунки улар инсониятнинг янги англаган эҳтиёжларига жавоб беради (ёки жавоб бераётганлиги тўғрисида хаёлот яратади)... Бу ҳаракатларнинг барчаси ерга бўлган демографик босим эски қишлоқ турмуш тарзини кўпчилик аҳоли учун бундан буён мавжудлигини имконсиз қиладиган ва урбанизациялашган оммавий ахборот воситалари қишлоқларга кириб келиб, қишлоқ ҳаётининг кўп асрлик асосларини вайрон қила бошлаган мамлакатларда яралиши бежиз эмас.

Кенгроқ маънода бутун дунёда диний тикланиш бу – атеизмга, ахлоқий релятивизмга *(билимларнинг нисбийлигини метафизикларча мутлоқлаштириб, воқеликни обектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик принцип)* ва ўзининг заиф томонларига эрк бериш, бундан ташқари, тартиб, интизом, меҳнат, ўзаро ёрдам ва инсон бирдамлиги қадриятларини тасдиқлашдир. Диний гуруҳлар давлат бюрократияси эътиборсиз қолдирадиган ижтимоий эҳтиёжларни қондиради. Бунга тиббий ва касалхона хизматлари, болалар боғчалари ва мактаблар, қарияларга ғамхўрлик қилиш, табиий ва бошқа офатлардан кейин тезкор ёрдам бериш, иқтисодий инқироз даврида ижтимоий таъминлаш ва ёрдам кўрсатиш киради. Ўрнашган негизлар ҳалокати ва фуқаролик жамиятининг қулаши вакуумни *(бўшлиқни)* яратади ва уни диний, аксарият ҳолларда эса фундаменталистик гуруҳлар тўлдиради.

Агар анъанавий равишда ҳукмронлик қилаётган динлар қочқинларнинг ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирмаса, бу вазифани бошқа диний гуруҳлар амалга оширади, натижада уларнинг сони, худди диннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги аҳамияти каби кескин ошиб боради. Тарихан, Жанубий Корея, асосан, 1950 йилда христианлар сони аҳолининг тахминан 1-3 фоизини ташкил қилган, буддистлар мамлакати бўлган. Жанубий Кореяда, кенг

кўламли урбанизация ва касбларнинг табақаланиши билан ҳамроҳ бўлган, жадал иқтисодий ўсиш бошланганида, буддизм етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. “Шаҳарларга қуйилиб келган миллионлаб одамлар ва ўзгарган кишлоқларда қолган кўпчилик учун Кореянинг аграр давридаги турғун буддизм ўз жозибадорлигини йўқотди. Христианлик шахсий нажот ва инсон тақдири ғоялари билан ўзгариш ва саросима даврида анча ишончлироқ ва тинчлантирувчи дунёқарашни таклиф қилди. 1980 йилларга келиб христианлар, асосан пресвитериан ва католиклар, Жанубий Корея аҳолисининг камида 30 фоизини ташкил этар эди. [с.144]

Шунга ўхшаш кўзғалишлар Лотин Америкасида ҳам содир бўлди. У ердаги протестантларнинг сони 1960 йилдаги тахминан 7 миллиондан 1990 йилда 50 миллионгача ўсди. 1989 йилда Лотин Америкаси католик руҳонийлари бу муваффақият сабабини католик черковининг “шаҳар ҳаётининг техник жиҳатлари билан секин мурасага келишида” кўрдилар. Бир бразилиялик воиз таъкидлаганидек, католик черковидан фарқли ўлароқ, протестант черковлари “инсоннинг асосий эҳтиёжлари – инсоний илиқлик, шифо топиш ва чуқур руҳий тажрибага” жавоб беради. Лотин Америкасидаги камбағаллар ўртасида протестантизмнинг тарқалиши, аслида, битта динниг бошқасига алмашилиши эмас, аксинча, сушт ва номига католик бўлганлар фаол ва ашаддий евангелистларга айланганлари сари диний содиқликнинг ва иштирокнинг кескин ўсиб кетишидир. Шундай қилиб, 90-йилларнинг бошларида Бразилия аҳолисининг 20 фоизи ўзларини протестант деб, 73 фоизи эса ўзларини католиклар деб ҳисоблашган, аммо якшанба кунлари протестант черковларида 20 миллион киши ва католик черковларида тахминан 12 миллион килиш бўлар эди. Бошқа дунё динлари сингари, христианлик ҳам модернизация билан боғлиқ бўлган тикланиш босқичидан ўтади ва Лотин Америкасида у католик шаклини эмас, балки протестант шаклини қабул қилди.

Жанубий Корея ва Лотин Америкасидаги бу ўзгаришлар буддизмнинг ва мос равишда ўрнашган католикликнинг модернизациядан жароҳат олган

инсонларнинг психологик, ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга жавоб беришнинг уддасидан чиқа олмаслигини акс этади. Яна қаердадир диний содиқликда сезиларли ўзгаришлар бўлиш-бўлмасилиги устун диннинг бу эҳтиёжларни қай даражада қондира олиши билан боғлиқ. Конфуцийликнинг ҳиссизлигини ҳисобга олган ҳолда, у анчайин ҳимоясиз кўринади. Конфуциан мамалкатларда протестантлик ва католицизм худди евангелист протестантликнинг Лотин Америкаси аҳолисига, христианликнинг Жанубий Кореяликларга ва фундаментализмнинг мусулмонлар ва ҳиндларга жозибали бўлгани каби мафтункор бўлиши мумкин. 1980 йилларнинг охирида, Хитойнинг иқтисодий ўсиш чўққисидан, христианлик ҳам “асосан ёшлар орасида” тарқалди. Эҳтимол, тахминан 50 миллион хитойлик христиандир. Ҳукумат руҳонийларни, миссионерларни (*ерли халкни христиан динига ўтишига тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс*) ва евангелистларни қамаш, диний маросимларни тақиқлаш ва таъқиб қилиш орқали уларнинг сонининг ўсишини олдини олишга ҳаракат қилди ва 1994 йилда ажнабийларга ўз динига қаратиш бўйича ишларни ва диний мактаблар ёки бошқа диний ташкилотларни ташкил этишни, диний гуруҳларга эса мустақил равишда ёки чет элдан молиялаштириладиган тадбирларда иштирок этишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Сингапурда Хитойда бўлгани каби, аҳолининг 5 фоизи христианлар. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида ҳукумат вазирлари евангелистларни мамлакатдаги беқарор диний мувозанатни бузмаслик тўғрисида огоҳлантирганлар, диний хизматчиларни, шу жумладан католик ташкилотлардаги расмий шахсларни ҳам ҳибсга олишган ва христиан гуруҳларини ва алоҳида диндорларни турли йўллар билан кўрқитишган.

“Совуқ урушнинг” тугаши билан ва унинг кетидан юзага келган сиёсий очиқлик ортидан ғарбий черковлар православ собиқ Совет республикаларига интилдилар ва у ерда қайта тикланган православ черковларига рақобатчи бўлдилар. Бу ерда ҳам Хитойда бўлгани каби, уларнинг миссионерлик фаолиятини чеклашга ҳаракат қилинди. 1993 йилда, православ черковининг

талабига кўра, Россия парламенти хорижий диний гуруҳлардан, агар улар миссионерлик ёки маърифий фаолитни юритиш ниятида бўлишса Россия партиархат паноҳига ўтишларини ёки давлат аккредитациясидан ўтишларини талаб қилувчи қонунни қабул қилди. Бироқ Президент Елцин, бу қонун лойиҳасини имзолошдан бош тортди. Умуман олганда, далиллар шуни кўрсатадики, la revanche de Dieu индигенизацияси билан тўқнашганда, у кучлироқ бўлиб чиқади: агар анъанавий эътиқод модернизациянинг диний эҳтиёжларини қондира олмаса, одамлар ўзларига мос эмоционал импортга мурожаат қила бошлайдилар.

Модернизация оқибатида юзага келган психологик, ҳиссий ва ижтимоий жароҳатлардан ташқари, диний тикланишнинг бошқа, жумладан, Ғарбнинг ортга чекиниши [с.146] ва “совуқ урушнинг” яқунланиши каби рағбатлари ҳам мавжуд. Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб ғарбий бўлмаган цивилизациялар Ғарбнинг таъсирига, одатда, Ғарбдан олиб келинган мафкураларни биринкетин ўзлаштириш билан муносабат билдиришди. Ўн тўққизинчи асрда ғарбий бўлмаган элиталар ғарбий либерал кадриятларни ўзлаштирадилар ва биринчи марта Ғарбга қарши ҳаракати либерал миллатчилик кўринишида намоён бўлди. Йигирманчи асрда рус, осие, африка ва лотин америкаси элиталари социалистик ва марксистик мафкураларни олиб келиб, уларни Ғарб капитализмига ва Ғарб имериализмига таққослаб, миллатчилик билан бирлаштирадилар. Совет иттифоқида коммунизмнинг барбод бўлиши, унинг Хитойдаги жиддий ислоҳоти, шунингдек, социалистик иқтисодиётнинг барқарор ўсишга эриша олмаслиги мафкуравий бўшлиқни яратди. Ғарб ҳукуматлари, гуруҳлар ва халқаро институтлар, масалан, Ҳалқаро валюта фонди ва Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки бу бўшлиқни православ бўлмаган иқтисод ва демократик сиёсат доктринаси билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Ғарбга хос бўлмаган маданиятларга ушбу таълимотлар қай даражада таъсир қилиши ҳалигача номаълум. Бироқ одамлар ҳозирги пайтда коммунизмни шунчаки омадсизликка учраган охирги дунёвий бут деб билишади. Дин эстафетани (*мусобақада қўлма-қўл узатиладиган нарса*)

мафкурадан олади, диний миллатчилик эса дунёвий миллатчиликнинг ўрнига келади.

Диний тикланишга қаратилган ҳаракатлар дунёвийликка, универсалликка қаршидир, фақат унинг Ғарбга қарши христиан кўринишидан ташқари. Шунингдек, улар Брюс Лоуренс замонавийликдан ажратиб “модернизм” деб атаган термин билан мос тушадиган релятивизмга, худбинликка ва истъемолчиликка қарши қаратилган. Умуман ва бутун олганда, улар урбанизацияни, индустриализацияни, ривожланишни, капиталзимни, илм-фан ва технологияни ва жамиятни ташкиллаштиришда буларнинг барчаси англатадиган нарсаларни рад этмайдилар. Бу маънода улар замонавийликка зид эмас. [с.147] Ли Куан Ю айтганидек улар модернизацияни “илм-фан ва технология ривожналинишининг муқаррарлигини, шунингдек, улар билан олиб келинадиган турмуш тарзидаги ўзгаришларни” қабул қиладилар, лекин улар “ўзларининг вестернизацияга (ғарблашувга) учраётганлиги тўғрисидаги ғояни” қабул қилмайдилар. Ал Таробий таъкидлашига кўра, миллатчилик ҳам, социализм ҳам ислом оламида ўзгариш қилмади. “Дин – бу тараққиётнинг ҳаракатлантирувчисидир” ва пок ислом замонавий даврда Ғарб тарихидаги протестант этикасига тенг келувчи рол ўйнайди. Дин замонавий давлат ривожланиши билан таққосланмас деб бўлмайди. Ислом фундаменталистик ҳаракатлари энг ривожланган ва дунёвий кўринадиган Жазоир, Эрон, Миср, Ливан ва Тунис каби мусулмон мамлакатларида энг кучлидир. Диний ҳаракатлар, айниқса, фундаментал характерга эга бўлган ҳаракатлар замонавий оммавий ахборот воситаларини ва ташкилий технологиялардан профессионал даражада фойдаланадилар. Бунинг энг ёрқин намунаси Марказий Америкадаги протестант телеевангелизмнинг муваффақияти бўлди.

Диний тикланиш иштирокчилари барча фаолият соҳаларидан келади, аммо аксариятида иккаласи ҳам мобил (ҳаракатчан) ва урбанизацияланган гуруҳлардан. Шаҳарларга янги келган муҳожирлар, одатда, ҳиссий, ижтимоий ва моддий ёрдам ва йўл-йўриққа мухтож бўладилар, буларни эса диний

гуруҳлар бошқалардан кўра яхшироқ тақдим қила оладилар. Режис Дебрей, таъкидлашича, улар учун дин бу “одамлар учун афюн эмас, балки кучсизлар учун витамин” дир. Иккинчи муҳим гуруҳ – бу “иккинчи авлод индигенизация феномени” Дорани ўзида мужассам этган ўрта синф дир. Кепел таъкидлаганидек, Ислом фундаменталистик гуруҳлар фаоллари “кекса консерваторлар ёки саводсиз деҳқонлар” эмас. Мусулмонларда бошқа гуруҳларда бўлгани каби, диний тикланиш замонавий, яхши маълумотга эга, касбларда, давлат ишида ва тижоратда хизмат даражаси кўтарилаётган одамларни ўзига жалб қиладиган урбанистик феномен (фавқулодда ходиса) дир. [с.148]

Мусулмонлар орасида кўпинча ёшлар диндор, уларнинг ота-оналари эса атеистлар дир. Ҳиндуийлик билан ҳолат анча ўхшаш, бу ерда тикланиш ҳаракатларининг етакчилари ҳам маҳаллий иккинчи авлоддан чиққанлар дир ва кўпинча улар “муваффақиятли тадбиркорлар ва бошқарувчилар” дир. Ҳинд матбуоти уларни шафран яппи кийган “скаппи” деб атай бошлади. 1990 йилларнинг бошларида уларнинг ҳимоячилари тез-тез “Ҳиндистон ҳиндларининг ўрта синфига – савдогарлар, ҳисобчилар, ҳуқуқшунослар ва маҳандисларга”, шунингдек “юқори мартабали давлат хизматчилари, зиёлилар ва журналистларга” тегишли бўлишди. 1960 ва 70-йилларда Жанубий Кореяда худди шу турдаги одамлар католик ва пресвитериан черковларини тўлдирдилар.

Маҳаллий ёки импорт қилинган дин модернизация содир бўлаётган жамиятда яралаётган янги элита учун маъно ва йўналиш беради. “Анъанавий динга қадр бериш” – дейди Роналд Дор, – “бу “бошқа етказилик қиладиган” миллатга қарама-қарши бўлган ўзаро ҳурматга ва кўпинча, бу билан бир вақтда ва бевосита, “бошқа еткази миллатларнинг қадриятларини ва яшаш тарзини қабул қилган”, маҳаллий бошқарув синфига қарши туришга давбат дир. “Кўпинча, – дейди Уилям Макнил, – Исломнинг қайта-қайта тасдиқланиши, қайси мазҳабий шаклда бўлишидан қатъий назар, Европа ва Американинг маҳаллий жамиятга, сиёсатга ва ахлоққа таъсирини рад

этилишини англатади. Шу маънода, Ғарбий бўлмаган динлар ғарбий бўлмаган жамиятларда ғарбийликка қаршилиқнинг энг кучли намоёнидир.

Бундай қайта тикланиш замонавийликни рад этиш эмас, балки Ғарб ва Ғарб билан ассоциацияланадиган дунёвий, релятивистик, яралаётган маданиятни рад этишдир. Бу Ғарбий бўлмаган жамиятларнинг “вестофикация” атамаси билан аталган нарсани рад этишидир. Бу Ғарбдан маданий мустақиллик декларацияси, “Биз замонавий бўламиз, аммо биз сиз бўлмаймиз” деган мағрур баёнотидир. [с.149]

Изоҳлар

Ҳокимият ва маданият ўртасидаги боғлиқлик умуминсоний цивилизация мавжудлиги ёки пайдо бўлиш арафасида эканлигини даъво қиладиганлар, шунингдек ғарблаштириш модернизация учун зарур шартдир, деб даъво қиладиганлар томонидан эътиборга олинмайди. Улар ўзларининг вазлари мантиғидан Ғарб ҳукмролигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни кўллаб-қувватлашларини талаб қилинишини рад этишади ва агарда бошқа жамиятларга ўз тақдирларини белгилаш эркинлиги берилса, улар эски дунёқарашга, одатларга ва урф-одатларга универсалистларга кўра тараққиёт душмани бўлган янги куч олиб киришади. Умумжаҳон цивилизациясининг фазилатларини улуғлайдиган одамлар, универсал империянинг фазилатлари ҳақида гапиришга мойил эмасдирлар.

6-қисм. Глобал сиёсатда маданий қайта қуришлар

Гуруҳларга ажратиш: Ўзлик сиёсати.

Модернизация билан жадаллашган глобал сиёсат маданий чегаралар бўйлаб қайта ислоҳ қилиниб келинмоқда. Бир-бирига ўхшаш маданиятга эга инсонлар ва мамлакатлар ҳамкорликни ошираётган бир вақтда, турли хил маданиятга эга инсонлар ва мамлакатлар бир-биридан ажралишга интилмоқдалар. Мафкура ва суперкучлар муносабатларига асосланган келишувлар ўз ўрнини маданият ва цивилизациялар билан изоҳланадиган келишувларга бўшатиб берапти. Этник, диний ва цивилизационал маданий

бирликлар билан ҳамоҳанг бўлиши учун сиёсий чегараларга тобора қайта ишлов берилмоқда. Совуқ уруш блокларининг ўрнини маданий бирлашмалар эгаллашаётган бир вақтда, глобал сиёсатда цивилизациялар ўртасидаги бўлиниш чизиғи низонинг марказий чегараси бўлиб қолмоқда. Кўп мамлакатлар каби Совуқ Уруш даврида бир мамлакат бетараф бўлган бўлиши мумкин, аммо ўша мамлакат ўзининг келишувини бир тарафдан бошқасига ўзгартиради. Мамлакат лидерлари хавфсизлик манфаати, куч турғунлиги ўлчовлари ва мафкуравий афзалликларига асосланган идрокдан келиб чиқиб, ўз танловларини амалга оширишади. Шунга қарамай, бу янги дунёда маданий ўзлик мамлакатнинг ҳамкорлиги ва антогонизмини шакллантирувчи асосий омил ҳисобланади. Бирор мамлакат Совуқ Урушдан қочиб қолган тақдирида ҳам ўзлигидан воз кеча олмайди. «Сен қайси тарафдасан?» деган савол ўз ўрнини фундаментал кўринишдаги бошқасига бўшатиб берди: «Сен кимсан?» Ҳар бир мамлакатнинг ўз жавоби бордир. Бу жавоб, яъни маданий ўзлик, жаҳон сиёсатида ўзининг ўрнини, дўсту душманини изоҳлаб беради. 1990 йилларда дунё жамияти глобал ўзлик инқирозининг отилиб чиқишининг гувоҳи бўлди. Деярли барча жойларда одамларнинг ҳар бири «Биз киммиз?», «Биз қаерга тегишлимиз?» ва «Биз кимлардан эмасмиз?» деган саволларга жавоб излашади. Бу каби саволлар, собиқ Югославия мамлакати каби, янги миллий давлат тузишга интилаётган одамлар учунгина марказий эмас, балки анча кўпроқ умумий аҳамиятга эгадир. 1990 йилларда миллий ўзлик масалалари бир қанча мамлакатларда фаол равишда муҳокама қилинди, бу мамлакатлар: Алжир, Канада, Хитой, Германия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Мексика, Марокаш, Россия, Жанубий Африка, Сурия, Тунис, Туркия, Украина ва Америка Қўшма Штатларидир. Аниқки, ўзлик муаммолари турли цивилизацияларга тегишли бўлган, санокли инсонлар гуруҳидан иборат ёриқ мамлакатларда ўта жиддийдир. Ўзлик инқирозининг ечими шуки, инсонлар учун қон ва ишонч, эътиқод ва оила ўта аҳамиятлидир. Инсонлар ўзларини аждод, дин, тил, қадриятлар ва институтлари ўхшаш бўлган инсонларга яқин тутсалар, ўхшашликка эга бўлмаганлар билан масофа сақлашади. Европанинг маданий қисми ҳисобланмиш Австрия, Финландия ва Швеция Совуқ Уруш мобайнида Ғарбдан ажралишга мажбур ва нейтрал қолган бўлсаларда, ҳозирги кунда Европа Иттифоқидаги маданий қардошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятига эга. Варшава Пактидаги Католик ва Протестант мамлакатлари – Полша, Венгрия, Чехия ва Словакия Иттифоқ ва НАТО аъзоллиги сари интилаётган бўлишса, Болтиқ мамлакатлари уларнинг орқасидан навбатда туришибди.

Европа кучларининг Европа Иттифоқида бир мусулмон давлати – Туркияни истамасликлари ва Европа қитъасида иккинчи бир мусулмон

давлати – Босниянинг пайдо бўлишидан мамнун эмасликлари кундек равшан. Шимолда Совет Иттифоқининг тугаши Болтиқбўйи республикалари ҳамда Швеция ва Финляндия ўртасида янги (ва эски) уюшмалар шаклланишини рағбатлантиради. Швеция бош вазири Россияга Болтиқбўйи республикалари Швециянинг “яқин қўшнилари” эканини эслатиб туради ва борди-ю Россия уларга қарши тажовузкор муносабатда бўлса Швеция жим қараб туrolмайди. Шунга ўхшаш қайта гуруҳлашлар Болқонда ҳам учрайди. Совуқ уруш даврида Греция ва Туркия НАТО таркибида, Болгария ва Руминия Варшава Шартномасида, Югославия бетараф, Албания эса коммунистик Хитойнинг ажралмас шериги бўлган. Ҳозирда Совуқ Урушдаги тарафкашликлар Ислом ва Православликка асосланган цивилизацияга йўл очмоқда. Болқон раҳбарлари Юнон-серб Болгар Православ альянсини кристаллаштириш ҳақида гапирмоқдалар. Греция бош вазирининг таъкидлашича, “Болқон урушлари православ алоқаларининг акс садосини юзага келтирди. Бу риштадир. У турғун эди, бироқ Болқондаги ўзгаришлар билан у қандайдир ҳақиқий моҳиятни ўзлаштирмоқда эди. Жуда ўзгарувчан дунёда одамлар ўзига хослик ва хавфсизликни қидирадилар. Одамлар номаълум кучлардан ўзларини ҳимоя қилиш учун илдизлар ва алоқалар излайди”. Бу каби қарашлар Сербиядаги асосий муҳолифат партияси раҳбари томонидан ҳам акс садо берди: “Жануби-Шарқий Европадаги вазият тез орада Исломнинг бостириб киришига қарши туриш учун Сербия, Болгария ва Грецияни ўз ичига олган янги Православ мамлакатларининг Болқон Иттифоқини шакллантиришни талаб қилади”. Шимолни олиб қарасак, православ Сербия ва Руминия католик Венгрияси билан умумий муаммоларни ҳал қилишда яқиндан ҳамкорлик қилишади. Совет таҳдидининг йўқолиши билан Греция ва Туркия ўртасидаги “ғайритабiiй” иттифоқ деярли маъносиз бўлиб қолади, чунки улар ўртасидаги Эгей денгизи, Кипр, ҳарбий салоҳиятлари, уларнинг НАТО ва Европа Иттифоқидаги роли, шунингдек АҚШ билан муносабатларига доир зиддиятлар кучаймоқда. Туркия Болқон мусулмонларининг ҳимоячиси сифатидаги ролини яна бир бор тасдиқлайди ва Боснияни қўллаб-қувватлайди. Собиқ Югославияда Россия православ Сербияни, Германия католик Хорватиясини, мусулмон мамлакатлари Босния ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда, серблар эса хорватиялик, босниялик ва албаниялик мусулмонларга қарши курашмоқда. Умуман олганда, Болқон яна бир бор диний йўналишлар бўйича Болқонлаштирилди. Миша Гленнининг таъкидлашича, “Иккита куч пайдо бўлмоқда – бири шарқий православлик кийимини кийган, бири исломий либосда. Бу “Белград / Афина ва Албания / Турк иттифоқи ўртасидаги таъсир учун курашиш”ни кенгайтирмоқда. Собиқ Совет Иттифоқида православ Беларус, Молдова ва Украина Россиянинг

ортидан бормоқда, рус ва турк қариндошлари арманлар ва озарбайжонларни кўллаб-қувватлашга ва низони бостиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда улар бир-бирлари билан жанг қилмоқда. Россия армияси Тожикистондаги мусулмон фундаменталистлар ва Чеченистондаги мусулмон миллатчиларга қарши курашмоқда. Собиқ Иттифоқдаги мусулмон республикалар ўзаро иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг турли шакллари ривожлантиришга ва мусулмон кўшнилари билан алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган пайтда Туркия, Эрон ва Саудия Арабистони ушбу янги давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилоқдалар.

Ҳиндихитойда Покистон ва Ҳиндистон ўртасида Кашмир ва жанговор мувозанат сабаб кескин келишмовчиликлар давом этарди. Кашмирда қон тўкилиши кучаяди ва Ҳиндистонда мусулмонлар ва ҳинду фундаменталистлари орасида янги можаролар пайдо бўларди.

Олти ҳил цивилизация истиқомат қилаётган Шарқий Осиёда қуролланиш пойгаси кучаяди ва ҳудудий тортишувлар авж олади. Учта “кичик Ҳитой” – Тайван, Хонг Конг ва Сингапур, ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳорижий Ҳитой ҳамжамиятлари кўпроқ “материк”га эътибор қаратишади, у билан ҳамкорлик қилишади ва унга боғлиқ бўлиб қолишади. Икки Корея эса, иккиланиб, аммо бирлашиш сари тўғри ҳаракатланишади. Жануби-шарқий давлатларда ўзаро алоқалар бир томондан мусулмонлар, бошқа тарафдан эса хитой ва насронийлар билан янада кескинлашади ва зҳравонликка қадар боради.

Лотин Америкасидаги – Меркосур, Жаҳаннам битими, Учлик битими (Мексика, Колумбия ва Венесуела), Марказийамерика Умумий бозори янги ҳаётга қадам қўяди. Шу билан бирга Европа иттифоқлиги яққол намоиш эта олган, фақат маданий ҳамжамиятга асосланган иқтисодий интеграция анча тезроқ ва давомий бўлишини исботлайди. Бир вақтнинг ўзида Қўшма Штатлар ва Канада Мексикани Шимолий Америка мустақил савдо ҳудудига қўшишга ҳаракат қилади, ва бу жараён маваффақияти Мексиканинг маданий жиҳатдан бир тўхтамга келишига ва Лотин Америкасидан Шимолий Америкага ўтишига боғлиқ бўлиб қолади.

“Совуқ уруши” пайти тугаши билан дунё мамлакатлари эски зиддиятларни ва келишувларни қайтара бошлашади. Мамлакатлар фаоллик билан умумийликни излашади ва шу умумийликни бир хил маданият ва цивилизацияга эга бўлган давлатлардан топишади. Сиёсатчилар чақиришади, одамлар эса ўзларини давлатлар чегараларидан ошадиган “катта” ёки буюк (“катта”) маданий умумийликка тенглаштиришади. Бундай умумийликлар орасига “Буюк Сербия”, “Буюк Ҳитой”, “Буюк Туркия”, “Буюк Венгрия”,

“Буюк Хорватия”, “Буюк Озарбайжон”, “Буюк Россия”, “Буюк Албания”, “Буюк Эрон” ва “Буюк Ўзбекистон” киради.

Сиёсий ва иқтисодий иттифоқлар ҳар доим ҳам маданий ва цивилизацион иттифоқлар билан мос кела оладими? Албатта йўқ. кучлар мувозанати масалалари вақти вақти билан цивилизациялараро иттифоқларга олиб келади. Худди Франц I Габсбургларга қарши Оттоман империяси билан иттифоққа киришгани каби. Бундан ташқари бир давр давлатлари фойдасига хизмат қилиш учун ташкил топган битимлар модели кейинги даврда ҳам қолади. Эҳтимол битимлар кучсизроқ ва камроқ аҳамиятга эга бўлиб қолади, ва балки янги давр талабларига мослашишларига тўғри келади. Греция ҳамда Туркия шубҳасиз НАТО аъзолари бўлиб қолади, аммо уларнинг бошқа НАТО аъзолари билан алоқалари эҳтимол заифлашади. Қўшма Штатларнинг Япония ва Корея билан келишувлари, Исроил билан де-факто келишуви, ҳамда Покистон билан хавсизлик масаласидаги келишувлари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Кўп маданиятли ЖШОМА (Жануби Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси) каби халқаро ташкилотлар бирдамликни ушлаб туришда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. “Совуқ уруш” вақтида турли давлатлар шериги бўлган Ҳиндистон ва Покистон каби давлатлар, эндиликда ўз манфаатларини янгидан аниқлай олади ва воқеъликда замонавий сиёсатни кўрсата оладиган янги иттифоқликни излай олади. Совет таъсирига зид равишда кўрсатилган Ғарб ёрдамига мухтож бўлиб қолган Африка мамлакатлари, энди раҳнамолик ва ёрдам сифатида ЖАРга кўпроқ қарайди.

Нега маданий умумийлик одамлар орасида ҳамкорлик ва бирдамликни енгиллаштиради, маданий фарқ эса ажралиш ва келишмовчиликларга сабаб бўлади?

Биринчидан, ҳар кимда бир-бирини тўлдириб турувчи ёки рақобатдош бўладиган бир қанча ўхшашлик мавжуд, масалан: қарндошлилик, касбдошлик, маданият ўхшашлиги, институцион, худудий, илмий, диний, ғоявий ва хоказо. Бир даражадаги ўхшашликлар бошқа даражадагилари билан тўқнаш келиши мумкин. Классик ҳолат: 1914 йилда немис ишчи гуруҳлари халқаро пролетариат билан синфий ўхшашлиги ҳамда ўзларининг немис халқи ва империяси билан миллий ўхшашлигидан бирини танлашига тўғри келган. Замонавий дунёда бошқа йўналишдаги ўхшашликлардан айнан кўра маданий ўхшашлик кўпроқ аҳамият касб этади.

“Юзма-юз” алоқаларнинг ҳар бир йўналишида ўхшашлик энг муҳим аҳамиятга эга. Армия офицери ўзини рота, полк, бўлинма ва қўшин турига қараб ажратиши мумкин. Худди шундай ҳар бир инсон ўзини қавми, этник гуруҳи, миллати, дини ва цивилизациясига қараб аниқлаб олиши мумкин. Маданий умумийликнинг паст даражада ўсиши унинг аҳамиятини юқори

даражада ошириши мумкин. Берк таъкидлаганидек, “Айнан мана шу ҳолат сабаб бутунликка бўлган муҳаббат сўнмайди... Бўлинмаларга боғланиб қолиш, жамиятда биз тегишли бўлган ўша кичик взводни севиш – ўз халқига бўлган муҳаббатнинг биринчи принципи (куртаги) ҳисобланади”. Маданият муҳим бўлган дунёда, взводлар бу – қабилалар ва этник гуруҳлар, полклар – халқлар, армия эса – цивилизациядир. Дунё бўйлаб одамларнинг **маданият** белгиларига қараб бўлинишининг кўпайиши, маданий гуруҳлар орасидаги келишмовчиликлар янада каттароқ аҳамият касб этишини англатади. Цивилизациялар – энг катта даражадаги маданий бутунлик. Шунинг учун ҳам турли цивилизациялар орасидаги келишмовчиликлар глобал сиёсат марказида туради.

Иккинчидан, 5 ва 4 бобларда кўрсатилгандек, аҳамиятнинг ортиши, одатий устунларнинг бузилиши ва бегоналашиш сабаб аҳамиятлироқ ўхшашликлар излашга зарурият пайдо бўлиши индивидуал даражадаги ижтимоий-иқтисодий модернизация натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари ғарбий бўлмаган жамиятларнинг кучи ва таъсирининг ўсиши маҳаллий ўхшашликлар ва маданиятлар пайдо бўлишига туртки бўлади.

Учинчидан, ҳар қандай даражадаги шахсият — қабилавий, ирқий, цивилизацион бўлсин — фақатгина “бошқа”, бошқа шахс, қабила, ирқ ёки цивилизация билан белгиланиши мумкин. Тарихдан маълумки, давлатлар ёки бир хил цивилизациянинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар турли цивилизациялар субъектлари ўртасидаги муносабатлардан фарқ қилган. Алоҳида кодекслар “бизга ўхшаган” ва “ваҳший”(барбарлар- бегона қабила вакиллари) бўлганларга нисбатан муносабатларни тартибга солган. Христиан олами халқларининг бир-бирлари билан муносабатлари, турклар ва бошқа “мажусийларга” нисбатан муомала қоидаларидан фарқ қиларди. Мусулмонлар Дар-ислом ва Дар-ҳарб аҳлига турлича муносабатда бўлишарди. Хитойликлар хитойлик чет элликларга ва хитойлик бўлмаган чет элликларга фарқли муносабатда бўлишарди. Маданийлашган “биз” ва маданийлашмаган “улар” инсоният тарихида доимий ҳодиса бўлиб келган. Цивилизация ва цивилизациялашмаган хатти-ҳаракатлардаги ушбу тафовутлар қуйидагилардан келиб чиқади:

1. Ғайриоддий деб қабул қилинадиган халқларга нисбатан устунлик (ва баъзан пастлик) ҳисси;
2. Шу каби инсонлардан кўрқиш ва ишончнинг етишмаслиги;
3. Тил ва фуқаролик хулқ-атвори деб ҳисобланадиган тафовутлар натижасида улар билан алоқа қилишдаги қийинчиликлар;
4. Бошқа одамларнинг тахминлари, мотивациялари, ижтимоий муносабатлари ва ижтимоий амалиётлари билан етарлича таниш эмаслик.

Бугунги дунёда транспорт ва алоқа соҳасидаги яхшиланишлар турли цивилизация халқлари орасида шиддатли, қизғин, кўпроқ носимметрик ва кенгрок қамраб олувчи ўзаро муносабатларни келтириб чиқарди. Натижада уларнинг цивилизация идентификаторлари тобора кўтарилиб борди. Французлар, немислар, белгияликлар ва голландлар тобора ўзларини европалик деб ҳисоблай бошлашди. Яқин Шарқ мусулмонлари боснияликлар ва чеченларни қўллаб-қувватлади. Шарқий Осиёдаги хитойликлар ўз манфаатларини материкнинг манфаатларига мослаштирадilar. Руслар серблар ва бошқа православ халқлари билан бирга тилга олинадиган бўлди ва уларни қўллаб-қувватладilar. Ушбу цивилизация идентификациясининг кенгрок даражаси цивилизация фарқларини чуқур англаш ва “бизни” “улардан” ажратиб турадиган нарсдан химоя қилиш зарурлигини англатди. Тўртинчидан, давлатлар ва турли цивилизациялар гуруҳлари ўртасидаги можаронинг манбалари, кўп жиҳатдан, ҳар доим гуруҳлар ўртасида тўқнашувларни келтириб чиқарган: одамлар, ҳудудлар, бойлик ва манбаларни бошқариш ва нисбий ҳокимият учун, яъни одамларни мажбурлаш қобилияти. Ўзингизнинг қадриятларингизни, маданиятингизни ва бошқа гуруҳингиздаги муассасаларни ушбу гуруҳнинг сизга буни қилиш қобилиятига нисбатан. Маданий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар маданий муаммоларни ҳам қамраб олиши мумкин. Марксизм-ленинизм ва либерал демократия ўртасидаги дунёвий мафкурадаги тафовутлар ҳал қилинмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда муҳокама қилиниши мумкин. Моддий қизиқишдаги тафовутлар борасида музокаралар олиб борилиши ва кўпинча маданий муаммоларнинг ечими бўлмаганидан фарқли ўларок мурасага келтирилиши мумкин.

Голландлар тобора кўпроқ ўзларини европаликлар деб ўйлашади. Яқин Шарқ мусулмонлари боснияликлар ва чеченларни қўллаб-қувватламоқда. Шарқий Осиёдаги хитойликлар ўз манфаатларини материкнинг манфаатларига мослаштирадilar. Руслар серблар ва бошқа православ халқлари билан ўхшашликга эга ва уларни қўллаб-қувватлайдилар. Ушбу цивилизация идентификатсиясининг кенгрок даражаси цивилизация фарқларини чуқур англаш ва "бизни" "улардан" ажратиб турадиган нарсани химоя қилиш зарурлигини англатади. Тўртинчидан, давлатлар ва турли цивилизациялар гуруҳлари ўртасидаги можаронинг манбалари, кўп жиҳатдан, ҳар доим гуруҳлар ўртасида тўқнашувларни келтириб чиқарган буларга: инсонларни назорат қилиш, ҳудуд, бойликлар, моддий манбалар ва нисбий ҳокимият, яъни ўз кучларини ўзингизнинг қадриятларингизни, маданиятингизни ва бошқа гуруҳингиздаги муассасаларни ушбу гуруҳнинг сизга буни қилиш қобилиятига нисбатан қарши қудрат. Маданий гуруҳлар

Ўртасидаги зиддият маданий масалаларни ҳам қамраб олиши мумкин. Марксист-ленинизм ва либерал демократия ўртасидаги дунёвий мафкурадаги тафовутлар ҳеч бўлмаганда ҳал қилинмаса, муҳокама қилиниши мумкин. Моддий қизиқишдаги тафовутларда музокаралар олиб борилиши ва кўпинча маданий муаммоларда кузатилмайдиган муросага келиш орқали натижага эришиш мумкин. Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида Аёдияда маъбад ёки масжид қурилиши керакми ёки масжид ҳам, маъбад ҳам бўлган ибодатхонани барпо қилиш керакми, деган масалани ҳал қилиш қийин. Шунингдек, Албания мусулмонлари ва православ серблар ўртасида Косовога оид ёки яҳудийлар ва араблар ўртасида Қуддусга оид тўғридан-тўғри ҳал қилинадиган муаммо осон ҳал қилиниши мумкин, чунки ушбу ҳудудлар ҳар иккаласининг халқи учун чуқур тарихий, маданий ва ҳиссий маънога эга. Шунга ўхшаш, на Франция ҳукумати ва на мусулмон ота-оналар мактаб ўқувчиларига ўқув йили давомида ҳар куни кун бўйи мусулмон либосларини кийишга имкон берадиган муросани қабул қилишмайди. Бу каби маданий саволларга «ҳа» ёки «ёқ» дейиш мумкин ёки «нол» миқдоридаги танлов имконияти ҳам бўлиши мумкин. Бешинчиси ва ниҳоят, можаронинг мавжудлиги. Нафратланишга сабаб одамнинг мавжудлиги. Ўз-ўзини аниқлаш ва уларга мотиватсия бериш учун одамларга душманлар керак: бизнесдаги рақиблар, муваффақиятга эришиш учун рақиблар, сиёсатдаги рақиблар. Улар табиий равишда ишончсиз бўлиб, бошқалардан ажралиб турадиганларга зарар етказиш қобилиятига эга таҳдид сифатида қарашади. Битта можарони ҳал қилиш ва битта душманнинг ёқ бўлиб кетиши янгиларини келтириб чиқарадиган шахсий, ижтимоий ва сиёсий кучларни келтириб чиқаради. "Биз" ва "улар" қарама-қаршилиги тенденцияси Али Мазруи таъкидлаганидек "сиёсий майдонда деярли ҳамма учундир". Замонавий дунёда "улар" бошқа цивилизацияга мансуб одамлар бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Совуқ урушнинг тугаши можароларга барҳам бермади, аксинча маданиятда шаклланган янги ўзига хосликлар ва турли маданият гуруҳлари ўртасида энг кенг миқёсда цивилизация бўлган тўқнашувнинг янги шакллари келтириб чиқарди. Шу билан бирга, умумий маданият, шунингдек, ушбу маданиятни баҳам кўрган давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам рағбатлантиради, буни мамлакатлар ўртасида, айниқса иқтисодий соҳада минтақавий бирлашма пайдо бўлишида кўриш мумкин.

Натижада, мақсад ва ёш муҳим рол ўйнаса-да, минтақавий ташкилотларнинг умумий самарадорлиги уларнинг аъзолиги цивилизация турфалиги билан аксинча фарқ қилади. Умуман олганда, ягона цивилизация ташкилотлар кўпроқ иш қилишади ва мультицивилизация ташкилотларга қараганда анча муваффақиятли ҳисобланади. Бу, бир томондан, сиёсий ва хавфсизлик

ташкiлотлари, бошқа томондан, иқтисодий ташкiлотлар борасида ҳам ўринли. НАТОнинг мувафакқияти- умум кадриятлар ва фалсафий гипотезалари бўлган Ғарбий мамлакатларнинг марказий хавфсизлик ташкiлоти эканлиги натижасидир. Ғарбий Европа Иттифоқи умумий Европа маданияти маҳсули. Бошқа томондан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкiлоти аҳамиятли институционал ўзига хослик ва кенг қамровли муҳим чора-тадбирларни ривожлантириш йўлида катта тўсиқлар келтириб чиқариши мумкин бўлган бир қанча фарқли кадрият ва қизиқишларга эга бўлган камида 3 та цивилизацияга мансуб мамлакатларни ўз ичига олади. Инглиз тилида гаплашадиган собиқ 13 та Британия мустамлакасида ташкiл топган ягона цивилизация Кариб Ҳамжамияти (САРИСОМ) суб-гуруҳлар орасида интенсив ҳамкорлик билан биргаликда экстенсив кооператив чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Кариб ҳавзасидаги Англо-Испан тилидаги ёрликлар чизиғини бир-бир билан боғлаб турадиган кенг Кариб ташкiлотларини яратиш бўйича ҳаракатлар мувафакқиятсиз якунланди. Худди шундай 1985 йилда ташкiл этилган ва 7 та ҳинду, мусулмон ва буддист давлатларини қамраб олган Жанубий Осиё Минтақавий Ҳамкорлик Ассоциацияси деярли самарасиз бўлиб қолди, ҳаттоки йиғилишлар ўтказа олмаслик даражасигача бўлган. 3 Маданиятнинг минтақачилик (регионализм) билан алоқаси иқтисодий интеграцияси жиҳатидан ҳам аниқ. Энг оддийидан то мураккабигача қарайдиган бўлсак, мамлакатлар ўртасида иқтисодий бирлашишнинг тан олинган 4 даражаси:

1. Эркин савдо ҳудуди; 2. Божхона иттифоқи; 3. Умумий бозор; 4. Иқтисодий иттифок

Европа Иттифоқи умумий бозор ва иқтисодий иттифокнинг кўплаб элементлари билан интеграцион йўлда олдинлаб кетди. Нисбатан бир хил (ўхшаш) Меркосур ва Анд Пакт мамлакатлари божхона иттифоқини ташкiл этиш жараёнида эдилар. Осиёда кўп маданиятли АСЕАН фақат 1992 йилда эркин савдо ҳудудини ривожлантиришга киришди. Бошқа кўпмиллатли ташкiлотлар ундан орқада қолишди. 1995 йилда, НАФТАни истисно қилганда, бирон бир ташкiлот иқтисодий интеграциянинг бошқа бирор экстенсив шаклини эркин савдо ҳудудичалик яратмаган эди. Ғарбий Европа ва Лотин Америкасидаги маданий умумийлик ҳамкорлик ва минтақавий ташкiлотни ривожлантиради. Ғарбий Европаликлар ва Лотин Америкаликлар уларнинг кўп ўхшаш жиҳатлари борлигини билишади. Шарқий Осиёда бешта цивилизация мавжуд (агар Россия қўшилган бўлса, олтита). Шундай қилиб, Шарқий Осиё умумий цивилизацияга асосланмаган мазмунли ташкiлотларни ривожлантириш учун синов даври ҳисобланади. 1990 йилларнинг бошларига келиб, Шарқий Осиёда НАТО билан таққосланадиган ҳеч қандай хавфсизлик

ташкilotи ёки кўп томонлама ҳарбий иттифоқ мавжуд эмас эди. АСЕАН кўп маданиятли минтақавий ташкilotи 1967 йилда битта Синик, битта буддист, битта насроний ва иккита мусулмон аъзо давлатлар билан тузилган бўлиб, уларнинг барчаси коммунистик исён ва Шимолий Ветнам ва Хитойнинг потенциал курашчиларига қарши курашган. АСЕАН кўпинча самарали кўп маданиятли ташкilotнинг намунаси сифатида тилга олинади

АСЕАН кўп маданиятли минтақавий ташкilot бўлиб, 1967 йилда бир хитойлик, бир буддист, бир насроний ва икки мусулмон мамлакатлар ўртасида тузилган бўлиб, улар Шимолий Ветнам ва Хитойнинг коммунистик кўзғолонлари ва кутилажак ғалаёнларининг фаол муаммоларига дуч келдилар. АСЕАН самарали кўп маданиятли ташкilotнинг ёрқин намунаси сифатида тилга олинади. Бироқ, у бундай ташкilotларнинг чекланганлиги мисолидир. Бу ҳарбий иттифоқ эмас. Гарчи баъзида ҳарбийлар икки томонлама ҳарбий ҳамкорликни амалга оширсалар-да, улар ҳарбий бюджетларини кенгайтиришда ва ҳарбий кучни оширишда давом этишмоқда, бу Ғарбий Европа ва Лотин Америкасидаги давлатлар ўртасидаги келишувлардан кескин фарқ қилади. Иқтисодий жабҳада, АСЕАН дастлаб “иқтисодий интеграцияга эмас, балки иқтисодий ҳамкорликка” эришиш ниятида эди ва натижада регионализм “камтар суръатда” ривожланди ва ҳатто ХХИ асрга қадар эркин савдо зонаси ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. 1978 йилда АСЕАН вазирлик конференциясини яратди. Унда ташқи ишлар вазирлари ва уларнинг мулоқот шериклари вакиллари: АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Корея ва Европа ҳамжамияти вакиллари билан учрашишлари мумкин. Бироқ, Вазирлик конференцияси икки томонлама музокаралар учун асосий форум бўлиб, “ҳар қандай муҳим хавфсизлик муаммоларини” ҳал қила олмади. 1993 йилда АСЕАН янада каттароқ аренани — АСЕАНнинг минтақавий форумини яратди, унинг таркибига Россия, Хитой, Ветнам, Лаос ва Папуа-Янги Гвинея аъзо ва мулоқот шериклари кирди. Бироқ, номидан кўриниб турибдики, ушбу ташкilot жамоавий ҳаракатлар эмас, балки жамоавий мунозарали жой эди. Кенгаш аъзолари 1994 йил июл ойида биринчи йиғилишидан “минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ўз нуқтаи назарларини билдириш учун” фойдаланишган, аммо улар мунозарали мавзулардан қочишга муваффақ бўлишган, чунки битта расмий шахс айтганидек, агар улар кўтарилган бўлса, “тегишли иштирокчилар бир-бирига хужум қилишни бошлайдилар. дўст АСЕАН ва унинг авлодлари кўп маданиятли минтақавий ташкilotларга хос бўлган чеклашлар тўғрисида гувоҳлик беришади. Шарқий Осиёдаги муҳим минтақавий ташкilotлар Шарқий Осиёнинг маданий ҳамжамияти уларни қўллаб-қувватлаш учун

етарли бўлсагина пайдо бўлади.Шубҳасиз, Шарқий Осиё жамиятларида уларни Фарбдан ажратиб турадиган умумий хусусиятлар мавжуд.Малайзия Бош вазири Маҳатҳир Муҳаммад бу ўхшашликлар бирлашиш учун асос яратади ва Шарқий Осиё иқтисодий ассамблеясини ташкил этишга ҳисса кўшади, дея таъкидлайди.Унга АСЕАН, Мянма, Тайван, Гонконг, Жанубий Корея ва энг муҳими, Хитой ва Япония киради.Маҳатҳирнинг таъкидлашича, бу ассамблея умумий маданиятдан келиб чиққан.”Буни нафақат географик гуруҳ сифатида, балки Шарқий Осиёда жойлашган маданий гуруҳ сифатида ҳам ҳисоблаш керак.Шарқий осиеликлар япон, корейс ёки индонезиялик бўлиши мумкин бўлса-да, уларда баъзи маданий ўхшашликлар мавжуд.Европаликлар бирлашадилар, Америкаликлар бирлашадилар.Биз осиеликлар ҳам бирлашишимиз керак. “Унинг шерикларидан бири таъкидлаганидек, унинг мақсади ”бу ерда Осиёга ўхшаш мамлакатлар билан минтақавий савдо“ ни кенгайтиришдир.Шундай қилиб, ассамблеянинг асосий мақсади иқтисодиёт маданиятига риоя қилишдир.Австралия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатлари маданий жиҳатдан Осиёга яқин бўлмаганлиги сабабли ундан чиқариб ташланган.

Аммо, Шарқий Осиё Иқтисодий Гуруҳининг муваффақияти жуда кўп жиҳатдан унда Хитой ва Япониянинг иштирокига боғлиқ. Маҳатҳир японларни бу гуруҳга кўшилиши учун даъватлар қилди: “Сизлар бу геомаданий фактни инкор этолмайсиз. Сизлар шу ерга тегишлисиз” деди. Япония эса бир томондан у АҚШга қарши чиқиб қолишини, иккинчи томондан ўзи Осиёга тегишлилиги тан олиш-олмаслигини устида иккиланиб, ШОИГга киришни истамади. Агар Япония ШОИГга кирганида, унда етакчилик қилган бўларди, бу эса Гуруҳ аъзоларида кўрқув ва ишончсизлик, Хитой томонидан эса кучли қаршилик туғилишига сабаб бўларди. Япония бир неча йиллар давомида Европа Иттифоқи ва НАФТА билан мувозанатни таъминлаш мақсадига эга “Ен блоки” тузиш масаласида кўплаб учрашувлар ўтказди. Аммо, Япония шундоқ ҳам санокли бўлган кўшнилари билан ҳам етарли маданий алоқаларга эга бўлмаган ёлғиз давлат бўлгани учун 1995 йилгача ҳали ҳеч қандай ен блоки вужудга келмади. АСЕАН секин олдинлаб борган даврда, ен блоки орзулигича, Япония иккиланганича, ШОИГ эса ривож топмаганича қолди, аммо Шарқий Осиёда иқтисодий муносабатлар жадал ривожланди. Бу ривожланиш Шарқий Осиёдаги хитойликлар жамиятларининг маданий алоқалари атрофида шаклланди. Бу алоқалар, ўз навбатида, марказда Хитой бўладиган халқаро иқтисодиётнинг давомли норасмий интеграциясини вужудга келтирди. У кўп жиҳатдан Ҳансеатик Лигага ўхшаб кетади ва де-факто Хитой умумий бозори пайдо бўлишига туртки бўлиши мумкин. Бошқа жойларда бўлгани каби,

Шарқий Осиёда ҳам мукаммал иқтисодий интеграциянинг асосий шартини маданий умумийлик ҳисобланади. “Совуқ уруш”нинг тугаши янгилик яратишга ва минтақадаги эски иқтисодий ташкилотларни яна жонлантиришга бўлган ҳаракатларни кучайтирди. Давлатларнинг бундай ҳаракатларда муваффақиятга эришиши асосан уларнинг маданий гегемонлик даражасига боғлиқ бўлади. Шаймон Перезнинг 1994 йилдаги Яқин Шарқда умумий бозор режаси бир муддат “чўлдаги сароб”лигича қолиши мумкин. “Араб дунёси” эса, бир араб амалдори айтганидек, “Исроил қатнашадиган бўлса, на ташкилот, на ривожланиш банки кўринишида юзага келиши керак эмас”. Кариб жамиятларини Гаити ва испан тилида сўзлашувчи бошқа давлатлар билан боғлаш мақсадида 1994 йилда тузилган Кариб Давлатлари Ассоциацияси амалда турли аъзо давлатлардаги тил ва маданий тўсиқларни енгиб ўтишда, собиқ Британия мустамлакасидаги давлатларнинг ўзбошимчалиги ва АҚШга томонига ён босишига қаршилик қилишда айтарлик муваффақиятга эришолмаяпти. Маданий гегемонлик мавжуд бўлган бошқа ҳаракатлар эса самарали фаолият юритмоқда эди. Гарчи, турли цивилизация чизиклари билан ажратилган бўлса ҳам, Покистон, Эрон ва Туркия 1977 йилнинг сўниб бораётган Ривожланиш учун Минтақавий Ҳамкорлик ташкилотини қайта номлаб, 1985 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига асос солдилар. Келишувлар кейинчалик тарифлар ва бошқа турли кўрсаткичлар камайишига эриша олди ҳамда 1992 йилда Афғонистон ва Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган бошқа олти Мусулмон давлатини ўз сафига кўшиб олди. Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг Собиқ Иттифоқда бўлган беш давлати 1991 йилда умумий бозор тузишга келишиб олди, 1994 йилда эса икки йирик давлат – Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро “Товар ва хизматлар ҳамда капиталнинг эркин айланиши”га, қолаверса, фискал, монетар ва тариф сиёсатларини биргаликда белгилашга келишиб олди. 1991 йилда Бразилия, Аргентина, Уругвай ва Парагвай иқтисодий интеграциянинг нормал босқичларидан тезлик билан ўтиб, “Меркосур” ташкилотига бирлашди ва 1995 йилгача қисман божхона келишувига эришди.

1991 йили нормал иқтисодий интеграция жараёнларидан сакраб ўтиш мақсадида Бразилия, Аргентина, Уругвай ва Парагвай Мерсосурга кўшилишди, ва 1995 йилга келиб улар орасида қисман божхона иттифоқига ҳам ўрин топилди. 1990 йили ўсиш суръати паст бўлган Марказий Америка Умумий Бозори эркин савдо зоналарини яратди, 1994 йилда эса илгари пассив бўлган Анд гуруҳи давлатлари божхона иттифоқи тузишди. 1992 йил Юқориград давлатлари (Полша, Венгрия, Чехия, Словакия) Марказий Европа эркин савдо зонасини тузишга келишиб олишди, 1994 йилда

эса ушбу режани тезроқ амалга ошириш фойдасига, белгиланган реализация муддати қайта кўриб чиқилди.

Савдо муносабатларининг кенгайиши ортидан иқтисодий интеграция жараёнлари эргашиди, саксонинчи йиллар охири тўқсонинчи йиллар бошларига келиб ички регионал савдо минтақалараро савдодан кўра муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади.

1980 йилда Европа Иттифоқидан ташқарида бўлган савдо-сотик, Иттифоқнинг умумий савдо айланмаси миқдорининг 50,6 фоизини ташкил қилган бўлса, 1989 йилга келиб бу кўрсаткич 58,9 фоизга ўсди. Худди шу каби регионал савдо томонга силжишлар Шимолий Америка ва Шарқий Осиё сиёсатида ҳам кўзга ташланди.

Лотин Америкасида Мерсосури ташкил этилиши ва Анд пактини тикланиши, 1990 йил бошига келиб Лотин Америкасининг ички савдосини кучайишига хизмат қилди, 1990-1993 йиллар оралиғида Бразилия ва Аргентина савдо айланмаси уч баробарга, Колумбия ва Венесуэланики эса тўрт баробарга ошди.

1994 йилда Бразилия АҚШни сиқиб чиқариб, Аргентинанинг асосий савдо шеригига айланди. НАФТАнинг ташкил этилиши Мексика ва Қўшма Штатлар савдосини бироз ошишига хизмат қилди.

Шарқий Осиёдаги ички савдо, ташқи савдога нисбатан тез ўсди, лекин бу ўсишга Япониянинг ўз бозорларини ёпиқ тутиш одати тўсқинлик қилиб келаётган эди. Хитой маданияти зонаси давлатлари (АСЕАН, Гонгконг, Тайван, Жанубий Корея ва Хитой) орасидаги савдо 1970 йилдаги умумий савдо айланмасини 20 фоизини ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб ушбу кўрсаткич 30 фоизга кўпайди, Япониянинг ушбу бозорлардаги улуши эса аксинча 23 дан 13 фоизга пасайди. 1992 йилда хитой зонаси давлатларининг, айнан шу зонадаги бошқа давлатларга қилган экспорт ҳажми Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Европа Иттифоқига қилинган экспорт ҳажмидан ҳам ошиб кетди.

Ноёб давлат ва цивилизация сифатида Япония Шарқий Осиё билан иқтисодий алоқалар ўрнатишда, Қўшма Штатлар ва Европа билан иқтисодий тафовутларни ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келди.

Япониянинг бошқа Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотик ва инвестицион алоқалари қанчалик кучли бўлмасин, унинг Хитой иқтисодий элиталаридан ва бошқа давлатлардан маданият жиҳатидан кескин фарқ қилиши, унга НАФТА ёки Европа Иттифоқи каби ташкилот тузиб, унинг лидери бўлишига халақит бермоқда.

Шу билан бирга Япониянинг Ғарбдан маданий фарқи, Кун чиқар давлатнинг Қўшма Штатлар ва Европа билан муносабатларидаги тушунмовчилик ва антагонизмни янада кескинлаштирмоқда.

Агар иқтисодий интеграция маданий умумийликка боғлиқ бўлса (бу эса кўриниб турганидек, айнан шундай), маданий алоқаларда яққаланиб қолган Японияни яққаланган иқтисодий келажак кутмоқда.

Ўтмишда, миллатлар савдо модели, миллатлар ўртасидаги альянс моделига эргашган ва уни такрорлаган. Ривожланаётган дунёда маданий алоқалар савдо-сотик структурасига ҳал қилувчи омил сифатида таъсир кўрсатади.

Бизнесменлар ўзлари тушунган ва ишонганлар билан шартномалар тузишади; давлатлар ўзаро ишонч негизида ташкил этилган, ўхшаш менталитетли мамлакатлар иттифоқларига қўшилиш учун ўз мустақилликларидан воз кечишади. Иқтисодий ҳамкорликнинг асосини маданий умумийлик ташкил этади.

Тамаддунлар тузилиши

Совуқ уруш даврида барча давлатлар икки қудратли держава – АҚШ ва СССР билан турли шаклда: иттифоқдош, сателлит, нейтрал ҳамкор ёки шунчаки бетарафлик муносабатида бўлишган. Совуқ урушдан сўнг дунёда давлатлар тамаддундаги ролига кўра иштирокчи давлат, ўзак давлат, яққа давлат, парчаланган давлат ва бўлинган давлатга ажралди. Қабила ва миллатларга бўлиниш нуқтаи назаридан тамаддунлар сисий аҳамият касб этади..

Иштирокчи давлат маданий жиҳатдан ўзини буткул битта тамаддун билан боғлайди. Мисол учун, Мисрдаги араб исломи тамаддуни ёки Италиядаги ғарбий Европа тамаддуни. Шунингдек, ўзини муайян бир тамаддун билан боғлайдиган, лекин бошқа тамаддун аъзолари устунрок бўлган давлатларда яшайдиганлар ҳам шу турга киради.

Ҳар бир тамаддун ўз маданиятини намоиш этадиган бир ёки бир неча манбаларга эга. Бундай манбалар сифатида қудратли ва маданий жиҳатдан марказлашган ўзак давлатларни кўрсатиш мумкин.

Турли тамаддунларда ўзак давлатларнинг роли ва миқдори фарқланиши мумкин. Япон тамаддуни ягона ўзак давлатга эга – Япония. Син, православ, ҳиндуийлик тамаддунлари эса мутлақ доминант бўлган ўзак давлатга ҳамда шу тамаддун билан ўзини боғлаган, лекин бошқа тамаддун вакиллари устунлик қиладиган давлатларда яшайдиган (чет элдаги хитойликлар, яқин хориждаги руслар, Шри-Ланкада ўрнашган тамиллар) иштирокчи давлатлар ва миллатларга эга.

Дастлаб бир неча ўзак давлатга эга бўлган Ғарбнинг ҳозир икки ўзаги мавжуд: Қўшма Штатлар ва Европадаги франко-германлар. Шунингдек, улар ўртасида қўшимча марказий куч – Буюк Британия ҳам бор. Исломи, Лотин Америкаси ва Африка эса ўзак давлатларга эга эмас. Буни уларнинг узоқ вақт ғарбий державалар томонидан мустамлака сифатида сақлаб келинганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ғарб мастамлакачилари Африка, Яқин Шарқни, ўтган асрда эса қисман Лотин Америкасини ҳам ўзаро бўлишиб олишган эди.

Исломининг ўзак давлатга эга эмаслиги нафақат мусулмонлар, балки мусулмон бўлганлар учун ҳам жиддий муаммо туғдиради. (Бу ҳақида 7-бобда тўхталиб ўтилган).

Лотин Америкаси масаласига келадиган бўлсак, Испания испан тилида сўзловчи давлатлар учун, ҳатто ибери тамаддуни учун ҳам ўзак бўла олиши мумкин эди. Аммо испан ҳукмрон доиралари Европа тамаддуни учун иштирокчи давлат бўлишни маъқул кўришди. Аммо бу орада ўзларининг собиқ колониялари билан маданий алоқаларни ҳам доимо ушлаб туришди.

Худуд, аҳоли, ресурслар омили, ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда, Лотин Америкаси учун Бразилия етакчи давлат бўла олади, деб айтиш мумкин. Катта эҳтимол билан шундай бўлади ҳам. Бироқ Лотин Америкаси учун Бразилия Исломи дунёсидаги Эрондек гап. Барча омилар уларнинг ўзак давлат бўлиши учун далил бўла олса-да, субтамаддуний фарқлар (Эрон учун диний, Бразилия учун лингвистик) бу жараёни қийинлаштиради. Лотин Америкасининг бир неча давлатлари – Бразилия, Мексика, Венесуэла, Аргентина ўзаро ҳамкорлик қилишади, ўз навбатида етакчилик учун рақобатлашишади ҳам.

Бу минтақадаги мураккаблик сабабларидан яна бири шуки, Мексика Лотин Америкасига хосликдан воз кечган ҳолда, Шимолий Америка андозасига тушиб олишга ҳаракат қилди. Чили ва бошқа давлатлар ҳам бу борада Мексикадан ўрнак олиши мумкин. Бунинг натижасида Лотин Америкаси тамаддуни уч ўзакка эга бўлган Ғарб тамаддунига қўшилиб кетиши ва унинг кўринишларидан бирига айланиб қолиши мумкин.

Африканинг Саҳройи Кабирдан қуйи қисмида бирон давлат етарлича салоҳиятга эга бўлса-да, етакчига айланиши имконияти оз, чунки бу худуддаги мамлакатлар француз тилли ва инглиз тиллига ажралган. Кот-д'Ивуар муайян муддат француз тилли Африка давлатлари орасида етакчи бўлди. Аммо Франциянинг ўзи ҳам маълум маънода француз Африкасининг ўзаги эди. Чунки Франция мустамлакалари билан улар мустақил бўлганидан сўнг ҳам яқин иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий алоқаларни ушлаб турган.

Инглиз тилли Африка мамлакатлари орасида етакчи бўлиш учун икки асосий номзод мавжуд. Худуд, ресурслар ва жойлашув жиҳатдан Нигерия ўзак

давлат бўлиши учун даъвогар бўла олади. Бироқ мамлакатдаги тамаддунлараро тарқоқлик, мисли кўрилмаган даражадаги коррупция, сиёсий мувозанатнинг йўқлиги, диктаторлик бошқаруви ва иқтисодий муаммолар бу масалани қийинлаштиради. Шунга қарамай, маълум жиҳатдан Нигерия бу ролни бажариб келган. Апартеид сиёсатидан тинч йўл билан чиқиб кетиш, кучли саноат, бошқа Африка давлатларига нисбатан юқори иқтисодий ўсиш, ҳарбий кудрат, сув ресурслари, оқ ва қора танлилар иштирокини бирдек қамраб олган сиёсий бошқарув тизими – бу омилларнинг бари Жанубий Африка Республикасини Жанубий Африканинг яққол етакчисига айлантирди. Шунингдек, бу омиллар натижасида ЖАР инглиз тилида сўзловчи Африка давлатлари, умуман минтақанинг Саҳройи кабирдан қуйи қисмида етакчи бўлиши эҳтимолини пайдо қилади.

Якка давлат бошқа жамиятлар билан маданий умумийликка эга бўлмайди. Мисол учун, Эфиопия. Бу давлатда эфиоп алифбосига асосланган амхар тилининг устунлиги, копт православиясининг етакчилиги, ўз империя тарихига эгаллиги ҳамда Ислом давлатлари қуршовида диний нуқтаи назардан яққалнағналиги бунинг сабабларидир. Гаити ҳам бир қанча омиллар натижасида якка давлатга айланиб қолган. Гаитининг элит қатлами анъанавий тарзда мамлакатнинг Франция билан маданий алоқаларини қўллаб-қувватлаб келган. Креол тили, вуду дини, кулларнинг инқилобий қадриятлари ва қонли тарих ҳам яққаланиш сабаблари қаторини тўлдиради. “Ҳар бир миллат ўзига хос, аммо Гаити мутлақо ўзгача ҳолат”, деган эди Сидни Минц.

Натижада, бу мамлакатнинг 1994 йилги инқирозида Лотин Америкаси давлатлари Гаитини минтақа муаммоси сифатида қабул қилишмади. Кубалик қочоқларга эшикларини очган ҳолда, гаитилик қочоқларни қабул қилиш ҳақида бош қотиришмади. “Лотин Америкасида Гаити шу минтақанинг давлати сифатида қабул қилинмайди. Мамлакат аҳолиси бошқа тилда сўзлашади. Уларнинг маданияти, этник илдизлари бошқа. Умуман, улар мутлақо бошшача”, деган эди сайланган, лекин ҳали ўз вазифасига киришмаган Панама Президенти.

Гаити Кариб ҳавзасининг инглиз тилида сўзловчи қора танлилар давлатларидан ҳам фарқ қилади. Шарҳлавчилардан бири “гаитиликлар Гернеда ёки Ямайка учун қанчалик бегона бўлишса, Айова ва Монтананинг аҳолиси учун ҳам шунчалик ёт”, деган эди. Гаити “ҳеч ким хушламайдиган кўшни”, унинг қадрдонлари йўқ.

Кўзга кўринган якка давлатлардан яна бири Япония. Ҳеч бир давлат бу мамлакатнинг ўзига хос маданиятини қабул қилмайди. Япон мигрантлари биронта давлатда аҳолининг сезиларли қисмини ташкил этмайди, улар борган жойларининг маданиятига сингиб кетмаган. Мисол учун, америкалик японлар.

Япониянинг ёлғизлангани сабабларидан яна бири шундаки, унинг маданияти ўта даражада яққаланиб қолган. Мамлакат бошқа ҳудудларга ҳам ёйиш ва шу орқали ўзга жамиятлар билан маданий алоқаларни йўлга қўйиш имконини берадиган насронийлик, Ислом каби универсал динга ёки либерализм, коммунизм сингари мафкурага эга эмас.

Деярли барча давлатлар турли таркибли, икки ва унлан ортиқ этник, ирқий ва диний гуруҳларга бўлинган. Бу ички гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ва конфликтлар кўплаб давлатларнинг сиёсатида муҳим рол ўйнайди. Бу фарқларнинг вақт ўтиши билан ўзгариб бориши ҳам мумкин. Давлатнинг ички гуруҳлари орасидаги ўзаро фарқларнинг катталиги оммавий қирғинга ёки давлатнинг мутлақо йўқ бўлишига ҳам олиб келиши эҳтимол. Бундай хавф, автоном бўлиш учун ҳаракат асосан маданий фарқлар географик жойлашувдаги номувофиқлик билан бирлашганда кузатилади. Агар маданият ва география бир-бирига мос тушмаса, геноцид ёки зўраки миграция орқали мувофиқликка эришилади.

Айни бир тамаддунга тааллуқли бўлган аниқ маданий гуруҳларга эга давлатлар бўлиниши (Чехословакия) ёки бўлиниш ёқасида бўлиши (Канада) мумкин. Бироқ чуқур бўлиниш катта гуруҳлар турли тамаддунларга тегишли бўлган давлатларда кузатилади. Бундай бўлиниш ва унинг оқибатида юзага келадиган таранглик (206-бет) натижасида битта тамаддунга тегишли бўлган асосий гуруҳ давлатни ўзининг сиёсий инструментига айлантириш, ўзининг тили, дини ва давлат белгиларини ўрнатиш ҳаракатида бўлади. Буни Ҳиндистон, Шри-Ланка, Малайзияда ҳиндлар, сингаллар ва мусулмонларнинг ҳаракати мисолида кўриш мумкин.

Тамаддунлари ўртасида дарз кетган давлатлар ўз бутунлигини сақлаб қолиши қийин кечади. Суданда ўн йиллар давомида шимолдаги мусулмонлар ва жанубдаги насронийлар ўртасида фуқаролик уруши кечган. Худди шундай цивилизацион бўлиниш Нигерия сиёсатида ҳам хавф солди, натижада катта уруш, тўнтариш, кўзғолон ва зўравонликнинг бошқа шакллари юзага чиқди. Танзанияда насроний минтақаси ва араб мусулмонлари жойлашган Занзибар ўртасидаги нифоқ шу даражага етдики, кўп жиҳатдан улар алоҳида давлатларга айланишди. Занзибар 1992 йилда махфий тарзда Ислом конференцияси ташкилотига қўшилди, бир йил ўтмай Танзаниянинг сиқуви остида ташкилотдан чиқишга мажбур бўлди. Насроний ва мусулмонлар ўртасидаги нифоқлар Кенияда ҳам конфликт кайфиятини келтириб чиқарган. Африка бурунида асосий аҳолиси насроний бўлган Эфиопия ва мусулмонлар кўпчиликини ташкил этувчи Эритрея 1993 йилда бир-биридан ажралди. Бироқ Эфиопияда оромий миллати орасида озчилик мусулмонлар ҳам қолиб кетди. Тамаддундаги фарқлар натижасида ажралган давлатлар сифатида яна

қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: Ҳиндистон (мусулмонлар ва ҳиндулар), Шри-Ланка (буддист сингаллари ва ҳинду тамиллар), Хитой (ханлар, тибет буддистлари, турк мусулмонлари), Филлиппин (насронийлар ва мусулмонлар) ҳамда Индонезия (мусулмонлар ва тимор насронийлари).

Ихтилофга сабаб бўлувчи маданиялар орасидаги фарқ кўпинча совуқ уруш даврида марксизм-ленинизм ғояларини ёқлаб чиққан авторитар коммунистик режим кучлари атрофида бирлашган, кейинчалик парчаланган давлатларда яққол сезилади. Коммунизмнинг ҳалокати мафқурани ҳам сиқиб чиқарди, Югославия ва собиқ иттифоқ кейинчалик алоҳида давлатларга айланган бўлақларга ажралиб кетди. Бу давлатлар ҳам тамаддун чизиғида бирлашди: Болтиқбўйи (протестант ва католик) давлатлари, православ ва мусулмон постсвет давлатлари, католик Словения ва Хорватия, қисман мусулмон Босния ва Герцоговина, православ Сербия, Черногория, Македония ва собиқ Югославия.

Турли тамаддунларга мансуб гурҳлардан шаклланган бирлашмаларда бўлинишнинг иккинчи босқичи кечади. Босния ва Герцоговина уруш орқали серб, мусулмон ва хорват секторига ажратилди. Хорватияда серблар ва хорватлар ўзаро уруш олиб боришди. Славян православни бўлган Сербия худудида албан мусулмонларидан иборат бўлган Косованинг тинч ҳолда мавжуд бўлиши сўроқ остида.

Собиқ совет республикаларида маданиятлар ўртасида катта ихтилофнинг пайдо бўлишига яна бир сабаб шундаки, совет ҳукумати алоҳида республикаларни ҳосил қилиш учун чегарларни ўзгартириб чиққан эди. Рус Қрими Украинага ўтиб кетди, арманларнинг Тоғли Қорабоғи эса Озарбайжонники бўлиб қолди. Россияда, хусусан, Шимолий Кавказ ва Волгабўйида озчилик мусулмонлар мавжуд. Эстония, Латвия, Қозоғистонда йирик рус жамоалари яшайди. Украина эса украин тилида сўзловчи миллий уния шимоли ва рус тилида сўзловчи православ жанубига ажралиб қолган. Буларнинг барчаси совет сиёсатининг натижасидир.

Парчаланган, икки ёки ундан ортиқ маданий гуруҳга бўлинган давлатда “биз ҳар хил миллатлармиз, ва турли ҳудудларга мансубмиз” деган қараш мавжуд бўлади. Итариш кучи уларни турли бўлақларга ажратади ва ўзи мансуб бўлган тамаддунга тотаяди.

Бўлинган давлат эса уни маълум бир тамаддунга боғлайдиган ягона ҳукмрон маданиятга эга бўлади. Давлат етакчилари эса бошқа тамаддунга интилишади. Улар “биз ягона миллатмиз, битта жойга мансубмиз, аммо бу жойни ўзгартиришни истаймиз”, дейишади. Парчаланган давлатдан фарқли ўлароқ бўлинган давлат одамлари кимликларини қабул қилишади, аммо ўзларининг қайси тамаддунга мансубликлари билан келиша олишмайди.

Бундай давлатларнинг аксарият етакчилари Камол Отатурк стратегиясини танлашади. Яъни улар ўз жамиятлари ғарбча бўлмаган маданиятдан ва институтлардан воз кечиши ҳамда Ғарбга бирлашиши кераклигини уқтиришади, бир вақтнинг ўзида ҳам модернизациялашув, ҳам ғарблашиш гоёсини илмгари суришади.

Россия Буюк Пётр даврида бўлинган мамлакат эди. Мамлакат олдида Ғарб тамаддунига қўшилиш керакми ёки Россиянинг ўзи Евроосиё православ тамаддунининг ўзагими, деган савол турибди. Бўлинган мамлакатнинг классик намунаси сифатида Мустафа Камолнинг давлатини кўрсатиш мумкин. 1920 йилдан бери Туркия модернизациялашиш, ғарблашиш ва шу орқали ғарбнинг бир бўлагига айланишга ҳаракат қиляпти.

Мексика қарийб икки юз йил давомида АҚШга қарши турди, ўзини Лотин Америкаси давлати сифатида намоиш этди. 1980 йилларда эса мамлакат етакчилари ўз давлатларини бўлинган давлат сифатида ўзгартиришди, Мексикани Шимолий Америка жамиятига мансуб дея ҳисоблай бошлашди.

Австралия расмий доиралари эса акинча:1990 йиллардан бошлаб Ғарбдан узоқлашиш, Осиёнинг бир бўлагига айланиш, шу орқали “тескари бўлинган мамлакат” бўлишга интилмоқда.

Бўлинган мамлакатни ики феномен асосида аниқлаш мумкин. Уларнинг етакчилари ўзларини икки маданият ўртасидаги “кўприк” деб билишади. Мутахассислар эса уларни иккиюзли Янусга менгзашади: “Россия ҳам ғарбга, ҳам Шарққа кўз тикипти”. “Туркия: Шарқ ёки Ғарб. Қайси бири яхшироқ?” “Австралия национализи: бўлинган садоқат”. Бундай саволлар мамлакатларнинг ўзига хослигини аниқлаши борасидаги муаммоларини ифодалайди.

Россия

Ўтган асрнинг сўнгги қисмида Мексика бир неча йиллар давомида бўлинган мамлакат бўлиб келди, Туркия эса бу ҳолатни бир неча ўн йилликлар давомида бошдан кечирди. Россия бўлса бир неча юз йиллардан бери бўлинган, аммо, шу билан бирга, у Мексикадан ёки Туркия республикасида фарқли ўлароқ асосий тамаддунининг ўзак давлати ҳам саналади. Агар Туркия ва Мексика Ғарб тамаддунига ўтиб кетса, бунинг Ислом ва Лотин Америкасига таъсири сезиларсиз ва заиф бўлади. Бироқ Россия ғарблашса, православ тамаддуни йўқолади.

Совет Иттифоқининг таназзули руслар орасида Россиянинг ғарб билан муносабатлари борасида кескин баҳсларни келтириб чиқарди.

Россиянинг Ғарб тамаддуни билан ўзаро муносабатларини тўрт фазага бўлиш мумкин. Буюк Пётр ҳукмронлиги (1689 —1725)га қадар давом этган

биринчи фазада Киев Руси ва Москва Ғарбдан алоҳида бўлган ва Ғарбий Европа билан алоқалар суст эди. Рус тамаддуни Византия тамаддунининг бир новдаси ўлароқ ривожланди. 13-асрдан 15-асрнинг ўртасига қадар икки юз йил давомида Россия Мўғулистон вассали сифатида яшади. Россия Ғарб тамаддунига хос бўлган тарихий феноменлар таъсирига тушмаган ёки бу таъсир жуда ҳам кам бўлган. Мисол учун, Рим католиги, феодализм, Ренессанс, Реформация, денгизбўйи ҳудудларини экспансия ва колонизация қилиш, миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққий топиши кабилар Россияни четлаб ўтган. Ғарб тамаддунининг асосий фарқли 8та хусусиятидан 7таси – католик дини, тилнинг лотинча илдизга эгалиги, черковнинг давлатдан ажралиши, ҳокимият ҳуқуқи принципи, ижтимоий плюрализм, ҳокимият вакиллик органларининг анъаналари, индивидуализм Россия тарихида мутлақо мавжуд эмас.

Фақатгина антик меросни истисно қилиши мумкин. Аммо Россияга Византиядан ўтган антик мерос Ғарбга Римдан қолган меросдан фарқ қилган. Россия тамаддуни Киев Руси ва Москванинг ўзига хос илдизлари, Византия маданияти ва мўғулларнинг давомий ҳукмронлиги натижаси ўлароқ шаклланди. Бу омиллар таъсирида шаклланган рус жамият ва маданияти Ғарбий Европада мутлақо бошқа пойдеворга қурилган жамият ва маданиятдан мутлақо фарқланарди. (211-бет)

17-аср охиридаги Россия наинки Европага ўхшамас, балки Ғарбдан анча-мунча орқада қолган ҳам эди. Бунга Буюк Пётр 1697 — 1698 йилларда Европага қилган саёҳати давомида шахсан гувоҳ бўлди. Император ўз мамлакатини модернизациялаштириш ва ғарблаштиришга қарор қилди. Сафардан қайтган Пётрнинг биринчи қилган иши боярча кийинишни тақиқлаш ва соқол қиришни билишни шарт қилиб қўйиш бўлди. Пётр крилл алифосини бекор қилмаган бўлса-да, уни ислоҳ қилди ва содалаштирди. Тилга хорижий сўз ва ибораларни олиб кирди. Пётр ўз олдидаги устувор вазифа сифатида Россия қуролли кучларини модернизация қилиш ва ривожлантиришни қўйди. Флот ташкил этди, ҳарбий мажбуриятни жорий этди, муҳофаа саноатини қурди, техника мактабларига асос солди, одамларни ғарбга таълим олиш учун юборди. Қуролланиш, кема ва кемасозлик, навигация, ҳарб ишини самарали ривожлантириш учун керакли бюрократик бошқарув бўйича билим ва тажрибани ғарбдан қабул қилди. Бу янгиликларни ҳаётга татбиқ қилиш учун солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилди ва кенгайтди. Ўз ҳукмронлигининг сўнгида ҳокимият структурасини қайта ташкил этди. Россияни нафақат Европа державасига, балки қитъанинг аҳамиятли кучига айлантиришга қарор қилган ҳукмдор Москвани тарк этиб, янги пойтахт — Санкт-Петербургга асос солди ва Швецияга қарши Катта шимолий урушни

бошлаб юборди. Урушдан мақсад Россияни Болтиқдаги хукмрон кучга айлантириш ва Европада биринчиликни эгаллаш эди.

Ўз мамлакатини ғарбона ва замонавий қилишга уриниши билан бир қаторда, Буюк Пётр Россияниг осийча хусусиятларини ҳам кучайтирди. Деспотизм ўз максимумга етди, сиёсий ва жамоавий плюрализмнинг ҳар қандай эҳтимолий асослари йўқ қилинди. Россия дворянлар табақаси ҳеч қачон таъсирли, қудратли бўлмаган. Пётр имтиёзларни қисқартирди, олимлар даврасини кенгайтди. Келиб чиқиш ёки ижтимоий мавқега қараб эмас, қилинган хизматларни инобатга олган ҳолда мартаба бериш тизимини жорий этди. Дворянлар ҳам крестянлар сингари давлат хизматига чақирила бошланди. Натижада “хушомадгўй аристократия” шаклланди. Крепостнойларнинг эркинлиги янада қисқарди, улар ўз ерига ва хўжайинига яна ҳам кўпроқ боғланиб қолишди. Доимо давлат назорати остида бўлган православ черкови қайта ташкил этилди ва бевосита хукмдор томонидан тайинланадиган Синодга бўйсундирилди. Шунингдек, хукмдор тахтнинг мерос билан ўтиш амалиётига қарамай, ўз меросхўрини ўзи тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу ўзгаришлар орқали Пётр Россияда бир томондан модернизация ва ғарблашувни, иккинчи томондан деспотизмни бошлаб берди.

Пётр моделига асосланган ҳолда Ленин, Сталин ва қисман Екатерина II, Александр II ҳам Россияни модернизациялаштириш ва ғарблаштириш учун турли усулларин қўллашди. 1980 йилда Россиядаги демократлар асосан ғарбпараст бўлгани ҳолда, ғарбпарастлар демократ эмас эди. Россия тарихи шуни исботлайдики, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг дастлабки шарт ҳокимиятнинг марказлашуви саналган. Саксонинчи йиллар охирида Горбачевнинг сафдошлари ўз инқирозларидан нолир экан, барча муаммони кейинчалик иқтисодий либерализацияга олиб келган ошкораликка боғлашди.

Пётр Европани Россиянинг бир бўлагига айлантиришдан кўра, Россияни Европанинг бир бўлаги қилишда кўпроқ муваффақиятга эришди. Оттоман империясидан фарқли равишда Россия империяси европача халқаро тизимнинг асосий ва қонуний иштирокчиси сифатида қабул қилинди. Ўз ислохотлари билан Пётр бир қатор ўзгаришларга эришди, аммо унинг жамияти гибридга аланди. Камчиликни ташкил этадиган элитани айтмаганда, рус жамиятида Осий ва Византия модели ўз институтлари ҳамда эътиқоди билан хукмрон эди. Ва бу европаликлар томонидан ҳам, руслар томонидан ҳам табиий қабул қилинди. “Агар русни чўқинтирсангиз, татар пайдо бўлади”, — деган эди де Местр. Пётр бўлинган мамлакат (213-бет) қурди, 19-асрга келиб, бу славянпарастлар ва ғарбсеварларнинг надоматига сабаб бўлди. Мамлакат тўлиқ европалашиши керакми ёки Европанинг ҳар қандай таъсиридан қутулиб, рус қалбига қулоқ солиш керакми — бу борада улар ғайрат билан

баҳслашишарди. Чаадаев сингари ғарбсеварлар “Қуёш Ғарбники”, Россия янгилашиш ва мерос қилиб олинган институтларни ўзгартириш учун бу Қуёшнинг нурларидан фойдаланиши кераклигини таъкидларди. Данилевский сингари славянсеварлар европалашиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракатдан бош тортишди. Улар европалаштиришни “миллий ўзликнинг йўқолиши ва уннинг бегона формалар билан алмаштирилиши”, “турли хорижий муассасаларни ўзлаштириш ва уларни рус заминига ўтказиш”, “рус ҳаётининг ички ва ташқи масалаларига европача кўзойнак орқали қараш” дея баҳо беришди.

Россиянинг кейинги тарихида Пётр ғарбсеварларнинг қаҳрамони, 1920 йилда уларнинг аксариятини евроосиёликлар ташкил этган рақиблари учун эса иблис сифатида эсланди. Евроосиёликлар уни “сотқин” деб аташди, ғарблашувни инкор этгани, Европага қарши чиққани ва пойтахтни қайта Москвага кўчиргани учун болшевикларни қўллаб-қувватлашди.

Болшевиклар инқилоби Россия ва ғарб ўртасидаги муносабатларнинг учинчи босқичини ифодалайди. Муносабатлар бунга қадар ўтган 200 йил давомида бўлганидан тубдан фарқ қила бошлади. Ғарбда туғилган ғоя — марксизм таъсирида Россияда сиёсий-иқтисодий тузум ҳосил қилинди. Аммо ғарбнинг ўзида бу тузум мавжуд бўла олмасди. Славянпарастрлар ва ғарбсеварлар Россия ғарбдан орқада қолмаган ҳолда ғарбдан фарқ қилиши мумкинми, деган мавзуда баҳслар олиб боришарди. Коммунизм муаммонинг мақбул ечимини таклиф қилди: Россия ғарбдан фарқ қилади, ғарбга нисбатан тўла оппозицияда бўлади, чунки Россия ғарбга қараганда ривожланганроқ. Тез орқада бутун дунёга ёйиладиган пролетариат инқилобининг биринчи бўлиб Россия ўтказди. Россия қолоқ Осиё ўтмишининг эмас, порлоқ совет келажакнинг нишонаси. Инқилоб Россияга бир сакрашда ғарбни ортда қолдириш имконини берди. Россия ғарбга қарата славянпарастрлар таъкидлаганидек, “сиз бошқачасиз, биз ҳеч қачон сиздек бўла олмаймиз эмас”, балки коммунистик интернационал таъбиридек, “биз бошқачамиз. Ва яқинда ҳаммангиз биз каби бўласиз”, дейди.

Коммунизм совет раҳбарларига ғарбдан муҳофазаланиш имконини бериш билан бирга, қитъа билан яқин алоқаларни ҳам йўлга қўйди. Коммунизм ғоясининг ижодкорлари бўлган Маркс ва Энгелс ҳам немислар эди, 19 аср аввали, 20 аср якунида коммунизм тарафдорлари ҳам асосан Ғарбий Европа вакиллари бўлган. 1910 йилда Ғарбий Европадаги кўплаб қасаба уюшмалари, социал демократлар ва лейбористлар партиялари совет мафқураси тарафдорлари бўлишган ва уларнинг Европа сиёсатидаги таъсири ҳам тобора орта борган.

Болшевиктик инқилобдан сўнг сўлчилар коммунистлар ва социалистларга ажралди. Уларнинг ҳар иккиси Европа давлатларида кучли таъсирга эга бўлган. Европа ғарбида марксизм устунлик қилди: коммунизм ва социализм келажак нишонлари сифатида зиёли ва сиёсий элита ўртасида ижобий қабул қилинди. Россиянинг келажаги хусусидаги славянпарастлар ва ғарбсеварлар ўртасидаги баҳслар Европада ўнгчилар ва сўлчилар орасида Совет Иттифоқи ҳақидаги мунозараларга ўз ўрнини бўшатди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ғарб учун ҳам, ғарбники бўлмаган тамаддунлар учун ҳам совет иттифоқининг қудрати коммунизмнинг жозибаси боис яна ҳам ортди, бу тамаддунлар энди ғарб учун оппозицияга айланди. Ғарб таъсирида бўлган, ғарблашиш иштиёқида ёнган жамиятларнинг элит қатлами ўз мавқеини қайта белгилаш ва демократия ҳақида гапиришарди. Ғарб билан конфронтацияни истаганлар эса инқилобга ва миллий озодлик курашига даъват қилишарди.

Ғарбнинг мафкурасини қабул қилган ва ундан фойдаланган ҳолда руслар ғарб билан тенглашиш учун бу қитъа билан бутун тарих кузатилмаган даражада мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишди. Либерал демократлар ва коммунизмнинг ғоялари мазмунан бир-биридан сезиларли даражада фарқланса-да, уларнинг тили бир эди. Совет иттифоқи ва коммунизмнинг таназзули Ғарб ва Россия ўртасидаги бу сиёсий мафкуравий ўзаро алоқаларга чек қўйди. Ғарб бу таназзул натижаси ўлароқ собиқ совет иттифоқининг барча худудларида либерал демократиянинг ғалабаси учун йўл очиб беради, деб ишонди. Лекин бу ҳали аниқ эмас эди. 1995 йилда ҳам Россияда ва бошқа православ республикаларида либерал демократик партиянинг келажаги ҳали мавҳум эди. Руслар ўзларини марксистлар каби тутишдан қутулиб, ҳақиқий русларга айланганларидан кейин улар ва ғарб ўртасидаги фарқ янада кескинлашди. Марксизм-ленинизм ҳамда либерал-демократия мафкуралари ўртасида маълум маънода фарқлар бўлса ҳам, уларнинг ўхшаш томонари ҳам йўқ эмас эди: ҳар икки мафкура ҳам замонавий, дунёвий эди. Марксизм ҳам, либерализм ҳам якуний мақсад сифатида озодлик, тенглик ва моддий фаровонликни кўрарди. Ғарб демократ совет коммунисти билан бемалол интеллектуал баҳсга киришиши мумкин, аммо бундай баҳс рус православ миллатчиси билан бўлиши даргумон эди.

Совет ҳукмронлиги йилларида славянпарастлар ва ғарбсеварлар орасидаги кураш вақтинча тўхтади. Боиси солженицинлар ва сахаровлар коммунистик синтезга қарши чиққан эди. Бу синтезнинг инқирозидан сўнг Россиянинг ўзига хослиги ҳақидаги баҳслар яна жонланди. Россия ғарб кадриятлари, институтлари, тажрибасини қабул қилиши керакми? Россия ғарбнинг бир бўлагига айланиши даркорми? Ёки Россия ғарбдан мутлақо фақр қиладиган, Европа ва Осиё ўртасидаги асосий кўприк бўладиган алоҳида

православ Евроосиё (216-б) тамаддунини намойиш этиши лозимми? Бу саволлар сиёсатчилар ва зиёлилар элитасида, кенг жамоатчиликда қизгин баҳсларни келтириб чиқарди. Бир томонда ғарбпараст, атлантистлар, космополитлар, иккинчи ёнда миллатчи, евроосиёлик, державник дея турлича номланган славянпарастлар.

Бу гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар халқаро сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар ва давлат тузилишига ҳам таъсир кўрсатарди. Фикрлар кесишмасди. Бир томонда Горбачевнинг янгича қарашлари ва “Европа умумий бошпанасига кириш” бўйича мақсадларини қўллаб-қувватлаётанлар, шунингдек, Россияни демократик кадриятлар устувор бўлган, ривожланган иқтисодиётга эга давлатлар кучли етилигининг саккизинчисига айлантириш истагидаги Елциннинг ҳаммаслаклари.

Сергей Станкевич сингари ўртамиёна миллатчилар эса Россия атлантик курсдан воз кечишини, улар ва бошқа давлатларни ҳимоя қилишни устувор вазифага айлантиришини, туркий ва мусулмонлар билан алоқаларни яхшилаш, ресурс ва имкониятларни Осиёга, шарққа йўналтиришни ёқлаб чиқишарди. Бундай қараш тарафдорлари Елцинни Россия манфаатларини Ғарб манфаатлари йўлида қурбон қилиш, мамлакатнинг ҳарбий қудратини йўққа чиқариш, серблар сингари биродар миллатларга ёрдам кўрсатмаганлик, руслар учун номақбул бўлган усулда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни ўтказганликда айбларди. Бундай айблов тенденциясининг яққол мисоли деб 1920 йиллардаёқ Россияни ўзига хос Евроосиё тамаддуни намунаси сифатида эътироф этган Петр Савицкийнинг қарашлари оммалашганини кўриш мумкин.

Экстремал миллатчиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: Солженин сингари рус миллатчилари. Улар Россия барча русларни, шунингдек, руслар билан жуда яқин бўлган православ славянлари — украин ва белорусларни бирлаштириши керак, деб уқтиришарди. Владимир Жириновский каби империалист миллатчилар бўлса, совет империясини қайта тиклаш ва Россияга ҳарбий қудратини қайтариш учун жон куйдириширади. Иккинчи гуруҳ вакиллари антисемитик ва антиғарб қарашларни илгари суришарди, Россия ташқи сиёсатини шарқ ва жанубга қаратиш, мусулмон жанубида ҳукмронликни қўлга киритиш (Жириновскийнинг ғояси) ёки мусулмон давлатлари ва Хитой билан Ғарбга қарши иттифоққа бирлашишни ёқлаб чиқишарди. Шу билан бирга, миллатчилар мусулмонларга қарши уруш олиб бораётган сербларни қўллаб-қувватлаш тарафдори ҳам эди. Космополитлар ва миллатчилар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳарбий бошқарув ва Ташки ишлар вазирлиги фаолиятида ўз аксини топмай қолмади. Шунингдек, бу зиддият Елциннинг ички ва ташқи сиёсатда бир-биридан фарқланувчи бурилишлар қилганида ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Худди рус элитаси сингари рус жамияти ҳам бўлинган эди. 1992 йилда аҳолининг 2069 нафари орасида мазкур қарама-қаршилик юзасидан сўров ўтказилган. Россиянинг Европа қисмида яшовчи аҳолидан бўлган 40 фоиз респондент ўзларини ғарб учун очик дея эътироф этишган. Респондентларнинг 36 фоизи эса ғарбга эшиклари ёпиқлигини таъкидлаган. 24 фоиз иштирокчи аниқ позицияга эга эмаслигини маълум қилган. 1993 йилги парламент сайловларида ислохотчи партиялар 34,2 фоиз, антиислохотчи ва миллатчи партиялар 43,3 фоиз, марказчилар 13,7 фоиз овоз жамлади. Мос равишда, 1996 йилги Президент сайловларида электоратнинг 43 фоизи ғарб номзоди бўлган Елцинни ва ислохотни истаётган бошқа номзодларни қўллаб-қувватлаган бўлса, 52 фоизи миллатчи ва коммунист номзодларга овоз берган. Мамлакатнинг тамаддуний жиҳатдан ўзига хослик масаласида Россия 1990 йилларда ҳам бўлинган мамлакат бўлиб қолди. Ғарбсеварлик ва славянпарастлик дуализми миллий характернинг ажралмас қисмига айланди.

ТУРКИЯ

Мустафо Камол Отатурк 1920 ва 30-йилларда синчковлик билан ишлаб чиқилган қатор ислохотлардан фойдаланиб, ўз халқини Усмонли ва мусулмон ўтмишидан узоқлашишга мажбур қилди. Камолчиликнинг "олтита ўқ" деб номланган асосий принциплари қуйидагиларни ўз ичига олади: популизм, республикачилик, миллатчилик, атеизм, иқтисодиётдаги давлат назорати ва ислохотчилик. Кўп миллатли империя ғоясидан воз кечган Камол ўзига бир хил миллат давлатини яратиш, арманлар ва юнонларни қувиб чиқариш ва ўлдиришни мақсад қилиб қўйганди. Кейин у султонни тахтдан ағдариб, сиёсий ҳокимиятда ғарб андозасидаги республика тизимини ўрнатди. У диний ҳокимиятнинг асосий манбаи бўлган халифаликни бекор қилди, анъанавий таълим ва диний вазирликларни тугатди, махсус диний мактаблар ва ўқув юртларини ёпди, ягона дунёвий халқ таълими тизимини яратди ва Ислом ақидаларига асосланган диний судларни тугатиб, унинг ўрнига Швейцария фуқаролик кодексига асосланган янги суд тизимини жорий этди. У Россия императори Буёк Пётр изидан бориб, диний бош кийим кийишни тақиқлади, чунки улар диний анъаналарнинг тимсоли эди ва одамларни шляпа кийишга ундади. Бундан ташқари, у турк тилида араб алифбосини эмас, балки лотин

алифбоси ишлатилиши шарт бўлган фармон чиқарди. Айнан ушбу ислохот фундаментал аҳамиятга эга эди. “У амалда лотин алифбосида ўқийдиган янги авлодни анъанавий адабиётнинг улкан меросидан фойдаланиш имкониятидан деярли маҳрум қилди; у Европа тилларини ўрганишни рағбатлантирди; бундан ташқари, бу саводхонлик муаммосини ҳам енгиллаштирди.” Турк халқининг миллий, сиёсий, диний ва маданий ўзига хослигини қайта белгилаб берган Камол 1930 йилларда Туркиянинг иқтисодий [с.219] ривожланишини жадаллаштиришга ҳаракат қилди. Модернизация воситасига айланиши керак бўлган ғарблаштириш модернизация билан биргаликда амалга оширилди.

1939-1945 йилларда Ғарбдаги Фуқаролар уруши даврида Туркия бетарафлигини сақлаб турди. Бироқ, ушбу урушдан кейин Туркия тезда Ғарб билан янада яқинлашишга ўтди. Ғарб моделларидан андоза олган ҳолда, у бир партияли бошқарувдан кўп партиявий тизимга ўтди. У НАТОга аъзо бўлишга интилди ва 1952 йилда бунга эришди ва шу йўл билан ўзининг Эркин дунё аъзоси мақомини тасдиқлади. Мамлакат Ғарбдан миллиардлаб долларлик иқтисодий ёрдам олди; унга хавфсизлик соҳасида ёрдам кўрсатилди; унинг қуролли кучлари Ғарб томонидан ўқитилди ва қуроллантирилди ҳамда НАТО кўмондонлик тузилмаларига бирлаштирилди; бу ерга Америка ҳарбий базалари жойлаштирилди. Ғарб мамлакатлари томонидан Туркия Совет Иттифоқининг Ўрта Ер денгизи, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазигача бўлган худудларга экспансиясига қарши тўсқинлик қиладиган шарқий форпост (олд устун, тўсиқ) сифатида кўрилган. Туркиянинг Ғарб билан алоқалари ва бу билан ўзини идентификация қилиши 1955 йилдаги Бандунг конференциясида ғарбга қўшилмаган давлатлар томонидан муҳокама қилинишига ва Исломий давлатлар томонидан муртадликда айбланишига сабаб бўлди.

“Совуқ уруш”дан кейин турк элитасининг аксарият қисми Туркия ташқи сиёсатининг ғарбга, Европага ёндошув йўналишини қўллаб-қувватлади. Туркия учун НАТОнинг доимий аъзолиги зарурий шарт эди, чунки у Ғарб билан ташкилий алоқаларни таъминларди ва Греция билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлашни қўлларди. Бироқ, Туркиянинг Ғарбга қўшилиши, хусусан, НАТОга аъзо бўлиши “совуқ уруш”нинг натижаси эди. “Совуқ уруш” тугаши билан бундай иштирок этишнинг асосий сабаби ҳам йўқолди, бу эса алоқаларнинг заифлашишига ёки қайта йўналтирилишига олиб келди. Туркия Ғарб учун энди олдингидек шимолдан келадиган асосий таҳдид йўлида таянч сифатида эмас, балки жанубдан келиб чиқадиган кичикроқ таҳдидларга (Форс кўрфази уруши мисолида) қарши курашда шерик сифатида керак эди. Ушбу урушда Туркия Ироқдан Ўрта денгизга ўтган нефт қувурини тўсиб қўйиши ва Америка самолётларининг турк авиабазаларидан Ироққа учишига имкон бериши билан Саддам Ҳусайнга қарши коалицияга [с.220] бебаҳо ёрдам

кўрсатди. Аммо президент Турғут Озалнинг ушбу қарори Туркияда қаттиқ танқидга учрашига ва ташқи ишлар вазири, муҳофаа вазири ва Бош штаб бошлиғининг зудлик билан истеъфога чиқишига, шунингдек, Ўзалнинг АҚШ билан ҳамкорлигига қарши кенг кўламли норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Кейинчалик, Президент Сулаймон Демирел ва Бош вазир Тансу Чиллер Туркияга жиддий иқтисодий зарар келтирган Ироққа қарши БМТ санкцияларини муддатидан олдин бекор қилишга чақирдилар. Туркиянинг Ғарб билан биргаликдаги Совет таҳдидига қарши туришга тайёргарлик даражаси жанубдан келадиган Исломий таҳдидга қарши курашиш учун тайёргарлигидан яхшироқ эди. Туркиянинг анъанавий дўсти бўлган Германиянинг Форс кўрфази инқироzi пайтида Ироқнинг Туркияга ракета ҳужумини НАТОга ҳужум сифатида кўришни истамаганлиги, Туркияга жанубдан келадиган таҳдидни бартараф этишда Ғарбнинг ёрдамига таяниб бўлмаслигини кўрсатиб берди. Совуқ уруш даврида Совет Иттифоқи билан карама-қаршилиқ Туркиянинг НАТО даги ўрни масаласи кўтарилмади; аммо Совуқ урушдан кейин араб мамлакатлари билан муносабатлар бу масалани кун тартибига кўтарди.

1980-йиллардан бошлаб турк элитасининг Ғарбга йўналтирилган асосий, эҳтимол энг муҳим ташқи сиёсий мақсадларидан бири бу Европа Иттифоқига аъзоликни таъминлаш эди. 1987 йилда Туркия ушбу ташкилотда қатнашиш учун расмий равишда мурожаат қилди. 1989 йилнинг декабр ойида Туркия ушбу аризани 1993 йилгача кўриб чиқилмаслиги ҳақида жавоб олди. 1994 йилда Европа Иттифоқи Австрия, Финляндия, Швеция ва Норвегиянинг иттифокқа қўшилиш ҳақидаги аризаларини қаноатлантирди ва келаси йили Полша, Венгрия ва Чехиянинг сўровлари кутилганидек муваффақиятли ҳал қилиниши, кейин Словения, Словакия ва Болтиқбўйи давлатларининг ҳам иттифокқа киритилиши мумкин бўлди. Туркларни айниқса, Европа ҳамжамиятининг бирмунча нуфузли аъзоси бўлган Германиянинг Туркияни яна бир бор Европа Иттифоқига аъзо бўлиш масаласида фаол равишда қўллаб-қувватламаслиги ва бунинг ўрнига Марказий Европа мамлакатларига устунлик бериши [с.221] ранжитди. Европа Иттифоқи унга истиқболда тўлиқ аъзо бўлиши масаласи қоронғу бўлган Туркия билан ҳатто АҚШнинг босими остида ҳам божхона иттифоқига киритиш бўйича музокараларни бошламади.

Нима учун Туркия четлаб ўтилди ва нега у доимо навбатнинг охирида турганга ўхшаган таассурот уйғотди? Европа расмий доираси вакиллари расмий баёнотларда Туркияда иқтисодий ривожланишнинг паст даражаси ва унинг инсон ҳуқуқларига бўлган ҳурмати Скандинавия мамлакатларидан кескин фарқ қилиши ҳақида гапиришади. Алоҳида учрашувларда турклар ҳам, европаликлар ҳам бунинг асл сабабини юнонларнинг ашаддий муҳолифатда

экаи ва энг муҳими, Туркиянинг мусулмон мамлакат эканлиги айтилди. Европа мамлакатлари, 60 миллион мусулмон яшайдиган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатга иммиграция учун ўз чегараларини очиб беришдан мамнун эмасдилар. Аммо, бундан ҳам муҳими, европаликлар маданий жиҳатдан турклар Европага мансуб эмас деб ҳисоблайдилар. 1992 йилда Президент Озал таъкидлаганидек, Туркиядаги инсон ҳуқуқлари масаласи "ўйлаб топилган баҳонадир, унга кўра Туркия Европа Иттифоқига қабул қилинмайди. Ҳақиқий сабаб эса, биз мусулмонмиз ва улар христиан", кейин "...лекин улар буни муҳокама қилмайди" деб қўшиб ҳам қўйди. Европа расмийлари, ўз навбатида, Европа Иттифоқи "христиан уюшма" ва "Туркия жуда камбағал, аҳолиси жуда зич жойлашган, жуда ҳам билимсиз, жуда ҳам исломий, умуман бошқа маданият ва бошқа "жуда ҳам"лар кўп" деган фикрни маъқуллайдилар. Бир кузатувчининг таъкидлашича, "Ғарбий Европадаги сарацин¹ (турк-мусулмон) суворийлари ва Вена дарвозалари остида турган турклар"нинг тарихий хотираси европаликлар учун "даҳшатли туш"га айланган. Бу муносабат, ўз навбатида, турклар орасида кенг тарқалган "Ғарб Европада мусулмон Туркияси учун жой кўрмаётганлигига" ишонч уйғотди.

Мақкадан юз ўгирган ва Брюссел томонидан рад этилган Туркия Совет Иттифоқи парчаланиши билан пайдо бўлган [с.222] қулай фурсатдан фойдаланиб, яна Тошкентга "юз бурди". Президент Озал ва бошқа турк раҳбарлари туркий халқлар иттифоқи тўғрисида ўз қарашларини таклиф қилдилар ва Туркиянинг Адриатика денгизидан Хитой чегараларигача бўлган ҳудуддаги "яқин хориж"даги "ташқи турклар" билан алоқаларни ўрнатиш учун катта куч сарфлашди. Озарбайжонга ва Марказий Осиёнинг тўртта туркийзабон республикаларига - Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1991-1992 йилларда Туркия ушбу янги давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор кадамларни ташлади. Буларга қуйидагилар киради: паст фоиз ставкаси билан 1,5 миллиард долларлик узоқ муддатли кредитлар, 79 миллион доллар тўғридан-тўғри беғараз ёрдам, сунъий йўлдош телевидениесини ташкил қилиш (рус тилидаги канал ўрнини босадиган), телефон алоқаси, ҳаво транспорти, Туркияда ўқийдиган талабалар учун минглаб стипендиялар, Ўрта Осиё ва Озарбайжон банкирлари, ишбилармонлари, дипломатлари ва юзлаб

¹ Лотинча Saraceni, бошқа юнонча Σαρακηνοί - "Шарқ халқлари" – биринчи маротаба IV асрда яшаган қадимги Рим тарихчиси Аммиан Марцеллин ва I-II асрларда яшаган юнон олими Птолемей томонидан тилга олинган халқлар. Суриялик чегарадош кўчманчи қароқчилар қабиласи, бадавийлар. Салиб юришларидан бери европалик муаллифлар барча мусулмонлар саратсин номи билан атайдилар, кўпинча "маврлар" ибораси билан синоним сифатида ишлатадилар. Салиб юришлари пайтида бу атама салибчиларга қарши муваффақиятли курашган мусулмон туркларга нисбатан ишлатилган. Ҳозирги вақтда ушбу атама 7-асрдан 13-асргача араб халифалигининг аҳолисига нисбатан ишлатилган (Мўғулларнинг Яқин Шарққа юриши натижасида Хулагу Араб халифалигини қўлга киритгунга қадар).

армия зобитларини ўқитиш, шунингдек, турк тили ўқитувчиларини юбориш. Шу билан бирга, 2000 га яқин қўшма корхона ташкил этилди. Маданий яқинлик ушбу иқтисодий муносабатларни янада силлиқлаштирди. Бир туркиялик тадбиркор таъкидлаганидек: “Озарбайжон ёки Туркменистон муваффақияти учун энг муҳими, ишончли шерик топиш. Бу турк халқи учун унчалик қийин эмас. Бизда маданият бир хил, тиллар озми-кўпми ўхшаш ва ошпазлик диди бир хил.”

Туркиянинг ўз ташқи сиёсатини Кавказ ва Марказий Осиё томон қайта йўналтириши нафақат туркий халқлар ҳамжамиятининг етакчисига айланиш орзусини амалга ошириш, балки Эрон ва Саудия Арабистонининг ушбу минтақадаги нуфузини кенгайтириб, у ерда ислом фундаментализмини ёйишининг олдини олиш истагини алангалатди. Турклар алтернатива сифатида "турк модели" ёки "Туркия ғояси" - бозор иқтисодиётига эга дунёвий, демократик мусулмон давлатини таклиф қилаяпмиз деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, Туркия Россиянинг таъсирини тикланишига тўсқинлик қилишига умид қилмоқда. [с.223] Ислом ва Россияга алтернатива таклиф қилган Туркия, шунингдек, Европа Иттифоқининг ёрдамига мурожаат қилиши ва тез орада унга қўшилиши мумкин.

1993 йилда Туркиянинг бошқа туркий республикалар билан алоқаларидаги фаоллигининг биринчи юксалиши, мамлакат ресурслари чекланганлиги сабабли пасая бошлади. Озалнинг ўлиmidан кейин Сулаймон Демирел президент бўлди ва Россия эса яна ўзининг "қўшни давлатлар" га таъсирини кучайтирди.

Турк республикалари фақатгина Совет Иттифоқидан мустақилликка эришганларидан сўнг, уларнинг раҳбарлари Туркиянинг ишончига эришиш учун Анқарага шошилдилар. Кейинчалик эса, Россиянинг босим ва кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, улар ортга қайтишди ва ўзларининг маданий қариндоши ҳамда “собик императори” ўртасидаги "мувозанатли" муносабатлар зарурлигини таъкидладилар. Аммо турклар маданий алоқаларини иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кенгайтириш учун ишлатишга ҳаракат қилишда давом этдилар. Энг муваффақиятли қадам, тегишли давлатлар ҳукуматлари ва нефт компаниялари томонидан Ўрта Осиё ва Озарбайжон нефтини Туркия орқали Ўрта денгизга етказиб бериш учун нефт қувири қурилиши тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бўлди.

Туркия собик совет республикалари билан алоқаларни ўрнатиш устида иш олиб бораётган бир пайтда, унинг камолчилик дунёвий иттифоқи ўз уйида ҳужумга учради. Биринчидан, кўплаб бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Совуқ Урушнинг тугаши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида юзага келган одатий турмуш тарзининг ўзгариши "миллий ўзига хослик ва

этник идентификация" ҳақидаги асосий саволни кун тартибига кўтарди ва бунга жавобни дин берди. Отатурк ва турк элитасининг дунёвий мероси асрнинг кейинги учдан икки қисми мобайнида тобора танқид қилинмоқда. Туркларнинг "чет элда қолиш" тажрибаси уйда исломий кайфиятни уйғотди. Ғарбий Германиядан қайтган турклар [с.224] "ўзларига болалигидан таниш бўлган нарсаларга юзланиб, уларга душманлик билан муносабатда бўлишди. Ва бу Ислом эди ". Жамоатчилик фикрида ва мамлакат ҳаётида исломий қарашлар тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. 1993 йилдаги бир ҳисоботда "Туркияда ислом динидаги соқол ва паранжи остидаги аёллар тобора кўпайиб борапти, масжидлар тобора кўпроқ одамларни жалб қилаётгани ва баъзи китоб дўконларида ислом тарихи, амрлари ва турмуш тарзини, шунингдек, Муҳаммад пайғамбарнинг қадриятларини сақлашда Усмонли империясининг роли улуғланганлигини тараннум этувчи китоблар, журналлар, кассеталар, компакт-дисклар ва видео тасмалар кўпайиб кетаётгани" қайд этилган. Хабарларга кўра, "камида 290 нашриёт ва матбаа уйлари, 300 та даврий нашрлар, шу жумладан 4 та кунлик нашрлар, бир неча юз лицензияланмаган радиостанциялар ва 30 та шундай телеканаллар ислом мафкурасини тарғиб қилишда қатнашдилар."

Исломий кайфиятнинг ўсиши билан тўқнашган турк раҳбарлари фундаменталистик амалиётларни қабул қилишга ва фундаменталистик қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдилар. 1980-1990 йилларда тахмин қилинганидек дунёвий Туркия ҳукумати Диний департаментни сақлаб қолди, унинг бюджети баъзи вазирликлар харажатларидан оширилди, масжидлар қурилишини молиялаштирди ва барча давлат мактабларида мажбурий диний таълимни жорий қилди. Шунингдек, у 80-йилларда ислом ақидаларини тарғиб қилган мусулмон мактабларини молиявий қўллаб-қувватлади, уларнинг сони 80-йилларда беш баравар ошди. У ерда ўрта мактаб ўқувчиларининг 15% таҳсил олди ва уларнинг минглаб битирувчилари давлат хизматига ишга киришди. Франциядан фарқли ўлароқ, ҳукумат амалда мактаб ўқувчиларига Отатурк диний бош кийимни тақиқлаганидан етмиш йил ўтгач, анъанавий мусулмон рўмолларини ўрашга рухсат берганлиги рамзий ва драматик ҳодиса бўлди. Ҳукуматнинг бу ҳаракатлари асосан шамолни исломчилар елканларидан олиб қўйиш ва 1980- ва 1990-йиллар бошларида бу шамолнинг қанчалик кучли эканлигини текшириш истаги билан боғлиқ эди. [с.225]

Иккинчидан, исломий уйғониш Туркия сиёсатининг моҳиятини ўзгартирди. Сиёсий раҳбарлар, хусусан Турғут Озал, ўзини мусулмон рамзлари ва сиёсати билан таништирди. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби,

Туркияда ҳам демократия индигенизация² ва динга қайтишни кучайтирди. "Дунёвийлик сиёсатининг таянчи ва суянчи бўлган сиёсатчилар ва ҳатто ҳарбийлар жамоатчиликнинг меҳрини қозониш ва сайловчиларнинг овозини олиш учун аҳолининг диний интилишларини ҳисобга олишга мажбур бўлдилар: қабул қилинган кўплаб имтиёзлар демоғогия томонидан бузилган." Халқ ҳаракатлари диний руҳда эди. Бу вақтда элита ва бюрократик гуруҳлар, айниқса, ҳарбийлар дунёвий йўналтирилган бўлса-да, қуроли кучларда исломий кайфият пайдо бўлди ва 1987 йилда бир неча юз курсант исломий кайфиятда деган шубҳа билан ҳарбий академиялардан чиқариб юборилди. Йирик сиёсий партиялар сайловлар вақтида тобора кўпроқ мусулмон ториқларининг (Ататурк тақиқлаган танланган жамиятлар) сайловолди ёрдамига эҳтиёж сезмоқда эдилар. 1994 йил март ойида маҳаллий сайловларда қатнашган фундаменталист Фаровонлик партияси бешта асосий партия билан бир қаторда ўз тарафдорлари сонини кўпайтирди ва тахминан 19% овоз олди. Таққослаш учун: Бош вазир Тансу Чиллер бошчилигидаги "Ҳақиқий йўл" партияси 21% овоз олди, "Ватан" партияси (яқинда вафот этган Озал партияси) 20% овоз олди. Фаровонлик партияси Туркиянинг икки асосий шаҳри - Истамбул ва Анқара устидан назоратни қўлга киритди; мамлакатнинг жануби-шарқида унинг позициялари энг кучли эди. 1995 йил декабрдаги сайловларда Фаровонлик партияси бошқа партияларга қараганда кўпроқ овоз ва ўринларга эга бўлди ва олти ой ўтгач, дунёвий партиялардан бири билан коалицияда ўз ҳукуматини тузди. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, фундаменталистларга ёрдамга хориждан қайтган ёш мигрантлар, "таҳқирланган ва ҳақоратланганлар" ва "шаҳарларга келган янги мигрантлар, катта шаҳарларнинг санкюлотлари³ (камбағаллари)" ёрдам беришди. [с.226]

Учинчидан, Ислом уйғониши Туркиянинг ташқи сиёсатига таъсир кўрсатди. Президент Озал бошчилигида Туркия Форс кўрфази урушида Ғарб томонини қатъият билан қўллади, бундай ҳаракат мамлакатнинг Европа иттифоқига киришини тезлаштиради деб умид қилди. Бироқ, бу умидлар рўёбга чиқмади ва НАТО уруш вақтида Туркияга Ироқнинг эҳтимолий хужумига қандай жавоб бериши НАТОнинг Туркияга руслардан бошқа таҳдидларига қандай жавоб бериши ҳақидаги ишончни камайтирди. Туркия раҳбарлари Исроил билан ҳарбий алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилишди, бу эса турк исломчиларининг танқидига сабаб бўлди. Энг муҳими, 80-йилларда Туркия араб ва бошқа мусулмон мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтирди ва 90-йилларда Босния мусулмонларига, шунингдек,

² Nazariy antropologiyada qo'llaniladigan atama bo'lib, madaniy o'ziga xoslik va sivilizatsiya mustaqilligidagi mahalliy tendensiyalarni anglatadi.

³ Buyuk fransuz inqilobi davrida shahar va qisman qishloq oddiy xalqining inqilobiy fikrli vakillari, asosan ishlab chiqarish va ustaxonalar ishchilari va boshqa ishchilar.

Озарбайжонга катта ёрдам бериб, Ислом манфаатларини фаол ҳимоя қилди. Болқон, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги Туркиянинг ташқи сиёсати бирмунча исломийлашди.

Бир неча йиллар давомида, Туркия бўлинган мамлакат сифатида цивилизация ўзига хослигини ўзгартириш учун учта минимал шартлардан иккитасини бажарди. Турк элитаси бу силжишни ҳаддан ташқари қўллаб-қувватлади, аммо жамият қаршилик кўрсатмади. Аммо қабул қилувчи мамлакатнинг элитаси - Ғарб цивилизацияси бу мамлакатни қабул қилишни хоҳламади. Бу масала авж олган бир пайтда, Туркиядаги исломий уйғониш жамоатчилик орасида Ғарбга қарши кайфиятни кучайтирди ва турк элитасининг дунёвий, ғарбга мойил йўналишини бузишга киришди. Шундай қилиб, Туркия, маълум қийинчиликлар туфайли, ҳали тўлиқ Европа мамлакатига айлана олмайди, собиқ иттифоқдан ажралган турк республикалари учун етакчи рол ўйнай олмайди, Отатурк мероси эса исломий тенденциялар билан бузилган - буларнинг барчаси, эҳтимол, бўлинган мамлакат сифатида Туркиянинг мақомини аниқлаштиради.

Турк раҳбарлари ушбу бахсли вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилиб, кўпинча ўз мамлакатларини маданиятлар ўртасидаги "кўприк" деб таърифлашади. 1993 йилда Бош вазир Тансу Чиллер айтганидек, Туркия [с.227] "Ғарб демократияси" ва "Яқин Шарқнинг бир қисми" бўлиб, "жисмоний ва фалсафий жиҳатдан иккита цивилизацияни боғлайди". Чиллер бу хилма-хилликни тушунтирар экан, ўз мамлакатада мусулмон бўлишга ҳаракат қилар эди, аммо НАТО билан музокараларда у "Туркия Европа мамлакатидир ва бу географик ва сиёсий фактдир" деб таъкидларди. Президент Сулаймон Демирел, шунингдек, Туркияни "минтақадан Ғарбдан Шарққача, яъни Европадан Хитойгача давом этадиган жуда муҳим кўприк" деб атади. Бироқ, бу кўприк - иккита қирғоқни бирлаштирган, аммо у ёки бу қирғоқнинг бир қисми бўлмаган сунъий структура. Турк раҳбарлари ўзларининг давлатларига "кўприк" атамасини қўллаганларида, улар бўлинганлигини евфемик равишда тасдиқлашади.

МЕКСИКА

Туркия 1920-йилларда бўлиниб кетган мамлакат эди ва Мексика фақат 1980-йилларда шундай мамлакатга айланди. Шунга қарамай, ушбу мамлакатларнинг Ғарб билан тарихий муносабатларида умумийликлар кўп. Туркия сингари, Мексика ҳам ғарбга хос бўлмаган ўзига хос маданиятга эга эди. Ҳатто XX асрда ҳам, Октавио Паза таъкидлаганидек, "Мексиканинг асосини хиндулар ташкил этади. Бу Европага хос бўлмаган урф-одатлар мамлакати." Ўн тўққизинчи асрда, Мексика, Усмонлилар империяси сингари, Ғарб мамлакатлари томонидан бўлақларга бўлинганди. Йигирманчи асрнинг

иккинчи ва учинчи ўн йилликларида Мексика, Туркия сингари, миллий ўзликни англаш ва янги бир партиявий сиёсий тизим учун асос бўлган инқилобни бошидан кечирди. Аммо Туркияда инқилобнинг натижаси анъанавий исломий ва усмонли маданиятининг рад этилиши, шунингдек, Ғарб маданиятини олиб кириш ва Ғарбга қўшилишга уриниш бўлди. Мексикада, Россияда бўлгани каби, инқилоб Ғарб маданияти элементларини ўзлаштиришга ва унга мослашишга олиб келди, бу Ғарб демократияси ва капитализмига қарши қаратилган [с.228] миллатчиликни вужудга келтирди. Туркия олтмиш йилдан бери ўзини Европа давлатлари қаторига киритишга уринаётган бир пайтда, Мексика ўзининг АҚШга қарши эканлигини билдириб қўйишга ҳаракат қилди. XX асрнинг ўттизинчи йилларидан 80-йилларига қадар Мексика раҳбарлари АҚШ манфаатларига зид бўлган иқтисодий ва ташқи сиёсатни олиб боришди.

80-йилларда буларнинг барчаси ўзгарди. Президент Мигел де ла Мадрид Мексика мақсадлари, амалиётлари ва ўзлигини тўлиқ масштабда қайта белгилашни бошлади ва унинг ўрнига бу лавозимга келган Президент Карлос Салинас де Гортари буни давом эттирди. Бу 1910 йил инқилобидан кейин ўзгаришга қаратилган анча кучли уриниш бўлди. Салинас Мексиканинг Мустафо Камолига айланди. Отатурк ғарбда ўша пайтда устун бўлган дунёвий давлат ва миллатчилик тарафдори эди; Салинас ўз давридаги Ғарбдаги иккита асосий мавзулардан бири бўлган иқтисодий либерализмни тарғиб қилди (иккинчиси, сиёсий демократия, у буни маъқулламади). Худди Отатурк билан бўлгани каби, бу қарашлар Салинаснинг ўзи каби АҚШда таълим олган сиёсий ва иқтисодий элита орасида кенг тарқалган эди. Салинас инфляцияни кескин пасайтирди, кўплаб давлат корхоналарини хусусийлаштирди, Ғарб сармояларини жалб қилди, тарифлар ва субсидияларни пасайтирди, ташқи қарз сиёсатини қайта тузди, касаба уюшмалар таъсирини камайтирди, меҳнат унумдорлигини оширди ва Мексикани АҚШ ва Канадани ўз ичига олган НАФТА – Шимолий Америка эркин савдо зонасига киритди. Отатуркнинг ислохотлари Туркияни Яқин Шарқдаги мусулмон мамлакатдан дунёвий Европа давлатига айлантиришга қаратилгани каби, Салинас ислохотларининг мақсади Мексикани Лотин Америкаси эмас, балки Шимолий Америка мамлакатига айлантиришга қаратилган эди. [с.229]

Аммо бу Мексика учун муқаррар танлов эмас эди. Эҳтимол, Мексика элитаси ўзларининг ўтмишдошлари қарийб бир аср давомида юргани каби учинчи дунёга хос бўлган анти-Америка миллатчилик ва протекционизм йўлидан боришлари мумкин эди. Ёки баъзи мексикаликлар талаб қилганидек, раҳбарлар Испания, Португалия, Жанубий Америка ва Иберо-Америка

мамлакатлари⁴ ташкилоти давлатлари билан алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилишлари мумкин эди.

Мексика Шимолий Америкада ўз ўрнини топа оладими? Сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал элита вакилларининг аксарияти ушбу йўналишни афзал кўришади. Шунингдек, Туркия билан боғлиқ вазиятдан фарқли ўлароқ, мезбон цивилизациянинг сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал элитаси вакилларининг аксарияти Мексиканинг маданий йўлини қайта белгилаб олишини олқишлар билан кутиб олдилар. Иммиграция каби муҳим цивилизациялараро муаммо ҳам бу фарқни тасдиқлайди. Турк муҳожирлари оқими Европага ёпирилиб келади, деган кўрқув Туркиянинг Европа элитаси ва жамоатчилиги томонидан Европага қабул қилинишига қарши ҳаракатни юзага келтирган. Аксинча, АҚШга мексикаликларнинг қонуний ва ноқонуний иммиграцияси Салинаснинг НАФТАга қўшилиш учун қуролларидан бири бўлди: "Сиз бизнинг ё молимизни ё одамларимизни қабул қиласиз." Бундан ташқари, Мексика ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги маданий масофа Туркия ва Европа ўртасидаги масофадан анча қисқароқ. Мексикада дин - католиклик, тили - испан ва унинг элитаси тарихан Европага интилган (улар ўз фарзандларини таълим олиш учун юборган) худди сўнгги вақтларда Қўшма Штатларга интилгани каби (ҳозир ҳам болаларини таълим олиш учун юбордилар). Англо-америка Шимолий Америкаси ва испан-ҳинду Мексикаси ўртасидаги ўзаро бир бирини тушуниши христиан Европаси ва мусулмон Туркиясидан фарқли ўлароқ сезиларли даражада осонроқ эди. Ушбу умумий хусусиятларга қарамай, [с.230], Мексика НАФТА томонидан қабул қилингандан сўнг, АҚШ Мексика билан яқин ҳамкорликни ҳам, унга қарши курашни ҳам ривожлантирди. Иммиграцияни чеклаш талаблари, жанубга қараб ҳаракатланаётган фабрикалар устидан шикоятлар ва Мексиканинг Шимолий Америкадаги эркинлик ва қонунга бўйсунуш принципларига амал қилиши мумкинлиги ҳақидаги саволлар янграй бошлади.

Қисмларга бўлиниб кетган Мексика жамиятини муваффақиятли бирлашувининг учинчи шарти - бу умумий келишувдир (жамоатчилик томонидан ихтиёрий қўллаб-қувватлаши ёрдамида). Ушбу омилнинг аҳамияти маълум даражада давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик фикри қанчалик муҳимлигига боғлиқ. 1995 йилда Мексиканинг Ғарбга йўналтирилган йўналиши демократлаштириш синовидан ўтмади. Ташқи қўллаб-қувватлашга эга бўлган Чиапасадаги бир неча минг уюшган кўзғолончиларнинг Янги йил кўзғолони, Шимолий Америкалашувга жиддий қаршилиқнинг намоёниши эмас эди. Бироқ, бу кўзғолонга мексикалик

⁴ XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab, dunyoning Yevropa va Lotin Amerikasidagi ispan va portugal tilida so'zlashuvchi davlatlarini birlashtirgan qismini belgilash uchun ishlatilgan ta'rif.

зиёлилар, журналистлар ва жамоатчилик фикрини шакллантирадиган бошқа одамларнинг хайрихоҳлиги Шимолий Америкалашув ва умуман олганда НАФТА Мексика элитаси ва жамоатчилиги томонидан жиддий қаршиликка учраши мумкинлигини кўрсатмоқда. Президент Салинас атайлаб сиёсий ислохотлар ва демократлаштиришдан кўра иқтисодий ислохотлар ва ғарблаштиришга устувор аҳамият беради. Аммо иқтисодий ҳамкорлик ва АҚШ билан ўсиб бораётган ҳамкорлик Мексика сиёсий тизимини ҳақиқий демократлаштириш тарафдори бўлган кучларни кучайтиради. Мексиканинг келажаги тўғрисида энг муҳим савол қуйидагича: "Мексика элитасининг 1980 ва 1990 йилларда Ғарбга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари туфайли юзага келган сиёсатдаги ўзгаришлар ва шу билан бир вақтда модернизация ва демократлаштириш девестернизацияни (мамлакатнинг НАФТА таркибидан чиқишига ёки ушбу ташкилотда иштирок этишининг пасайишига олиб келади) қай даражада рағбатлантиради? Мексиканинг Шимолий Америкалашуви унинг демократлашувига мос келадими? [с.231]

АВСТРАЛИЯ

Россия, Туркия ва Мексикадан фарқли ўлароқ, Австралия бошиданок ғарбий мамлакат бўлган. Йигирманчи аср давомида у Буюк Британиянинг, кейин АҚШнинг яқин иттифоқчиси бўлган; Совуқ уруш даврида у нафақат Ғарб ҳамжамиятининг аъзоси, балки Ғарбнинг Америка-Британия-Канада-Австралия ҳарбий ва разведка блокнинг таянчи эди. Бироқ, 90-йилларнинг бошларида Австралиядаги сиёсий лидерлар ўз мамлакатларини Ғарбни ташлаб чиқиб, унинг йўналишини қайта белгиладилар, Осиё жамиятининг бир қисмига айланишлари ва ўзларининг жуғрофий кўшнилари билан яқин алоқалар ўрнатишлари яхши бўлади деб қарор қилдилар. Австралия, Бош вазир Пол Китингнинг сўзларига кўра, Австралия "империянинг филиали" бўлишни тўхтатиши, республикага айланиши ва ўз олдида Осиё билан "қўшилиш" мақсадини қўйиши керак. Мустақил мамлакат сифатида Австралиянинг ўзлигини аниқлаш учун бу зарур, дейди у. "Австралия дунёга ўзини кўп маданиятга эга мустақил мамлакат сифатида намоён этолмайди. Осиёга қўшилиш учун ҳар эҳтимолга қарши конституцияга биноан бу қадамни қўйиш ва қатъийлик билан ҳаракат қилиш лозим, чунки Австралия маълум даражада сунъий равишда яратилган мамлакат бўлиб қолмоқда." Китингнинг таъкидлашича, Австралия кўп йиллар давомида "англофилия ва карахтлик"дан азият чекмоқда ва Буюк Британия билан ўзаро иттифоқ истиқболда "миллий маданиятимизга, иқтисодий келажагимизга ва Осиё ва Тинч океанидаги тақдиримизга путур етказди". Ташқи ишлар вазири Гарет Эванс ҳам шунга ўхшаш хулосалар чиқаради.

Австралиянинг ўзини Осиё давлати сифатида қайта белгилаши сабаби, иқтисодиёт халқларнинг тақдирини белгилашда маданиятдан муҳимроқ деган фикрнинг ғолиб бўлиши эди. Бунга шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг динамик ўсиши асосий туртки бўлиб хизмат қилди, бу эса ўз навбатида Австралиянинг Осиё билан савдо ҳажмининг кескин ўсишига олиб келди. 1971 йилда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё Австралия экспортининг 39 фоизини қабул қилди ва импортнинг 21 фоизини ташкил [с.232] қилди. 1994 йилга келиб Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё Австралия экспортининг 62 фоизини ўзлаштирди ва импортнинг 41 фоизини ташкил қилди. Таққослаш учун: 1991 йилда Австралия экспортининг атиги 11,8% Европа ҳамжамиятига ва 10,1% АҚШга жўнатилган. Осиё билан иқтисодий алоқаларнинг бундай чуқурлашуви австралияликлар онгида дунёда учта асосий иқтисодий блок ривожланаётгани ва Австралиянинг Шарқий Осиё блокада ўз ўрни бор деган ишонч билан мустаҳкамланди.

Ривожланган иқтисодий алоқаларга қарамай, Австралиянинг Осиё билан қизиқиши бўлинган мамлакатни муваффақиятли цивилизацион ривожланишга олиб келиши мумкин. Биринчидан, 1990-йилларнинг ўрталарида, Австралия элитаси ушбу йўналишга жуда ҳам қизиқиш билдирмаган эди. Либераллар партияси раҳбарлари томонидан фаол қўллаб-қувватланадиган ушбу масала маълум даражада тушунмовчилик ва қаршиликка дуч келди. Лейбористлар ҳукумати ҳам бир қатор зиёлилар ва журналистлар томонидан танқид қилинди. Шунингдек, элитада Осиё танлови бўйича аниқ келишув мавжуд ҳам эмас эди. Иккинчидан, жамоатчилик фикри зиддиятли эди. 1987 йилдан 1993 йилгача монархияни бекор қилиш тарафдори бўлган Австралия жамоатчилигининг нисбати 21% дан 46% гача кўтарилди. Бироқ, бу вақтда жамоатчилик кўмаги ўзгариб, заифлаша бошлади. "Юнион Жек"ни Австралия байроғидан олиб ташлаш тарафдорлари сони 1992 йил май ойида 42% дан 1993 йил августда 35% гача камайди. 1992 йилда австралиялик юқори лавозимли амалдор таъкидлаганидек: "Одамлар бунга чидашлари қийин. Мен вақти-вақти билан Австралия Осиёнинг бир қисми бўлиши кераклигини айтсам, қанчадан-қанча ғазабга тўла хатлар олганимни ҳисоблай олмайман ҳам."

Учинчи ва энг муҳим аспекти, Осиё мамлакатлари элиталари Австралиянинг ютуқларини Европа элиталари Туркиядан қабул қилганга қараганда камроқ қабул қилишди. Улар, агар Австралия Осиёнинг бир қисмига айланишни хоҳласа, [с.233] чинакам осиеликка айланиши кераклигини таъкидлайдилар, улар буни даргумон деб ҳисоблайдилар, агар имконсиз бўлмаса. "Австралиянинг Осиёга интеграциялашувининг муваффақиятга эришиши, - деди индонезиялик бир амалдор," Осиё давлатлари Австралиянинг мақсадларини қай даражада қабул қилишларига боғлиқ.

Австралиянинг Осиёга қўшилиши унинг ҳукумати ва халқининг Осиё маданияти ва жамиятини қанчалик яхши билишига боғлиқ.” Осиёликлар австралияликларнинг Осиё ҳақидаги риторикаси ва унинг ғарбга хос ҳаёти ўртасидаги тафовутни кўрадилар. “Тайлар, - австралиялик дипломатнинг сўзларига кўра, - Австралиянинг қатъий талабларини қабул қилади, у "сокин эсанкираш"да бўлган Осиё давлати.” 1994 йил Малайзия Бош вазири Мгатир "...маданий жиҳатдан Австралия ҳали ҳам Европа мамлакатидир" деди, "... ва биз уни Европа деб биламиз, шунинг учун Австралия Шарқий Осиё Иқтисодий Кенгашига аъзо бўлмаслиги керак. Биз осиеликлармиз, бизда бошқа давлатларни очик танқид қилиш ёки улар ҳақида ҳукм чиқариш эҳтимоли кам. Аммо Австралия маданияти Европага хос бўлиб, ўзида бошқаларга нима қилиш керак ва нима керак эмас, нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини айтиш ҳуқуқини ҳис қилади. Бу, албатта, бу барчамиз учун номақбулдир. Мана менинг сабабларим (Австралиянинг ШОИКга қабул қилинишига қарши). Бу терининг ранги ҳақида эмас, балки маданият ҳақида." Қисқа қилиб айтганда, осиеликлар Австралияни худди европаликлар Туркияни "улар биздан фарқ қилади" даган сабабга кўра чиқаришмоқчи бўлгани каби ўз ҳамжамиятидан чиқариб ташламоқчи. Бош вазир Китинг Австралияни Осиёда "учинчи ортиқчадан учинчи зарурий" мамлакатга айлантirmoқчи эканлигини айтишни хуш кўради. Бу соф оксиморон: учинчи ҳали ҳам жуфтсиз қолмоқда.

Магатир таъкидлаганидек, маданий анъаналар Австралияни Осиё мамлакатлари қаторига қўшилишига тўсқинлик қилмоқда. Ҳар доим австралияликларнинг демократия, инсон ҳуқуқлари, эркин матбуотга содиқлиги масаласида зиддиятлар мавжуд ва Австралия деярли барча қўшни давлатларининг ҳукуматлари томонидан ушбу ҳуқуқларнинг бузилишига қарши норозилик билдирмоқда. "Австралия учун минтақадаги ҳақиқий муаммо," [с.234] деди австралиялик дипломат, "бу бизнинг байроғимиз эмас, балки асосий ижтимоий қадриятларимиздир. Аминманки, сиз минтақада тан олинмиши учун ушбу қадриятлардан бирортасини бузмоқчи бўлган австралияликни топа олмайсиз." Характер, услуб ва хатти-ҳаракатлардаги аниқ фарқлар ҳам тилга олинади. Магатирнинг таъкидлашича, осиеликлар ўз мақсадларига нозик, билвосита, тузатилган, маккор ҳукм қилмайдиган, юзаки, ахлоқий ва қарама-қарши бўлмаган йўллар билан эришишга мойил. Аксинча, австралияликлар – тўғридан-тўғри, кўпол, очик гапирадиган, айтиш мумкинки, инглиз тилида сўзлашадиган дунёнинг беадаб одамлари. Ушбу маданий можаролар Китингнинг осиеликлар билан бўлган муносабатларида бирмунча аниқ намоён бўлади. Китинг миллий хусусиятларни энг юқори даражада акс эттиради. У "сиёсат дастгоҳи" ва унинг услуби "ўта кўпол ва пуч" дея таърифланган. У иккиланмасдан, ўзининг сиёсий рақибларини "эшак",

"хушбўй жиголо" ва "ақлдан озган жинойтчилар" деб атайди. Шу билан бирга, Китинг Австралия Осиё мамлакатига айланиши кераклиги тўғрисида баёнот берганда, у ўзининг тажовузкор тўғридан-тўғри ҳаракатлари билан Осиё раҳбарларини мунтазам равишда ғазаблантиради, хижолатда қолдиради ва ўздан бездиради. Маданиятлар ўртасидаги жарлик шунчалик каттаки, Китинг хатти-ҳаракатлари билан ўзининг маданий оғайнилари қандай қилиб ҳафа қилганини ҳатто маданий яқинлашув тарафдорлари ҳам пайқамайдилар.

Китинг - Евансни танлаш иқтисодий омилларни қисқа вақт ичида қайта кўриб чиқиш ва мамлакат маданиятига эътибор бермаслик, уни янгилаш ўрнига рад этиш, шунингдек, Австралиянинг иқтисодий муаммоларидан эътиборни чалғитишга қаратилган тактик сиёсий ҳаракатнинг натижаси сифатида қараш ҳам мумкин. Бошқа томондан, буни Австралияни Шарқий Осиёда ўсиб бораётган иқтисодий, сиёсий ва, ниҳоят, ҳарбий куч марказлари билан бирлаштириш ва тенглаштиришга қаратилган узоқни кўзлаб илгари сурилган ташаббус сифатида кўриш мумкин. Шу муносабат билан, Австралия [с.235] ўсиб бораётган ғарбий бўлмаган цивилизацияларга «қўшилиш» учун Ғарбдан узоқлашишга уринаётган кўплаб Ғарб мамлакатларидан биринчиси бўлиши мумкин. Йигирма биринчи асрнинг охирида тарихчилар Китинг - Еванснинг танловини Ғарб таназулининг асосий наъмунаси сифатида кўриб чиқишлари мумкин. Бироқ, агар бундай танлов амалга оширилса, у Австралияни ғарбга хос бўлган меросидан маҳрум қила олмайди ва Австралия жамияти доимий равишда парчаланаётган "бахтли мамлакат"га айланади: бир вақтнинг ўзида ҳам "империянинг филиали" (Пол Китинг томонидан қораланган), ҳам "Осиёнинг янги оқ доғлари" (буни Ли Кван Ю ғазаб билан шундай деб номлаган).

Бу тақдир Австралия учун қайтариб бўлмас эмас эди ва бўлмайди ҳам. Ўзларининг иштиёқ билан Буюк Британиядан ажралишга бўлган орзусини амалга ошириш учун, Австралия раҳбарлари уни Осиёнинг кучли давлати деб эълон қилмасликлари, уни аслида Китингнинг бош вазир лавозимидаги ўтмишдоши Роберт Хок илгари сурганидек Тинч океани мамлакати деб белгилашлари мумкин. Агар Австралия Британия тожидан мустақил республикага айланмоқчи бўлса, Австралия каби, асли келиб чиқиши британиялик бўлган иммигрантлар мамлакати бўлган, континентал катталиқка эга, инглиз тилида гапирадиган, учта урушда иттифоқчи сифатида иштирок этган, асосан европаликлар яшайдиган ва унинг осийлик аҳолиси ҳам худди Австралия каби доимий равишда ўсиб бораётган, дунёда бу ишни биринчи бўлиб амалга оширган мамлакатга тақлид қилиши мумкин. Маданий жиҳатдан 1776 йил 4 июлда қабул қилинган Мустақиллик Декларациясининг қадриятлари Австралияга Осиёнинг ҳар қандай қадриятларига қараганда

кўпроқ мос келади. Иқтисодий нуқтаи назардан, маданий бегона мамлакатлар гуруҳига киришга уриниш ўрнига, Австралия раҳбарлари НАФТАни АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландияни ўз ичига олган Шимолий Америка ва Жанубий Тинч океани мамлакатлари шартномаси (NASP – North American-South Pacific) гача кенгайтиришни таклиф қилиши мумкин. Ушбу давлатлар билан иттифоқ маданият ва иқтисодиётни бирлаштириши ва ҳеч қандай фойда бермайдиган Осиё мамлакатига айланиш учун самарасиз уринишлардан кўра Австралияга мустаҳкам ва доимий ўзига хосликни бериши мумкин эди [с.236].

ҒАРБИЙ ВИРУС ВА МАДАНИЙ ШИЗОФРЕНИЯ

Австралия раҳбарлари ечим излашда Осиёга мурожаат қилар экан, бошқа бўлинган мамлакатлар - Туркия, Мексика ва Россия раҳбарлари Ғарбни ўз жамиятларига қўшишга ва Ғарбга ўз жамиятларини қўшишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, уларнинг тажрибаси маҳаллий маданиятларнинг мустаҳкамлиги, мослашувчанлиги ва қайишқоқлиги яққол намунасига айланди: уларнинг янгилаш қобилияти ва Ғарбдан қарз олишга қаршилиқ кўрсатиши, шунингдек уни чеклаши ва унга мувофиқлашиши. Ғарб таъсиридан чиқишнинг иложи йўқ экан, унда Камолчилар реакцияси муваффақиятли бўлади. Агар ғарбга хос бўлмаган жамиятлар модернизация қилинадиган бўлса, унда улар Ғарбнинг эмас, ўзларининг йўлларидан боришлари керак. Улар Японияга тақлид қилиб, ўз анъаналари, институтлари ҳамда қадриятларига ишонишлари ва буларнинг ҳаммасидан фойдаланишлари керак.

Ўз мамлакатлари маданиятини тубдан ўзгартириши мумкинлигига ишонган сиёсий раҳбарлар муқаррар равишда муваффақиятсизликка дуч келишади. Улар Ғарб маданиятининг элементларини ўзлаштиришга муваффақ бўлишади, аммо улар ўзларининг маҳаллий маданиятининг асосий элементларини абадий босиб тура олмайдилар ёки бутунлай йўқ қилолмайдилар. Аксинча, агар Ғарб вируси бошқа бир жамиятга кирган бўлса, уни йўқ қилиш жуда қийин. Вирус яшовчан, аммо ҳалокатли эмас: бемор тирик қолади, аммо тўлиқ тузалмайди. Сиёсий раҳбарлар тарихни яратишлари мумкин, аммо улар тарихдан қочиб қутула олмайдилар. Улар жамиятлари бўлинган давлатларни яратадилар, лекин айнан Ғарб билан бир хил мамлакатларни ярата олмайдилар. Улар мамлакатга узоқ вақт давомида унинг характерини белгиловчи маданият шизофрениясини юқтиришлари мумкин. [с.237]

7-боб

**Марказий(асосий) давлатлар, концентрик доиралар ва
цивилизациялар тартиб**

Цивилизациялар ва тартиб

Шаклланаётган глобал сиёсатда йирик цивилизацияларнинг марказий давлатлари “совуқ уруш” давридаги иккита буюк давлатнинг ўрнини эгаллаб, бошқа давлатлар учун асосий интилиш ёки йироқлашиш қутбларига айланмоқда. Ушбу ўзгаришлар айниқса Ғарб, Православ ва Чин

цивилизацияларида аниқ кўринади. Бундай ҳолларда цивилизация гуруҳлари вужудга келади, уларга марказий давлатлар, аъзо давлатлар, кўшни давлатлардаги маданий ўхшаш озчиликлар ва кўшни давлатларда яшовчи бошқа маданиятлар(бироз мунозарали бўлсада) вакиллари киради. Ушбу цивилизация блоклари таркибидаги давлатлар кўпинча марказий давлат ёки давлатлар атрофида концентрик доираларда жойлашишади, бу уларнинг ушбу блокка интилиш даражасини ва унга қай даражада кўшилишини акс эттиради. Тан олинган марказий давлати бўлмаса-да, Ислом ўзининг умумий ўзига хослигини мустаҳкамламоқда, аммо шу пайтгача у фақат оддий сиёсий тузилмани яратди.

Мамлакатлар ўхшаш маданиятли мамлакатлар билан боғланишади ва маданий муштарақлиги бўлмаган мамлакатлар билан мувозанатни сақлашади. Бу, айниқса, марказий давлатларга нисбатан тўғри. Уларнинг кучи маданий жиҳатдан ўхшаш давлатларни жалб қилади ва маданий жиҳатдан фарқ қиладиганларни қайтаради. Хавфсизлик нуқтаи назаридан марказий давлатлар бошқа цивилизацияларнинг баъзи халқларини ўзларига кўшиб олишга ёки ҳукмронлик қилишга уриниши мумкин, улар эса ўз навбатида бундай бошқарувга қарши туришга ёки ундан қочишга ҳаракат қилишади (Хитойда тибетлар, уйғурлар; Россияда татарлар, чеченлар, Ўрта Осиё мусулмонлари) . Тарихий муносабатлар ва кучлар мувозанати нуқтаи назаридан, баъзи давлатлар ўзларининг марказий давлатларининг таъсирига қарши туришга мажбур бўлишади. Грузия ҳам, Россия ҳам православ мамлакатлардир, аммо грузинлар тарихан Россия ҳукмронлигига ва Россия билан яқинлашишга қаршилиқ қилган. Вьетнам ва Хитой иккаласи ҳам Конфуций давлатлари, аммо улар ўртасида тарихий адоват мавжуд. Вақт ўтиши билан маданий муштарақлик ва кенгроқ ва кучли цивилизация онгининг ривожланиши Ғарбий Европа мамлакатлари бирлашгани каби ушбу давлатларни бирлаштириши мумкин.

“Совуқ уруш” давридаги тартиб ҳукмронлик қилган икки блокнинг буюк давлатлари ҳукмронлиги ва учинчи дунёга таъсирининг натижаси эди. Юзага

келаётган дунёда глобал куч аллақачон эскирган ва глобал ҳамжамият узок орзу бўлиб қолмоқда эди. Ҳеч бир мамлакат, шу жумладан АҚШ ҳам муҳим глобал хавфсизлик манфаатларига эга эмас. Бугунги мураккаб ва бир хил дунёда тартибни ўрнатиш учун шароитлар цивилизациялар ичида ҳам, улар ўртасида ҳам мавжуд. Дунёда цивилизациялар тартиби шаклланади ёки умуман йўқ. Бу дунёда цивилизацияларнинг марказий давлатлари цивилизациялар ичидаги тартиб манбаи бўлиб, бошқа асосий давлатлар билан музокаралар орқали цивилизациялар ўртасида тартиб ўрнатилишига таъсир қилади.

Марказий давлатлар устунлик қиладиган дунё бу уларнинг ҳар бирининг таъсир доиралари дунёси. Аммо бу марказий давлатнинг таъсири чекланган ва бошқа цивилизация вакиллари билан ўхшаш маданият томонидан сусайган бўлади. Маданий ҳамжамият марказий давлатнинг раҳбарлигини ва унинг ролини иштирокчи мамлакатлар, ташқи кучлар ва институтлар назаридаги қонунийликни кафолатлайди. Шу сабабли, 1994 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Бутрос Бутрос-Гали қилган ишларни бажариш бефойда эди, яъни "манфаатлар соҳаси" қондаси учун курашиш фойдасиз, унга кўра минтақада ҳукмронлик қилаётган мамлакат БМТ тинчликпарвар кучларида учдан бирдан кўпроғини ташкил қилиши керак. Бундай талаб марказий давлат бўлган ҳар бир минтақада тинчликка фақат шу мамлакат раҳбарлиги остида эришиш мумкинлиги ҳақидаги геосиёсий ҳақиқатни инкор этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий ҳокимиятга алтернатива эмас ва минтақавий ҳокимият марказий давлатлар томонидан ушбу цивилизациянинг бошқа мамлакатларига татбиқ этилгандагина жавобгар ва қонуний бўлади.

Марказий давлат тартибни сақлаш ролини фақат бошқа давлатлар уни маданий қариндоши сифатида қабул қилгандагина бажара олади. Цивилизация катта оила бўлиб, марказий давлатлар катта оила аъзолари сифатида қариндошларини қўллаб-қувватлайди ва тартибни таъминлайди. Агар бундай қариндошлик бўлмаса, кучлироқ давлатларнинг низоларни ҳал

қилиш ва ўз минтақаларида тартибни тиклаш қобилияти чекланган. Покистон, Бангладеш ва ҳаттоки Шри-Ланка ҳеч қачон Ҳиндистонни Жанубий Осиёда тартибнинг кафолати сифатида қабул қилмайди ва Шарқий Осиёда бирорта ҳам давлат Японияга Шарқий Осиёда ушбу ролни бажаришга рухсат бермайди.

Агар цивилизация марказий давлатга эга бўлмаса, цивилизация ичида тартиб яратиш ёки цивилизациялар ўртасидаги муносабатларни музокара қилиш муаммолари янада қийинлашади. Боснияликларни, масалан Россия - сербларни ва Германия - хорватларни каби, расмий ва қонуний равишда қўллаб-қувватлай оладиган муҳим Исломий давлатнинг йўқлиги АҚШни бу ролни ўйнашга мажбур қилди. Бундай ҳаракатларнинг самарасизлиги Америка собиқ Югославия ҳудудида чегараларни қайта тақсимлашда стратегик манфаатларга эга эмаслиги, Босния билан маданий алоқаларга эга эмаслиги ва европаликлар Европада мусулмон давлати яратилишига қарши чиққанликлари билан изоҳланади. Африка ва араб дунёсида марказий давлатларнинг йўқлиги Суданда давом этаётган фуқаролар урушини тугатиш муаммосини анча мураккаблаштирди. Муҳим мамлакат бўлган жойда, цивилизацияларга асосланган янги халқаро тартибнинг марказий қисмлари пайдо бўлади.

Ғарбнинг чегараларини аниқлаш

“Совуқ уруш” даврида Кўшма Штатлар Совет Иттифоқининг келгусида кенгайишини тўхтатиш учун битта умумий мақсадга эга бўлган катта, хилма-хил, полицивилизациявий гуруҳнинг маркази эди. “Эркин дунё”, “Ғарб” ёки “иттифоқчилар” номи билан танилган бу гуруҳга кўпгина ғарб мамлакатлари, Туркия, Греция, Япония, Корея, Филиппин, Исроил ва озгина бўлса-да, Тайван, Таиланд ва Покистон каби давлатлар кирган. Бу гуруҳ бошқа (деярли тенг даражада турли хил) гуруҳга қарши чиқди, улар Грециядан ташқари барча православ давлатларини, Ғарбга тарихан тегишли бўлган бир неча давлатларни, шунингдек Вьетнам, Куба, маълум даражада Ҳиндистонни ва баъзида бир ёки бир нечта Африка давлатларини ўз ичига олди. “Совуқ уруш” тугаши билан бу кўп миллатли маданиятлараро гуруҳ парчаланиб кетди. Совет тузумининг, айниқса Варшава шартномасининг қулаши драматик эди. “Совуқ уруш” давридаги аста-секин, аммо бир хил ишонч билан, полицивилизациялашган “эркин дунё” Ғарб цивилизациясига кўпроқ ёки камроқ мос келадиган янги гуруҳга айланмоқда. Чегараларни ўрнатиш жараёни ҳозирда қизғин давом этмоқда, унинг бир қисми Ғарб халқаро ташкилотлари аъзоларини аниқлашдир.

Европа Иттифоқининг марказий давлатлари, Франция ва Германия, аввал Белгия, Нидерландия ва Люксембургнинг ички гуруҳини қуршаб олдилар, улар одамлар ва товарларнинг ҳаракатланишидаги барча тўсиқларни олиб ташлашга келишиб олдилар. Кейин кузатиб боринг: Италия, Испания, Португалия, Дания, Буюк Британия, Ирландия ва Греция каби бошқа иштирокчи давлатлар доираси; 1995 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар (Австрия, Финляндия ва Швеция), ва ниҳоят, ушбу асарни ёзиш пайтида ассоциацияга аъзо бўлган давлатлар (Полша, Венгрия, Чехия, Словакия, Болгария, Руминия). Ушбу воқеликни акс эттирган ҳолда, 1994 йилда Германиянинг ҳукмрон партияси ва Франциянинг юқори раҳбарияти табақалаштирилган Иттифоқ тузишни таклиф қилишди. Германия режасига

кўра, "қаттиқ ядро" Иттифоқдан ташқари Иттифоқнинг асл аъзоларини ўз ичига олиши керак эди, Германия ва Франция эса "қаттиқ ядро маркази" бўлиши керак эди. "Қаттиқ ядро" мамлакатлари зудлик билан пул бирлашмасини тузишга ҳаракат қилишлари, шунингдек, ташқи ва муҳофаа сиёсатларини бирлаштиришлари мумкин. Деярли бир вақтнинг ўзида, Франция Бош вазири Эдуар Балладур учта интеграциялашган давлатлардан ташкил топган уч даражали Бирлик моделини таклиф қилди, ҳозирги Иттифоқ аъзоларининг иккинчи доираси ва янги Европа Иттифоқига киришни бошлаган янги давлатлар учинчи доирани ташкил этишлари керак эди. Кўп ўтмай, Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюпен "Шарқий ва Марказий Европадаги шерик мамлакатлар ташқи доирасини" таклиф қилиб, ушбу концепцияни яқунлади; асосий масалалар бўйича умумий қоидаларни (умумий бозор, божхона иттифоқи ва бошқалар) қабул қилиш учун зарур бўлган аъзо мамлакатларнинг ўрта доираси; муҳофаа, валюта интеграцияси, ташқи сиёсат ва ҳоказо каби соҳаларда бошқаларга қараганда тезроқ ҳаракат қилишни хоҳлайдиган ва буни уддалайдиганларни бирлаштирадиганлар". Бошқа сиёсий етакчилар ташкилотнинг бошқа турларини таклиф қилишди, аммо ушбу моделларнинг барчасига янада яқинроқ бирлашган давлатларнинг ички гуруҳлари ва асосий давлатлар билан камроқ интеграциялашган мамлакатлар ташқи гуруҳлари ва шу қабилар, аъзоларни аъзо эмаслардан ажратиб турадиган давлатлар киритилган.

Европада ушбу йўналишнинг аниқланиши Ғарб "Совуқ уруш"дан кейин дуч келган энг муҳим масалалардан бирига айланди. "Совуқ уруш" даврида Европа умуман бирлашмаган эди. Аммо, коммунизм қулаганидан кейин, "Европа нима?" деган саволга дуч келинди ва унга жавоб топишга тўғри келди. Европанинг шимолий, ғарбий ва жанубидаги чегаралари очиқ сувликлар билан белгиланади ва жанубда турли маданиятлар орасидаги чегаралар билан мос келади. Аммо Европанинг шарқий чегараси қаерда? Кимларни европаликлар деб ҳисоблаш керак ва шунинг билан бирга Европа Иттифоқи,

НАТО ва шунга ўхшаш ташкилотларнинг потенциал аъзолари деб кимларни ҳисоблаш керак?

Эътироз билдириш қийин бўлган аниқ жавобни бизга асрлар давомида мавжуд бўлган буюк тарихий бўлиниш, Ғарб христиан халқларини мусулмон ва православ халқларидан ажратиб турувчи чизик беради. Бу чизик IV асрда Рим империясининг бўлиниши ва X асрда Муқаддас Рим империясининг ташкил топиши даврида аниқланган. У тахминан 500 йилдан бери ҳозир мавжуд бўлган жойда бўлган. Шимолдан бошланиб, Россиянинг ҳозирги чегаралари билан Финляндия ва Болтиқбўйи мамлакатлари (Эстония, Латвия ва Литва) орқали ўтади. Ғарбий Белоруссия ва Украина, Ғарбий униат(черков)ни православ Шарқдан ажратиб турадиган Руминия орқали, католик венгерлар яшайдиган Трансилвания ва бошқа давлатлар, кейин эса собиқ Югославия бўйлаб, Словения ва Хорватияни ажратиб турувчи чегара бўйлаб ўтади. Болқонда бу чизик Австрия-Венгрия ва Усмонли империялари ўртасидаги тарихий чегарага тўғри келади. Бу Европанинг маданий чегараси бўлиб, “Совуқ уруш”дан кейин дунёда у Европа ва Ғарбнинг сиёсий ва иқтисодий чегарасига айланди.

Шундай қилиб, полицивилизация модели Ғарбий Европа аҳолиси дуч келадиган саволга аниқ жавоб беради: "Европа қаерда тугайди?". Ғарбий христианлик тугаган ва Ислом ва православлик бошланган Европада бу саволга жавобни Ғарбий Европаликлар эшитишни истайдилар, айнан улар sotto voce(шивирлаб) ни ҳаддан ташқари қўллаб-қувватлайдилар ва аниқ фикр шуки, аксарият зиёлилар ва сиёсатчилар очикчасига амал қилмоқдалар. Майкл

Ҳовард таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи даврида хиралашган Марказий Европа ва Шарқий Европа ўртасидаги фарқни тўғри тан олиш керак. Марказий Европага “илғари Ғарбий христианликнинг бир қисми бўлган ерлар” киради, Ҳабсбург империясининг эски ерлари, Австрия, Венгрия ва Чехословакия, шунингдек Полша ва Германиянинг шарқий чегаралари кирган. “Шарқий Европа” атамаси православ черковининг ҳомийлигида ривожланган ерлар учун ажратилган. XIX асрда Усмонли ҳукмронлигидан озод бўлган Болгария ва Руминия, шунингдек, Совет Иттифоқининг “европа” қисми. Ҳовард таъкидлаганидек, Ғарбий Европанинг биринчи вазифаси “Марказий Европа халқларини Лондон ва Париж, Рим, Мюнхен ва Лейпциг, Варшава, Прага ва Будапешт билан қайта боғлаш” маданий ва иқтисодий ҳамжамиятига жалб қилишдан иборат эди. Икки йил ўтгач, Пиер Беар “янги носозликлар қатори” мавжуд, “бир томондан Ғарб христианлиги (Рим католицизми ва протестантизм), Европа эса Шарқий христиан ва ислом анъаналари билан ажралиб туради. Финляндия раҳбарияти, шунингдек, “темир парда” Ғарб ва Шарқ ўртасидаги узок вақтдан бери давом этаётган маданий танглик “асосида Европани бўлиниш принципи билан алмаштирилди”, собиқ Австрия-Венгрия, шунингдек Полша ва Болтиқбўйи давлатларини “Ғарбий Европа ва Шарқий Европага ажратди”, Болқон мамлакатлари ундан ташқарида. Бу таниқли инглизлардан бири таъкидлаганидек, “шарқий ва ғарбий черковлар ўртасидаги улкан диний низо, оддийгина насронийлик тўғридан-тўғри Римдан ёки унинг келтлари ёки немис воситачиларидан келиб чиққан халқлар ва шарқий ва жануби-шарқий ерлар, бу ерга христианлик Константинопол (Византия) орқали келган”.



Марказий европаликлар ҳам ушбу ажратувчи чизиққа катта аҳамият беришади. Коммунистик меросдан воз кечишда, демократия ва бозор

иқтисодиётига ўтишда муҳим ютуқларга эришган давлатлар, “бир томондан, католик ва христианликни бир томондан православликдан, бошқа томондан православликдан ажратиб турувчи” давлатлардан ажралиб чиқдилар. Бир неча асрлар олдин, Литва президенти таъкидлашича, литваликлар "икки цивилизация" орасини танлашлари керак эди ва улар "Лотин дунёсини афзал кўрдилар, Рим православлигини қабул қилдилар ва қонун асосида давлат тузилишини танладилар". Худди шу атамалар атрофида, поляклар Х асрда Византия насронийлигини эмас, балки Лотинни танлаганларидан бери Ғарбнинг бир қисми бўлганлигини айтадилар. Шарқий Европанинг аҳолиси, аксинча, бугунги кунда ушбу маданий носозлик чизиғининг аҳамиятига қарашади. Болгарлар ва Румияликлар Ғарбнинг бир қисми бўлганлиги ва аста-секин унинг институтларига қўшилишида катта афзалликларни кўришади; лекин шу билан бирга улар ўзларини православ анъаналари ва болгарларни Россия ва Византия билан тарихий яқин алоқалари билан аниқлайдилар.

Ғарбий христианлик билан Европани бирлаштириш Ғарб ташкилотларига янги аъзоларни қабул қилиш учун аниқ мезон беради. Европа Иттифоқи Европада Ғарб анъаналари мавжудлигининг биринчи тамойилидир ва унинг аъзолари сонининг кўпайиши 1994 йилда Австрия, Финляндия ва Швецияни қабул қилиш билан давом этди. 1994 йил баҳорида Европа Иттифоқи Болтиқбўйи мамлакатларидан ташқари барча собиқ Совет республикаларини ўз сафига қўшмаслик тўғрисида олдиндан қарор қабул қилди. Шунингдек, у Марказий Европанинг тўрт давлати (Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия) ва Шарқий Европанинг икки мамлакати - Руминия ва Болгария билан "ҳамкорлик шартномалари" имзолаган. Бироқ, ҳатто 21-асрда ҳам ушбу давлатлардан бирортаси ЕИ нинг тўлиқ аъзосига айланиши даргумон. Марказий Европа мамлакатлари, шубҳасиз, Руминия ва Болгариядан олдин бу мақомга эришишади, агар эриша олишса. Шу билан бирга, Болтиқбўйи давлатлари ва Словениянинг тезкор равишда кириб бориши эҳтимоли кўпроқ. Кичиккина Малта, православ Кипр ва мусулмон Туркиянинг қабул қилиш ҳақидаги аризалари 1995 йилда ҳамон кўриб

чиқилаётган эди. Европа Иттифоқига кириш масаласида ғарбий маданиятга эга ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларга устунлик берилади. Агар ушбу мезонга амал қилинса, у ҳолда Висеград мамлакатлари (Полша, Чехия, Словакия, Венгрия), Болтиқбўйи республикалари, Словения, Хорватия ва Малта тез орада Европа Иттифоқига аъзо бўлишлари мумкин, кейин Европа Иттифоқининг чегаралари Ғарбий цивилизациянинг Европадаги тарихий чегараларига тўғри келади.

Цивилизациялар мантиғи НАТОнинг кенгайтишига нисбатан бир хил ёндашувни тақозо этади. Совуқ уруш Совет Иттифоқини Марказий Европада сиёсий ва ҳарбий назоратни ёйиш билан бошланди. Қўшма Штатлар ва Ғарбий давлатлар Совет Иттифоқи агрессиясини олдини олиш ва керак бўлганда қайтариш учун НАТО туздилар. Совуқ урушдан кейин дунёда НАТО Ғарб цивилизациясининг хавфсизлигини таъминлайдиган ташкилот эди. Совуқ урушнинг тугаши билан НАТО битта асосий ва аниқ мақсадга эга эди: Россиянинг Марказий Европага сиёсий ва ҳарбий назоратини қайтарилишига йўл қўймаслик орқали унинг мавжудлигини таъминлаш. НАТО Ғарб хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти сифатида, унинг аъзоси бўлишни истаган ва жанговар самарадорлик, сиёсий демократия ва ҳарбий кучларнинг фуқаролик назорати нуқтаи назаридан асосий талабларга жавоб берадиган Ғарб мамлакатлари учун очикдир.

Совуқ урушдан кейин Американинг Европадаги хавфсизлик тузилмаларига нисбатан сиёсати дастлаб янада универсал ёндашувни, яъни Тинчлик учун Ҳамкорлик дастурини ўз ичига қамраб олди. Бу дастур деярли барча Европа ва ҳатто Евросиё мамлакатлари учун очик бўлган. Ушбу ёндашув Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотида ҳам катта рол ўйнади. Бу 1994 йил январ ойида Европага ташрифи чоғида Билл Клинтоннинг айтган сўзларида ўз аксини топган: “Энди чегаралар эски тарих билан эмас, балки янги ҳаракатлар билан белгиланиши керак. Мен Европада янги чегара чизишни истаган барчага мурожаат қиламан: биз уни янада яхши келажакдан - универсал демократиядан, умумбашарий бозор иқтисодиётидан, ўзаро

хавфсизлик манфаати учун мамлакатлар ўртасидаги универсал ҳамкорликдан маҳрум қилмаслигимиз керак. Бундан ёмонроқ натижаларга йўл қўймаслигимиз керак. "Аммо бир йил ўтгач, Президент маъмурияти "эски тарих" томонидан белгиланган чегараларнинг аҳамиятини англаб етди ва цивилизациядаги фарқлар воқелигини акс эттирувчи "ёмон натижа" га ўтди. Маъмурият биринчи навбатда Полша, Венгрия, Чехия ва Словакия, кейин Словения, кейин эса Болтиқбўйи мамлакатлари учун НАТО аъзоларининг сонини кўпайтириш мезонлари ва қоидаларини фаол ишлаб чиқишни бошлади.

Россия НАТОнинг кенгайишига қарши чиқмоқда ва бундан ҳам либералроқ ва ғарбпараст руслар бу кенгайиш Россияда миллатчилик ва ғарбга қарши кучларнинг мавқеини сезиларли даражада кучайтиради, деб таъкидлайди. Бироқ, НАТОнинг кенгайиши тарихан Ғарбий христиан динининг бир қисми бўлган мамлакатлар учун чекланган, бу Россияга бирлашган ҳолда Сербия, Болгария, Руминия, Молдова, Белорусия ва Украинага таъсир қилмаслигини кафолатлайди. Бундан ташқари, НАТОнинг ўсишини фақат Ғарб мамлакатларининг қабул қилиниши билан чеклаш, шунингдек, Россиянинг алоҳида православ цивилизациясининг ҳал қилувчи давлати ва шунинг учун православлик чегаралари бўйлаб тартиб учун жавобгар бўлган мамлакатни таъкидлайди.

Мамлакатларни цивилизация бўйича ажратишнинг фойдаси Болтиқбўйи республикалари мисолида намоён бўлади. Улар собиқ Совет республикаларидан фақат ўзларининг тарихи, маданияти ва динида ғарбга хосдир ва уларнинг тақдири ҳар доим Ғарбни ташвишга солиб келган. Америка Қўшма Штатлари ҳеч қачон Совет Иттифоқига қўшилишнинг қонунийлигини тан олмади, СССР парчаланиши даврида мустақилликка эришиш истагини қўллаб-қувватлади ва Россиядан ўз қўшинларини ушбу республикалардан олиб чиқиш режасини қабул қилишни талаб қилди. Россия Болтиқбўйи давлатлари собиқ Совет республикаларига нисбатан ўрнатмоқчи бўлган таъсир доирасидан ташқарида эканлиги аниқ кўрсатилди. Клинтон

маъмуриятининг ушбу ютуғи, Швеция Бош вазири таъкидлаганидек, "Европанинг хавфсизлиги ва барқарорлигига энг муҳим ҳисса қўшган" ва рус демократларига ғоят аниқ рус миллатчиларининг қасос олиш истаги бу республикаларга аниқ садоқати олдида натижасиз бўлишини англашга ёрдам берган.

Европа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайишига катта эътибор берилаётган бир пайтда, ушбу ташкилотларнинг маданий қайта қурилиши ҳам эҳтимолий қисқариш масаласини кўтаради. Ғарбий бўлмаганлардан бири Греция иккала ташкилотнинг аъзоси, бошқаси эса Туркия НАТО аъзоси ва ЕИ аъзолигига номзод. Бу муносабатлар Совуқ урушнинг самарасидир. Совуқ урушдан кейин дунёда, цивилизациялар дунёсида уларнинг ўрни борми?

Туркиянинг Европа Иттифоқига тўлиқ аъзолиги жуда муаммоли ва НАТОга аъзолик Туркиянинг фаровонлиги партияси томонидан доимий равишда ҳужумга учрайди, аммо агар фаровонлик партияси кўчиб ўтадиган сайловда ғалаба қилмаса ёки Туркия ўз меросидан воз кечмаса, НАТОда қолиши мумкин. Отатурк ўзини Исломнинг етакчиси сифатида аниқлайди. Бу мумкин ва эҳтимол Туркия учун орзу қилинган, аммо яқин келажақда даргумон. Туркиянинг НАТОдаги роли қандай бўлишидан қатъи назар, у Болқон, Араб дунёси ва Марказий Осиёда тобора кўпроқ ўз манфаатларини кўзламоқда.

Юнонистон Ғарб цивилизациясининг бир қисми эмас, лекин Ғарб цивилизациясининг муҳим манбаи бўлган классик цивилизацияга қарши кураш олиб борди. Туркия билан қарама-қаршиликда юнонлар ўзларини христиан динининг ҳимоячилари деб ҳис қилишган. Сербия, Руминия ва Болгариядан фарқли ўлароқ, Греция тарихи ҳар доим Ғарб тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Юнонистон ҳам аномалия, Ғарб ташкилотлари учун бегона. У ҳеч қачон на Европа Иттифоқи, на НАТО аъзоси эди ва ҳар доим иккала ташкилотнинг анъаналари ва буйруқларига мослашишда қийналган. 1960 йилларнинг ўрталаридан 1970 йилларнинг ўрталарига қадар Юнонистонда ҳарбий хунта ҳокимият тепасида эди ва мамлакат демократияга

Ўтганидан кейингина Европа Иттифоқига қўшила олди. Мамлакат раҳбарлари кўпинча Ғарб меъёрларидан четга чиқишга ва Ғарб ҳукуматларига қарши чиқишга уриндилар. Аммо бундан ҳам ёмони, Европа Иттифоқи ва НАТОнинг бошқа аъзолари кўпинча Брюсселда мавжуд бўлган стандартларни бузган ҳолда ўзларининг иқтисодий сиёсатларини олиб борган. Юнонистоннинг 1994 йилда Европа Иттифоқи Кенгаши раиси сифатида тутган ҳаракати Европа Иттифоқининг бошқа кўплаб аъзоларини ғазаблантирди ва Ғарбий Европанинг юқори мартабали мулозимлари шахсий суҳбатларда Грециянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини хато деб аташди.

Совуқ урушдан кейин дунёда Греция сиёсати Ғарб олиб борган сиёсатдан ҳам фарқ қилади. Юнонистон томонидан Македониянинг блокадаси Ғарбий ҳукуматлар томонидан жиддий қаршиликларга дуч келди ва Европа Комиссияси Европа судидан Грециядан бундай ҳаракатларни тақиқлашни талаб қилишига олиб келди. Собиқ Югославиядаги можароларга келсак, Греция сербларни фаол равишда қўллаб-қувватлаб, БМТ томонидан киритилган санкцияларни очикчасига бузиб, асосий Ғарб давлатларидан фарқли равишда ўзгача йўл тутди. Совет Иттифоқининг парчаланиши ва коммунистик таҳдиднинг йўқолиши билан Грециянинг Туркия билан қарама-қарши томонида Россия билан умумий манфаатлар мавжуд эди. Юнонистон Россиянинг Кипрнинг юнон қисмида бўлишига имкон берди ва "умумий православ дин туфайли Кипр юнонлари руслар ва серблар билан мамнуният билан учрашдилар. 1995 йилда Кипрда руслар бўлган икки мингга яқин компания мавжуд эди; У эрда рус ва серб-хорват матбуоти нашр қилинди; Кипр Рум ҳукумати Россияда қурол сотиб олишни амалга оширди. Бундан ташқари, Греция Россия билан нефтни Туркия ва бошқа мусулмон давлатларини айланиб ўтиб, Кавказдан ва Ўрта Осиёдан Болгария-Юнон қувури орқали Ўрта Ер денгизига олиб ўтиш масаласини муҳокама қилди. Юнонистоннинг барча ташқи сиёсати аниқ православ йўналишини қабул қилди. Греция, шубҳасиз, расмий равишда НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиб қолади. Бироқ, маданий қайта конфигурация жараёни кучайган сари, бу

аъзолик барча томонлар учун заиф, аҳамияtsiz ва мураккаброқ бўлади. Совуқ уруш даврида Совет Иттифоқининг рақиби Совуқ урушдан кейин Россиянинг иттифоқчисига айланди.

Россия ва унинг яқин хорижи

Чор ва коммунистик империяларнинг вориси бўлган Россия кўп жихатдан Европадаги Ғарбий блокга ўхшаш цивилизация блокига айланди. Россия ядро сифатида (Франция ва Германия эквиваленти) ички ҳалқа билан чамбарчас боғланган бўлиб, унга асосан асосан православ славян республикалари - Беларусия ва Молдова, шунингдек, аҳолисининг 40% руслар бўлган Қозоғистон ва тарихан Россиянинг ишончли иттифоқчиси бўлган Арманистон киради. 90-йилларнинг ўрталарида ушбу мамлакатларнинг барчасида сайловлар орқали ҳокимият тепасига келган россияпараст ҳукуматлар келган. Россия ва Грузия (асосан православлар) ва Украина (православлар) ўртасидаги алоқалар жуда оз бўлса ҳам бор. аммо бу иккала мамлакат миллий ўзига хослик ҳиссига эга ва олдинги мустақилликларини эслашади. Православ Болқонда Россия Болгария, Греция, Сербия ва Кипр билан яқин муносабатларга эга ва Руминия билан унчалик яқин бўлмаган алоқалар мавжуд. Собиқ Совет Иттифоқининг мусулмон республикалари иқтисодий ва хавфсизлик соҳасида Россияга жуда эҳтиёжманд бўлиб қолмоқда. Болтиқбўйи республикалари, аксинча, Европанинг диққат-эътиборини жалб қилишди ва улар Россиянинг таъсир доирасидан муваффақиятли чиқиб кетишди.

Умуман олганда, Россия нисбатан заиф ислом мамлакатлари билан ўралган православ марказга эга давлатлар гуруҳини ташкил этган ва унга раҳбарлик қилади, бу ерда у маълум даражада ҳукмронлик қилишда давом этиб бошқа кучлар таъсирининг тарқалишини олдини олишга ҳаракат қилади. Россия дунё бундай тизимни қабул қилишини ва қўллаб-қувватлашини кутмоқда. 1993 йилда Б.Елцин чет эл ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларига

карата: "Россияга собиқ СССР худудида тинчлик ва барқарорликнинг кафолати сифатида махсус ваколатлар берилиши керак деган" эди. Агар Совет Иттифоқи глобал манфаатларга талабгор бўлган буюк давлат бўлган бўлса, Россия минтақавий ва цивилизациявий манфаатларга эга бўлган йирик кучдир.

Собиқ Совет Иттифоқининг православ мамлакатлари Евроосиё ва дунё сиёсатида ягона Россия блокини яратишда марказий ўринни эгаллайди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетганда, ушбу беш мамлакатнинг барчаси биринчи навбатда ўта миллатчилик томон ҳаракатланиб, янги эришилган мустақилликнинг ролини таъкидлаб, ўзларини Москвадан узоқлаштиришди. Аммо тез орада иқтисодий, геосиёсий ва маданий воқеликни англаш ушбу тўрт республика сайловчиларини россияпараст ҳукуматларни танлашга ва россияпараст сиёсатга қайтишга мажбур қилди. Ушбу мамлакатлар аҳолиси Россияга ёрдам ва ҳимоя учун мурожаат қилишади. Бешинчи республика Грузияда, Россиянинг қуролли аралашуви ҳукуматдаги кайфиятни шунга ўхшаш ўзгаришларга олиб келди.

Арманистон тарихан ўз манфаатларини Россия билан уйғунлаштирган, Россия эса Арманистонни мусулмон кўшниларида ҳимоя қилувчи ролидан ғурурланган. Постсовет даврда бу муносабатлар фақат кучайиб борди. Арманлар Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий ёрдамига таянади ҳамда собиқ Совет республикалари билан алоқаларида Россияни қўллаб-қувватлайди. Ушбу икки мамлакатнинг стратегик манфаатлари бир-бирига мос келади. Арманистондан фарқли равишда Беларус ўзининг миллий ҳолати ҳақида камроқ маълумотга эга. Бундан ташқари у Россиянинг ёрдамига янада кўпроқ боғлиқ. Унинг кўпчилик аҳолиси Россияни ўз ватани сифатида кўришади. 1994 йил январ ойида қонун чиқарувчи ҳокимиятга марказчилар ва ўртача миллатчилар(улардан бири давлат бошлиғи бўлган), ўрнига россияпараст консерваторлар келишган. Ўша йили июлда Владимир Жириновскийнинг тарафдори бўлган россияпараст саксон фоиз овози билан президент этиб сайланди. Беларус Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига биринчилардан бўлиб кўшилди. 1993 йилда Россия ва Украина билан тузилган иқтисодий

иттифоқнинг таъсисчи аъзосига айланди. Россия билан валюта иттифоқини тузди, ядро қуролини Россияга топширди ва XX асрнинг охиригача рус кўшинларини ўз ерида жойлаштиришга рухсат берди. 1995 йилда Беларус номидан бошқа бутунлай Россиянинг бир қисми эди деса бўлади.

Совет Иттифоқи парчаланиб Молдова мустақилликка эришгандан сўнг, кўпчилик уни тезда Руминия билан бирлашишини кутишган эди. Шундай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги кўрқув мамлакат шарқидаги руслашган минтақаларда сепаратистик кайфиятларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу кайфиятларни Москва жимгина қўллаб-қувватлади ва Россия 14-армиясининг фаол ёрдамида Днестр республикасининг пайдо бўлишига олиб келди. Молдованинг Руминия билан иттифоқ тузиш истаги иккала мамлакатдаги иқтисодий муаммолар ва Россиянинг иқтисодий босими туфайли тезда тўхтади. Молдова МДХга кўшилди ва Россия билан савдо ҳажми ошди. 1994 йил февралда россияпараст партиялар парламент сайловларида катта ғалабага эришишди.

Ушбу учта мамлакатда жамоатчилик фикри, стратегик ва иқтисодий манфаатларга мос равишда Россия билан яқин алоқаларни қўллаб-қувватловчи ҳукуматларни юзага келтирди. Украинада вазият бироз бошқачароқ эди. Грузиядаги вазият эса бутунлай бошқача тарзда ривожланди. Грузия 1801 йилгача мустақил давлат бўлган, аммо унинг ҳукмдори шоҳ Георгий XIII турклардан ҳимоя қилишни Россиядан сўраган. Россия инқилобидан уч йил ўтгач, 1918-1921 йилларда Грузия яна мустақил бўлган, аммо болшевиклар уни мажбуран Совет Иттифоқига таркибига киритганлар. СССР парчаланганидан кейин Грузия яна ўз мустақиллигини эълон қилди. Сайловда миллатчилик коалицияси ғалаба қозонди, аммо унинг етакчиси қатағон бошлади ва мажбурий тўнтариш натижасида ағдарилди. Бир пайтлар Совет Иттифоқининг ташқи ишлар вазири бўлган Эдуард Шеварднадзе давлат раҳбари лавозимига қайтди ва 1992 ва 1995 йилларда бўлиб ўтган президент сайловларида ўз ваколатини сақлаб қолди. Аммо Россиядан сезиларли ёрдам олган Абхазиядаги сепаратистик ҳаракат ва ҳокимиятдан ағдарилган

Гамсахурдиянинг қўзғолони туфайли у муаммоларга дуч келди. Шох Георгий сингари Эдуард Шеварднадзе ҳам "Бизда бошқа имконият йўқ" деган хулосага келиб, Москвадан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Россия қўшинлари можарога аралашди ва бунинг натижасида Грузия МДХга кирди. 1994 йилда грузинлар ўзларининг ҳудудларига учта рус ҳарбий базасини номаълум муддатга жойлаштиришга рухсат беришди. Грузия ҳукуматини заифлаштирган, сўнгра уни қўллаб-қувватлаган Россия ҳарбий аралашуви мустақилликка интилган Грузияни Россия лагерига қайтариб берди.

Собиқ Совет республикалари ичида аҳолиси ва аҳамияти бўйича Россиядан кейин иккинчи ўринда Украина туради. Ўз тарихининг турли даврларида Украина мустақил бўлган, аммо шунга қарамай замонавий даврнинг кўп қисмида у Москва томонидан бошқариладиган ягона сиёсий тузилманинг бир қисми бўлган. 1654 йилда ҳал қилувчи воқеа юз берган, яъни Полша зулмига қарши қўзғолон бошлиғи казак Богдан Хмелнитский полякларга қарши курашда ёрдам эвазига подшоҳга қасамёд қилишга рози бўлган. Ўшандан 1991 йилгача (1917 йилдан 1920 йилгача қисқа мустақиллик даврини ҳисобга олмаганда), ҳозирги Украина Москванинг сиёсий назорати остида эди. Бироқ Украина икки ҳар хил маданиятлар билан бўлинган мамлакатдир. Ғарбни православлардан ажратиб турувчи цивилизациялар орасидаги ажратиш чизиғи бир неча асрлар давомида унинг марказидан ўтади. Турли пайтларда ғарбий Украина Полша, Литва ва Австрия-Венгрия империясининг бир қисми бўлган. Аҳолининг анчагина қисми православ маросимларини бажарадиган Униат черковининг тарафдорлари, аммо Рим Папаси ҳокимиятини тан олишади. Тарихан ғарбий украиналиклар украин тилида гаплашган ва қарашлари бўйича жуда миллатчи бўлишган. Бошқа томондан, Шарқий Украина аҳолиси асосан православлар бўлиб, уларнинг катта қисми рус тилида гаплашган. 90-йилларнинг бошларида руслар 22 фоизгача, рус тилида сўзлашувчилар эса Украина аҳолисининг 31 фоизини ташкил қилган. Бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларининг аксарияти рус тилида таълим олишган. Қрим аҳолисининг аксарияти руслар ва 1954 йилда

Хрущев 300 йил олдин Хмелнитский томонидан қабул қилинган қарор шарафига уни Украинага топширган пайтгача Россия Федерациясининг бир қисми бўлган.

Шарқий ва Ғарбий Украина ўртасидаги тафовутлар аҳолининг қарашларида намоён бўлади.

Масалан, 1992 йил охирида Ғарбий Украинадаги русларнинг учдан бир қисми Россияга қарши норозилик туфайли зарар кўрганликларини айтишди, Киевда эса бу 10 фоизни ташкил этди. Шарқ ва Ғарбнинг



бўлиниши 1994 йил июл ойида бўлиб ўтган президент сайловларида яққол намоён бўлди. Россия раҳбарлари билан яқин алоқада бўлишига қарамай, ўзини "миллий" сиёсатчи деб кўрсатган амалдаги президент Леонид Кравчук ғарбий Украинанинг ўн икки вилоятида ғалаба қозониб, айримларида 90 фоизгача овоз олди. Сайлов кампанияси вақтида украин сўзлашув тилидан сабоқ олаётган унинг рақиби Леонид Кучма шарқий ўн учта вилоятда ғолиб чиқди. Кучма 52% овоз билан ғалаба қозонди. Шуниси эътиборга лойиқки, Украина жамоатчилиги жуда кам овоз билан Хмелнитскийнинг 1654 йилдаги танловини маъқуллади. Бир америкалик эксперт таъкидлаганидек, ушбу сайловлар “ғарбий Украинадаги европалашган славянлар ва Украина нимага айланиши кераклиги тўғрисидаги рус-славян қарашлари орасидаги фарқни акс эттирди ва юзага чиқарди, бу фақатгина этник қутбланиш эмас, балки маданиятлар орасидаги фарқдир”

Ушбу бўлиниш натижасида Украина ва Россия ўртасидаги муносабатлар уч йўналишда ривожланиши мумкин. 1990-йилларнинг бошларида давлатлар ўртасида ҳал қилинмаган муҳим масалалар, шу жумладан ядро қуроли, Қрим, Украинадаги русларнинг ҳуқуқлари, Қора денгиз флоти ва иқтисодий муносабатлар мавжуд эди. Кўпчилик қуроли мижазонинг келиб чиқиши

эҳтимоли бор деб ҳисобларди, шунинг учун айрим Ғарб таҳлилчилари Россиянинг тажовузини тўхтатиш учун Украинанинг ядровий қуролни сақлаб қолиш истагини қўллаб-қувватлаши керак деб баҳслаша бошладилар. Аммо, агар цивилизациянинг умумийлиги аҳамиятга эга бўлса, унда руслар ва украиналиклар ўртасида зиддият бўлиш эҳтимоли кам. Бу халқларнинг иккаласи ҳам славян, асосан православлар. Улар ўртасида асрлар давомида яқин алоқалар мавжуд бўлиб, аралаш никоҳлар одатий ҳол бўлган. Мунозарали масалалар ва иккала томоннинг экстремал миллатчиларининг тазйиқларига қарамай, ҳар икки давлат раҳбарлари етарлича куч сарфлаб муаммоларни ҳал қилишда катта ютуқларга эришдилар. 1994 йил ўрталарида аниқ Россия учун маъқул Украина президентнинг сайлови икки мамлакат ўртасида кескин тўқнашув эҳтимолини янада камайтирди. Барча постсовет ҳудудда мусулмонлар ва христианлар ўртасида жиддий тўқнашувлар, шунингдек, Россия ва Болтиқбўйи халқлари ўртасида кескин танглик мавжуд бўлса-да, 1995 йилга келиб руслар ва украинлар ўртасида куч ишлатиш ҳоллари бўлмаган.

Иккинчи ва кўпроқ эҳтимолли воқеалар ривожланиши - бу Украинанинг бўлиниш чизиғи бўйлаб икки қисмга ажралиши, бунда унинг шарқий қисми Россия таркибига киради. Ажралиб чиқиш масаласи биринчи марта Қримда кўтарилган. Қрим жамоатчилиги, уларнинг 70 фоизи руслар бўлиб, 1991 йилдаги референдумда Украинанинг Совет Иттифоқидан мустақиллигини қатъий қўллаб-қувватладилар. 1992 йил майда Қрим парламенти ҳам Қрим мустақиллигини эълон қилишга овоз берди ва шундан кейин Украина босими остида ушбу қарорни бекор қилди. Бироқ, Россия парламенти 1954 йилдаги Қримнинг Украинага берилишини бекор қилишга овоз берди. 1994 йил январ ойида Қрим аҳолиси президент сайлашди, унинг кампанияси "Россия билан бирлашиш" шиори остида ўтказилди. Бу баъзиларда: "Қрим навбадаги Тоғли Қорабоғ ёки Абхазия бўладими?" деган савол туғилишига олиб келди. Бу саволга кескин "Йўқ!" жавоби берилди ва Қримнинг навбатдаги президенти мустақиллик ҳақида референдум ўтказиш фикридан воз кечиб, бунинг ўрнига

Киев ҳукумати билан музокаралар йўлига ўтди. 1994 йил май ойида Қрим парламенти 1992 йилги конституцияни тиклашга овоз бериб, уни Украинадан мустақил қилишга қарор қилганида вазият яна кескинлашди. Аммо Россия ва Украина раҳбарлари яна зўравонликлар келиб чиқишини олдини олишди ва икки ой ўтгач россияпараст Кучмани Украина президенти этиб сайланиши Қримнинг ажралиб чиқишга интилишини сусайтирди.

Бирок, худди шу сайловлар Россияга тобора яқинлашаётган Украинани унинг таркибидан мамлакатни ғарбий қисмларини ажралиб чиқиш эҳтимолини оширди. Баъзи россияликлар буни қўллаб-қувватлашарди. Бир рус генералининг таъкидлашича: "Украина, аниқроғи шарқий Украина бизга беш, ўн ёки ўн беш йилдан кейин қайтиб келади, ғарбий Украина қаёққа кетса кетаверсин", -деган. Ғарбнинг фаол ва жиддий қўллаб-қувватлаши билангина униат ва ғарбпараст ғарбий Украинанинг бундай "парчалари" яшаб қолиши мумкин. Ўз навбатида, бундай қўллаб-қувватлаш фақат Россия ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада ёмонлашганда ва Совуқ уруш давридаги қарама-қаршилик даражасигача етган тақдирдагина кўрсатилиши мумкин.

Учинчи ва энг эҳтимолий ҳолат қуйидаги кўринишда бўлади. Украина айрим бўлақларга бўлинган ҳолда ягона мустақил давлат бўлиб қолади ва умуман Россия билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ўтиш даври муаммолари, ядро қуроллари ва қуролли кучлар маслалари ечилгандан кейин энг муҳим муаммо иқтисодий муаммолар бўлиб қолади, уларни ҳал қилишда қисман умумий маданият ва яқин шахсий алоқалар ёрдам беради. Жон Моррисонга кўра, Россия-Украина муносабатлари шарқий Европа учун ғарбдаги Франция-Германия муносабатлари каби бўлади. Сўнгги икки мамлакат Европа Иттифоқининг ядросини ташкил қилгани каби, биринчи икки мамлакат православ дунёсининг бирлиги учун зарур бўлган ядрони ташкил қилади.

Буюк Хитой ва унинг “биргаликда гуллаб-яшнаш соҳаси”

Тарихан Хитой ўзини куйидаги ҳудудларни бирлаштирувчи сифатида ҳисоблаган: Корея, Ветнам, Лю Чиу ороллари ва баъзида Япония ҳам кирадиган “чин зонаси”; хавфсизлик нуқтаи назаридан назорат қилиниши керак бўлган лекин хитойлик бўлмаган манжурлар, мўғуллар, уйғурлар, турклар ва тибетликлар кирадиган "ички Осиё зонаси"; шунингдек, ҳар ҳолда Хитойнинг устунлигини тан олишлари кутиладиган ва уни етарлича баҳолайдиган нодонларнинг "ташқи зонаси". Марказий ядро – хонлик Хитой; Хитойнинг бир қисми бўлган, аммо етарлича мухториятга эга бўлган узоқроқ вилоятлар; расман Хитойнинг бир қисми ҳисобланадиган, аммо бошқа цивилизациялардан бўлган хитой бўлмаган аҳолининг катта қисми (Тибет, Шинжон); маълум бир шартларда маркази Пекинда жойлашган Хитойнинг таркибига кирадиган ёки кирса бўладиган хитой жамяятлари(Гонконг, Тайван); асосан хитойликлар давлати бўлган, нигоҳи кўпроқ Пекин томон йўналган(Сингапур); Таиландда, Ветнамда, Малайзияда, Индонезияда ва Филиппинда, шунингдек, хитой бўлмаган шунга қарамай Хитой Конфуций маданиятининг кўплаб таркибий қисмларини эътироф этадиган мамлакатлар(Шимолий ва Жанубий Корея, Ветнам)даги ўта таъсирли хитойликлар замонавий Чин цивилизациясининг тузилишини кўрсатиб бермоқда.

1950-йилларда Хитой ўзини собиқ Совет Иттифоқининг иттифоқчиси деб қараган. Кейинчалик, Хитой-Совет муносабатлари ёмонлашгандан сўнг, у ўзини ҳар иккала супер давлатга қарши курашда учинчи дунёнинг етакчиси сифатида кўрди ва бу анча йўқотишлар ва бироз афзалликларга олиб келди. Никсон маъмурияти даврида Америка сиёсати ўзгарганидан кейин Хитой 70-йилларда АҚШга ён босиб "икки супердавлатлар ўртасидаги кучлар мувозанати мувофиқлаштирувчи" учинчи ўйинчи бўлишга ҳаракат қилди, аммо 1980-йилларда, АҚШнинг ҳарбий салоҳияти ошиб, СССР иқтисодий қийинчиликларга дуч келиб, Афғонистонга ўралашиб қолган пайтда, Хитой тенг узоқликда масофа сақлаш вазиятига ўтиб олди. Икки катта кучлар ўртасидаги рақобат тугаши билан "Хитой харитаси" ўз аҳамиятини йўқотди ва

Хитой жаҳон сахнасидаги ролини қайта белгилашга мажбур бўлди. У ўз олдига иккита вазифа қўйди: марказий давлат ва хитой маданиятининг маркази бўлиш ҳамда бошқа барча хитой жамоаларига раҳбарлик қиладиган цивилизация мандатини эгаллаш, шунингдек XIX асрда йўқотилган Шарқий Осиёдаги етакчиликнинг тарихий аҳамиятини тиклаш.

Хитойнинг бу ниятлари қуйидагича: биринчидан Хитойнинг жаҳон сахнасидаги вазиятини тавсифлаш усулида; иккинчидан чет эллик хитойликларнинг Хитой иқтисодий ҳаётида иштирок этиш даражасида, учинчидан Хитойнинг учта асосий (Хитойнинг ўзидан ташқари) Хитой жамоалари Гонконг, Тайван ва Сингапур билан алоқалари тобора ривожланиб боришида, шунингдек Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатларнинг муҳим сиёсий таъсирга эга бўлган Хитойга янада кўпроқ эътибор қаратишида намоён бўлади.

Хитой ҳукумати материк Хитойни унга қараб бошқа барча ҳамжамиятлар йўналиш олиши керак бўлган ўз цивилизациясининг марказий давлати деб билади. Маҳаллий коммунистик партиялар орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ғоясидан аллақачон воз кечган ҳукумат ўзини “Хитой ғоясининг дунёвий элтувчиси” сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Пекин ҳукуматига кўра хитой миллатига мансуб, ҳаттоки турли фуқаролиги бўлган одамлар ҳам ҳамжамият аъзоларидир ва шунинг учун улар Хитой ҳукуматига бирмунча бўйсунушлари керак. Хитой ўзига хослиги (идентичност) ирқий тушунчалар билан ҳам белгиланади. Бир ХХР тадқиқотчисининг таъкидлашича, хитойликлар бир хил “ирқ, қон ва маданият” вакиллари ҳисобланади. 1990-йилларнинг ўрталарида Хитой ҳукумати ва жамоат доираларида ушбу мавзу тобора кўпроқ кўтарилган бошлаган. Хитой аҳолиси ва хитой бўлмаган жамиятларда яшайдиган хитойликлар учун “ойна билан текширув” усули уларнинг кимлигини аниқлашга қаратилган: “Ойна олдига бор ва ўзингга қара” - бу Пекинга мойил хитойликларнинг хорижий мамлакатларда ассимиляция бўлишга интилаётган ватандошларига эслатмасидир. Хитой диаспораси, яъни хитой миллатига

мансуб huarenлар, Хитой давлатининг аҳолиси яъни zhongguorenлардан фаркли ўлароқ, "маданий Хитой" ғоясини gonsh, яъни умумий онгнинг кўриниши эканлигини айтишмоқда. Йигирманчи асрда Ғарб томонидан кўплаб хуружларга учраган хитой ўзигахослиги(идентичност) ҳозирда қайта аниқланиш жараёнида ва бунга вақт синовидан ўтган Хитой маданиятининг таркибий қисмлари ёрдам беради.

Тарихан бу идентификация шунингдек, Хитой давлатининг марказий органлари билан ҳар хил муносабатларга тўғри келди. Ушбу маданий ўзига хослик ҳисси материк Хитой ва бошқа жамиятларнинг иқтисодий ўсишини белгиловчи асосий омил бўлган бир неча Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ўсишига ёрдам берди ва шу билан Хитой маданий ўзига хослигини мустаҳкамлаш учун моддий ва психологик рағбатлантирувчи омил бўлди.

"Буюк Хитой" бу шунчаки мавҳум тушунча эмас. Бу сиёсий бўла бошлаган, тез суръатлар билан ўсиб бораётган маданий ва иқтисодий ҳақиқатдир. Хитойликлар туфайли материкдаги йўлбарслар орасида (тўрт йўлбарснинг учтаси - Хитой жамиятлари) ва Жануби-Шарқий Осиёда 1980 ва 1990 йилларда жадал иқтисодий ўсиш кузатилди. Шарқий Осиёнинг иқтисодиёти тобора Хитой атрофида тўпланиб бормоқда ва бунда Хитой тобора устунлик қилмоқда. Гонконг, Тайван ва Сингапурдаги хитойликлар 90-йилларда материк Хитойдаги кескин иқтисодий кўтарилишни келтириб чиқарган капиталнинг асосий қисмини таъминладилар. Жануби-Шарқий Осиё иқтисодиётида хорижий хитойликлар устунлик қилашади. 90-йилларнинг бошларига келиб, хитойликлар Филиппин аҳолисининг 1 фоизини ташкил қилишарди, лекин маҳаллий фирмалар савдосининг 35 фоизи уларнинг ихтиёрида эди. 80-йилларнинг ўрталарида Индонезия умумий аҳолисининг 2-3 фоизи хитойликлар эди, аммо маҳаллий хусусий капиталнинг қарийб 70 фоизи уларнинг қўлида тўпланган эди. Йигирма бешта энг йирик компанияларнинг ўн еттитаси хитойлар томонидан бошқарилган ва битта Хитой конгломерати Индонезиянинг Ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини

ташқил қилган. 90-йилларнинг бошларида хитойликлар Таиланд аҳолисининг 10 фоизини ташқил қилишди, аммо энг йирик ўнта фирманинг тўққизтасига эгаллик қилишди ва Таиланд Ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизига жавоб беришди. Хитойликлар Малайзия аҳолисининг учдан бир қисмини ташқил қилади, аммо иқтисодиёт деярли бутунлай уларнинг қўлида. Япония ва Кореядан ташқари бутун Шарқий Осиё иқтисодиёти асосан Хитой иқтисодиётидир.

Буюк Хитой биргаликда гуллаб-яшнаш соҳасининг пайдо бўлишини оилавий ва шахсий муносабатларнинг "бамбук тармоғи", шунингдек умумий маданият енгиллаштиради. Чет эллик хитойлар Хитойда ғарбликларга ёки японларга қараганда анча яхши бизнес қила оладилар. Хитойда ишонч ва садоқат, алоқалар, қонунлар ёки бошқа ёзма ҳужжатларга эмас балки шахсий муносабатларга боғлиқ. Ғарбий бизнесмен учун Ҳиндистонда бизнес юритиш шартномаларга содиқлик шахсий муносабатларга асосланган Хитойга қараганда анча осонроқ. Фунабаши Ёичи 1993 йилда ҳасад билан Хитойнинг "Гонконг, Тайван ва Жануби-Шарқий Осиёдаги хитойлик савдогарларнинг чегарасиз тармоғидан" катта фойда кўрганлигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўшилган бир америкалик тадбиркор - "Чет эллик хитойликлар тадбиркорлик қобилиятига эга, тилни билади ва оилавий алоқаларнинг "бамбук тармоғини" бизнес алоқаларига ўтказа олади. Яна қаердадир Акрон ёки Филадельфияда жойлашган директорлар кенгашига ҳисобот бериши керак бўлган ҳар бир кишига нисбатан улар катта устунликка эга" деган. Чет эллик хитойликларнинг материкда бизнес қилиш афзалликлари ҳақида Ли Кван Ю ҳам: "Биз этник хитойликлармиз. Бизнинг мерос ва маданиятда кўп ўхшашликлар бор... Одамлар ўзларига ўхшаганларга хайрихоҳ бўлишади. Агар маданият ва тил умумий бўлса, ўзаро тушуниш ҳисси кучаяди. Бу эса ишонч ва ўзаро тушунишни осонлаштириб, ҳар қандай бизнес муносабатларини асоси бўлади" деган.

Йигирманчи асрнинг саксонинчи - тўқсонинчи йилларида, чет эллик этник хитойликлар "умумий маданият ва тилга асосланган қуанхӣ алоқалари, норма

ва қоидалардаги ноаниқликлар ҳамда ҳуқуқий нормалардаги камчиликларни қоплаши мумкинлигини скептик дунёга намоиш эта олдилар". Иқтисодий ривожланиш учун муштарак маданиятларнинг аҳамияти 1993 йил ноябр ойида Гонконгда бўлиб ўтган хитойлар ишбилармонларининг Иккинчи жаҳон конференциясида таъкидланган. У "бутун дунёдаги хитой ишбилармонлари тўпланган зафарли фестивал" деб таърифланган. Чин дунёсида, бошқа жойларда бўлгани каби, маданий ҳамжамият иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга туртки беради.

Тананмен майдонидаги воқеалардан сўнг Ғарбнинг Хитой иқтисодиётидаги иштирокининг пасайиши ва Хитойнинг ўн йиллик жадал иқтисодий ўсиши чет эллик хитойликларнинг ўзига хос маданияти ва шахсий алоқаларини капиталга айлантирилиши учун имконият ва рағбатлантирувчи омил бўлиб, Хитойга катта сармоялар киритилди. Натижада Хитой жамоалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар кескин ўсди. 1992 йилда Хитой иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 80%и (11,3 миллиард доллар) чет эллик хитойликларга, асосан Гонконг(68,3%), шунингдек Тайван(9,3%), Сингапур, Макао ва бошқа мамлакатларга тўғри келди. Аксинча, Япония атиги 6,6%, АҚШ эса 4,6% сармоя киритган. Жами 50 миллиардга яқин хорижий инвестицияларнинг 67%и Хитой манбалари ҳисобидан амалга оширилган. Савдонинг ўсиши ҳам анча сезиларли бўлган. Тайваннинг Хитойга экспорти 1986 йилдаги деярли нолдан 1992 йилда унинг умумий экспортининг 8% гача, фақат Хитойга эса 1992 йилда 35% гача ўсган. 1992 йили Сингапурнинг Хитойга экспорти 22%га ўсган (таққослаш учун: ўша йили унинг умумий экспорти атиги 2%га ўсган). 1993 йилда Мюррей Вейденбаум: "Япония ҳозирги пайтда минтақада ҳукмронлик қилаётганига қарамай, Осиёда янги иқтисодий тузилма яратилмоқда, маркази Хитойда бўлган саноат, савдо ва молия жадал ривожланмоқда. Ушбу стратегик минтақада ривожланган технология ва ишлаб чиқаришда (Тайван), тадбиркорлик ва савдода (Гонконг), ривожланган алоқа тармоғида (Сингапур) ва ақл бовар қилмайдиган молиявий сармоёда (уч мамлакат!), шунингдек

улкан ҳудудлар, ресурслар ва ишчи кучи (материк Хитой) бўйича катта салоҳиятга эга". Бундан ташқари, материк Хитой бозори, шубҳасиз, ўсиб бораётган бозорларнинг энг каттасидир ва 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Хитойга инвестициялар асосан минтақада сотиш ва экспорт қилишга йўналтирилди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги хитойлар маълум даражада маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишган, маҳаллий аҳоли кўпинча Хитойга қарши қайфиятдалар, бу 1994 йил апрелда Индонезиядаги медан қўзғолони каби зўравонликларда кўриниб қолади. Малайзия ва Индонезиянинг баъзи аҳолиси Хитойнинг сармоясини материкга оқиб кетишини "капитал кўчиши" деб танқид қилишади. Сиёсий раҳбарлар Президент Сухартони бу уларнинг мамлакати иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмайди, деб халқни ишонтиришга мажбур қилишди. Ўз навбатида Жануби-Шарқий Осиёлик хитойлар ўзларининг ота-боболарига эмас, балки улар ўзлари туғилган давлатга содиқликларини айтишган. 90-йилларнинг бошларида Хитой сармоясининг Жануби-Шарқий Осиёдан чиқиши Тайваннинг Филиппин, Малайзия ва Ветнамга катта сармояси билан қопланган.

Ўсиб бораётган иқтисодий қудрат ва умумий хитой маданиятининг уйғунлиги Гонконг, Тайван ва Сингапурнинг материк Хитой ишларига тобора кўпроқ жалб бўлишларига олиб келди. Яқинлашиб келаётган ҳокимият алмашинувига кўниккан Гонконглик хитойлар Лондонни эмас, Пекиннинг кучига мослаша бошладилар. Ишбилармонлар ва бошқа раҳбарлар Хитойни танқид қилишни хоҳламайдилар ва Хитой хафа бўлиши мумкин бўлган нарсани қилмайдилар. Шундай ҳол бўлганда, Хитой ҳукумати зудлик билан жавоб қайтарган. 1994 йилга келиб, юзлаб тадбиркорлар "Гонконг маслаҳатчилари" бўлиб Хитой билан ҳамкорлик қилишди, улар аслида панадаги ҳукумат бўлган ташкилотда ишладилар. 90-йилларнинг бошларида Хитойнинг Гонконгдаги иқтисодий таъсири ҳам сезиларли даражада ошди ва 1993 йилда материкдан қилинган сармоялар Япония ва АҚШнинг қўшма инвестицияларидан ошди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Гонконг ва

материк Хитойнинг иқтисодий интеграцияси деярли якунланди ва қолган нарсалар 1997 йилда амалга ошадиган сиёсий интеграцияни кутиш эди.

Тайваннинг материк Хитой билан алоқаларини ривожланиши Хитойнинг Гонконг билан ҳамкорлигидан орқада қолмоқда эди. Шунга қарамай, саксонинчи йилларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. 1949 йилдан кейин ўттиз йил давомида икки Хитой Республикаси бир-бирларининг мавжудлигини ва қонунийлигини тан олишдан бош тортдилар, бир-бирлари билан алоқалари йўқ эди ва аслида уруш ҳолатида эдилар, бу вақти-вақти билан қирғоқ оролларидаги отишмаларда намоён бўларди. Дэн Сяопин ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, иқтисодий ислохотлар жараёнини бошлагандан сўнг, материк Хитой ҳукумати ярашув йўлида бир қатор қадамларни қўйди. 1981 йилда Тайван ҳукумати ҳам ўзаро яқинлашиш йўлига ўтиб, "учта йўқ" сиёсатидан воз кеча бошлади – яъни материк билан алоқалар, музокаралар ва муросалар йўқ сиёсатидан. 1986 йил май ойида биринчи икки томонлама музокаралар материк Хитойга олиб қочиб кетилган Тайван самолётини қайтариш бўйича бўлиб ўтди ва бир йил ўтгач, Тайван материк билан савдо-сотиқни тақиқлашни бекор қилди.

Бундан кейинги Тайван ва материк ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг жадал ўсишини "умумий Хитой ғояси" енгиллаширди, натижада ўзаро ишонч юзага келди. Учрашувда Тайваннинг бош вакили таъкидлаганидек, Хитой ва Тайван аҳолиси "ўзлари билмаган ҳолда биродар" кайфиятга эга ва бир-бирларининг ютуқларидан ғурурланишади. 1993 йил охирига келиб, тайванликлар материкга 4 миллион 200 минг марта ташриф буюришди, хитойликлар Тайванга 40 минг марта ташриф буюришди; ҳар куни Тайван ва Хитой аҳолиси 40 000 та хат ва 13000 та телефон қўнғироқларини алмашинадилар. Статистика шуни кўрсатадики, 1993 йилда икки Хитой ўртасидаги савдо ҳажми 14,4 миллиард долларга етган, Тайваннинг 20000 фирмаси материкни ривожлантириш учун 15 дан 30 миллиард долларгача сармоя киритган. Тайван материк Хитойга кўпроқ эътибор қаратиб, ўзининг муваффақиятини шунга боғлаган.

1993 йилда бир Тайванлик давлат арбоби: "1980 йилгача Тайван учун энг муҳим бозор Америка эди, аммо тўқсонинчи йилларда Тайван учун энг муваффақиятли асосий омил бу материк" деган. Ўзларида ишчи кучи етишмаслигига дуч келган Тайван сармоядорлари учун энг жозибали нарса материкдаги арзон ишчи кучи бўлган. 1994 йилдаги тескари жараён икки Хитой ўртасидаги капитал ва ишчи кучининг номуносиблигини тўғрилай бошлади, шунда Тайван балиқчилик компаниялари ўз кемаларида ишлаш учун 10000 га яқин материк аҳолисини ёллашди. Иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида музокараларга олиб келди. 1991 йилда икки Хитой бир-бири билан алоқа қилиш учун ташкилотлар тузишди: Тайван ўзаро алоқа фондини, материк эса Тайван бўғози бўйлаб алоқалар уюшмасини ташкил қилди. Биринчи учрашув 1993 йил апрел ойида Сингапурда бўлиб ўтди, кейинги учрашувлар материкда ва Тайванда бўлиб ўтди. 1994 йил августда катта ютуқларга эришилди - кўплаб муҳим масалаларни ўз ичига олган битим имзоланди ва ҳаттоки икки ҳукумат раҳбарлари саммити ҳақидаги гап-сўзларгача боришди.

Тайпей ва Пекин ўртасида 90-йилларнинг ўрталарида айрим, шу жумладан Тайваннинг мустақиллиги, халқаро ташкилотларда иштироки ва Тайваннинг мустақил давлат сифатида ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти каби ҳал қилинмаган масалалар бор эди. Бироқ, иккинчисининг рўй беришининг эҳтимоли борган сари камайиб бормоқда, чунки мустақилликнинг асосий курашчиси бўлган Прогрессив Демократик Партия сайловчилар материк билан мавжуд алоқаларни узишни истамаслигини аниқлади ва овозларни йўқотишдан кўрқиб, бу масалага «босимни» тўхтатди. ПДП раҳбарларининг айтишича, агар улар ҳокимиятга келишса, мустақиллик масаласи уларнинг кун тартибидаги биринчи масала бўлмайди. Иккала ҳукуматнинг ҳам умумий интилишлари бор - Спретли ва Жанубий Хитой денгизидаги бошқа оролларни Хитойга тегишли эканлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, материк Хитойга нисбатан Американинг энг мақбул режимини тасдиқлаш ва ҳ.к. 90-йилларнинг бошларида, иккала Хитой ҳам аста-секин,

аммо муқаррар равишда бир-бирига қараб ҳаракат қилди ва ўсиб бораётган иқтисодий алоқалар ва умумий маданий ўзигахослик(идентичност) асосида ривожланди.

Ушбу мурасага эришиш ҳаракати 1995 йилда, Тайван ҳукумати агрессив равишда эътироф этилишни ва халқаро ташкилотларга киришни талаб қилган пайтда тўсатдан тўхтатилди. Президент Ли Денгхуй АҚШга "норасмий" ташриф буюрди ва 1995 йил декабр ойида Тайванда парламент сайловлари бўлиб ўтди, ундан кейин 1996 йил мартда президент сайловлари бўлиб ўтди. Бунга жавобан Хитой ҳукумати Тайваннинг йирик портлари яқинидаги денгизда ракета синовларини ўтказди ва Тайван назоратидаги оролар яқинида ҳарбий машқлар ўтказди. Вазиятнинг бундай ривожланиши икки саволни туғдирди. Улардан бири ҳозирги масалага тааллуқли: Тайван де-юре мустақил бўлмасдан демократик бўлиб қолиши мумкинми? Иккинчиси келажакка тааллуқлидир: Тайван де-факто мустақил бўлмасдан демократик бўлиши мумкинми?

Тайваннинг материк билан муносабати икки босқичдан ўтди ва учинчи босқичга ўтиши мумкин. Ўнлаб йиллар давомида миллатчилик ҳукумати бутун Хитой ҳукумати деб даъво қилинди; Тайван бундан мустасно, бу баёноат бутун Хитойни бошқарадиган ҳукумат билан аниқ тўқнашувни англатади. 80-йилларда Тайван ҳукумати бу даъволарни рад этди ва ўзини Тайван ҳукумати деб белгилади, бу эса "бир мамлакат, иккита тизим" тамойили бўйича материк билан ярашиш учун асос яратди. Шу билан бирга, Тайвандаги айрим одамлар ва бутун гуруҳлар Тайваннинг маданий ўзигахослиги борлигини таъкидладилар, бу Хитой ҳукмронлигининг нисбатан қисқа даври ва маҳаллий тил мандарин тилида сўзлашувчилар учун тушунарсиз бўлганлигидан далолат беради. Аслида, улар Тайван жамиятини хитойлик эмас деб белгилашга ва шу тариқа Хитойдан ҳақли равишда мустақил бўлишга ҳаракат қилишди. Бундан ташқари, Тайван ҳукумати халқаро майдонда янада фаолроқ бўлиб, Тайваннинг алоҳида мамлакатлигини, Хитойнинг бир қисми эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Қисқаси, Хитой миллий ҳукуматининг

белгиланиши қуйидагича шаклланди: барча Хитой ҳукумати - Хитойнинг бир қисми ҳукумати - Хитойга тегишли бўлмаган ҳудудлар ҳукумати. Мустақиллик декларациясини де-факто англатадиган охириги позиция расмий Пекин учун мутлақо номақбулдир, бундай бўлмаслиги учун куч ишлатишга тайёрлигини бир неча бор таъкидлаган. Хитой ҳукумати раҳбарлари, шунингдек, 1997 йилда Гонконг ва 1999 йилдаги Макао ХХРга қўшилгандан сўнг, Тайванни қайтариш учун ҳаракат қилишларини айтишган. Кўринишидан, бу қандай содир бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ: яъни Тайванда расмий мустақиллик сари ҳаракатни қўллаб-қувватлаш қанчалик кучли бўлади; сиёсий ва ҳарбий раҳбарларни ўта миллатчилик позициясини эгаллашга мажбур қиладиган Пекиндаги давлат бошлиғи лавозимини эгаллаш ҳуқуқи учун кураш натижаларидан; ва ниҳоят, Хитойнинг ҳарбий потенциалини ривожлантиришдан тортиб, Тайванни блокировка қилиш ёки босиб олиш мумкин бўладиган даражада. Кўринишидан, XXI асрнинг бошларида Тайван мажбурлаш ёки музокаралар йўли билан ва, эҳтимол, иккаласи биргаликда материк Хитой билан янада яхлитроқ бирлашади.

1970-йилларнинг охирига қадар, ашаддий антикоммунистик Сингапур ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар совуқ бўлиб келди, Ли Кван Ю ва бошқа Сингапур раҳбарлари қолоқ Хитойни танқид қилишарди. Бироқ, саксонинчи йилларда Хитойнинг кескин иқтисодий юксалиши бошланганда, Сингапур "сафланиш" классик тактикасидан фойдаланиб, материкга эътиборни қаратишни бошлади. 1992 йилга келиб, Сингапур Хитойга 1,9 миллиард доллар сармоя киритди ва кейинги йили Шанхай яқинида Сингапур II саноат ҳудудини қуришни режалаштираётгани эълон қилди, бу миллиардлаб доллар сармояни англатарди. Ли Хитойнинг иқтисодий ривожланишининг қизғин тарафдори ва қудратининг мухлисига айланди. 1993 йилда у "Хитой – бу қизғин фаолиятлар авж оладиган жой" деган. Илгари асосан Малайзия ва Индонезияда тўпланган Сингапур чет эл инвестициялари Хитойга йўналтирилди. 1993 йилда Сингапур ҳукуматидан қўллаб-қувватланган чет эл лойиҳаларининг ярми Хитойда амалга оширилди.

Ли Кван Ю 1990 йилларда Пекинга қилган биринчи ташрифи давомида суҳбатни мандарин тилида эмас, балки инглиз тилида олиб боришни қатъий талаб қилган. Йигирма йилдан кейин у бундай қилиши даргумон эди.

Ислом: бирлашувсиз англаш

Араблар ва мусулмонлардаги сиёсий садоқат структураси, ҳозирги пайтда Ғарбда қабул қилинган, сиёсий садоқатни чўққиси бўлган миллий давлатга садоқатдан ҳар доим мутлақо фарқ қилган. Ғарбда садоқат ва ишончинг барча хусусий кўринишлари миллий давлатга садоқат туйғусига бўйсунди ва унга аллақачон бирлаштирилган. Миллий давлат доирасидан ташқаридаги гуруҳлар – тил, диний жамоалар ёки цивилизациялар - бундай кучли ишонч ва садоқатни уйғотмайди. Шундай қилиб Ғарбдаги кўплаб кенг ва тор жамоалар орасидаги ғарбий сиёсий садоқатни кўриниши ўртасида қавариқ жойи бор тесқари қўйилган U каби эгри чизиқни ташкил қилади. Ислом дунёсидаги садоқат структураси Европа моделининг кузгудаги аксига ўхшаб, унинг тесқариси. Ислом садоқат иерархиясида тўғри U каби ўрталиқ бўш бўлади. Яъни Айира Лapidус айтганидек "Икки фундаментал: бошланғич ва абадий тузилмалар, оила, қабила, уруғ, бир томондан, маданият, дин ва энг юқори даражадаги империя тушунчалари" - бошқа томондан бўй чўзиб туради. “Араб жамоалари ва сиёсий системаларининг иқтисодий ва сиёсий ривожланишида трибализм(айрим жамоа, қабила ёки шахсларнинг алоҳидаликка бўлган хоҳиши) ва дин (ислом) катта ва етакчи рол ўйнаган ва ўйнаб келмоқда” – деб юқоридаги фикрга қўшилади ливиялик тадқиқотчи. Аслида, улар араб сиёсий маданияти ва араб сиёсий тафаккурини белгиловчи энг муҳим омиллар ва ўзгарувчилар сифатида қараладиган тарзда бир-бирига чамбарчас боғланган. Араб давлатлари сиёсатининг марказида қабилалар турибди ва уларнинг кўпчилиги Тасин Башир таъкидлаганидек “байроқли қабилалар” ҳисобланади. Саудия Арабистони асосчиси асосан никоҳ ва бошқа воситалар орқали қабилалар бирлашмасини тузиш қобилияти туфайли

муваффақиятга эришди ва Саудия сиёсати ҳали ҳам қабила сиёсати бўлиб қолмоқда, бу ерда судаирлар шамарларга ва бошқа қабилаларга гиж-гижланади. Ливан ҳаётида камида ўн саккизта катта қабила қатнашади, Суданда эса беш юзга яқин қабилалар яшайди, уларнинг энг каттаси мамлакат аҳолисининг 12% ни ташкил этади.

Тарихан, Марказий Осиёда миллий ўзигахослик бўлмаган. "Садоқат давлатга эмас қабила, уруғ, оилага кўрсатилган." Бошқа томондан, одамлар умумий "тил, дин, маданият ва турмуш тарзи" га эга ва "ислом одамлар орасидаги энг қудратли бирлаштирувчи куч, ҳатто амирнинг салтанат кучидан ҳам юқори бўлган". Чеченлар ва шимолий Кавказнинг бошқа халқлари орасида юзга яқин "тоғ" ва етмишга яқин "текислик" кланлари мавжуд. Улар сиёсат ва иқтисодиётни шунчалик назорат қилганларки, совет режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, чечен иқтисодиётини "клан" иқтисодиёти деб номлашган.

Исломда садоқат ва содиқлик марказлари ҳар доим кичик гуруҳлар ва катта эътиқод, қабила ва уммат бўлган ва миллий давлат унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган. Араб дунёсида мавжуд давлатлар қонунийлик билан боғлиқ муаммоларга дуч келишмоқда, чунки улар асосан Европа империализмининг золимона, инжиқ ҳаракатларининг натижасидир. Араб мамлакатларининг чегаралари ҳар доим ҳам, масалан берберлар ёки курдлар каби этник гуруҳларнинг чегаралари билан мос келмайди. Бу Европа давлатлари араб миллатини бўлишди, лекин панараб давлати, аксинча, вужудга келмади. Бундан ташқари, суверен миллий давлат ғояси Оллоҳнинг қудратига ва умматнинг устунлигига ишониш билан мос келмайди. Инқилобий ҳаракатга ўхшаб ислом фундаментализми, марксизм бутун дунё пролетарлари бирлиги учун давлатчиликни рад қилганидек, ислом бирлиги учун миллий давлатчиликдан воз кечади. Исломда ислом давлатининг заифлиги, Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин мусулмон гуруҳлари ўртасида кўплаб тўқнашувлар бўлган, мусулмон мамлакатлари ўртасида йирик урушлар

камдан-кам содир бўлган ва уларнинг энг йириклари Ироқнинг қўшниларига хужумлари бўлган.

Йигирманчи асрнинг етмишинчи ва саксонинчи йилларида Исломнинг уйғонишига туртки берган омиллар уммат ёки умуман Ислом цивилизациясининг ўзигахослигини кучайтирди. 80-йилларнинг ўрталарида бир тадқиқотчи таъкидлаганидек, "мусулмонларнинг ўзигахослиги ва бирлиги тўғрисида чуқур хабардорлик деколонизация, демографик ўсиш, индустриализация, урбанизация ва халқаро тартибнинг ўзгариши, хусусан, мусулмон ерларидаги нефт захираларига боғлиқ ҳолда яхшиланди... Замонавий алоқа воситалари. мусулмон халқлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантирди ва яхшилашга ҳисса қўшди. Маккага ҳажга борадиганларнинг сони кўпайди, бу Хитой, Сенегал, Яман ва Бангладеш каби узок мамлакатларнинг мусулмонлари ўртасида умумийлик туйғусини кучайтиради. Индонезия, Малайзия, Африка ва Филиппиннинг жанубидан келган талабалар Яқин Шарқ университетларида таҳсил олишяпти, ғояларини тарқатишяпти ҳамда миллий чегаралар орқали шахсий алоқа ўрнатадиган талабалар сони ортиб бормоқда. Техрон, Макка ва Куала-Лумпур каби марказларда мусулмон зиёлилари ва уламолар (илоҳиётшунослар) ўртасида мунтазам равишда конференциялар ва маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда ... Кассеталар (аудио ва ҳозир видео) халқаро чегаралар бўйлаб ваъзларни олиб ўтишади, шунинг сабабли нуфузли ваъзхонлар энди маҳаллий жамоадан ташқарида бўлган аудиторияларга ҳам таъсир қилиш имкониятига эга".

Мусулмон бирлиги туйғуси давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳаракатларида ҳам акс этади ва қўллаб-қувватланади. 1969 йилда Саудия Арабистони, Покистон, Марокаш, Эрон, Тунис ва Туркия раҳбарлари Рабатда биринчи араб саммитини ўтказдилар. 1972 йилда расмий равишда Жидда шаҳрида бош қароргоҳи бўлган Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) шу ерда ташкил топган. Мусулмонлар сони кўп бўлган деярли барча давлатлар ҳозирги кунда ягона давлатлараро ташкилот бўлган ИКТ таркибига

киритилган. Христиан, православ, буддист ва ҳиндга оид ҳукуматларда динга асосланган ҳукуматлараро ташкилотлар йўқ, мусулмон ҳукуматларида бундай ташкилотлар бор. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон ва Ливия ҳукуматлари Бутунжаҳон мусулмонлари конгресси (Покистон) ва Дунё мусулмонлари лигаси (Саудия) каби нодавлат ташкилотлар, шунингдек, "уларнинг фикрига кўра, улар мафкуравий йўналишига қўшиладиган кўп сонли ва кўпинча исломдан йироқ партиялар, режимлар, ҳаракатлар ва тадбирлар" ҳамда "мусулмонлар ўртасида ахборот ва манбалар алмашинувини бойитадиган" ташкилотлар молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Шунга карамай, исломий онгдан ислом бирлигига ўтиш икки парадоксни ўз ичига олади. Биринчидан, ислом бир неча рақобатчи куч марказлари ўртасида бўлинган, уларнинг ҳар бири ислом оламини ўз етакчилигида исломий дунёга олиб чиқиш учун уммат билан бирга мусулмон ўзигахослигини топишга ҳаракат қилмоқда. Бу рақобат бир томондан ўрнатилган режимлар ва уларнинг ташкилотлари, иккинчи томондан исломий режимлар ва уларнинг ташкилотлари ўртасида бўлмоқда. Бир пайтлар Носир устунроқ бўлган Араб давлатлари лигасига қарши тузилма ИКТ ни яратишда Саудия Арабистони қисман етакчи бўлган. 1991 йилдаги Кўрфаз урушидан кейин Судан раҳбари Ҳасан ал-Туробий Саудия Арабистони етакчилик қилган ИКТга истисно тариқасида Араб халқлари ислом конференциясини (АХИК)ни ташкил қилди. 1995 йил бошида Хартумда ўтказилган АХИКнинг учинчи конференциясида саксон икки мамлакатнинг исломий ташкилотлари ва ҳаракатларидан бир неча юз делегатлар тўпланган. Афғонистондаги уруш оқибатида ушбу расмий ташкилотлардан ташқари Жазоир, Чеченистон, Миср, Тунис, Босния, Фаластин, Филиппин ва бошқа кўплаб мамлакатларда ислом ва мусулмонлар учун курашадиган, уруш қатнашчиларининг норасмий ва яширин гуруҳларининг ривожланган тармоқлари яратилди. Урушдан кейин уларнинг сафлари турли гуруҳлар ва чет эллик ҳомийлар томонидан молиялаштириладиган Пешовар яқинидаги Даво ва Жиход университетларида ва афғон лагерларида ўқитилган жангарилар билан тўлдирилди. Радикал

режимлар ва ҳаракатларнинг муштарак манфаатлари баъзан анъанавий ихтилофдан ҳам ошиб кетади, масалан Эрон ёрдамида сунний ва шиа фундаменталист гуруҳлари ўртасида алоқалар ўрнатилган. Судан ва Эрон ўртасида яқин ҳарбий ҳамкорлик йўлга қўйилган: Эрон ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучлари Судан базаларидан фойдаланмоқда ва бу икки мамлакат ҳукуматлари Жазоир ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги фундаменталист гуруҳларни биргаликда қўллаб-қувватламоқда. Баъзи маълумотларга кўра, Ҳасан ал-Туробий ва Саддам Ҳусайн 1994 йилда яқин алоқалар ўрнатишган, шундан кейин Эрон ва Ироқ ярашув йўлига қадам қўйган.

сайёрамизнинг кўп қисми учун камроқ аҳамиятга эга. Ғарбнинг Осиёлик танқидчиси шунга ўхшаш қарашларга эга эди: "Умумжаҳон декларацияси 1948 йилда қабул қилинганидан бери биринчи марта яҳудий-наصريлик ва табиий ҳуқуқ анъаналарига тўла амал қилмаган давлатлар биринчи ўринда туради. Ушбу мисли кўрилмаган вазият инсон ҳуқуқлари бўйича янги халқаро сиёсатни белгилаб беради. Шунингдек у, можаро келиб чиқиш сабабларини кўпайтиради ҳам. (18) Вена конференциясидаги "катта ғолиб", бошқа бир кузатувчининг изоҳ беришича, "агар муваффақият бошқаларни йўлдан қочишга ундаш билан ўлчанадиган бўлса, аниқ Хитой бўлди". Пекин шунчаки ўз босимини атрофдагиларга ташлаб, бутун учрашув давомида ғолиб бўлишда давом этди. (19) Шунга қарамасдан Вена конференциясидагилар ичида танланган ва таниқли бўлган Ғарб бир неча ой ўтгач, Хитойга қарши муҳим бўлмаган ғалабани қўлга киритишга муваффақ бўлди. 2000 йил ёзги Олимпиада ўйинларини Пекин учун қафолатлаб қўйиш Хитой ҳукуматининг асосий мақсади бўлиб, унга эришиш учун жуда катта маблағ сарфлади. Хитойда Олимпиада тендери масалалари тўғрисида кенг тарғибот мавжуд эди ва жамоатчиликнинг умидлари катта эди; ҳукумат бошқа ҳукуматларни уларнинг олимпия бирлашмаларига босим ўтказиш учун ўзига оғдирди; ушбу компанияга Тайван ва Гонконг ҳам қўшилди. Бошқа томондан, Америка Қўшма Штатлари Конгресси, Европа Парламенти ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Пекинни танлашга кескин қаршилик кўрсатишди. Гарчи Халқаро Олимпия Кўмитасида овоз бериш яширин овоз бериш орқали амалга оширилган бўлса ҳам, у аниқ цивилизация йўналиши бўйича ўтди. Дастлабки овоз беришда Африканинг кенг қўллаб-қувватлаши билан Пекин биринчи, Сидней иккинчи ўринда бўлди. Кейинги сайлов бюллетенларида, Истанбул четлаштирилгач, Конфуцийлик-Ислом алоқалари Пекинга жуда кўп овоз берди; Берлин ва Манчестер ҳам чиқариб юборилгач, уларнинг овозлари Сиднейга қараб кетди ва у тўртинчи сайловда ғалаба қозонди ва Хитойни камситиш мағлубият билан яқунланди, бунда эса АҚШ кескин айбланди. "Америка ва Англия, - дея шарҳлади Ли Куан Ю, - Хитойни четлаштиришга муваффақ бўлди... Бунинг сабаби "инсон ҳуқуқлари" эди. Ҳақиқий сабаб эса сиёсий, Ғарбнинг сиёсий таъсирини кўрсатиш эди". Шубҳасиз, дунёда кўп одамлар инсон ҳуқуқларидан кўра кўпроқ спортдан хабардор, лекин Ғарбнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳуқуқлари поймол этилгани сабабли Вена ва бошқа жойларда Ғарбнинг "ёпиқ" намоёниши ҳам Ғарбнинг заифлигини эслатди. Нафақат Ғарбнинг таъсири камайтирилди, балки демократия парадокси Совуқ урушдан кейинги даврда демократияни илгари суриш учун Ғарб иродасини ҳам сусайтирди. Совуқ уруш даврида Ғарб ва АҚШ айниқса "дўстона золим" муаммосига дуч келдилар: Совуқ Урушда анти-коммунистлик ва шу сабабдан фойдали шерик бўлган ҳарбий жунталар ва диктаторлар билан ҳамкорлик қилиш муаммолари. Бундай ҳамкорлик нотинчликка олиб келди ва баъзида ушбу режимлар инсон ҳуқуқларининг

кўпол равишда бузилишига олиб келганидан ноқулайликлар юзага келди. Аммо ҳамкорликни ёмонлик даражаси камроқ деб қабул қилиш мумкин: бу ҳукуматлар одатда коммунистик режимларга қараганда анча камроқ репрессив бўлган ва улар камроқ даражада бардошли ҳамда Америка ва бошқаларнинг ташқи таъсирларига кўпроқ мойил бўлишлари кутилган эди. Агар муқобил душман ўта шафқатсиз бўлса нега энди камроқ шафқатсиз бўлган душман билан шерикчиликда ишламаслик керак? Совуқ урушдан кейинги дунёда дўстона кайфиятдаги душман ва нодўстона демократия ўртасидаги танлов янада қийин бўлиши мумкин. Ғарбнинг фикрича, демократик йўл билан сайланган ҳукуматлар ҳамкорлик қилади ва Ғарбга мойил бўлмаган Ғарбга қаршли бўлмаган жамиятларда сайлов рақобати ғарбга қарши миллатчилар ва фундаменталистларни ҳокимиятга келтириши мумкин. 1992 йилда Жазоир ҳарбий кучлари аралашуви билан "Ислом Нажот Фронти" (ФИС) фундаменталистик ташкилоти ғалаба қозониши керак бўлган сайловни бекор қилганида Ғарб тинчланди. 1995 ва 1996 йилларда сайловларда ғолиб чиққандан сўнг, Туркиядаги фундаменталистик фаровонлик партияси ва Ҳиндистондаги миллатчи "Ҳиндистон Халқ Партияси" (БЖП) ҳокимиятдан четлатилганида Ғарб ҳукуматлари ишончга сазовор бўлдилар. Бошқа томондан, Эрон ўз инқилоби доирасида ислом дунёсида қайсидир маънода энг демократик режимларга эга ва кўплаб араб мамлакатларида, шу жумладан Саудия Арабистонида ва Мисрда рақобатдош сайловлар уларнинг нодемократик собиқ сафдошларига қараганда Ғарб манфаатларига нисбатан унчалик ҳам хайрихоҳ бўлмаган ҳукуматларга олиб келади. Хитойда халқ томонидан сайланган ҳукумат энг миллатчи ҳукуматлардан бири бўлиши мумкин. Ғарб етакчилари ғарбга қаршли бўлмаган жамиятлардаги демократик жараёнларга кўпинча Ғарбга хайрихоҳ ҳукуматлар сабабчи бўлишини тушунишар экан, иккаласи ҳам бу сайловларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишади ва шу билан бирга ўша жамиятларда демократияни тарғиб қилиш иштиёқларини йўқотиб боришади.

ИММИГРАЦИЯ

Агар демография қисмат бўлса, аҳолининг ҳаракати тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ўтган асрларда турли хил ўсиш суръатлари, иқтисодий шароитлар ва ҳукуматларнинг сиёсати юнонлар, яҳудийлар, герман қабилалари, норвеглар, турклар, руслар, хитойлар ва бошқа халқларнинг оммавий миграциясига олиб келди. Баъзи ҳолларда бу ҳаракатлар нисбатан тинч эди, бошқаларида эса биров зўравонлик аломатлари бор эди. XIX асрда европаликлар демографик босқинчилик пойгасида олдинги ўринларда бўлишган. 1821-1924-йилларда тахминан 55 миллион европалик денгиз ортига кўчиб кетди, уларнинг 34 миллиони АҚШга кўчиб ўтди. Ғарбликлар

худудларни босиб олишган ва баъзан бошқа халқларни йўқ қилишган, аҳоли зичлиги кам жойларни тадқиқ этишган ва жойлашишган. Одамларни экспорт қилиш, эҳтимол, XVI-XX аср ўртасидаги Ғарб юксалишининг энг муҳим жиҳати бўлган. XX асрнинг охирида миграциянинг ўзгачароқ ва анча катта бўлган тўлқини юз берди. 1990 йилда қонуний халқаро муҳожирлар сони 100 миллионга яқин, қочоқлар 19 миллионга яқин, ноқонуний муҳожирлар эса камида 10 миллиондан кўп бўлган. Миграциянинг ушбу янги тўлқини деколонизация, янги штатларнинг барпо этилиши ва одамларни кўчиб ўтишга ундаган ёки мажбуран олиб боровчи давлат сиёсати маҳсули эди. Бундан ташқари бу тўлқин модернизация ва технологик ривожланишнинг ҳам натижаси эди. Транспортнинг яхшиланиши миграцияни осон, тез ва арзонлаштирди; алоқаларни яхшилаш иқтисодий имкониятларни рағбатлантиришни кучайтирди ва муҳожирлар ва уларнинг ўз мамлакатларидаги оилалари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берди. Бундан ташқари, Ғарбнинг иқтисодий ўсиши XIX асрда эмиграцияни кучайтирган бўлса, Ғарбий бўлмаган жамиятлардаги иқтисодий ривожланиш муҳожирликни XX асрда тезлаштирган. Миграция ўзини ўзи кучайтирадиган жараёнга айланди. "Агар миграцияда битта "қонун" мавжуд бўлса, - дейди Майрон Вайнер, - бу миграция оқими бир марта бошланса, ўз оқимини кучайтириб боришидир. Мигрантлар ўз дўстлари ва қариндошларига уйларига қайтиб, улар ҳақида маълумот бериш орқали кўчиб ўтишга имкон беришади. Қандай қилиб кўчиб ўтиш, кўчишни осонлаштирадиган манбалар топиш ҳамда иш ва уй-жой топишга ёрдам беришади. Натижа эса, унинг сўзлари билан айтганда, "глобал миграция инқирози" юзага келади.(21) Ғарбликлар доимий равишда ва ҳаддан ташқари ядро қуролининг тарқалишига қарши чиқдилар ва демократия ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватладилар. Уларнинг иммиграцияга бўлган қарашлари, аксинча, икки томонлама ва ўзгарувчан бўлиб, XX асрнинг сўнгги йигирма йилида сезиларли даражада ўзгариб борди. 1970-йилларга қадар Европа мамлакатлари иммиграцияга нисбатан ижобий муносабатда бўлишди ва баъзи ҳолатларда, хусусан, Германия ва Швейцария унга ишчи кучи танқислигини бартараф этиш йўли сифатида қарашди. 1965 йилда Америка Қўшма Штатлари 1920-йилларда қабул қилинган Европага йўналтирилган квоталарни олиб ташлади ва унинг қонунларини тубдан қайта кўриб чиқди, бу эса 70-80-йилларда иммигрантларнинг кўпайиши ва янги манбаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ, 80-йилларнинг охирига келиб, ишсизликнинг юқори даражаси, муҳожирларнинг кўпайиши ва уларнинг "европаликларга хос бўлмаган" характери Европанинг муносабатлари ва сиёсатида кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бир неча йил ўтгач, шунга ўхшаш хавотирлар АҚШда худди шундай ўзгаришларга олиб келди. XX аср охиридаги муҳожирлар ва қочқинларнинг аксарияти ғарбий бўлмаган жамиятдан бошқасига ўтиб кетган. Ғарб жамиятларига муҳожирларнинг оқими, мутлақ сонда XIX асрдаги Ғарбга

иммиграция сонига яқинлашди. 1990 йилда биринчи авлод иммигрантлари АҚШда тахминан 20 миллион, Европада 15,5 миллион, Австралия ва Канадада эса 8 миллион бўлган. Муҳожирларнинг умумий аҳоли сонига улуши Европанинг йирик давлатларида 7 фоиздан 8 фоизга этди. Қўшма Штатларда муҳожирлар 1994 йилда аҳолининг 8,7 фоизини ташкил этди, бу 1970 йилга нисбатан икки баравар эди, Калифорния аҳолисининг 25 фоизи ва Нью-Ёрк аҳолисининг 16 фоизи ҳам муҳожирларга тўғри келарди. АҚШга 1980-йилларда 8,3 миллионга яқин киши ва 90-йилларнинг дастлабки тўрт йилида 4,5 миллион киши муҳожир бўлиб кирди. Янги иммигрантлар, асосан, ғарбий бўлмаган жамиятлардан келганлар. 1990 йилда Германияда туркиялик муҳожирларнинг сони 1 675 000 кишини ташкил қилди, ундан кейинги ўринда Югославия, Италия ва Греция энг катта контингентни тақдим этишди. Италияда асосий манбалар Марокаш, АҚШ (асосан, италиялик американлар қайтиб кетишди), Тунис ва Филиппин эди. 1990-йилларнинг ўрталарига келиб Францияда тахминан 4 миллион мусулмон ва умуман Ғарбий Европада 13 миллионгача мусулмонлар келган. 1950-йилларда АҚШга муҳожирларнинг учдан икки қисми Европа ва Канададан келишган; 80-йилларда катта миқдордаги иммигрантларнинг 35 фоизи Осиёдан, 45 фоизи Лотин Америкасидан, 15 фоизи эса Европа ва Канададан келишган. Аҳолининг табиий ўсиши АҚШда паст ва Европада деярли нолга тенг. Мигрантлар туғилишнинг юқори кўрсаткичларига эга ва шу сабабли Ғарбий жамиятларда келажакда кўпаядиган аҳоли сонининг кўпайишини мигрантлар ҳисобга ден оладилар. Натижада, ғарбликлар тобора кўпроқ "армия ва танклар томонидан эмас, балки бошқа тилларда гаплашадиган, бошқа худоларга сиғинадиган, бошқа маданиятларга мансуб муҳожирлар томонидан босиб олинишидан" қўрқишади ва улар ўзларининг иш жойлари эгаллаб олинишидан, ўз ерлари эгаллаб олинишидан, фаровонлик тизимидан ташқарида ночорликда яшашдан ва уларнинг ҳаёт тарзига таҳдид солинишидан" қўрқишади. (22) Нисбий демографик таназзулга асосланган бу фобиялар, дейди Стенли Хоффман, "ҳақиқий маданий тўқнашувлар ва миллий ўзига хослик ташвишларига асосланган". (23) 90-йилларнинг бошларига келиб Европадаги муҳожирларнинг учдан икки қисми мусулмон эди ва Европанинг иммиграцияга бўлган муносабати, авваламбор, мусулмон иммиграциясига тегишли эди. Муаммо демографик (Ғарбий Европада туғилишнинг 10 фоизини, араблар Брюсселда туғилганларнинг 50 фоизини ташкил этиши) ва маданийдир. Германиядаги турк ёки Франциядаги Жазоир мусулмон жамоалари ўзларининг маданий гуруҳларига бирлаштирилмаган ва европаликларнинг ташвишларига кўра, бундай бўлишнинг бир неча белгилари мавжуд. "Бутун Европа бўйлаб, - дейди Жан Мари Доменах 1991 йилда, - мусулмон жамиятига нисбатан шундай кўрқув шакилланганки, у Европа бирлашмасини, 13 миллатли Европа иттифоқини бўлиб юборади". Муҳожирларга нисбатан, америкалик журналистнинг изоҳ беришича:

"Европанинг норозилиги ғайриоддийдир. Францияда жуда озчиликни Шарқдан хужумлар хавотирга солади - ахир улар, европаликлар ва католиклардир. Афсуски, араб бўлмаган африкалик муҳожирлардан на кўрқишади ва на нафратланишади. Душманлик, асосан, мусулмонларга қаратилган. "Иммигре" сўзи деярли Франциянинг иккинчи йирик дини бўлган Ислом билан синонимдир ва француз тарихида чуқур илдиз отган маданий ва этник иркчиликни акс эттиради. (24)

Бироқ Французлар ҳар қандай иркчиларга қараганда кўпроқ тараққий этган эди. Улар ўзларининг қонунларида, француз тилида бемалол сўзлаша оладиган қора танли африкаликларни қабул қилишган бўлишса-да, ўзларининг мактабларига ҳижоб ўраган қизларни қабул қилишмаган. 1990 йилда французлар оммасининг 76 фоизи Францияда жуда кўп араблар, 46 фоизи жуда кўп қора танлилар, 40 фоизи жуда кўп осиеликлар ва 24 фоизи жуда кўп яҳудийлар бор деб ўйлашган. 1994 йилда немисларнинг 47 фоизи арабларнинг ўзларига қўшни бўлиб яшашини хоҳлашмаган бўлса, 39 фоизи полшаликларнинг, 36 фоизи туркларнинг ва 22 фоизи эса яҳудийларнинг ўзлари билан қўшничиликда яшашларини хоҳлашмаган. Ғарбий Европада арабларга қарши йўналтирилган антисемитизм яҳудийларга қарши қаратилган антисемитизим ўрнини эгаллади. Иммиграцияга ва муҳожирларга душманликка нисбатан жамоатчилик қаршилиги, айниқса, 90-йилларнинг бошларида Германияда муаммога айланган иммигрант жамоалари ва шахсларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларида ўзини намоён қилди. Ўнг қанот, националист ва иммиграцияга қарш ппартиялар учун берилган овозларнинг ошиши анча аҳамиятли эди. Аммо бу овозлар камдан-кам ҳолларда юқори бўларди. 1989 йилда европаликлар сайловида Германиянинг Республикачилар партияси жами овозларидан 7 фоиздан ошиғини олди. 1990 йилдаги халқ сайловларида атиги 2.1 фоиз овоз олганди. Францияда 1981 йилда ўта кам бўлган Национал Фронт овози 1988 йилга келиб 9.6 фоизга кўтарилди ва шундан сўнг маҳаллий ва парламент сайловларида 12-15 фоиз оралиғида барқарорлашди. 1995 йилда президентлик учун иккита националист номзод 19.9 фоиз овоз олди ва Национал Фронт Тоулон ва Нисекани бир қанча шаҳарларда мэрларни сайлади. Италияда МСИ/миллий Алианс учун овозлар 1980 йилги 5 фоиздан 1990 йил бошларида 10-15 фоизга кўтарилди. Белгияда Флеммиш блок/Национал Фронт овози 1994 йилги маҳаллий сайловларда, Блок Антверпенда 28 фоиз овозга эга бўлиши билан, 9 фоизга ошди. Австрияда Озодлик партияси учун умумий сайловларда овоз берилиши 1986 йилдаги 10 фоиздан, 1990 йил 15 фоиздан кўпроққа ва 1994 йилда деярли 23 фоизга ошди. Бу Мусулмон иммиграцияларига қарши Европа партиялари Мусулмон мамлакатларида исломий партияларининг катта аксий қиёфаси эди. Иккаласи ҳам партиялар ва асосчилар учун аҳдномани бекор қилиш, иқтисодий норозиликларни юзага чиқариш, маълум ишсизлик, этник ва диний норозиликларнинг бўлиши ва жамиятда чет элликлар таъсирининг бўлишидир. Бу иккала шароитда экстремистик тармоқ терроризм ва хужум ҳаракатлари билан боғланган кўплаб Исломий ва Европа миллий партиялари

оммавийдагига қараганда, маҳаллий партияларда яхшироқ ишлайди. Муслмон ва европаликларнинг сиёсий асослари ўхшаш усулдаги бундай ривожланишига жавобгар бўлишган.

Муслмон мамлакатларда кўриб турганимиздек, ҳукумат ўзининг жойлашуви, рамзлари, сиёсати ва амалиётда кўпроқ исломий бўлган. Европанинг асосий партиялари риторикага мослашган ва ўнг қанотнинг натижалари анти-иммиграция партияларини илгари сурган. Қаерда демографик сиёсат самарали вазифа бажарса ва икки ёки ундан кўпроқ муқобил партиялар исломий ёки миллий партияда бўлса, уларнинг овози қарийб 20 фоизга ошган. Қарши партиялар бошқа самарали партия ёки коалиция кучда бўлганида Алгерия, Австрия ва аҳамиятли равишда Италияда бўлганида тўсиқларни енгиб ўтган. 1990 йил бошларида Европанинг сиёсий бошлиқлари анти-иммиграция тушунчасига жавоб тариқасида бир-бирлари билан уришишди. Францияда Жак Ширак 1990 йилда “иммиграция бутунлай тўхтатилиши керак”лигини эълон қилди; ички ишлар бўйича Министер Чарлис Паскуа 1993 йилда “нолга тенг иммиграция”ни қўллаб-қувватлади; Францис Миттерранд, Эдис Крессон, Валерий Гескард Дъестинг ва бошқа асосий сиёсий оқимлар анти-иммиграция позициясини ўрнатди. Иммиграция 1993 йилги парламент сайловларида катта муаммолардан бири эди ва консерватив партияларнинг ғалабасига қисман ўз хиссасини қўшган эди. 1990 йил бошларида Франция ҳукуматининг сиёсати, чет элликларнинг фарзандларига фуқаролик беришни, кўчиб келган муҳожирларнинг оилаларига бошпана ҳуқуқини сўрашни, алгерияликларга Францияга келишлари учун визаларга эга бўлишларини янада қийинлаштириш мақсадида, ўзгартирилди. Ноқонуний муҳожирлар депортация қилинди ва полиция, иммиграция билан шуғулланувчи бошқа гуруҳ органларининг ваколатлари кучайтирилди. Германия канслари Хелмут Кол ва бошқа сиёсий раҳбарлар ҳам иммиграцияга доир хавотирларини билдирдилар ва ўзининг энг муҳим ҳаракати бўйича ҳукумат “сиёсий сабабларга кўра таъқиб остига олинган инсонлар”га бошпана беришни кафолатлайдиган Германия конституциясининг 16-моддасига тузатишлар киритди ва бошпана изловчилар учун имтиёзларни камайтирди. 1992 йилда 438 000 одам Германияга бошпана излаб келди; 1994-йилда эса бор-йўғи 127 000 одам. 1980 йилда Британия ўзининг иммиграциясини йилига тахминан 50.000га қисқартирди ва шу сабабли бу масала қитъага қараганда у ерда паст кескин кайфият ва қаршиликларни келтириб чиқарди. Аммо Британия 1992-1994-йиллар оралиғида бошпана изловчилар сонини кўпи билан 20.000 дан 10.000 дан камроққа пасайтирди. Европа ичида ҳаракатларга тўсиқ сифатида иттифоқ қулади ва Британ хавотирлари, асосан, қитъадан Европалик бўлмаган халқларнинг миграцияси хавфларига қаратилди. Агар Ғарб бўлмаган манбаларнинг иммиграциясини бутунлай йўқотиб бўлмас экан, умуман, 1990 йил ўрталарида Ғарбий Европа мамлакатлари уни ҳеч бўлмаганда минимум даражагача қисқартриш учун қатъий ҳаракат қилишётганди. Иммиграция масаласи АҚШда Европадан биров кейинроқ олдинга чиқди ва бир хил интенсивликни яратмади. АҚШ доим иммигрантлар мамлакати бўлиб келган, шу тариқа ўзини тутиб олган ва тарихан янги

келганларни жуда муваффақиятли даражада ўзлаштириш жараёнини ривожлантирган. Бунга кўшимча равишда, 1980-1990-йилларда ишсизлик Европадагига қараганда анча паст эди ва иш жойларини йўқотиш кўркуви иммиграцияга муносабатни шакллантирувчи ҳал қилувчи омил эмасди. Америка иммиграциясининг манбалари, шунингдек, Европадагидан анча фарқ қиларди ва шундай қилиб, бирон бир хорижий гуруҳ томонидан йўқ қилиниш кўркуви, гарчи маълум бир ҳудудларда ҳақиқат бўлса-да, миллий даражада анча паст эди. Иккита энг катта муҳожир гуруҳларининг мезбонлик маданияти ўртасидаги масофа Европага қараганда камроқ эди: мексикаликлар католик ва испан тилида сўзлашувчи филиппинликлар, католик ва инглиз тилида сўзлашадиганлар. 1965 йилги, юқори даражада ошган Осиё ва Лотин Америкаси иммиграциясига руҳсат берувчи, актнинг қабул қилинганидан сўнг чорак аср ичида, бу омилларга қарамасдан, Америка оммавий фикри кескин даражада ўзгарди. 1965-йилда омманинг атиги 33 фоизи камроқ иммиграцияни истади. 1997 йилда 42 фоизи; 1986 йилда 46 фоизи ва 1990-1993 йилларда 61 фоизи истади. 1990-йилларда ўтказилган сўровлар аҳолининг 60 фоизи ёки ундан кўпроқ қисми иммиграцияни камайтиришни ёқлашни кўрсатди. Иқтисодий ҳолатлар иммиграцияга бўлган муносабатга таъсир кўрсатганда, яхши ва ёмон пайтларда доимий равишда ўсиб бораётган қаршиликлар маданият, жинойтчилик ва турмуш тарзи бу фикрни ўзгартиришда анча муҳим эканлигини кўрсатмоқда. 1944 йилда кузатувчилардан бири: “кўп, эҳтимол, анчагина америкаликлар ҳали ҳам ўз халқларини, қонунлари тили инглиз (сақлаб қолиниши керак бўлган) бўлган Англиядан мерос, муассасалари ва жамоат бинolari Ғарб классик меъёрларидан илҳом оладиган, дини Яҳудий-христиан илдизларига эга бўлган ва дастлабки буюклиги протестант миллатидан келиб чиққан, Европада жойлашган мамлакат деб кўришади”, - дея шарҳ берди. Улар иммиграцияни Америка маданиятига бир таҳдид сифатида кўришди. Европаликлар иммиграция таҳдидидни Мусулмон ва араблар деб қарашган бўлса, америкаликлар уни Мексикадан бошқа, ҳам Лотин Америкаси, ҳам осиеликлар деб қарашди. 1990 йилда қайси мамлакатлардан АҚШ жуда кўп муҳожирларни қабул қилиши сўралганда, америкаликлар намунаси Мексикани куйидаги бошқа мамлакатларникидан: Куба, Шарқ (нонспецифик), Жанубий Америка ва Лотин Америкаси (нонсоецифик), Япония, Ветнам, Хитой ва Кореяларникига нисбатан 2 баробар кўпроқ қабул қилиши аниқланган. 90-йилларнинг бошларида иммиграцияга қарши кенгайиб бораётган қаршиликлар Европада бўлганидек, жамоатчиликнинг реакциясини келтириб чиқарди. Америка сиёсий тизимининг табиатини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқшунос ва иммиграцияга қарши партиялар овоз тўпламади, аммо иммиграцияга қарши рекламачилар ва кўнгилли кишилар анча кўп ҳамда фаол бўлиб, кўпроқ овозга эга бўлишди. 3.5 миллиондан 4 миллионгача бўлган ноқонуний иммигрантлар ва сиёятчиларга қаратилган норозиликларнинг аксарияти жавоб қайтарди. Европада бўлгани каби, муҳожирларнинг кўп қисмига чидаётган штат ва маҳаллий даражада энг кучли қаршилик эди. Натижада, 1994 йил Флорида кейинчалик яна 6 та штат қўшилиб, федерал

хукуматни ноқонуний иммигрантлар келтириб чиқарган таълим, фаровонлик, хукукни муҳофаза қилиш ва бошқа ҳаражатларни қоплаш учун 8848 млн долларга судга тортилди. Калифорниянинг мутлақ ва мутаносиб равишда, энг кўп иммигрантлар сонига эга давлат губернатори Пете Уидсон ноқонуний иммигрантларнинг болаларига оммавий таълим беришни рад этиш, АҚШда туғилган ноқонуний иммигрантларнинг фарзандларига фуқаролик беришдан воз кечиш ва шошилиш тиббий ёрдам учун давлат тўловларини тугатишни рад этиш орқали жамоатчилик қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. 1994 йил ноябрда Калифорнияликлар ноқонуний муҳожирлар ва уларнинг болаларига соғлиқ, таълим ва ижтимоий имтиёзлардан воз кечадиган 187-қонунни маъқул деб топишди. Шунингдек, 1994 йилда Клинтон маъмурияти аввалги позициясини ўзгартириб, иммиграция назоратини кучайтиришга, сиёсий бошпана бўйича қонунларни мустаҳкамлашга, иммиграция ва табиий ҳисобланган хизматларни кенгайтиришга, чегара йўл қонидаси тизимини кучайтиришга ва Мексика чегараси бўйлаб (жисмоний) ташқи тўсиқларни қуришга киришди. 1995 йилда иммиграцияга оид ислохотлар бўйича конгресс томонидан тасдиқланган комиссия йиллик иммиграцияни ёш болалар ва жуфликларга устунлик бериб 800 000 дан 550 000 гача қисқартиришни тавсия қилди, аммо бу ҳозирги фуқаролар ва аҳолининг яна бошқа қариндошларига эмас эди. Бу “осиёлик, америкалик ва испаниялик оилаларнинг жабрланишига сабаб бўладиган” шартнома эди. Комиссиянинг кўплаб тавсиялари ва иммиграцияни чекловчи бошқа чораларни ўз ичига олган қонунчилик 1995-1996-йилларда Конгресс томонидан қабул қилинди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб иммиграция АҚШдаги асосий сиёсий манбага айланди ва 1996 йил Патрик Бачанан ўзининг президентлик компаниясининг иммиграциянинг асосий мунозарасига қарши чиқди. АҚШ Ғарб давлатига мансуб бўлмаганларнинг ўз жамиятига киришини қисқартириш учун Европадан кетмоқда. Европа ҳам, Америка ва АҚШ ҳам муҳожирларнинг оқимини тўхтатоладими? Франция демографик пессимизмнинг кўп қирраларини бошдан ўтказди. Буни 1970-йилларда чоп этилган Кон Распоилнинг романларидан тортиб 1990-йилларда чоп этилган Жан Клод Чеснаиснинг илмий таҳлилларида ҳам кўриш мумкин ва 1991 йилда Пер Лушнинг изоҳларидан шундай ҳулоса қилинган: “тарих, тахминийлик ва қашшоқлик суғуртаси” бу Франция ва Европа жанубдан қувилган одамлар уларнинг жамиятида яхши кутиб олинишига ишонтирилган эди. Европанинг тарихида оқ танли ва Яҳудий-Христианлар бўлган. Келажак бўлиши бўлиши аниқ эмас. Бироқ, келажакни на аниқ белгилаб бўлади ва на келажак доимий. Масалан, Европанинг исломлаштирилиши (ислом динига ўтиши) ёки АҚШнинг испанлаштирилиши (испанлар эгаллаши) билан боғлиқ эмас. Иккита турли хил ва бир-биридан фарқли равишда, иккита турли цивилизациялардан иборат бўлган жамиятни ўз ичига олган Европа ва Америка душман бўлиб қоладими, бу, ўз навбатида, муҳожирларнинг аъзоларига ва уларнинг Европа ва Америкада мавжуд бўлган Ғарб маданиятига сингиб кетишига боғлиқ. Умуман олганда, Европа жамияти муҳожирларнинг уларнинг маданиятига сингиб кетишини ҳам, қийинчиликларга дуч келишини ҳам хоҳламайди ва

Мусулмон муҳожирлар, уларнинг фарзандлари қай даражада сингиб кетиши ҳам номаълум. Шу туфайли, муҳожирларнинг кўп иммиграция қилиши, Христиан ва Мусулмон жамоаларига бўлинган жамиятнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Европа ҳукуматлари ва халқлари ушбу иммиграцияни чеклаш ҳаражатларини, шу жумладан, иммиграцияни чеклашга кетадиган ҳаражатларни, иммиграцияга қарши чора- тадбирларнинг молиявий ҳаражатлари, мавжуд иммигрантлар жамоаларини янада узоқлаштиришнинг ижтимоий ҳаражатлари, шунингдек, ишчилар танқислиги ва ўсиш суръатларининг пасайиши билан боғлиқ узоқ муддатли иқтисодий ҳаражатларни ўз зиммасига олдилар. Аммо, мусулмон демографик истилоси муаммоси Шимолий Америка ва Ўрта Шарқда жамият чўққисидида аҳоли ўсиш сурати каби бошқа мамлакатларда бўлганидек, заифлашиши мумкин ва емирилиши бошлади. Демографик босим иммиграцияни рағбатлантирар экан, 2025 йилгача мусулмон иммиграцияси анча камайиши мумкин. Африканинг пастки сахараларида бундай эмас. Агар иқтисодий ривожланиш юз берса, Ғарбий ва Марказий Африкада ижтимоий сафарбарликни рағбатлантирса, кўчиб ўтишга рағбат ва имкониятлар кучаяди ҳамда “исломлаштириш”нинг Европага таҳдиди устидан “Африканизация”ники томонидан муваффақият қозонилади. Бу таҳдиднинг амалга оширилиши даражасига, шунингдек, Африка популяцияси даражасининг ОИТС ва бошқа ваболар томонидан камайрилиши ва Жанубий Африканинг бошқа ерларидаги кўчманчиларни ўзига жалб қилиш даражаси таъсир қилди. Мусулмонлар Европага тезкор ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларни туғдирганда, мексикаликлар АҚШга муаммо туғдирар эди. Жорий тенденцияларнинг ва сиёсатнинг давомини ҳисобга олсак, Америка популяцияси, 8.2 жадвалда кўрсатилганидек, XXI асрнинг биринчи ярмида деярли 50 фоиз оқ танли ва 25 фоиз испанларни ўз ичига олиб кескин даржада ўзгарди. Европада бўлгани каби, иммиграция сиёсатидаги ўзгаришлар ва иммиграцияга қарши чораларнинг самарали амалга оширилиши бу прогнозларни ўзгартириши мумкин. Ҳатто шундай бўлса ҳам, марказий масала дастлабки муҳожир гуруҳлари сифатида, испанларнинг Америка жамиятига қўшилиб кетиш даражаси бўлиб қолаверади. Иккинчи ва учинчи авлод испанлар кенг кўламли бир гуруҳ рағбатлантирувчи омиллар ва босимларга юзланмоқдалар. Бошқа томонда, Мексика иммиграцияси бошқа иммиграциялардан анча муҳим усулларда фарқланади. Биринчидан, Европа ва Осиёлик муҳожирлар океанни кесиб ўтишади; мексикаликлар чегарани ёки дарёни кесиб ўтишади. Транспортиция ва алоқаларнинг ўта ўсиб бораётган қулайлиги уларга яқин алоқаларни сақлаб қолиш ва ўзларининг маҳаллий ҳамжамиятлари билан танишишга имкон берди. Иккинчидан, мексикалик муҳожирлар Жануби-ғарбий АҚШда йиғилишади ва Юкатандан Колорадогача ёйилган давомли Мексика жамиятининг бир қисмини ташкил этишади. Учунчидан, баъзи далиллар шу кўрсатмоқдаки, бошқа иммигрант гуруҳлар билан бўлганидек, мексикалик иммигрантлар орасида қўшилишга қаршилиқ анча кучли ва мексикаликлар ўзларининг мексикаликларга ҳос хусусиятларни сақлаб қолишга мойилдирлар, чунки бу 1994 йил

Калифорнияда 187 таклиф устидан бўлган урушда маълум бўлганди. Тўртинчидан, мексикалик кўчманчилар ўрнашган ҳудуд XIX аср ўрталарида мексикаликларни мағлубиятга учратгандан сўнг, АҚШ томонидан босиб олинди. Мексика иқтисодий ривож шак- шубҳасиз Мексика қасоскорона тушунчаларини келтириб чиқаради. Ўз вақтида, XIX асрда қуролли кучларнинг кенгайиши натижалари ҳавф остида қолиши ва XXI асрда Мексика демографик ёйилиши томонидан сақлаб қолиниши мумкин эди. Цивилизациялар ўртасидаги кучларнинг ўзгарувчан мувозанати Ғарбда қуроллар ортиб бориши, инсон ҳуқуқлари, иммиграция ва бошқа масалаларга ҳурмат билан ўз мақсадига эришиш учун кўпдан-кўп қийинчиликлар туғдирапти. Бундай вазиятда Ғарбдан йўқотишларни камайтириш учун ўзининг бошқа жамиятлар билан муомала қилишда сабзи ва ёғоч каби иқтисодий ресурсларидан оқилона фойдалана олишини, ўз бирлигини мустаҳкамлашни, ўз сиёсатини мувофиқлаштириш, яъни бошқа бир жамиятлар учун бир Ғарбий мамлакатни иккинчисига гижгижлашини яна мураккаблаштириши ва Ғарб бўлмаган халқлар орасидаги тафовутларни эълон қилиши ва ундан фойдаланишини тақозо қилади. Бир томондан, Ғарбнинг бу стратегияларни давом эттириш қобилиятини рақиб цивилизациялар билан унинг низолари табиати ва кенг кўлами, бошқа томондан эса, ўзгарувчан цивилизациялар билан умуман қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш кўлами шакллантиради.

9-БОБ

Цивилизацияларнинг глобал сиёсати

Асосий давлатлар ва бўлиниш чизиғи низолари

Цивилизациялар инсон қабилалари ривожланишининг якунига етган шакли, цивилизациялар тўқнашуви эса глобал миқёсдаги қабилавий низодир. Юзага келаётган оламда икки турли цивилизациядан бўлган давлат ёки одамлар гуруҳи умумий мақсадларга етишиш ёки бирор бир учинчи цивилизация вакилларига қарши бўлган қизиқишларини ривожлантириш йўлида махсус, чегараланган, тактик алоқалар ўрнатишлари ёки коалиция тузишлари мумкин. Аммо, турли цивилизациялардан бўлган гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар деярли ҳеч қачон яқин бўлмайди. Улар одатда совуқ ва кўпинча адоватли. Совуқ уруш давридаги ҳарбий иттифоқлар сингари ўтмишдан мерос бўлиб қоладиган турли цивилизациялар ўртасидаги муносабатларнинг заифлашиши ёки бутунлай йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли бор. Россия ва Америка лидерлари томонидан таъкидланган цивилизациялараро яқин ҳамкорлик қилиш умиди ҳам амалга ошмайди. Вужудга келаётган цивилизациялараро муносабатлар вазминликдан зўравонликка қараб ўзгариб боради ва кўпинча шу масофа ўртасига тўғри келади. Кўп ҳолларда улар Борис Елцин огоҳлантирганидек, келажакда Россия ва Ғарб муносабатлари ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган «совуқ тинчлик»ка тенг келиши эҳтимоли юқори. Қолган цивилизациялараро муносабатлар эса совуқ уруш ҳолатини эслатиши мумкин. «La guerra fría» атамаси XIII асрда яшаган испанларга тегишли бўлиб, улар бу жумлани Ўртаер денгизида мусулмонлар билан «хафвсизликда яшаш» дея изоҳлашган. 90-йилларда кўп одамлар маданий совуқ урушнинг Ислон ва Ғарб ўртасида яна авж олиб бораётганини кўришди⁵. Цивилизациялар оламида фақатгина бу муносабат эмас, балки бошқа бир қатор муносабатлар ҳам шунга ўхшаш атамалар билан

⁵ Adda B. Bozeman, *Strategic Intelligence and Statecraft: Selected Essays* (Washington: Brassey's (US), 1992), p. 50; Barry Buzan, "New Patterns of Global Security in the Twenty-first Century," *International Affairs*, 67 (July 1991), 448-449.

таърифланади. Совуқ тинчлик, совуқ уруш, савдо уруши, квази-уруш, омонат тинчлик, тифиз муносабатлар, мурасимсиз рақобат, биргаликда яшаш назарияси⁶, қурол мусобақаси – бу иборалар турли цивилизация вакиллари ўртасидаги муносабатларга тавсиф берувчи энг мос жумлалардир. Ишонч ва дўстлик эса кам учрайди.

Цивилизациялараро низолар икки хил шаклга эга. Маҳаллий ёки микро даражада бўлиниш чизиғи низолари: турли цивилизацияларга тегишли қўшни давлатлар ўртасида, бир давлатдаги турли цивилизацияларга тегишли гуруҳлар ўртасида ва собиқ Совет Иттифоқи ҳамда Югославия сингари вайрон бўлган давлатлар ўрнига янгисини яратишга уринадиган гуруҳлар ўртасида юзага келади. Бўлиниш чизиғи низолари асосан мусулмон ва мусулмон бўлмаган гуруҳлар орасида кенг тарқалган. Бундай низоларнинг сабаблари, табиати ва ривожланиши ўнинчи ва ўн биринчи бобларда ўрганилган.

Глобал ёки макро даражада асосий давлатлар низолари: турли цивилизацияларга тегишли илғор мамлакатлар ўртасида юзага келади. Бундай низоларда қуйидаги халқаро сиёсатга оид асосий муаммолар ўз аксини топган:

1. Глобал тараққиётнинг шаклланиши ва БМТ, ХВФ ва Халқаро Банк каби халқаро ташкилотларфаолиятига таъсир этиш;
2. Оммалашув мунозаралари ўз аксини топган қурол назорати ва қурол мусобақасида аён бўладиган ҳарбий куч;
3. Савдо, инвестиция ва бошқа муаммоли баҳсларда аён бўладиган иқтисодий куч ва моддий фаровонлик;
4. Бошқа цивилизация худудидаги ўз вакиллари ҳимоя қилиш, бошқа цивилизацияга тегишли одамларга қарши дискриминация сиёсатини юритиш ёки бошқа цивилизациядан бўлган одамларни ўзига тегишли худуддан чиқариб юборишда бирор цивилизацияга тегишли давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган одамлар келтирадиган келишмовчиликлар;

⁶ Биргаликда яшаш назарияси – экологик жихатдан ўхшаш муҳитда яшайдиган турлар ўртасидаги рақобатдошликни сақлаб қолишга асосланган назария.

5. Қадриятлар ва маданият: давлат бошқа цивилизация вакилларига ўз қадриятларини ташвиқ қилиши ёки мажбуран бўйсундириши оқибатида келиб чиқадиган низолар;

6. Баъзида асосий давлатлар бўлиниш чизиғида асосий қатнашчиларга айланадиган ҳудудий низолар.

Бу низолар, албатта, бутун тарих давомида инсонлар ўртасидаги ихтилофлар асоси бўлиб келган. Бироқ турли цивилизацияга тегишли давлатлар аралашганда, маданий тафовутлар низоларни кескинлаштиради. Улар ўртасидаги мусобақада асосий давлатлар мақсадларига эришиш йўлида ўз цивилизациялари тарафдорларини йиғишга, учинчи цивилизациялар томонидан кўмакка эга бўлишга, қарши цивилизацияларда ички низолар ва камчиликлар келтириб чиқаришга ҳамда мувофиқ дипломатик, сиёсий, иқтисодий, махфий ҳаракатлар уйғунлиги, тарғибот ишлари ва зўравонликдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Аммо, асосий давлатлар Ўрта Шарқ ва субконтинентал, яъни тарихий ва геотектоник сабабларга кўра қитъанинг бошқа ерларидан ажралиб турадиган катта ҳудуддаги вазиятлардан ташқари қолган вазиятларда маданий бўлиниш чизиғида туташган ҳолатларда тўғридан-тўғри бир-бирларига қарши ҳарбий куч ишлатишлари эҳтимолдан йироқ. Бошқа ҳолларда асосий давлатлар ўртасидаги урушлар икки вазиятда вужудга келиши мумкин.

Биринчидан, бу урушлар қондош ҳисобланган маҳаллий гуруҳлар ўртасидаги бўлиниш чизиғи, низолар кўпайиши ҳисобидан маҳаллий ихтилоф қарама-қарши томонларини қўллайдиган асосий давлатларни қамраб олган ҳолда вужудга кела бошлаши мумкин. Бироқ, бу эҳтимоллик қарши цивилизациядан бўлган асосий давлатларга бўлиниш чизиғи низоларини тўхтатиб туришга ёки уларни тинч йўл билан ҳал қилишга имкон яратади.

Иккинчидан, асосий давлатлар урушлари цивилизациялар ўртасидаги кучнинг глобал мувозанати ўзгариши натижасида келиб чиқиши мумкин. Қадимги юнон цивилизациясида Афинанинг ўсиб бораётган кучи, Фукидида сабаб қилиб кўрсатганидек, Пелоппенес урушига олиб келди. Шунингдек,

Ғарбий цивилизация тарихи ҳам ўсиб ва пасайиб бораётган кучлар ўртасидаги «гегемон урушлар»дан биридир. Турли цивилизацияларга тегишли бўлган, ўсиб ва пасайиб бораётган асосий давлатлар ўртасидаги низоларга имкон яратувчи ўхшаш факторлар даражаси қисман бу цивилизациялар томонидан давлатлар учун янги куч пайдо бўлишини таъминловчи қайси усулни танлашида аён бўлади. Куч ишлатилган қаршиликми ёки ғолиб томонга ўтиб олишми? Ғолиб томонга ўтиб олиш Осиё маданиятига анча яқин хусусият бўлиб турган бир пайтда, Хитой кучининг ўсиб бориши АҚШ, Ҳиндистон ва Россия каби бошқа цивилизация вакиллари давлатларига нисбатан қаршилик ҳаракатларини ярата олди. Ғарб тарихида Буюк Британия ва АҚШ ўртасида етакчилик учун сўнган урушда, Британия ҳукмронлигидан Америка ҳукмронлигига ўтиш эҳтимоли икки жамият ўртасидаги яқин маданий ўхшашлик сабабидир. Ғарб ва Хитой силжиш кучи мувозанати ўртасидаги бундай ўхшашликнинг йўқлиги ҳарбий низоларни қатъийлаштирмайди, лекин уларнинг қўлланиш эҳтимоллигини анча оширади. Ислом динамикаси кўплаб кичик бўлиниш чизиғи низоларининг нисбатан давомий манбасидир; Хитойнинг кўтарилиши эса асосий давлатларнинг улкан цивилизациялараро урушларининг потенциал манбаси ҳисобланади.

Ислом ва Ғарб

Баъзи ғарбликлар, шунингдек президент Билл Клинтон, Ғарбнинг зўравон ислом экстремистларидан ташқари ислом билан ҳеч қандай муаммолари йўқ, дея таъкидлашади. Тарихнинг 1400 йили эса бунинг мутлақо тескарисини кўрсатади. Ислом ва христианлик (ҳам православ, ҳам католик) ўртасидаги муносабатлар доим қизгин бўлган. Ҳар бири бир-бири учун ўзгача бўлган. Либерал-демократия ва Маркс-Ленин таълимоти ўртасидаги XX аср ихтилофи ислом ва христианлик ўртасидаги давомий ва чуқур зиддиятли муносабатга солиштирганда ўткинчи ҳамда юзаки тарихий феноменга айланади. Баъзан, биргаликда тинч ҳаёт кечириш устун келган; кўпинча

муносабатлар жадал рақобат ва «қайноқ» урушнинг турли даражаларигача етган. Уларнинг «тарихий динамикаси», Жон Эспозито шарҳлаганидек, «... кўпинча тортишувдаги икки жамиятни топиб, куч, ер ва жон учун бўлган ҳалокатли жангга қамраб олади»⁷. Асрлар оша икки дин тақдири ўта муҳим тўлқинлар, турғунлик ва таракқиёт изчиллигида гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлаб борди.

VII аср бошидан то XIII аср ўрталаригача тайёрланган дастлабки Араб-Ислом ҳаракати Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Ўрта Шарқ, Эрон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмида ислом бошқарувига асос солди.

Тахминан икки аср ичида ислом ва христианлик ўртасидаги бўлиниш чизиқлари турғунлашди. Сўнг XI асрнинг сўнгига келиб, христианлар Ўртаер денгизи ғарбий қисми устидан қайта назорат ўрнатдилар, Сицилия ва Толедо шаҳрини ишғол қилдилар. 1095 йилда христиан олами Салиб юришларини бошлади ва бир ярим аср давомида христиан ҳукмдорлари, 1291 йилда ўзларининг охириги таянчлари бўлган Акрани йўқотгунларига қадар, Муқаддас ер ҳамда Яқин Шарққа ёндош ерларда христианлик бошқарувини муваффақиятсизлик билан ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Бу пайтда дунё саҳнасида Усмонли турклар пайдо бўлди. Дастлаб улар Византияни заифлаштирдилар, сўнг Шимолий Африка ҳамда Болқон ярим оролининг катта қисмини забт этдилар, 1453 йилда Константинополни ишғол қилдилар ва 1529 йилда Венани қамал қилиб олдилар. Бернард Люис таъкидлаганидек, «Мавританиянинг Испанияда илк жойлашувидан то Венанинг иккинчи маротаба турклар томонидан қамал қилинишигача, деярли минг йил давомида, Европа исломнинг мутассил таҳдиди остида эди»⁸. Ислом Ғарбнинг мавжуд бўлиш эҳтимоллигини шубҳа остига қўйган ягона цивилизация ҳисобланади. Бунинг устига, бу ҳодиса бир эмас, камида икки марта содир бўлган.

XV асрга келиб, оқим ўзгара бошлади. Христианлар аста-секин Периней ярим оролини қайтариб олдилар ва 1492 йилда Гранада (Андалусия,

⁷ John L. Esposito, *The Islamic Threat: Myth or Reality* (New York: Oxford University Press, 1992), p. 46.

⁸ Bernard Lewis, *Islam and the West* (New York: Oxford University Press, 1993), p. 13.

Испания)да бу вазифани яқунладилар. Ушбу пайтда Европанинг океан навигациясидаги қилган янгиликлари дастлаб португалияликларга, кейинчалик бошқа европаликларга, мусулмонлар марказларини айланиб ўтиб, Ҳинд океани ичига кириб бориш, ҳатто Хитойгача етиб боришга имкон яратди. Бир вақтнинг ўзида россияликлар икки асрлик татар-мўғул ҳукмронлигига яқун ясадилар. Кейинчалик, 1683 йилда Усмонли турклар Венани камал қилишда охириги қадамни қўйдилар. Уларнинг бу ердаги муваффақиятсизлиги Болқон ярим оролидаги Шарқ одамларининг Усмонли турклар ҳукмронлигидан ўзларини озод қилиш ҳаракатлари, Габсбург империясининг кенгайиши ҳамда русларнинг Қора денгиз ва Кавказ томонга сезиларли даражадаги ҳаракатларини қамраб олган давомий чекинишнинг бошланиш нуқтасини белгилаб берди. Тахминан бир аср давомида «Салиб юришлари оқими» «Европани касал одам»га айлантирди⁹. Биринчи Жаҳон урушининг сўнгида Буюк Британия, Франция ва Италия охириги зарбани бердилар ҳамда Турк Республикасидан ташқари Усмонли туркларга тегишли бўлган ерларда бевосита ва билвосита ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. 1920 йилга келиб фақатгина тўрт мусулмон давлат – Туркия, Саудия Арабистони, Эрон ва Афғонистон мусулмон бўлмаган ҳукмронликнинг баъзи шаклларида озод бўлиб қолган эди. Ўз ўрнида, 1920–30 йилларда секинлик билан Ғарбий мустамлакачилик чекина бошлади ва бу ҳаракат Иккинчи Жаҳон уруши оқибатида сезиларли даражада тезлашди. Совет Иттифоқининг кулаши янгидан-янги мусулмон жамиятларига мустақиллик олиб келди. Статистика маълумотларига кўра, 1757–1919 йиллар оралиғида мусулмонларга тегишли ҳудудларнинг мусулмон бўлмаган ҳукуматлар томонидан эгалланишининг 92 ҳолати юз берди. 1995 йилгача бу ҳудудларнинг 69 таси яна бир бор мусулмонлар ҳукмронлиги остида бўлди ва тахминан 45 та мустақил давлатлар аҳолисининг кўп қисми мусулмонлардан ташкил топган эди. Бу ўзгарувчи муносабатларнинг зўравон табиати шунда акс этадики, 1820–1929

⁹ Esposito, *Islamic Threat*, p. 44.

йиллар орасида турли динларга эътиқод қилган давлатлар ўртасидаги 50% урушлар мусулмонлар ва христианлар ўртасида содир бўлган¹⁰.

Ихтилофлар қолипнинг бундай давомийлиги сабаблари XII аср христиан жўшқинлиги ёки XXI аср мусулмон фундаментализми сингари ўткинчи феноменларда эмас. Улар икки дин ҳамда уларга асосланган цивилизациялар табиатидан келиб чиқади. Бир томондан, ихтилоф тафовутлар мевасидир. Айниқса, исломни ўз ҳаёт тарзи деб ҳисобловчи, давлат ва динни бирлаштирадиган мусулмон концепцияси, бошқа томондан худо ва императорни ажратувчи Ғарбий христианлик концепцияси. Бироқ, ихтилоф ўхшашликлар сабабли бостирилган пайтлар ҳам бўлган. Кўпхудоли динлардан фарқли ўлароқ, иккиси ҳам, сиғиниш учун осонгина қўшимча маъбудлар қўша олмайдиган, ҳамда дунёни дуалистик, яъни «биз ва улар» жиҳатдан кўрадиган бир худоди динлардир. Иккиси ҳам барча инсонлар риоя қила оладиган, ягона ҳақиқий эътиқодни талаб қиладиган даражада универсал. Иккиси ҳам динсизларни бу ягона ҳақиқий эътиқодга ўтказиш сарбонларининг вазифаси деб ишонувчи ўз элчиларига эга динлардир. Келиб чиқишидан бошлаб ислом забт этиш йўли билан тарқалган, имконият пайдо бўлганда христианлик ҳам худди шундай йўл тутган. Бир-бирига параллел бўлган икки концепция – «жиҳод» ҳамда «салиб юришлари», бир-бирига ўхшабгина қолмай, бу икки эътиқодни дунёнинг бошқа йирик динларидан фарқлайди ҳам. Худди яҳудийлик каби ислом ва христианлик бошқа цивилизацияда кўп учрайдиган даврий ва статик қарашларидан фарқли ўлароқ, тарихнинг назарий қарашларига ҳам эга.

Вақтлар оша содир бўлган ислом ва христианлик ўртасидаги зўравон ихтилофларнинг даражаси демографик ўсиш ва заифлашиш, иқтисодий ривожланиш, технологик ўзгаришлар, диний эътиқоднинг кучайиши оқибатида таъсирланиб, ўзгариб борган. XII асрда исломнинг тарқалиши, арабларнинг Византия ва Сассонлар империяси ерларига «қулаш тезлиги» кўз

¹⁰ Daniel Pipes, *In the Path of God: Islam and Political Power* (New York: Basic Books, 1983), 102-103, 169-173; Lewis F. Richardson, *Statistics of Deadly Quarrels* (Pittsburgh: Boxwood Press, 1960), pp. 235-237.

кўриб, кулоқ эшитмаган даражада, жуда катта миграцияси билан биргаликда кечган. Бир неча асарлардан сўнг, «салиб юришлари» иқтисодий ўсиш, аҳолининг кўпайиши ва «клуниак ислохотлари»¹¹ берган меванинг катта қисмини ташкил қилган. «Клуниак ислохотлари» орқали XI асрда Европада кўпсонли зобитлар ва деҳқонларни муқаддас ердаги ҳарбий ҳаракатга сафарбар қилиш имкони яралган. Бир византиялик кузатувчи ёзганидек, биринчи Салиб юриши Константинополга етганда, барча ғарбликлар ҳамда Адриатика денгизи бўйидан то Геркулес таянчларигача бўлган ҳудудларда яшайдиган варвар қабилалари ўзларига тегишли мол-мулк билан Осиёга кириб келдилар¹². XIX асрда содир бўлган аҳоли сонининг ўсиши Европада яна «портлаш»ни юзага келтирди. Бу одамларни мусулмон ва бошқа ерларга кўчирган тарихдаги энг катта миграцияни келтириб чиқарди.

XIX асрнинг охирларида таққословчи фактларнинг қоришмаси Ислом ва Ғарб ўртасида ихтилофни ўстирди. Биринчидан, мусулмон аҳолисининг кўпайиши катта миқдордаги ишсизлар ҳамда ислом иттифоқлари аъзосига айлана бошлаган, қўшни жамиятларга босим ўтказадиган ва Ғарбга кўчиб кетаётган норози ёшларни келтириб чиқарди. Иккинчидан, Исломнинг тикланиши мусулмонларга цивилизацияларининг қадри ва уларнинг маънавий қадриятлари Ғарбникидан устунлиги ҳақида ўзига яраша янги ҳарактерга эга ишонч берди. Учинчидан, Ислом тикланиши билан бир вақтда Ғарбнинг ўз қадриятлари ва институтларини оммалаштириш, ҳарбий ва иқтисодий устунлигини йўқотмаслик ва мусулмонлар оламидаги низоларни олдини олиш учун бўлган ҳаракатлари мусулмонлар ўртасида жиддий норозиликка сабаб бўлди. Тўртинчидан, коммунизмнинг қулаши Ислом ва Ғарбнинг умумий душманини йўқотди, ҳамда ҳар бир тараф бир-бири учун яққол таҳдидга айланди. Бешинчидан, мусулмонлар ва ғарбликлар ўртасида алоқаларнинг

¹¹ Клуниак ислохотлари - (шунингдек, Бенедикт ислохоти деб ҳам номланади) Ғарбий черковнинг ўрта аср монастызмидаги бир қатор ўзгаришлар бўлиб, анъанавий монастыр ҳаётини тиклаш, санъатни қўллаб-қувватлаш ва камбағалларга ғамхўрлик қилишга қаратилган эди.

¹² Ira M. Lapidus, *A History of Islamic Societies* (Cambridge: Cambridge University Press, 1988), pp. 41-42; Princess Anna Comnena, quoted in Karen Armstrong, *Holy War: The Crusades and Their Impact on Today's World* (New York: Doubleday-Anchor, 1991), pp. 3 - 4 and in Arnold J. Toynbee, *Study of History* (London: Oxford University Press, 1954), VIII, p. 390.

кучайиши, шунингдек, уларнинг чатишиши уларда ўхшашликлари ҳақидаги туйғулар ҳамда бу ҳолат қандай қилиб уларни ўзгалардан ажратиб туриши ҳақидаги фикрларни уйғотди. Ўзаро муносабатга киришиш ва чатишиш, ўз ўрнида, бир цивилизация вакиллари устуворлик қилаётган давлатда бошқа цивилизация вакиллари ҳуқуқлари тўғрисидаги фарқларни ҳам юзага чиқарди. 1980–1990 йилларда мусулмон ва христиан жамиятида толерантлик сезиларли даражада камайди.

Бинобарин, Ислом ва Ғарб ўртасида янгиланган ихтилофлар сабаблари кудрат ва маданият масалаларига бориб тақалади. Ким кимни бошқаради? Ким бошқарилади? Ленин томонидан таърифланган сиёсатнинг асосий муаммоси Ислом ва Ғарб ўртасидаги баҳснинг ҳам асоси ҳисобланади. Аммо, бу ерда Ленин аҳамиятсиз деб ҳисоблаган нима тўғри-ю, нима хато, ва бу саволлар оқибатида келиб чиқадиган ким ҳақ-у, ким ноҳақ экани тўғрисидаги икки хил тушунчалар юзасидан ҳам ихтилоф мавжуд. Токи Ислом Ислом бўлиб (шундай бўлади албатта), Ғарб эса Ғарб бўлиб (шубҳали) қолар экан, бу икки буюк цивилизация ўртасидаги бирламчи ихтилоф ҳамда ҳаёт тарзи ўтган ўн тўрт аср давомида улар ўртасидаги алоқаларни белгилаб бергани каби келажакда ҳам бу давом этади. Бу алоқалар томонлар эга бўлган турли хил ёки ўхшаш позициялар ҳосил қиладиган катта ҳажмдаги муаммолар сабабли янада чигаллашади. Тарихан асосий муаммо ҳудуд назоратидир. Ҳозирда эса бу савол нисбатан аҳамиятсиздек. 1990-йиллар ўрталарида мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ичидаги 28 та бўлиниш чизиғи низоларидан 19 таси мусулмонлар ва христианлар ўртасида содир бўлган. Уларнинг 11 таси шарқий христианлар ва 7 таси Африка ва Жануби-шарқий Осиёдаги ғарбий христианлик тарафдорлари билан кечган. Бу зўравон ёки мавжуд зўравон ихтилофларнинг фақатгина биттаси, яъни хорватлар ва боснияликлар ўртасидаги низо Ғарб ва Ислом ўртасидаги айнан бўлиниш чизиғида содир бўлган. Ғарбий ҳудудий империализмнинг самарали якуни ва янгиланган мусулмон ҳудудий кенгайишининг мавжуд эмаслиги шундай географик ажралиш (сегрегация) ҳосил қилдики, Болқон ярим оролининг фақатгина бир

неча қисмида Ғарбий ва мусулмон жамиятлар тўғридан-тўғри бир-бири билан чегарадош бўлиб қолди. Ғарб ва Ислом ўртасидаги ихтилофлар, бинобарин, диққат марказини худудга эмас, балки қуроллар кўпайиши, инсон ҳуқуқлари ва демократия, нефт назорати, миграция, Ислом терроризми ҳамда Ғарбий мудохала сингари чегаравий цивилизациялараро муаммоларга қаратади.

Совуқ урушнинг бошида бундай тарихий антогонизмнинг жадал кучайиши икки жамият аъзолари томонидан кенг расмий тан олинган. Масалан, 1991 йилда Берри Бузан Европа фронт чизиғига тўғри келиб қолган Ғарб ва Ислом ўртасидаги ижтимоий совуқ уруш пайдо бўлишининг кўплаб сабабларини кўриб чиққан.

«Бу тараққиёт диндан ҳоли ёки диний қадриятлар, христианлик ва ислом ўртасидаги тарихий рақобат, Ғарб қудратига бўлган ҳасадгўйлик, Ўрта Шарқнинг постколониал сиёсий тизими устидан ўрнатилган ғарбий доминантликка ғазаб ҳамда ўтган икки аср давомида Ислом ва Ғарб цивилизациялари эришган ютуқлардаги тафовутга нисбатан муросасизлик ҳисси ва камситилиш билан боғлиқ».

У қўшимча қилиб, «Ислом билан бўлган ижтимоий совуқ уруш, Европа Иттифоқи тараққиёти танг аҳволда бўлган бир пайтда, Европа учун кучайтирувчи барқарорлик омили бўлиб хизмат қилади», деб айтиб ўтган. «Шу сабабли, Ғарбда Ислом билан бўлаётган ижтимоий совуқ урушни нафақат ёқлайдиган, балки уни қўллаб-қувватловчи, сиёсий чоралар қабул қилишга тайёр кўпсонли уюшмалар мавжуд бўлиши мумкин». 1990 йилда Ғарбнинг етакчи исломшунос олими Бернард Люис «мусулмонлар ғазабининг илдизлари»ни таҳлид қилди ва шундай хулосага келди:

«Бугунги кунга келиб шу аён бўлдики, биз муаммолар даражаси, сиёсат ва ҳукуматдан йироқ бўлган ижтимоий ҳаракатга юз тутяпмиз. Бу яққол цивилизациялар тўқнашуви. Бизнинг яҳудий-христианлик маданий меросимизга, диндан ҳоли бугунимизга ва иккисининг бутун дунё бўйлаб кенгайишига қарши қадимий рақибнинг эҳтимол ассоссиз, аммо шубҳасиз тарихий реакциясидир. Ўз ўрнида, биз бу рақибга қарши худди шундай

тарихий, лекин асоссиз реакцияга қарши чиқишга мажбур бўлиб қолмаслигимиз жудаям муҳим»¹³.

Ислом уюшмалари ҳам ўхшаш кузатувларга дуч келишган. 1994 йилда етакчи Миср журналисти Муҳаммад Саид Аҳмад: «Яҳудий-христиан ғарбий ахлоқи ва ҳозирда Ғарбда Атлантикадан, Шарқда то Хитойгача чўзилган Ислом тикланиш ҳаракати ўртасида ўсиб борувчи тўқнашувнинг муайян белгилари мавжуд», деб айтади. Машҳур хинд мусулмони 1992 йилда Ғарбнинг «кейинги етакчи қаршилиги шак-шубҳасиз мусулмон оламидан келиши»ни башорат қилган. «Айнан Мағрибдан то Покистонгача бўлган Ислом ҳудудларида дунё етакчилиги учун кураш бошланади».

Тунислик етакчи ҳуқуқшунос учун кураш аллақачон бошланган: «Мустамлакачилик Исломнинг барча маданий урф-одатларини ўзгартиришга уринди. Мен исломшунос олим эмасман. Мен динлар ўртасида ихтилоф бор деб ҳисобламайман. Ихтилоф – цивилизациялар ўртасида».

1980–1990-йиллар давомида Ислом интилишининг асосий йўналиши Ғарбга қарши қаратилган. Бу қисман Ислом уйғониши ва Ғарбдаги англанишига қарши реакция ёки мусулмон жамиятлари ғарблашувининг табиий оқибатларидир. Исломнинг қайта тан олиниши, у қай даражада қатъий мазҳабпараст шаклга эга бўлмасин, маҳаллий жамият, сиёсат ва ахлоққа Европа ҳамда Америка таъсирини инкор этишини билдиради¹⁴. Ўтмишда, баъзан мусулмон лидерлари ўз халқига: «Биз ғарблашишимиз даркор», деб айтган эди. Бироқ, агар бирор бир мусулмон лидери XX асрнинг охири чорагида шу гапларни айтганда, у ёлғиз қолиши тайин эди. Чиндан ҳам, мусулмонлар хоҳ у сиёсатчи, хоҳ мансабдор, хоҳ академик, хоҳ тадбиркор ёки журналист бўлсин, улар томонидан Ғарб кадриятлари ва институтлари мақталган бирор бир баёнот топиш қийин. Бунинг ўрнига улар ўз цивилизациялари ва Ғарб цивилизацияси ўртасидаги фарқлар, ўз

¹³ Barry Buzan, "New Patterns," pp. 448-449; Bernard Lewis, "The Roots of Muslim Rage: Why So Many Muslims Deeply Resent the West and Why Their Bitterness Will Not Be Easily Mollified," *Auntie Monthly*, 266 (September 1990), 60.

¹⁴ Mohamed Sid-Ahmed, "Cybernetic Colonialism and the Moral Search," *New Perspectives Quarterly*, 11 (Spring 1994), 19; M. J. Akbar, quoted *Time*, 15 June 1992, p. 24; Abdelwahab Belwahl, quoted *ibid.*, p. 26.

маданиятлари устунлиги ҳамда Ғарб томонидан шиддатли ҳужумга қарши ўз маданияти бутунлигини сақлаб қолишга урғу беришади. Мусулмонлар Ғарб қудрати ҳамда ўз жамияти ва эътиқодларига нисбатан у туғдирадиган таҳдиддан қўрқишади, нафратланишади. Улар Ғарб маданиятига манфаатпараст, виждонсиз, инқирозга юз тутган ҳамда ахлоқсиз, деб баҳо беришади. Шунингдек, улар Ғарб маданиятини йўлдан оздирувчи деб билишади, шунинг учун ўз ҳаёт тарзларига имкон қадар унинг таъсирини сездирмасликка уринишади. Бунинг устига, мусулмонлар Ғарбни нафақат нуқсонли ва (китобий дин бўлишига қарамасдан) хато динга эътиқод қилишда, балки ҳеч қайси бир динга эътиқод қилмасликда айблайдилар. Мусулмонлар назарида, Ғарбий секуляризм, динсизлик ва ахлоқсизлик уларни юзага келтирган Ғарб христианлигидан ҳам ёвузроқдир. Совуқ уруш пайтида Ғарб ўз рақибига «худосиз коммунизм» ёрлиғини илган эди; цивилизацияларнинг совуқ урушдан кейинги ихтилофида мусулмонлар ўз рақибига «худосиз Ғарб» назарида қаради. Ғарбнинг такаббур, манфаатпараст, репрессив, шавқатсиз ва пасткаш имижига нафақат фундаменталист имомлар томонидан, балки тарафдорлари ва иттифоқдошлари ҳисоблаган кўплаб ғарбликлар томонидан ҳам шундай баҳоланади. 1990-йилларда мусулмон муаллифлари томонидан Ғарбда нашр қилинган китобларнинг жуда кам қисми, жумладан, Фотима Мерниссининг «Ислам ва демократия» китоби илиқ кутиб олинган. Бу китоб ғарбликлар томонидан замонавий, либерал мусулмон аёлининг мардона баёноти сифатида тан олинган. Аммо, Ғарбнинг бу китобдаги кўриниши кўркам бўлиши даргумон эди. Ғарб «милитар» ва «империал», бошқа миллатларни «мустамлака терроризми» билан «яралаган» (3-9 бб), «Барча ташвишларнинг манбаси» Ғарб маданияти белгиси бўлган индивидуализмдир. Ғарбнинг қудрати ваҳимали» (8-бет), «Сунъий йўлдошлардан арабларни ўқитиш ёки уларга бомбаларни улоқтириш сифатида фойдаланишни ёлғиз Ғарб ҳал қилади... У бизнинг мавжудлигимизни йўқ қилади, импорт қилган маҳсулотлари-ю, телевизион филмлари билан ҳаётимизга бостириб киради. У бизни йўқ қилувчи, бозоримизни эгаллаб олувчи ва ҳаттоки энг кичик ресурс,

мулоҳаза ва имкониятларимизгача назорат қилувчи кучдир. Бу ҳолатимизни биз қай даражададир англаб етгандик, Форс кўрфазидаги уруш бу тушунчаларимизни ҳақиқатга айлантирди» (146-147 бб). Ғарб ўз қудратини ҳарбий тадқиқот орқали ҳосил қилади, сўнг бу тадқиқот маҳсулотларини ўзининг «пассив истеъмолчилари» бўлган ривожланмаган давлатларга сотади. Бу хушомадгўйликдан ўзларини либераллаштириш учун, Ислом ўз муҳандислари ва олимларини қўллаб-қувватлаш, ҳарбий қуроолларини (ядровий ёки оддий, Мернисси ўз китобида белгиламаган) ишлаб чиқариш ва «ўзини Ғарб ҳарбий қарамлигидан озод қилиш»да фойдаланишга мажбур» (43-44 бб). Буларнинг барчаси, яна бир бор такрорлаймиз, қандайдир соқолли фундаменталистнинг қарашлари эмас.

Сиёсий ва диний нуқтаи назари қандай бўлишидан қатъий назар, мусулмонлар ўз маданиятлари ва Ғарб маданияти ўртасида бошланғич фарқлар мавжуд деб ҳисоблашади. «Хулоса шундаки, Шайх Ганушининг айтишича, бизнинг жамиятимиз Ғарб жамияти асосланган кадриятлардан мутлақо фарқ қилувчи кадриятларга асосланган». Миср ҳукумати расмий равишда: «Америкаликлар «бу ерга келиб, бизни уларга ўхшашимизни хоҳлашади. Ўзлари эса бизнинг кадриятларимиз ва маданиятимиз ҳақида ҳеч нарса тушунишмайди», деб айтади. Миср журналисти бу фикрга қўшимча равишда: «Биз ҳар хилмиз. Биз турли насл-насабга, турлича тарихга эгамиз. Шундай экан, турлича келажакка эга бўлишга ҳақлимиз», дейди. Машҳур, жиддий илмий мусулмон асарлари Ғарб фитналари Ислом институтлари ва маданиятини бўйсундириш, ерга уриш ва заифлаштириш йўлларини такрор ва такрор тасвирлайдилар¹⁵.

Ғарбга қарши реакцияни, нафақат Ислом уйғониш марказий интеллектуал моҳиятида, балки мусулмон давлатлари ҳукуматларининг Ғарбга нисбатан муносабатлари ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин. Бирламчи постколониал ҳукуматларнинг иқтисоди, мафкура ва сиёсати умуман олганда,

¹⁵ William H. McNeill, "Epilogue: Fundamentalism and the World of the 1990's," in Martin E. Marty and R. Scott Appleby, eds., *Fundamentalisms and Society: Reclaiming the Sciences, the Family, and Education* (Chicago: University of Chicago Press), p. 569.

Ғарбга тегишли. Мустақилликка озодлик курашчилари инқилоби натижасида эришган Жазоир ҳамда Индонезия каби истисно давлатлардан ташқари бошқа давлатлар эса бунинг акси. Бироқ аста-секинлик билан Ғарб тарафдорлари бўлган ҳукуматлар Ироқ, Ливия, Яман, Сурия, Эрон, Судан, Ливан ва Афғонистонда Ғарбга тегишли бўлмаган, ваҳоланки, Ғарбга мутлақо қарши бўлган ҳукуматларга йўл берилди. Бу йўналишдаги сезиларсиз ўзгаришлар Тунис, Индонезия ва Малайзия сингари бошқа давлатларнинг сиёсий нуқтаи назари ва келишувида содир бўлди. Қўшма Штатларнинг Совуқ урушдаги энг ишончли ҳарбий иттифоқчилари бўлган Туркия ва Покистон, ички томондан Ислом сиёсий босими остидадир, бундан ташқари уларнинг Ғарб билан алоқаларида танглик кучайиб бормоқда.

1995 йилда Қувайт ўн йил олдингига нисбатан Ғарб тарафдори ҳисобланган ягона мусулмон давлат бўлган. Ҳозирги кунда Ғарбнинг мусулмон оламидаги яқин дўстлари саналмиш, ҳарбий томондан тобе бўлган Қувайт, Саудия Арабистони ва Форс амирликлари билан бир қаторда, иқтисодий тобе бўлган Миср ва Жазоир ҳам бор. 1989 йилларнинг сўнгида, Совет Иттифоқи йўлдош давлатларни ортиқ иқтисодий ҳамда ҳарбий томондан қувватлай олмаслиги аён бўлганда, Шарқий Европада коммунистик тузум кулади. Агар Ғарб ўзига йўлдош мусулмон тузумларни қўллаб-қувватламай қўйса, уларни ҳам шунга ўхшаш қисмат кутган бўларди.

Мусулмон «анти-ғарбийлиги»ни ошириш, айниқса, мусулмон экстремизми келтириб чиқарган «исломий таҳдид»га бўлган Ғарб ташвишининг кенгайиши билан бир вақтда содир бўлган. Исломга ядровий қудрат, терроризм ҳамда Европадаги миграция жараёнининг ошишига асос деб қаралади. Бундай ҳавотирлар халқ томонидан ҳам, сиёсий етакчилар томонидан ҳам бирдек тан олинади. 1994 йилнинг ноябр ойида ўтказилган сўровномага кўра, «Исломнинг уйғониши АҚШнинг Ўрта Шарққа нисбатан қарашларига таҳдидми бўла оладими?» деган саволга, мисол учун, ташқи сиёсатга қизиқувчи америкаликларнинг 35.000 дан 61 фоизи «ҳа» деб, фақатгина 28 фоизи «йўқ» деб жавоб берган. Бир йил олдин «Қўшма Штатлар

учун энг катта хавф қайси давлат томонидан келади?» деган саволга тасодифий овоз берган омма Эрон, Хитой ва Ироқни энг юқори уч ўринга кўйдилар.

Шу каби 1994 йилда Қўшма Штатлар учун «танқидий таҳдидлар»ни аниқлаш сўралганда, омманинг 72 фоизи ҳамда ташқи сиёсат етакчиларининг 61 фоизи ядровий тарқалиш, халқнинг 69 фоизи ва етакчиларнинг 33 фоизи халқаро терроризм Ислом билан бевосита боғланган икки асосий муаммо, деб жавоб бердилар. Бундан ташқари, халқнинг 33% ҳамда етакчиларнинг 39% Ислом фундаментализмининг кенг ёйилишида таҳдид кўрдилар. Европаликлар ҳам ўхшаш хулосаларга келди. Масалан, 1991 йилнинг баҳорида, француз халқининг 51% Францияга бўлган асосий таҳдид жанубдан эканлигини, 8% эса шарқдан келишини айтган. Француз халқи кўпроқ кўрқадиган 4 та давлатнинг барчаси мусулмон давлатлардир. Улар: Ироқ 52%, Эрон 35%, Ливия 26% ва Жазоир 22%¹⁶. Ғарбий сиёсий етакчилар, Германия канцлери ва Франция бош вазирини қўшиб ҳисоблаганда, НАТО бош қотиби баён қилган ҳавотирларга ўхшаш фикрлар билдирган. 1995 йилда бош қотиб Ислом фундаментализми Ғарб учун худди коммунизм хавфи каби хавфлидир. Клинтон маъмуриятининг юқори мансабдор вакили эса Исломни Ғарбнинг глобал рақиби сифатида кўрсатади¹⁷.

Шарқ томонидан келаётган ҳарбий таҳдиднинг ғойиб бўлиши билан НАТОнинг режалари тобора жанубдан келаётган яширин таҳдидларга йўналтирилмоқда. АҚШнинг бир ҳарбий таҳлилчиси 1992 йилда кузатганидек, «Жанубий фронт Марказий фронт ўрнини эгалламоқда ва шиддат билан НАТОнинг янги фронт чизиғига айланмоқда. Бу Жанубдан келадиган таҳдидларга қарши НАТОнинг жанубий аъзолари – Италия, Франция, Испания ва Португалия – ҳарбий режа ва амалиётга қўшила бошладилар. Бир вақтнинг ўзида Ғарб ҳукуматларига Ислом экстремистларига қаршилик кўрсатиш бўйича маслаҳатлар бермоқда. Аниқланган бу таҳдидлар

¹⁶ Fatima Mernissi, *Islam and Democracy: Fear of the Modern World* (Reading, MA: Addison-Wesley, 1992).

¹⁷ For a selection of such reports, see *Economist*, 1 August 1992, pp. 34-35.

АҚШнинг Европада кенг ҳарбий базалари мавжудлигини оқлайдиган маълумот бўлиб хизмат қилади. «Европадаги АҚШ кучлари улар учун Ислом фундаменталистлари томонидан яратилган муаммоларга ечим бўлмаса ҳам», АҚШнинг собиқ юқори мансабдор шахси айтганидек, «бу кучлар ўша худуддаги ҳарбий ҳаракатларни режалаштиришда ҳар томонлама кучли таъсир ўтказади. 1990–1991 йиллардаги Форс кўрфази урушида АҚШ, Франция ва Британия кучларининг Европадан муваффақиятли чиқиб кетганларини эслайсизми? Яқин Шарқ буни эслайди». Шунингдек, у «улар буни кўрқув, ғазаб ва нафрат билан эслайди», деган жумлани қўшиб қўйиши мумкин эди.

Мусулмонлар ва ғарбликларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ҳақида кенг тарқалган фикрларни ҳамда Ислом экстремизми кучайишини ҳисобга олиб шуни айтиш мумкинки, 1979 йилдаги Эрон инқилобидан сўнг Ислом ва Ғарб ўртасида цивилизациялараро квази-уруш (ярим-уруш) вужудга келгани ҳайратланарли эмас. Уч сабабга кўра бу ҳолат квази-уруш ҳисобланади. Биринчидан, бутун Ислом олами бутун Ғарб олами билан курашаётгани йўқ. Икки фундаменталист давлат (Эрон, Судан), уч фундаменталист бўлмаган давлатлар (Ироқ, Ливия, Сурия), шунингдек, Саудия Арабистони сингари мусулмон давлатлар томонидан моддий қўллаб-қувватланадиган исломий ташкилотларнинг жуда кўпи, Қўшма Штатлар, вақти-вақти билан Британия ҳамда Франция, шу билан бирга бошқа Ғарбий давлат ва гуруҳлар, шунингдек, Исроил ва умуман яҳудийлар билан урушиб келмоқда. Иккинчидан, квази-урушда, 1990–1991 йиллардаги Форс кўрфази урушини ҳисобга олмаганда, чекланган воситалар билан урушилади: бир томонда терроризм, бошқа томонла ҳаво қудрати, махфий ҳаракатлар ҳамда иқтисодий санкциялар. Учинчидан, зўравонлик мавжуд бўлса ҳам, у давомий эмас. У бир томоннинг жавоб реакциясини кўзғатувчи, бошқа томоннинг вақти-вақти билан содир бўлувчи ҳаракатларини ўз ичига олади. Шундай бўлса ҳам, квази-уруш урушлигича қолади. 1991 йил январ-феврал ойларидаги Ғарб томонидан қилинган бомбардимон сабабли ўлган ўн минглаб Ироқ

солдатлари (халқни ҳисобга олмаса ҳам), ўлганлар ва қурбон бўлганлар сони мингларга кўпайиб бораверади. Бу кўпайиш 1979 йилдан сўнг ҳар йили такрорланади. Бу квази-урушда Форс кўрфазидаги «хақиқий уруш»дан кўра кўпроқ ғарбликлар ўлдирилган.

Бундан ташқари, икки томон ҳам буни низовий уруш деб тан олишади. Хомейни жуда аниқ баён қилганидек, Эрон аслида Америка билан уруш бўсағасида турибди, Каддафи ҳамиша Ғарбга қарши «муқаддас уруш» ҳақида расмий равишда эълон қилади. Бошқа экстремист гуруҳлари ҳам ўхшаш атамалардан фойдаланишади. Қўшма Штатлар етти давлатни «террорчи давлатлар» дея таърифлайди. Уларнинг бештаси мусулмон давлатлар (Эрон, Ироқ, Сурия, Ливия, Судан), қолгани эса Куба ва Шимолий Кореядир. Бу таъриф мазмунан ушбу давлатларни душман сифатида аниқлайди. Чунки улар Қўшма Штатлар ва уларнинг иттифоқчиларига, ўз тасарруфларидаги энг самарали қуролларни қўллаган ҳолда ҳужум қиладилар. Шу йўсинда, уруш ҳолати расман тан олинади. АҚШнинг расмий шахслари бу давлатларни қайта-қайта «қонун таъқибидаги қочоқ», «мардуд», «қаллоб» давлатлар қаторига қўшади. Бу билан уларни халқаро маданий сафдан чиқариб, сиёсий чоралар учун қонуний нишонга айлантириб қўяди. Қўшма Штатлар ҳукумати Жаҳон Савдо Маркази бомбардимончиларини «АҚШга қарши террорчилик уруши»ни режалаштирганликда айблаган. «Манҳеттенда қўшимча бомбардимон режалаштирган» дея айбланган фитначилар АҚШга қарши «урушни кўзда тутган» аскарлар экани сабаб қилиб кўрсатилган. Агар мусулмонлар Ғарб Ислом билан урушяпти деб, ғарбликлар эса исломий гуруҳлар билан урушяпти деб даъво қилса, ҳақиқатдан ҳам уруш бўляпти, деган хулоса мантиқан тўғри ҳисобланади.

Бу квази-урушда ҳар бир томон бошқа томон заифлиги ва ўз кучи фойдасига иш кўради. Ҳарбий томондан бу уруш, асосан, терроризм ва унга қарши ҳаво қудрати урушидир. Фидокор Ислом жангарилари Ғарбнинг очик жамиятларидан фойдаланиб, танланган нишонларда машина бомбаларини қўяди; Ғарб ҳарбий мутахассислари эса исломнинг очик осмонларидан

фойдаланиб, танланган нишонга ақлли бомбаларни улоқтиради. Ислом қатнашчилари таниқли ғарбликларга қотиллик уюштиради; АҚШ эса Ислом экстремистик тузумини ағдариб юборишни режалаштиради. Ўн беш йил, 1980–1995 йиллар давомида, АҚШ Мудофаа Вазирлиги маълумотига кўра, АҚШ Ўрта Шарқда ўн еттита ҳарбий ҳаракатга жалб қилинган. Уларнинг барчаси мусулмонларга қарши йўналтирилган. АҚШ ҳарбий ҳаракатларининг бошқа ҳеч бир цивилизация вакилларига қарши уюштирган, бу ҳолат билан таққослаб бўладиган ҳаракатлари мавжуд эмас.

Бугунги кунга келиб, ҳар бир томон, Форс кўрфази урушидан ташқари, қолган урушларда зўравонлик шиддати даражасини етарлича паст маромда сақлади ва тегишли равишда реакция талаб қиладиган уруш ҳаракатларига «зўравон» деган ёрлиқ қадашдан ўзини тўхтатди. «Ливия ўз сув ости кемаларидан бирини Америка лайнерини чўктириш мақсадида буюртирган, – дея таъкидлайди «Экономист» журнали, – АҚШ бу ҳолатга, сув ости кемаси командиридан экстрадиция изламай, ҳукумат томонидан бошланган уруш ҳаракати деб муносабат билдирган бўлар эди».

Ливия махфий хизмати томонидан авиалайнернинг бомбардимон қилиниши ҳам бундан фарқли эмас¹⁸. Шундай бўлса ҳам бу уруш қатнашчилари АҚШ ва Совет Иттифоқи Совуқ урушда бир-бирига қарши тўғридан-тўғри қўллаган зўравонлик усулларида кўра анча кўпроқ усуллардан фойдаланишди. Камдан-кам, истисно ҳолларда ҳеч бир олий куч бошқа бир кучга тегишли ҳалқни, ҳатто ҳарбий мақсадли равишда ҳам, ўлдирмаган. Бироқ бу ҳолат квази-урушда такрор ва такрор рўй бериб туради.

Америка сиёсий етакчилари квази-урушга жалб қилинган мусулмонлар, зўравонлик қўллаши кўпгина буюк оппортунист мусулмонлар томонидан тан олинмайдиган камчиликни ташкил қилган мусулмонлардан иборат деб даъво қилади. Бу, албатта, ҳақиқат бўлиши мумкин, лекин буни асослайдиган

¹⁸ John E. Reilly, ed., *American Public Opinion and U. S. Foreign Policy* 1995 (Chicago: Chicago Council on Foreign Relations, 1995), p. 21; *Le Monde*, 20 September 1991, p. 12, cited in Margaret Blunden, "Insecurity on Europe's Southern Flank," *Survival*, 36 (Summer 1994), 138; Richard Morin, *Washington Post* (National Weekly Ed.), 8 - 14 November 1993, p. 37; Foreign Policy Association, National Opinion Ballot Report, November 1994, p. 5.

далиллар кам. Мусулмон давлатлари томонидан ҳеч қачон Ғарбга қарши зўравонликка нисбатан норозилик белгилари кўрсатилмайди. Мусулмон ҳукуматлар, ҳатто улар Ғарбга дўстона муносабатда бўлган, унга йўлдош бункер ҳукуматлар ҳам, Ғарбга қарши террорчилик ҳаракатларини қоралашга келганда, ҳайратда қоладиган даражада босиқлик билдирадилар. Бошқа томондан, Европа ҳукуматлари ва жамоатчиликлари Қўшма Штатларнинг мусулмон рақибларига қарши қаратилган ҳаракатларини камдан-кам танқид қилиб, кўп ҳолатда қўллаб-қувватлайди. Совуқ Уруш даврида эса Совет Иттифоқи ва коммунизмга нисбатан шундай ҳаракатлар бажарилганда, Европа кўпинча шиддатли қаршилик кўрсатарди. Цивилизациялараро келишмовчиликларда мафкуравий низоларга нисбатан қондошлар ўз қондошлари ёнида турадилар.

Ғарбнинг асосий муаммоси Ислом фундаментализми эмас, аслида. Бу – Ислом, вакиллари ўз маданияти устунлигига ишонтирилган ҳамда ўз қудратининг заифлиги билан хаёли банд бўлган, мутлақо ўзга цивилизация. Исломнинг муаммоси МРБ (Марказий Разведка Бошқармаси) ёки Қўшма Штатлар Мудофаа Вазирлиги эмас. Бу – Ғарб, вакиллари ўз маданиятининг универсаллигига ишонтирилган ҳамда ўз қудрати (заифлашиб бораётган бўлса-да) уларга бу маданиятни дунё бўйлаб кенгайтириш мажбуриятини юклаганига ишонтирилган, мутлақо бошқа цивилизация. Буларнинг барчаси Ислом ва Ғарб ўртасидаги ихтилофларни аланга олдирувчи бошланғич омиллардир.

ОСИЁ, ХИТОЙ ВА АМЕРИКА

Цивилизациялар ўчоғи

Осиё, айниқса Шарқий Осиёдаги иқтисодий ўзгаришлар XX аср иккинчи ярмида юз берган энг муҳим воқеалардан ҳисобланади. 1990-йилларда бу иқтисодий ўсиш кўплаб кузатувчилар орасида шундай эйфорияни келтириб чиқардики, улар Шарқий Осиё ва бутун Тинч океани ҳудудини давлатлар

тинчлиги ва уйғунлигини кафолатлайдиган, узлуксиз кенгайиб борадиган тижорат тармоғидек кўра бошладилар. Бу оптимизм «ўзаро савдо алоқалари тинчликни кафолатлайди» деган ўта шубҳали фаразга асосланган эди. Аммо, ҳар сафар ҳам бундай бўлавермайди. Иқтисодий ўсиш давлатлар ва минтақалар орасидаги мавжуд кучлар мувозанатини бузиб, уларнинг ички ва ташқи ишларида сиёсий беқарорликни келтириб чиқаради. Иқтисодий алмашинувлар халқларни яқинлаштиради, аммо ҳар доим ҳам келишувга асос бўлавермайди. Тарихдан маълумки, у кўпинча халқлар орасидаги фарқларни янаям аниқроқ кўрсатади ва ўзаро кўрқувни вужудга келтиради. Савдо – нафақат фойда, балки низолар манбаи ҳамдир. Эски ҳаёт тарзи ўзгармайдиган бўлса, Осиёнинг иқтисодий ўсиш даври у ерда сиёсий соялар, бақарорлик ва низолар келиб чиқишига туртки бўлади.

Осиёнинг иқтисодий ўсиши ва мамлакатларнинг ўз кучига ишончи ошиб бориши халқаро сиёсатда камида уч жиҳатдан муаммолар келтириб чиқаради. Биринчиси, иқтисодий ривожланиш Осиё мамлакатларига ўз ҳарбий салоҳиятини ошириш имконини беради, бу эса мамлакатлар ўзаро муносабатлари келажагига шубҳа уйғотиб, «совуқ уруш» даврида авжига чиққан рақобатчилик муаммоларини такроран долзарб масалага айлантиради. Иккинчидан, иқтисодий ривожланиш Осиё мамлакатлари ва Ғарб, асосан АҚШ билан бўлган можароларни янада қизғинлаштиради ва Осиё мамлакатларининг бундай курашларда устунлик қилиш қобилиятини кучайтиради. Учинчидан, Осиёнинг энг йирик давлатидаги ўсиш минтақадаги Хитой таъсирини кучайтиради ва у ўзининг шарқий Осиёдаги анъанавий ҳукмронлигига даъвогарлик қилиб, бошқа давлатларни «ғолиб» ортидан эргашишга мажбур қилиши ёки Хитой таъсирини сингдириш орқали мувозанатга келтириши мумкин.

Ғарб ҳукмронлиги остида ўтган бир неча аср давомида, асосий халқаро муносабатлар йирик Ғарбий кучлар, маълум даражада илк бор XVIII асрда Россия томонидан, XX асрда Япония томонидан ўйналган ўйинни ташкил этган. Европа – йирик кучлар низолари ва ҳамкорлигининг асосий майдони

бўлган, ҳатто «совуқ уруш» даврида ҳам энг йирик кучлар тўқнашуви чизиғи айнан Европанинг марказидан ўтган. «Совуқ уруш»дан кейинги дунёда эса, Осиё, айниқса, Шарқий Осиё воқеалар майдонига айланди. Осиё – цивилизациялар ўчоғи. Биргина Шарқий Осиёнинг ўзида олти цивилизацияга тегишли давлатлар жойлашган: япон, хитой, православ, буддавийлик, мусулмон ва ғарбий цивилизациялар. Жанубий Осиё ҳам ҳисобга олинса, бунга ҳинд цивилизацияси ҳам қўшилади. Тўрт цивилизациянинг асосий ўйинчилари – Япония, Хитой, Россия ва АҚШ Шарқий Осиёдаги «асосий ўйинчилар» ҳисобланади. Жанубий Осиёдан Ҳиндистон ҳам қўшилади, Индонезия эса оёққа тураётган мусулмон давлати. Бундан ташқари, Шарқий Осиёда Жабуний Корея, Малайзия ва потенциал куч эга Таиланд каби таъсири ортиб бораётган ўрта даражадаги кучлар мавжуд. Натижада, кўп жихатдан XVIII–XIX асрларда Европада мавжуд бўлган, кўп қутбли вазиятга ҳос ва ноаниқликларга бой бўлган халқаро муносабатларнинг жуда мураккаб кўриниши юзага келади.

Осиё мамлакатларининг сон жихатдан кўплиги, турли кучларга бойлиги ва кўп цивилизацияли табиати уни Ғарбий Европадан ажратиб туради, иқтисодий ва сиёсий хилма-хиллик эса бу тафовутга янада кўпроқ урғу беради. Ғарбий Европанинг барча мамлакатлари – бозор иқтисодиётидаги барқарор демократик давлатлар бўлиб, барчаси юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эга. Шарқий Осиёда эса 1990-йиллар ўртасида: битта барқарор демократия, бир нечта янги ва беқарор демократиялар, дунёда қолган беш коммустик диктаторликнинг тўрттаси, бир нечта ҳарбий ҳукуматлар, шахсий диктатура ҳамда бир партияли авторитар тузум мавжуд эди. Минтақанинг иқтисодий ривожланиш бўйича давлат кўрсаткичлари ҳам Япония ва Сингапурдан тортиб, Ветнам ва Шимолий Кореягача бўлган улкан фарқланишларга эга. Умуман олганда, бозор ривожланиши ва очиқ иқтисодиётга мойиллик мавжудлигини кузатиш мумкин, аммо иқтисодий тизимлар ҳали ҳамон Шимолий Кореянинг буйруқли иқтисодиётидан Гонгконгнинг чексиз савдо иқтисодиётигача барча кўринишларни ўз ичига

олади. Улар орасида давлат бошқаруви секторларининг хусусий тадбиркорлик билан турли қоришмалари бор.

Минтақада Хитой етакчилигининг вақти-вақти билан тартибга солиш ишларини ҳисобга олмаганда, шу пайтгача Шарқий Осиёда Ғарбий Европадаги каби (британча қилиб айтганда) халқаро ҳамжамият мавжуд бўлмаган. XX аср охирларида Европа мураккаб халқаро ташкилотлар орқали уюшган бирлик бўлган: Европа Иттифоқи, НАТО, Ғарбий Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва ҳоказо. Шарқий Осиёда эса бирорта етакчи кучга эга мамлакат қўшилмаган АСЕАНни ҳисобга олмаса, бунга ўхшаш ҳеч нарса бўлмаган ва умуман олганда хавфсизлик масалаларига кўз юмиб келган Шарқий Осиё эндигина иқтисодий интеграциянинг бошланғич кўринишларига қадам қўйган. 1990-йилларда кенгрок миқёсли, аксарият Тинч океани мамлакатларини бирлаштирган АПЕК (Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги) ташкилоти тузилди, бироқ, бу ташкилот АСЕАНдан ҳам заифроқ, куруқ гап «чойхона»си бўлиб чиқди. Булардан бошқа ҳеч бир аҳамиятли ташкилот Осиёнинг муҳим кучларини бирлаштирмайди.

Ғарбий Европадан фарқли жиҳати яна шуки, Шарқий Осиё мамлакатлари орасида можароларга сабаблар етарлича. Кескинликнинг икки машҳур манбаси – икки Корея ва икки Хитой «совуқ уруш»дан мерос ҳисобланади. Мафкуравий тафовут ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда ва 1995 йилдан бери икки Хитой орасида муносабатлар анча кенгайди, икки Корея муносабатлари эса аксинча. Корейслар корейсларга қарши уруш очиш эҳтимоли бор, лекин кўп эмас. Ундан, хитойлар орасидаги бу эҳтимол кўпроқ, аммо, у ҳам то тайванликлар Хитойни буткул рад этиб, Тайван мустақил давлатини тузгунига қадар чекланиб туради. Хитойлик генералнинг ҳарбий хужжатлар билан тасдиқланган сўзларига кўра, «Бир оила аъзолари орасидаги урушда маълум чегара бўлиши керак». Икки Корея ва икки Хитой орасига зўравонлик соя солганча қолади, лекин уларнинг ўзаро маданий умумийлиги бу эҳтимолликни камайтириб бориши ҳам мумкин. Шарқий Осиёга «совуқ

уруш»дан мерос қолган низоларни азалий рақобат ва янги иқтисодий муносабатларни ўзига жамлаган бошқа можаролар янаям тўлдириб боради. 1990-йиллар хавфсизлик таҳлилларида Шарқий Осиё доимий равишда уруш ва беқарорликлар ҳукм сурадиган «хавфли чегарадошлик», «рақобатга етарли лаёқатлилиқ», «бир неча совуқ урушлар», «келажакка қайтиш» ҳолатлари билан таърифланади. Ғарбий Европадан фарқли ўлароқ, 1990-йилларда Шарқий Осиёда чегаралар бўлиниши билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Улардан энг кўзга ташланарлилари – Россия ва Япониянинг Курилл ороллари устида ҳал қилинмаган масалалари ҳамда Жанубий Хитой денгизи борасида Хитойнинг Ветман, Филлипин, ва Жабуни-шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлар билан тортишувларидир. Бир томондан Хитой, иккинчи томондан Россия ва Ҳиндистон ўртасидаги чегаравий низолар 1990-йиллар ўрталарида анча камайди, аммо Хитойнинг Монголия ҳудудига даъвогарлик қилиши бу низоларни яна юзага чиқариши мумкин. Минданао, Шарқий Тимор, Тибет, Жанубий Таиланд ва Шарқий Мянмада асосан чет давлатлар томонидан қўллаб-қувватладиган тартибсизликлар ва сепаратист ҳаракатлар мавжуд. Бундан ташқари, гарчи 1990-йилларда Шарқий Осиё мамлакатлари орасида тинчлик ҳукм сурган бўлса ҳам, ўтган эллик йил мобайнида Корея ва Ветнамда катта урушлар олиб борилди, Осиёнинг энг йирик мамлакати – Хитой эса америкаликлар, қолаверса, барча қўшнилари: корейс, ветнам, ҳинд, тибетва руслар билан ҳам урушди; бу рўйхатга миллатчи хитойликларни ҳам қўшиш мумкин. 1993-йилги Хитой ҳарбий таҳлилларига кўра, Хитой тинчлигига минтақавий таҳдид солувчи саккиз қайноқ нуқта аниқланган. Хитой Марказий Ҳарбий Кенгаши Шарқий Осиёдаги хавфсизлик истиқболларини «аянчли аҳволда» деган хулосага келди. Ғарбий Европада кўп асрлик рақобатдан сўнг тинчлик ҳукм сурмоқда ва уруш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Шарқий Осиёда эса вазият бошқача, ва Аарон Фридберг тахмини бўйича, Европа тарихи – Осиё келажаги бўлиши мумкин. Иқтисодий жадаллик, чегаравий низолар, янгиланган рақобат ва сиёсий беқарорлик 1980–1990 йилларда Шарқий Осиё давлатлари ҳарбий ҳаражатларининг ошиши ва

ҳарбий салоҳиятининг юксалишига кучли туртки бўлди. Улар ўз миллий бойликлари ва кўп ҳолларда, яхши таълим олган аҳолидан фойдаланиб, кўпсонли ва етарлича таъминланмаган деҳқонлар армиясини камсонли ва мукамал тайёргарликдан ўтган, қуролли кучларнинг замонавий технологиялари билан таъминланган армия билан алмаштириш йўлига ўтишди. АҚШнинг Шарқий Осиёдаги сиёсатига борган сари кўпроқ шубҳа билан қарашлари туфайли, Шарқий Осиё мамлакатлари ўз ҳарбий қувватига суяна бошлади. Гарчи, Шарқий Осиё давлатлари Европа, АҚШ ва Собик Совет Иттифоқи давлатларидан кўп миқдорда қурол-яроқ ҳарид қилган бўлса ҳам, асосий эътиборни ўз давлатларида самолёт ва ракета, электрон қурилмаларни ишлаб чиқариш имконини берадиган технологиялар импортига қаратишди. Япония, Сино мамлакатлар – Хитой, Тайван, Сингапур – Жанубий Корея ривожланишда давом этаётган ўз замонавий ҳарбий саноатига эга. Улар асосий кучни ҳарбий режалаштириш ҳамда ҳаво ва денгиз кучларига сафарбар қилди. Бунинг негизида Шарқий Осиёнинг географик жиҳатдан денгиз бўйида жойлашгани ётади. Натижада, олдин ўзаро урушиш учун ҳарбий салоҳиятга эга бўлмаган давлатлар, энди бунга улкан имкониятларни қўлга киритмоқдалар. Бу ҳарбий тайёргарликларда шаффофлик жуда камлиги ўзаро шубҳа ва ишончсизлик келтириб чиқарди. Давлатлар орасидаги муносабатлар шубҳасиз, ўзгариб туради ва ҳар бир ҳукумат учун бир савол муқаррар ва табиий: «Ўн йилдан кейин ким менинг душманим бўлади, ва ким, агар шундайи топилса, дўстим бўлади?»

Осиё-Америка совуқ урушлари

1980-йилларнинг иккинчи ярми ва 1990-йилларнинг бошларида АҚШ ва Осиё давлатлари ўртасидаги (Ветнамни ҳисобга олмаганда), муносабатларда антагонизм (душманлик) ўсиб борди ва АҚШнинг бу келишмовчиликларда устунлик қобилияти тушиб кетди. Айниқса, бу ҳолат Шарқий Осиёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларда яққол кўриниб қолди, Американинг Хитой

ва Япония билан ўзаро муносабатлари эса параллел равишда ривожланиб борди. Бир томондан, америкаликларда, иккинчи томондан эса Хитой ва Японияда совуқ уруш бошланаётгани ҳақида гаплар тарқади. Ушбу тенденциялар Бушнинг ҳокимияти даврида бошланган бўлса, Клинтоннинг ҳокимияти даврида тезлашди. 1990-йилларнинг ўрталарига келиб Осиёнинг асосий давлатлари ва Америка ўртасидаги муносабатлар энг яхши ҳолатда – «таранг тортилган» эди, деб айта оламиз, келажакда эса ушбу кескинликларнинг заифлашиш эҳтимоли жуда паст эди.

1990-йилларнинг бошида Япония–Америка муносабатлари тобора ёмонлашиб борди, уларнинг турли хил қарашлари кўплаб кенг қамровли саволлар билан боғлиқ эди, масалан, Япониянинг Форс кўрфазидagi урушдаги вазифаси, Японияда америкалик ҳарбийлар мавжудлиги масаласи, Американинг Хитой ва бошқа давлатлардаги инсон ҳуқуқлари масалаларидаги сиёсатига Япониянинг қарашлари, Япониянинг дунёни бошқариш (мувозанатда тутиб туриш) борасидаги ўрни, энг асосийси, бу келишмовчиликлар иқтисодий соҳаларга ҳам тааллуқли эди, айниқса, савдо-сотиқда. Савдо уруши борасидаги гап-сўзлар одатий ҳолга айланиб қолди. Америка расмийлари, айниқса, Клинтон ҳокимияти даврида, савдо соҳасида кўплаб енгилликлар талаб қила бошлади, Япония томони эса ўз навбатида бунга буткул қаршилик қилиб, рад этди. Ҳар бир Япония–Америка савдо баҳси бир-бирларини янада айблашга олиб келди ва янги келишмовчиликка жавоб топиш олдингисидан кўра қийинлашиб бораверди. Масалан, 1994 йил мартида Президент Клинтон ўзига Японияга нисбатан кескинроқ иқтисодий санкциялар бера олиш ҳуқуқини берувчи қарорни имзолади, бу эса нафақат Япония томондан, балки Халқаро савдо алоқаларида етакчи бўлган ГАТТ (Тарифлар ва савдо бўйича умумий келишув) ташкилотининг бошлиғининг ҳам норозилигини келтириб чиқарди. Кейинчалик эса, Япония Америка сиёсатига «Нафратли хужум» билан жавоб қайтарди, шундан кейин АҚШ ўзига тегишли ҳукумат билан шартномалар бўлган корхоналарни камситишда «Японияни расман айблади». 1995 йил баҳорида Клинтон ҳукумати

Япониянинг «люкс» классдаги автомобилларига 100 фоизлик устамалар кўйиш билан тахдид қилди, ўзаро келишиш ҳолатига эса санкцияларни амалга ошириш оstonасида эришилди. Ушбу ҳолатлар савдо урушини эслатарди. 1990-йилларнинг ўрталарида бундай бир-бирига «хужумлар» шу даражага етиб келдики, Япониянинг юқори амалдорлари Америка ҳарбийларининг Японияда бундан кейин мавжуд бўлишини сўроқ остига ола бошлади.

Ўша йилларда ҳар икки давлатда ҳам бир-бирига нисбатан ёмон фикрдаги инсонлар сони ошиб кетди. 1985 йилда 87 фоиз америкаликлар Японияга нисбатан дўстона кайфиятдалигини айтган эди. 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 67 фоизга тушиб кетди, 1993 йилда атиги 50 фоиз аҳоли Японияга нисбатан дўстлик кайфиятида эканини маълум қилди, аҳолининг учдан икки қисми эса Японияда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олмаслигини айтди. 1985 йилда 73 фоиз японияликлар Америкага нисбатан дўстлик кайфиятини ҳис қилган бўлсалар, 1993 йилда 64 фоиз япон аҳолиси Америкага нисбатан дўстона кайфиятда эмаслигини билдирдилар. 1991 йил аҳолининг «совуқ уруш» борасидаги фикрларида туб бурилиш ясалган йил сифатида тарихда қолди. Ўша йилда икки давлат ҳам Совет иттифоқига нисбатан қарашларини бироз ўзгартирди, Америка ўзининг хавфсизлигига нисбатан жиддий хавф дея Японияни Совет иттифоқидан олдинга қўйди, ўз навбатида эса Япония ҳам АҚШни ўзига энг биринчи хавф сифатида кўрди.

Жамият элитасининг қарашлари ўзгариши жамиятнинг ҳам фикрлари ўзгаришига олиб келди. АҚШда икки давлатнинг маданий ва тизимли фарқларига эътибор қаратадиган ва Япония билан иқтисодий алоқаларда қаттиққўлроқ бўлиш кераклигини таъкидлайдиган профессорлар, зиёлилар ва сиёсий кузатувчилар гуруҳлари пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситаларида, илмий мақолаларда ва машҳур романларда Япония ҳақидаги маълумотлар ва тасаввурлар камситиш мазмунида эди. Шунга мос равишда Японияда ҳам АҚШнинг иккинчи жаҳон урушидаги кучини ва урушдан кейинги Япониянинг иқтисодий муваффақиятга эришишга сабабчи бўлган Американинг яхшиликлари ва сахийликларини кўрмаган, шунингдек ўз иқтисодиётдан

фахрланадиган янги сиёсий лидерлар етишиб чикди ва улар Американинг талабларига ҳаққоний қаршиликлар кўрсатди, олдинги авлод сиёсатчилари юрмаган кескин йўллардан ҳам фойдаланишди. Бу япониялик «қаршилик килувчилар», америкалик «сиёсий кузатувчи»ларнинг нусхаси эди, иккала давлатда ҳам сайлов орқали тайинланадиган мансабларга, Япония-Америка муносабатларига қаттиққўллик билан қарашни маъқуллайдиган сайланувчиларни қўлловчилар кўпайди.

Американинг Хитой билан муносабатлари ҳам 1980-йилларнинг охири ва 1990-йилларда тобора душманлик кайфиятига кириб бораётганди. Икки давлат ўртасидаги келишмовчиликларни 1991 йилда Ден Сяопин «Янги совуқ уруш» деб атади, Хитой матбуотида бу ибора кўп бора ишлатила бошлади. 1995 йилда ҳукумат ахборот агентлиги «Хитой-Америка муносабатлари 1979 йилда, яъни дипломатик муносабатлар ўрнатилган вақтдагидан бутунлай бузилиб кетди» дея билдирди. Хитой расмийлари Американи доимий равишда Хитойнинг ички ишларига аралашишда айблаб келди. «Биз шуни таъкидлашимиз керакки, АҚШ энг қудратли давлат бўлганидан кейин очкўзларча гегемония ва куч сиёсатини юритишни бошлади, бу куч ўзлари ўйлагандан кўра кучсизроқ ва бунинг ҳам чегараси бор» – дея ёзилганди 1992 йилдаги Хитой ҳукуматининг ички ҳужжатларида. 1995 йилда Президент Цзян Цземин шундай деганди: «Ғарбнинг душман кайфиятидаги кучлари давлатимизни ғарблаштириш» ва ичидан ажратиб ташлашга бўлган уринишларини бир лаҳза ҳам тўхтатмади». 1995 йилда Хитой давлат арбоблари ва олимлари орасида Америка «Хитойни сиёсий жиҳатдан йўқ қилиш, ерларини бўлиб ташлаш, стратегик жиҳатдан ушлаб туриш ва иқтисодий ютиш»га интиломқда, деган яқдил фикр бор эди.

Бундай айбловларга етарлича асослар ҳам бор эди. АҚШ Тайван президенти Лини Америкага ташриф буюришига рухсат берди ва 150 та Ф-16 русумидаги самолётларини сотди, Тибетни «Босиб олинган суверен ҳудуд» дея эътироф этди, Хитойни инсон ҳуқуқларини бузишда айблади, Пекинни 2000 йилда Олимпиада ўйинлари мезбони бўлишига қаршилик қилди, Вьетнам

билан муносабатларини яхшилади, Хитойни Эронга кимёвий қуроллар қисмларини сотишда айблади, Покистонга ракета техникасини сотгани учун санкциялар киритди ва бошқа санкциялар билан таҳдид қилди, шу билан бирга Хитойни Халқаро савдо ташкилотига киришига тўсқинлик қилди. Икки томон ҳам бир-бирини умумий қоидаларни бузишда айблади: америкаликларга ишонадиган бўлсак, Хитой ракета техникаси экспорти борасидаги келишувларга амал қилмади, интеллектуал мулк ҳуқуқини бузди, маҳбуслар иш кучидан фойдаланилди. Хитой томоннинг фикрича эса, АҚШ Тайван президенти Лига Америкага ташриф буюришга рухсат бериб, Тайванга қирувчи самолётларни сотиб, олдинги келишувни бузган.

Хитойда энг таъсир кучи кенг бўлган гуруҳ – ҳарбийлар бўлиб, улар АҚШга нисбатан душманлик кайфиятида эдилар ва ҳукуматдан доимий равишда қаттиққўлроқ позицияда туришни талаб қиларди. 1993 йилда юзта генералдан иборат гуруҳ Ден Сяопинга хат юбориб, унинг «пассив» сиёсатидан норозилигини ва АҚШнинг Хитойни «шантаж» қилишига қарши туриб бера олмаётганлигини айблашади. Ўша йилнинг кузида махфий ҳужжатларда ҳарбийларнинг АҚШ билан келишмовчилиги сабаблари баён қилинган: «АҚШ ва Хитой бир қанча вақт давомида идеология томонидан, ижтимоий тизим ва ташқи сиёсат борасида қарама-қарши фикрларда ва позицияларда эканлиги сабабли икки давлат ўртасидаги муносабатларни тубдан яхшилаш иложсиз». Америкаликларнинг фикрича, Шарқий Осиё «дунё иқтисодиёти ядроси бўлади ва АҚШ Шарқий Осиёда қудратли рақибнинг пайдо бўлишига йўл қўя олмайди». 1990-йилларнинг ўрталарига келиб хитойлик амалдорлар ва корхоналар Американи ўзларига душман давлат сифатида эътироф эта бошлади.

Душманлик кайиятининг кучайишига икки давлатнинг ички сиёсати ҳам сабаб бўлди. Япония билан бўлганидек, ахборотга эга бўлган Америка жамияти ўз қарашларига кўра бўлинди. Кўплаб кўзга кўринган шахслар Хитой билан муносабатларда конструктив алоқаларни ўрнатиш ва Хитойни халқаро уюшмаларга қўшиш муҳимлигини исботлашди, бошқалар эса Америка

миллий манфаатларига Хитой таҳдиди мавжудлигини, Хитой билан мурасага келишга уриниш салбий оқибатларга олиб келишини ва уларни жиловлаб туриш сиёсатини юритиш кераклигини таъкидлашди. 1993 йилда Америка жамияти ўзларига хавф туғдирайдиган мамлакатлар рўйхатида Хитойни Эрондан кейин иккинчи ўринга қўйди. Баъзида Америка сиёсатчилари Хитойни асабига тегадиган ишларни ҳам амалга оширишди: Президент Лини Корнелл университетига ташрифи ёки хитойликларда норозилик уйғотган Клинтоннинг Далай Лама билан учрашуви, шу билан бирга президент маъмурияти иқтисодий фойда туфайли халқаро инсон ҳуқуқлари талабларидан ҳам чиқишга мажбур эди. Хитойликларга келсак, ҳукумат учун Хитой миллийлигини асослаш ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун янги душман керак эди. «Мерос учун курашиш» давом этаётган Ден Сяопиндан кейинги даврда ҳарбийларнинг таъсир доираси ошиб борди, шунинг учун президент Цзян ва ҳокимият учун бошқа курашувчилар Хитой манфаатларини заифлаштиришига йўл қўйиб бера олмасди.

Шундай қилиб, Американинг Япония ва Хитой билан муносабатлари ўн йиллик давомида ёмонлашиб борди. Ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар шунчалик кўп соҳаларни қамраб олдики, бир томондан, автомобил эҳтиёт қисмлари бозори, камералар сотуви, ҳарбий базаларни сақлаб қолиш, бошқа томондан эса диссидентларни қамаш, курулларни кўпайтириш ёки интеллектуал қароқчилик каби маълум соҳалардаги муаммоларга ечим топиш имконсиз бўлиб қолди. Бундан ташқари, Осиёдаги иккита энг кучли давлатлар билан муносабатларни бир вақтнинг ўзида ёмонлашуви Америка манфаатларига зид эди ва бунга йўл қўйиб бўлмас эди. Сиёсатнинг оддий қоидалари ва куч сиёсати шуни аниқ кўрсатардики, АҚШ ушбу икки кучни бир-бирига қарши қўйиши ёки икки давлатдан бири билан яхши муносабатларга киришиши талаб этиларди. Лекин, буларнинг ҳеч бири амалга ошмади. Осиё–Америка муносабатлари ёмонлашувининг чуқурлашувига кўплаб умумий факторлар таъсир кўрсатди ва улар алоҳида

келишмовчиликларни ечишга тўсқинлик қилди. Ушбу ҳолат умумий сабабларга эга эди.

Биринчидан, Осиё давлатлари ва АҚШнинг ўсиб бораётган ўзаро таъсири, алоқа воситаларининг ривожланиши, савдо-сотик, капитални биргаликда жойлаштириш ва бошқалар баҳсли саволларни кўпайтирди, натижада томонларнинг манфаатлари тўқнашиши мумкин эди ва тўқнашди ҳам. Шу туфайли узоқдан хомхаёл бўлиб кўринган маҳаллий одатлар ва эътиқод ҳақиқий хавф келтириб чиқариши мумкин эди. Иккинчидан эса, 1950 йилдаги Америка–Япония ўртасидаги ўзаро хавфсизлик келишувига Совет Иттифоқи хавфи мажбур қилганди. 1970-йиллардаги Совет Иттифоқи кучининг ўсиши АҚШ ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ва биргаликда Совет Иттифоқи хавфини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қилишга келишилганди. «Совуқ уруш»нинг тугаши билан АҚШ ва Осиё давлатларининг умумий манфаатларига тақалувчи бу муаммо кун тартибидан олиб ташланди, унинг ўрнига эса ҳеч нима йўқ эди. Ўз-ўзидан ўзаро манфаатларга доир бўлган келишмовчиликларга тааллуқли бошқа муаммолар асосий планга ўтди. Учинчидан, шарқий Осиё давлатларининг ривожланиши Америка билан ўрталаридаги куч мувозанатининг ўзгаришига олиб келди. Гувоҳ бўлганимиздек, осиеликлар ўз кадриятлари, маданияти ва институтларини кадрлашга ва муҳимлигини ҳимоя қилишга бор кучи билан интилишди ва ўз маданиятини Ғарб маданиятидан устунлигини таъкидлашди. Америкаликлар учун эса ўз кадриятлари ва институтларини умумий, универсал ҳарактерга эга ва ҳамма жойда ишлатса бўлади, Осиё давлатларини ички ва ташқи сиёсатини бошқаришга етарлича кучлимиз деб ишонишарди, айниқса бу «совуқ уруш»даги ғалабадан кейин янада кучайганди.

Ушбу ўзгарувчан муҳит Америка ва Осиё цивилизациялари ўртасида асосий маданий тафовутни юзага келтирди. Кўпчилик Осиё жамиятларига хос бўлган конфуцийчилик ҳарактерининг умумий даражасига кўра, ҳукумат, иерархия, шахсий ҳуқуқ ва манфаатларнинг мутелиги, муросанинг муҳимлиги, адоватни чеклаб ўтиш, «ўзлигини сақлаб қолиш», давлатнинг

жамиятдан устунлиги, жамиятнинг эса шахсдан устунлиги каби масалаларга асосий эътиборни қаратарди. Бундан ташқари, Осиё жамиятлари учун тараққиёт босқичларини асрлар, минг йиллар бирликларида кўриш ва узок муддатли стратегик мақсадлар қўйиш муҳим эди. Ушбу қарашлар Америка жамиятидаги эркинликни севиш, тенглик тамойиллари, демократия ва индивидуаллик, америкаликларнинг ҳукуматга ишонмаслик ва унга қарши туриш одатлари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро чекловларнинг мавжудлиги, рақобатнинг қўллаб-қувватланиши, инсон ҳуқуқларининг улуғланиши, ўтмишни унутиш одати, келажакка интилиш, яқин вақтдаги мақсадлар сари ҳаракат қилиш каби кенг тарқалган одатлари ва қадриятлари Осиё давлатларининг юқорида таъкидлаб ўтилган одатларига ғирт тесқари эди. Келишмовчиликларнинг асосида жамиятлардаги фундаментал фарқлар ётарди.

АҚШнинг етакчи Осиё давлатлари билан муносабатларида ушбу фундаментал фарқлар ўз оқибатларини кўрсатди. Дипломатлар Американинг Япония билан иқтисодий соҳадаги қарама-қаршиликларини ечиш, айниқса, Япониянинг савдо салдоси ва АҚШнинг Японияга капитал киритиши ва маҳсулотларини сотиши борасида кўплаб ҳаракатлар қилишди. Япония–Америка савдо музокаралари Совет иттифоқи–Америка ўртасидаги «совуқ уруш» даврида курулланишни назорат қилишга доир музокараларни эслатарди. 1995 йилдаги Япония билан музокара Совуқ урушдавридагидан камроқ натижа берди, сабаби, келишмовчиликларнинг асосида икки маданият ўртасидаги фундаментал фарқ, қолаверса, Япония иқтисодиётининг бошқа етакчи давлатлардан тубдан фарқ қилиши ва ўзига хослиги ётарди. Ишлаб чиқариш маҳсулотларнинг импорти Япониянинг ялпи ички маҳсулотининг 3.1 фоизини ташкил ётарди, бошқа саноатлашган давлатларда эса бу кўрсаткич ўртача 7.1 фоизда эди. Тўғридан-тўғри четдан кирган инвестициялар ЯИМнинг 0.7 фоизини ташкил қиларди, бу жуда кичик кўрсаткич ҳисобланиб, АҚШ учун 28.6 ва Европа учун 38.5 фоизга тенг эди. Япония 1990 йилнинг

бошларига келиб иқтисодий етакчи давлатлар орасида мусбат бюджет салдосига эга ягона давлат бўлди.

Ғарб иқтисодий фанлари таъкидлаб келган универсал қонунларда Япония иқтисодияти бошидан-охиригача фарқ қиларди. 1980-йилларда Ғарбдаги иқтисодчиларнинг долларни девалвация қилиш Япония салдосини тушириб юборади, деган фикри хато эди. 1985 йилдаги Плаза келишуви Американинг Европа билан савдо дефицитига фойдали таъсир қилди, аммо Япония билан савдо дефицитига таъсир деярли қилмади. Йен бир доллар учун 100дан ҳам паст даражада котировка қилинган эди, шу сабабли Япония салдоси қайтанга ўсди ҳам. Шундай қилиб, японлар кучли валютани ҳам, савдода актив салдони ҳам кўтара олиши ойдинлашди. Ғарб иқтисодий фикрлашига кўра, ишсизлик ва инфляция борасида манфий боғлиқлик бор, яъни ишсизлик даражаси 5 фоиздан тушиб кетса, инфляция босими рўй бериши мумкин. Лекин Японияда кўп йиллар давомида ишсизлик даражаси 3 фоиздан камни ташкил қилди, шу билан бирга инфляция даражаси 1.5 фоизда турди. 1990-йилларга келиб, америкалик ҳамда япониялик иқтисодчилар икки иқтисодиёт ўртасидаги асосий фарқларни аниқлашди. Жиддий тадқиқотлардан кейин ишлаб чиқариш импорти миқдори шунчалик кам бўлган ягона давлат эканлигининг сабабини «умумий қабул қилинган иқтисодий қонунлар орқали тушунтириб бўлмайди», деган хулосага келишди. «Япония иқтисодиёти Ғарб мантиғига тўғри келмайди, Ғарб таҳлилчилари нима демасин, энг оддий сабаб бу иқтисод Ғарбнинг эркин бозор иқтисодиёти каби эмаслигида. Японлар шундай иқтисод турини яратишдики, ғарблик кузатувчиларни берк кўчага киритиб қўйишди ва уларнинг иқтисодий келажакни кўра билиш қобилиятларини амалда қўллаш мумкин бўлмай қолди», – дея айтганди бошқа бир иқтисодчи таҳлилчи.

Япония иқтисодиётининг ҳарактерли фарқи нима билан тушунтирилади? Ишлаб чиқариш ривожланган давлатлар орасида Япония иқтисодиёти уникал ҳисобланади, чунки япон жамияти Ғарб жамияти эмас. Япон жамияти ва маданияти Ғарбдан фарқ қилади, айниқса Америкадан. Ҳар

хил, жиддий, изчил тадқиқотлар натижасида ҳам ушбу фарқ асосий ўринга чиқиб қолаверди. Япония ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий муаммоларни ечиш улардан бири ёки ҳар иккисининг ҳам иқтисодиёти тубдан ўзгартирилишига боғлиқ эди, бу эса ўз навбатида икки давлатдан бирининг ёки ҳар иккисининг жамияти ва маданиятидаги ўзгаришларга боғлиқ эди. Бундай ўзгаришлар эса имконсиз эмасди. Жамият ва маданият ўзгарувчан. Бу жуда муҳим ва оғриқли ҳодисанинг натижаси бўлиши мумкин: иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият икки энг милитаристик давлатни энг тинчликсевар давлатга айлантириб қўйганди. Лекин АҚШ ёки Япониянинг бири иккинчиси томонидан иқтисодий Ҳиросимани ташкил этишининг эҳтимоли кам эди. Иқтисодий ўсиш ҳам, 1950-йиллар бошлари ва 1970-йиллар охирларида Испанияда бўлгани каби, жамият ва маданиятни тубдан ўзгартириши мумкин, кўп эҳтимол билан иқтисодий мукаммалик Япония жамиятини Америкага ўхшатиб истеъмол жамиятига айлантириши мумкин. 1980-йилларнинг охирларига келиб икки давлат аҳолиси ҳам ўз давлатлари бир-бирига ўхшаб бораётганини гапира бошлашди. Чегараланган Япония–Америка келишувлари ушбу яқинликни тизимли равишда олиб боришга қаратилганди. Шу ва шунга ўхшаш ҳаракатларнинг бесамар кетгани эса ўртадаги фарқларнинг жуда чуқур илдиз отганлигида эди.

АҚШ ва Осиё ўртасидаги келишмовчиликлар маданиятдаги фарқларга тааллуқли бўлган бўлса, унинг натижаси АҚШ ва Осиё давлатлари ўртасидаги куч мувозанатларини ўзгаришига олиб келади. Америка Қўшма Штатлари кўплаб муаммоларни ўз фойдасига ҳал қилган бўлса-да, умумий ҳолда Осиё давлатлари кўпроқ фойда кўрди, кучларнинг кейинги тақсимланиши эса бошқа, навбатдаги келишмовчиликларни юзага келтирди. Осиё ҳукуматларининг АҚШни «дунё етакчиси» сифатида қабул қилиши, ўзлари хоҳламаса ҳам, Ғарб тамойиллари ва қадриятларини ўз маданиятига сингишига розилик бериши Америка томонидан кутилганди. Осиёликлар эса давлат котиби ёрдамчиси Уинстон Лорд айтганидек, «ўзларига жуда ишонган ва ўз муваффақиятларидан юксак ғурур туярдди» ва тенг ҳуқуқли мулоқот

хоҳлашарди, АҚШни «Агар халқаро безори бўлмаса, унда халқаро энага» сифатида кўрарди. Америка маданиятидаги чуқур кескинликлар, Американи халқаро жараёнларда безори бўлмаса энг камида энага бўлишга мажбурларди, шунинг натижасида Американинг кутганлари осиеликлар хоҳишидан кескин фарқ қиларди. Япония ва бошқа Осиё лидерлари америкалик ҳамкасбларининг кўплаб саволларига «йўқ» дейишни ўрганишди, баъзида Осиёга хос тарзда, мулойим оҳангда «йўқол бу ердан» деган маънода айтишди. Осиё–Америка муносабатларида рамзий ўзгариш нуқтаси сифатида, бир япониялик юқори мансабли шахс айтганидек, «катта поезд ҳалокати» қайт этилди: 1994 йил февралда Япония бош вазири Морихиро Хосокава президент Клинтоннинг Америкада ишлаб чиқарилган товарларнинг Японияга импортини стратегик равишда кўпайтириш талабини кескин рад этди. «Бир йил олдин бу ҳолатни ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди» дея муносабат билдирганди япониялик расмийлардан бири. Шундан бир йил ўтиб эса, Япония ташқи ишлар вазири давлатлар ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий рақобатда ғарблашишдан кўра Япония миллий манфаатлари устун, дея таъкидлаб ўтди.

Американинг кучлар нисбати ўзгаришига босқичма-босқич мослашуви унинг 1990-йилларда Осиёда олиб борган сиёсатида ўз аксини топди. Биринчидан, Осиё жамиятига босим ўтказишга Американинг хоҳиши ёки қобилияти етарли эмаслигини тан олди ва босим ўтказиш воситаси бўлган келишмовчиликларни аниқлаб олишди. Клинтон Американинг Хитой билан ташқи сиёсатдаги асосий мақсади халқаро инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш эканлигини таъкидлаган. Аммо, 1994 йилда америкалик бизнесменлар Тайван ва бошқа давлатлар таъсири туфайли ҳуқуқ соҳасидаги келишмовчиликларни иқтисодий келишмовчиликлардан ажратиб олишди. Шунга параллел равишда, президент маъмурияти Япония билан муносабатларда ўзи келиша олмаётган иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ричаг сифатида қўллаши мумкин бўлган хавфсизлик сиёсатини бундан фарқ қилувчи бошқа низоларга аралаштирмади. Шу тариқа АҚШ Хитойни инсон

ҳуқуқларига риоя қилувчи ва Японияни савдо учун махсус ваколатлар беришга мажбурловчи усуллардан воз кечди.

Иккинчидан, Америка Осиё давлатлари билан муносабатда иккинчи томондан ҳам шуни кутган ҳолда, доимий биринчи бўлиб имтиёз бериш сиёсатини олиб борди. Бундай сиёсатни бир томондан оқлаш учун Осиё билан муносабатда «конструктив диалоглар»ни тутиб туришга бўлган эҳтиёж кўрсатилди. Кўп ҳолатларда эса, Осиё томони бундай имтиёзларни Американинг заифлигига йўйди ва Америка талабларини рад этишни давом эттирди. Бу ҳолат айниқса Хитой билан муносабатларда кўзга ташланди, энг фойда кўрадиган давлат тузумини «делинкейж» (қарамликни чеклаш) статусига алмаштирганида, Хитой томони инсон ҳуқуқларини бузишга дахлдор жавоб қайтарди. Америкаликларнинг «яхши» муносабатларни «дўстона» муносабат сифатида кўриши туфайли АҚШ Осиё давлатлари билан рақобатдан фойда топмади, Осиё томони «яхши» муносабатларга худди шундай муносабат билан жавоб қайтаришни эмас, балки ўз фойдасига ишлашни афзал билди.

Учинчидан, Америка–Япония савдо мунозараларини ечиш жараёни мобайнида маълум ҳаракатлар стереотипи шаклланди, яъни АҚШ Японияга ўз талабларини юборади ва ушбу талаблар қондирилмаса, иқтисодий санкциялар билан таҳдид қилинади. Шундан кейин давомли музокаралар олиб борилади ва санкция киритишдан сал олдинроқ келишувга эришилади. Ушбу келишувлар икки хил маънога бўлиб, АҚШ ушбу келишувларда ғалаба қозониши, лекин Япония томони келишувни амалга оширмаслиги мумкин эди, бу ҳолатда ҳаммаси олдингидек давом этарди. Шундай тарзда хитойликлар ҳам инсон ҳуқуқлари, интеллектуал мулк ва қурол савдоси каби кўплаб ўзаро келишувларга дарҳол рози бўлди, аммо амалиётда ўзларининг эски сиёсатини юритишди.

Бу маданий фарқлар, Осиё ва Америка ўртасидаги кучлар мувозанатининг ўзгариши Осиё давлатларини АҚШ билан баҳсларда бир-бирини кўрқмасдан қўллаб-қувватлашга олиб келди. Масалан, 1994 йилда

деярли барча Осиё давлатлари – Жанубий Корея, Австралиядан Малайзиягача – Япониянинг АҚШ томонидан импортни қайта кўриб чиқиш борасидаги талабига қаршилик кўрсатишини қўллаб-қувватлади. Бир вақтнинг ўзида, Хитойга нисбатан энг фойда кўрадиган давлат тузуми борасидаги музокараларда ҳам бош вазир Хосокава Ғарбнинг инсон ҳуқуқларига оид концепцияларини «кўр-кўрона қўллаш» мумкин эмаслигини айтди, Ли Куан Ю эса Хитойга босим кўрсатилиши туфайли «АҚШ Тинч океани минтақасида ёлғиз қолиши» мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Бошқа мисол: осиеликлар ва африкаликлар, японияликлар билан биргаликда Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти бошлиғи лавозимига Япония вакилини қайта сайлашга эришди. Япония эса халқаро савдо ташкилоти бошлиғи лавозимига Америкадан номзод бўлган, Мексиканинг собиқ президенти Карлос Салинасга қарши бўлишди ва Жанубий Корея вакилини қўллаб-қувватлашди. Фактлар шуни кўрсатадики, 1990-йилларда Шарқий Осиёнинг даярли барча давлатлари АҚШдан кўра кўпроқ ўз қўшнилари билан умумийликлари мавжуд эканлиги ҳақида таъкидлай бошладилар.

Шу тарзда, совуқ уруш охирида Осиё ва Америка ўртасида чуқурлашаётган муносабатлар ва Америка кудратининг нисбатан сўниши маданиятлар тўқнашувига сабаб бўлди ва шарқий Осиё давлатларига Америка босимида қарши туриб бера олиш имкониятини яратди. Хитойнинг оёққа туриши эса АҚШга кучли фундаментал чақириқ эди. Американинг Хитой билан қарашлари Япониядан кўра кенг қамровли ва кўплаб вазиятларда кескин фарқ қиларди, масалан, иқтисодий масалалар, инсон ҳуқуқлари, Тибетдаги вазият, Тайван ва Жанубий Хитой денгизи муаммолари ва қуроллар сонининг ўсиши каби масалалар. Даярли барча асосий сиёсий муаммоларда Хитой ва АҚШда умумий қарашлар мавжуд эмасди. Қолаверса, АҚШ ва Хитой ўртасидаги келишмовчилик янада фундаментал масалаларга бориб тақаларди. Хитой Америка лидерлигини қабул қилишни хоҳламайди, АҚШ эса Хитойнинг Осиёдаги гегемонлигини тан олмамайди. 200 йилдан ортиқ давр мобайнида АҚШ Европада кучли, доминант давлат пайдо бўлишига қарши

туриб келди. Деярли юз йил давомида, Хитой муносабатларида «очик эшиклар» сиёсати бошланганидан худди шу ишни Шарқий Осиёда ҳам амалга оширишга ҳаракат қилишди. Ушбу мақсадларга эришиш учун АҚШ Германия империяси, миллатчи Германия, Япон империяси, Совет иттифоқи ва коммунистик Хитойга қарши иккита жаҳон уруши ва совуқ урушда қатнашди. Американинг бу масалада манфаатлари кун тартибида қолди, буни президентлар Рейган ва Буш ҳам қайта такрорлашди. Хитойнинг Шарқий Осиёда худудий етакчи куч сифатида уйғониши Америка манфаатларига чақириқ бўлди. Америка ва Хитой ўртасидаги можароларнинг асосий сабаби келажакда Шарқий Осиёдаги кучлар мувозанати қандай бўлиши кераклиги борасидаги турлича қарашлардир.

Хитой етакчилиги: кучлар мувозанати ва иттифок

Олти цивилизация, тез ривожланаётган, аммо сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тубдан фарқланувчи ўн саккиз мамлакатга эга Шарқий Осиё XXI аср бошида халқаро муносабатларга турлича таъсир ўтказиши мумкин. Минтақада бир нечта йирик ва ўрта даражали кучларнинг биргаликдаги муносабатлари, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳамкорлик ва низоларнинг ўта мураккаб бирлигини келтириб чиқаради. Ёки бир етакчи мамлакат пайдо бўлиб, Хитой, Япония, АҚШ, Россия ва балки, Ҳиндистонни ўзаро рақобат ва мувозанатга келтирадиган кўп қутбли дунё юзага келади. Бунга муқобил равишда, Шарқий Осиё сиёсати – Хитой ва Япония ёки Хитой ва АҚШнинг икки қутбли бардавом рақобат курашлари майдонига айланиши мумкин, бошқа мамлакатлар эса уларнинг бири ёки умуман бошқа мамлакат билан иттифоққа кириши, ёки умуман бетарафликни танлаши мумкин. Ундан ҳам ишонарлиси, Шарқий Осиё кучлар иерархияси Пекин атрофида шаклланган анъанавий бир қутбли кўринишга қайтиши мумкин. Агар XXI асрда Хитой ўзининг юқори ўсиш суратларини сақлаб қолса, Ден Сяопин давридан сўнг худудий яхлитлигини бой бермаса ва ҳукумат учун курашлар

уни кучсизлантирмаса, юқоридаги тахминларнинг сўнггисини амалга оширишга уриниб кўриниши мумкин. У муваффақиятга эришиш ёки эришмаслиги Шарқий Осиё сиёсий ўйинидаги кучларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Хитойнинг тарихи, урф-одат, маданияти, ҳудуди, иқтисодий фаоллиги ва ўзи ҳақидаги тасаввурлари – буларнинг барчаси уни Шарқий Осиёда етакчиликка ундайди. Бу мақсад – улкан иқтисодий ривожланишнинг табиий натижаси. Бошқа барча етакчи ва кучли давлатлар: Буюк Британия ва Франция, Германия ва Япония, АҚШ ва Совет Иттифоқининг ҳудудий кенгайиши, даъвогарлик ва империализмини таъкидлаш даврлари айнан жадал саноатлашув ва иқтисодий ўсиш даврига тўғри келган ёки бу давр тугаши биланоқ содир бўлган. Иқтисодий ва ҳарбий қувватга эга бўлиш Хитойга шунга ўхшаш таъсир кўрсатмайди деб ўйлашга ҳеч қандай асос йўқ. Икки минг йиллик давомида Хитой Шарқий Осиёда тенги йўқ кучга эга бўлган. Бугун эса, 1842 йилги Нанкин келишуви орқали Буюк Британия томонидан бошлаб берилган, Хитойнинг узок вақт давомидаги Ғарб ва Япония томонидан ерга урилиш ва тобе бўлиш даврига чек қўйиб, яна ўз тарихий аҳамиятини кўлга киритишга борган сари кучлироқ даъвогарлик қилмоқда.

1980-йиллар охирида Хитой ўсиб бораётган иқтисодий манбаларини ҳарбий қувват ва сиёсий таъсир кучига айлантиришни бошлади. Иқтисодий ривожланиш давом этса, унинг миқёси янада катталашади. Расмий манбаларга кўра, 1980-йилларда Хитойнинг ҳарбий ҳаражатлари камайган. Лекин 1988–1993 йиллар оралиғида ҳарбий ҳаражатлар икки баробар ошган ва 50% реал ўсиш кўрсаткичига эга бўлган. 1995 йилда 21% ўсиш режалаштирилган. 1993 йилда Хитой ҳарбий ҳаражатлар баҳоси расмий валюта курси бўйича 22 млрд. доллардан 37 млрд. долларгача оралиқда бўлган, сотиб олиш қобилияти паритети бўйича 90 млрд. АҚШ долларига тенг. 1980-йиллар охирида Хитой ўз ҳарбий стратегиясини қайта кўриб чиқди ва Совет Иттифоқи томонидан босқинчиликка қарши ҳимоядан ҳарбий салоҳият ривожига урғу берган минтақавий стратегияга ўтди. Шу ўзгариш ортидан Хитой ўз денгиз

кучларини ривожлантиришни, замонавий, узоқ масофавий жанговар самолётлар сотиб олишни, ҳавода ёқилғи қуйиш воситаларини такомиллаштиришни бошлади ва ўзига самолёт ташувчи кема сотиб олишга қарор қилди. Бундан ташқари, ўзаро қулай шартлар асосида Россиядан ҳам қурол-яроқ сотиб ола бошлади.

Ҳозирги кунда Хитой Шарқий Осиёда етакчи давлат бўлиш йўлидан бормоқда. Минтақадаги Хитой ва бошқа уч Хитой, Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Филиппин давлатлари ривожланишида асосий аҳамият касб этган этник хитойликлар Шарқий Осиёнинг иқтисодий ривожланишини борган сари кўпроқ Хитойга йўналтирмоқда. Ундан ҳам таҳдидлиси Хитой Жанубий Хитой денгизига борган сари кучлироқ даъвогарлик қилмоқда: Парасел оролларидаги ҳарбий иштирокини кенгайтди, 1988 йилда бир неча ороллар устида ветнамликлар билан урушди, Филиппин яқинидаги Миссиф рифларида база ташкил қилди ва Индонезиянинг Натуна оролларида қўшни бўлган газ захираларига даъво қилмоқда. Қолаверса, Хитой Шарқий Осиёда АҚШ ҳарбий кучлари мавжудлигини камтарона қўллаб-қўллашдан тўхтади ва унга фаол қаршилик кўрсата бошлади. Худди шундай, совуқ уруш даврида ҳам Японияни ўз ҳарбий кучларини ривожлантиришга яширинча ундаб, совуқ уруш тугаган даврда унинг ҳарбий салоҳияти ошиб кетганидан ҳавотирда эканлигини баён қилган. Минтақавий етакчилиكنинг анъаналарига кўра, Хитой минтақадаги устунлик мақсадига ҳалал берувчи ҳар қандай тўсиқни сўндиришга ҳаракат қилмоқда.

Кам учровчи истисно ҳолатлар, масалан, Жанубий Хитой денгизини ҳисобга олмаса, Хитой Шарқий Осиёдаги ҳудудий кенгайишига ҳарбий кучлардан тўғридан-тўғри фойдаланмайди. Аммо, бунинг маъноси шуки, Хитой Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари томонидан қуйидаги шартларнинг бир нечтаси ёки барчасининг бажарилишини кутади:

- Хитойнинг ҳудудий яхлитлиги, Тибет ва Шинжон устидан Хитой назорати, Гонгконг ва Тайванни Хитой билан интеграциялашувининг тарафдори бўлиш;

- Жанубий Хитой денгизи ва эҳтимол, Монголия худудида Хитой суверенитетига рози бўлиш;
- Фарб билан иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, қурол-яроқ тарқатиш ва бошқа масалалардаги можароларида асосан Хитойни қўллаб-қувватлаш;
- Хитойнинг минтақадаги ҳарбий устунлигини тан олиш, бу устунликка путур етказувчи ядровий ёки бошқа қуролли кучларга эгалик қилмаслик;
- Савдо ва инвестиция соҳасида Хитойнинг манфаатларига тўғри келадиган ва унинг иқтисодий ривожланиши учун қулай бўлган сиёсат юритиш;
- Минтақавий муаммоларни ҳал қилаётганда Хитой етакчилиги билан ҳисоблашиш;
- Хитойдан иммиграцияга нисбатан очиқлик сиёсатини олиб бориш;
- Ўз давлатларидаги Хитойга ёки хитойликларга қарши ҳаракатларни тақиқлаш ёки барҳам бериш;
- Ўз худудидаги хитойликларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, уларнинг Хитойдаги, ўзлари туғилган провинциядаги қариндошлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- Бошқа давлатлар билан ҳарбий иттифоқдош бўлмаслик ва анти-Хитой коалицияларига кирмаслик;
- Хитойнинг мандарин диалектини иккинчи тил сифатида ишлатилишини ва унинг Шарқий Осиёда халқаро сўзлашув тили сифатида кейинчалик инглиз тилининг ўрнини босишини қўллаб-қувватлаш.

Таҳлилчилар Хитойнинг ўсишини XIX аср охирида Европада асосий куч бўлишга эришган Вилгелм Германияси билан таққослайдилар. Янги буюк етакчи кучлар пайдо бўлиши доим ўта беқарорликка олиб келувчи жараён бўлиб келган ва бу жараён яна такрорланса, Хитойнинг йирик куч сифатида пайдо бўлиши ўз ортидан иккинчи минг йилликнинг сўнгги ярмидаги каби ходисаларга олиб келади. 1994 йилда Ли Кван Ю шундай деган эди: «Дунёда Хитойнинг ўрни ўзгариши шундай миқёсга эгаки, 30 ёки 40 йилдан сўнг дунё янги кучлар мувозанатига эришади. Унга шунчаки яна бир янги, катта

ўйинчидек қараб бўлмайди. У – бутун инсоният тарихидаги энг йирик ўйинчи». Агар Хитой иқтисодий ўсиши яна ўн йил давом этса, (бундай бўлиши ҳақиқатга жуда яқин), ва «ўтиш даври»да худудий яхлитлигини сақлаб қололса, (бунинг ҳам эҳтимоли бор), Шарқий Осиё ва дунёнинг бошқа мамлакатлари инсоният тарихидаги энг йирик ўйинчининг ўсиб бораётган аҳамиятига муносабат билдиришларига тўғри келади.

Умуман олганда, давлатлар янги кучнинг пайдо бўлишига икки йўл билан ёки уларнинг иттифоқи билан жавоб бериши мумкин. Давлатлар мустақил равишда ёки бошқа давлатлар билан иттифоқда бўлиб, юзага келаётган янги кучга қарши мувозанат пайдо қилишлари, уни ўзларига қўшиб олишлари ёки зарур бўлса, унинг устидан ғалаба қозониш учун уруш очишлари мумкин. Бунга муқобил равишда, давлатлар янги кучга эргашиб, у билан муносабатларда иккинчи даражали ёки бўйсунувчи ўрин тутишлари ва ўзининг туб манфаатлари ҳимоя қилинишига умид боғлашлари ҳам мумкин. Ёки улар мувозанат ва эргашиш сиёсатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб кўришлари ҳам мумкин, аммо бундай ҳаракат юксалиб бораётган давлатни ўзига қарши қилиб қўйиш ва ҳар қандай ҳимоядан қуруқ қолиш хавфини келтириб чиқаради. Ғарб назариясига кўра, қарши чиқиш – жозибалироқ танлов ва тарафдор бўлишдан кўра кўпроқ амалда қўлланилган. Стивен Уолт таъкидлаганидек, мақсадлар ҳисоботи давлатларни мувозанатга ундаши керак. Эргашиш хавфли, чунки бу ишонч талаб қилади, йирик кучга ёрдам берган тараф ўзига яхши муносабат сақланиб қолишига умид қила олади, холос. Етакчи куч тажовузкор бўлса, унга қарши турган маъқул. Қолаверса, кучсизроқ тараф билан иттифоқ тузилгач, кучли тараф бу иттифоқда ўз таъсирини орттириб боради, чунки кучсизроқ тарафда бу бирликка кўпроқ эҳтиёж бўлади.

Уолт томонидан жануби-ғарбий Осиёда иттифоқлар тузилиши таҳлил қилинганда шу аниқландики, давлатлар деярли доим ташқи хавфларга қарши туришга ҳаракат қилишади. Кўпинча мувозанат ва қаршилиқ тактикасини қўллаш Европа тарихида табиий ҳол ҳисобланган: бир неча давлатлар ўзлари

учун тахдид деб билган Филипп II, Людовик XIV, Буюк Фредрих, Наполеон, Кайзер Вилгелм ва Гитлер кабиларни бартараф қилиш учун иттифоқларга бирлашишган ва шерикларни ўзгартиришган. Аммо, Уолт шуни ҳам тан оладики, «маълум вазиятларда» баъзи мамлакатлар эргашиш йўлини ҳам танлаши мумкин. Рендалл Швеллерга кўра, ревизионист давлатлар юксалаётган кучга эргашишга кўпроқ мойил бўлишади ва ўзгаришлардан статус-квога ютуқ билан чиқишга умид қилишади. Уолтнинг айтишича, кучлироқ давлатга эргашиш, бундан ташқари, унда тажовузкорлик йўқлигига маълум даражада ишонч бўлишини таълаб қилади.

Бир давлат бошқа бирор давлатга қаршилик қилишда асосий ёки иккинчи даражали ўрин тутиши мумкин. Биринчидан, агар А давлат Б давлатни ўзига душман деб билса, у Д ва Е давлатлар билан иттифоққа бирлашиб, ўз ҳарбий ва бошқа имкониятларини кучайтириб (бу эса куролланиш пойгасини келтириб чиқаради), ёки шу усулларни бирлаштириб кучлар мувозанатини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шундай вазиятда А ва Б давлатлар бир-бирига асосий душман бўлади. Иккинчидан, А давлат ҳеч бир бошқа давлатни бевосита душман деб билмаслиги, аммо Б ва Д давлатлардан бирортаси кучайиб кетса, А давлатга хавф туғдиришини ҳисобга олиб, улар ўртасидаги мувозанатдан манфаатдор бўлиши мумкин. Шундай вазиятда А давлат ўзаро асосий душман бўлган Б ва Д давлатларга нисбатан иккинчи даражали душман бўлади.

Хитой ўзини Шарқий Осиёдаги асосий куч сифатида намоиш қилса, бошқа давлатлар қандай йўл тутаяди? Шубҳасиз, муносабатлар турли-туман бўлади. Хитой АҚШни ўзининг асосий душмани деб билгани учун АҚШнинг ҳукмронлигига қарши чиқиб, унга асосий душман бўлиши мантиқан тўғри бўлади. Бу Европа ёки Осиёда ҳеч бир асосий куч етакчилик қилмаслигини таъминлашга қаратилган анъанавий америкача сиёсатнинг давоми бўлади, дейиш мумкин. Европада бу масала долзарб эмас, лекин АҚШнинг Осиё бўйича сиёсатида долзарб ҳисобланади. АҚШ билан маданий, сиёсий ва иқтисодий яқин муносабатларга эга Европадаги султ иттифоқ

Америка хавфсизлигига таҳдид қилмайди. Аммо ягона, қудратли ва ўз кучига ишонган Хитой таҳдид қилиши мумкин. Шарқий Осиёда Хитой устунлигини бартараф этиш учун керак бўлса, уруш очишга тайёр бўлиш АҚШ манфаатларига тўғри келадими? Агар Хитой иқтисодиёти ўсишда давом этса, бу ХХІ аср бошларида Америка сиёсатчилари дуч келадиган ягона энг жиддий муаммога айланиши мумкин. Агар АҚШ Хитойнинг Шарқий Осиёдаги устунлигига чек қўйишни ҳақиқатан ҳам истаса, бу мақсадга эришиш йўлида Япония билан иттифокқа ўтиши, Осиёнинг бошқа давлатлари билан яқин ҳарбий-сиёсий муносабатлар йўлга қўйиши, Осиёдаги ҳарбий иштирокини ва ишга солиш мумкин бўлган ҳарбий гуруҳларни кўпайтириши керак. Агар АҚШ Хитой етакчилиги билан курашишни истамаса, унда ўз универсализмидан воз кечишига, Тинч океанининг нариги томонидан туриб, ҳодисаларга таъсир ўткази олиш имконияти кескин қисқарганлигини тан олишига тўғри келади. Бошқа барча усуллар улкан ҳаражат ва хавфларга олиб келади. Энг катта хавф шундаки, АҚШ аниқ танлов қилмасдан, Хитой билан урушга бу уруш миллий манфаатларга мос ёки мос эмаслигини, бу урушни самарали олиб боришга тайёр ёки йўқлигини яхши ўйлаб кўрмасдан кириши мумкинлиги бўлади.

Назарий жиҳатдан, бошқа бирор кучлироқ давлат Хитойга рақиб сифатида пайдо бўлса, АҚШ кучлар мувозанатида иккинчи даражали бўлиб, уни тутиб туришга ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Бунда фақат Япония ҳаёлга келади ва бунинг учун Япония ўз сиёсатини тубдан ўзгартириши: Япон армияси қайта қуролланишини тезлаштириши, ядровий қуролга эга бўлиши ва Осиёнинг бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиш учун Хитой билан фаол рақобат қилиши керак. Шунга қарамасдан, Япония АҚШ бошчилик қилган Хитойга нисбатан қаршилиқда қатнашиши мумкин, аммо унинг ўзи Хитойга асосий рақиб бўлиш эҳтимоли жуда кам бўлса ҳам, лекин йўқ эмас. Қолаверса, АҚШ ҳеч қачон иккинчи даражали ўйинчи бўлишга қизиқиш ҳам, бунга қобилият ҳам кўрсатмаган. Янги ва кичик давлат сифатида, Наполеон даврида шундай қилишга уриниб кўрган, аммо бу охир-оқибат Британия билан

хам, Франция билан ҳам урушга олиб келган. XX аср биринчи ярмида эса, у Европа ва Осиёда кучлар мувозанатини таъминлашга деярли куч сарфламади. Натижада, бузилган мувозанатни тўғирлаш учун Жаҳон урушларига аралашиб қолди. совуқ уруш даврида Совет Иттифоқига асосий душман бўлиш учун АҚШдан бошқа муқобил йўқ эди. Шундай қилиб, АҚШ ҳеч қачон йирик куч сифатида иккинчи даражаси мувозанатчи бўлмаган. Бундай ўйинчидан нозик, эгилувчан, олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатлар ва ҳатто, иккиюзламачилик талаб этилади. Бундай сиёсат бир у томондан, бир бошқа томондан ёрдам олиш, (америкаликларнинг кадриятларига кўра) ахлоқан ҳақ бўлган давлат билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиш, ва ҳатто унга душманлик қилиш, ахлоқан ноҳақ тарафга ёрдам беришни талаб қилган бўларди. Ҳатто, Япония Хитойга асосий рақиб сифатида олдинга чиқса ҳам, АҚШ учун бу мувозанатни қўллаб-қувватлаш масаласи ноаниқлигича қолади. Кўпинча, АҚШ икки потенциал куч ўртасида мувозанатни таъминлашдан кўра, ўз ресурсларини бирор бевосита таҳдидга қарши йўналтиришни афзал деб билади. Қолаверса, Осиё мамлакатларида эргашишга мойиллик мавжудлиги, АҚШнинг иккинчи даражали бўлишга қилган ҳаракатларини йўққа чиқаради.

Эргашиш миқёси ишонч даражасига боғлиқ бўлгани учун, қуйидаги уч тахмин юзага келади. Биринчиси, ўзаро эргашиш бегона давлатлардан кўра, бир цивилизацияга тегишли ёки маданий ўхшашликларга эга мамлакатлар ўртасида юзага келиши эҳтимоли кўпроқ. Икки мамлакат бундай умумийликларга эга бўлмаса, бир давлат иккинчисига эргашиш эҳтимоли камроқ бўлади. Иккинчиси, ишонч даражаси вазиятга ҳам боғлиқ. Мисол учун, ёш бола бошқа болаларга қарши чиққанда катта эҳтимол билан, ўз акасига ишонади; улар уйда ёлғизликларида эса уканинг ўз акасига суяниши эҳтимоли камроқ. Бундан келиб чиқадики, турли цивилизацияларга тегишли мамлакатлар ўртасида алоқалар қанчалик қизгин бўлса, цивилизациялар ичида ўзаро эргашишга мойиллик шунча кўп бўлади. Учунчиси, турли цивилизация аъзоларида ишонч даражаси турлича бўлгани учун уларда эргашишга

мойиллик даражаси ҳам фарқланиши мумкин. Масалан, Яқин Шарқда кенг тарқалган «кучлиларга эргашиш» сиёсати Араб давлатларида «ишончга арзимайдиган киши» маъносидаги маталлар билан мос келади.

Бу омилларга қўшимча равишда, эргашиш ёки мувозанатга ёрдам беришда кучлар тақсимотидан умид ва афзал кўришлар таъсир қилади. Европадаги жамиятлар абсолютизм фазасидан ўтишган, аммо Осиё тарихининг аксар қисмига хос бўлган бюрократик империя ёки «шарқ мустабидлиги»ни айланиб ўтишган. Феодаллик сиёсий плурализмга асос бўлган: ваколат ва кучнинг бир идорага марказлашмасдан, тарқалиб кетганлиги ҳам табиий, ҳам шундай бўлишини хоҳлашган. Шунинг учун, халқаро даражада ҳам турли кучлар мувозанати – табиий ва исталган ҳодиса бўлиб келган, ҳамда сиёсатчилар уни сақлаб, қўллаб-қувватлаш вазифасини бажарадилар. Шунинг учун, мувозанат бузилишига таҳдид бўлган тақдирда, тутиб туриш сиёсатига мурожаат қилинади. Қисқа қилиб айтганда, халқаро ҳамжамиятнинг Европа модели унинг ички жамият тузилишида акс этади.

Бошқа томондан, Осиё бюрократик империяларида ижтимоий ёки сиёсий кўп фикрликка ва ваколатларнинг тақсимланиш фикрига деярли ўрин ҳам бўлмаган. Европадан фарқли равишда, Хитой тарихининг ўзидаёқ кучлиларга эргашиш қарши чиқиш сиёсатидан кўра кўпроқ аҳамият касб этган. Люсен Пайнинг айтишича, «1920 йилларда жангчилар биринчи ўринда катта кучга қўшилиш уларга нима бериши ҳақида ўйлаб кўришган, ундан кейингина ўзидан кучсизларни қўшиб олиш қандай фойда бериши ҳақида бош қотиришган... Хитой жангарилари учун мустақиллик, анъанавий Европа тизимларида бўлгани каби, энг муҳим қийматга эга бўлмаган, ундан кўра улар ўз қарорларини қудратли тарафга қўшилишга асослаган». Эверй Голдштейн ҳам шу фикр тарафдори сифатида айтганки, 1949-1966 йилларда авторитар тузум нисбатан барқарор даврда ҳам Хитой коммунистлари эргашиш сиёсатини олиб борган. Маданий инқилоб вазиятни ноаниқлик ва анархияга яқинлаштириб, сиёсатчилар ҳаётига таҳдидлар бошлангач, қарши туришга асосланган мувозанат сиёсати асосий ўринга чиқди. Тахминларга кўра, 1978

йилдан кейин ҳукумат тузилиши янада аниқлашгач, эргашиш яна қайта уйғонди.

Тарихан, хитойликлар давлат ичи ва ташқарисидаги муносабатларда катта фарқ билан ҳаракат қилишмайди. Улар тасаввуридаги дунё тартиби – Хитой ички тартибларининг давоми бўлиб, коинотнинг энг тўғри тартиби ҳисобланади, ҳамда Хитой цивилизацияси – ўсиб боровчи концентрик айлана марказида ўзини ўзи доим қайта тиклай олади деб билишади. Родерик Макфаркер айтганидек: «Анъанавий хитойликларнинг ташқи дунёга муносабати конфуцийчиликнинг аниқ тузилмаларга асосланган поғонали жамият ҳақидаги тасаввурларига кўра шаклланган. «Осмонда икки куёш бўлмагани каби ерда ҳам икки ҳукмдор бўлмайди» дея бошқа давлатлар кироллари Марказий Қиролликка ўлпон тўловчилар сифатида кўрилган. Натижада, хитойликлар ҳеч қачон кўп кутбли, ҳатто кўп томонлама хавфсизлик тушунчалари тарафдор бўлмаган. Умуман олганда, осиеликлар халқаро муносабатларда «поғонали жамият»ни қабул қилишга мойил: Шарқий Осиёда Европадаги каби энг юқори поғона учун жанглар бўлмаган. Ҳозирда амалда бўлган ва Европа тарихига хос бўлган кучлар мувозанати Осиёга буткул бегона. Минтақада XIX аср ўрталарида Фарбий етакчи мамлакатлар пайдо бўлгунига қадар, Шарқий Осиёдаги халқаро муносабатлар Синоцентрик, яъни Хитой атрофида шаклланган бўлиб, бошқа мамлакатлар Пекинга тобелик, Пекин билан ҳамкорлик ёки Пекин автономлигининг турли даражаларида мавжуд бўлган. Албатта, Конфуцийчиликнинг дунё тартиби ҳақидаги идеали ҳеч қачон тўлиқ амалиётда бўлмаган. Шунга қарамасдан, халқаро сиёсатнинг Осиё модели – кучлар поғоналашуви – Европанинг кучлар мувозанати моделидан тубдан фарқ қилади. Дунё тартиби ҳақидаги шундай тасаввурларга асосан, ички сиёсатда «эргашиш»га мойил бўлган хитойликлар ушбу қарашни халқаро муносабатларга қўллаши ҳам ажабланарли эмас. Бошқа давлатлар ташқи сиёсатлари шаклланишида бу қараш қанчалик ўрин тутиши уларнинг конфуцийчилик маданиятига қай даражада мунсублигига ва уларнинг Хитой билан тарихий муносабатларига боғлиқ. Маданий

муносабатларда Корея Хитой билан кўп умумийликларга эга ва тарихан Хитойга ён босади. Сингапур эса совуқ уруш давридаги коммунистик Хитойни ўзига душман деб билган. Лекин, 1980 йилда Сингапур ўз фикрини ўзгартирди ҳамда Сингапур етакчилари АҚШ ва бошқа давлатларни Хитой кудратининг реаллиги билан ҳисоблашишга чақиришда фаоллик кўрсатди. Аҳолисининг асосий қисмини хитойликлар ташкил этган ва анти-Ғарб карашларга эга етакчилар таъсирида бўлган Малайзия ҳам Хитойга кучли боғлиқлик сезади. Таиланд Европа ва Япон империализмига мослашиш орқали ўз мустақиллигини сақлаб қолган ва Хитой билан муносабатларда ҳам шундай йўл тутмоқда. Бу эса хавфсизликка таҳдид келтириб чиқариши, етакчиларнинг фикрига кўра бу таҳдид Ветнам томонидан келиши мумкин.

Индонезия ва Ветнам – Хитойга қарши туриш ва у билан мувозанатни таъминлашда Жабунни-шарқий Осиёда энг асосий ўрин тутган икки давлат ҳисобланади. Индонезия – улкан мусулмон давлат ва географик жиҳатдан Хитойдан узоқ. Аммо, бошқа давлатлар ёрдамисиз Хитойнинг Жанубий Хитой денгизидаги ҳукмронлик даъволарига қарши тура олмайди. 1995 йил кузида Индонезия ва Австралия ўртасида хавфсизлик келишуви тузилди. Унга кўра, «душман томонидан ҳужум»лар бўлган ҳолда, улар ўзаро маслаҳат билан иш тутушга келишиб олишди. Икки томон ҳам келишувнинг Хитойга қарши қаратилмаганлигини таъкидлаган бўлса ҳам, улар душманлик ҳаракатларини қилиш эҳтимоли энг юқори бўлган давлат деб айнан Хитойни белгилашди. Ветнам асосан конфуцийчилик маданиятига мансуб давлат ҳисобланади, аммо тарихан Хитой билан антагонистик (душманлик) муносабатларида бўлган ва 1979 йилда у билан қисқа урушга дош бера олди. Хитой ҳам, Ветнам ҳам Спретли оролларидаги суверенитетига даъво қилди – 1970 ва 1980-йилларда икки давлат ҳарбий флотларининг жанговар тўқнашуви юз берди. 1990-йилларда Ветнамнинг ҳарбий салоҳияти Хитойникига нисбатан камайди. Бунинг натижаси сифатида, Ветнам биргаликда Хитойни зарарсизлантириш учун шерик топишни Шарқий Осиёдаги бошқа ҳар қандай давлатдан кўпроқ хоҳлайди. Унинг 1995 йилда АСЕАНга кириши ва АҚШ билан

муносабатларини яхшилаши бу борадаги энг муҳим икки қадами бўлди. Бироқ, ўзаро ички келишмовчиликлар ва бу ташкилотнинг Хитойга қарши боришни очик равишда хоҳламаслиги АСЕАН анти-Хитой иттифоққа айланишининг ёки Вьетнам Хитойга қарши борганда АСЕАН унга айтарлик ёрдам бера олишининг эҳтимолини жуда камайтиради. Хитойни тутиб туришга АҚШ кўпроқ қизиқиш билдирди, аммо АҚШ Хитойнинг Жанубий Хитой денгиздаги ҳукмронлик даъволари билан курашишга қанчалик киришиши 1990-йиллар ўртасида ҳали аниқ эмас. Ниҳоят, Вьетнам учун сўнгги энг ёмон муқобил бўлиб Хитой манфаатларини ҳисобга олиш ва «финландизация» йўлини танлаш бўлиб қолиши мумкин. Бу вьетнамликларнинг «ғурурини топташи мумкин, лекин... омон қолишни кафолатлайди».

1990-йилларда Хитой ва Шимолий Кореядан ташқари Шарқий Осиёнинг барча давлатлари минтақада АҚШнинг ҳарбий иштироки сақланиб қолишини ёқлаб чиқди. Аммо, аслида эса, Вьетнамдан ташқари барча давлатлар Хитой манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишларини кўрсатди. Филлипин ўз худудида Американинг ҳарбий ҳаво ва денгиз базаларининг ёпилишига эришди ва Окинавада АҚШ жангари гуруҳлари сақланиб қолишига қаршиликлар кучайди. 1994 йилда Таиланд, Малайзия ва Индонезия ўз сувларига АҚШнинг жануби-шарқий ёки жануби-ғарбий Осиёдаги ҳарбий иштирокида таъминотчилик қилувчи олти кемаси сузувчи база сифатида юборилиши сўровига рад жавобини берди. Яширин ҳурматнинг яна бир мисоли сифатида, АСЕАН минтақавий форумининг биринчи учрашувидаёқ аъзолар Хитойнинг Спретли ороллари мавзуси кун тартибига киритилмаслиги сўровига розилик берди. 1995 йилда Хитой Филлипиннинг Мисчиф рифини эгаллаб олгани эса АСЕАНнинг ҳеч бир аъзосида қаршилик уйғотмади. 1995–1996 йилларда Хитой Тайванга сўз билан ҳам, ҳарбий куч билан ҳам таҳдид қилди, Осиё ҳукуматлари эса бунга яна сукунат билан муносабат билдирди. Уларнинг эргашиш сиёсати бўйича ҳаракатини Майкл Оксенберг аниқ хулосалаб берди: «Осиё етакчилари шундан ҳавотирдаки, бундай ҳаракатлар

кучлар мувозанатини Хитой томонга кўпроқ оғдириши мумкин, аммо улар ўз келажагидан ҳавотир олиб, Пекин билан қарама-қаршиликка боришни истамайди» ҳамда «анти-Хитой юришида улар АҚШга қўшилмайди».

Хитойнинг юксалиши Япония учун асосий масала бўлади ва японлар қандай стратегия бўйича давом этиш борасида жиддий иккиланишларга дуч келиши аниқ. Хитойга эргашиб, баъзи масалаларда унга ён бериш керакми? Японлар иқтисодий масалаларда устунлигинг тан олинishi эвазига Хитойнинг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигига рози бўлиш керакми? АҚШ–Япония келишувига янги мазмун ва шижоат бериш орқали Хитойни тутиб турувчи иттифоқни янгилашга ҳаракат қилиши керакми? Хитой ҳужумларидан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ҳарбий қудратини шакллантириши керакми? Эҳтимол, Япония бу саволларга узил-кесил жавоб беришдан иложи борича ўзини олиб қочар.

Хитойга қарши туриш ва уни тутиб туриш бўйича ҳар қандай онгли ҳаракатларнинг негизида АҚШ–Япония ҳарбий иттифоқи туриши керак. Япония иттифоқнинг мақсади шундай ўзгаришига аста-секин розилик билдириши ҳақиқатга яқин. У рози бўлиши учун қуйидагиларга аниқ ишончи бўлиши керак: 1. Американинг бутун дунёда ягона юксак куч сифатида чиқиши ва дунё ишларида фаол етакчи бўлиб қолиши; 2. Осиёда ҳарбий иштирокини сақлаб қолиб, ўз мажбуриятларини бажариши ва Хитойнинг таъсир доираси кенгайишига фаол қарши курашиши; 3. Ресурс ҳаражатлари ва уруш эҳтимоли кам қолган ҳолда, АҚШ ва Япониянинг Хитойни тутиб туриш қобилияти.

АҚШ томонидан бирор кучли ва аниқ қарор бўлмаган тақдирда, Япония Хитойга эргашиши мумкин. Япония Шарқий Осиёда босиб олиш сиёсати олиб борган ва аянчи натижаларга олиб келган 1930 ва 1940 йилларни ҳисобга олмаганда, тарихан у айни дамда кучли деб ҳисобланган давлат билан иттифоққа киришиб, ўз хавфсизлигини таъминлайдиган давлат бўлган. Ҳатто, 1930 йилда ҳам, Япония ўша давр глобал сиёсатининг ғайратли ҳарбий-ғоявий кучи бўлган Берлин–Рим–Токио учлар иттифоқига қўшилган. Ўша асрнинг

бошида, у онгли равишда инглиз-япон иттифоқиға ҳам қўшилган эди, чунки ўша пайтда Буюк Британия жаҳон майдонида етакчи куч ҳисобланарди. 1950 йилда ҳам худди шу тарзда, дунёда кучлилардан бўлган ва унинг хавфсизлигини таъминлай оладиган АҚШ билан бирлашди. Хитойликларга ўхшаб, японлар ҳам халқаро сиёсатни поғонали деб билишади, чунки уларнинг ички сиёсати ҳам шундай. Бир япон олими айтганидек, «Японлар халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини ўз ички жамиятига хос бўлган хусусиятларга асосан, вертикал, поғонали тузилма сифатида тасаввур қилади. Япониянинг бундай тасаввурга келишида тарихда узок давом этган хитой-япон муносабатлари катта аҳамият касб этган (ўлпон тизими).

Хуллас, Япония сиёсати кўпинча мувозанатчи бўлиш эмас, эргашиш ва кучли томон билан иттифоқлашиш бўлиб келган. Узок муддат ўша ерда яшаган Ғарб фуқароси сўзларига кўра, «Японлар «форс-мажор»ларда таслим бўлишда ва ўзидан кучлилар билан бирлашишда кўпчиликдан чаққон... кучсизланиб, етакчиликни йўқотаётган кучга орқа ўгиришда эса ҳеч ким уларчалик чаққон эмас». Осиёда АҚШнинг таъсири камайиб, Хитой аҳамияти ошиб бораётгани учун Япония сиёсати ҳам шунга мос равишда ўзгаради. Аслида, у аллақачон ўзгариб бошлаган. Хитой-Япон муносабатларида, Кишор Мабубанинг айтишича, «ким катта?» деган асосий савол мавжуд ва бунга жавоб ҳам аниқлашиб боряпти. «Ҳеч қандай келишув ёки очикча баёнот бўлгани йўқ, лекин, 1992 йилда Хитой халқаро муносабатлардан нисбатан четда турганда, Япон императори Хитойга ташриф буюришга қарор қилгани бунга ишора билан жавоб беради.

Идеал ҳолда, япон халқи ва етакчилари ўтган бир неча ўн йиллик давомидаги каби АҚШ ҳимоясида қолишни афзал кўрган бўларди. Бироқ, Осиёда АҚШ таъсир доираси камайиб боргани сари, Японияни Осиё дунёсига тегишли деб биладиган ички кучлар ҳам тобора ортиб боради ва японлар эртами, кечми, шарқий Осиёда қайта дунёга келган Хитой ҳукмронлигини қабул қилишдан бошқа иложи қолмайди. Мисол учун, «XXI асрда Осиёга қайси давлат энг кўп таъсир ўтказувчи бўлади?» деган 1994 йилда берилган

саволга япон жамиятининг 44 фоизи Хитой деб жавоб берди, 30 фоизи АҚШ ва фақат 16 фоизи Япония деган фикрда экани аён бўлди. Юқори даражали япон олими: «Япония Хитойнинг юксалишига мослашиб боради», дейди ва АҚШга буни ўйлаб кўришни таклиф этади. Биринчи фикр ҳақиқатга яқинга ўхшайди, чунки АҚШдан ҳали ҳам жавоб келмади-ку.

Хитой етакчилиги Шарқий Осиёда беқарорлик ва можароларни камайтиради. АҚШ ва Ғарбнинг у ердаги таъсирини ҳам камайтириб, АҚШ азалдан олдини олишга уриниб келган ҳодисани тан олишга мажбур бўлади, у ҳам бўлса – энг муҳим минтақада ўзидан бошқа давлат ҳукмрон бўлишидир. Бироқ, бу ҳукмронлик Осиёнинг бошқа давлатлари ва АҚШ манфаатларига қанчалик таҳдид қилиши Хитойдаги вазиятга боғлиқ. Иқтисодий ўсиш ҳарбий куч ва сиёсий таъсирни оширади, лекин, шу билан бирга, сиёсий жараёнлар ривожланиб, янада очик, плюралистик, эҳтимол, демократик сиёсий тузум томон ҳаракатга туртки бўлиши ҳам мумкин. Иқтисодий муваффақиятлар Жанубий Корея ва Тайванда худди шундай натижалар кўрсатган. Фақат, бу икки давлатда демократик ўзгаришларда фаоллик кўрсатган сиёсий етакчилар христиан бўлишган.

Конфуцийликдан мерос қолган ягона ҳукумат, тартиб, поғоналарга алоҳида урғу берилиши ва жамоанинг шахсдан устунлиги демократлаштириш учун улкан тўсиқ бўлади. Қолаверса, иқтисодий ўсиш туфайли Хитойда аҳоли турмуш даражаси борган сари ўсиб бормоқда, бу эса йирик ўрта қатлам аҳолисини шакллантиради, иқтисодий куч давлат назоратидан ташқарида тўпланишига олиб келади. Шунингдек, Хитой аҳолиси савдо, сармоялар ва таълим туфайли чет эл билан мустаҳкам боғланган. Буларнинг барчаси сиёсий плюрализм – кўп фикрликка ижтимоий асос бўлиб хизмат қилади.

Одатда, авторитар тизим сиёсий очикликка ўтиши учун ҳукуматга ислоҳотчи шахслар келиши илк туртки бўлади. Хитойда бундай бўладими? Ден Сяопиннинг биринчи издоши эмас, иккинчиси даврида бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Катта эҳтимол билан, янги асрда Хитой жанубида ўз олдига сиёсий мақсадлар қўядиган гуруҳлар пайдо бўлади ва фақат номда қолиб кетмаса,

хақиқатда сиёсий партияларнинг илк куртаклари бўлади. Бундай гуруҳлар, Тайван, Гонгконг ва Сингапурдаги хитойликлар билан яқин алоқада бўлиши ва улар томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақиқатга яқин. Агар жанубда шундай гуруҳлар пайдо бўлиб, Пекиндаги ҳукумат ислохотчилар қўлида бўлса, давлатда сиёсий ислохотлар бўлиб ўтиши мумкин. Демократияга ўтиш сиёсатчиларни миллатчи шиорларга ундаши мумкин, бу ўз навбатида, уруш эҳтимолини келтириб чиқариши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Лекин, плюралистик тизим Хитойнинг бошқа давлатлар билан муносабатларини юмштириши ҳақиқатга яқинроқ.

Балки, Фридрих юқорида айтганидек, Европа тарихи – Осиё учун келажакдир. Ундан ҳам эҳтимоллиси, Осиё тарихи унинг ўзи учун келажак бўлади. Осиё учун танлов шу иккиси орасида: ё низолар орқали кучлар мувозанатини таъминлаш, ё бир давлат ҳукмронлиги орқали тинчлик ўрнатиш. Ғарб мамлакатларида низо ва мувозанат ўртасида танлаш имконияти бор эди. Тарих, маданият ва кучлар даражаси Осиёда тинчлик ва бир давлат ҳукмронлиги йўлини танлаш кераклигига ишора қилади. 1840–1850 йилларда Европанинг майдонга чиқиши билан бошланган давр ўз ниҳоясига етмоқда, Хитой яна минтақавий етакчилигига, Шарқ эса яна ўзига мос ўрнига қайтиб келмоқда.

Цивилизациялар ва асосий давлатлар: иттифоқларнинг пайдо бўлиши

Совуқ урушдан кейинги кўп қутбли ва кўп цивилизацияли дунёда, совуқ уруш давридагидек ҳар жабҳада устунликка эришган етакчи давлат йўқ эди. Мусулмон аҳоли кўпаётгани ва Осиёнинг иқтисодий салоҳияти кучайиб бораётганига қарамасдан, Ғарб ва бошқа кучлироқ цивилизациялар ўртасидаги келишмовчиликлар глобал сиёсатда бошқаларидан кўра асосийроқ бўлиб тураверди. Мусулмон давлатлари Ғарбга нисбатан қарши бўлиб қолаверди, бу икки гуруҳлар орасида кўпинча кичик ва баъзида катта ҳажмдаги зўравонликлар бўлиб турди. Бир томонда, АҚШ, иккинчи томонда, Хитой,

Япония ва бошқа Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар келишмовчиликларга бой бўлди, АҚШ Хитойнинг ривожланишини Осиёдаги гегемонлик кучи деб баҳоласа, улар орасида катта уруш ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ушбу ҳолатда, конфуцийчилик ва ислом олами алоқалари кенгайишда ва чуқурлашишда давом этади. Бу муносабатлар марказида эса Хитой ва мусулмон жамиятларини қуролларнинг тарқалиши, инсон ҳуқуқлари ва бошқа мавзулардаги Ғарбга қарши бўлган позициялари бирлаштиради. Бунинг асоси сифатида, 1990-йилларнинг бошларида Хитой президенти Шан Яннинг Эрон ва Покистонга ташрифи, Эрон президенти Рафсанжанининг Покистон ва Хитойга ташрифларидан сўнг, Покистон, Эрон ва Хитой ўртасида шаффофлашган, яқин муносабатларни кўришимиз мумкин. Хитойга йўл олаётганда, Рафсанжани Исломободда «Стратегик иттифоқ» ҳақида маълум қилди ва Покистонга бўлган ҳужум Эронга бўлган ҳужумдек баҳоланишини айтди. Ушбу иттифоқни кучайтириш учун эса Беназир Бхутто бош вазир бўлган заҳотиёқ 1993 йил октябрда Эрон ва Хитойга ташриф буюрди. Бу уч давлат ўртасидаги иттифоқ сиёсий, ҳарбий ва бюрократик соҳаларда давомий алмашинувлар, турли фуқаролик ва ҳарбий соҳаларда, ҳаттоки мудофаа ва қуролларни Хитойдан бошқа давлатларга жўнатиш борасида ҳам биргаликда давомли ҳаракатларни назарда тутди. Ушбу муносабатларнинг ривожланиши ташқи сиёсат нуқтаи назаридан «мустақиллик» ва «мусулмонлик» ғояларини илгари сураётган Покистоннинг асосий кучлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, улар «Техрон–Исломобод–Пекин» ўқининг пайдо бўлишини хоҳлашди ва кутишди, Техроннинг фикри бўйича эса «замонавий дунёнинг ўзгача ҳолати», Эрон, Хитой, Покистон ва Қозоғистоннинг «яқин ва давомли ҳамкорлиги»ни талаб этади. 1990-йиллар ўрталарида уч давлат ўртасидаги ҳамкорлик «де-факто» Ғарбга қарши туриш, Ҳиндистонга нисбатан хавфсизлик масалалари, Россия ва Туркиянинг Ўрта Осиё давлатларидаги таъсирини камайтириш учун иттифоқга айланди.

Бу уч давлатнинг иттифоқи бошқа мусулмон ва Осиё давлатларининг бирлашиб, катта кучга айланишига асос бўлиши мумкинми? «Норасмий конфуцийчилик-мусулмончилик иттифоқи, Грахам Фуллернинг айтишича, мавжуд бўлиши мумкин, бунинг сабаби, Муҳаммад ва Конфуцийнинг Ғарбга қарши бўлгани эмас, балки ушбу маданиятлар Ғарбнинг турли соҳалардаги мислсиз устунлигига қарши эътирозларга йўл очиб бериши ва Ғарб давлатлари бундан кўпини олиши керак эмас, деган фикр туфайлидир». Бу борадаги энг кизгин чақириқ 1994 йил март ойида Муаммар Қаддафи томонидан айтилган: «Янги дунё қоидалари христиан ва яҳудийларнинг мусулмонлар устидан назорат қилишини кўзда тутаяди, агар улар бунга эришса, кейинчалик конфуцийчилик ва Хитой, Япония, Ҳиндистоннинг бошқа динлари устидан ҳукмронликка ўтишади... Қаранг христианлар ва яҳудийлар нима демоқда: «Биз коммунизмни енгдик, энди эса ислом билан конфуцийчиликни йўқ қилишимиз керак». Бундан кейин конфуцийчилар лагерини бошқараётган Хитой, христианлар лагерини бошқараётган Америка ўртасидаги қарама-қаршиликни кўришга умид қиламиз. Бизда ҳеч қандай далил йўққ, лекин хочлиларга қарши ички ишонч бор. Биз конфуцийчилар томонда турамыз, улар билан биргаликда иттифоқ бўлиб, бир халқаро чизикда курашиб, ўзаро бир бўлган душманимизни енгамиз. Шундай қилиб, биз мусулмонлар, Хитойни умумий душманимизга қарши туришда қўллаб-қувватлаймиз... Хитойга ғалаба тилаймиз...».

Конфуций ва ислом давлатларининг Ғарбга қарши иттифоқ тузиш хоҳиши юқори бўлишига қарамай, бу Хитой тарафидан жавобсиз қолдирилди, 1995 йилда президент Цзян Цземин Хитой бирорта бошқа давлат билан иттифоқ тузмаслигини маълум қилди. Бу қараш Хитойнинг қадимдан мавжуд бўлган «Ўртадаги давлат» принципини кўрсатарди, яъни, Хитойга бирорта расмий иттифоқдош керак эмас, бошқа давлатларнинг Хитой билан иттифоқи фақат ўша давлатларнинг ўзига фойда келтиради, деган фикр бор эди. Хитойнинг Ғарб билан ўзаро муаммолари туфайли бошқа Ғарбга қарши давлатлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди, буларнинг ичида ислом

олами катта ўрин тутади. Қолаверса, Хитойнинг нефтга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжи, уни Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони, шунингдек Қозоғистон ва Озарбайжон билан алоқаларини янада кенгайтиришга мажбур хам қилади. Бу каби «нефт учун қурол» чизигини, бир эксперт 1994 йилда Хитойни «Энди Лондон, Париж ва Вашингтондан буйруқлар олмайди» деб тарифлаганди.

Бошқа цивилизациялар ва улардаги асосий давлатларнинг Ғарб ва унга рақобатчи цивилизацияларга нисбатан қарашлари турлича бўлади. Лотин Америкаси ва Африка каби бошқарувчи давлатларга эга бўлмаган цивилизациялар Ғарбга қарам эди, шунингдек ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан кучсиз эди (Лотин Америкасида ҳозир бу вазият ўзгармоқда). Лотин Америкаси маданий жиҳатдан Ғарбга яқин ҳисобланади. 1980–1990 йилларда унинг сиёсий ва иқтисодий тизими Ғарбга тобора ўхшаб кетди. Бир вақтлар ядро бомбасига эга бўлишга ҳаракат қилган икки Лотин Америкаси давлатлари бу уринишларини тўхтатишди. Барча цивилизациялар ичида энг кам ҳарбий ҳаражатларга эга Лотин Америкаси давлатлари АҚШнинг ҳарбий устунлигига норози бўлишса-да, унга нисбатан очиқ норозилигини билдирмаган. Лотин Америкасида протестантизмнинг жадал суръатда ўсиши уларни Ғарбнинг протестант-католик янги алоқаларини ҳосил қилмоқда ва маркази Римдан ўтмаган Лотин Америкаси Ғарб бўйича янги диний ишларни кенгайтирмоқда. Бунга қарама-қарши томонда эса, Мексика, Марказий Америка ва карибликларнинг Америкага ёпирилиб келиши ва американча жамиятга испанча маданиятни қўшиши ҳам маданий аралашма ҳосил бўлишига туртки бўлмоқда. Лотин Америкаси ва Америка бошчилигидаги Ғарб ўртасидаги асосий келишмовчиликлар сабаби иммиграция, наркотика, наркотикага тааллуқли терроризм ва иқтисодий интеграциядир (яъни, Меркосур ва Анд пакти каби Лотин Америкаси ташкилотларига қарши ҳаракат сифатида Лотин Америкаси давлатларининг НАФТАга қабул қилиниши). Мексиканинг НАФТАга қўшилиши туфайли юзага келган муаммолар шуни кўрсатадики, Лотин Америкаси ва Ғарб цивилизацияларининг қўшилиши

жуда мураккаб бўлиб, XXI асрнинг бутун даврига тўғри келиши, ҳаттоки бу жараён яқунланмай қолиши ҳам мумкин. Шунга қарамасдан, Лотин Америкаси ва Ғарб цивилизациялари орасидаги тафовут бошқа цивилизацияларнинг Ғарб билан фарқидан анча кичикдир. Ғарбнинг Африка билан муносабатларида катта муаммолар юзага келиши эҳтимоли кам, чунки Африка жуда кучсиз. Аммо баҳсли масалалар ҳам йўқ эмас. Жанубий Африка Бразилия ва Аргентина каби ядро қуролига эришиш йўлидан воз кечмади, шунчаки ўзида бор қуролни йўқ қилди. Бу қуролни оқ танлилар ҳукумати апартеиддан ташқаридаги ҳукуматларнинг ҳужумидан ҳимоя сифатида яратишгани, кейин қора танлилар ҳукуматига ташлаб кетилса, бошқа мақсадларда фойдаланишлари хавфи туфайли йўқ қилишди. Ядро қуроли яратишни тўхтатишнинг имкони йўқ, апартеиддан кейинги ҳукумат ўзини Африканинг асосий давлати ролига эга чиқиши ва Ғарбнинг Африкага қайта киришини олдини олиши учун ҳам бу қуролни яратиши эҳтимоли мавжуд. Инсон ҳуқуқлари, иммиграция, иқтисодий муаммолар ва терроризм ҳам Африка ва Ғарб муносабатларининг кун тартибида туради. Франция ўзининг собиқ мустамлақалари билан яқин алоқаларини тиклаш учун узоқ муддатли қайта ғарблаштириш дастурини олиб бораётганига қарамасдан, Ғарб кучига нисбатан қизиқиш ва таъсир камайиб бормоқда. Биринчи ўринда маҳаллий маданият қайта бўй кўрсатмоқда, Жанубий Африка эса маданиятнинг афроамерикача элементларини ўз маданиятига сингдириш ҳаракатини узоқ вақтдан буён давом эттирмоқда. Лотин Америкаси ғарблашгани сари Африка Ғарбдан узоқлашмоқда. Лотин Америкаси ва Африканинг Ғарбга нисбатан қарамлиги борлигига қарамасдан, (БМТда овоз беришдан ташқари) Ғарб ва унга рақобатчи цивилизациялар муносабатларига таъсир кўрсатиш имконига эга эмас.

Шуниси аниқки, учта «тебранувчи» цивилизациялар билан ҳолат бошқачароқ. Уларнинг асосий давлатлари халқаро муносабатларда асосий ўйинчилардан ҳисобланади ва Ғарб билан унинг рақобатчиларига нисбатан икки томонлама, ўзгарувчан ва чалкаш муносабатларда бўлиш эҳтимоли

кучли. Уларнинг ҳатто ўзаро муносабатларида ҳам доимий ўзгарувчанлик кузатилади. Биз исбот қилганимиздек, Япония оғриқли ва танқидий равишда ўзининг кадриятларини қайта баҳолаб, Америка томонидан Хитой томонига босқичма-босқич ўтиши мумкин. Совуқ урушдаги цивилизациялараро иттифоқлардаги каби мудофаа борасидаги муносабатлар заифлашиши мумкин, лекин ҳеч қачон узилмайди. Япония ва Россиянинг муносабатлари оғирлигича қолади, бунга 1945 йилда Россия босиб олган Курил ороллари билан боғлиқ келишмовчиликлар сабабдир. Совуқ урушнинг охирларида бу муаммо ечилиши мумкин эди, лекин рус миллатчилиги бошланиши туфайли бу ортга сурилиб кетди, шунингдек АҚШ учун ҳам олдин бўлганидек, Япониянинг келажакдаги талабларини қўллаб-қувватлашга бирорта сабаб йўқ эди.

Совуқ урушнинг сўнгги ўн йиллигида, Хитой Россия ва Америка ўртасида ва уларга қарши «Хитой картасини» омадли ўйнатди. Совуқ урушдан кейинги дунёда эса, Россияда ўйнатиш учун «Рус картаси» мавжуд эди. Россия Хитой билан биргаликда Евроосиёда кучлар мувозанатини Ғарб зарарига ўзгартириши мумкин ва 1950-йилларда бўлган Сино-Совет муносабатига бўлган эҳтиёткорликни қайта туғдириш эҳтимоли мавжуд. Ғарб билан яқин ҳамкорликда бўлган Россия Конфуций-Ислом иттифоқига қарши бир иттифоқ ташкил қилиши ва совуқ уруш давридаги Хитой қўрқувларини қайта тиклаши мумкин. Россиянинг ушбу икки қўшни цивилизациялар билан ҳам ўзаро муаммолари мавжуд. Россия билан Ғарб ўртасидаги муаммолар вақтинчалик бўлиб, совуқ уруш тугашидан сўнг, Ғарб ва Россия ўртасида куч бўлинишини қайта кўриб чиқиш заруриятини талаб қилади, қолаверса икки томон ҳам таъсир кўрсатиш доираси ва тенглик қоидалари борасида келишишлари керак. Амалиётда бу қуйидагиларни англатади:

1. Россиянинг Европа иттифоқи ва НАТОнинг Марказий ва Шарқий Европа христиан давлатлари тарафига кенгайишига розилик билдириши, шунингдек, Ғарб ҳам ўзаро таъсир доирасини бошқа кенгайтирмаслик

мажбуриятини олиши (Украинанинг иккига ажралишидан ташқари ҳолатларда).

2. Россия ва НАТО ўртасида уруш очмаслик, хавфсизлик масалаларидаги фикр алмашишлар, қуролланиш пойгасининг олдини олиш учун ўзаро ҳаракатлар ва совуқ урушдан кейинги келишувларга кўра, қурооллар тарқалишини биргаликда назорат қилиш масалаларида ўзаро шартнома тузишади.

3. Ғарбнинг Россияни православ давлатлари хавфсизлиги масалаларида асосий жавобгар ва бошқарувчи давлат ролида тан олиши.

4. Россия жанубдан – мусулмон жамияти томонидан пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфни Ғарб томонининг тан олиши ва Европадаги одатий қуролланиш келишувини қайта кўриб чиқиши, келажакда шундай хавфлар туғилганда, Россия ҳаракатларига нисбатан ижобий ёндашишлари керак бўлади.

5. Босния каби Ғарб ва православ манфаатлари тўқнашган масалаларда Россия билан ўзаро келишувга эришиш.

Агар шу ва шунга яқин соҳаларда келишувлар амалга ошса, Россия ва Ғарб ўртасидаги хавфсизлик борасида келишмовчилик ва рақобатлар барҳам топади. Россия ва Европа демографик жиҳатдан қариётган давлатлар ҳисобланиб, кам туғилиш ва аҳоли ёши катталашини муаммолари мавжуд, бу каби жамиятларда босиб олиш сиёсатига ундайдиган ёш энергия мавжуд бўлмайди.

Совуқ уруш тугаши билан Россия–Хитой муносабатлари анча ривожланди. Чегара борасидаги муаммолар ечилди, чегаралардаги қуролли кучлар сони қисқартирилди, савдо алоқалари кенгайди, иккиси ҳам бир-бирини ядровий қуролга нишон сифатида кўришни тўхтатишди, уларнинг ташқи алоқа вазирликлари мусулмон фундаменталистларига қарши курашиш бўйича умумий фикрларни билдиришди. Энг муҳими, Россия Хитой қиёфасида ҳарбий қуроол-аслаҳа ва технологиялар, танклар, жанговар учувчи қурилмалар, узоқ масофага бомбардимон қилувчи воситалар ва ер-ҳаво


ракетларига доимий харидорни кўрди. Россия нуктаи-назари билан қараганда, алоқаларнинг бундай мўътадиллашиши Россия учун Хитойни Осиёдаги ҳамкори сифатида кўришига етарлича сабаблар ҳозирлади. Бунга Япония билан совуқ алоқалар, НАТОни кенгайтириш, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, қуролланишни назорат қилиш, иқтисодий ёрдам ва Ғарбнинг халқаро ташкилотларга аъзолик масалалари бўйича Ғарб билан қарама-қарши фикрлар мавжудлиги мисол бўла олади. Бошқа тарафдан, Хитой ҳам Ғарб дунёсига ўзининг ёлғиз эмаслигини, ҳудудий стратегиялари учун етарлича ҳарбий кучга эгаллиги ва имкониятини кўрсатади. Икки давлат учун ҳам Россия–Хитой алоқалари худди Конфуций–Ислом олами алоқалари каби Ғарбнинг қудрати ва универсализмига қарши туриш учун восита эди.

Бу алоқалар узоқ давом этиш-этмаслиги иккита факторга боғлиқ. Биринчи ва энг асосийси, Россиянинг Ғарб билан алоқалари ўзаро фойдали келишувлар асосида ривожланишига, иккинчи томондан эса, Хитойнинг Шарқий Осиёдаги таъсир доираси кенгайиши Россиянинг ққтисодий, демографик, ҳарбий манфаатларига зид келмаслигига боғлиқ. Хитойнинг иқтисодий ривожланиш манфаати жиҳатдан эътибори Сибирга қаратилган, Хитой билан бирга корейс ва япон тадбиркорлари у ердаги имкониятларни ўрганишмоқда ва фойдаланишмоқда. Сибирдаги руслар ўзларининг иқтисодий келажагини Ғарбдаги Россиядан кўра Шарқдаги Осиё мамлакатларида кўрмоқда. Россия учун асосий хавф сифатида хитойликларнинг Сибирга иммиграцияни кўрсатиш мумкин. 1995 йилда Сибирдаги хитойликлар сони 3-5 миллион атрофида, Россия фуқаролари эса 7 миллионни ташкил этган. «Хитойликлар – деб огоҳлантиради мудофаа вазири Павел Грачев, – Россиянинг узоқ шарқини тинч йўл билан босиб олишмоқда». Россиянинг иммиграция масалаларида юқори лавозимда турувчи амалдори ушбу сўзларни «Хитой экспансиясига қарши чора кўришимиз керак» дея тақрорлади. Бундан ташқари собиқ совет республикалари таркибида бўлган Ўрта Осиё давлатлари билан Хитойнинг муносабатлари ривожланиши ва кенгайиши ҳам Россия–Хитой муносабатларига совуқчилик солиши мумкин.

Хитой экспансияси ҳарбий кўриниш олиши эҳтимоли мавжуд, агар Хитой Россия томонидан биринчи жаҳон урушидан кейин ажратилган ва СССРнинг йиллар давомида йўлдоши бўлиб келган Монголияни қайтаришга уринса, қачондир мўғуллар босқинидан омон қолган русларни хаёлан кўрқитадиган «сарик ўрда» яна ҳақиқатга айланиши мумкин. Россиянинг Ислом олами билан муносабатлари русларнинг турклар, кавказликлар ва Осиё амирликларига қарши экспансиялари каби тарихий мерослар туфайли шаклланди. Ҳозирда Россия Туркиянинг Болқондаги таъсирини камайтириш учун Сербия ва Грециядаги православ ҳамкорлари билан, Кавказ худудидаги ушбу таъсирни камайтириш учун эса Арманистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Россия доимий равишда Ўрта Осиё давлатларидаги ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий таъсирини сақлаб туришга ҳаракат қилади, уларни Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилотига киришга ундади ва ҳар бирининг худудига ҳарбийларини киритди. Россиянинг эътибор марказида Каспий денгизидаги нефт ва газ бойликлари захиралари, қолаверса ушбу бойликларни Ғарбий ва Шарқий Осиёга етказиш йўли ётади. Россия Шимолий Кавказда мусулмонларга қарши уруш очган ва Тожикистонда ҳам ҳукуматни Ислом фундаменталистларига қарши туриб қўллаб-қувватламоқда. Хавфсизлик борасидаги ушбу муаммолар Марказий Осиёдаги «Ислом таҳдиди»га нисбатан Хитой билан ҳамкорлик қилишга кенг имконият беради, худди шу сабабни Россиянинг Эрон билан яқинлашишига нисбатан ҳам кўрсатса бўлади. Россия Эронга сув ости кемалари, янги қирувчи самолётлар, бомбардимончи самолётлар, ер-ҳаво ракеталари, разведка ва ҳарбий электроника воситаларини сотди. Бунга қўшимча сифатида, Россия Эронда енгил ядро реакторлари қуришга ва урани бойитиш технологиялари билан таъминлашга рози бўлди. Бунга жавоб сифатида Россия Эрондан Марказий Осиёдаги Ислом фундаментализмини тийиб туришга, Туркиянинг Кавказдаги таъсирини йўқ қилишга ёрдам кутади. Келгуси ўн йилликда Россиянинг Ислом оламига муносабати Россиянинг жанубида мусулмон аҳолиси кўпайиб кетиши хавфига қандай қарашига нисбатан шаклланади.

турларидан сотиб олди, самолёт ташувчи кемалардан тортиб Криоген самолётларгача ва АҚШнинг иқтисодий санкцияларига учради. Қуролланиш муаммоларидан ташқари, Ҳиндистон ва АҚШ ўртасида инсон ҳуқуқлари, Кашмир ва иқтисодий либераллашиш борасида ҳам турли муаммолар мавжуд. Вақт ўтиши билан Покистон–АҚШ муносабатларининг совуқлашиши ва Хитойни яқка лидерликдан тўхтатиб туриш масаласи туфайли Ҳиндистон–АҚШ муносабатларида яқинлик кутилмоқда. Ҳиндистон кучларининг Жанубий Осиё бўйлаб кенгайиши АҚШга зарар келтирмайди, аксинча унга хизмат қилади.

Цивилизациялар ва уларнинг асосий давлатлари орасидаги муносабатлар жуда чалқаш, кўпинча икки томонлама ва тез ўзгарувчан. Битта цивилизациядаги кўплаб давлатлар ўша цивилизация асосий давлатларининг йўриқлари бўйича бошқа цивилизациялар давлатлари билан муносабатларини куради. Бу доимо шундай дегани эмас, бир цивилизациянинг барча давлатлари бошқа цивилизациянинг барча бошқа давлатлари билан бир хил муносабат курмайди, албатта. Умумий манфаатлар, асосан, учинчи цивилизациядаги умумий душман туфайли икки цивилизация давлатлари ўзаро иттифоқ тузиши мумкин. Келишмовчиликлар битта цивилизация ичида ҳам бўлиши мумкин, бунга мисол қилиб Ислон цивилизациясини кўрсатиш мумкин. Қолаверса, битта цивилизация бўлиниш чизиғидаги гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари асосий давлатларнинг ўзаро муносабатларидан фарқ қилиши ҳам мумкин. Умуман олганда, цивилизациялар ва уларнинг асосий давлатлари орасидаги муносабатлар, иттифоқлар ва антагонизмлар қандай шаклланиши ва ривожланиши борасида ҳақиқатга тўлиқ мос келувчи тахминлар намоён бўлди. Нисбатан осон бўлган икки қутбли совуқ уруш давридаги ҳолат анча мураккаб бўлган кўп қутбли, кўп цивилизацияли дунёга ўрин берди, бу 9.1-расмда хулоса қилиб кўрсатилган.



9.1-расм. Цивилизациялар глобал сиёсати: иттифоқларнинг пайдо бўлиши

ЎТИШ ДАВРИ УРУШИДАН БЎЛИНИШ ЧИЗИҒИ УРУШИГА

Ўтиш давридаги урушлар: Афғонистон ва Форс кўрфази

Таниқли марокашлик олим Маҳди Элманджра Форс кўрфази урушини "La premiere guerre civilisationnelle" (*таржимон изоҳи: франс. Биринчи цивилизациялараро уруш*) деб атаган эди¹⁹. Аслида бу уруш иккинчиси эди. Биринчиси 1979-1989 йилларда юз берган Совет-Афғон уруши бўлган. Иккала уруш ҳам бир мамлакатнинг бошқаси томонидан тўғридан-тўғри босиб олинishi натижасида бошланди, аммо цивилизациялараро урушга айлангач, улар айнан шундай тавсиф этила бошланди. Бу турли цивилизацияларга мансуб гуруҳлар ўртасидаги этник низолар ва бўлиниш чизиғидаги урушлар ҳукм сурувчи эрага ўтиш давридаги урушлар эди.

Афғон уруши Совет Иттифоқининг сунъий йўлдош режимини ўрнатишга уриниши натижасида бошланди. АҚШ мазкур ҳодисага қатъий муносабат билдириб, Совет кучларига қаршилик кўрсатган афғон қўзғолонларини маблағ ҳамда қурол-яроғ билан таъминлагач, бу зиддият Совуқ урушга айланди. Америкаликлар наздида коммунистик режимларга қуролли қаршилик кўрсатиш тўғрисидаги Рейган доктринаси Совет мағлубияти орқали ўз тасдиғини топганди ва бу АҚШ Ветнамда бошдан кечирган хўрликлар учун Советларга муносиб жавоб бўлди. Мағлубият Совет жамияти ҳамда унинг сиёсий тузумига сезиларли таъсир кўрсатди ва Совет империясининг парчаланишига катта туртки бўлди. Америкаликлар ва умуман ғарбликлар учун Афғонистон Совуқ урушининг сўнгги, ҳал қилувчи ғалабаси - ўзига хос Ватерлоси бўлди.

Советларга қарши курашганлар учун эса Афғон уруши бошқа нарсани англатарди. Бу "хорижий босқинчи кучларга кўрсатилган илк муваффақиятли қаршилик бўлди"²⁰, дейди ғарблик олимлардан бири, "у на миллатчилик, на социалистик тамойилларга асосланмади", балки жиҳод сифатида олиб борилиб, Исломнинг ўзига бўлган ишончи ҳамда куч-қудратини оширган Исломий

¹⁹David C. Rapoport, "Comparing Militant Fundamentalist Groups," in Martin E. Marty and R. Scott Appleby, eds., *Fundamentalisms and the State: Remaking Politics, Economies, and Militance*, (Chicago: University of Chicago Press, 1993), p. 445.

²⁰David C. Rapoport, "Comparing Militant Fundamentalist Groups," in Martin E. Marty and R. Scott Appleby, eds., *Fundamentalisms and the State: Remaking Politics, Economies, and Militance*, (Chicago: University of Chicago Press, 1993), p. 445.

тамоийлларига асосланди. Японларнинг 1905 йил руслар устидан қозонган ғалабаси Шарқ оламига қанчалар катта таъсир кўрсатган бўлса, Афғон урушининг ислом оламига таъсири ҳам худди шундай бўлди. Ғарб эркин дунё ғалабаси деб билган ҳодисани мусулмонлар Ислом ғалабаси сифатида қабул қилди.

Америка долларлари ва ракеталарисиз Советларни мағлуб этиб бўлмасди. Аммо бунда Ислом дунёсининг умумий саъй-ҳаракатлари ҳам бирдек муҳим эдики, турли ҳукуматлар ва гуруҳлар Советларни мағлубиятга учратиш ва бу орқали ўз манфаатларига хизмат қилувчи ғалабани таъминлаш учун бир-бири билан рақобатлашдилар. Мусулмон давлатлардан уруш учун молиявий кўмак асосан Саудия Арабистонидан келган. 1984-1986 йиллар оралиғида саудияликлар ҳарбий ҳаракатга 525 миллион доллар ажратди; 1989 йилда умумий қиймати 715 миллион долларга тенг молиявий кўмакнинг 61 фоизини, яъни 436 миллион долларни улар, қолганини эса АҚШ ажратишига келишдилар. 1993 йилда улар Афғонистон ҳукуматига 193 миллион доллар ёрдам кўрсатди. Уруш давомида саудияликлар қўшган умумий маблағ камида Америка Қўшма Штатлари сарфлаган 3-3,3 миллиард доллар атрофида, эҳтимол ундан ҳам кўп бўлган. Уруш пайтида мусулмон олами, биринчи навбатда араб мамлакатларидан келган 25 мингга яқин кўнгиллилар жангари ҳаракатларда қатнашдилар. Бу кўнгиллиларнинг кўпчилиги Иорданияда ёлланган бўлиб, Покистоннинг идоралараро ҳарбий разведка бошқармаси томонидан тайёргарликдан ўтказилган. Покистон, шунингдек, қаршилик ҳаракати учун зарур ташқи база вазифасини ўтаган, моддий-техник ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатган. Бундан ташқари, Покистон Америка пулларини ўтказиш учун воситачи бўлган ва у мазкур маблағнинг 75 фоизини мақсадли равишда фундаменталист исломий гуруҳларга йўналтирган ва уларнинг 50 фоизи Гулбиддин Ҳикматяр бошчилигидаги ашаддий сунний фундаменталистик фракцияга жўнатган. Советларга қарши курашган бўлишса-да, урушнинг араб иштирокчилари ҳаддан ташқари Ғарбга қарши кайфиятда бўлиб, Ғарб ташкилотларидан келган гуманитар ёрдамни фосиклик ва Исломга путур етказувчи ҳаракат деб баҳоладилар. Охир-оқибат, Советлар самарали равишда қаршилик кўрсатолмаган учта омил туфайли мағлубиятга учрадилар:

Америка технологияси, Саудия пуллари ҳамда мусулмонлар демографияси ва мутаассиблиги.²¹

Уруш оқибатида Исломни мусулмон бўлмаган кучларга қарши қайрашга қатъий киришган исломий ташкилотлар иттифоқи шаклланди. Урушдан, шунингдек, яхши тайёргарликдан ўтган тажрибали жангчилар, ҳарбий лагерлар, полигонлар, моддий-техник таъминот, шахсий ва ташкилот даражасидаги муносабатларнинг транс-исломий тармоқлари, улкан миқдордаги ҳарбий қурол-яроғлар, жумладан, 300 тадан 500 тагача Стингер ракеталари ва, энг муҳими, эришилган ютуқдан ифтихор, ўзига ишонч, куч-қудрат ҳисси ҳамда янги ғалабаларга интилиш иштиёқи мерос бўлиб қолди. Афғонистонлик кўнгиллиларнинг «жиҳод билан боғлиқ диний ва сиёсий малакаси», 1994 йил АҚШ расмийларидан бири айтганидек, «таҳсинга лойиқ. Улар дунёнинг икки қудратли давлатидан бирини мағлуб қилди ва энди навбат иккинчисига келди».²²

Афғон уруши цивилизациялар урушига айланди, сабаби дунё мусулмонлари уни шундай талқин қилдилар ва Совет Иттифоқига қарши бирлашдилар. Форс Кўрфази уруши цивилизациялар урушига айланди, чунки ғарб мусулмонлар можаросига ҳарбий аралашувни амалга оширди. Ғарбликларнинг аксарияти бу аралашувни ёқлаб чиқди, мусулмон олами эса буни ўзларига қарши уруш деб қабул қилдилар ва ғарб империализмининг яна бир намунаси бўлган мазкур ҳаракатга қарши курашиш мақсадида бирлашдилар.

Аввалига араб ва мусулмон давлатлар уруш борасида яқдил фикрга эга эмас эдилар. Саддам Ҳусайн чегаралар дахлсизлигини бузди ва 1990 йил августида Араб давлатлари лигаси кўпчиликнинг овози билан (ўн тўрттаси ёқлаган, иккитаси қарши чиққан ва беш киши бош тортган ёки овоз бермаган) Ироқ ҳаракатларини қоралади. АҚШ томонидан ташкил этилган Ироққа қарши коалициянинг ҳарбий ҳаракатлари учун Миср ва Сурия кўп сонли аскарларни сафарбар этишга, Покистон, Марокаш ва

²¹Ted Galen Carpenter, "The Unintended Consequences of Afghanistan," *World Policy Journal*, 11 (Spring 1994), 78-79, 81, 82; Anthony Hyman, "Arab Involvement in the Afghan War," *Beirut Review*, 7 (Spring 1994), 78, 82; Mary Anne Weaver, "Letter from Pakistan: Children of the Jihad," *New Yorker*, 12 June 1995, pp. 44-45; *Washington Post*, 24 July 1995, p. A1; *New York Times*, 20 March 1995, p. 1; 28 March 1993, p. 14.

²²Tim Weiner, "Blowback from the Afghan Battlefield," *New York Times Magazine*, 13 March 1994, p. 54.

Бангладеш эса кичикроқ армия жўнатишга келишиб олдилар. Туркия Ироқдан Ўрта ер денгизига ўзининг худуди орқали ўтувчи нефт қувурини тўсиб қўйди ва коалицияга ўз ҳаво базаларидан фойдаланишга рухсат берди. Бунинг эвазига Туркия Европага кириш даъвосини қатъий асослай бошлади; Покистон ва Марокаш Саудия Арабистони билан яқин ҳамкорликни яна бир бор тасдиқладилар; Миср қарзларини бекор қилишга эришди; Сурия Ливанни қўлга киритди. Мазкур давлатлардан фарқли ўлароқ, Эрон, Иордания, Ливия, Мавритания, Яман, Судан ва Тунис ҳукуматлари, шунингдек, Фаластин Озодлик Ташкилоти, Ҳамас ва Ислом нажот fronti каби ташкилотлар Саудия Арабистонидан кўп молиявий ёрдам олганига қарамай, Ироқни қўллаб-қувватлаб, Ғарбнинг аралашувини қораладилар. Индонезия сингари бошқа мусулмон мамлакатлар ҳукуматлари эса, мурса йўлини танладилар ёки қатъий муносабат билдирмасликка ҳаракат қилдилар.

Мусулмон ҳукуматлари дастлаб бир ёқадан бош чиқаролмаган бўлса-да, араблар ва мусулмонларнинг кўпчилиги бошиданок ғарбга қарши фикрда эдилар. "Араб дунёси," дейди Яман, Сурия, Миср, Иордания ва Саудия Арабистонига ташриф буюрган Америкалик шарҳловчилардан бири Қувайт босиб олинганидан уч ҳафта ўтгач, "... АҚШдан қаттиқ дарғазаб. Улар ер юзидаги энг қудратли давлатга қарши чиқиш учун жасорат топган араб етакчиси пайдо бўлганидан қувончини ичига яширолмапти".²³ Марокашдан Хитойгача тарқалган миллионлаб мусулмонлар Саддам Ҳусайнни қўллаб-қувватлаб, "уни мусулмон қаҳрамон деб эътироф этдилар"²⁴. Демократия парадокси "мазкур зиддиятнинг улкан парадокси"да ўз аксини топди: очик сиёсат олиб борилган ва сўз эркинлиги нисбатан кам чекланган араб мамлакатларида Саддам Ҳусайнни "янада қизгин ва кенг миқёсда" қўллаб-қувватлашди.²⁵ Марокаш, Покистон, Иордания, Индонезия ва бошқа мамлакатлардаги оммавий намоишлар Ғарбнинг хатти-ҳаракатларини ҳамда Ғарбнинг малайлари деб ҳисобланган қирол Ҳассан, Беназир Бхутто, Суҳарто каби

²³Harrison J. Goldin, *New York Times*, 28 August 1992, p. A25.

²⁴James Piscatori, "Religion and Realpolitik: Islamic Responses to the Gulf War," in James Piscatori, ed., *Islamic Fundamentalisms and the Gulf Crisis* (Chicago: Fundamentalism Project, American Academy of Arts and Sciences, 1991), pp. 1, 6-7. See also Fatima Mernissi, *Islam and Democracy: Fear of the Modern World* (Reading, MA: Addison-Wesley), pp. 16-17.

²⁵Rami G. Khouri, "Collage of Comment: The Gulf War and the Mideast Peace; The Appeal of Saddam Hussein," *New Perspectives Quarterly*, 8 (Spring 1991), 56.

сиёсий раҳбарларни қоралаб чиқди. Коалиция оппозицияси ҳатто "турли динларга мансуб фуқаролар Форс кўрфазида чет эл ҳарбий кучларининг бўлишига қарши чиққан" Сурияда ҳам пайдо бўлди. Ҳиндистондаги 100 миллион мусулмонларнинг етмиш беш фоизи урушда АҚШни айблади ва Индонезиянинг 171 миллион мусулмони АҚШнинг Форс кўрфазидаги ҳарбий ҳаракатларига "деярли бир овоздан" қарши чиқди. Араб зиёлилари ҳам Саддамни қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг шафқатсизликларига кўз юмиш ва Ғарб аралашувини қоралаш учун мужмал асосларни баён этдилар.²⁶

Араб ва бошқа мусулмон халқлари Саддам Ҳусайннинг қонхўр золим эканини инкор этишмаган, аммо Франклин Делано Рузвелтнинг ибораси билан айтганда "у миллатнинг қонхўр золими" бўлган. Уларнинг фикрига кўра, Қувайтга қарши босқинчилик ҳаракати оилавий масала бўлиб, у оила аъзолари доирасида ҳал қилиниши керак эди, аллақандай халқаро адолат назариясини пеш қилиб бу масалага аралашган ҳукуматлар шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва арабларнинг Ғарбга қарамлигини сақлаб қолиш мақсадида шундай йўл тутган. Бир тадқиқотда айтилишича, араб зиёлилари "Ироқ тузумидан нафратланадилар ва у кўрсатган шафқатсизлик ва авторитар бошқарувни тўғри деб топмайдилар, аммо араб дунёсининг асосий душмани – Ғарбга қаршилик кўрсатиш марказига айланаётгани учун унга ҳурмат билан қарайдилар". Улар "араб дунёсини Ғарбнинг акси сифатида тавсифлайди". "Саддам номаъқул иш қилди. - дейди фаластинлик профессор. -Аммо Ироқни Ғарбнинг ҳарбий аралашувига қарши чиққани учун айблай олмаймиз". Ғарб ва бошқа жойлардаги мусулмонлар Саудия Арабистонида мусулмон бўлмаган қўшинлар тургани ва бунинг натижасида мусулмонларнинг муқаддас қадамжолари "тахқирлангани"ни қораладилар.²⁷ Умумий фикрни қисқа қилиб қуйидагича изоҳлаш мумкин: Саддам босқинчилик қилиб ёмон иш қилди, Ғарб эса бунга аралашиб янада

²⁶Ann Mosely Lesch, "Contrasting Reactions to the Persian Gulf Crisis: Egypt, Syria, Jordan, and the Palestinians," *Middle East Journal*, 45 (Winter 1991), p. 43; *Time*, 3 December 1990, p. 70; Kanan Makiya, *Cruelty and Silence: War, Tyranny, Uprising and the Arab World* (New York: W. W. Norton, 1993), pp. 242ff.

²⁷Eric Evans, "Arab Nationalism and the Persian Gulf War," *Harvard Middle Eastern and Islamic Review*, 1 (February 1994), p. 28; Sari Nusselbeh, quoted *Time*, 15 October 1990, pp. 54-55.

катта хато қилди, шунинг учун Саддам Ғарб билан урушишга ҳақли, биз эса уни кўллаб-қувватлашга ҳақлимиз.

Турли цивилизацияларга мансуб гуруҳлар ўртасидаги бошқа урушларнинг асосий иштирокчилари сингари Саддам Ҳусайн ҳам ўзининг аввалги дунёвий режимини энг кенг тарқалган ғоя – Ислом билан боғлади. Мусулмон дунёсида халқларнинг У шаклида тақсимланиши ҳисобга олинса, Саддамнинг бошқа чораси ҳам йўқ эди. Миср шарҳловчисининг таъкидлашича, танловнинг араб миллатчилиги ёки "учинчи дунё" нинг ғарбга қарши мужмал ғояси эмас, балки Исломга тўғри келганлиги, "исломнинг кенг оммани ўзига эргаштира оладиган сиёсий мафкура сифатида қадрланишидан далолат беради".²⁸ Гарчи Саудия Арабистони кундалик ҳаётда ва давлат масалаларида Эрон ва Судандан ташқари, бошқа мусулмон давлатларига нисбатан Исломга қатъий риоя қилиши ва дунё бўйлаб исломий гуруҳларни молиялаштиришига қарамай, ҳеч бир мамлакатда бирон бир исломий ҳаракат Ғарбнинг Ироққа қарши коалициясини кўллаб-қувватламади ва уларнинг барчаси Ғарбнинг аралашувига қарши чиқди.

Шу тариқа уруш мусулмонлар учун тез орада Исломнинг мустаҳкамлигига хавф солган цивилизациялараро урушга айланди. Миср, Сурия, Иордания, Покистон, Малайзия, Афғонистон, Судан ва бошқа мамлакатлардаги фундаменталист гуруҳлар уни "салибчилар ва сионистлар" иттифоқи томонидан "Ислом ва унинг цивилизацияси" га қарши олиб борилаётган уруш деб баҳоладилар ва "ҳарбий ва иқтисодий тажовуз" қаршисида турган Ироқни кўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар. 1980 йил кузида Маккадаги Ислом Университети декани Сафар ал-Ҳавали бу "дунёнинг Ироққа қарши уруши эмас. Бу Ғарбнинг Исломга қарши уруши", дея баёнот берди ва унинг сўзлари ёзиб олинган тасма Саудия Арабистонида кенг тарқалди. Иордания қироли Ҳусайн ҳам шунга ўхшаш фикр билдирган ҳолда, бу "нафақат Ироққа, балки барча араблар ва барча мусулмонларга қарши уруш" эканини таъкидлади. Бундан ташқари, Фотима Мерниссининг таъкидлашича, Президент Бушнинг Америка Қўшма Штатлари номидан Худога тез-тез баландпарвоз мурожаат

²⁸Karin Haggag, "One Year After the Storm," *Civil Society* (Cairo), 5 (May 1992), 12.

қилиши, буниг устига, Бушнинг "Исломгача бўлган даврдаги VII аср қўшинларининг эҳтиёткор ва ғаразли ҳужумлари ва кейинчалик христианларнинг салиб юришлари" ҳақидаги мулоҳазалари араблар буни "диний уруш" деб талқин этишларига туртки бўлди. Бу уруш Ғарб ва сионистларнинг фитнаси билан қўзғатилган салиб юриши экани ҳақидаги далиллар ўз навбатида уларга жавобан жиҳод эълон қилинишини асослаб берди.²⁹

Мусулмонлар орасида мазкур хатти-ҳаракатларни Ғарбнинг Исломга қарши уруши деб талқин этилиши мусулмон дунёсидаги низоларнинг сусайишига ёки бирмунча вақт тўхтатилишига имкон берди. Мусулмонлар ўртасидаги эски келишмовчиликлар Ислом ва Ғарб ўртасидаги муҳим тортишувлар қаршисида ўз аҳамиятини йўқотди. Уруш давомида мусулмон ҳукуматлари ва гуруҳлари доимий равишда ўзларини Ғарбдан узоқлаштириб бордилар. Ўзидан олдинги Афғон уруши сингари Кўрфаз уруши ҳам авваллари бир-бирларининг бўғзидан олишга тайёр бўлган мусулмонлар: клерикалларга қарши араблар, миллатчилар ва фундаменталистлар; Иордания ҳукумати ва Фаластинликлар; Фаластин Озодлик Ташкилоти ва Ҳамас; Эрон ва Ироқ; умуман ҳукуматлар ва мухолифат партияларни яраштириб қўйди. "Ироқдаги бу Баасистлар, - деди Сафар ал-Ҳавали, - бир неча соатгагина душманимиз, аммо Рим қиёматга қадар душманимиз бўлиб қолади".³⁰ Уруш Ироқ ва Эрон ўртасидаги ярашув жараёнини ҳам бошлаб берди. Эроннинг шиа диний раҳбарлари Ғарбнинг аралашувини қоралаб, Ғарбга қарши жиҳод қилишга чақирди. Эрон ҳукумати собиқ душманига қарши чора кўриш фикридан қайтди ва урушдан сўнг икки тузум ўртасидаги муносабатлар аста-секин яхшиланиб борди. Бундай ҳолларда ташқи душман мамлакатнинг ички можароларини ҳам камайтиради. Масалан, 1991 йил январ ойида Покистонда "Ғарбга қарши мунозаралар" кенг ёйилди, натижада мамлакат вақтинчаликка бўлса-да ярашди. "Покистон ҳеч қачон бу қадар жипслашган эмас. Маҳаллий Синдхлар ва Ҳиндистондан келган муҳожирлар беш йилдан бери бир-бири билан қирпичоқ бўлаётган жанубий Синд вилоятида икки

²⁹*Boston Globe*, 19 February 1991, p. 7; Safar al-Hawali, quoted by Mamoun Fandy, *New York Times*, 24 November 1990, p. 21; King Hussein, quoted by David S. Landes, "Islam Dunk: the Wars of Muslim Resentment," *New Republic*, 8 April 1991, pp. 15-16; Fatima Mernissi, *Islam and Democracy*, p. 102.

³⁰Safar Al-Hawali, "Infidels, Without, and Within," *New Perspectives Quarterly*, 8 (Spring 1991), 51.

душман томон елкама-елка туриб америкаликларга қарши намоёишларда иштирок этдилар. Шимоли-ғарбий чегарадаги ўта консерватив қабила ҳудудларида, кўпинча одамлар жума намозидан бошқа нарсага йиғилмайдиган жойларда, ҳатто, аёллар ҳам норозилик белгиси сифатида кўчаларга чиқишди”.³¹

Урушга қарши жамоатчилик фикри тобора кучайиб борар экан, дастлаб ўзларини коалиция билан боғлаган ҳукуматлар энди ўзларини орқага тортдилар ёки ўзаро келишмовчиликка дуч келдилар ва ўз хатти-ҳаракатлари учун пухта сабаблар ўйлаб топдилар. Ҳафиз Асад сингари коалиция учун қўшин ажратган раҳбарлар энди бу ҳарбий кучлар Саудия Арабистонидаги Ғарб армиясини мувозанатлаштириш ва охир-оқибат уларнинг ўрнини эгаллаш учун зарур бўлганини ва улар ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат мудофаа ва муқаддас жойларни ҳимоя қилиш мақсадида ишлатилишини таъкидлади. Туркия ва Покистонда юқори мартабали ҳарбий етакчилар ҳукуматларининг коалиция билан бирлашишини оммага маълум қилишди. Энг кўп қўшин юборган Миср ва Сурия ҳукуматлари Ғарбга қарши босимни бостириш ва эътиборсиз қолдириш учун мамлакат ичидаги вазиятни етарлича назорат остига олдилар. Бошқа нисбатан очикроқ мусулмон мамлакатлар ҳукуматлари Ғарбдан узоқлашишга ва тобора Ғарбга қарши позицияни эгаллашга мажбур бўлдилар. Мағрибда "Ироқнинг оммавий қўллаб-қувватланиши" "урушнинг энг кутилмаган ҳодисаларидан бири" бўлди. Тунисда жамоатчилик фикри ғарбга қарши қатъий шаклланган эди ва президент Бен-Али Ғарбнинг аралашувини қоралашга шошилди. Марокаш ҳукумати дастлаб коалицияга 1500 кишилик қўшин ажратди, аммо кейин Ғарбга қарши гуруҳлар сафарбар этилгач, Ироқ номидан умумий иш ташлашларни маъқуллади. Жазоирда 400 минг кишининг Ироқ учун намоёишга чиқиши дастлаб Ғарбга ён босган Президент Бенжедидни ўз позициясини ўзгартириб, Ғарбни қоралашга ва "Жазоир қардош Ироқ халқи томонида бўлишини" эълон қилишга мажбур қилди.³² 1990 йил августида Мағрибдаги уч мамлакат ҳукуматлари Араб давлатлари лигасида Ироқни қоралаш учун овоз бердилар. Кузда улар оммавий

³¹*New York Times*, 1 February 1991, p. A7; *Economist*, 2 February 1991, p. 32.

³²*Washington Post*, 29 January 1991, p. A10; 24 February 1991, p. B1; *New York Times*, 20 October 1990, p. 4.

намойишларга жавобан Америка аралашувини қоралаш тўғрисидаги таклифни маъқулладилар.

Ғарбнинг ҳарбий саъй-ҳаракатлари ҳам ғарбий бўлмаган ва мусулмон бўлмаган цивилизацияларга мансуб халқлардан оз миқдорда кўмак олди. 1991 йил январ ойида аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, японларнинг 53 фоизи урушга қарши чиққан, 25 фоизи эса уни қўллаб-қувватлаган. Индусларнинг бу борадаги фикри тенг иккига бўлинди: "TheTimesofIndia" "кучли ва такаббур яҳудий-христиан дунёси ва диний мутаасибликдан заифлашган мусулмон дунёси ўртасида ўта кескин тўқнашувга" олиб келиши мумкин деб огоҳлантирган бу урушда индусларнинг биринчи ярми Саддам Ҳусайнни, иккинчи ярми Жорж Бушни айблади. Ироқ ва Қувайт ўртасидаги бошланган Кўрфаз уруши Ироқ ва Ғарб ўртасидаги урушга, сўнгра Ислом ва Ғарб ўртасидаги урушга айланди ва охир-оқибат Ғарб цивилизациясига мансуб бўлмаганларнинг кўпчилиги бунга Шарқнинг Ғарбга қарши уруши, "оқ танлилар уруши, эски империализмнинг янгидан бош кўтариши" деб қарай бошладилар.³³

Қувайтликлардан бошқа ҳеч қайси мусулмон халқлар урушга иштиёқ билдирмади ва уларнинг аксарияти Ғарбнинг аралашувига қарши чиқди. Уруш тугагач, ғалаба парадлари Лондон ва Вашингтондан ташқари ҳеч қаерда ўтказилмади. "Уруш якуни, - таъкидлайди Сухайл Х. Хашми, - арабларга хурсандчилик учун ҳеч қандай сабаб қолдирмади". Уларни ғалаба кайфияти ўрнига чуқур умидсизлик, саросима, хўрлик ва нафрат ҳисси чулғаб олди. Ғарб яна ғолиб чиқди. Арабларга умид бағишлаган сўнгги Салоҳиддин (*таржимон изоҳи: Левантда европалик салибчиларга қарши кураш олиб борган Миср султони, Айюбийлар сулоласи асосчиси*) яна бир бор мағлубиятга учради ва Ислом жамияти ишларига кўпол равишда аралашган Ғарбнинг шиддатли ҳужумига дучор бўлди. "Бутун техникаси билан қуролланган Ғарб бошимизга бомба ёғдирганидан кейин,-дейди Фотима Мерниси, -араблар учун урушдан ҳам баттар фалокат бўлиши мумкинми?" Бу ҳақиқий даҳшат эди".³⁴

³³Quoted in *Saturday Star* (Johannesburg), 19 January 1991, p. 3; *Economist*, 26 January 1991, pp. 31-33.

³⁴Sohail H. Hasmi, review of Mohammed Haikal, "Illusions of Triumph," *Harvard Middle Eastern and Islamic Review*, 1 (February 1994), 107; Mermissi, *Islam and Democracy*, p. 102.

Урушдан сўнг Қувайт ташқарисидаги араб жамоатчилиги Форс кўрфазида АҚШ харбий кучларининг жойлашишига танқидий муносабат билдирди. Қувайт озод килинган, Саддам Ҳусайнга қарши чиқиш учун ҳам, АҚШ қўшинининг Форс кўрфазида туриши учун ҳам ҳеч қандай сабаб қолмади. Шундан буён, ҳатто, Миср каби мамлакатларда ҳам жамоатчилик фикри Ироққа нисбатан тобора кўпроқ хайрихоҳлик билдирди. Ироққа қарши коалицияга аъзо бўлган араб мамлакатлари ҳукуматлари ўз позицияларини ўзгартирдилар.³⁵ 1992 йил августида Миср, Сурия ва бошқа бир қатор давлатлар Ироқ жанубида парвоз таъқиқланган авиация зонасининг ўрнатилишига қарши чиқдилар. Араб ҳукуматлари ҳамда Туркия 1993 йил январида Ироққа ҳаво ҳужумлари уюштирилишига қарши чиқдилар. Ғарбнинг ҳаво кучларидан сунний мусулмонларнинг шиа мусулмонлари ва курдларга қарши ҳужумларига жавобан фойдалана олишган бўлса, нега энди уларни православ сербларнинг Босния мусулмонларига қарши ҳужумларига жавобан ишлатиш мумкин эмас? 1993 йил июн ойида Президент Клинтон собиқ президент Бушга суиқасд уюштиргани учун ироқликлардан қасос олиш мақсадида Бағдодни бомбардимон қилишни буюрди ва турли цивилизациялардаги дунё ҳамжамияти бунга нисбатан қатъий муносабат билдирди. Исроил ва Ғарбий Европа ҳукуматлари ҳужумни қаттиқ қўллаб-қувватлади; Россия буни ўзини ҳимоя қилишнинг "оқланган" усули сифатида қабул қилди; Хитой "чуқур хавотирда эканини" билдирди; Саудия Арабистони ва Кўрфаз Амирликлари ҳеч қандай фикр билдирмади; бошқа мусулмон ҳукуматлари, шу жумладан Миср мазкур ҳаракатни Ғарбнинг иккиёқлама сиёсатининг яна бир намунаси сифатида қоралади, Эрон эса буни Американинг "янги босқинчилик сиёсати ва манманлигидан" дан келиб чиққан "мудҳиш ҳужум" деб баҳолади.³⁶ Нима учун АҚШ ва "ҳалқаро ҳамжамият" (яъни, Ғарб) Исроилнинг қабих хатти-ҳаракати ва БМТ резолюцияларини кўпол равишда бузганига худди шундай муносабат билдирмайди, деган савол қайта-қайта муҳокамаларга сабаб бўлди. Кўрфаз уруши Совуқ урушдан кейин ресурслар учун олиб борилган биринчи цивилизациялараро уруш бўлди. Дунёдаги энг йирик нефт захираларининг катта қисми хавфсизлиги

³⁵Shibley Telhami, "Arab Public Opinion and the Gulf War," *Political Science Quarterly*, 108 (Fall 1993), 451.

³⁶*International Herald Tribune*, 28 June 1993, p. 10.

Ғарбнинг ҳарбий кучларига қарам бўлган саудияликлар ва амирлик ҳукуматлари кўлида бўладими ёки Ғарбга қарши нефт қуролини қўллаши мумкин бўлган мустақил режимлар томонидан назорат қилинадими, деган масала ҳал бўлиш арафасида эди. Ғарб Садам Ҳусайинни ҳукуматдан ағдаришга муваффақ бўлмади, аммо Форс кўрфазидаги давлатлар хавфсизлиги уларга боғлиқлигини исбот қилди ва кўрфазидаги ҳарбий кучларини мустаҳкамлаб олди. Урушдан олдин Эрон, Ироқ, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши ҳамда Америка Қўшма Штатлари ушбу минтақада таъсир кучига эга бўлиш учун ўзаро курашди. Урушдан сўнг Форс кўрфази "Америка кўлига" айланди.

Бўлиниш чизиғи бўйлаб урушларнинг ўзига хос жиҳатлари

Барча даврларда ва барча цивилизацияларда энг кўп тарқалган урушлар уруғ-аймоқлар, қабилалар, этник гуруҳлар, диний жамоалар ва халқлар ўртасида бўлган урушлардир; бундай урушларнинг сабаби одамларнинг бир-бирига ўхшамаслигига бориб тақалади. Одатда бундай тўқнашувлар маълум жой билан чегараланган маҳаллий характерга эга бўлади, яъни кенг ғоявий ёки сиёсий масалаларга ёхуд ихтилофда иштирок этмайдиган тарафнинг, гарчи ихтилофдан четда турган тарафларда ҳам гуманитар муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлса-да, бевосита манфаатларига даҳл қилмайди. Этник ўзига хосликнинг муҳим масалалари ҳал бўлаётгани боис, улар шафқатсиз ва қонли можароларга айланиши ҳам мумкин. Бунинг устига барча шунга ўхшаш низолар узоқ давом этади; ярашиш ёки келишиш бундай можароларни тўхтатиши мумкин, бироқ одатда бундай келишувлар бузилади ва ихтилоф қайтадан бошланади. Бошқа тарафдан олиб қараганда, фуқаролик уруши қатнашчиларидан бирининг ҳал қилувчи ғалабаси геноцид эҳтимолини кучайтиради. Бўлиниш чизиғи бўйлаб низолар – миллий-диний ёки жамоалар ўртасида, давлатлар ўртасида ёки турли цивилизацияларга тааллуқли давлатлар гуруҳлари ўртасида бўлиши мумкин. Бўлиниш чизиғи бўйлаб урушлар – бу зўравонлик ҳаракатларига айланиб кетган можаролардир. Бундай урушлар давлатлар ва ҳукуматга тегишли бўлмаган гуруҳлар ўртасида бўлиб ўтиши мумкин. Бир мамлакат чегарасида бўлиб

ўтадиган бўлиниш чизиғи бўйлаб низоларда географик жиҳатдан узоқда жойлашган гуруҳлар қатнашиши мумкин; бундай ҳолларда, ҳукумат томонидан назорат қилинмайдиган гуруҳ одатда мустақиллик учун курашади ва бундан камроғига рози бўлишга тайёр бўлиши ёки тайёр бўлмаслиги мумкин. Бир мамлакат чегарасида бўлиб ўтадиган бўлиниш чизиғи бўйлаб низоларда шунингдек географик жиҳатдан аралашиб кетган гуруҳлар ҳам жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда муносабатларнинг доимий кескинлиги вақти-вақти билан зўравонликни келтириб чиқаради. Ҳиндистондаги ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги, Малайзиядаги мусулмонлар билан хитойлар ўртасидаги муносабатлар бунинг ёрқин мисоли; тўлиқ кўламдаги уруш келиб чиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Айниқса, янги давлатлар юзага келганида ва уларнинг чегаралари белгиланаётган вақтда халқлар ўта шафқатсизлик билан бир-бирдан мажбуран ажратилади.

Баъзан бўлиниш чизиғи бўйлаб низолар халқ устидан назорат олиб бориш учун кураш сифатида намоён бўлади. Кўпинча, маълум бир ҳудудга эгалик қилиш учун кураш боради. Низода иштирок этаётган тарафлардан ҳеч бўлмаса биттасининг мақсади ҳудудни босиб олиш ва у ердаги халқни қувиб чиқариш ёки жисмонан йўқ қилиш, ёхуд буларнинг иккаласини ҳам бирга амалга ошириш орқали бошқа халқни озод қилишдан иборат бўлади ва бу «этник тозалаш» сифатида талқин этилади. Бундай тўқнашувлар одатда энг қабих кўринишларни олади ва ҳар иккала тараф ҳам оммавий қирғинлар, қатллар ва қийноқларга қўл уради. Низо объекти ҳисобланадиган ҳудуд кўпинча бир тараф ёки ҳар иккала тараф томонидан ҳам уларнинг тарихи ва ўзига хослигининг ўта муҳим рамзи, ва бунга фақатгина улар ҳақли бўлган муқаддас замин сифатида қаралади: Иордания дарёсининг ғарбий қирғоғи, Кашмир, Тоғли Қорабоғ, Дрина водийси, Косово каби.

Одатда, миллий-диний урушларнинг баъзи бир хусусиятлари бўлиниш чизиғи бўйлаб урушларга ҳам хос бўлади. Улар узоқ вақтга чўзиладиган ихтилофлардир. Агар бундай урушлар бир давлат ичида ўтаётган бўлса, унда бундай урушлар давлатлар ўртасида бўладиган урушларга қараганда ўртача олти баробар узоқроқ вақт давом этади. Урушга сабаб бўлган гуруҳга тааллуқлилиқ ва ҳокимият

масалалари музокаралар ва муросалар орқали ечилиши анча қийин кечади. Мурасага келинган тақдирда ҳам, баъзан шунақа бўладики, уни низолашаётган тарафларнинг ҳамма гуруҳлари ҳам имзоламайди ва одатда бундай келишувга риоя этиш унча узоққа чўзилмайди. Бўлиниш чизиғи бўйлаб урушлар ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади: улар оммавий зўравонлик акциялари билан бошланиб, сўнгра султ ҳарбий ҳаракатларга айланиши ёки яна бошидан лав этиб ёниши учун яширин адоват тусини олиши мумкин. Жамоавий ўзига хослик ва нафрат гулханлари, геноцидни ҳисобга олмаганда, камдан-кам ҳоллардагина тўлиқ алангаланиши мумкин. Бўлиниш чизиғида содир бўлувчи урушлар жамоалар ўртасидаги бошқа урушлар сингари, узоқ вақтга чўзилиши мумкин. Одатда, бунинг оқибати кўп сонли қурбонлар ва қочқинларни юзага келтиради. Уруш қурбонлари ва қочқинлари сонига баҳо беришда эҳтиёткорлик билан иш тутишга тўғри келади. 1990 йиллар бошларида бўлиниш чизиқлари бўйлаб бораётган урушларда ҳалок бўлганлар сони қуйидагича: Филиппинда 50000, Шри-Ланкада 50000-100000, Кашмирда 20000, Суданда 500000-1,5 млн., Тожикистонда 100000, Хорватияда 50000, Боснияда 50000-200000, Чечинда 30000-50000, Тибетда 100000, Шарқий Тиморда 200000 одам уруш қурбони бўлган. Бу можаролар натижасида қочоқлар сони бундан анча кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги урушларнинг аксариятини қонли тўқнашувларнинг узоқ чўзилган тарихидаги сўнги раундга ўхшатиш мумкин, йигирманчи аср охиридаги зўравонликлар бу урушларга хотима беришга йўл қўймайди. Масалан, Судандаги қуролли қураш 1956 йилда бошланиб, 1972 йилгача давом этди, ўшанда эришилган келишув туфайли Жанубий Судан бирмунча автономга эга бўлганди, бироқ 1983 йилда уруш қайтадан аланга олди. Шри-Ланкадаги Тамил қўзғолони 1983 йилда бошланган; зўравонликка барҳам бериши керак бўлган музокаралар 1991 йилда барбод бўлди, лекин 1994 йилда яна қайтадан тикланди ва 1995 йил январиди оловли тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилди. Бироқ, орадан тўрт ой ўтар-ўтмай, қўзғолончи “йўлбарслар” султҳни бузиб, тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги музокараларни рад этишди. Шундан кейин уруш яна кескин тус олди. Филиппиндаги мусулмон-моролар қўзғолони 1970 йиллар бошида авж олди ва 1976 йилга бориб,

Минданао оролидаги алоҳида районларга ўзини ўзи бошқариши юзасидан бирмунча эркинлик берган келишув тузилиши билан бироз босилгандай бўлди. Бироқ, 1993 йилга келиб, зўравонлик тўқнашувлари яна тез-тез такрорлана бошлади ва тинчлик битими тузишга бўлган уринишларни рад этган турли диссидентлар гуруҳлари кўзғолончилар таркибидан ажралиб чиқиши билан янада кенгроқ тус ола бошлади. 1995 йил июлда россиялик ва чечен йўлбошчилар демилитаризация ҳақида бир битимга келишди, бу ундан олдинги йил декабрда юзага келган зўравонликка барҳам бериши керак эди. Уруш қисқа вақтга тингандек бўлди, бироқ кейин яна давом этди: чеченлар алоҳида рус ва руспараст йўлбошчиларга ҳужум қила бошладилар, руслар жавоб ҳаракатларини амалга оширишди. 1996 йил январда чеченларнинг Доғистонга босқини бошланди, сўнгра Россия ҳужумга ўтди.

Бўлиниш чизиғи бўйлаб урушлар бошқа рационал диний урушларга узок чўзилиши, зулм даражаси юқори бўлиши ва ғоявий иккиюзламачилиги билан ўхшаб кетсада, икки жиҳати билан фарқ қилади. Биринчидан, жамоалар ўртасидаги урушларда этник, диний, ирқий ва тил гуруҳлари иштирок этиши мумкин. Бироқ дин цивилизациянинг асосий белгиси бўлганлиги сабабли, бўлиниш чизиғи бўйлаб урушлар деярли ҳар доим турли цивилизацияларга тегишли бўлган одамлар ўртасида бўлиб ўтади. Баъзи аналитиклар бу омилни унчалик ҳам муҳим деб ҳисоблашмайди. Улар масалан умумий этник тааллуқлилиқ ва тилга, ўтмишда серблар ва мусулмонлар ўртасидаги никоҳлар кенг тарқалганлигига эътибор қаратишади ва Фрейднинг “кичик фарқларга маҳлиё бўлиш” назариясини далил қилиб келтирган ҳолда, диний омилни четга суришади. Бироқ, бундай фикрлар асосида узокни кўролмаслик, калтабинлик ётади. Неча минг йиллик инсоният тарихи шундан далолат берадики, дин – бу “кичик фарқ” эмас, балки одамлар ўртасида бўлиши мумкин бўлган энг чуқур фарқдир. Бўлиниш чизиқлари бўйлаб урушларнинг такрорланиши, кўлами ва бешафқатлиги турли худоларга ишонч орқали янада кучаяди.

Иккинчидан, бошқа жамоалар ўртасидаги урушлар локал, яъни маҳаллий характерга эга, ва демакки, уларнинг катталаниши ва можарога қўшимча иштирокчиларни жалб қилиш эҳтимоли нисбатан кам. Бўлиниш чизиқлари бўйлаб

бўлиб ўтадиган урушларда эса, аксинча, анча йирик маданий моҳиятнинг бир қисми бўлган гуруҳлар иштирок этади. Оддий жамоалараро тўқнашувда А гуруҳи В гуруҳи билан уруш олиб боради; С, D ва E гуруҳларида, агар А ва В бевосита С, D ва E гуруҳларининг манфаатларига дахл қилмаса, бу урушда иштирок этиши учун ҳеч бир сабаб йўқ. Бўлиниш чизиқлари бўйлаб бўлиб ўтадиган урушларда эса, аксинча А1 гуруҳи В1 гуруҳи билан уруш олиб боради ва уларнинг ҳар бири урушни кенгайтириш ва цивилизация жиҳатидан ўзига яқин бўлган А2, А3, А4 ва В2, В3, В4 гуруҳларининг қўллаб–қувватлашларига эришишга интилади, ҳамда ўзларини кураш олиб бораётган уруғдошлари билан бир қаторга қўядилар. Транспорт алоқалари ва коммуникация воситалари ривожланиши бу ўзаро алоқаларнинг ўрнатилишини ва бўлиниш чизиғи бўйлаб ихтилофларнинг интернационаллашувини осонлаштиради. Миграция жараёнлари туфайли учинчи цивилизацияларда диаспоралар вужудга келди. Алоқа воситалари ривожланиши билан кураш олиб бораётган партияларга ёрдам бериш тўғрисида мурожаатлар билан чиқишлари осонлашди, уларга қардош гуруҳлар эса, эндиликда бу партияларнинг тақдири ҳақида тезда хабардор бўлиш имконига эга бўлдилар. Шундай қилиб, дунёнинг “янада зичлашуви” қардош гуруҳларга уруш олиб бораётган партияларни маънан, дипломатик, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаш имконини берди: энди бундай қўллаб қувватлашдан ўзини тийиш анча қийин бўлиб қолди. Бундай ёрдамни бериш учун халқаро тармоқлар ривожланяпти ва бундай ёрдамлар ихтилофларни янаям узайтиради. Г.Д.С.Гринуэя бунга аниқ таъриф бериб, бўлиниш чизиғи бўйлаб борадиган урушларнинг асосий белгиси “қардош мамлакатлар синдроми” ҳисобланишини таъкидлаган. Бунинг устига, турли цивилизацияларга тегишли бўлган одамлар ўртасидаги зўравонликнинг энг кичик кўринишлари ҳам одатда жуда узоққа борадиган оқибатларни келтириб чиқарадики, цивилизация ичидаги зўравонликларда, одатда, бундай воқеа кузатилмайди. 1995 йил февралда Карачида террорист суннийлар масжидда намоз ўқиётган шияларни ўққа тутиб, қонунни бузишди ва Покистон учун муаммоларни келтириб чиқаришди. Орадан бир йил ўтиб, жухуд кўчманчиси Хеврондаги Патриархатлар ғорида

йигирма тўққизта мусулмонни ўлдирганида эса, Яқин шарқдаги музокаралар жараёнини тўзғитиб юборди ва бутун дунё учун муаммоларни келтириб чиқарди.

Тарқалиш доираси: исломнинг қонли чегаралари

Жамоалар ўртасидаги ихтилофлар ва бўлиниш чизиқлари бўйлаб урушлар тарих ўрганиши керак бўлган фанлардир. Бўлиниш чизиқлари бўйлаб урушлар Совуқ уруш пайтида юз берган ўттиз икки этник тўқнашувларни, шу жумладан бўлиниш чизиқлари бўйлаб урушлар – араблар билан исроилликлар, ҳиндлар билан покистонликлар, суданлик мусулмонлар билан христианлар, шри-ланкалик буддистлар билан тамиллар, ливанлик шиялар билан маронитлар ўртасидаги ихтилофларни ўз ичига олади. Ўзига хослик учун олиб борилган урушлар 1940 ва 1950 йилларда олиб борилган барча фуқаролик урушларининг ярмига яқинини ташкил қилади, бироқ охириги ўн йилликлар давомида бу улуш тўртдан уч қисмини ташкил қилди ва этник гуруҳлар иштирок этган кўзғолонлар кучи 1950 йилларнинг бошидан 1980 йилларнинг охирига бўлган даврда уч мартага ошди. Бироқ бу ихтилофлар суперкудратли давлатлар ўртасидаги зўр бериб қилинаётган рақобат соясида қолиб кетди, баъзи бир алоҳида эса қоларлик мустасноларни ҳисобга олмаганда, улар унчалик эътиборни жалб қилмаган ва одатда уларга “совуқ уруш” призмаси орқали қараб келинган. Совуқ уруш ниҳоясига етиб боргани сари, жамоалар ўртасидаги ихтилофлар кўпроқ кўзга ташлана бошлади ва шубҳасиз, олдингига қараганда анча кенгроқ тарқала борди. Аслида ҳам, этник тўқнашувлар тарихида “юксалиш”га ўхшаш воқеа кузатила бошлади.

Бу этник тўқнашувлар ва бўлиниш чизиғи бўйлаб урушлар цивилизациялар ўртасида тенг даражада тарқалган эмасди. Асосий тўқнашувлар собиқ Югославиядаги серблар ва хорватлар ўртасида, Шри-Ланкадаги буддистлар ва ҳиндлар ўртасида бўлиб ўтди. Шу билан бир вақтда зўравонлик даражаси паст бўлган ихтилофлар бошқа бир қанча жойларда мусулмон бўлмаган гуруҳлар ўртасида кузатилди. Бироқ, бўлиниш чизиқлари бўйлаб тўқнашувларнинг аксарияти мусулмонларни мусулмон бўлмаганлардан ажратиб турувчи Евроосиё ва Африкани қамраб оладиган халқа чегарасида бўлиб ўтди. Шу билан бирга, глобал ёки макро

даражадаги дунё сиёсатида цивилизациялар ўртасидаги асосий тўқнашувлар Ғарб билан қолган дунё ўртасида, маҳаллий ёки микро даражада эса, ислом ва бошқа динлар ўртасида бўлиб ўтади.

Мусулмон ва мусулмон бўлмаган қўшни халқлар ўртасида мунтазам чуқур антагонизм ва қонли тўқнашувлар бўлиб туради. Боснияда мусулмонлар православ серблар билан қонли ва вайрон қилувчи уруш олиб бордилар ва католик хорватлар билан қуролли курашда иштирок этдилар. Косовада албан мусулмонлари серб ҳукумати зулмидан азият чекарди, шу сабабли улар ўзларининг яширин параллел ҳукуматларини шакллантирдилар. Эндиликда, икки гуруҳ ўртасида юқори зўравонлик эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Албан ва грек ҳукуматлари бир-бири билан низолашиб қолди, бунинг сабаби эса бу мамлакатларда албан ва грек майда миллатларининг ҳуқуқлари масаласи эди. Турклар ва греклар бир умр бир-бирларига чанг солишга шай турадилар. Кипрда эса бир-бирига душман мусулмон турклар ва православ греклар давлатлари бор. Кавказда Туркия ва Арманистон тарихий душманлар ҳисобланса, озарбайжонлар ва арманлар Тоғли Қорабоғ учун уруш олиб боришган. Шимолий Кавказда икки юз йил давомида чеченлар, ингушлар ва бошқа мусулмон халқлари ўз Ватанларининг мустақиллиги учун курашганлар, бу кураш 1994 йилда қайтадан тикланди. Тўқнашувлар ингушлар ва православ осетинлар ўртасида ҳам бўлиб ўтди. Волга ҳавзасида мусулмон татарлар азалдан руслар билан уруш олиб боришган ва 1990 йиллар бошига келиб Россиядан чекланган суверенитет кўринишидаги шубҳали муросага эришдилар.

Ўн тўққизинчи асрда Россия қурол куч билан Ўрта Осиёдаги мусулмон халқлари устидан ўз назоратини мунтазам кенгайтириб борди. 1980 йилларда афғонлар ва руслар кенг кўламли уруш олиб борди. Россия ушбу урушдан чекиниши билан, уруш Тожикистонда – мавжуд ҳокимиятни қўллаб-қувватловчи рус армияси билан кўзғолончи-мусулмонлар ўртасида давом этди. Синцзянда уйғурлар ва бошқа мусулмон гуруҳлари хитойлаштиришга қарши кураш олиб бордилар ва собиқ шўро республикаларидаги этник ва диндош қардошлари билан муносабатларини чуқурлаштиришга ҳаракат қилиб келдилар. Ҳиндистон ярим оролида Покистон

билан Ҳиндистон учта урушда бир-бирлари билан жанг қилган, мусулмон қўзғолони Кашмирдаги ҳинд бошқарувини шубҳа остига қўйди, кўчиб келган иммигрантлар Ассамдаги қабилалар билан кураш олиб бордилар. Мусулмонлар ва ҳиндлар эса, Ҳиндистонда вақти-вақти билан юзага келиб турадиган тартибсизликларда ва зўравонлик ҳаракатларида иштирок этдилар. Ҳар иккала диний жамоалардаги фундаментал ҳаракатлар таъсири ўсиши билан бу тўқнашувлар ҳам кескинлаша борди. Бангладешда буддистлар ҳудудда кўпчиликни ташкил этувчи мусулмонлар томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайдиган дискриминацияга қарши норозилик ҳаракатлари уюштириб туришди. Мьянмадаги мусулмонлар эса, бу ерда кўпчиликни ташкил этувчи буддистлар томонидан ўтказиладиган дискриминацияга қаршилик кўрсатдилар. Малайзия ва Индонезияда мусулмонлар вақти-вақти билан хитойларга қарши қўзғолонларда қатнашиб, хитойларнинг иқтисоддаги ҳукмронлигига қаршиликларини намоён этдилар. Жанубий Таиландда мусулмон гуруҳлар будда ҳукуматига қарши қўзғолонга жалб қилинган бўлсалар, Филиппиннинг жанубий қисмида қўзғолончи мусулмонлар католик давлат ва ҳукуматдан мустақил бўлиш учун кураш олиб бордилар. Индонезияда эса, Шарқий Тимор католиклари мусулмон ҳукумати зулмига қарши курашдилар.

Яқин Шарқда Фаластиндаги араблар ва жухудлар ўртасидаги ихтилоф жухуд давлати юзага келганидан бошланган. Исроил ва араб давлатлари ўртасида тўрт марта уруш бўлиб ўтган бўлса, фаластинликлар Исроил ҳукмронлигига қарши араб озодлик ҳаракати - интифадада иштирок этишган. Ливанда христиан-маронетлар шиялар ва бошқа мусулмонларга қарши ашаддий кураш олиб боришган. Эфиопияда православ амхарлар бутун тарихлари давомида муттасил этник мусулмонлар гуруҳларини эзиб келганлар ва мусулмон-оромо қўзғолонига қарши курашганлар. Африка шарқидаги мамлакатларнинг барчасида араблар ва мусулмон халқлари билан қора танли анимист-христианлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турган. Энг қонли мусулмон-христиан уруши Суданда бўлиб ўтган, у ўн йиллаб давом этган ва юз минглаб кишилар унинг қурбонига айланган. Нигерия сиёсатида асосий мавзу шимолдаги фулба ва хаус мусулмон халқлари ва жанубдаги христиан қабилалари ўртасидаги ихтилофлар ҳисобланади: доимий қўзғолонлар, давлат тўнтаришлари ва битта йирик

уруш бу низоларнинг оқибати ўлароқ юз берди. Чад, Кения ва Танзанияда кўлами бўйича таққосласа бўладиган тўқнашувлар ҳам мусулмон ва христиан гуруҳлари ўртасида бўлиб ўтган.

Мусулмонлар ва бошқа – католик, протестант, православ, индуизм, хитой, буддист, яҳудий каби цивилизация халқлари ўртасидаги муносабатлар, одатда, антагонистик хусусиятга эга; ўтмишда аксарият ҳолларда кескин вазият маълум паллага етгач, зўравонлик ҳаракатларига айланиб кетган, 1990 йиллар ҳам бундан мустасно бўлмаган. Ислоннинг қайси бир ўтмиши га қараманг, мусулмонлар ўз кўшнилари билан ҳеч тинчгина яшолмаганлигини кўрамиз. Табиийки, йигирманчи аср охирида мусулмон ва мусулмон бўлмаган гуруҳлар ўртасидаги ихтилофнинг бундай модели бошқа цивилизацияларга тааллуқли гуруҳлар ўртасида бўлиши мумкин деб тасаввур қилсак, бундай низолар адолатлими, деган савол туғилади. Аслида эса бундай эмас. Мусулмонлар бутун ер шари аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил қилади, бироқ 1990 йилларда улар бошқа исталган цивилизациядаги одамларга қараганда кўпроқ сонли гуруҳлараро зўравонлик ҳаракатларида иштирок этганлар. Бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин:

1. Тэд Роберт Гурр томонидан таҳлил қилинган 1993-1994 йиллардаги элликта этносиёсий ихтилофларнинг йигирма олтитасида мусулмонлар иштирок этишган (10.1 жадвал).. Бу ихтилофларнинг йигирматаси турли цивилизациялардаги гуруҳлар ўртасида, ўн бештаси мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасида бўлиб ўтган. Қисқаси, мусулмонлар иштирокидаги цивилизациялараро тўқнашувлар мусулмон бўлмаган цивилизациялар ўртасидаги ихтилофларга қараганда уч марта кўпроқ бўлган. Ислон ичидаги низолар ҳам бошқа исталган цивилизациялар ичидагига, шу жумладан Африка қабилалари ўртасидагига қараганда анча кўпроқ бўлган, Ислондан фарқли улароқ Ғарб фақатгина икки марта цивилизациялар ичидаги ва иккита цивилизациялараро можароларга аралашган. Мусулмонлар иштирокидаги можароларга, шунингдек, жуда кўп қурбонлар бўлиши хос. Гурр берган баҳога кўра, 200 000 ёки ундан ҳам кўра кўпроқ одам ҳалок бўлган олти урушдан учтаси (Судан, Босния ва Шарқий Тимор) мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасида, иккитаси

(Сомали ва Ироқ–курдлар) мусулмонлар ўртасида бўлиб ўтган ва фақат биттасида (Ангола) мусулмон бўлмаганлар иштирок этишган.

New York Times газетаси 1993 йилда тахминан эллик тўққизта этник можаролар бўлиб ўтган қирқ саккиз район рўйхатини келтирган. Айтиб ўтилган жойларнинг ярмида мусулмонлар бошқа мусулмонлар билан ёки мусулмон бўлмаганлар билан тўқнаш келишган. Эллик тўққизта можаронинг ўттиз биттаси турли цивилизациялардаги гуруҳлар ўртасида бўлиб ўтган, ва Гурр келтирган маълумотларга кўра, ушбу цивилизациялараро можароларнинг учдан икkitаси мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасида юзага келган (10.2 жадвал).

Жадвал 10.1

Этносиёсий ихтилофлар, 1993-1994

	vilization	vilization	ий
ий			

Жадвал 10.2

Этник ихтилофлар, 1993

	vilization	vilization	ий
ий			

2. Рут Леджер Сиварднинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 1992 йилда йигирма тўққизта уруш (йилига 100 та ва ундан ортиқ одамнинг ўлимига олиб келган можароларга уруш деб таъриф берилган) борган. Ўн иккита цивилизациялараро

можароларнинг тўққизтаси мусулмонлар билан мусулмон бўлмаганлар ўртасида бўлган, мусулмонлар яна бошқа цивилизациялардаги одамларга қараганда кўпроқ урушларда иштирок этишган.

Шундай қилиб, бундай турли статистик маълумотлар битта ва фақат битта хулосага олиб келади: 1990 йилларнинг бошида мусулмонлар мусулмон бўлмаганларга нисбатан анча кўп сонли гуруҳлараро зўравонликларга аралашган, ва цивилизациялараро можароларнинг учдан иккитасидан тўртдан уч қисмигачаси мусулмонлар билан мусулмон бўлмаганлар ўртасида бўлиб ўтган. Ислом чегаралари ҳақиқатан ҳам қонли.

Мусулмон давлатларидаги милитаризм (*таржимон изоҳи: қуролланиш ва янги уруш оловини ёқишга қаратилган реакцион агрессив сиёсат*) даражаси ҳам мусулмонларнинг ихтилофларда зўравонликка мойиллиги тўғрисида хулосага келишга ундайди. 1980 йилларда мусулмон мамлакатлардаги қуролли кучларнинг фоиз нисбати (бу 1000 та одамга тўғри келадиган ҳарбий хизматчилар сони) ва ҳарбий кучланишлар индекси (ҳарбий кучларнинг мамлакат миллий бойликларига нисбати) бошқа давлатларникига қараганда анча юқори бўлган. Христиан мамлакатларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Мусулмон давлатларидаги ҳарбий кучлар нисбатининг ва ҳарбий кучланишлар индексининг ўртача қиймати христиан давлатлардаги худди шундай кўрсаткичлардан тахминан икки баробар юқори (10.3–жадвал). “Кўриниб турибдики, – деб хулоса қилади Джеймс Пейн, – ислом билан милитаризм ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бор”

Жадвал 10.3

Мусулмон ва христиан давлатлари милитаризми

	а куч нисбати	а ҳарбий нисбати
Мусулмон давлатлари (n=25)		
Христиан давлатлар (n=112)		
Бусулман давлатлари (n=57)		

давлатлар (n=80)		
------------------	--	--

Шунингдек мусулмон давлатларга халқаро инқирозларда зўравонликка интилишга мойиллик мавжуд; масалан, 1928 йилдан 1979 йилгача бўлган давр оралиғида мусулмон мамлакатлар аралашган 142 та инқироздан 76 тасини ҳал қилишда улар куч ишлатишган. 25 ҳолатда куч ишлатиш инқирозий вазиятни ҳал қилишнинг асосий воситаси бўлган; 51 ҳолатда мусулмон мамлакатлар зўравонликни кўшимча чора сифатида қўллашган. Мусулмон давлатлари зўравонликдан фойдаланганларида, унинг даражаси ўта юқори бўлган; 41% ҳолатларда улар тўлиқ кўламли уруш олиб борганлар ва яна 38% вазиятда йирик тўқнашувларга киришганлар. Мусулмон давлатлар бу мамлакатлар иштирок этган инқирозларнинг 53,5% ида зўравонликдан фойдаланган бўлсалар, Бирлашган қироллик фақатгина 11,5% ҳолатларда, АҚШ 17,9% ва Совет Иттифоқи 28,5% ҳолатлардагина куч ишлатган. Қудратли давлатлар ўртасида фақатгина Хитойда мусулмон мамлакатларига қараганда кўпроқ куч ишлатиб, ўз низоларини ҳал қилишга мойиллик мавжуд: у 76,9% инқирозларда куч ишлатган. Мусулмон жангарилиги ва инқирозларни ҳал этишда куч ишлатишга мойиллик йигирманчи аср воқелиги ҳисобланади ва буни на мусулмонлар, ва на мусулмон бўлмаганлар рад эта оладилар.

Сабаблар: Тарих, Демография, Сиёсат

Йигирманчи аср охирида бўлиниш чизиғидаги урушлар (турли тамаддунларга мансуб этник гуруҳлар ўртасидаги урушлар) нинг авж олиши ва бундай можароларда мусулмонларнинг етакчи рол ўйнашларига қандай омиллар сабаб бўлди? Биринчидан, бу урушлар тарихда ўз илдизларига эга. Илгари турли тамаддунлар ўртасида вақти-вақти билан бўлиниш чизиғидаги босқинчилик ҳаракатлари содир бўлган ва ҳозирда ўтмиш воқеалари тўғрисидаги хотиралар мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида ихтилофга учраган ҳар икки томонда кўрқув ва ишончсизлик ҳиссини келтириб чиқарди. Ҳиндистон ярим оролидаги Мусулмонлар ва индуслар, Шимолий Кавказдаги руслар ва кавказликлар, Кавказ ортидаги арманлар ва турклар,

Фаластиндаги араблар ва яхудийлар, Болқондаги католиклар, мусулмонлар ва православлар, Болқондан тортиб Ўрта Осиёгача бўлган ҳудудлардаги руслар ва турклар, Шри-Ланкадаги тамил ва сингаллар, Африка бўйлаб тарқалган араблар ва қора танлилар: буларнинг барчаси асрлар давомида ишончсизлик ва зўравонликда ҳаёт кечирган халқларнинг ўзаро муносабатларига мисол бўла олади. Можаролардан тарихий мерос қолган бўлиб, ундан керакли шахслар ўз манфаатлари доирасида фойдаланадилар. Бундай муносабатларда тарих қайта жонланиб, кўрқув уйғотади.


Аммо гоҳ тинчиб, гоҳ қайта авж олган хунрезликлар тарихи нима учун йигирманчи аср охирига келиб зўравонликлар қайта бошланганини тушунтириб беролмайди. Ахир кўпчилик таъкидлаганидек, серблар, хорватлар ва мусулмонлар бир неча ўн йиллар давомида Югославияда тинч-фаровон ҳаёт кечириб келди. Мусулмонлар ва индуслар Ҳиндистонда бир-бирлари билан тинч-тотув яшади. Совет Иттифоқида кўплаб этник ва диний гуруҳлар ҳукумат томонидан амалга оширилган истисноли ҳолатларни айтмаганда, биргаликда яшаб келди. Тамил ва сингаллар ҳам тропик жаннат дея тез-тез тилга олинадиган оролда тотувликда яшашган. Тарих бу каби осойишта муносабатларнинг узоқ вақт давом этишига тўсқинлик қилмади ва шу сабабдан тарих тинчликнинг бузилишини ўз-ўзидан тушунтириб беролмайди. Йигирманчи асрнинг охириги ўн йиллигида бу жараёнга бошқа омиллар таъсир кўрсатган бўлиши керак.

Демографиядаги мувозанатнинг бузилиши шундай омиллардан бири эди. Бир гуруҳнинг сон жиҳатидан ортиши, бошқа гуруҳларга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий босим ўтказилиши билан бир қаторда, қарама-қарши таъсирларни ҳам келтириб чиқаради. Бундан ҳам муҳими, мазкур ҳолат кам сонли гуруҳларга нисбатан ҳарбий босим ўтказилишига олиб келади. 1970 йиллар бошида Маронит насронийларига нисбатан шиа аҳолисининг кўпайиб кетиши Ливандаги 30 йиллик конституциявий ҳукуматнинг қулашига сабаб бўлган асосий омиллардан бири эди. Гари Фуллернинг таъкидлашича, Шри-Ланкада 1970 йилдаги сингал миллатчилар қўзғолони ҳамда 1980 йиллар охиридаги тамиллар исёни авж олган давр айнан ўн бешдан йигирма тўрт ёшгача бўлган ёшлар икки этник гуруҳлар аҳолисининг 20 фоизидан ортиғини

ташкил этган йилларга тўғри келади²⁷ (10.1. жадвалга қаранг). Шри-Ланкадаги АҚШ дипломатларидан бирининг айтишича, сингал кўзғолончиларининг ёши деярли йигирма тўртдан ошмаган, “Тамил йўлбарслари” таркиби эса, айтишларича, “болалар армиясидан ташкил топгани”, уларнинг сафларида “ўн бир ёшга ҳам тўлмаган болалар ва қизлар” бўлгани ҳамда қурбонлар орасида “аксарият ўсмирлар ва бир канча вояга етган ёшлар” бўлганлиги билан ўзига хос эди. The Economist нинг таъкидлашича, “Йўлбарслар” “вояга етмаганлар уруши” ни оли бораётган эдилар.²⁸ Худди шу тарзда, жанубдаги руслар ва мусулмонлар ўртасидаги бўлиниш чизиғидаги урушлар ҳам аҳоли сонининг ўсишидаги кескин фарқ сабабли авж олди.

Жадвал 10.1

Шри Ланка: сингаллар ва тамиллар орасида ёшлар сонининг кескин ортиши



1990 йиллар бошларида Россия Федерациясида туғилиш даражаси 1.5, Ўрта Осиёнинг мусулмон собиқ Совет республикаларида эса бу кўрсаткич 4.4 ни ташкил этди. 1980 йиллар охирларида мусулмон халқлар аҳолисининг умумий ўсиш даражаси (туғилиш даражасидан ўлим даражасининг айирмаси) Россияниқидан беш-олти мартага кўп эди. 1980 йилларда Чеченлар аҳолиси сони 26 фоизга ўсди ва Чеченистон Россиянинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудларидан бирига айланди, юқори туғилиш даражаси муҳожирлар ва жангчилар сонининг кўпайишига олиб келди.²⁹ Худди шу тарзда, мусулмонларнинг юқори туғилиш даражаси ва Покистондан Кашмирга миграция жараёни Хиндистон ҳукуматиға қарши ҳаракатларнинг янгилинишиға олиб келди.

Собиқ Югославияда цивилизациялараро урушларга олиб келган мураккаб жараёнларга кўплаб омиллар сабаб бўлди. Аммо Косоводаги демографик ўзгариш ушбу низоларни келтириб чиқарган энг муҳим сабаб бўлди. Косово Сербия республикасининг мухтор вилояти бўлиб, ажралиб чиқиш ҳуқуқидан ташқари олтига Югославия республикалари каби кучга эга эди. 1961 йилда аҳолисининг 67 фоизини муслмон албанлар ва 24 фоизини православ серблар ташкил қилган. Албанларнинг туғилиш даражаси Европа давлатлари орасида энг юқори кўрсаткични эгаллади ва Косово Югославиянинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудига айланди. 1980 йилгача Албанларнинг қарийб 50 фоизи йигирма ёшдан кичик эди. Аҳоли сонидаги бундай кескин фарқ туфайли серблар Белград ва бошқа иқтисодий жиҳатдан истиқболли давлатларга кўчиб кетишди. Натижада, 1991 йилга келиб Косовонинг 90 фоизи муслмонлар ва 10 фоизи серблардан иборат бўлди.³⁰ Шунга қарамасдан серблар Косовога ўзларининг “муқаддас ўлкалари” ёхуд “Қуддус” сифатида қараганлар. Зеро, бошқа муҳим воқеалар қаторида, бу ерда 1389 йил 28 июнда Усмонли Туркларга бой берилган буюк жанг бўлиб ўтади, натижада улар деярли беш аср давомида Усмонлилар ҳукмронлигидан азият чекишади.

1980 йиллар охирларига келиб, демографик мувозанатнинг бузилиши туфайли албанлар Косовони Югославия республикаси мақомига кўтаришни талаб қила бошлашди. Серблар ва Югославия ҳукумати агар Косово ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлгудек бўлса, Албанияга қўшилишидан қўрқиб, бунга қаршилик кўрсатди. 1981 йилнинг март ойида республика мақомини олиш даъвосини ёқлаб чиққан албанларнинг норозилик намойишлари ва ғалаёнлари авж олди. Сербларнинг сўзларига кўра, сербларга нисбатан камситиш, таъқиб ва зўравонлик тобора кучайиб борди. “70 йиллар охирларидан бошлаб Косовода”, Хорват намойишчисининг гувоҳлик беришича, “...мулкка зарар етказиш, ишдан ҳайдаш, зўрлаш, уруш-жанжал ва қотилликларни ўз ичига олган кўплаб зўравонлик ҳаракатлари юз берди.” Натижада, “серблар бу каби таҳдидлар геноцидга айланиб бораётганини ва бунга ортиқ тоқат қила олмасликларини маълум қилдилар”. Косово сербларининг норозилиги Сербия бўйлаб акс-садо берди ва 1986-йилда 200 нафар етакчи серб зиёлилари, шу жумладан, Praxis либерал муҳолифат журнали муҳаррирлари, сиёсий

арбоблар, диний уламолар ва ҳарбийлар ҳукуматдан Косоводаги серблар геноцидига чек қўйишни талаб қилган декларацияни қабул қилдилар. Қайси томондан олиб қарамайлик, геноцид айблови жуда бўрттириб юборилган эди, аммо албанларга хайрихоҳ бўлган хорижлик кузатувчининг сўзларига кўра, “1980 йиллар давомида албан миллатчилари сербларга нисбатан бир қатор зўравонлик ҳаракатлари ва серблар мол-мулкларининг йўқ қилинишида айбдор бўлганлар”.³¹

Буларнинг барчаси серблар орасида миллатчилик кайфиятини кўзғатди ва Слободан Милошевич мазкур фурсатдан фойдаланиб қолди. 1987 йил Косовода у катта нутқ сўзлади ва сербларни ўз ерлари ва тарихига нисбатан ҳуқуқлари учун курашишга даъват қилди. “Бир зумда кўп сонли серблар – коммунистлар, коммунист бўлмаганлар ва ҳатто анти-коммунистлар – нафақат Косоводаги серблардан иборат озчиликни ҳимоя қилиш, балки албанларни бостириш ва уларни иккинчи даражали фуқароларга айлантириш мақсадида унинг атрофида тўплана бошлади. Тез орада Милошевич миллат етакчиси сифатида танилди.”³² Икки йилдан сўнг, 1989 йил 28 июнида Милошевич мусулмонларга қарши давомий уруш рамзи бўлган машҳур жангнинг 600 йиллигини нишонлаш учун 1-2 миллион атрофидаги серблар билан Косовога қайтди.

Албанлар сони ва кучининг ортиши сабабли жунбушга келган серблар орасидаги кўрқув ва миллатчилик кайфияти Босниядаги демографик ўзгаришлар туфайли баттар кучайди. 1961 йилда Босния-Герцеговина аҳолисининг 43 фоизи серблар ва 26 фоизи эса мусулмонлардан ташкил топган эди. 1991 йилгача бу кўрсаткич деярли аксини кўрсатди – серблар сони 33 фоизга тушди, мусулмонлар улуши эса 44 фоизга етди. Мана шу ўттиз йил давомида хорватлар аҳолиси сони 22 фоиздан 17 фоизга тушиб кетди. Бир этник гуруҳнинг кенгайиши бошқа бир этник гуруҳнинг сиқиб чиқарилишига олиб келди. “Биз нима учун болаларни ўлдириямиз?”, деб сўрайди 1992 йилда жангчилардан бири ва ўзи жавоб беради: “Бир кун келиб улар улғайишади ва ўшанда катталарни ўлдиришимизга тўғри келади.” Босния хорватлари яшаш жойлари мусулмонлар томонидан “демографик ишғол этилиши”га йўл қўймаслик мақсадида биров шафқатсиз йўл тутдилар.³³

Демографик мувозанатнинг ўзгариши ва ёшлар сонининг 20 фоиз ёки ундан катта миқдорда ортиши йигирманчи аср охиридаги кўпгина тамаддунлараро зиддиятларга сабаб бўлган. Шунга қарамадан, бу омиллар ҳамма нарсани ҳам тушунтириб бермайди. Масалан, серблар ва хорватлар ўртасидаги жангги демография билан боғлаб бўлмайди, чунки бу икки халқ хорват Усташи (инқилобий ҳаракат) Иккинчи Жаҳон Урушида сербларга қарши оммавий қирғин уюштиргунига қадар нисбатан тинч яшаб келган. Бу ва бошқа жойларда ҳам сиёсий низоларга сабаб бўлган. Биринчи Жаҳон Уруши охирида Австрия-Венгрия, Усмонлилар ва Россия империяларининг қулаши улар ўрнига вужудга келган давлатлар ва унда яшовчи халқлар ўртасида этник ва цивилизациялараро зиддиятларни авж олдирди. Иккинчи Жаҳон Урушидан сўнг Британия, Франция ва Голландия империяларининг қулаши ҳам ўхшаш оқибатларни келтириб чиқарди. Совуқ Уруш якунлангач, Совет Иттифоқи ва Югославиянинг парчаланиши ҳам худди шундай оқибатларга олиб келди. Одамлар энди ўзларини коммунистлар, Совет фуқаролари ёки югославлар деб атай олмасдилар ва келиб чиқишларини изоҳлашнинг янги йўлини қидира бошладилар. Бу йўлни эски таянчлари – этник бирлик ва диндан топдилар. Ҳеч қандай Худо йўқ деган ғояни илгари сурувчи давлатларнинг репрессив, аммо осойишта тартиби ўрнини турли Худоларга эътиқод қилувчи халқларнинг зўравонликлари эгаллади.

Бу жараён янги пайдо бўлган сиёсий субъектларнинг демократик тартибларни қабул қилиш зарурати билан янада мураккаблашди. Совет Иттифоқи ва Югославия ажралиб чиқа бошлагач, ҳукуматдаги элиталар умумхалқ сайловларини ташкил қилмади. Агар шундай қилганларида эди, сиёсий етакчилар марказий ҳокимият учун рақобатлашишларига тўғри келарди ва кўп миллатли ҳамда кўп тамаддунли давлат дастурини ишлаб чиққан ҳолда электоратга кириб, парламентда тегишли кўпчиликдан иборат коалицияларни бирлаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин эди. Бунинг ўрнига Совет Иттифоқида ҳам, Югославияда ҳам сайловлар дастлаб республика миқёсида ўтказилди, бу сиёсий раҳбарларда этник миллатчиликни кўзгаган ва ўз республикаларининг мустақиллигини тарғиб қилган ҳолда марказга қарши сайлов компанияларини ташкиллаштиришга кучли рағбат уйғотди. Ҳатто, Боснияда ҳам аҳоли 1990 йилги сайловларда этник чегараланиши бўйича овоз берди.

Кўп миллатли Ислохот Партияси ва собиқ коммунистик партиянинг ҳар бири 10 фоиздан камроқ овоз тўплади. Мусулмон Демократик Ҳаракат Партияси (34 фоиз), Сербия Демократик Партияси (30 фоиз) ва Хорватия Демократик Иттифоқи (18 фоиз) учун берилган овозлар миқдори собиқ Югославия аҳолиси сонигаги мусулмонлар, серблар ва хорватларнинг улушига озми-кўпми мувофиқ келди. Деярли барча собиқ Совет ва Югослав республикаларидаги бир нечта номзодлар иштирок этган илк сайловларда халқларнинг миллий ўзликка эътибор қаратган ва бошқа этник гуруҳларга қарши ўз миллатларини кучли ҳимоя қилишга ваъда берган сиёсий раҳбарлар ғалаба қозонди. Сайловдаги рақобат миллатчилик кайфиятини кучайтирди, натижада бўлиниш чизиғидаги зиддиятлар таранглашди ва бўлиниш чизиғидаги урушларга айланди. Богдан Денич сўзлари билан айтганда, “*etnos demos ga айланса*”, *polemos* ёхуд уруш содир бўлади. Нега йигирманчи аср охирига келиб этник низоларда бошқа тамаддунларга мансуб халқларга қараганда мусулмонлар кўпроқ иштирок этди, деган савол туғилади. Ҳар доим ҳам шундай бўлганми? Ўтмишда насронийлар кўп сонли диндошлари ва бошқа кишиларни ўлдирган. Бутун тарих давомида ҳар бир тамаддуннинг зўравонликка бўлган мойиллигини баҳолаш кенг қамровли тадқиқот олиб боришни талаб этади. Бунинг ўрнига ҳозирда мусулмон гуруҳларнинг Ислом доирасида ва унинг ташқарисида зўравонлик ҳаракатларини олиб бораётганининг сабабларини аниқлаш мумкин. Улар орасидан эса ўтмишдаги этник зиддиятларга мойилликни изоҳлаб берувчи асосий сабабларни фарқлаб олиш, агар улар бор бўлса, қайси бири фақат йигирманчи аср охиридаги низоларни изоҳлай олишини ажратиб олиш керак бўлади. Шунда олти эҳтимолий сабаб яққол кўзга ташланади. Учаси фақат мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги низоларни изоҳлайди ва қолган учтаси юқоридаги икки томон ўртасидаги ҳамда исломдаги ички низоларни изоҳлайди.

Жадвал 10.4

Мусулмон можароларининг авж олиши сабаблари

	ммон бўлмаганлар даги низолар	монлар ва мусулмон ганлар ўртасидаги ар
ий ва ҳозирги можаролар	ий кўшничилик; қилиб бўлмаслик”	таризм
ги можаролар	ини уруш қурбони деб	рафик ўсиш; и мусулмон ларнинг йўқлиги

Учта сабаб фақат ҳозирда рўй бераётган мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги зўравонликни тушунтириб берса, қолганлари бу ва мусулмонларнинг босқинчиликка мойиллигининг ўтмиш илдизларини тушинтириб беради. Агар тарихий мойиллик мавжуд бўлмаса, тахмин қилинган сабаблар мусулмонларнинг ҳозирдаги этник зўравонликларга мойиллигини ҳам асослаб бера олмайди. Бу замонавий урушлар аввалги асрларда мавжуд бўлмаган ва фақатгина йигирманчи асрга хос бўлган омиллар билан изоҳланиши мумкинлигини англатади (жадвал 10.4).

Биринчидан, Ислом азалдан ҳарбий фазилатларни улуғловчи дин эканлиги ҳақида далиллар келтирилади. Ислом “урушқоқ баъдавий кўчманчи қабилалар” яшайдиган жойда нозил бўлган. Пайғамбар Муҳаммад ҳам кучли жангчи ва қобилиятли ҳарбий кўмондонлиги билан танилган.³⁵ (Ҳеч ким буни Исо ёки Будда тўғрисида айтмаган бўларди.) Ислом таълимотлари кофирларга қарши урушишни буюриши даъво қилинади ва Ислом кенг ёйилишининг дастлабки даврида таълимотга зид равишда мусулмонлар ўзаро жанг олиб бордилар. Фитна ёки ички низоларнинг жиҳодга нисбати аввалгисининг фойдасига кескин ўзгарди. Қуръон ва бошқа мусулмон эътиқодлари зўравонликларга қарши бир қанча таъқиқларни ўз ичига олади ва зўравонлик тушунчаси мусулмон таълимоти ва амалиётида мавжуд эмас. Иккинчидан, Арабистонда пайдо бўлишидан бошлаб, Исломнинг шимолий Африка ва Ўрта Шарқнинг кўп қисми, кейинчалик Ўрта Осиё, Ҳиндистон ярим ороли ва

Болқон бўйлаб тарқалиши мусулмонларнинг улар томонидан фатҳ қилинган ҳамда Ислом қабул қилган турли халқлар билан тўғридан-тўғри алоқага киришишига олиб келди ва бу жараён оқибатлари тарихий мерос сифатида сақланиб қолган. Усмонлилар Болқонни фатҳ қилиш чоғида Жанубдаги Славянлар кўпинча Исломни қабул қилардилар, қишлоқдаги деҳқонлар эса бош тортардилар, шундан кейин боснияликлар мусулмон ва православ серблар орасида тафовут келиб чиқди. Аксинча, Россия империясининг Қора денгиз, Кавказ ва Марказий Осиёгача кенгайиши турли мусулмон халқлари билан асрлар оша давом этадиган зиддиятга олиб келди. Ўрта Шарқда яхудийлар ватанини яратишга қаратилган Ғарбнинг хомийлиги давомли араблар ва исроилликлар ўртасидаги адоватга замин яратди. Мусулмонлар ва ғайридинларнинг дунё бўйлаб тарқалиши уларнинг Евроосиё бўйлаб худудий қўшничиликда яшашига олиб келди. Бундан фарқли ўлароқ, Ғарбнинг денгиз орқали кенгайиши ғарбликларнинг бошқа халқлар билан худудий яқинлигига олиб келмади: улар Европадан туриб бошқариларди ёки Жанубий Африкадан ташқари, ғарблик кўчманчилар томонидан деярли йўқ қилиб юбориларди.

Мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги можароларининг учинчи эҳтимолий сабаби, улар ўртасида бир давлат арбоби ўз мамлакатига нисбатан айтган “ҳазм қилиб бўлмайдиган” муносабат мавжуд бўлади. Шунга қарамай, “ҳазм қилиб бўлмаслик” икки тарафламадир: Мусулмон мамлакатлари мусулмон бўлмаган озчилик гуруҳлар билан қийинчиликларга дуч келгани сингари, айти ҳолат мусулмон бўлмаган халқларнинг мусулмон этник гуруҳлар билан муносабатларида ҳам кузатилиши мумкин. Ислом насронийликдан ҳам кўпроқ мутлақ ишонч асосига қурилган дин ҳисобланади. У дин ҳамда сиёсатни бирлаштиради ва дар ал-ислам ва дар ал-ғарб мансуб кишилар ўртасидан ўткир чизик тортади. Натижада, конфуцийчилар, буддистлар, индуслар, ғарблик насронийлар ва православ насронийлари учун ўзаро мослашиш ва биргаликда яшаш мусулмонлар билан яшашдан осонроқ кечади. Мисол учун, этник хитойликлар Жанубий Осиё мамлакатларида иқтисодий жиҳатдан устунлик қилувчи озчиликни ташкил этади. Улар Таиланд буддист ва Филиппиндаги католик жамиятларига муваффақиятли мослашдилар; ушбу давлатларда хитойликларга қарши сезиларли даражадаги

зўравонликлар деярли кузатилмаган. Бундан фарқли равишда, Индонезия ва Малайзиядаги мусулмон жамиятида хитойликларга қарши исёнлари ва ёки зўравонликлар кузатилган, хитойликларнинг мазкур жамиятлардаги ўрни хавотирли аҳволда қолмоқда.

Милитаризм, “ҳазм қилиб бўлмаслик” ва мусулмон бўлмаган гуруҳларга худудий яқинлик Исломнинг ўзига ҳос хусусиятлари бўлиб, узоқ тарихдан давом этиб келаётган мусулмонларнинг зиддиятларга мойиллигини изоҳлаши мумкин. Йигирманчи аср охирларида қолган учта вақтга нисбатан чекланган омиллар ушбу жараёнга ҳисса қўшиши мумкин. Мусулмонлар томонидан илгари сурилган изоҳлардан бири шундан иборатки, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлардаги Ғарб империализми мусулмон жамиятларини ўзига қарам қилиш сиёсати билан бир қаторда мусулмонларнинг ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан заиф эканлиги тўғрисидаги тасаввурларни юзага келтирди ва бу мусулмон бўлмаган гуруҳларнинг мусулмонларга нишон сифатида қарашларига тўртки бўлди. Уларнинг фикрига кўра, мусулмонлар тарихда Ғарб жамиятларида шаклланган антисемитизмга тенглаштирилувчи антимусулмон қарашларнинг қурбонига айланган. Акбар Аҳмаднинг таъкидлашича, фаластинлик, босниялик, кашмирлик, ва чеченистонлик мусулмонлар “қизил танли, мазлум, қадр-қимматидан маҳрум, резервацияларга қамалиб, ўз аждодлари ерларидан айрилган кишилар” билан тенгдир.³⁶ Бироқ мусулмонларнинг қурбонлик билан боғлиқ даъвоси Судан, Миср, Эрон ва Индонезиядаги мусулмон кўпчилик ва мусулмон бўлмаган озчилик гуруҳлар ўртасидаги можароларни асослаб беролмайди.

Ислом ва унинг ташқарисидаги можароларга тўртки бўлувчи янада муҳим омил Исломда бир ёки бир нечта етакчи қудратли давлатларнинг йўқлигидир. Ислом химоячилари кўпинча Ғарб сиёсатчилари Ислом оламини ҳаракатга келтирадиган ва Ғарбга қарши фаолиятларини мувофиқлаштирадиган етакчи куч мавжудлигига ишонишини таъкидлашади. Танқидчиларнинг бу фикри хато. Ислом ҳукмрон марказга эга эмаслиги боис дунё нотинчлигига сабаб бўлади. Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Туркия ва эҳтимол Индонезия каби давлатлар мусулмон оламида

етақчи мавқега эришиш учун ўзаро курашмоқдалар. Аммо уларнинг ҳеч бири мусулмонлар ўртасидаги низоларга аралашшига қодир эмас ва уларнинг ҳеч бири мусулмон ва мусулмон бўлмаган гуруҳлар ўртасидаги низоларда бутун мусулмон халқлари номидан қарор қабул қила олмайдилар. Ва ниҳоят, энг муҳими, мусулмон мамлакатларидаги демографик ўсиш ва ўн беш ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ишсиз эркаклар сонининг ортиши мусулмонлар ўртасидаги ва мусулмон бўлмаганлар нисбатан беқарорлик ва зўравонлик ҳаракатларига сабаб бўлмоқда. Бошқа ҳар қандай сабаблардан қатъи назар, 1980 ва 1990 йиллардаги мусулмонларнинг босқинчилик ҳаракатларини тушунтириш учун мазкур омилнинг ўзи кифоя. Йигирма биринчи асрнинг 30 йилларига қадар кўп сонли ёшлардан иборат аҳолининг қариб бориши ва мусулмон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши, агар бу содир бўлса, мусулмонларнинг зўравонликка мойиллиги сезиларли даражада камайиши ва шу тариқа бўлиниш чизиғидаги урушларнинг камроқ такрорланиши ва авж олмаслигига тўртки бўлиши мумкин.

XI БОБ

БЎЛИНИШ ЧИЗИҒИДАГИ УРУШЛАР ДИНАМИКАСИ

Хусусияти: Цивилизациявий онгнинг ўсиши

Бўлиниш чизигидаги урушлар кучайиши, кенгайиши, турғунлиги билан характерли бўлиб, камдан-кам ҳолларда якуни ижобий ҳал этилган. Бу жараёнлар одатда биринма-кетин бошланиб, тез-тез такрорланиб туради. Оммавий норозиликлар сингари Бўлиниш чизигидаги урушлар бошланганидан сўнг икки томон ҳаётини хавфга қўяди ва жангу жадал томонлар ҳаракатига қараб аланга олади. Бунинг олдиндан мавжуд бўлган бир қанча тасодифий хусусиятлари йиллар давомида тобланди. Жамоавий можаролар шартли равишда шахсиятга дахлдор уруш деб аталади. Зўравонлик кучаяр экан, инсониятга қарши бўлган норозиликлар тобора ортиб борар экан, гуруҳлар бирлашиши ва уларнинг мажбуриятлари ошиб боради. Бу можароларнинг сабаби тезлик билан ошқор бўлади. Сиёсий раҳбарлар цивилизациянинг хусусиятларига таянган ҳолда этник ва миллий муурожаатларини кенгайтирадилар, шунингдек динга бўлган садоқатни кучайтирадилар, натижада цивилизациявий онг кучайтириб боради. Айни пайтда ўзаро кўркув, ишончсизлик ва нафрат мавжуд бўлган халқаро муносабатлардаги “Хавфсизлик дилеммаси” ва у билан таққослаш учун “Нафрат динамикаси” пайдо бўлди. Ҳар икки яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги фарқларни драматик тарзда намоёиш этади, бу кескинликни оширади, ўлим ва тезлик ўртасидаги фарқлар бир-бири билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Инқилоблар жадаллашиши билан жирондистлар ва меншевиклар сусайиб, радикаллар, яқобинчилар ва болшевиклар пайдо бўлади. Шунга ўхшаш жараёнларни бўлиниш чизигидаги урушларда ҳам кузатиш мумкин. Урушлардан кўра музокаралар ўтказиб омон қолишни мақсад қилган сиёсатчилар барибир келишувлар билан ўз мақсадига эриша олмайди ва дастлабки уринишларда мувафаққиятсизликка учрайди. Бу музокаралар

радикаллар томонидан қўллаб-қувватланмайди, аксинча рад этилади, бу эса экстремал мақсадларга янада зўравонлик билан эришишга йўл очади. Моро-Филлипин урушида асосий исёнчи гуруҳ Моро Миллий озодлик fronti томонидан илк бора қўллаб-қувватланди. Абу Сайяф (р.а.) томонидан таъкидланишича, кейинчалик бу ҳаракатлар қўли баланд келиб турган Филиппин ҳукумати билан музокаралар орқали яқун топди. 1980-йилларда Суданда ҳукумат тобора ўта исломий позицияда бўлганлар, 1990-йиллар бошларида эса насронийларни қабул қилди, натижада исёнчилар бўлиниб кетди ва жанубий Судан Мустақиллик ҳаракати янги бир гуруҳга айланиб, шунчаки автономияни эмас, балки мустақилликни ҳимоя қилди. Исроил ва араблар ўртасидаги зиддият давом этар экан, Фаластин озодлиги йўлидаги асосий йўналиш сифатида тан олинадиган Исроил ҳукумати билан музокаралар олиб борилди. “Мусулмон биродарлар” ташкилотига хос бўлган Хамас ташкилоти фаластинликларнинг содиқлигини шубҳа остига қўйди. Бир вақтнинг ўзида Исроил ҳукуматининг бир маротабалик музокараларда иштирок этиши норозилик ва Исроилда экстеримистик диний гуруҳларнинг зўравонлигига сабаб бўлди. 1992-1993 йилларда Чеченистон ва Россия ўртасидаги зиддият кучаётган бир пайтда, Дудаев ҳукуматга келгач, чечен миллатчиларига қарши ҳаттоки Москванинг ҳар қандай масканида энг радикал фракциялар ўтказилди. Тожикистонда ҳам нисбатан кенг имкониятли кучлар билан худди шундай иш юз берди. 1992 йилда тўқнашув бошланиб, Тожики миллий демократик гуруҳлари аста-секин тарқалиб кетди. Уларнинг таъсири натижасида исломий гуруҳлар жунбишга келди, қишлоқда қашшоқлар ва радикал ёшлар кўпайди. Исломий давлат пайдо бўлди, босқичма-босқич янада радикаллашган ёш раҳбарлар бу муаммони ҳал этиш учун “саҳнага чиқдилар”, бу эса анъанавий, янада прагматик диний иерархик муаммони вужудга келтирди. Тожикистонлик лидерлардан бири “Мен дипломатия луғатини ёпмоқдаман” деди. Мен Россия ва ватаним ўртасида келиб чиққан жанг майдонида ва унда вужудга келган уруш тилида барча вазиятни ҳисобга олиб гапиришни бошладим. Боснияда мусулмонлар партияси таркибида Алия

Изетбегович бошчилигидаги экстремистик миллатчи фракция демократик партия (СДА)дан кўра кўпроқ таъсир кучига эга эди. Бу ҳаракат аслида Харис Силайджич томонидан йўналтирилганди.

Экстремистларнинг ғалабаси доимий эмас. Экстремистик зўравонлик бўлиниш чизиғидаги урушларни тугатишга мўлжалланган мурасосозликка ўхшайди. Ўлим ва вайронагарчиликлар авжига чиқиши билан (гарчи улар учун арзимасдек кўринса-да) икки томондаги раҳбарлар яна “саҳнага чиқишади” ва буларнинг бари “бемаънилик” эканига ишора қилишади. Жараёни музокаралар орқали тугатиш учун яна бир “уришиб кўришади”.

Уруш пайтида инсоний фазилатлар йўқолиб, урушга алоқадор асосий хусусият устунлик қилади. Бу устунлик динга бориб тақалади. Психологик нуқтаи назардан, дин “худосиз” кучларга қарши курашиш учун энг қулай ва кўллаб-қувватланиши мумкин бўлган асос бўла олади. Амалда диний ва цивилизациявий ҳамжамият бу, – урушга алоқадор маҳаллий гуруҳга ёрдам қилиши мумкин бўлган кенг жамоатчиликдир. Агар Африканинг бири ўзини мусулмон деб ҳисоблаган, иккинчиси христиан бўлган икки қабиласи ўртасидаги маҳаллий урушда биринчи қабила Саудия пуллари, афғон муҳожирлари, Эрон куруллари ҳамда ҳарбий маслаҳатчилар томонидан кўллаб қувватланилиши мумкин бўлса, иккинчи қабила ғарб мамлакатлари ҳукуматларининг иқтисодий ва гуманитар, сиёсий, дипломатик ёрдамларига муҳтож бўлади. Агар Босния мусулмонларидек бирор бир ишни бажара олмаган тақдирда ҳам, ўзини ишончли тарзда геноцид қурбони сифатида тасвирлай олмаса ва шу орқали Ғарбнинг ҳайрихоҳлигига эриша олмаса, демак, у фақат ўзининг цивилизациявий қариндошларидангина ёрдам кутиши мумкин (Босния мусулмонларидан ташқари). Бўлиниш чизиғидаги урушларни аслини олганда бир-бири билан яқин алоқа ўрнатган маҳаллий гуруҳлар ўртасидаги маҳаллий уруш деб аташ мумкин ва шунинг учун ҳам ўзларининг қатнашчилари орасида цивилизациявий хусусиятларни кўпроқ тарғиб қилишади.

Цивилизация феномени (ўзига хослик)ни мустаҳкамлаш бошқа цивилизацияларнинг бўлиниш чизиғидаги урушларидаги жангчилар ўртасида бошланган бўлса-да, мусулмонлар уни мустаҳкамлашга жиддий таъсир кўрсатган. Фронт урушлари оилавий, уруғ-аймоқ ёки қабила можароларидан келиб чиқиши мумкин, аммо мусулмон дунёсидаги ўзига хослик У шаклига эга бўлганлиги сабабли уруш давомида мусулмон жангчилар худди антифундаменталист секулярист Саддам Ҳусайн каби тезлик билан ўзига хосликни кенгайтиришга ва бутун Ислом оламига мурожаат қилишга ҳаракат қилишади. Фарблик тадқиқотчи таъкидлаганидек, Озарбайжон ҳукумати ҳам “Ислом картаси”ни ўйнади. Тожикистонда ички минтақавий можаро сифатида бошланган урушда исёнчилар ўзларининг мақсадларини Ислом динининг мақсади сифатида тушунишди. XIX асрдаги Шарқий Кавказ аҳолиси ва руслар ўртасида урушлар даврида мусулмон етакчиси Шамил ўзини исломчи деб атади ва ўнлаб этник ва тил гуруҳларини “Ислом ва русларнинг босиб олишига қаршилиқ” асосида бирлаштирди. 1990-йилларда Дудаев худди шундай стратегияни амалга ошириш учун 1980-йилларда бўлиб ўтган исломий тикланишга катта маблағ ажратди. У мусулмон имомлари ва исломий партиялар томонидан қўллаб-қувватланди, Қуръон бўйича қасамёд қабул қилди (худди Елцинга православ патриархи оқ фотиҳа берганидек) ва 1994 йилда Чеченистонни исломий давлатга айланишини таклиф қилди. Чечен кўшинлари Чеченистондаги муқаддас урушда “ғазовот” сўзи ёзилган яшил шарф ўраб жангга кетаётганларида “Аллоҳу акбар” деб қичқиришди. Кашмир мусулмонларининг ўзига хос хусусиятларини мусулмонлар, ҳиндулар, буддавийларни ўз ичига олган минтақавий ўзига хосликда ҳам, ҳинд секуляризмидан учинчи ўзига хослик (яъни, Кашмирда мусулмонларнинг кўпайиши, трансмиллий ислом фундаментал қадриятларининг тарқалиши ва натижада Кашмир мусулмонлари ҳам Покистон, ҳам ислом дунёсининг бир қисмига айланиши)ка ўтишда ҳам кўриш мумкин. 1989 йилда Ҳиндистонга қарши уюштирилган исён Покистон ҳукумати қўллаб-қувватлаган “нисбатан дунёвий” ташкилот томонидан бошқарилган. Покистоннинг қўллаб-

қувватлаши кейинчалик ҳукмрон бўлган исломий фундаментал гуруҳлар кўлига ўтди. Бу гуруҳлар оқибати қандай бўлишидан қатъий назар ўзларининг жиҳодларига содиқ бўлган “кучли қуролланган жангарилар”дан иборат эди. Яна бир бошқа тадқиқотчининг фикрича, “Миллатчилик туйғулари диний тафовутлар туфайли кучайган. Ислом жангариларининг кескин кўпайиши кашмирлик исёнчиларга жасорат бахш этди ва Кашмирдаги хинд-мусулмон бағрикенглиги анъанасини бузди”.

Цивилизация феномени Боснияда, айниқса мусулмон жамияти орасида мустаҳкамланиб борди. Тарихан Боснияда жамоавий тенглик мустаҳкам бўлмаган; серблар, хорватлар ва мусулмонлар кўшни сифатида тинч-тотув яшаганлар; гуруҳлараро никоҳлар ҳам одатий бўлган; диний ўзига хосликлар эса жуда заиф бўлган. Айтишларича, мусулмонлар масжидга бормайдиган боснияликлардан, хорватлар ибодатхонага бормайдиган боснияликлардан, серблар эса православ черковига бормайдиган боснияликлардан иборат эди. Югославиядаги кўплаб қадриятлар барбод бўлгандан сўнг, ушбу тасодифий диний хусусиятлар янги аҳамият касб этган ва уруш бошланганидан кейин улар яна ҳам кучайиб кетган. Кўп жамиятчилик йўқолган ва ҳар бир жамоа ўзининг чуқур маданий илдизларини аниқлаб олган, ўзларини диний нуқтаи назардан ким эканлигини англай бошлашган. Босния серблари ўзларини Буюк Сербия, Сербия Православ Черкови ва кенг тарқалган Православ жамоалари бирлашган сербий миллатчилар дея аташган. Босниялик хорватлар ўзларини Хорватия фуқароси деб ҳисоблайдиган, Хорватиядаги хорватлар билан биргаликда ғарбий католик хусусиятлари ўхшаш католикка урғу берадиган кизиққон хорват миллатчиаридан иборат бўлган.

Мусулмонларнинг цивилизация томон интилиши сезиларли даражада кучайган. Уруш бошлангунга қадар Босния мусулмонлари дунёқарашлари кенг бўлган, ўзларини европалик деб ҳисоблаганлар ва маданиятли Босния жамияти ва давлатининг қатъий тарафдори бўлганлар. Югославия парчалана бошлаган пайтдан вазият ўзгарган. Хорватлар ва серблар сингари, 1990 йилги сайловларда мусулмонлар кўп жамоатли партияларни рад этиб, Изетбегович

бошчилигидаги Мусулмонлар Демократик Ҳаракати партиясига (СДҲ) ёппасига овоз беришди. У диндор мусулмон, коммунистик ҳукумат томонидан исломий фаоллиги учун қамалган ва 1970 йилда нашр этилган “Ислом декларацияси” китобида ёзилишича, “Исломнинг исломий бўлмаган тизимларга номувофиқлиги шундаки, Ислом дини ва исломдан ташқари ижтимоий ҳамда сиёсий институтлар ўртасида тинчлик ҳам, кетишув ҳам бўлмайди”. Исломий ҳаракат етарлича кучли бўлганда, у кучни олиб, ислом республикасини яратиши керак. Ушбу янги давлатда, таълим ва оммавий ахборот воситалари “Исломий ахлоқи ва интеллектуал обрўси шубҳага ўрин қолдирмайдиган одамлар қўлида бўлиши” жуда муҳимдир. Босния мустақил бўлгандан кейин Изетбегович кўп миллатли давлатни қўллаб-қувватлади, гарчи мусулмонлар жуда кўпчиликни ташкил қилмаса ҳам улар устун бўлиши керак эди. Аммо у уруш натижасида ватанини исломлаштиришга қарши турганлардан эмасди. Унинг очик ва ошқора Ислом Декларациясини рад этишни хоҳламаслиги ғайримусулмонлар орасида кўрқувни келтириб чиқарди. Уруш давом этар экан, Босния серблари ва хорватлари Босния ҳукумати томонидан назорат қилинадиган ҳудудлардан кўчиб ўтдилар ва қолганлар аста-секин исталган иш ва ижтимоий муассасаларда иштирок этишдан четлаштирилди. “Ислом мусулмон жамиятида катта аҳамиятга эга бўлди ва миллий ўзига хослиги сиёсат ва диннинг таркибий қисмига айланди”. Босниядаги кўп миллатли миллатчиликдан фарқли ўлароқ, мусулмон миллатчилиги оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ намоён бўла бошлади. Мактабларда диний таълим кенг ўқитилган, янги дарсликларда Усмонлилар даври қонун-қоидаларига алоҳида урғу берилган. Босния тили серб-хорват тилидан фарқли равишда тарғиб қилинган, унга кўпроқ турк ва арабча сўзлар қўшилган. Ҳукумат амалдорлари аралаш никоҳларга, “тажовузкор” эшиттиришлар ҳамда серб мусиқасига расман тақиқ қўйишган. Ҳукумат Ислом динини қўллаб-қувватлаган, мусулмонларга ижара ва тарғибот ишларида имтиёзлар берган. Энг муҳими, 1995 йилда Босния армияси исломлаштирилган, ходимларнинг 90 фоизини мусулмонлар ташкил

этган. Кўплаб армия бўлинмалари Ислом аҳкомлари билан таништирилган, Ислом амалларини бажариб, рамзларидан фойдалана бошлашган. Сара бўлинмаларда исломлаштириш кучайган ва уларнинг сони ортиб борган. Бу тенденция Босния президентлигига беш номзоднинг бири (шу жумладан 2 хорват ва 2 сербдан иборат бўлган) Изетбегович томонидан рад этилган ва 1995 йилда Маданият вазири Харис Силайджичнинг истеъфога чиқиши билан якун топган.

Сиёсий жихатдан, Изетбеговичнинг мусулмон партияси – СДА Босния давлати ва жамиятида ўз назоратини кучайтирган. 1995 йилда у “армия, давлат хизмати ва давлат корхоналарида” ҳукмронликни қўлга олди. Маълум бўлишича, “Партияга аъзо бўлмаган мусулмонлар (ғайримусулмонлардан ташқари) ўзларига муносиб иш топишлари қийин бўлган”. Танқидчилардан бирининг таъкидлашича, Партия коммунистик ҳокимият услублари орқали ажралиб турадиган ислом авторитаризми учун восита ҳисобланган.

Умуман олганда бошқа бир тадқиқотчининг фикрича:

- мусулмон миллатчилиги тобора кучайиб бормоқда, энди у миллатнинг бошқа ҳиссиётлари билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Бу эса янги ҳукмрон бўлган мусулмон халқининг мулки, имтиёзи ва сиёсий воситаси бўлган.
- Янги мусулмон миллатчилигининг асосий натижаси бу миллий гомогенизация томон ҳаракатидир.
- Борган сари исломий диний фундаментализм ҳам мусулмон халқларнинг манфаатларини белгилашда устунликка эришмоқда.

Уруш ва этник тўзалаш натижасида пайдо бўлган диний ўзига хосликнинг кучайиши, унинг етакчиларининг имтиёзлари ва бошқа мусулмон давлатларининг қўллаб-қувватлаши ва босими аста-секинлик билан Боснияни Болқон Швейцариясидан Болқоннинг Эронига айлантирди. Фронт урушларида томонлар нафақат ўзининг цивилизациявий ўзига хослигини кўрсатадилар, балки бошқа томоннинг ҳам ўзига хос хусусиятларини

ўрганади. Маҳаллий урушларда одамлар бошқа маҳаллий этник гуруҳ билан эмас, балки бошқа цивилизация билан курашади. Шундай қилиб, йирик цивилизация манбалари томонидан таҳдид кучаяди ва мағлуб нафақат ўзига, балки бутун цивилизацияга етказилган зарарларга жавобгар бўлади. Натижада зиддиятлар ортидан цивилизациялар пайдо бўлади. Маҳаллий уруш динлар уруши, цивилизациялар тўқнашуви сифатида таърифланади. 1990 йилнинг бошларида православ дини ва православ черкови яна рус миллий идентификациясининг марказий элементларига айланди, улар “бошқа рус конфессияларини сиқиб чиқарган, айниқса, Ислом улар орасида энг муҳими бўлган”, руслар Тожикистондаги уруғлар ва ҳудудлар ўртасидаги уруш ҳамда асрлар оша давом этаётган православ ва ислом тўқнашувнинг бир қисми бўлган Чеченистон билан урушни ўз фойдаларига йўналтирдилар, ҳозирда православ динининг маҳаллий муҳолифлари Ислом фундаментализми, жиход ва Исломобод, Техрон, Ар-Риёд ҳамда Анқарадаги ишончли вакилларига содиқ қолишмоқда.

Собиқ Югославияда хорватлар ўзларини православ ва Ислом ҳужумига қарши жасур ғарб чегарачилари деб ҳисоблашган. Серблар нафақат босниялик хорватлар ва мусулмонларни, балки ватиканликлар, асрлар давомида христианликка таҳдид солиб келган “Ислом фундаменталистлари” ва “шармандали турклар”ни душманлари деб билишган. “Караджич, – дейди ғарблик дипломат босниялик серб раҳбарларидан бири ҳақида гапирар экан, – буни Европадаги империалистларга қарши уруш деб билади. У Европада Усмонли турк империясининг сўнгги изларини йўқ қилиш миссиясига эга бўлиш ҳақида таъкидлайди”. Босниялик мусулмонлар ўзларини геноцид қурбонлари деб ҳисоблашгани ҳолда, (дини туфайли Ғарб томонидан эътиборсиз қолдирилган) ўзларини мусулмон дунёсидан ёрдам кўришга лойиқ деб билишади. Югославия урушидаги барча томонлар ва аксарият ташқи кузатувчилар уларни диний ёки этно-диний урушлар сифатида кўришади. Миша Гленнининг фикрича, “Уруш Европанинг учта буюк дини – Рим католиги, Шарқий православлик ва Ислом хусусиятларини ўзига тобора

кўпроқ ўзлаштироқда. Бу империяларнинг конфессиявий зарарли чегаралари Боснияда тўқнашди.

Маданиятлар тўқнашув чизиғини цивилизациялар тўқнашувига киёсласак, у совуқ уруш даврида мавжуд бўлган асосий назарияга янги ҳаёт берди. Эндиликда ҳалокатларга олиб келадиган йўқотишларнинг олдини олиш зарурлигини цивилизациялашган йирик давлатлар маҳаллий урушлардан хулоса чиқарганлар. Ҳиндистон ҳукуматининг Кашмирга нисбатан қатъий позицияси, унинг қўлдан кетиши бошқа этник ва диний озчиликнинг мустақилликка интилиш истагини кўзғатади ва бу Ҳиндистоннинг парчаланишига олиб келади, деган қўрқувдан келиб чиққан. Агар Россия Тожикистондаги сиёсий таъсирни тўхтатмаса, ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг огоҳлантиришича, бу Қирғизистон ва Ўзбекистонга ҳам тарқалиши мумкин. Бу кейинчалик Россия Федерациясидаги мусулмон республикаларида бузғунчи ҳаракатларни тарғиб қилиши, якуний натижада эса Қизил майдонда Ислом фундаментализми пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Афғонистон-Тожикистон чегараси – дейди Елцин, – амалда Россия таъсирида. Европаликлар, ўз навбатида, собиқ Югославияда мусулмон давлатининг барпо этилиши мусулмон муҳожирларининг тарқалиши ва Жак Ширак айтганидек, Европада “les odeurs d'Islam”, яъни “Ислом ифори”нинг ёйилишига замин яратишидан хавотирда эканликларини билдиришди. Хорватия чегараси эса амалда Европа таъсирида.

Бўлиниш чизиғидаги урушлар кўпайгани сари, ҳар бир томон ўз рақибларига ҳукмини ўтказиш, инсон сифатида кўрмай, уларни ўлдиришни қонунийлаштиришга ҳаракат қилади. Елцин Чечен партизанларига мурожаат қилиб: “Тентак итларни отиб ташлаш керак”, – деди. “Бу тарбиясиз одамларни отиш керак. Биз уларни отиб ташлаймиз”, – дейди индонезиялик генерал Три Сутрисно 1991 йилда Шарқий Тимордаги қирғинни назарда тутиб. Ўтмиш шайтонлари ҳозирда тирилмоқда: хорватлар “усташи³⁷”, мусулмонлар “турк”,

³⁷ Усташи – хорват инқилобий ҳаракати.

серблар “четник”ларга³⁸ айланыпти. “Оммавий қотиллик, қийноқлар, зўрлаш ва тинч аҳолини шафқатсиз чиқариб юбориш каби жамоавий нафратлар жамоавий нафрат билан озиқланади. Қарши маданиятнинг рамзлари ва асарлари асосий мақсадга айланади. Хорватлар православ монастырларини портлатган пайтда серблар мунтазам равишда масжидлар ва Франция монастырларини вайрон қилдилар. Маданият масканлари – музейлар ва кутубхоналар қоқоқ аҳволга келиб қолди, Сингал хавфсизлик кучлари Жафна³⁹ давлат кутубхонасини ёқиб, Тамил маданиятига оид нодир адабий ва тарихий асарларни йўқ қилишди, Сараевода Миллий музейни бузиб ташлашди. Серблар Босниядаги Зворник шаҳрини 40 минг мусулмондан тўзалашди ва фақат 1463 йилда турклар томонидан яқсон қилинган православ черковининг ўрнидаги Усмонли масжидига хоч ўрнатишади. Маданиятлар ўртасидаги урушларда маданият ютқазади.

Цивилизациялар бирлашуви: қардош мамлакатлар ва диаспоралар

Совуқ урушнинг қирқ йили давомида низолар гегемон давлатлар иттифоқчилар ва шерикларни жалб қилиш, бошқа гегемон давлатлар иттифоқчилари ва шерикларини йўқ қилиш ва зарарсизлантиришга уринган пайтда анча сокин тус олди. Қудратли давлатлар янги ва заиф давлатларга глобал танловга қўшилиш учун куч билан босим ўтказиши эвазига учинчи дунёда жуда рақобат кучайди. Совуқ урушдан кейинги дунёда бир нечта коммунал можаролар ягона қудратли миллат можаросини келтириб чиқарди. Демак, бу коммунал можаролар турли цивилизациявий гуруҳларни ўз ичига олар экан, улар кенгайиши ва янада авж олиши аниқ. Можаро янада кучаяр экан, ҳар бир томон ўз цивилизациясига мансуб мамлакатлар ва гуруҳларни қўллаб, намоиш уюштиришга уринади. Бир шаклда ёки бошқача, расмий ёки

³⁸ Четник – сербиялик партизанлар, исёнчи, жангарилар шундай аталган.

³⁹ Жафна – Шимолий Шри-ланкадаги шаҳар.

норасмий, ошкора ёки яширин, моддий, инсоний, дипломатик, молиявий, рамзий ёки ҳарбий қўллаб-қувватлашлар ҳар доим бир ёки бир неча қардош мамлакатлар ёки гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Маданиятлар тўқнашган чизиқда можаролар қанча кўп давом этса, қардош мамлакатлар шунча кўп қўллаб-қувватлаш, воситачилик қилиш вазифаларини бажаришади. Бу “қардош мамлакатлар синдроми” натижасида вужудга келган. Маданиятлар тўқнашуви чизиғидаги можаролар ички цивилизациявий можароларга қараганда, албатта, авж олиб кетиш хавфи кучлироқ ва улар урушларни тўхтатиб туриш ёки бутунлай йўқ қилиш учун худди шундай ҳамкорларга муҳтож. Совуқ урушдан фарқли ўлароқ, урушлар юқоридан пастга тушмайди, балки пастдан юқорига кўтарилади. Давлатлар ва гуруҳлар маданиятлар туташган чизиқда урушларга жалб қилишнинг турли даражаларига эга. Бу партиялар иложи борича бир-бири билан курашиб, жанг қилмоқда. Бу Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш, Исроил ва унинг кўшнилари ўртасидаги давлатлар ёки давлат бўлмаган маҳаллий гуруҳлар бўлиши мумкин, кўпи билан Босния ва Тоғли Қорабоғ арманлари сингари ривожланмаган давлатлардир. Бу зиддиятлар, шунингдек, иккинчи даражали иштирокчиларни ҳам ўзига жалб қилиши мумкин, одатда улар бевосита асосий партиялар билан боғлиқ давлатлар бўлиши мумкин. Бунга собиқ Югославияда Сербия ва Хорватия ҳукуматлари ва Кавказда Арманистон ва Озарбайжон каби давлатлар мисол бўла олади. Ҳозир ҳам бир неча давлатлар можаро билан қисман боғланган бўлса-да, уруш можаролар қатнашчилари бўлмиш Германия, Россия ва Ислон давлатлари, Россия, Туркия ва Арманистон-Озарбайжон низолари ҳолатида Эрон билан цивилизациявий алоқаларга эга. Аммо ушбу учинчи даражали иштирокчилар кўпинча ўз цивилизацияларининг асосий давлатларидир. Улар мавжуд бўлган жойларда, асосий даражадаги иштирокчиларнинг диаспоралари ҳам маданиятлар туташган чизиқдаги можароларда муҳим рол ўйнайди. Одатда биринчи навбатда иштирок этувчи кам сонли одамлар ва қуроллар ҳисобга олиниб, кичик ташқи ёрдам, яъни, пул,

курол ёки кўнгиллилар шаклидаги ёрдамлар кўпинча уруш натижасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.


Бошқа томонларнинг можародаги улуши асосий томонлар билан тенг эмас. Асосий томонларнинг содиқ ва самимий қўллаб-қувватловчилари одатда ўзларининг қардошлик хусусиятлари ва “Пападан кўра эътиқодли” эканликлари билан ажралиб турувчи ташқи таъсир доираларидир. Иккинчи ва учинчи даражали ҳукуматларнинг манфаатлари эса бироз мураккаброқ. Шунингдек улар, одатда, асосий аъзоларни қувватлашади. Ҳаттоки, бундай бўлмаган тақдирда ҳам, қарама-қарши гуруҳлар томонидан “қардошлар барибир бир-бирини қўллайди” деган даъво билан шубҳа остига олинадир. Бироқ ўзлари тўғридан-тўғри уруш ҳаракатларида қатнашмайдиган иккинчи ва учинчи даражали давлатлар урушларнинг уюштирилишидан манфаатдорлар. Демак, иккинчи ва учинчи даражали давлатлар асосий аъзоларни қўллаш билан бир вақтда, уларни чеклаш ва ўз мақсадларини мўтадиллаштиришга ҳам ҳаракат қилишади. Шунингдек, улар одатда цивилизациявий дарзнинг бошқа тарафидаги “эгизаклари” билан муроса қилишга ва шу тариқа маҳаллий урушнинг қудратли давлатлар ўртасидаги кенг миқёсдаги урушга айланиб кетишини олдини олишга ҳаракат қилишади. 11.1-расмда томонларнинг цивилизациявий дарз устидаги урушларда бир-бирига алоқадорлик потенциали тасвирланган. Шундай урушларнинг ҳаммаси ҳам бунчалик тўлиқ иштирокчиларга эга бўлавермайди, лекин баъзиларида бу ҳол кузатилиши мумкин. Бунга собиқ Югославия ва Кавказ орти уришини мисол қилиш мумкин, деярли исталган бўлиниш чизиғидаги урушда барча даражадаги иштирокчиларни ўз ичига олиш потенциали мавжуд.

90-йилларда ҳар бир цивилизациявий булиниш чизиғидаги урушларда диаспоралар ва қардош давлатлар шу ёки бошқа шаклда иштирок этган. Бундай урушларда мусулмон гуруҳларининг асосий ролини ҳисобга олган ҳолда, мусулмон давлатлари ва бирлашмалари энг кўп тарқалган иккинчи ва учинчи даражали аъзолар ҳисобланадилар. Бошқа мусулмон давлатлари билан

бирга Фаластин, Ливан, Босния, Чеченистон, Кавказ, Тожикистон, Кашмир, Судан ва Филиппинда мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасидаги курашларда фаол бўлганлар Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Туркия ҳамда Ливия ҳукуматларидир. Ҳукумат ёрдамидан ташқари, кўплаб асосий даражадаги мусулмон гуруҳлари Жазоирдаги фуқаролар уруши шамолидан Чеченистон ва Филиппинда газак олаётган зиддиятларда қатнашган, Афғонистон уруши натижасида юзага келган халқаро Ислом жангчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Бундай кенг қўламли Исломий ҳаракат, таҳлилчилардан бири айтганидек “Афғонистон, Кашмир ва Боснияда ислом қонун-қоидаларини ўрнатиш учун кўнгиллиларни юбориш; шу ёки бошқа давлатдаги ислом ҳаракатларига қаршилик қилаётган ҳукуматларга нисбатан тарғибот-ташвиқот ўтказиш; диаспорада бундай ҳаракат тарафдорлари учун сиёсий штаб-квартира сифатида хизмат қилувчи Ислом марказларини ташкил қилиш” каби мақсадларни ўз олдларига қўйишган. Араб Иттифоқи ва Ислом Ҳамкорли Ташкилоти ҳам цивилизациялараро зиддиятлардаги мусулмон гуруҳлари ўрнини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлади.

11.1 Расм

Мураккаб цивилизациявий бўлиниш чизиғидаги урушлар тузилиши



зўравонлик



ёрдам

вазминлик



мурося



Афғон урушида Совет Иттифоқи асосий қатнашчи бўлгани каби Россия ҳам Чеченистон урушида Россия ҳам асосий позицияда бўлди. Тожикистон ва собиқ Югославия урушларида Россия мос равишда иккинчи ва учинчи даражадаги қатнашчи бўлди. Ҳиндистоннинг Кашмирдаги иштироки асосий бўлса, Шри-Ланкада эса иккиламчи бўлди. Ғарб давлатлари Югославия урушида учламчи ўрин билан қаноатланишди. Диаспоралар Исроил ва Фаластин ўртасида узоқ давом этган курашларда икки томон учун ҳам асосий ролни ўйнади, шунингдек, арманлар, хорватлар ва чеченларни қўллаб-қувватлашди. Телевешения, факслар ва элестрон почта орқали “диаспораларнинг мажбуриятлари кучайтирилди ва баъзида собиқ ватанлари билан доимий алоқа орқали қутблантирилди. “Собиқ” сўзи энди олдинги маъносини англамас эди”.

Кашмир урушида Покистон очикчасига исёнчиларга дипломатик ва сиёсий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, Покистон ҳарбий манбаларига кўра, курул-яроғ, ҳарбий тайёргарлик, моддий-техник таъминот, бошпана моддий ёрдам сифатида ажратилган. Шунингдек, у бошқа мусулмон ҳокимиятларини ҳам ўз манфаатлари йўлида ҳаракатга чорлади. Хабарларга кўра, 1995 йилгача исёнчилар Афғонистон, Тожикистондаги мужоҳид жиходчилари томонидан камида 1200 жангчи, Судандан “Стингер” ракеталари ҳамда Совет Иттифоқига қарши уруш туфайли Америка томонидан бошқа турдаги курул-яроғлар билан қўллаб-қувватланган”. Филиппиндаги Моро қўзғолони Малайзиянинг моддий ва аслаҳавий таъминоти ҳисобига бироз вақт фойда келтирди; Араб давлатлари қўшимча молиявий ёрдам кўрсатишди; бир неча минглаб исёнчилар Ливияда ҳарбий тайёргарликдан ўтишди; ҳамда Покистон ва Афғонистон фундаменталист кучлари томонидан экстремист Абу Сайяф гуруҳи ташкил этилди. Африкада эса Судан Эритрея мусулмон исёнчиларининг Эфиопияга қарши курашларида доимий ёрдам бериб турди. Бунга жавобан эса Эфиопия “христиан исёнчиларининг” Суданга қарши урушларида “моддий-техник ва бошпана” билан таъминлаб турди. Иккинчиси (Эритрея/Эфиопия) ҳам Угандадан худди шундай кўмак олди, бу эса қисман “Суданлик исёнчилар билан кучли диний, этник ва ирқий алоқаларни” билдиради. Бироқ, Судан ҳукуматининг Эрондан 300 миллион доллар миқдордаги Хитой курул-аслаҳалари ва Эрондан ҳарбий-тактик маслаҳатлар олинishi 1992 йилда исёнчиларга қарши қақшатқич зарба беришга имкон берди. Судан ҳукумати маълумотларига кўра, бир қанча Ғарблик насронийлик ташкилотлари христиан исёнчиларини озиқ-овқат, тиббий ва курул-яроғ билан таъминлаган.

Шри-Ланкадаги ҳинд тамил исёнкорлари ва буддавий Сингалез ҳукумати ўртасидаги урушда Ҳиндистон ҳукумати дастлаб исёнчиларга Ҳиндистон жанубида уларни ўқитиш ва курул ҳамда пул билан таъминлаш орқали катта ёрдам кўрсатди. 1987 йилда Шри-Ланка ҳукумат кучлари Тамил “йўлбарс”ларини йўқ қилиб ташламоқчи бўлганларида” ҳинд жамоатчилик фикри ушбу “геноцид”га қарши чиқди ва моҳиятан Президент Жаяварденга

огоҳлантириш сифатида Ҳиндистон ҳукумати тамилларга ҳаво орқали озиқ-овқат етказиб беришни бошлади, Ҳиндистон “йўлбарслар”ини қурол кучи билан йўқ қилинишига йўл қўймоқчи эмасди. Кейин Ҳиндистон ва Шри-Ланка ҳукуматлари Шри-Ланка тамиллар жойлашган ҳудудларга маълум маънода мухторият беришга ва исёнчилар қурол-яроғини Ҳиндистон армиясига топширишга келишиб олдилар. Келишув шартларини амалга ошишини таъминлаш учун Ҳиндистон оролга эллик минг кишилик ҳарбийларни жойлаштирди, аммо “йўлбарслар” қуролларни топширишдан бош тортдилар ва тез орада ҳинд ҳарбийлари бир вақтлар ўзлари қўллаб-қувватлаган тамил партизанлари билан урушга киришдилар. 1988 йилдан бошлаб ҳинд кўшинлари оролдан чиқарилди. 1991 йилда Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди ўлдирилди, Тамил исёнчиларининг тарафдори бўлган ҳиндларга ишонадиган бўлсак, ҳинд ҳукуматининг қўзғолонга бўлган муносабати душманликка қадар ўсиб борди. Бироқ, ҳукумат қўзғолончиларга хайрихоҳ бўлган Ҳиндистон жанубидаги 50 миллион тамилларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли уларга қарши кураша олмади. Ушбу қарашни акс эттирган ҳолда айтиш мумкинки, Тамилнад штати ҳукумати вакиллари Нью-Дехли қарорларига очиқчасига эътибор бермай, “йўлбарслар”га ўз штатларининг 500 мил атрофидаги қирғоқ чизиғи бўйлаб деярли тўсиқларсиз ҳаракатланишга ва тор Полк бўғози орқали исёнчилар учун қурол ва ўқ дорилар олиб боришга имкон беришди.

1979 йилдан бошлаб Советлар, сўнгра Россия жанубдаги мусулмон кўшнилари билан учта катта урушда қатнашдилар: 1979-1989 йиллардаги Афғонистон уруши, унинг давоми бўлган 1992 йилда бошланган Тожикистондаги уруш ва 1994 йилда бошланган Чечен уруши. Совет Иттифоқининг парчаланиши билан Тожикистонда ҳокимиятга коммунистик ҳукумат келди. 1992 йил баҳорида минтақавий ва этник гуруҳлардан, шу жумладан, дунёвий давлат тарафдорлари ва исломчилардан иборат бўлган муҳолифат ҳукуматга эътироз билан чиқди. Афғонистон орқали келтирилган қурол-яроғлар билан қўллаб-қувватланган ушбу муҳолифат 1992 йил сентябр

ойида россияпараст ҳукуматни мамлакат пойтахти Душанбедан қувиб чиқарди. Россия ва Ўзбекистон ҳукуматлари ислом фундаментализмининг тарқалишига тўсқинлик қилиб, тез ва қатъий жавоб қайтаришди. Россиянинг Тожикистонда қолган 201-ўқчилар дивизияси ҳукумат кучларига қурол-яроғ етказиб берди ва Россия Афғонистон билан чегарани қўриқлаш учун қўшимча қўшинлар юборди. 1992 йил ноябрда Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Россия ва Ўзбекистон ҳарбий кучларини Тожикистонга тинчлик ўрнатиш мақсадида юборишга келишишди, аммо аслида урушда қатнашишга рози бўлишди. Россия томонидан қурол-яроғ ва пул билан бундай қўллаб-қувватлашни қўлга киритган собиқ ҳукумат қўшинлари Душанбега қайтиб, мамлакатнинг катта қисми устидан назорат ўрнатишга муваффақ бўлишди. Этник тўзалаш жараёни давом этди, муҳолиф кучлар ва қочқинлар эса Афғонистонга чекинишди.

Яқин Шарқдаги мусулмон ҳукуматлари Россиянинг ҳарбий аралашувига қарши чиқишди. Эрон, Покистон ва Афғонистон исломий муҳолифатни пул ва қурол билан тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда ҳамда унга аскарларни тайёрлашда ёрдам бермоқда. Матбуот хабарларига кўра, 1993 йилда минглаб жангарилар афғон мужоҳидлари томонидан тайёргарликдан ўтказилган, шунингдек, 1993 йил баҳор ва ёз ойларида тожик исёнчилари Афғонистондан чегара бўйлаб бир неча ҳужумлар уюштирган, натижада Россия чегарачиларининг катта қисми ўлдирилган. Россия бунга жавобан Тожикистонга яна кўп сонли қўшинларини жойлаштирди, шунингдек, “катта миқдордаги артиллерия ва миномёт” отишмаларини ҳамда Афғонистондаги нишонларга ҳаво ҳужумларини амалга оширди. Бироқ, араб ҳукуматлари исёнчиларга ҳаво зарбаларига қарши туриш учун “Стингер” ракеталарини сотиб олиш учун маблағ ажратишди. 1995 йилга келиб Россия Тожикистонга 250 минг кишидан иборат қўшин юборди ва ҳукуматни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган маблағнинг ярмидан кўпи билан таъминлади. Бошқа томондан, кўзғолончилар Афғонистон ҳукумати ва бошқа мусулмон мамлакатлари томонидан фаол қўллаб-қувватланди. Барнетт Рубин

таъкидлаганидек, агар халқаро ташкилотлар ёки Ғарб Тожикистонга ёки Афғонистонга жиддий ёрдам кўрсатмаса, биринчиси тўлиқ русларга, иккинчиси эса ўзининг мусулмон шерикларига боғлиқ бўлиб қолади. “Бугунги кунда ташқи ёрдамга ишонган ҳар қандай афғон қўмондони ёки Марказий Осиёга жиҳодни тарқалишини истаган араб ва Покистон молия жамғармаси эгаларининг хоҳиш-истакларини қондириши керак ёки наркотик савдосига кўшилиши керак”.

1992-1993 йилларда православ осетинлар ва мусулмон ингушлар ўртасидаги тўқнашувлар Россиянинг Шимолий Кавказда чеченлар билан бўлган учинчи мусулмонларга қарши урушининг бошланишига хизмат қилди. Ингушлар Иккинчи Жаҳон уруши пайтида чеченлар ва бошқа мусулмон халқлари билан бирга Ўрта Осиёга депортация қилинди. Ўз ҳудудларида қолдирилган осетинлар ингушларнинг мулкани тортиб олишди. 1956-1957 йилларда, депортация қилинган халқларга қайтиш учун рухсат берилди ва мулк ҳуқуқи ва ҳудудни назорат қилиш борасида тортишувлар бошланди. 1992 йил ноябрда Совет ҳукумати осетинларга топширган ва Ингушлар яна қайтариб олоқчи бўлган Пригородний туманига Ингуш Республикаси ҳудудидан ҳужумлар бошланди. Руслар православ осетинларни қўллаб-қувватлаш учун, казак қўшинларини жалб қилган ҳолда катта босқинчилик билан жавоб қайтаришди. Бир кузатувчининг таъкидлашича: «1992 йил ноябр ойида Осетиядаги Ингуш қишлоқлари рус танклари томонидан қуршаб олинган ва ўққа тутилган. Отишмадан омон қолганлар ўлдирилган ёки олиб кетилган. Қирғин Осетия ОМОНи (махсус полиция бўлинмалари) томонидан амалга оширилган, аммо рус қўшинлари минтақага “тинчликни қўллаб-қувватлаш” учун юборилган. “Экономист”нинг таъкидлашича, “бир ҳафтадан кам вақт ичида бундай улкан вайронагарчилик юз берганини тасаввур қилиш қийин”. Бу “Россия Федерациясида ўтказилган биринчи этник тўзалаш амалиёти” эди. Кейин Россия можарони Ингуш иттифоқчиларига, Чеченларга таҳдид қилиш учун ишлатди ва бу ўз навбатида “зудлик билан Чеченистонни ва (катта қисми мусулмон бўлган) Кавказ халқлари конфедерацияси (КХК) ни

сафарбар қилинишига олиб келди. КХК Россия кўшинлари Чеченистон худудини тарк этмаса унга қарши 500 минг кўнгилли ёрдамчиларни юбориш билан таҳдид қилди. Кучли қаршиликдан сўнг Москва Шимолий Осетия-Ингуш можаросининг минтақавий можаросининг ривожланишига йўл кўймаслик учун ортга чекинди”.

1994 йил декабрида Россия Чеченистонга кенг кўламли ҳарбий ҳужумни бошлаши ортидан янада шиддатли ва кенг кўламли уруш алангаланди. Икки православ республика: Грузия ва Арманистоннинг раҳбарлари Россиянинг ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар, Украина президенти эса “дипломатик хушмуомалаликка ҳамда инқирозни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди”. Россиянинг ҳаракатлари православ Шимолий Осетия ҳукумати ва Шимолий Осетия аҳолисининг 55-60 фоизи томонидан маъқулланган. Аксинча, Россия Федерацияси ва унинг ташқарисидаги мусулмонлар чеченлар томонида турдилар. Исломий ташкилотлар Чеченистонга зудлик билан Озарбайжон, Афғонистон, Покистон, Судан ва бошқа худудлардан жангариларни юборди. Мусулмон давлатлари чеченларни қўллаб-қувватладилар, Туркия ва Эрон эса уларга моддий ёрдам кўрсатди, бу эса Россияга Эрон билан ярашиши учун кўшимча рағбат берди. Чеченлар учун доимий равишда қурол-яроғ оқими Озарбайжондан Россия Федерациясига оқиб кела бошлади, бу эса Россияни ушбу мамлакат билан чегарани ёпишга мажбур қилди. Бу эса Чеченистонни дори-дармонлар ва бошқа нарсалар билан таъминлаш имкониятини йўққа чиқарди.

Россия Федерацияси мусулмонлари чеченларни қўллаб-қувватлаш учун кўзгалдилар. Гарчи барча мусулмон кавказликларнинг Россияга қарши муқаддас уруши даъватлари натижа бермаган бўлса ҳам, Волга-Урал минтақасидаги олтита республика раҳбарлари Россиядан ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилишини талаб қилдилар ва Кавказ мусулмон республикаларининг вакиллари эса фуқаровий бўйсунмаслик кампаниясини ўтказишга чақирдилар. Чуваш Республикаси Президенти мусулмон биродарларга қарши ҳаракат қилувчи бўлинмаларда хизмат қилувчи чувашлик

чақирилувчиларни ҳарбий хизматдан озод қилди. “Урушга қарши энг кучли намоишлар” Чеченистоннинг икки қўшни республика, яъни Ингушетия ва Доғистонда бўлиб ўтди. Ингушлар Чеченистон томон ҳаракат қилаётган рус қўшинларига ҳужум қилишди, бу эса Россия муҳофаа вазирининг Ингуш ҳукумати "Россияга қарши амалда уруш эълон қилди" деган баёнотига сабаб бўлди; рус қўшинларига қарши ҳужумлар Доғистонда ҳам содир бўлган. Руслар бунга жавобан Ингуш ва Доғистон қишлоқларини ўққа тутишди. 1996 йил январда Кизляр шаҳрига чеченлар босқинидан сўнг русларнинг Первомайское қишлоғини вайрон қилиши доғистонликларнинг русларга нисбатан адоватини янада кучайтирди.

Ўз халқларининг курашига, асосан, XIX асрда Кавказ тоғ халқларига Россиянинг тажовузи натижасида вужудга келган чечен диаспораси ёрдам берди. Диаспора маблағ йиғишни ташкил қилди, курул сотиб олди ва Чечен қўшинларига кўнгиллиларни жалб қилди. Иордания ва Туркияда чечен диаспоралари жуда кўп эди, бу Иорданияни Россияга қарши қатъиятли позицияни эгаллашга мажбур қилди ва Туркиянинг чеченларга ёрдам беришга тайёрлигини кучайтирди. 1996 йил январ ойида, уруш Туркияга тарқалгач, турк жамоатчилиги рус сайёҳлари бўлган паром чечен диаспораси аъзолари томонидан қўлга олинishiга хайрихоҳлик билдирди. Кавказ давлатлари раҳбарлари ёрдамида Туркия ҳукумати ушбу инқирозни ҳал қилиш ҳақида келишувга эришди ва шу тарзда бу келишув Туркия ва Россия ўртасидаги муносабатларни янада ёмонлаштирди.

Чеченистоннинг Доғистонга бостириб кириши, русларнинг жавоби ва 1996 йил бошидаги босқинчилик тўққизинчи асрда ўнлаб йиллар давом этган кураш давомида руслар ва тоғ халқлари ўртасидаги умумий тўқнашувга айланиши мумкинлигини кўрсатди. 1995 йилда Фиона Хилл “Шимолий Кавказ, бу – уруш ўчоғи” дея огоҳлантирганди ва “битта республикадаги можаролар минтақавий низоларни келтириб чиқариши мумкин, бу чегарадан ташқарида Россия Федерациясининг қолган қисмига тарқалади ва Грузия, Озарбайжон, Туркия, Эронни ҳамда уларнинг шимолий Кавказ

диаспораларини ўзига жалб қилади. Чеченистондаги уруш кўрсатганидек, минтақадаги можаролар осонликча тўхтаб қолмайди. Жанглар Чеченистонга туташ республикалар ва худудларга тарқалади” дея кўшимча қилган. Бунга россиялик таҳлилчи қўшилган ҳолда “норасмий коалициялар” цивилизация йўналишлари бўйлаб ривожланаётганини таъкидлаб ўтди. Грузия, Арманистон, Тоғли Қорабоғ ва Шимолий Осетия христианлари Озарбайжон, Абхазия, Чеченистон ва Ингушетия мусулмонларига қарши саф тортмоқда. Тожикистон ва Россияда аллақачон курашаётганлар эса Мусулмон дунёси билан узоқ давомли қарама-қаршилиқни юзага келтириши мумкин.

Бошқа бир христиан-мусулмон бўлиниш чизигидаги урушда эса асосий қатнашчилар Тоғли Қорабоғ муҳолифатидаги арманлар ва аввал бошиданок мустақиллик учун курашган Озарбайжоннинг ҳукумати ва халқи эди. Арманистон ҳукумати иккинчи даражали иштирокчи ва Россия, Туркия ҳамда Эрон эса учинчи даражали томонлар эди. Бундан ташқари, Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги йирик арман диаспораси катта рол ўйнади. Жанглар 1988 йилда Совет Иттифоқи тугашидан олдин бошланиб, 1992-1993 йилларда кучайиб борган ва 1994 йилда ўзаро тинчлик шартномаси бўйича музокаралар олиб борилгандан кейин тўхтатилган. Турклар ва бошқа мусулмонлар Озарбайжонни қўллаб-қувватлаган, Россия эса арманларни қўллаб-қувватлаган, аммо кейин ўз таъсиридан Озарбайжондаги турклар таъсирига қарши чиқиш учун фойдаланган. Ушбу уруш асрлар давомида Россия империяси ва Усмонли империяси ўртасидаги Қора денгиз минтақаси ва Кавказни бошқариш учун олиб борган курашнинг ва арманлар ҳамда турклар ўртасидаги йигирманчи асрнинг бошларига қадар давом этган курашнинг энг янги давридан кичик эпизодлар эди. Ушбу урушда Туркия Озарбайжоннинг доимий тарафдори бўлган ва арманларга қарши чиққан. Болтиқбўйи бўлмаган Совет республикаси мустақиллигининг ҳар қандай мамлакат томонидан биринчи тан олиши Туркиянинг Озарбайжонни тан олиши эди. Можаро давомида Туркия Озарбайжонга молиявий ва моддий ёрдам кўрсатди ҳамда озарбайжон аскарларини тайёрлади. 1991-1992 йилларда зўравонлик кучайиб,

арманлар Озарбайжон худудига кириб борганларида, турк жамоатчилиги фикри уйғонди ва Туркия ҳукумати этник-диний қариндошларини қўллаб-қувватлаш учун тазйиқ ўтказди. Шунингдек, бу ҳолат мусулмон-насроний бўлиниши юзага келганидан далолат беради ва Ғарб Арманистонни қўллаб-қувватлайди ҳамда НАТО иттифоқчилари эса қарши чиқади. Шу тариқа Туркия бўлиниш чизигидаги урушда иккинчи даражали иштирокчиларга хос бўлган классик тазйиқларга дуч келди. Аммо Туркия ҳукумати Озарбайжонни қўллаб-қувватлашни ва Арманистонга қарши туришни ўз фойдасига деб билди. “Қариндошларингизни ўлдиришаётгани сизга таъсир этмаслиги мумкин эмас” дея таъкидлаган бир турк амалдори ва яна бири: “Биз босим остидамиз. Бизнинг газеталаримиз ваҳшийликларнинг фотосуратлари билан тўлган. Эҳтимол, биз Арманистонга бу минтақадаги катта бир Туркия борлигини кўрсатиб қўярмиз” дея қўшиб қўйди. Президент Турғут Ўзал бу фикрга қўшилган ҳолда “биз арманларни бироз кўрқитиб қўйишимиз керак” дея таъкидлаб ўтди. Туркия Эрон билан биргаликда арманларга чегараларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслигини огоҳлантирди. Ўзал Арманистонга Туркия орқали бораётган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни тўсиб қўйди, натижада Арманистон аҳолиси 1992-1993 йилларнинг қишида очарчилик ёқасига келиб қолди. Натижада россиялик маршал Евгений Шапошников огоҳлантирганидек, “Агар бошқа томон, яъни Туркия урушга аралашса, биз учинчи жаҳон уруши ёқасида бўламиз”. Орадан бир йил вақт ўтса ҳамки Ўзалнинг шафқатсизлиги камаймаган эди. “Арманлар нима қила олардилар – деди у киноя билан, – агар ўқ узилиб қолса?! Мартда Туркияга келадиларми? Ана ўшанда Туркия ўз кучини кўрсатиб қўяди” дея қўшиб қўйди.

1993 йилнинг ёз ва куз оралиғида Эрон чегарасига яқинлашган арманлар хужуми Озарбайжон ва Марказий Осиё мусулмон давлатлари ичида таъсир ўтказиш учун курашаётган Эрон ва Туркиянинг бу ҳолатга реаксия билдиришига сабаб бўлди. Туркия ушбу хужум хужуми ўз хавфсизлигига таҳдид деб топди ва Арманистон кучларини Озарбайжон худудидан “зудлик

билан ва шартларсиз” чиқиб кетилишини талаб қилди ҳамда Арманистон билан чегарадош ҳудудларга қўшимча таркиб юборди. Хабарларга кўра, Россия ва Туркия қўшинлари чегарани ўққа тутган. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер агар Арман қўшинлари Туркияга яқин жойлашган Озарбайжоннинг Нахичеван мухолифатига кирса, уруш эълон қилишини сўрашини билдирди. Шунингдек, Эрон арманлар ҳужумидан азият чекган қочқинлар учун лагерлар ташкил этиш мақсадида, Озарбайжонга қўшинларни йўналтирди. Хабарда, Эроннинг ҳаракатлари, Туркларни русларнинг қарши позицияларини кўзғатмасдан қўшимча чоралар кўришлари мумкинлигига ишонтиришга ва Озарбайжонни ҳимоя қилишда Эрон билан рақобатлашишга яна бир туртки берган. Охир оқибат Москвада Туркия, Арманистон ва Озарбайжон раҳбарлари томонидан ўтказилган музокаралар, Американинг Арманистон ҳукуматига босими ва Арманистон ҳукуматининг Тоғли Қорабоғ арманларига босими натижасида, орқали чигал вазият тинчланди. Душман туркий халқлар билан чегарадош кичик, денгизга чиқмаган бир мамлакатда истиқомат қиладиган арманлар тарихий равишда ўзларининг православ қариндошлари: Грузия ва Россияга ҳимоя қилиш учун мурожаат қилишган. Россияга, хусусан, катта оға сифатида қаралган. Совет Иттифоқи парчаланиб кетар экан, Тоғли Қорабоғ ғарманлари мустақилликка эришиш учун ҳаракат бошладилар, Горбачёв режими уларнинг талабларини рад этди ва Бокуда содиқ коммунистик ҳукумат сифатида кўринган нарсани қўллаб-қувватлаш учун ўз ҳудудларига аскар юборди. Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, бу мулоҳазалар кўпроқ тарихий ва маданий тарихий воқеаларга йўл очиб берди ва Озарбайжон “Россия ҳукуматини 180 даражага ўзгариб кетганликда” ҳамда Арманистон христианларини фаол қўллаб-қувватлаганликда айблади.

Россиянинг арманларга ҳарбий ёрдами аслида Совет армиясидан бошланган, унда арманлар юқори мартабаларга кўтарилиб, мусулмонларга қараганда тез-тез жанговар бўлинмаларга тайинланган эдилар. Уруш бошланганидан сўнг, Тоғли Қорабоғда жойлашган Россия армиясининг 366-моторли милтиқ полки арманларнинг Ходжали шахрига ҳужумида етакчи рол

ўйнади ва унда 1000 га яқин озарбайжонларликлар қатл қилинган. Кейинчалик жангларда рус спецназ кўшинлари ҳам иштирок этдилар. 1992-1993 йиллар кишида Арманистон Туркия тақиқидан азият чеккан пайтда, “Россиядан миллиардлаб рубл миқдоридagi кредитлар келиб тушиши билан” иқтисодий инқироздан чиқиб кетган. Ўша баҳорда рус кўшинлари Арманистоннинг Тоғли Қорабоғ билан боғлайдиган йўлагини очиш учун мунтазам арман кучларига кўшилишди. Кейин қирқ танқдан иборат Россия қуролли кучлари 1993 йил ёзида Қорабоғдаги ҳужумда қатнашган. Арманистон, ўз навбатида, Хилл ва Геттнинг таъкидлашича, Россия билан яқиндан иттифоқдош бўлган. Улар Озарбайжон ва Туркия сингари чегараларда жойлашган тарихий душманлардан ҳимоя, хомашё, энергия ва озиқ-овқат таъминоти учун Россияга боғлиқ бўлиб қолган эди. Арманистон МДХнинг барча иқтисодий ва ҳарбий битимларини имзолади, рус кўшинларининг ўз ҳудудида жойлашишига рухсат берди ва собиқ Совет активларига бўлган барча даъволарни Россия фойдасига рад этди.

Россиянинг арманларни қўллаб-қувватлаши Россиянинг Озарбайжонга бўлган таъсирини кучайтирди. 1993 йил июн ойида Озарбайжон миллатчиларининг етакчиси Абулфаз Элчибей тўнтариш натижасида ҳокимиятдан четлатилди ва унинг ўрнига собиқ коммунист ва эҳтимол Россияпараст Ҳайдар Алиев тайинланди. Алиев Арманистонни ушлаб туриш учун Россияни қўллаб-қувватлаш зарурлигини тан олди. У Озарбайжоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўшилишдан бош тортишини қайта кўриб чиқди ва Россия кўшинлари унинг ҳудудида жойлашишига рухсат берди. Шунингдек, у Россиянинг Озарбайжон нефтини қазиб олиш бўйича халқаро жамиятда иштирок этишига йўл очди. Бунинг эвазига Россия озарбайжон кўшинларини ўқитишга киришди ва Арманистонни Қорабоғ кучларини қўллаб-қувватлашни тўхтатиб, Озарбайжон ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур қилди. Оғирлигини бир томондан бошқасига ўтказиш орқали Россия Озарбайжон учун натижалар бера олди ва бу мамлакатда Эрон ва Туркия таъсирига қарши турди. Шундай қилиб, Россиянинг Арманистонни

қўллаб-қувватлаши нафақат Кавказдаги энг яқин иттифоқчисини кучайтириб қолмасдан, балки минтақадаги асосий мусулмон рақибларини заифлаштирди. Россиядан ташқари Арманистоннинг Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги йирик, бой ва нуфузли қўллаб-қувватловчи диаспораси мавжуд эди, жумладан АҚШда 1 миллион арман ва Франтсияда 450 минг арман бор эди. Улар Арманистонни Турк блокадасидан омон қолиши учун ёрдам бериш мақсадида пул ва бошқа захиралар билан таъминлади, ҳамда Арманистон ҳукумати расмийлари ва Арман қуролли кучлари учун кўнгиллилар сифатида ёрдам берди. 1990-йилларнинг ўрталарида Америка жамоатчилигининг Арманистон ёрдамига қўшган ҳиссаси йилига 50 миллиондан 75 миллион долларгача бўлган. Шунингдек, диаспоралар ўзларининг қўл остидаги ҳукуматлари билан катта сиёсий таъсир ўтказдилар. АҚШдаги энг йирик арман жамоалари Калифорния, Массачусетс ва Нью-Жерси каби муҳим штатларда жойлашган. Натижада, Конгресс Озарбайжонга ҳар қандай ташқи ёрдамни тақиқлаб қўйди ва Арманистонни АҚШ бошига энг катта ёрдам олувчи учинчи давлатга айлантди. Чет элдан келган ёрдам Арманистоннинг омон қолиши учун жуда зарур эди ва шунинг учун у мос равишда “Кавказ Исроили” номини олди. Ўн тўққизинчи асрда Россиянинг Шимолий Кавказ худудларига қилган ҳужумлари чеченларга русларга қарши туришга ёрдам берган диаспорани вужудга келтирганидек, XX аср бошларида Туркларнинг арманларни қирғин қилиши Туркияга қарши туришга ва Озарбайжонни мағлуб этишга ёрдам берган диаспорани юзага келтирди.

Собиқ Югославия 90-йилларнинг бошидаги энг мураккаб, чалкаш ва тўлиқ бўлиниш чизиғидаги урушларнинг макони бўлган. Биринчи босқичда, Хорватияда Хорватия ҳукумати ва хорватлар хорват сербларига қарши курашдилар, Босния-Герцеговинада Босния ҳукумати Босния серблари ва босниялик хорватлар билан курашдилар, улар кейин ўзаро ҳам кураш олиб бордилар. Иккинчи босқичда Сербия ҳукумати Босния ва Хорват сербларига ёрдам бериш орқали “Буюк Сербия”ни тарғиб қилди ва Хорватия ҳукумати “Буюк Хорватия”га интилди ҳамда Босния хорватларига ёрдам берди. Учунчи

даражадаги цивилизациянинг оммавий қўшилишида қуйидагилар қатнашди: Хорватияни қўллаш учун Германия, Австрия, Ватикан, Европанинг бошқа католик мамлакатлари ва гуруҳлари, кейинчалик АҚШ; серблар ортида эса Россия, Греция ва бошқа православ мамлакатлар ва гуруҳлар бор эди; ва Босния мусулмонлари номидан Эрон, Саудия Арабистони, Туркия, Ливия, Халқаро Ислом жамияти ва Ислом мамлакатлари. Кейинчалик кутилмаган тарзда цивилизацияга тегишли бўлмаган АҚШдан ёрдам келди ва у қариндош қариндошни қўллаб-қувватлашига мисол бўла олади. Германиядаги хорват диаспораси ва Туркиядаги Босния диаспораси ўз ватанларини қўллаб-қувватлашга келишди. Черковлар ва диний гуруҳлар ҳар уч томонда ҳам фаол бўлган. Ҳеч бўлмаганда Германия, Туркия, Россия ва Америка ҳукуматларининг ҳаракатларига гуруҳлар ва уларнинг жамиятларида жамоатчилик фикрининг босими жиддий таъсир кўрсатди. Иккинчи ва учинчи босқичда томонларнинг қўллаб-қувватлаши урушни олиб боришда ва уни тўхтатиш учун муҳим бўлган чекловларни олиб ташлашда зарур эди. Хорватия ва Сербия ҳукуматлари бошқа республикаларда жанг қилаётган халқларига курул-яроғ, анжомлар, моддий ёрдам, қўриқхона ва баъзида ҳарбий кучлар етказиб беришди. Серблар, хорватлар ва мусулмонлар барчаси собиқ Югославиядан ташқаридаги цивилизациявий қариндошларидан пул, курул-аслаҳалар, кўнгиллилар, ҳарбий тайёргарлик ва сиёсий ҳамда дипломатик қўллаш кўринишидаги катта ёрдамларни олдилар. Биринчи босқичдаги нодавлат серблар ва хорватлар ўзларининг талабларига қатъиятли ва ўз мақсадларига эришиш учун жангавор, шунингдек нисбатан миллатчилик нуқтаи назаридан ўта кучли миллатчи эдилар. Иккинчи босқичдаги Хорватия ва Сербия ҳукуматлари дастлаб ўзларининг бошланғич қариндошларини астойдил қўллаб-қувватладилар, лекин кейинчалик ўзларининг ўзгарган манфаатлари сабаб улар кўпроқ воситачилик ва тўхтатиб турувчи родини бажаришларига олиб келди. Бунга параллел равишда, учинчи даражали Россия, Германия ва Америка ҳукуматлари ўзлари қўллаб-қувватлаган иккинчи даражали ҳукуматларни тийиш туришди ва муроасага ундашди.

Югославиянинг парчаланиши 1991 йили Словения ва Хорватия мустақилликка интилиб, Ғарбий Европадан ёрдам сўраб мурожаат қилган пайтдан бошланди. Ғарбнинг муносабати Германия томонидан белгиланди ва Германиянинг жавоби эса асосан католик алоқаси томонидан белгиланди. Бонн ҳукумати ҳаракатни бошлаш учун немис католиклар иэрархияси, Баварияда Христиан Ижтимоий Бирлик партияси коалициясининг ҳамкори ва Франкфуртдаги “Allgemeine zeitung” ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари босими остида эди. Бавария оммавий ахборот воситалари, айниқса, Германияда тан олиниш руҳини ривожлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнади. “Бавария телевидениеси, – деди Флора Люис, – жуда консерватив Бавария ҳукумати ва Хорватиядаги черков билан яқин алоқада бўлган кучли, қатъиятли Бавария католик черковининг таъсирида бўлган, уруш пайтида (серблар билан) бутун Германия учун телерепортажлар тақдим этган. Улар вазиятни бир томонлама ёритилганлар”. Германия ҳукумати тан олишни рад этишда иккиланиб турди, аммо немис жамиятидаги тазйиқларни ҳисобга олган ҳолда, танлов имконияти йўқ эди. “Хорватияни Германияда тан олишни қўллаб-қувватлаш ҳукумат томонидан эмас, балки билдирилган фикрлар асосида амалга оширилди”. Германия Европа Иттифоқига Словения ва Хорватия мустақиллигини тан олиш учун босим ўтказди ва шундан сўнг буни амалга ошишини таъминлагач, уларнинг ўзлари 1991 йил декабр ойида Иттифоқ тан олгунга қадар амалга ошириш мажбурияти қўйилди. “Уруш давомида, – 1995 йилда германиялик олимлардан бири шундай хулоса қилган, – Бонн Хорватия ва унинг етакчиси Франо Тужманни немис “ташқи сиёсати арзандаси” деб билди, унинг тартибсиз хатти-ҳаракати ғазаблантирса-да, Германия уни доим қўллаб-қувватлаб турган”.

Австрия ва Италия зудлик билан иккита янги давлатни тан олишга ҳаракат қилдилар ва тезда бошқа Ғарб мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам унга эргашди. Ватикан ҳам асосий рол ўйнаган эди. Рим Папаси Хорватияни “Ғарбий христианлик қўрғони” деб эълон қилди ва Европа Иттифоқидан олдин икки давлатни дипломатик тан олишга шошилди. Шундай қилиб,

Ватикан бу можаронинг партизанига айланди, кейинчалик 1994 йили Папа уч республикага ташриф буюришига тўғри келди. Сербия православ черковининг қаршилиги унинг Белградга боришига тўсқинлик қилди ва серблар унинг хавфсизлигини кафолатламаслиги Сараевога ҳам ташрифни бекор қилишга олиб келди. У Загребга борди, у ерда серблар, лўлилар ва яҳудийларни қувғин қилган ва ўлдирган Иккинчи Жаҳон урушидаги фашистик хорват режими билан алоқадор бўлган кардинал Алоизий Септинакка ҳурмат бажо келтирди. 1991 йилнинг сентябр ойида БМТ собиқ Югославия республикаларига қуролга қарши таққ қўллашига қарамасдан, Ғарб томондан мустақиллиги тан олинган Хорватия ўзининг ҳарбий кучини мустаҳкамлай бошлади.

Германия, Полша ва Венгрия каби Европа католик давлатлари, шунингдек, Панама, Чили ва Боливия каби Лотин Америкаси мамлакатларидан Хорватияга қуроллар оқиб кела бошлади. Уруш 1991 йилда авж олгач, “Опус Деи⁴⁰ томонидан бошқариладиган” Испаниянинг қурол экспорти қисқа вақт ичида олти барабар ошди ва уларнинг аксарияти Любляна ва Загребга йўл олди. 1993 йилда Хорватия Германия ва Полша ҳукуматлари билан яқин танишлигидан фойдаланиб бир нечта Миг-21 самолётларини сотиб олганликларини маълум қилди. Хорватия мудофаа кучларига Ғарбий Европадаги Хорват диаспорасидан ва Шарқий Европанинг католик давлатларидан юзлаб ва балки минглаб кўнгиллилар қўшилди, уларнинг бош мақсади насроний жамиятида “Сербия коммунизми ва Ислом фундаментализми”га қарши курашиш эди. Ғарб мамлакатларининг ҳарбий мутахассислари техник ёрдам кўрсатдилар. Ушбу қариндошларгининг ёрдами сабаб хорватияликлар ўз ҳарбий кучларини кучайтириб олди ва серблар доминантлик қиладиган Югославия армиясига қарши муносиб рақиб яратишга қодир бўлишди.

Ғарбнинг Хорватияни қўллаб-қувватлаши, шунингдек, этник тозалаш, инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳамда серблар томонидан доимий равишда тан олинадиган уруш қонунларига эътибор бермасликни ҳам ўз ичига олди. 1995

⁴⁰ Опус Деи – католик черкови шахсий пределати.

йилда янгиланган Хорватия армияси асрлар давомида у ерда бўлган сербияликларга хужум қилиб, улардан юз минглабини Босния ва Сербияга қувғин қилганида Ғарб сукут сақлади. Хорватия ҳам ўзининг катта диаспорасидан фойда кўрди. Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги бадавлат хорватлар қурол-яроғ ва жиҳозларга маблағ ажратишди. Қўшма Штатлардаги хорватларнинг уюшмалари Конгресс ва Президентдан ўз ватанлари фойдасига фойдаланишди. Айниқса, Германиядаги 600 минг хорват сезиларли таъсир кучига эга эдилар. Хорватия армиясига юзлаб кўнгиллиларни етказиб беришда Канада, АҚШ, Австралия ва Германиядаги хорват жамоалари янги мустақил ватанларини химоя қилиш учун сафарбар этилди.

1994 йилда АҚШ Хорватия ҳарбий тузилишини қўллаб-қувватлашга кўшилди. Хорватиянинг оммавий равишдаги қирғинини ҳисобга олган ҳолда БМТ томонидан қуролларга тақиқ қўйилганига қарамасдан, Қўшма Штатлар хорватлар учун ҳарбий тайёргарлик ўтказди ва юқори даражадаги истеъфодаги АҚШ генералларига уларга маслаҳат бериш учун ваколат берди. 1995 йилда АҚШ ва Германия ҳукуматлари Хорватиянинг Сербияга қилган ҳужумига “яшил чироқ” ёқди. Америкалик ҳарбий маслаҳатчилар ушбу “америкача услуб”даги ҳужумни режалаштиришда иштирок этишди, бундан ташқари хорватлар америкалик жосус-йўлдошлари томонидан тақдим этилган разведкадан ҳам фойда кўришган. “Хорватия бизнинг де факто стратегик иттифоқчимизга айланди” дея таъкидлаганди Давлат департаменти расмийси. Бу ривожланиш узоқ муддатли стратегия асосига қурилган, натижада дунёнинг бу қисмида икки маҳаллий ҳокимият ҳукмронлик қилади – бири Загребда, бири Белградда, бири Вашингтон билан боғланган, иккинчиси Москвагача ёйилган славян блокада бўлади. Югославия урушлари, шунингдек, Сербия ортида православ дунёсининг деярли яқдиллик билан ўзаро бирикишига олиб келди. Россия миллатчилари, ҳарбий зобитлари, парламент аъзолари ва православ черкови раҳбарлари Сербияни қўллаб-қувватлашлари, Босния "турклари" ни менсимасликлари ҳамда Ғарб ва НАТО

империализмини танқид қилишгани таъкидланди. Россия ва Сербия миллатчилари биргаликда Ғарбнинг “дунёнинг янгидан тартибланишига” қарши чиқиш учун ҳаракат қилишди. Ушбу чақириқларнинг ташаббускори рус аҳолиси бўлган, москваликларнинг 60 фоиздан кўпроғи 1995 йилнинг ёзида НАТОнинг ҳаво ҳужумларига қарши чиқишган эди. Рус миллатчи гуруҳлари ёш русларни бир неча йирик шаҳарларда “славян биродарлари ишига” кўшилиш учун муваффақиятли ёлланишган. Маълум бўлишича, Руминия ва Греция кўнгиллилари билан бирга мингдан ортиқ руслар “католик фашистлари” ва “исломий жангарилар” дея таърифланганларга қарши курашиш учун Сербия кучларига кўшилган. 1992 йилда “казаклар кийимидаги” рус бирлиги Боснияда иш кўраётганлиги хабар қилинди. 1995 йилда руслар Сербиянинг элита ҳарбий қисмларида хизмат қилишган ва АҚШ хабарига кўра, рус ва юнон жангарилари сербияликлар билан бирга БМТнинг Зепа шаҳридаги хавфсиз ҳудудига бўлган ҳужумда қатнашган.

Қуроллар тақиқига қарамай, Сербиянинг православ дўстлари уни зарур қурол ва ускуналар билан таъминладилар. 1993-йил бошида Россия ҳарбий ва разведка ташкилотлари сербларга 300 миллион долларлик Т-55 танклари, пиёдалар ва ҳаво ҳужумига қарши ракеталарни сотдилар. Рус ҳарбий техниклари ушбу ускунани ишлатиш ва сербларни машқ қилдириш учун Сербияга борган. Сербия бошқа православ мамлакатларидан қурол сотиб олди, Руминия ва Болгария “энг фаол” етказиб берувчилар эди ва Украина ҳам “ҳомий”лардан бири бўлган. Бундан ташқари, Шарқий Словениядаги рус тинчликпарвар кўшинлари БМТнинг сербларга бўлган диққатини чалғитишга эришди ва натижада серб ҳарбий ҳаракатларини осонлаштирди ва Сербия кучларига қурол сотиб олишга ёрдам берди. Иқтисодий санкцияларга қарамай, Сербия Руминия ҳукумати расмийлари томонидан ташкил қилинган Тимишоара, шунингдек, дастлаб Италия ва кейин Греция ҳукумати рухсати билан юнон компаниялари орқали Албаниядан юборилган ёқилғи ва бошқа товарларнинг оммавий контрабандаси натижасида Сербия оёққа туриб олди... Грециядан озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, компютерлар ва

бошқа маҳсулотлар Македония орқали Сербияга кириб келди ва Сербия экспорти миқдори ҳам шунга тенг бўлди. Долларни жалб қилиш ва маданий қариндошларга хайрихоҳлик уйғунлашуви БМТнинг Сербияга қарши иқтисодий санкцияларни қарши тура олишига сабаб бўла олди, шунингдек, БМТ нинг барча собиқ Югославия республикаларига нисбатан қўлланган қурол-яроғ тақиқига ҳам шу таҳлид жавоб бера олишган. Югославия урушлари давомида Греция ҳукумати НАТОнинг Ғарбий аъзолари томонидан қабул қилинган чора-тадбирлардан узоқлашди, Босниядаги НАТОнинг ҳарбий ҳаракатларига қарши чиқди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сербларни қўллаб-қувватлади ва АҚШ ҳукумати Сербияга қарши иқтисодий санкцияларни бекор қилишга чақирди. 1994 йилда Греция бош вазири Андреас Папандреу, Сербия билан православ алоқаси муҳимлигини таъкидлаб ўтди ва 1991 йил охирида Словения ҳамда Хорватиянинг шошқалоқлик билан дипломатик тан олингани учун Ватикан, Германия ва Европа Иттифоқига омма олдида эътироз билдирди. Учинчи томон етакчиси сифатида Борис Елцинни, бир томондан Ғарб билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш, кенгайтириш ва фойда олиш истаги, бошқа томондан сербларга ёрдам бериш ва уни доимий равишда Ғарбга қўшилишда айблаган сиёсий муҳолифат уни қуролсизлантириш мақсадида бўлган, буларнинг барчаси уни босим остида ушлаб турганди. Умуман олганда, ушбу хавотир кучга кирди ва Россия Сербияни дипломатик жиҳатдан тез-тез ва изчил қўллаб-қувватлади. 1993- ва 1995 йилларда Россия ҳукумати Сербияга нисбатан қаттиқроқ иқтисодий санкцияларни қўйишга қарши кескин қаршилик кўрсатди ва Россия парламенти сербларга нисбатан мавжуд санкцияларнинг бекор қилинишини ёқлаб овоз берди. Россия, шунингдек, мусулмонларга қарши қурол тақиқини кучайтиришга ҳаракат қилди ва Хорватияга қарши иқтисодий санкцияларни қўллашни таклиф қилди. 1993 йил декабр ойида Россия Сербияни қишга табиий газ билан таъминлашга имкон яратиш мақсадида иқтисодий санкцияларни биров юмшатишни таклиф қилди ва бу таклиф АҚШ ҳамда Буюк Британия томонидан блокланди. 1994-1995 йилларда Россия Босния

сербларига қарши НАТОнинг ҳаво ҳужумларига қатъиян қарши чиқди. Кейинги йилда Россия Думаси портлашларни деярли бир овоздан қоралади ва ташқи ишлар вазири Андрей Козыревнинг Болқон ярим оролидаги Россия миллий манфаатларини самарасиз ҳимоя қилгани учун истеъфосини талаб қилди.

Шунингдек, 1995 йилда Россия НАТОни сербларга қарши “геноцид”да айблади ва Президент Елцин давомли портлашлар Россиянинг Ғарб билан ҳамкорлигига, шу жумладан, НАТО билан “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлиги” иштирокига жиддий таъсир кўрсатиши ҳақида огоҳлантирди. “НАТО сербларни бомбага тутаётган бир пайтда қандай қилиб НАТО билан битим тузишимиз мумкин? – сўради у. – Ғарб икки хил усул қўлламоқда: Нега мусулмонлар ёки хорватлар ҳужум қилганда уларга қандайдир чора кўрилмаяпти?” – дея қўшиб қўйди.

Россия, шунингдек, Босния мусулмонларига принципиал таъсир кўрсатган собиқ Югославия республикаларига қарши қурол тақиқини тўхтатишга қаратилган ҳаракатларга доимий равишда қарши чиқди ва доимий равишда ушбу тақиқни кучайтиришга ҳаракат қилди.

Сербия манфаатларини ҳимоя қилиш учун Россия БМТ да ва бошқа жойларда ўз мавқеидан фойдаланган. 1994 йил декабрда у БМТ нинг Хавфсизлик Кенгашида мусулмон мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган ва Сербиядан Босния ҳамда Хорватия сербларига ёқилғи ташишини тақиқлайдиган резолюциясига вето қўйди. 1994 йил апрел ойида Россия сербларни этник тозалашда айблаган БМТ резолюциясини блоклади. Шунингдек, у Сербияга қарши эҳтимолий ҳаракатлар бўлмаслиги учун НАТО мамлакатларидан бирон бир кишининг БМТ нинг ҳарбий жинойтлари бўйича прокурори этиб тайинланишига тўсқинлик қилди, Босниядаги серб ҳарбий кўмондони Ратко Младичнинг Халқаро уруш жинойтлари суди томонидан чиқарилган айбловига қарши чиқди ва Младичга Россияда бошпана таклиф қилди. 1993 йил сентябр ойида Россия собиқ Югославиядаги 22 минг БМТ тинчликпарвар кучлари учун БМТнинг ваколатларини янгилашга васийлик

килди. 1995 йил ёзида Россия Хавфсизлик Кенгашининг 12 мингдан ортик БМТ тинчликпарвар кучларига рухсат берган резолюциясига қарши бўлди, бироқ вето қўймади. Сербияликга қарши Хорватия ҳужумига ҳамда Ғарб ҳукуматларининг ушбу ҳужумга қарши чоралар кўришдаги муваффақиятсизлигига эътироз билдирди. Энг кенг тарқалган ва самарали цивилизациялар қўшилиши Босния мусулмонларини қўллаган мусулмон дунёси томонидан амалга оширилганди. Босния иши мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган эди. Боснияликларга ёрдам турли манбалар хусусан, хусусий ва жамоатчилик томонидан келган. Мусулмон ҳукуматлари, айниқса, Эрон ва Саудия Арабистони бир-бирлари билан “ҳомийлик” ва юзага келган таъсирга эга бўлиш учун рақобатлашдилар. Сунний ва шиа, фундаментал ва дунёвий, араб ва араб бўлмаган мусулмон жамиятлари Марокашдан Малайзияга қадар бирлашдилар. Мусулмонларнинг боснияликларга ёрдами хоҳ инсонпарварлик ёрдами бўлсин (жумладан, 1995 йил Саудия Арабистонида йиғилган 90 миллион доллар), хоҳ дипломатик ёрдам яққол сезиларли эди, ҳатто “Босниядаги қирғинбаротга жавоб” тариқасида 1993 йили Жазоирда ислом экстремистлари 12 нафар хорватни ўлдиришгача боришган. Урушнинг боришига ўзаро ҳамкорлик ўрнатишлар катта таъсир кўрсатди. Бу Босния давлатининг омон қолиши ва сербларнинг дастлабки йирик ғалабаларидан кейин ўз ҳудудларини қайта эгаллаб олишлари учун зарур бўлган. Бу Босния жамиятини исломлаштиришга ва Босния мусулмонларини глобал Ислам ҳамжамиятига қўшилишига, шунингдек, Қўшма Штатларнинг Босния эҳтиёжларига хайрихоҳ бўлишига туртки бўлди.

Алоҳида ва жамоавий равишда мусулмон ҳукуматлари бир неча бор Босния диндорларига бирдамликларини билдирдилар. 1992 йилда Эрон етакчиликини қўлга олган ҳолда урушни Босния мусулмонларига қарши геноцидда қатнашган насроний серблар билан диний зиддият сифатида баҳолади. Фуад Ажами бу борада етакчилик қилар экан, Эрон “Босния давлатининг миннатдорчилигига жавоб қайтарган ҳолда” Туркия ва Саудия

Арабистони сингари бошқа мусулмон кучларига намуна бўлди ва эргашишга ундади. Эрон таъсир ўтказган Ислом конференцияси ташкилоти бу масалани муҳокама қилди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Босния ишини қўллаб-қувватловчи гуруҳ тузилди. 1992 йилнинг август ойида Ислом дунёси вакиллари БМТ Бош ассамблеясида геноцидни инкор этдилар ва ИКТ (Ислом Конференцияси Ташкилоти) номидан Туркия БМТ низомининг 7-моддасига биноан ҳарбий аралашшга чақирувчи резолюцияни киритди. Мусулмон мамлакатлари кейинчалик уларни қурол билан таъминлашда эркин бўлишлари учун 1993 йилнинг бошида Ғарбга боснияликларни ҳимоя қилиш учун чоралар кўришга муддат белгилади. 1993 йили май ойида ИКТ Ғарб мамлакатлари ва Россия томонидан мусулмонлар учун хавфсиз бошпана бериш ва Сербия билан чегарани назорат қилиш режасини тан олди, аммо ҳар қандай ҳарбий аралашувни тўхтатди. У қурол тақиқининг бекор қилинишини, сербиянинг оғир қуролларига қарши куч ишлатилишини, Сербия чегарасини агрессив равишда патрул қилишни ва тинчликпарвар кучларга мусулмон мамлакатлари қўшинларининг киритилишини талаб қилди. Кейинги ойда, Ғарб ва Россиянинг эътирозларига қарамай, ИКТ Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ конференциясида Сербия ва Хорватия тажовузини рад этувчи ва қурол тақиқига чек қўйишга чақирувчи резолюцияни қабул қилишга қарор қилди. 1993-йил июл ойида, Ғарб томондан бироз ноқулай аҳволга солиб қўйилган ҳолда, ИКТ Эрон, Туркия, Малайзия, Тунис, Покистон ва Бангладешдан келган аскарлардан 18000 тасини БМТ тинчликпарвар кучларига таклиф қилди. Америка Қўшма Штатлари Эронга вето қўйди ва серблар турк қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Шунга қарамай, 1994 йил ёзида ва 1995 йилга келиб БМТ нинг 25 минг кишидан иборат ҳимоя кучлари Боснияга кириб борди, улар таркибидаги 7 минг нафари Туркия, Покистон, Малайзия, Индонезия ва Бангладеш давлатларидан келган эди. 1993 йил августда Туркия ташқи ишлар вазири бошчилигидаги ИКТ делегацияси Босрос Бутрос-Гали ва Уоррен Кристоферни боснияликларни сербларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун НАТОнинг ҳаво кучлари орқали зудлик

билан ёрдам бериши учун таъсир ўтказишга ҳаракат қилди. Маълум бўлишича, Ғарбнинг бу ҳаракатни бажара олмаганлиги, Туркия ва унинг НАТО иттифоқчилари ўртасида жиддий низоларни келтириб чиқарди. Кейинчалик Туркия ва Покистоннинг бош вазирлари мусулмонларнинг ташвишларини намойиш этиш учун Сараевога расмий ташриф буюришди ва ИКТ боснияликларга ҳарбий ёрдам талабларини яна такрорлади. 1995 йил ёзида Ғарбнинг серб ҳужумларига қарши хавфсиз ҳудудларни ҳимоя қила олмагани Туркияни Боснияга ҳарбий ёрдамни маъқуллашига ва Босния кўшинларини тайёрлантиришга сабаб бўлди, Малайзия БМТ тақиқига қарамасдан қурол сотишни ўз бўйнига олди, Бирлашган Араб Амирликлари эса ҳарбий ва гуманитар мақсадлар учун маблағ етказиб беришга рози бўлди. 1995 йил августда ИКТ таркибидаги тўққиз мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари БМТнинг қурол тақиқини бекор қилди ва сентябр ойида ИКТнинг 25 аъзоси боснияликларга қурол-яроғ ва иқтисодий ёрдамни маъқулладилар.

Бошқа ҳеч қандай масала Исломда бир овоздан қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, Босния мусулмонларининг аҳволи Туркияда алоҳида резонансга эга бўлди. Босния амалда 1878 йилгача ва назарий жиҳатдан 1908 йилгача Усмонли империясининг бир қисми бўлган ва Босния муҳожирлари ҳамда қочқинлари Туркия аҳолисининг тахминан 5 фоизини ташкил қилган. Боснияликларга нисбатан ҳамдардлик ва Ғарбнинг боснияликларни ҳимоя қила олмаётганидан ғазабланиши турк халқи орасида кенг тарқалган эди ва муҳолиф ислом фаровонлик партияси бу масалани ҳукуматга қарши ишлатди. Ўз навбатида ҳукумат амалдорлари Туркиянинг барча Болқон мусулмонлари олдидаги масъулиятларини таъкидладилар ва ҳукумат Босния мусулмонларини ҳимоя қилиш учун БМТнинг ҳарбий аралашувини мунтазам равишда талаб қилиб турди. Босния мусулмонларига умматнинг энг муҳим ёрдамлари асоса ҳарбий ёрдам эди булар: қуроллар, қурол сотиб олиш учун пул, ҳарбий тайёргарлик ва кўнгиллилар. Уруш бошлангандан сўнг дарҳол Босния ҳукумати жиҳодчиларни таклиф қилди ва хабарларга кўра кўнгиллиларнинг умумий сони қарийб 4 мингга етган, бу серблар ёки

хорватлар учун курашган чет элликларга қараганда кўпроқ эди. Уларнинг таркибига Эрон республикачилари ва Афғонистонда жанг қилган кўпчилик кўшинлар кирган. Улар орасида Покистон, Туркия, Эрон, Жазоир, Саудия Арабистони, Миср ва Судан аҳолиси, шунингдек, Германия, Австрия ва Швейцариядан келган албан ва турк муҳожир ишчилари бор эди. Саудия диний ташкилотлари кўплаб кўнгиллиларга ҳомийлик қилди, 1992 йилдаги урушнинг дастлабки ойларида кўплаб саудияликлар ўлдирилди ва Бутунжаҳон Мусулмон Ёшлар Ассамблеяси ярадор жангчиларни тиббий ёрдам учун Жидда шаҳрига қайтариб юборди. 1992 йил кузида Ливаннинг шиа мазҳабидаги Ҳизбуллоҳ партизанлари Босния армиясини ўқитиш учун келдилар, кейинчалик бу машғулот асосан Эрон Республикаси гвардиячилари томонидан олиб борилди. 1994 йил баҳорида Фарбий разведка Эроннинг 400 кишилиқ Республика гвардияси бўлинмаси экстремистик партизанлар ва террористик бўлинмалар уюштирганини маълум қилди. “Эронликлар, – деди АҚШ мулозими – буни Европа остонасига “юмшоқлик билан” киришнинг бир усули сифатида кўришган”. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўра, жиҳодчилар 3-5 минггача боснияликни махсус исломий ҳамжамиятлар учун ўқитган. Босния ҳукумати жиҳодчилардан “террористик, ноқонуний зарбалар” учун фойдаланган, аммо бу бўлинмалар кўпинча маҳаллий аҳолини таъқиб қилишган ва ҳукумат учун бошқа муаммолар келтириб чиқарган. Дейтон келишувлари барча чет эллик жангариларнинг Боснияни тарқ этишларини талаб қилди, аммо Босния ҳукумати баъзи жангариларга Босния фуқаролигини бериш орқали ўзида сақлаб қолди ва Эрон Республикаси гвардиясини ёрдамчи ишчилар сифатида рўйхатга олган. “Босния ҳукумати бу гуруҳлар ва айниқса Эрон олдида жуда катта қарздордир, – дея таъкидлади 1996 йил бошида америкалик бир амалдор. – Ҳукумат уларга қарши туришга қодир эмаслигини исботлади. 12 ой ичида биз бу ерлардан йўқ бўлиб кетамиз, аммо жиҳодчилар қолишни истаб қоладилар”.

Саудия Арабистони ва Эрон бошчилигидаги умматнинг бой давлатлари Босниянинг ҳарбий қудратини ривожлантириш учун жуда катта миқдордаги

маблағ ажратдилар. 1992 йилги урушнинг дастлабки ойларида Саудия ҳукумати ва хусусий секторлар боснияликларга юзаки тарзда гуманитар мақсадлар учун 150 миллион долларлик ёрдам берганлар, лекин асосан ҳарбий мақсадларда ишлатилганлиги ҳам тан олинади. Таъкидланишича, боснияликлар урушнинг дастлабки икки йилида 160 миллион долларлик қуролга эга бўлишган. 1993-1995 йиллар давомида боснияликлар армияси учун саудияликлардан 300 миллион доллар ва қўшимча равишда 500 миллион долларлик гуманитар ёрдам олди. Эрон ҳам ҳарбий ёрдамнинг асосий манбаи бўлган ва Америка расмийларига кўра, Босния қуроллар билан таъминланиши учун ҳар йили юз миллион долларлаб пул ажратилган. Бошқа бир хабарга кўра, Боснияга урушнинг дастлабки йилларида киритилган умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлган қуролнинг 80 фоиздан 90 фоизгача бўлган қисми мусулмонларга берилган. Ушбу молиявий ёрдам натижасида боснияликлар минглаб тонна қурол сотиб олишга муваффақ бўлишди. Ушлаб қолинган юклар қуйидагиларни ўз ичига олади: бири 4 мингта милтиқ ва миллионлаб турдаги ўқ-дорилар, иккинчиси 11 мингта милтиқ, 30 та миномёт ва 750 мингта ўқ-дори, учинчиси ракеталар, ўқ-дорилар ва тўппончалар. Ушбу жўнатмаларнинг катта қисми асосий қурол манбаи бўлган Эрон томонидан юборилган, аммо Туркия ва Малайзия ҳам муҳим қурол етказиб берувчилар бўлган. Баъзи қуроллар тўғридан-тўғри Боснияга юборилган, аммо уларнинг кўпи Хорватия орқали етиб борган, бунда улар ҳаво орқали Загребга, сўнг қуруқлик ёки денгиз орқали Сплитга ёки бошқа Хорватия портларига ва кейин қуруқлик орқали келган. Хабар берилишича, хорватлар рухсат бериш эвазига қуролларнинг учдан бир қисмига эгалик қилди ва келгусида Босния билан жанг қилишлари мумкинлигини билиб, ўз ҳудудлари орқали танклар ва оғир артиллерия ташишни тақиқлади.

Эрон, Саудия Арабистони, Туркия ва бошқа мусулмон мамлакатларининг пуллари, одамлари, машғулотлари ва қуроллари боснияликларнинг ҳамма “бузғунчи” деб билган армиясини жуда яхши жиҳозланган, малакали, ҳарбий кучга айлантиришга имкон берди. 1994

Йилнинг кишида ташқи кузатувчилар унинг ташкилий ва ҳарбий самарадорлиги кескин ошганини айтишди. Боснияликлар янги ҳарбий кучларини ишга солиб, сулҳни бузишди ва дастлаб хорватларнинг захира ҳарбийларига қарши, кейин эса баҳорда сербларга қарши муваффақиятли ҳужумларни бошладилар.

1994 йилнинг кузида Босния Бешинчи Корпуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Биҳачдаги хавфсиз ҳудудидан чиқиб кетди ва серб кучларини қайтариб олди,бу Босниянинг ўша вақтдаги энг катта ғалабасини таъминлади ва сербларнинг катта миқдордаги ҳудуди қайта эгаллаб олинди, қўшимчасига Президент Милошевишнинг сербларни қўллаб-қувватлашига қўйилган тақик вазиятни янада оғраштирганди. 1995-йил март ойида Босния армияси яна бир сулҳни бузди ва Тузла яқинида катта ҳаракатни бошлади, ва бу кейинчалик июн ойида Сараево атрофида ҳужумлар бошланишига сабаб бўлди. Босния ҳукуматининг ўз ҳарбий мувозанатида ушбу ўзгаришларни амалга ошириш учун уларнинг мусулмон қариндошларининг ёрдами зарур ва ҳал қилувчи омил эди.

Босниядаги уруш цивилизациялар уруши эди. Уч асосий иштирокчилар турли цивилизациялардан келиб чиққан ва турли динларга содиқ қолган давлатлар эди. Қисман истисно қилинган ҳолда, иккинчи ва учинчи даражали актёрларнинг иштироки айнан цивилизация моделига мос равишда амалга оширилди. Мусулмон давлатлари ва ташкилотлари Босния мусулмонлари ортида тўпланиб, хорватлар ва сербларга қарши чиқишди. Православ мамлакатлар ва ташкилотлар сербларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар ҳамда хорватлар ва мусулмонларга қарши чиқдилар. Ғарб ҳукуматлари ва элиталари хорватларнинг тарафини олишди, сербларни сиқиб чиқаришди ва умуман мусулмонларга бефарқ бўлишган ёки қўрқув билан қарашган. Уруш давом этар экан, гуруҳлар ўртасида адоват ва низолар авж олди ҳамда уларнинг диний ва цивилизация жиҳатлари, айниқса мусулмонлар орасида кучайди. Умуман Босния урушининг сабоқлари, биринчи навбатда, бўлиниш чизиғидаги урушларнинг асосий иштирокчилари ўзларининг цивилизациявий

қариндошларидан катта ёрдам олишлари мумкин; иккинчидан, бундай ёрдам урушнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин; учинчидан, ҳукуматлар ва бир цивилизациянинг одамлари бошқа цивилизацияга мансуб бўлган инсонларга бўлиниш чизиғидаги урушда курашишда ёрдам бериш учун қон тўкмасликлари ёки бойлик сарфламасликлари керак.

Ушбу цивилизация учун ягона истисно Америка Қўшма Штатлари эди, унинг раҳбарлари мусулмонларни қўллаб-қувватладилар. Аммо амалда Американинг кўмаги чекланган эди. Клинтон маъмурияти БМТнинг хавфсиз ҳудудларини ҳимоя қилиши учун қуруқликдаги қўшинларидан эмас, Америка ҳаво кучларидан фойдаланишни маъқул топди ва қурол тақиқининг бекор қилинишини ёқлаб чиқди. Лекин улар ўз иттифоқчиларини кейинчалик қўллаш мақсадида жиддий босим ўтказмади, аммо Эроннинг боснияликларга қурол-аслаҳа етказиб беришига ва Саудия Босниянинг қурол сотиб олишини молиялаштиришига панжа орасидан қарашди ва 1994 йилда тақиқ жорий қилишни тўхтатди. Шундай қилиб, АҚШ иттифоқчиларига қарши чиқди ва НАТОда катта инқироз деб қабул қилинган нарсага сабаб бўлди. Дайтон келишувлари имзолангандан сўнг, Америка Қўшма Штатлари Саудия Арабистони ва бошқа мусулмон мамлакатлари билан Босния кучларини ўқитиш ва жиҳозлаш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Шундай қилиб, савол туғилади: нима учун уруш пайтида ва ундан кейин АҚШ цивилизация моделини бузган ва Босния мусулмонларининг манфаатларини ҳимоя қилган ва мусулмон мамлакатлари билан биргаликда уларнинг номидан иш юритадиган ягона мусулмон бўлмаган мамлакат бўлди? Бу америкаликларнинг ғайри оддийлигини қандай тушуниш мумкин?

Битта эҳтимоллик шундаки, у ҳақиқатан ҳам ғайриоддийлик эмас, балки аниқ ҳисобланган цивилизациявий сиёсат эди. Боснияликлар билан бирга бўлиб, тақиққа барҳам беришни таклиф қилиб, АҚШ Эрон ва Саудия Арабистони сингари фундаментал мусулмон мамлакатларининг илгари дунёвий ва европалик бўлган боснияликларга таъсирини камайтиришга ҳаракат қилди. Аммо, агар уларнинг бундай ниятлари бўлса, нима учун АҚШ

Эрон ва Саудия ёрдамига қарши чиқмади ва нега улар Ғарб ёрдамини конунийлаштирадиган тақикни бекор қилишга астойдил ҳаракат қилмади? Нега Америка расмийлари Болқонда исломий фундаментализмнинг хавф-хатарлари тўғрисида оммавий равишда огоҳлантирмадилар? Америка хатти-ҳаракатларининг алтернатив изоҳи шундаки, АҚШ ҳукумати мусулмон дунёсидаги дўстлари, хусусан Туркия ва Саудия Арабистони босими остида эди ва улар билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш учун уларнинг истакларига қарши бормади. Бироқ, бу муносабатлар Босния билан боғлиқ бўлмаган умумий манфаатларга асосланади ва америкаликларнинг Боснияга ёрдам бера олмаслиги сабабли мавжуд алоқалар катта зарар кўриши эҳтимолдан узоқдир.

Бундан ташқари, АҚШ нега Боснияга юборилган Эрон қурол-аслаҳа оқимининг катта ҳажмини маъқуллаши ҳақидаги саволга жавоб бермайди, ўзлари эса бошқа жабҳаларда доимий равишда Эрон билан баҳслашишади ва Саудия Арабистони Босниядаги таъсир учун Эронга рақиб ҳам эди.

Ғарчи цивилизациявий сиёсатга оид фикрлар Америка муносабатларини шакллантиришда маълум рол ўйнаган бўлса-да, бошқа омиллар кўпроқ таъсирга эга бўлган кўринади. Америкаликлар ҳар қандай ташқи можарода яхшилик ва ёвузлик кучларини аниқламоқчи ва ўзларини аввалгиларига мослаштиришни истайдилар. Урушнинг бошида сербларнинг ваҳшийликлари уларни беғуноҳ одамларни ўлдирадиган ва геноцидда қатнашган "ёмон одамлар" сифатида тасвирлашга олиб келди, боснияликлар эса ўзларини ночор жабрдийдалар қиёфасини илгари суришга муваффақ бўлишди. Уруш давомида Америка матбуоти Хорватия ва мусулмонларнинг этник тозаланишига ва уларнинг уруш жиноятларига ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик зоналарини ва Босния қўшинлари томонидан сулҳ тузиш тартиб-қоидаларига жиддий аҳамият бермади. Ребекка Вестнинг сўзларига кўра, боснияликлар америкаликлар қалбида Болқон халқлари севимлиларига айланди, азоб-укубатларга дучор, беғуноҳ қурбонлар бўлиб, ҳеч қачон уларнинг ташкилотчиси эмаслар”.

Америка зиёлилари ҳам боснияликларга нисбатан яхши муносабатда бўлишган, чунки улар маданиятли мамлакат ғоясини ёқлашган ва урушнинг дастлабки босқичларида Босния ҳукумати ушбу имиджни муваффақиятли илгари сурган. Уруш давомида Америка сиёсати қайсарлик билан кўп миллатли Боснияга содиқ қолди, лекин Босния серблари ва хорватлари буни қабул қилишмади. Гарчи кўп миллатли давлатни яратиш имконсиз эканига америкаликларнинг ўзлари ҳам ишониб турган, боз устига бир этник гуруҳ бошқасига қарши геноцидни амалга ошираётган бир пайтда Америка элитаси бу парадоксал ҳолатни англаган ҳолда, Босния ишига хайрихоҳлик билдирди. Америка идеализми, ахлоқпарварлик, гуманитаризм, соддалик ва Болқонга нисбатан беҳабарлик уларни Боснияни қўллаб-қувватловчи, сербларга эса қарши томонга айлантириб қўйди. Шу билан бирга, америкаликларнинг Боснияни қуроллантиришга Эрон ва Саудияга рухсат берганини ҳисобга олмаса, уларда хавфсизлик жиҳатдан қизиқиш ва улар орасида бирор-бир маданий боғлиқликнинг йўқлиги Американи Боснияга катта ёрдам бермаслигига сабаб бўла олади. Америка ҳукумати урушдан манфаатдор эканлигини тан олишдан бош тортиб, иттифоқчиларидан ажралди, жангларни узайтирди ва Болқонда Эроннинг кучли таъсирида бўлган мусулмон давлати яратилишига ёрдам берди.

Яқунда боснияликлар АҚШга нисбатан нафрат уйғонди, мусулмон дўстларига нисбатан чуқур миннатдорлик ҳиссини туйишди, чунки улар боснияликларнинг омон қолиши ва ғалабага эришишлари учун пул ва қуроллар билан ёрдам бериб туришди.

“Босния, бу – бизнинг Испаниямиз, – деб қайд этганди француз журналисти Бернард-Анри Леви, – Босния ва Герцеговинадаги уруш Испания фуқаролик урушидаги фашизмга қарши курашнинг ҳиссий эквиваленти бўлди. У ерда вафот этганлар бошқа биродарларини қутқаришга ҳаракат қилган шаҳидлар деб ҳисобланадилар”. Таққослаш ўринли. Цивилизациялар

асрида Босния, бу – ҳамма учун Испания. Испания фуқаролик уруши сиёсий тизимлар ва мафкуралар ўртасидаги уруш бўлган бўлса, Босния уруши цивилизациялар ва динлар ўртасидаги уруш эди. Демократлар, коммунистлар ва фашистлар ўзларининг мафкуравий биродарлари билан курашиш учун Испанияга бордилар ва демократик, коммунистик ва энг фаол фашистик ҳукуматлар ёрдам кўрсатдилар. Югославия урушлари Ғарб христианлари, православлар ва мусулмонлар томонидан ўзларининг цивилизациялашган қариндошлари номидан ташқи қўллаб-қувватлашга ўхшаш катта сафарбарликни кўрдилар. Православларнинг, Ислоннинг ва Ғарбнинг асосий кучлари чуқур аралашдилар. Тўрт йилдан сўнг Испания фуқаролик уруши Франко кучларининг яққол ғалабаси билан якунланди. Болқонда диний жамоалар ўртасидаги урушлар вақтинча тўхташи ва ҳатто тўхтаб қолиши мумкин, аммо ҳеч ким ҳал қилувчи ғалабага эриша олмайди ва ҳеч қандай ғалаба мавжуд эмаслиги уруш ҳали тугамаслигини англатади. Испания фуқаролик уруши Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши эди. Босния уруши эса цивилизациялар тўқнашувида яна бир қонли воқеа бўлди.

Бўлиниш чизиғидаги урушларнинг тўхташи

“Барча урушлар тугаши керак”. Донишмандона ечим. Маданиятлараро зиддиятлар натижасидаги урушлар тўғрисида ҳам шундай хулосага келиш мумкинми? Ҳа ва йўқ. Бўлиниш чизиғидаги зўравонлик бир мунча вақт тўхташи мумкин, аммо камдан-кам ҳолларда бутунлай тугайди. Бўлиниш чизиғидаги урушлар асосий сиёсий муаммоларни ҳал қиладиган кенг қамровли тинчлик шартномалари билан эмас, балки тез-тез тузиладиган келишув, сулҳ ва битимлар билан белгиланади. Улар такрорланувчи хусусиятга эга, чунки улар турли цивилизациявий гуруҳлар ўртасидаги бузғунчи муносабатларни ўз ичига олган бўлиниш чизиғидаги чуқур зиддиятларга асосланган. Ўзаро низолар ўз навбатида жуғрофий яқинлик, турли динлар ва маданиятлар, алоҳида ижтимоий тузилмалар ва иккала

жамиятнинг тарихий илдиэларидан келиб чиқади. Асрлар давомида улар ривожланиши ва келишмовчиликлар бутунлай изсиз йўқолиб кетиши мумкин. Ёки бир гуруҳ бошқасини йўқ қилса, низо тезлик билан, шафқатсиз кўринишда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Агар буларнинг ҳеч бири рўй бермаса, зиддият ва такрорий зўравонлик даври давом этаверади. Бўлиниш чизиғидаги урушлар танаффусли, бўлиниш чизиғидаги зиддиятлар чексиздир.

Бўлиниш чизиғидаги урушни вақтинча тўхтатиш мумкин ва бу одатда иккита омилга боғлиқ. Биринчиси, асосий иштирокчиларнинг ҳаддан ортик ҳолдан тойиши. Баъзи ҳолларда қурбонлар ўн минглаб одамларга кўпайганда, қочқинлар сони юз мингга етди, жумладан, Байрут, Грозний, Вуковар шаҳарлари харобага айланди. Одамлар: “Бемаънилиқ, бемаънилиқ! Бас, етарли азоб чекдик!” дея хитоб қилишганда, икки томон радикаллари халқнинг ғазабини сўндиришга қодир бўлмай қолдилар. Йиллар давомида шу қадар суст ва самарасиз бўлиб ўтган музокаралар жонланди, мўътадиллар олдинги қаторда пайдо бўлди ва қонли қирғинни тўхтатиш учун қандайдир келишувга эришилди. Тоғли Қорабоғнинг олти йиллик урушлари арманлар ва озарбайжонларнинг “тинкасини қуритди” ва 1994 йил баҳорида улар сулҳга рози бўлдилар. 1995 йил кузида худди шу тарзда Боснияда “барча томонлар ҳолдан тойган” ва Дейтон келишувлари амалга оширилганлиги ҳақида хабар тарқалди. Бундай тўхташлар шунчаки ўз-ўзини тийиб туриш, холос. Улар ҳар икки томонга дам олиш ва ўз ресурсларини қайта тўлдириш имкониятини беради. Кейин томонлардан бири қўлга киритиш имкониятини пайқаб қолса, уруш қайта бошланади. Вақтинчалик турғунлик низони ҳал этишдан манфаатдор, урушаётган томонларни бирлаштириш учун муҳим сиёсий кучга эга бўлган уруш кузатувчиларини жалб қилишга таянади. Бўлиниш чизиғидаги урушлар деярли ҳеч қачон асосий томонлар ўртасидаги тўғридан-тўғри музокаралар орқали тўхтатилмайди ва фақат камдан-кам ҳолларда манфаатдор томонларнинг воситачилиги билан тўхтатилади. Улар орасидаги маданий масофа, бир-бирига бўлган нафрат ва ўзаро зўравонлик, бошланғич партияларнинг келишувга эришишнинг бирон-бир шаклига қараб самарали

муҳокамада ўтиришларини жуда қийинлаштиради. Қарама-қаршиликка асосланган сиёсий муаммолар биринчи навбатда, ким қандай шароитда қайси ҳудудни ва одамларни бошқариши бўйича давом этади ва бу вазият тор келишувга тўсқинлик қилади.

Умумий маданиятга эга мамлакатлар ёки гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар баъзида уларникига ўхшаш маданиятга эга, қонунийликни тан олган ва ҳар икки томон қадриятларига хос ечим топишига ишонч билдирилган учинчи томоннинг воситачилиги орқали ҳал қилиниши мумкин. Рим Папаси Аргентина-Чили чегарасидаги тортишувда муваффақиятли воситачилик қилган эди. Турли цивилизациявий гуруҳлар ўртасидаги можароларда беманфаат томон бўлмайди. Иккала томон ҳам ишона оладиган шахс, муассаса ёки давлатни топиш жуда қийин. Зиддиятли цивилизациялардан бирига тегишли бўлган ҳар қандай воситачи учинчи цивилизацияга тегишли бўлиб, у бошқа маданият ва бошқа манфаатларга эга бўлгани ҳолда, низодаги томонларнинг ҳеч бирида ишонч уйғотмайди. Папа чеченлар ва руслар ўртасидаги ёки тамиллар ва сингалеслар ўртасидаги можароларда воситачи сифатида чақирилмайди. Халқаро ташкилотлар, одатда, муваффақиятсизликка учрайдилар, чунки улар томонларга катта ўлпонлар юкламайди ёки катта имтиёзлар беришга имкони йўқ.

Бўлиниш чизигидаги урушлар манфаатдор бўлмаган шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан эмас, балки бир томондан, ўз уруғ-аймоқларини кўллашга бирлашган ва ўзига ўхшаганлар билан келишувга эришиш учун музокара ўтказиш қобилиятига эга, бошқа томондан, ўз қариндошларини келишувга эришишга ундайдиган иккинчи ва учинчи томонлар томонидан тугатилади. Ўзаро қўшилишлар урушни кучайтириб, муддатини узайтирса ҳам, одатда бу урушни чеклаш ва тўхтатиш учун етарли шарт эмас. Иккинчи ва учинчи даражали томонлар одатда асосий жангчиларга айланишни хоҳламайдилар, аммо урушни назорат остида ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Улар, шунингдек, фақат урушга йўналтирилган асосий иштирокчиларга нисбатан асосан фарқланувчи манфаатларга эга ва бир-

бирлари билан муносабатларидаги бошқа масалаларга ҳам эътибор беришади. Шундай қилиб, бошқа томондан улар жангги тўхтатишда ўз манфаатини кўришлари мумкин. Улар ўз иттифоқчилари ортида тўпланганликлари сабабли ўз таъсир кучига эга воситалари бор. Шундай қилиб, иттифоқчилар назоратни ўз қўлига олувчилар ва урушларни тўхтатиб турувчиларга айланишади.

Иккинчи ёки учинчи томонларсиз урушлар камдан-кам ҳоллардагина бошқаларига нисбатан чўзилиб кетиши мумкин, лекин уларни асосий давлатлар камчиликини ташкил қиладиган цивилизациявий гуруҳлар ўртасидаги урушлардагидек бир тўхтамга олиб келиш мураккаб. Мавжуд бўлиниш чизигидаги урушлар ҳамда муҳим иттифоқчиларнинг камлиги муайян муаммоларни юзага келтиради. Агар уруш узоқ вақт давом этса, исёнчиларнинг талаблари автономиянинг бирон бир шаклидан то мустақилликка эришишгача кучайиб боради, бу эса ҳукумат рад этадиган ҳолат. Ҳукумат одатда урушни тўхтатиш учун биринчи қадам сифатида кўзғолончилардан қуроллардан воз кечишни талаб қилишади, лекин улар бунга қаршилиқ қилишади. Ҳукумат, табиий равишда, “жиной элементлар”ни ўз ичига олган ўта ички муаммога ташқи кучларнинг аралашувиغا қарши туради. Уни ички масала сифатида кўзда тутилиши бошқа давлатларнинг аралашмаслигига сабаб бўла олади, худди Ғарбий кучлар ва Чеченистон билан бўлган вазиятдагидек.

Бу муаммолар цивилизациянинг асосий давлатлари бўлмаган тақдирда янада кучаяди. Масалан, Судандаги уруш 1956 йилда бошланиб 1972 йилга келибгина томонлар ҳолдан тойгач, келишувга эришилди. Бунда Бутунжаҳон черковлар кенгаши ва бутун Африка черковлари кенгаши, нодавлат халқаро ташкилотларнинг аралашуви билан Судан жанубига мухторият тақдим этадиган Аддис-Абаба шартномаси муваффақиятли имзоланди. Аммо орадан ўн йил ўтгач, ҳукумат ушбу шартномани бекор қилди, уруш қайта бошланди, исёнкорларнинг мақсадлари авж олди, ҳукуматнинг позицияси янада қаттиқлашди ва бошқа келишувга эришиш бўйича музокаралар

муваффақиятсиз якунланди. На араб дунёсида, на Африкада жангчиларга босим ўтказишдан манфаатдор ёки таъсир ўтказа оладиган давлат бўлмаган. Жимми Картер ва Африкадаги турли раҳбарларнинг воситачилик ҳаракатлари, Кения, Эритрея, Уганда ва Эфиопиядан иборат Шарқий Африка давлатлари кўмитасининг уринишлари ҳам муваффақиятсиз тутаган. Судан билан чуқур антагонистик муносабатларга эга бўлган АҚШ тўғридан-тўғри ҳаракат қила олмаган; шунингдек, Судан билан яқин алоқада бўлган Эрон, Ироқ ёки Ливиядан манфаатли аралашувларини ҳам талаб қила олмаган; шу сабабли Саудия Арабистонига қўшилиш имконияти қисқартирилган, аммо Саудиянинг Суданга таъсири ҳам чекланган.

Умуман олганда, урушни тўхтатиш шартномаларига иккала томондан ҳам иккинчи ва учинчи томонларнинг параллел ва тенг равишда таъсири мавжуд. Лекин баъзи ҳолатларда ягона бир марказлашган давлат урушни тўхтатиш учун етарлича кучга эга бўлиши мумкин. 1992 йилда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Конференциясида (ЕХХТ) Арманистон-Озарбайжон урушига воситачилик қилишга уринишди. Минск гуруҳи дея ном олган кўмита тузилди ва у ўз ичига тўқнашувдаги асосий, иккинчи ҳамда учинчи томонлар, (Тоғли Қорабоғ арманлари, Арманистон, Озарбайжон, Россия, Туркия), шунингдек, Франция, Германия, Италия, Швеция, Чехия Республикаси, Беларус ва АҚШни олган. Қўшма Штатлар ва Франциядан ташқари, жуда катта арман диаспоралари бўлган бу мамлакатлар, урушни тўхтатишга унчалик қизиқиш кўрсатмайдилар ва урушни тугатиш учун жуда кичик ёки ҳеч қандай имкониятга эга эмас эдилар. Россия ва Туркия, шунингдек Қўшма Штатлар режани келишиб олдилар, лекин уни Тоғли Қорабоғ арманлари рад этишди. Гарчи, Россия Москвада Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги узоқ муддатли музокараларга мустақил равишда ҳомийлик қилса-да, Минск гуруҳига муқобил танловни ўртга қўйди ва шу тариқа халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кўкка совурди. Охир-оқибат, асосий иштирокчилар ҳолдан тойгач, руслар Эрон музокараларни кўллаб-қувватлашига ишонч ҳосил қилишди, уларнинг саъй-ҳаракатлари

туфайли сулҳ тузилди. Россия ва Эрон иккиламчи томонлар сифатида, шунингдек, Тожикистонда сулҳ тузишга уринишларда ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилдилар.

Россия Кавказ бўйида ўз иштирокини давом эттирди ва унда урушни тўхтатиш имконияти мавжуд, чунки бундан манфаатдор эканлиги сабабли узоқ вақт давомида шартнома имзоланишига ҳомийлик қилган. Бу АҚШнинг Боснияга билдираётган муносабатига мутлақо қарама-қарши ҳолатдир. Дейтон шартномаси марказий манфаатдор давлатлар (Германия, Буюк Британия, Франция, Россия ва АҚШ)нинг алоқа гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган таклифларга асосланади, аммо бошқа учинчи томонларнинг ҳеч бири яқиний келишувни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмади, шунингдек урушнинг учта асосий томонларидан иккитаси музокаралар чегарасида бўлган. Шартноманинг ижро этилиши Американинг кучли таъсирида бўлган НАТО кучларига боғлиқ эди. Агар Қўшма Штатлар Босниядан қўшинларини олиб чиқса, на Европа кучлари, на Россия ушбу келишувни бажаришда давом этиш учун рағбатга эга бўларди, Босния ҳукумати, серблар ва хорватлар кучга тўлиб олганларидан кейин жангни давом эттириш учун барча имкониятларга эга бўладилар ҳамда Сербия ва Хорватия ҳукуматлари Буюк Сербия ва Буюк Хорватия яратиш ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқариш имкониятидан фойдаланиб қолишлари мумкин.

Роберт Патнэм давлатлар ўртасидаги музокаралар “иккинчи даражали ўйин” эканлигини таъкидлади, уларда дипломатлар ўз мамлакатлари ва бошқа мамлакатдаги ҳамкасблари билан бир вақтнинг ўзида музокаралар олиб борадилар. Параллел таҳлилда Ҳантингтон қандай қилиб авторитар ҳукуматда демократияга ўтишни кўрсатиб берди, бунда мухолифатлар билан ҳам музокарага киришиш шарт ёки ҳукумат ичидаги қаттиққўл тарафкашларга қарши чиқиш керак, лекин бу пайтда қарама-қарши тарафдаги мухолифатлар ҳам радикаллар билан айнан шундай йўл тутиши керак. Ушбу иккинчи даражали ўйин камида тўртта партиyani ва камида учта, кўпинча тўртта муносабатни ўз ичига олади. Яхлит бўлиниш чизиғидаги уруш камида олти

партияни ва етти муносабатни ўз ичига олган учинчи даражали ўйиндир (11.1-расмга қаранг). Бўлиниш чизиқларидаги горизонтал алоқалар асосий, иккиламчи ва учламчи томонлар ўртасида мавжуд. Ҳар бир цивилизациянинг турли даражаларидаги томонларида эса вертикал муносабатлар мавжуд. Шундай қилиб, бўлиниш чизиғидаги урушларни тўхтатиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- иккинчи ва учинчи даражали партияларнинг фаол иштироки;
- учинчи томон жангларни тўхтатиш тўғрисида музокаралар олиб бориши;
- учинчи томоннинг иккинчи ва асосий даражали иштирокчилар томонидан ушбу шартларни қабул қилиши учун босим ўтказиши;
- қўллаб-қувватлашдан воз кечиш натижасида иккинчи томоннинг биринчи томонга сотқинлик қилишига эришиш;
- босим натижасида асосий томонлар томонидан шартларни қабул қилишига эришиш, албатта, улар бунга ўзларининг манфаати йўлида асло рози бўлмасдилар.

Боснияда тинчликка эришиш жараёни ушбу элементларнинг барчасини ўз ичига олганди. Индивидуал иштирокчилар, АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи томонидан келишув тузишга бўлган саъй-ҳаракатлар кутилганидек муваффақиятли яқунланмади. Фарб давлатлари Россиянинг ушбу жараёнга тўлиқ шерик сифатида қўшилишини истамадилар. Руслар, уларнинг серблар билан тарихий алоқалари борлигини ва Болқонда тўғридан-тўғри манфаатлар бошқа ҳар қандай йирик давлатга қараганда кўпроқ эканлигини таъкидлаб, уларнинг чиқариб юборилишига кескин норозилик билдиришди. Россия можароларни ҳал қилишда тўлиқ иштирокчи бўлишини талаб қилди ва “АҚШнинг ўз шартларини айтиб бериш тенденцияси”ни кескин қоралади. Русларни ҳам бу жараёнга қўшиш зарурати 1994 йил феврал ойида ойдинлашди. Россия билан маслаҳатлашмаган ҳолда НАТО Босния сербларига оғир қуроқларини Сараево атрофидан олиб ташлашга ултиматум қўйди, акс ҳолда ҳаво ҳужумларига дуч келишини таъкидлади. Серблар бу

талабга қарши чиқишди ва НАТО билан шиддатли тўқнашув юзага келиш эҳтимоли пайдо бўлди. Елцин “Баъзи одамлар Босния масаласини Россиянинг иштирокисиз ҳал қилишга уринмоқда ва биз бунга йўл қўймаймиз” дея таъкидлаб ўтди. Кейин Россия ҳукумати ташаббусни ўз қўлига олди, Россия тинчликпарвар кучларини Сараево ҳудудига жойлаштириб, қуролларини қайтариб олишга сербларни ишонтирди. Бу дипломатик тўнтариш зўравонликнинг авж олишига тўсқинлик қилди, Ғарбга Россиянинг сербларга таъсирини намоиш қилди ва рус қўшинлари Босния мусулмонлари ва серблар ўртасидаги баҳсли ҳудуднинг марказига айланди. Россия ушбу ҳаракати орқали Босния билан муносабатда Ғарб билан “тенг шериклик” хусусидаги даъвосини оқилона амалга оширди.

Бироқ апрел ойида НАТО яна Россия билан маслаҳатлашмасдан Сербия позицияларини бомбардимон қилишга рухсат берди. Бу Россия сиёсий спектрида жуда катта салбий реакцияни келтириб чиқарди ҳамда Елцин ва Козиревга қарши миллатчилик муҳолифатини кучайтирди. Шу заҳотиёқ тегишли учинчи томон давлатлар – Англия, Франция, Германия, Россия ва АҚШ келишувни ишлаб чиқиш учун алоқа гуруҳини туздилар. 1994 йил июн ойида гуруҳ Босния ҳудудининг 51 фоизини Мусулмон-хорват федерациясига, 49 фоизини эса Босния сербларига топширишни кўзлайдиган қарор қабул қилди ва бу кейинчалик Дейтон келишувининг асоси бўлган режани ишлаб чиқишга хизмат қилди. Кейинги йили Дейтон келишувларини бажаришда рус қўшинларининг иштирок этишини тартибга солиш муҳим эди.

Энди ихтилофга киришган асосий ҳамда иккиламчи давлатларнинг учинчи томонлар ўртасида эришилган келишувларга нисбатан розилигини олиш керак эди. Рус дипломати Виталий Чуркин айтганидек, америкаликлар боснияликларга, немислар хорватларга, руслар эса сербларга босим ўтказишлари керак эди. Югославия урушларининг дастлабки босқичида Россия Сербияга қарши иқтисодий санкцияларни қўллашга розилик бериб, сербларга сезиларли даражада ён босди. Серблар ишониши мумкин бўлган қардош мамлакат сифатида Россия баъзан мурасага келиши учун уларга

нисбатан чекловлар ўрнатиб, босим ўтказди. Масалан, 1995 йилда Россия Греция билан биргаликда Босния сербларига гаровдаги голландиялик тинчлик ўрнатувчи шахсларнинг озод қилинишини кафолатлашни сўраб мурожаат қилди. Аммо қулай фурсатдан фойдаланмаган Босния серблари Россиянинг босими остида тузилган келишувларни бузди ва бунинг оқибатида Россия бир цивилизацияга мансуб ўзига қардош мамлакатни назорат қила олмасликда айбланиб мулзам бўлди. Масалан, 1994 йил апрелида Россия Босния серблари билан Гораждега уюштирилган ҳужумларни тугатишга келишган эди, аммо серблар келишувни бузди. Руслар қаттиқ ғазабга келди: рус дипломатларидан бири таъкидлаганидек, босниялик серблар “урушга муккасидан кетди”, Елцин “Сербия раҳбарияти Россияга нисбатан мажбуриятларини бажариши керак” деб талаб қилди ва Россия НАТОнинг ҳаво ҳужумларига қарши ўз эътирозини қайтариб олди. Хорватияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш асносида Германия ва бошқа Ғарб давлатлари Хорватия сиёсатига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлди. Католик мамлакати Европа давлати сифатида қабул қилиниб, Европа ташкилотларига аъзо бўлиши кераклиги Президент Тужманни қаттиқ хавотирга солиб қўйган эди. Ғарбнинг қудратли давлатлари Хорватияга кўрсатган дипломатик, иқтисодий ва ҳарбий ёрдамларидан, шуниндек, хорватияликларнинг гуруҳга қабул қилиниш истагидан фойдаланган ҳолда Тужманни кўплаб масалаларда муромага келтиришга муваффақ бўлдилар. 1995 йил март ойида Тужманга Ғарбнинг бир қисмига айланишни истаса, БМТ Хавфсизлик Кучларининг Краинада қолишига розилик бериши кераклиги ҳақида хабар қилинди. “Тужман учун Ғарбга қўшилиш жуда муҳим, – дейди европалик дипломатлардан бири. – У серблар ва руслар билан ёлғиз қолишни истамайди”. Хорватия қўшинлари Краина ва бошқа ерлардаги серблар жойлашган бир қанча ҳудудларни эгаллаб олишгани сабаб, Тужманни “этник тозалаш” ишларига йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантиришди ва Шарқий Словенияга ҳужумни тўхтатишни талаб қилишди. Хорватияга қўйилган яна бир талаб шунда эдики, агар мусулмонлар билан

иттифоққа қўшилмаса, у ҳолда америкалик расмийлардан бири айтганидек, “хорватлар учун Ғарб эшиклари батамом ёпилади”.

Хорватияни қўллаб-қувватловчи асосий ташқи молиявий манба сифатида Германия унинг хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатишга кодир ҳамкорга айланди. АҚШнинг Хорватия билан ўрнатган яқин алоқалари ҳам Тужманнинг Босния ва Герцеговинани Хорватия ҳамда Сербия ўртасида бўлиб олиш истагини амалга оширишига имкон бермади. Бундан ташқари, АҚШнинг кўп ваъдалари оғиздагина қолди, амалда эса Эрон ва бошқа мусулмон давлатлар томонидан қурол эмбаргосининг бузилишига кўз юмиш билангина боснияликларга ёрдам берди. Натижада, Босния мусулмонлари Ислом ҳамжамиятидан янада миннатдор бўлган ҳолда, ўзларини улар билан бир маданий гуруҳга мансуб деб ҳисоблай бошладилар. Шу билан бир қаторда, улар АҚШни “икки ёқлама сиёсат” юритишда айблади ва Кувайт урушида ташаббус кўрсатган америкаликлар боснияликларга қарши тажовузкор ҳаракатларни қайтаришга келганда қатъий муносабат билдирмаганини қоралади. Босниянинг қурбон ниқоби ортига яшириниши АҚШнинг қайсарлик қилаётган боснияликларга босим ўтказишини кийинлаштирди. Шу тариқа, боснияликлар тинчлик таклифини рад этди, мусулмон биродарлари ёрдамида ҳарбий кучга эга бўлди ва охир-оқибат фурсатдан фойдаланиб, илгари бой берилган катта ҳудудларни қайтариб олди.

Ихтилофга киришган асосий давлатларни муросага келтириш ҳаммасидан ҳам мушкул. Кавказорти урушида арман диаспорасида мавқеи баланд бўлиб, Тоғли Қорабоғ ҳудудида кучли таъсирга эга бўлган ўта миллатчи Арман инқилобий иттифоқи (“Дашноқ”) 1993 йил май ойида Арманистон ҳамда Озарбайжон ҳукуматлари томонидан қабул қилинган Туркия-Россия-Америка тинчлик таклифини рад этди. Шундан сўнг, иттифоқ “этник тозалаш” деб қораланган ҳарбий ҳужумларни амалга оширди, урушнинг авж олиши хавфини туғдирди ва Арманистон мўътадил ҳукумати билан муносабатларни кескинлаштирди. Тоғли Қорабоғдаги муваффақиятли ҳужум Туркия ва Эрон билан муносабатларни яхшилашдан умидвор бўлган

Арманистонга муаммолар келтириб чиқарди, сабаби уруш ва турклар қамали натижасида келиб чиққан озиқ-овқат ва энергия қуввати тақчиллигини бартараф этиш керак эди. “Қорабоғда ишлар қанчалик ўнгидан келса, Ереванда аҳвол шунчалик оғирлашиб борди”, – дея шарҳлайди ғарблик дипломатлардан бири. Президент Елчин сингари Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян ҳам кўплаб манфаатларни кўзловчи, хорижий давлатлар билан ярашишга қаратилган ташқи сиёсатга қарши чиққан қонунчилик тизимидаги миллатчилар босимини мувозанатга келтиришга мажбур бўлди ва 1994 йил охирида унинг ҳукумати Арманистонда “Дашноқ” партияси фаолиятини тақиқлаб қўйди.

Тоғли Қорабоғ арманлари каби босниялик серблар ва хорватлар ҳам ўз қарашларида қатъий қолишди. Натижада, Сербия ва Хорватия ҳукумати босим остида қардош Босния билан юзага келган муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал этишга қарор қилдилар. Босниялик хорватлар мусулмонлар билан амалда бўлмаса ҳам расмийлик юзасидан мурасага келишга рози бўлганликлари учун бу масаланинг ҳал бўлиши хорватлар учун жиддий қийинчилик туғдирмади. Президент Милошевич ва босниялик серблар етакчиси Радован Краджич ўртасидаги қарама-қаршилиқ шахсий зиддият туфайли оммавий равишда шиддатли тус олди. 1994 йил августда Краджич Милошевич томонидан тасдиқланган келишув режасини рад этди. Сербия ҳукумати санкцияларни бекор қилишдан хавотирланиб, Босния серблари билан озиқ-овқат ва дори-дармондан ташқари барча савдо-сотик алоқаларини тўхтатганини эълон қилди. Бунга жавобан БМТ Сербияга нисбатан санкцияларни енгиллаштирди. Бир йилдан сўнг Милошевич Хорватия армиясига сербларни Краинадан чиқариб юборишга, хорват ва мусулмон кўшинлари эса биргаликда уларни шимоли-ғарбий Боснияга қайтариб юборишларига рухсат берди. Шунингдек, у Тужман билан серблар томонидан ишғол қилинган Шарқий Словенияни Хорватия назоратига босқичма-босқич қайтариш эвазига мураса қилишга рози бўлди. Шундай қилиб, у катта таъсир

кучларининг розилиги билан босниялик сербларни Дайтон музокараларига “олиб келди” ва ўз делегациясига қўшиб олди.

Милошевичнинг ҳаракатлари БМТнинг Сербияга нисбатан санкцияларини бекор қилди. Шунингдек, улар халқаро ҳамжамиятни бироз хайрон қолдирган ҳолда эҳтиёткорлик билан синовдан ўтказилди. 1992 йилдаги миллатчи, “этник тоза”, агрессив, Буюк сербиялик ифвогар 1995 йилга келиб тинчликпарварга айланди. Бирок, у кўплаб серблар учун хоин эди. Серб миллатчилари ва православ черкови раҳбарлари уни Белградда қаттиқ танқид қилишди. Краина ва Босния серблари эса уни хиёнатда айблашди. Бунда, албатта, улар ғарбий соҳилдаги кўчманчиларнинг Фаластин Озодлик Ташкилоти билан тузган келишуви сабаб қўйилган айбловларни ҳам таъкидлаб ўтишди. Қардошларнинг хиёнати – цивилизациявий бўлиниш чизиғидаги урушда тинчликнинг бадалидир.

Уруш туфайли заифлашиш ҳамда учинчи томоннинг шарт ва тазйиқлари билан иккинчи ва биринчи томонларда ўзгаришлар ясалди. Мутаассиблар нисбатан вазминроқларига алмаштирилди ёки Милошевич каби кескин сиёсатчилар оғир-босиқлик билан иш кўришни ўргандилар. Шундай бўлса ҳам, улар таваккалчилик билан айни кўрсатилган йўлни танлашди. Хоинлар душманларга қараганда кўпроқ нафрат кўзгатадилар. Кашмир мусулмонлари, чеченлар ва Шри-Ланка Сингалез иттифоқлари раҳбарлари ҳам Анвар Садат ва Ицхак Рабин каби душман билан учун ўлдирилдилар. 1914 йилда Австрия-Венгрия императори ўғли сербиялик миллатчи томонидан ўлдирилган. Дайтондан кейин унинг энг катта нишони Слободан Милошевич бўлиши мумкин эди.

Асосий томонлар ўртасидаги маҳаллий мувозанат ҳамда иккиламчи ва учламчи томонлар манфаатларини акс эттирувчи бўлиниш чизиғидаги урушларни тўхтатиш тўғрисидаги битим, вақтинчалик бўлса ҳам, муваффақиятли бўлади. 1994 йилда 51 фоизга 49 фоиз нисбати билан бўлиниб қолган, қолаверса, ҳудудининг 70 фоизи серблар бошқарувида бўлган Босниянинг ўз ҳолатини сақлаб қолиши даргумон эди. Хорват-мусулмон

қўшинларининг хужумлари туфайли Сербия заифлашиб, деярли ярим кучини йўқотгандан сўнггина, бу масала ижобий ҳал бўлиши ҳақиқатга айланди. Тинчликнинг ўрнатилишига Боснияда сербларнинг жами Хорватия аҳолисининг 3 фоизидан камайтирилиши ва мавжуд 3 гуруҳнинг зўравонлик ёки ихтиёрий равишда ажратилиши каби этник тозалаш ишлари ҳам ёрдам берди. Бундан ташқари, икки ва учинчи даражали иштирокчилар – урушдан оқилона ечимларни кафолатлайдиган, ҳақиқий хавфсизлик соҳасидаги ёки умумий манфаатларга муҳтож бўлган цивилизацияларнинг асосий давлатларидир. Асосий томонларнинг ўзлари бўлиниш чизиғидаги урушларни тўхтата олмайдилар. Уларни тўхтатиш ва кенг миқёсдаги урушларга айланиб кетишини олдини олиш, биринчи навбатда, дунёдаги йирик цивилизациялар асосий давлатларининг манфаатлари ва ҳаракатларига боғлиқ. Бўлиниш чизиғидаги урушлар қуйидан сизиб чиқади, бўлиниш чизиғидаги тинчлик эса аксинча юқоридан пастга сингиб кетади.

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ИСТИҚБОЛИ

Ғарб ва цивилизация

Ғарбнинг қайта уйғониши

Ҳар қандай тарихни худди цивилизациялар билан содир бўлганидек муқаррар интиҳо кутади. Цивилизация универсал давлати равақ топиши билан унинг фуқаролари Арнолд Тойнби номлаганидек “абодият сароби” ила сўқирга айланишади ва цивилизацияси тарихдаги энг сўнги инсоният жамияти эканлигига ўзларини ишонтиришади. Бу Рим империяси учун ҳам, Аббосийлар халифалиги учун ҳам, Мўғул империяси учун ҳам, Усмонлилар империяси учун ҳам характерли жиҳат ҳисобланади. Бу каби универсал давлатлар фуқаролари “аниқ фактларни инобатга олмасдан... уни очик сакродаги бошпана сифатида эмас, балки Библияда инсонлар талпинган ваъда қилинган Ер сифатида кўришган”. Пакс Британияси⁴¹ гуллаб яшнаган даврда юқорида тилга олганларимиз яна бир бор ўз тасдиғини топди. 1897 йилда инглиз ўрта синфи учун “ўзлари гувоҳи бўлганларидек, тарих тугади... Улар тарихнинг бу якуни туҳфа қилган ушбу фаровон давлат учун ўзларни истаганларича қутлашлари мумкин эди”. Ўз тарихини тугади деб фикрлайдиган жамиятлар таназзул ёқасида турган жамиятлардир.

Ғарб бу борада истисно бўла оладими? Мелко масаланинг моҳиятини иккита савол орқали очиб беришга ҳаракат қилади:

Биринчидан, Ғарб ростдан ҳам бунгача мавжуд бўлган ўзга цивилизациялардан фарқли ўлароқ янги, қиёси йўқ цивилизация сифатида намоён бўлмоқдами?

⁴¹ Pax Britannica – Буюк Британиянинг ташқи ва ички сиёсатида мўтадиллик, яъни муҳолифат ва ташқи рақобатчилар билан очик урушлардан кўра дипломатик йўллар орқали Британия манфаатларини ҳимоя қилиш кайфияти ҳукм сурган давр.

Иккинчидан, унинг катта кўламда кенгайиб бориши бошқа цивилизацияларнинг ривожланиш имкониятларини хавф остида қолдирмаяптими?

Табиийки, кўпчилик ғарбликларнинг икки саволга ҳам берадиган жавоби, — “Ҳа”. Эҳтимол улар маълум маънода ҳақдирлар. Бироқ, ўтмишда ўтган бошқа цивилизация одамлари ҳам шундай ўйлашган ва хатога йўл қўйишган.

Ростдан ҳам Ғарб 1500 йилдан буён мавжуд цивилизацияларга жуда кўп таъсир ўтказганлиги билан тарихда ўтган барча цивилизациялардан ажралиб туради. Бутун дунёда кенг ёйилган модернизация ва индустриализация жараёнлари биринчи бўлиб ҳам айнан Ғарбда ҳаётга татбиқ этилди. Бугун бошқа жамиятлар ва давлатлар моддий бойлик ва модернизация жиҳатидан Ғарб дунёсига етиб олиш учун ҳаракат қилишади. Ғарбга тегишли ушбу жиҳатлар цивилизация сифатидаги унинг эволюцияси ва динамикаси қолган барча цивилизацияларнинг асосини ташкил этган хусусиятлардан мутлақо фарқли эканлиги англатадими? Тарих ҳақиқати ва цивилизациялар қиёсий тарихини ўрганувчи олимларнинг хулосалари бизга бошқача сўзламоқда. Ғарб моделининг ривожланиш циклида тарихда ўтган цивилизациялар учун умумий бўлган эволюцион хусусиятлардан кескин фарқ қилувчи белгиларни топиш мушкул. Ислом дунёсининг қайта уйғониши ва Осиё мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти бошқа цивилизациялар ҳали мавжуд, “соғлом” ва оз бўлсада Ғарбга нисбатан потенциал таҳдид эканлигини намоён қилмоқда. Ғарб ва қолган бошқа цивилизациялар етакчи мамлакатлари ўртасида мудҳиш, йирик уруш келиб чиқиши муқаррар эмас, лекин унинг содир бўлмаслигига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ. Ана шунда Ғарб олдида икки танлов қолади: ёки XX асрнинг аввалида бошланган аста-секин ва номунтазам инқироз ўн йилликлар ва, ҳатто, юз йилликлар мобайнида давом этади. Ёки Ғарб ўзини қайта ислоҳ этади, дунёга бўлган таъсирини

кайтадан тиклайди ҳамда ўзга цивилизациялар кузатган ва тақлид қилган етакчи сифатидаги позициясини яна мустаҳкамлайди.

Тарихда ўтган цивилизациялар эволюциясини даврлаштиришнинг энг самарали усули сифатида Каррол Куигли етти фазадан иборат оддий тузилмани кўради. Унинг таъкидлашича, Ғарб цивилизацияси милодий 370 – 750 йиллар оралиғида классик, семит, сарацин ва варвар маданиятлари элементларининг ўзаро қоришуви манзарасида шакллана бошлади. Унинг VIII аср ўрталари – X аср охирларидаги “пишиб етилиш” даври цивилизацияларга унчалик ҳам хос бўлмаган истибдод ва ихтилоф чегараларида юз берган турли хил эврилишлар билан кечди. У ва бошқа маданиятшунос олимлар нуктаи назарига кўра, Ғарб ҳозирги кунда ихтилоф чегараларини кесиб ўтаётгандек таассурот уйғотмоқда. Бугун у хавфсиз зонага айланди, ўзаро ички урушларнинг содир бўлишини тасаввур этиш деярли имконсиз (код урушидан ташқари⁴²). Иккинчи бобда таъкидланганидек, Ғарб цивилизацияси демократик ва плюралистик сиёсатга содиқлик қадриятлари орқали намоён бўлаётган конфедерация, федерация ва бошқа режимлар фонида ўз универсал империя эквивалентини ривожлантириб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда, Ғарб етук инсоният жамиятини яратди ва келажак авлодлар, Куигли таъбири билан айтганда, цивилизация ичра ўзаро бир-бирига қарши курашувчи бирликларнинг йўқлиги ва ҳатто ўзга цивилизациялар билан зиддиятларнинг содир бўлмаслиги натижасида эришилган бу тинчлик даврига “олтин аср” деб қарайдиган янги бир эрага қадам қўйди. Ички аёвсиз вайронагарчиликларга чек қўйилиши, ички савдо тўсиқларининг қисқартирилиши, умумий оғирлик, ўлчов ва пул бирлигининг жорий этилиши ҳамда универсал империянинг

⁴² Код уруши (Cod War) – XX асрнинг 70 йилларида Исландияга туташган сув ҳавзаларида балиқ овлаш масаласида Буюк Британия ва Исландия ўртасида келиб чиққан қарама-қаршиликка сиёсий адабиётларда берилган ном. Ҳатто, икки давлат ўртасида дипломатик алоқаларнинг маълум муддат давомида узилиб қолишига сабаб бўлган.

ташқил топиши билан боғлиқ ҳукумат харажатлари экстенсив тизимининг шаклланиши фаровонлик даврини вужудга келишида муҳим рол ўйнади.

Бундан олдинги цивилизациялар тарихи шундан далолат бермоқдаки, абадият нури ила кўзларни қамаштирган бундай олтин асрлар муайян бир ташқи жамиятнинг босими билан кутилмаган ва тезкор суратларда ёхуд аста-секин ва оғриқли тарзда ички парокандалик туфайли барҳам топган. Ташқи босқинчиликларни қайтара олиш қудрати учун цивилизация ичидаги жараёнлар қанчалик муҳим бўлса, таназзулли ҳолатлардан ўзини сақлай олиши учун ҳам бу шунчалик муҳимдир. 1961 йилда Куигли таъкидлаганидек, цивилизациялар доимий ўсиб боради, чунки улар ортиқча ресурсларни ўзида жамловчи ва уларни самарали инновацияларга сарф этадиган ҳарбий, диний, сиёсий ва иқтисодий тузилма сифатида намоён бўлувчи “экспанция воситаси”га эгадирлар. Цивилизациялар ортиқча ресурсларни мавжуд воситаларни ривожлантиришга йўналтиришни бас қилишгани ўларок ривожланишдан тўхтайдди. Биз буни замонавий терминларда инвестиция салмоғининг қисқариши деб атаймиз. Бундай тенденция ортиқча ресурсларни назорат қиладиган социал гуруҳларнинг уларни самарали йўлда эмас, балки бунга ўз манфаатлари йўлида ўринсиз фойдаланишлари сабабли юзага келади. Одамлар устун қўя бошлашади ва цивилизация универсал давлат даражасидан инқироз даражасига томон силжий бошлайди. Бу кескин иқтисодий депрессия, яшаш шароитларининг пасайиб бориши, турли гуруҳлар манфаатлари ўртасида юз берадиган фуқаролик урушлари, саводсизликнинг ўсиб бориши давридир. Жамият жуда секин таракқий этиб боради. Қонунчилик йўқотишларни тўхтатиш учун муваффақиятсиз уринишларни амалга оширади. Лекин инқироз давом этаверади. Жамият кўп миқдорда омманинг диний, интеллектуал, ижтимоий ва сиёсий қўллаб-қувватловидан маҳрум бўлиб боради. Жамият ҳаётини остин-устун қилиб юборадиган янги диний ҳаракатлар майдонга чиқа бошлайди. Жамият учун курашмоқ ва ҳатто, солиқлар тўлаш орқали уни қўллаб-қувватлаш керакми, деган иккиланиш ҳолатининг ўсиб бориши кузатилади.

Инқироз кейин бошқа давлатнинг босқинига олиб келади: “Агар цивилизация ортиқ ўзини муҳофаза этишга қодир бўлмаса, у бошқа ёшроқ ва нисбатан кучли цивилизация вакили бўлган варвар босқинчилари учун очик имконият тақдим этади.

Цивилизациялар тарихи бизга ўргатадиган муҳим дарси шуки, кўп нарсалар содир бўлиши мумкин, лекин ҳеч нарса муқаррар эмас. Цивилизациялар ўзларини ислоҳ қилиши ва янгилашлари мумкин ва шундай бўлмоқда ҳам. Ғарб учун асосий масала ташқи муаммолар билан курашиш эмас, балки ички инқироз жараёнларини тўхтатиш бўлиб қолмоқда. Хўш, у ўзини ислоҳ эта оладими ёки ўз интиҳосини тезлаштирувчи инқирозни бартараф эта олмасдан иқтисодий ва демографик жиҳатдан динамикроқ бошқа цивилизацияга сингиб кетадими?

1990 йиллар ўрталарида Ғарб цивилизациясида Куигли таназзул ёқасида турган катта цивилизацияларга хос деб, таърифлаган анчагина белгилар кўзга ташланиб қолганди. Иқтисодий жиҳатдан Ғарб ҳар қандай цивилизациядан кўра анча бой эди, лекин иқтисодий ўсиш сурати, жамғариш ва инвестиция салмоғи, айниқса, Шарқий Осиё давлатлари билан солиштирганда паст эди. Индивидуал ва жамоавий истеъмол келажак иқтисодий ва ҳарбий қудрати учун имкониятлар яратишга нисбатан устувор бўлди. Аҳолининг табиий ўсиш даражаси, айниқса, мусулмон мамлакатлари билан солиштирганда паст бўлди. Бу муаммоларнинг ҳеч бири муқаррар ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлмаслиги мумкин. Ғарбэкономикаси ўсишда давом этмоқда, ғарбликлар янада бой бўлиб боришмоқда, Ғарб ҳали ҳамон илмий тадқиқотлар ва технологик инновацияларда лидер бўлиб турибди. Лекин туғилишлар сонининг пастлиги муаммосини ҳал қилишга бўлган ҳукуматларнинг уринишлари муваффақиятли бўлмаяпти (ҳаттоки, аҳоли сони ўсишини пасайтириш учун қилинган ҳаракатлардан-да омадсизроқ бўляпти бу турдаги уринишлар). Мана шундай паллада иммиграция икки шарт асосида янги энергия ва инсон капиталининг потенциал манбаси бўлди: биринчиси, ишга

яроқли, малакали, юқори иштиёқ ва шу билан биргаликда миграция қилинаётган мамлакат учун зарур бўлган иқтидор, билимга эга бўлган шахсларга устунлик берилди. Иккинчиси, мигрантлар ва уларнинг болалари мамлакат ва Ғарб маданиятига сингиб кетишига эътибор берилди. Америка Қўшма Штатларида биринчи ҳолат билан боғлиқ муаммолар юзага келган бўлса, Европа мамлакатларида иккинчи ҳолат билан кўпроқ муаммолар вужудга келди. Иммиграция даражаси, манбалари, муҳим жиҳатлари ва иммигрантлар ассимиляция⁴³сини тартибга солиш бўйича сиёсат Ғарб ҳукуматлари томонидан мукамал амалга оширилди.

Иқтисодий ва демографик муаммолардан ташқари ташқари Ғарб дунёси маънавий-маданий таназзул ва сиёсий иттифоқсизлик каби ўта долзарб муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Тез-тез тилга олинаётган маънавий инқироз белгилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Жиноят, алкоголь ва наркотик истеъмоли ҳамда зўравонлик каби антисоциал хулқ-атвордаги ўсишлар;
- Ажралишлар сонининг ўсиши, никоҳсиз туғилишлар, ўспирин қизларда ҳомиладорлик ва single-parent families (ёки ота, ёки онагина бўлган, яъни ажрашган оилалар) қабилардан иборат оила инқироzi.
- Ҳеч бўлмаганда АҚШда “социал капитал”, яъни волонтерлик бирлашмаларига аъзолик ва мана шу аъзоликка нисбатан инсонлар орасидаги ишончининг камайиши.
- “Меҳнат этикаси”нинг қадрсизланиши ва шахсий эркинлик култининг ўсиши.
- АҚШда илмий ютуқларга эришиш даражасининг пасайиши манзарасида юз бераётган ўқиб-ўрганиш ва интеллектуал фаолиятга бўлган қизиқишнинг сусайиши.

⁴³ Ассимиляция – бирон-бир халқ ёки одамлар гуруҳининг бошқа бир халқ ёки одамлар гуруҳи таркибига аралашиб кетиш жараёни.

Ғарбнинг истикболи ва унинг бошқа жамиятлар устидан таъсири мусулмонлар ва осиеликларнинг маънавий-ахлоқий устунликларига берилаётган даъволар билан қай даражада муваффақиятли кураша олиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ғарб маданияти ғарб жамиятлари ичидаги гуруҳлар томонидан хавф остида қолдирилмоқда. Мана шундай муаммолардан бири бошқа цивилизациялардан келган иммигрантлар томонидан вужудга келтирилаётган ассимиляцияни рад этиш ва ўз миллий қадриятлари, анъаналари ва маданиятларига содиқ қолиш ҳамда уларни авлоддан авлодга ўтказишга бўлаётган уринишлардир. Бу феномен, айниқса, Европада кичик бирлик бўлган мусулмонлар орасида яққол кўзга ташланади. АҚШда эса катта бирлик бўлмиш испан аҳолиси орасида ҳам бу нарса намоён бўляпти, фақат Европадаги мусулмонларга нисбатан пастроқ даражада. Агар ассимиляция жараёни шу тарзда муваффақиятсиз давом этса, АҚШ ички парокандалик ва бошбошдоқлик содир бўлиши учун барча потенциалларга эга мамлакатга айланади. Ғарб цивилизацияси Европада ҳам унинг асосий компоненти христианлик ғояларининг кадрсизланиши билан заволга юз тутмоқда. Диний эътиқодларини изҳор қилувчи, диний амалиётни кузатувчи ва диний фаолиятда иштирок этувчи европаликлар миқдори тобора қисқариб борапти. Бу тенденция динга нисбатан бефарқликдек жуда кўп душманлик кайфиятини ўзида акс эттирмайди. Шундай бўлса-да, насронийлик концепцияси, қадриятлари ва амаллари Европа цивилизацияси доирасида ёйилаверади. “Шведлар эҳтимолки, Европада энг динга бефарқ халқ бўлиши мумкин”, дейди шведлардан бири бу масалада ёзган изоҳида, — “агар бизнинг лютеран қадриятларимиз пойдеворини шакллантирган институтларимиз, ижтимоий амалларимиз, оилаларимиз, сиёсатимиз ва ҳаёт тарзимизни англамасангиз, сиз бу мамлакатни тушуна олмайсиз.” Европаликлардан фарқли ўлароқ америкаликлар[4]нинг Худога бўлган ишончлари улкандир, ўзларини диндор, деб ўйлашади ва йирик миқдорларда черковга қатнайдилар. 1980 йиллар ўрталарида Америкада диннинг қайта

юксалиши ҳақида далиллар топиш мураккаб бўлган бўлса, кейинги ўн йилликда диннинг таъсири ошганлигини гувоҳи бўлиш мумкин эди. Ғарбликлар орасида христианликнинг емирилиши Ғарб цивилизацияси истиқболига узоқ муддатли таҳдид сифатида кўрилишига олиб келмоқда.

Янада кескин ва хавфли зиддият АҚШда сақланиб қолмоқда. Тарихан америка миллати бирлиги маданий жиҳатдан Ғарб цивилизацияси кадриятлари, сиёсий жиҳатдан ҳар бир америкалик катта ишонч билан қўллаб-қувватлайдиган Америка фалсафаси принциплари: эркинлик, демократия, индивидуализм, қонун олдида барчанинг тенглиги, конституционализм, хусусий мулк дахлсизлик асосида таркиб топди. XX аср охирларида америка миллати бирлигининг маданий ва сиёсий компоненти зиёлилар ҳамда публицистларнинг кичик, лекин таъсир кучига эга қисми томонидан марказлашган ва мунтазам таҳдид остида қолди. Улар мултикултурализм⁴⁴ байроғи остида Америка Қўшма Штатлари бирлигини таҳликага қўйишаётир, америка миллатининг умумий маданияти мавжудлигини рад этишаётир ҳамда ирқий, этник ва бошқа субнационал маданий бирликларни, гуруҳларни кўтаришга интилишаётир. Улар ўзларининг бир баёнотлари орқали таълимда “европа маданияти ва унинг давомчиларига нисбатан тизимли тарафкашлик” ва “европа-америка монокултуралиزم⁴⁵ _____ истиқболининг ҳукмронлиги”ни очиқ танқид остига олдилар. Мултикултуралистлар Артур М. Шлесингер айтганидек, Ғарб меросида жинойатчиликни аранг кўра олувчи этноцентрик айирмачилардир. Улар гуноҳларга ботган Европа меросидан америкаликларни қутқариш ва бошқа маданиятлардан даво излашмоқда.

Мултикултуралистик йўналиш 1960 йиллар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шакллантирган бир қанча қонунчилик нормаларида ва 1990

⁴⁴ Мултикултурализм – бир макон ва замонда бир неча халқ ёки одамлар гуруҳига тегишли маданиятлар, кадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзаро тенглик, тотувлик тамойиллари асосида мавжуд бўлиши.

⁴⁵ Монокултурализм – муайян бир маданиятнинг бир макон ва замонда ҳукмронлиги.

йилларда Клинтон маъмуриятининг бош мақсадларидан бири сифатида кўрсатилган хилма-хиллик ташаббусида ўз ифодасини топди. Ўтмиш билан карама-қаршилик жуда ҳам ноодатий характер касб этмоқда. Америка “оталари” (The Founding Fathers) хилма-хилликни мавжуд реаллик ва муаммо сифатида кўришган: шунинг учун Бенжамин Франклин, Томас Жефферсон ва Жон Адамслардан иборат Континентал Конгресс қўмитаси “e pluribus unum” (лот. “кўплар ичра ягона” – тарж.) ибораси миллий шиор сифатида танлаб олган. Кейинчалик ирқий, жамоавий, этник, иқтиқодий ва маданий хилма-хиллик келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфлардан чўчиган сиёсий лидерлар “бирлашиш” чақириғига ижобий жавоб беришди ва ўзларинг асосий маъсулиятлари деб билган миллий умумийликни юқорига кўтаришди.⁴⁶ “Халқни халқ сифатида мавжуд бўлишини буткул тўхтатиб, таназзулга етакловчи аниқ йўллардан бири”, — деб огоҳлантиради Теодор Рузвелт, — “уни майдакаш миллатлардан иборат оломонга айланишига йўл қўйиб беришдир”. 1990 йилларда АҚШ етакчилари нафақат бунга йўл қўйишди, балки бошқараётган фуқароларининг бирдамлиги, иттифоқидан кўра хилма-хилликнинг ўсишига “ғамхўрлик қилишди”.

Биз гувоҳи бўлганимиздек, бошқа мамлакатлар етакчилари ўз маданий меросларининг аҳамиятини инобатга олмасликка ва мамлакатларининг цивилизациян ўзига хослигини ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Лекин улар бугунги кунимизгача буни муваффақиятли уддалай олишмади, бунинг ўрнига эса “шизофреник⁴⁷ касалланган” мамлакатларни пайдо қилишди. Америка мултикултуристлари шунчаки ўз мамлакатларининг маданий меросини рад этишди. Қўшма Штатларнинг ўзга цивилизация эканлигини тан олмасдан, улар айнан бир цивилизация ва маданият илдизига боғлиқ бўлмаган янги, кўплаб цивилизацияларни ўзида уйғунлаштирган мамлакатни барпо этишни исташди. Тарих гувоҳлик берадики, бундай тузилмага эга ҳеч бир

⁴⁶ Ростдан ҳам юқоридаги омил 1815 – 1914 йилларда асрнинг энг катта урушини келтириб чиқарди.

⁴⁷ Шизофрения (eng. Schizophrenia) – реаллик ва ҳаёлотни бир-биридан ажрата олмаслик, рухий касаллик.

давлат яхлит жамият сифатида узок вақт яшаб қола олмайди. Мултицивилизацион АҚШ келажақда Қўшма Штатлар эмас, балки Бирлашган Миллатлар деб аталади.

Мултикултуралистлар, шунингдек, ирқ, этник мансублик, жинс ва сексуал устунлик борасида гуруҳлар ҳуқуқларини шахс ҳуқуқлари билан алмаштириб американча идеологиянинг бош бўғинини хавф остида қолдиришди. Хорижлик кузатувчилар Эктор Жон де Кревекер ва Алексис де Токевилле сўзларидан фойдаланиб 1940 йилда Гуннар Майрдал айтадики, американча идеология “ушбу буюк ва бетакрор миллат барпо бўлишида цемент вазифасини бажарди”. “Миллат сифатида бир неча идеологиялар эмас, балки ягона идеологияга эга бўлишимиз бу бизнинг қисматдир”, — дейди Ричард Хофстедр. Нима бўлади Қўшма Штатларга агар бу идеология унинг фуқароларининг катта қисми томонидан қабул қилинмаса? АҚШдан-да идеологик нуқталарда кўпроқ бирликка эга бўлган Совет Иттифоқининг тақдири америкаликлар учун огоҳлик қўнғироғидир. “Марксизмнинг кескин муваффақиятсизликка учраши...ва СССРнинг драматик тарзда парчаланиши”, — дейди япониялик файласуф Такеши Юмехара, — “бугунги замонавийликнинг асосий тўлқини Ғарб либерализми инқирозининг ўтмишдаги намоёнидир. Марксизмга алтернатив бўлмаган ҳолда тарих интиҳосида ҳукм сурган идеология, яъни либерализм таназзул томон навбатдаги домино донаси бўлади. Маданият атамалари билан ҳамма жойда инсонлар ҳаракатлари изоҳланадиган даврда маданий асоссиз ва фақатгина сиёсий ғоялар томонидан бошқариладиган жамиятларга ўрин бўладими? Сиёсий принциплар мустаҳкам жамият барпо этишда заиф, тез ўзгарувчан бўғиндир. Идеология бирламчи ҳисобланган ва пастга шўнғиган Ғарб дунёсидан маданият устувор бўладиган мултицивилизацион дунёда АҚШ сўнги ноодатий жамиятга айланиши мумкин.

Дунё бўйлаб модернизация туфайли, одатда, цивилизациянинг моддий даражаси ошади. Аммо бу цивилизациянинг маънавий ва маданий жиҳатларини ҳам оширадими? Қайсидир маънода, бу тўғри кўринади. Қуллик, кийноқ, одамга нисбатан ёмон муомала — буларнинг барчаси замонавий дунёда камроқ қабул қилинади. Бироқ, бу ҳолат шунчаки Ғарб цивилизациясининг бошқа маданиятларга таъсирининг натижасими ва шунинг учун Ғарб давлати қулаши билан ўтмишга маънавий қайтиш бўладими? 90-йилларда халқаро муносабатлардаги “бетартиблик” парадигмасининг муҳимлиги тўғрисида кўплаб далиллар тўпланган: қонунни тартибга солишнинг глобал аҳамияtsizлиги, банкрот давлатлар ва дунёнинг кўплаб қисмларида анархиянинг кучайиши, глобал жиноятлар тўлкини, трансмиллий мафия ва гиёҳванд картеллар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг кўпайиши. кўплаб мамлакатларда оиланинг умумий инқирози ва пасайиши, кўплаб мамлакатларда ишонч ва ижтимоий бирлик даражасининг пасайиши, этник, диний ва цивилизация зўравонлиги ва ҳарбийларга асосланган бошқарув қувват балиқ овлаш — дунёда бу кенг тарқалган ҳодисаларни мисоллар сон-саноксиз бўлади. Афтидан, дунёнинг деярли барча шаҳарларида — Москва, Рио-де-Жанейро, Бангкок, Шанхай, Лондон, Рим, Варшава, Токио, Ёханнесбург, Дехли, Карачи, Қоҳира, Богота, Вашингтонда — жиноятчилик тез суръатлар билан ўсиб бормоқда ва асосийси. Цивилизация унсурлари сўнмоқда. Одамлар глобал ҳокимият инқирози ҳақида гапиришади. Иқтисодий товарларни ишлаб чиқарувчи трансмиллий корпорацияларнинг кўпайиши цивилизацияга шиддат билан ҳужум қилаётган трансмиллий жиноий мафия, гиёҳванд картеллар ва террористик гуруҳларнинг ўсиши билан бирга давом этмоқда. Қонун ва тартиб цивилизациянинг дастлабки шартлари бўлиб, дунёнинг кўп қисмида — Африка, Лотин Америкаси, собиқ Совет Иттифоқи, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ — улар Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда буғланиб кетаётганга ўхшайди. Ғарбда улар жиддий хавф

остида. Умумжаҳон тамойилига кўра, цивилизация кўп жиҳатдан ваҳшийлик хужуми остида пастроқ бўлиб туюлади, бу эса инсониятни кутаётган мисли кўрилмаган воқеа — глобал Тўқ асрларнинг бошланиши ҳақида тасаввур беради.

1950-йилларда Лестер Пирсон огоҳлантирган: инсоният “турли цивилизациялар тинч-тотув яшашни, бир-бирларини ўрганиш, бир-бирларини ўрганиш, бир-бирларининг тарихи, идеаллари, санъати ва маданиятини ўрганиш, бир-бирларининг ҳаётини бойитишни ўрганадиган даврга ўтишмоқда. улардан. Бу гавжум кичик дунёда алтернатива тушунмовчилик, зиддият, тўқнашув ва фалокат бўлади. Дунёнинг ҳам, цивилизациясининг ҳам келажаги йирик дунё цивилизацияларининг сиёсий, маънавий ва интеллектуал раҳбарлари ўртасидаги тушуниш ва ҳамкорликка боғлиқ. Цивилизациялар тўқнашувида Европа ва Америка бир-бирига ёпишади ёки улар бирма-бир ўлишади. Кенгроқ тўқнашувда цивилизация ва ваҳшийлик, дунё, цивилизация ва дин, санъат, адабиёт, фалсафа, фан, технология, ахлоқ ва хайрихоҳлик ютуқлари билан бойитилган глобал “ҳақиқий тўқнашув“ ҳам бирлашиши керак ёки улар ёлғиз ўлишлари керак. Ривожланаётган даврда цивилизациялар тўқнашуви дунё тинчлигига катта хавф туғдиради ва цивилизацияларга асосланган халқаро тартиб дунё урушининг олдини олиш учун энг ишончли чорадир.

Изоҳлар

Бу ҳақиқат бўлиши мумкин, аммо назарий ва эмпирик таҳлил билан тасдиқланмаган башоратда Квигли шундай хулосага келади: “Ғарб цивилизацияси 500 йил давомида Р.Х. мавжуд бўлмаган;“ у тахминан 1500 Р.Х атрофида тўлиқ гуллаш даврида мавжуд эди. ва келажакда у маълум бир вақтда, эҳтимол милоддан аввалги 2500 йилгача йўқ бўлиб кетади. “Унинг таъкидлашича, Ғарб томонидан вайрон қилинган ўрнига, Хитой ва Ҳиндистонда янги цивилизация ривожланиб, янги ривожланиш босқичларига ўтади. Ғарб ва православ цивилизацияларига таҳдид солади.

Carroll Quigley, *The Evolution of Civilizations: An Introduction to Historical Analysis*. Indianapolis: Liberty Press, 1979.

У. Шекспир. “Юлий Цезарь”. 4-акт, 3-саҳна. Таржимон. Мик. Зенкевич.

Хотима

Цивилизациялар спектроскопияси (чуқур таҳлили) ҳақида ёки

Россия дунё геосиёсий харитасида

Янги минг йилликда замонавийроқ умумиктисодий ва умуммаданий тушунчалар ҳақида фикр юритиш жоиз бўлса ҳам, бу мақоланинг асосий ғояси геосиёсат бўлади. Шунинг билан бирга Россия феномени шунчалик мураккабки, уни энг оддий тушунча — сиёсат нуқтаи назари бўйича талқин қилиш ҳам анча қийинчилик туғдиради. Мамлакатимизнинг дунёдаги бугунги ўрни ҳақида — постиндустриализм назарийтҳиси, сиёсатшунос ва маданиятшунос, полша-америкалик З.Бжезинский айтгандай — “дунё шахмат тахтаси”даги ўрни ҳақида жўнгина бир нарса дейиш қийин.

Рус геосиёсий қитъасининг чегаралари

С.Хантингтоннинг матнларида қандайдир илмий ишга оид сифатлар ва публицистиканинг барча “туғма белгилари” мавжуд бўлсада, унга “стратегия” сифатида қараш керак. Аслида гап давлат/этнос кичик тактик бирлик вазифасини бажарадиган чекланмаган ҳарбий-сиёсий режалаштириш ҳақида кетяпти.

Ҳар қандай стратегия, ундан Фойдаланувчининг ягона мақсадлари йўлида тизимнинг ноёб имкониятларидан фойдаланишдир. Ҳарб цивилизацияси имкониятлари С.Хантингтон томонидан бутун борлиғича фойдаланилади, мақсад эса мавжуд вазиятни сақлаб туришдир. Яъни узок муддатли стратегик ҳимояланиш.

Бундай режалаштириш ижобий эмас, чунки стратегияга хос маънога эга бўлган “...га инти-лиш“ни эмас, балки “...дан ҳаракат“ни ифодалайди. Умуман олганда доктор З.Таррашнинг “...бу нарса темперамент ва характерга боғлиқ, кимларгадир тўғридан-тўғри ҳужумкор стратегиядан кўра унинг тескариси маъқул бўлади“ деган фикрига қўшилса бўлади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, муҳофаа стратегиясини ҳамма вақт ҳам имкониятга эга деб бўлавермайди, бундан ташқари узоқ келажақда унинг аниқ мағлубият истиқболи таъминланган. Аммо С.Ҳантингтонни Ғарбга янги ривожланиш йўлини кўрсата олмаганлиги, нима мақсадда яшаш кераклигини тушунтира олмаганлиги учун қойиш ноўрин. Умуман олганда файласуфлар “охир дунё” ҳақида ёзиб туришганида сиёсатшуносга эҳтиёж борми ўзи? Стратегик ҳимоя вақтдан ютиш ва янги тузилма ясовчи мафкуралар излашда асқотиши мумкин.

С.Ҳантингтоннинг муҳофаа стратегиясини ҳаққонийлиги ҳақида кейинроқ сўз боради. Аввало унинг нуқтаи назарини таҳлил қилиш керак. Стратегия жуғрофияга боғлиқ, геосиёсий тузилмалар учун эса бу икки қарра тўғри. С.Ҳантингтоннинг цивилизацияларга оид схемаси қанчалик жуғрофий асосли? Дунё геосиёсий харитасида Океан бу дунё миқёсидаги “алоқа майдони” ҳисобланади, шу ўринда ишлаб чиқариш, хусусан демографик ишлаб чиқариш фақатгина қуруқлик билан боғлиқ. Бу ўз-ўзидан халқлар/давлатлар/маданиятлар/ цивилизациялар...ни асосан Океан(савдо-сотик) ва асосан қуруқлик(ишлаб чиқариш)ларга бўлинишини белгилайди.

Ер шарининг геосиёсий чизмаси жуғрофий харитадан бирмунча фарқ қилади. Шунинг учун доимий яшайдиган аҳолиси ва саноати йўқ Антарктида бу геосиёсий чизмада умуман йўқлиги тушунарли. Бу ҳол бирмунча Африкага ҳам тааллуқли, гарчи кейинги ўн йилликларда Қора қитъада мустақил геосиёсий бирлик шаклланаётган бўлса ҳам.

Осиё ва Австралия қитъалари чегараси мутлақо Австралия соҳилларидан ўтмайди: Зонд ва Соломон архипелаглари ҳудудларидаги ороллар ва денгизларнинг мураккаб чатишмаси азалдан мустақил геосиёсий бирлик – Австралосиёга ажратилган. Австралосиёга Малак ярим ороли, унинг атрофидаги ороллар ҳамда Австралиянинг ўзининг шимолий соҳилларининг қўшилиши бироз қутилмаган ҳолат бўлиб кўриниши мумкин. Шу аснода 1941-1945 йиллардаги Тинч океани уруши бутун Австралосиёни ўз таъсир доирасига олган аммо Австралия қитъасига умуман алоқаси бўлмаган: геосиёсий чегаралар давлат чегараларига қараганда анча яхши қўриқланади.

Иккала – Шимолий ва Жанубий Америка, Оловли Ер ороли ва Канада архипелаги ороллари ҳам қўшилган ҳолда бир суперқитъага бирлашади. Шу жиҳатдан С.Ҳантингтон томонидан мустақил лотин америка цивилизациясини ажратиб кўрсатилиши анча ғалати кўринади. Унинг ўзининг хулосалари бўйича Шимолий ва Жанубий Америкалар ўртасида маданий қарама қаршилиқлар бўлганда эди, “Монро доктринаси” ни бу қадар муваффақиятли ҳаётга татбиқ этиб бўлмас эди. Шу аснода “Монро доктринаси” юз йилдан ортиқ вақт давомида Ғарбий ярим шар учун жипслаштирувчи принцип сифатида қаралди:

Буюк Британия ва Германиянинг қатор Жанубий Америка мамлакатларига очиқ ойдин таъсирига қарамасдан, америка геосиёсий қитъаси XX асрнинг барча “қайноқ” ва “совуқ” ихтилофларида ўз бирлигини сақлаб қолди.

Жуғрофий ва геологик нуқтаи назардан шубҳасиз Америка суперқитъасига тегишли бўлган Исландия ва Вест-Индия ороллари (Багама, Бермуд, Катта ва Кичик Антил ороллари, Ямайка), Австралосиёга ўхшаш Еврамерика деб аташ мумкин бўлган мустақил бирикмани ташкил қилади. Еврамерикани Америка қитъасига яқинлиги унинг янги юз йиллик зиддиятларидаги вазифасини белгилайди.

Бизнинг Евроосиё китъамизда ишлар анча мураккаб, чунки у баъзан бир-бирига қисман киришиб кетадиган, баъзан эса бир-биридан минглаб қақирим “бўшлиқ”лар билан ажралиб турадиган бир қанча геосиёсий “блок” ларга бўлинади .

Евроосиёнинг анчагина турғун, мазмуни “абдийликдан абдийликка” чўзиладиган, майдони Осиё-Тинч океани ҳудуди(ОТХ) га чатишиб кетган Хитойдир. ОТХ таъсир доирасига Алеут ороллари, Аляска(айрим тарихий-стратегик “вариантлар”да “Рус Америкаси” дейилади), Япон ороллари, Филиппин, Вьетнам ва Таиланд киради.

Цейлон(Шри-Ланка) ороли ҳам қўзиладиган Ҳинд субқитъаси энг барқарор “блок”дир. Бангладеш, Бирма, Лаос ва Камбоджалар майдонлари Иккинчи Жаҳон уруши пайтидаги каби бугунги кунда ҳам бирор йирик, ҳарбий ёки инвестиция ҳаракатлари учун ярамайдиган геосиёсий “сахро” бўлиб турибди.

Европа субқитъасининг қанчалик муҳимлигига қарамасдан(у “дунё шахмат тахтаси” нинг “маркази” ҳисобланади) унинг геосиёсий қиёфаси унча ойдин эмас. Масалан Ирландияни Европанинг бир қисми дейиш керакми ёки у Фарер ороллари ва Исландия билан биргаликда Еврамерикага қарашлими? Рим Республикаси сарҳадларини “европасимон” сифатида қараб бутун Шимолий Африка: Миср, Ливия, Тунис, Марокколарни Европага қўшиш керакми? “Европанинг шарқий чегараси”масаласи эса публицистлар ва сиёсатчилар томонидан асрлар давомида муҳокама қилинмоқда. С.Ҳантингтон модели бўйича бугунги кунда уни ғарб ва шарқ христианликлари чегараси, яъни Полша чегараси бўйича ўтказиш керак экан.

Шуни таъкидлаш керакки, биринчидан бу ерда айнан қайси чегара (айнан қайси Полша, яъни диний ёки манзилий) назарда тутилаётгани ноаниқ. Иккинчидан католиклар ва православлар орасидаги фарқлар асосан ақидавий характерга эга, яъни улар аввало христианликнинг маросимий томонларига

алоқадор. Шу жиҳатдан бу фарқлар католиклар ва православлар ўртасидаги ахлоқий тафовутларга нисбатан унча жиддий эмас. Ва ниҳоят учинчидан, геосиёсий нуқтаи назардан черковдаги “дарзлар” географик дарзларга караганда иккинчи даражали.

Европа субқитъасининг шарқ томонидаги табиий геосиёсий тўсик Ғарбий Двина-Днепр чизиғи ҳисобланади, буни стратегик аҳамияти Россия ва Европа давлатлари ўртасидаги барча урушларда маълум бўлган. Шунини назарда тутиш керакки, Днепр ва Одер меридианлари оралиғидаги ҳудуд катта дарёлар (Висла, Сан, Неман) ва ўтиш қийин бўлган Карпат тоғ тизмалари билан бўлиб ташланган. Бошқача айтганда бу ҳудуд эгалланиши баҳс-мунозарали бўлган жўнгина “нозик нуқта” ҳисобланади. Бу ерда Рус ва Европа субқитъалари бир бирига киришиб кетади. Геосиёсий субқитъалар ўзаро таъсир доиралари худди литосфера чегараларидаги ер қимирлашлар ва вулқон отилишлари каби ҳаддан ташқари беқарор бўлади. Бундай жойларда нафақат давлатлар, балки бус-бутун халқлар ҳам пайдо бўлишади ва тубанликка юз тутишади.

Рус субқитъаси шарққа қараб Ўрол тоғларигача ва ундан кейин ҳам давом этади. Қаердадир Об ва Енисей водийлари оралиғида “бўшлиқ” ҳолатига ўтиб, Тинч океани соҳилларигача чўзилади. Руснинг табиий шарқий чегараси масаласи тарихий ва этнографик жиҳатдан муҳим бўлиб, лекин ҳеч қандай амалий аҳамията эга эмас. Умуман Рус субқитъасининг шарқий чегарасини ундан шарқроқда марказ ва унинг атрофи ҳамда округни назорат қилувчи қалъаси бўлган “классик” рус шаҳарлари мавжуд бўлмаган шартли чизик орқали белгиланса тўғри бўлади.

Арабистон ярим ороли, Кичик Осиё, Олд Осиё, Эрон ясси тоғлиги ҳамда Сомали ва Суданни ўз ичига олган, Ислом цивилизацияси пайдо бўлган ҳудуд мустақил геосиёсий Афросиё бирлашмаси ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Афросиё нафақат ўзининг табиий чегарасини, яъни Нил дарёси, Ҳинд-Қора-Каспий-Мармар денгизларининг соҳилларини тиклади балки Ўрта

денгиздаги буғозлар доирасида ўз мавқеъини мустаҳкамлаб ва Шимолий Африка устидан назорат ўрнатиб Европа геосиёсий ҳудудига кириб борди. Кавказ тоғлари ҳудудида Афросиё Рус субқитъаси билан тўқнашади.

Ва ниҳоят бугунги кунларда Помир ва Афғонистон ҳудудлари ҳамда “каспийбўйи мамлакатлари” кирадиган геосиёсий бирлик Марказийосиё субқитъаси вужудга келмоқда. Ўз-ўзидан тушунарлики бу ҳудуд “дарз зонаси” бўлиб, ҳудуднинг бевосита атрофи ХХІ асрнинг биринчи ярмида сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар майдони бўлади.

Геосиёсий океанлар нуқтаи назаридан қаралганда ҳозирги замонда энг иқтисодий ривожланган, этносларни ажратувчи/бирлаштирувчи “ўрта денгизлар” энг юқори аҳамиятга эга. Дунё “шахмат тахтаси”даги бундай “очик чизиқлар” ролида бирин-кетин Ўрта денгизни ўзи, Шимолий денгиз – Ла-Манш, Шимолий Атлантика бўлишган. Шу кунларда бош алоқа йўллари вазифасини бажариш Тинч океанига ўтмоқда; қулай иқлим шароитларида (бироз бўлса ҳам) Кутб денгизларининг роли ошади.

Геосиёсий тузилишлар мўътадил эмас. Улар пайдо бўлади, йўқолади. Шу туфайли Рус субқитъасининг бугунги вазияти хавотирли. Унинг ғарб ва жанубий томонларига кучли босим ўтказилмоқда. Шарқий ўлкалар “бўшлиқ”қа ғарқ бўляпти; Сибир ва Узоқ Шарқнинг ўта унумдор ерларида – одамлар томонидан ўзлаштирилган ва ташлаб кетилган ҳудудлар – антропосахро(инсон фаолияти туфайли пайдо бўлган сахро)лар кўпаймоқда. Шимол томонда эса Рус маданияти ва цивилизациясининг тақдири бус-бутун икки нарса: Шимолий Денгиз Йўлининг фаолияти ва Санкт-Петербургнинг ҳолати билан белгиланади.

Цивилизацияларнинг яратилиш принциплари

Мета-онтологик “тахта”

Бугунги кунда “дунё шахмат тахтаси”даги ўйинчилар фақат Империялар – яъни улар учун қуйидаги шартлар бажариладиган давлатлар ҳисобланади:

- бирор мустақил геосиёсий тузилиш билан онгли ва одатий бўлиб қолган бирлашишнинг мавжудлиги (“Америка америкаликлар учун”);
- ўзларини мазкур давлат билан боғлаган бир ёки бир неча этносларнинг мавжудлиги;
- бу этносларнинг бирортаси томонидан ҳукмрон мафқуранинг мавжудлиги;
- давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги аниқ ўрни;
- давлат ўзининг ноёб цивилизациявий вазифасини шакллантира олганлиги, бошқача айтганда, нима учун мавжудлиги ҳақидаги саволга жавоб бера олиши.

Миллий давлатлар ичида бундай ”умумлашган Империя” бўлиб Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Хитой ҳисобланади. Худудий бирлашмалар ҳам империявий тузилмалар яратишлари мумкин, шубҳа йўқки Европа Иттифоқи етакчи дунёвий ўйинчи сифатида қаралади. Бу ўта имтиёзли рўйхатга Россияни ҳам киритамиз, ҳатто унинг ҳозирги замондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеи ўта паст бўлса ҳам. Гарчи анъанага кўра: камида кейинги икки юз йил давомида Россияда барча Империя белгилари мавжуд бўлган. Ҳозирги пайтда у айрим белгиларни йўқотган бўлса ҳам (унчалик аниқ эмас), бу ўртача геосиёсий рўйхатда қайд этилиши лозим. Буни ҳатто С.Ҳантингтон, ва З.Бжезинскийларнинг ўзлари ҳам таъкидлашади. (аммо униси ҳам буниси ҳам бу ҳолатдан мамнун эмас).

“Дунё шахмат харитаси”даги “ўйинчи”ларни номма-ном айтиб ва геосиёсатга инсон омилини киритиб “Цивилизацияларни чуқур таҳлил”

қилиш қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан С.Хантингтоннинг фикрига қўшилиш мумкин, яъни цивилизация тушунчаси билан уқтириладиган “бўлиб ташлашга” нисбатан бу ҳаракат иккинчи даражали.

Ер шарида мавжуд ҳар хил цивилизациялар (маданий-тарихий бирикма)лар ҳақидаги тушунчани фанга Н.Данилевский киритган. Унинг ўзи цивилизациялар пайдо бўлишини ҳукмрон ҳудудлар билан боғлаган ва цивилизациялар бир-бири билан аралашмаслигини ҳамда улар тарихий миқёсда ўзгаришини кўрсатган.

А.Тойнбига кўра цивилизациялар ҳар доим “чақирикқа жавоб” бўлган. Шу тасниф бўйича чақириклар турларга бўлинган (денгиз чақириғи, сахро чақириғи, тропик ўрмон чақириғи...) Афсуски буюк инглиз тарихчиси чақириклар иерархияси тушунчалари тўғрисида ёзмаган, шунинг учун А.Тойнби модели доирасида цивилизацияларнинг ёрқин манзарасини қуриш қийин.

Цивилизациялар тушунчасига А.Тойнбига қараганда

Н.Данилевский ёки О.Шпенглер нуқтаи назарлари бўйича ёндашган С.Хантингтоннинг тадқиқоти ҳам унчали ёрқин эмас. Америкалик тадқиқотчи цивилизация тушунчаси нима эканлигини аниқламайди, балки у ҳақда мукамал ёзади.

С.Хантингтон цивилизация белгиларини “маданий бирлик” сифатида тушунтиради: яъни тил, тарих, дин, урф-одатлар маъносиди. Бундай ёндошув бўйича нима учун Испания ва Ирландия ўртасида “маданий бирлик” бору Россия ва Польша ўртасида йўқлигини умуман тушунтириб бўлмайди. Бундай эътирозлардан ҳимояланиш учун муаллиф қуйидаги даъвони келтиради: яъни, қайси цивилизацияга мансублигини ҳар ким ўзи билади. Бошқача айтганда С.Хантингтонга кўра цивилизацияларнинг чуқур таҳлили айният доирасида тушунтирилади. Бу ерда расман мантиқий хато мавжудлигини қайд этишимиз керак: нари борса қайси

цивилизацияга тегишлилигини билишни ҳар ким хоҳлайди. Н.Данилевский (умуман олганда С.Хантингтон бўйича ҳам) нуктаи назари бўйича цивилизациявий белгилар аслича белгиланади, яъни жамоавий онгсизлик даражасида “рўйхатга олинган”. Бу эса алоҳида яратилишга мос келиши умуман шарт эмас.

Жуда мураккаб бўлган айният тушунчасини америкалик тадқиқотчи деярли аниқлаштирмаган. Жиддийроқ айтганда у уни киритмаган ҳатто. Шу аснода ижтимоий айниятни андозаламай туриб геосиёсий қурилмаларда ўзликни билиш амалиётини умуман қўллаб бўлмайди. Ўта расман олганда айният борлиққа ишончни (шахслар, гуруҳлар, ижтимоий тармоқлар), қандайдир “бошқачалик” билан ўзаро таъсирида намоён бўлади. айниятни пайдо бўлиш, юзага чиқиш, йўқолиш жараёнлари жуда мураккаб, афтидан худди айниятни ўзи ижтимоий “ёқилғи”, жамият ҳаракатининг манбаидир.

С.Хантингтон ўзининг асосий фикрини олға суриб биринчидан, қайси айниятлар цивилизация яратади, қайсилари яратмайди деган саволга жавоб беришга (яратмайдигани С.Хантингтон модели бўйича фақат саккизта), иккинчидан айниятлар ҳеч қачон аралашиб кетмаслигини исботлашига тўғри келади. Муаллиф унисини ҳам бунисини ҳам қилмаган.

Афтидан С.Хантингтон этнодиний айниятни Инсониятни цивилизацияларга табақаланишини келтириб чиқарадиган биринчи белги ҳисоблайди. Ҳар ҳолда у: “Ярим араб ва ярим француз бўлиш мумкин, лекин ярим католик ва ярим мусулмон бўлиш мураккаброқ” дейди.

Лекин нима учун? Халифалик даврида ёки реконкиста (8-15 аср охири) даврида ўзларини бундай айниятлаштириш турғун ва етарлича кенг тарқалган амалиёт эди. Кейинчалик ҳам диний фарқлар хавф ёки фойда қаршисида чекинган. А.Дюманинг унутилмас романидаги Мушкетоннинг отаси “ўзига аралаш протестант-католик эътиқодини қабул қилган”. Шу пайтларда Кариб денгизи оролларида айниятлар тўқнашуви бўлган ва “биз уларни французлар

сифатида эмас, бидъатчилар сифатида осдик” деган гапга: “сизларни испанлар ва католиклар сифатида эмас, балки босқинчилар ва қотиллар сифатида ошишади” деб жавоб беришган. Аслини олганда муаллиф бундай минг йилликларга ёйилган тасодифий ва ўткинчи ҳодисалар, яъни “диний айниятлар паради”дан чуқур хулосалар чиқаради. Ҳатто битта, айнан мусулмон диний айниятидан. Муаллифнинг Ғарб учун “мусулмон Уйғониш даври” муҳимлигини таъкидлашига қўшилиш мумкин (ҳар ҳолда замонавий сиёсий ислом стратегик омил эканлигини шубҳасиз ҳисобга олиш керак), лекин бу ижтимоий ҳодиса назарий аҳамиятга эгами? Инчунин, сиёсий ислом тарқалиши табиийлигини, ясама ижтимоий жараён эмас эканлигини ҳеч ким исбот қилган эмас.

Эҳтимол, С.Хантингтоннинг мулоҳазаларини тўғрилаш ва аниқлаштириш керакдир (у ҳолда “Цивилизациялар тўқнашуви” Н. Данилевскийнинг замонавийлаштирилган кўриниш-даги “Россия ва Европа” сига айланади чамаси), аммо такомиллаштирилган нақл ҳам индуктив ёндашувнинг барча “туғма белгилари”га эга бўлиб, геосиёсий таҳлил учун унча яроқли бўлмайди.

Таҳлилий йўсинда фикрлашга ҳаракат қиламиз.

“Цивилизация” ни турмуш тарзи сифатида, яъни маълум умум фойдаланиладиган технологиялар ва уларга қўйилган айрим чеклашлар кўринишида белгилаймиз. Бошқача айтганда, “цивилизация” ни атроф муҳит билан ақл-идрок эгаларининг ўзаро таъсир усули деймиз.

Цивилизацияларни белгилайдиган очиқ принципларни ҳар хил усуллар билан танлаш мумкин. Шу тариқа, бир қанча цивилизациявий бўлакчалар қуриш мумкинки – бир хил сондаги параметрлар танлаб олинганда – улар эквивалент бўлиши керак. Аслида фазода исталган “айланишлар” да ўзгармай қоладиган параметрлар, Инсониятнинг мавжудлик шакллари, энг муҳим ижтимоий бирлик сифатида қаралиши керак.

Саккиз жиҳатли ахборот фазоси тузилиши доирасида цивилизацияларнинг очик принциплар модели дихотомик бўлинишлар билан ясалиши мумкин:

вақт – фазо (замон – макон);

шахс – омма;

рационал – трансцендент;

маънавий – моддий.

Бундай ёндашув 16 та ҳосил бўлиши мумкин бўлган цивилизацияни ажратади, аммо уларни ҳаммаси ҳам ҳақиқатда мавжуд бўлолмайди. Цивилизациялар бўйича тенг қийматли тақсимот А.Кондратевнинг дунёвий–иқтисодиётлар бўйича таҳлилида кўрсатилган; А.Некlessа дунё меҳнат тақсимотига асосланган чуқур таҳлилдан фойдаланади.

Цивилизация тушунчасига замонавий ёндашув бажарилиши лозим бўлган таҳлилий дихотомиядан воз кечади, бунинг ўрнига мураккаб фикрий конструкция мета-онтологик координаталар системасидан фойдаланади. Бу система ўзида учта: ғоялар “режаси”, нарсалар “режаси” ва кишилар (ақлли мавжудотлар) “режаси” каби изчил дунёлар бирлигини ифодалайди. Бу дунёларнинг ҳар бирида ўзининг иерархик тартиби белгиланган. Масалан кишилар “режаси” учун бундай иерархия: инсон – оила – этнос – давлат – Инсоният кўринишида бўлиши мумкин. Бу моделда вақт категорияси очик ойдин берилмаган, у мета-онтологик дунёлар ўзаро таъсири ўлчови сифатида қаралади. Бундай ўзаро таъсирлар тузилиши бўйича учлик табиатига эга ва (нарсалар “режаси” + ғоялар “режаси”) фикрий таъсирга, (кишилар “режаси” + ғоялар “режаси”) ижтимоий таъсирга ва (нарсалар “режаси” + кишилар “режаси”) онтоаъсирларга бўлинади. Қурилган модел доирасидаги технология ихтиёрий йўналтирилиш бўлиб, “фикрий-ижтимоий-онтоаъсир”ларни бирлаштиради. Шунга мувофиқ цивилизация

бошланғич(бир вақтда охирги ҳам) ўтиш нуқтаси, ўтиш йўналиши, ўтиш амалга ошириладиган иерархия поғонаси билан аниқланади.

Назарий жиҳатдан бундай поғоналар исталганча бўлиши мумкин. Амалий жиҳатдан бирорта ҳам цивилизация алоҳида кишилар, ёки бунинг тескариси бўлган бутун инсоният билан амалиёт қилмайди ва натижада ҳар хил маъмурий бирлашмаларга мос келувчи учта структуравий поғона ажратилади.

Бу бирлашмаларнинг энг соддаси ПОЛИС бўлиб, у ўзини ўзи бошқарадиган ва ўзини ўзи таъминлайдиган жамоадир, унинг фаолияти дин томонидан маъқулланади, лекин бошқарилмайди, унинг ҳаёти фуқаролик ҳуқуқи билан бошқарилади. ПОЛИСча тузилиш фан ва санъатни дин ва ҳуқуқдан ажратишга, демократияга мойил. Провардида ПОЛИС “ривожланиш принципи”ни қўллаб қувватлайди ва семантик ибораларга “шахс” тушунчасини киритади.

ПОЛИС фуқаролари сони одатда марказий майдонга сиғадиган кишилар сони билан чегараланади. (Аристотел бўйича – 7!). ПОЛИСлар очикликка, ҳар хил фаолиятларни аралаштиришга интилади, савдони бажонидил ривожлантиради.

ПОЛИСни тескариси НОМОС бўлиб, унга физик қонунлар (табиат қонунлари), ижтимоий қонунлар (ҳуқуқ) ва трансцендент қонунлар (Худолар иродаси) бирлиги хосдир. Шунга кўра табиат, жамият ва Худо ўртасида фарқланиш қилинмайди. Олий ижтимоий бош руҳоний ерда Худонинг ўрнида эмас, унинг ўзи Худо ҳисобланади. У ўша НОМОС дунёсига ҳукмронлик қилади, ҳаёт ато этади, ўлимга маҳқум қилади, дунё мувозанатини сақлайди.

НОМОС ижтимоий системасидаги ҳаёт ягона тузилма ясовчи жараён, табиий ҳодисалар ва ишлаб чиқариш фаолияти бирлиги билан бошқарилади. НОМОС фазода ҳам, вақт бўйича ҳам ёпиқ ва чегараланган.

Ва ниҳоят, энг мураккаб иерархик поғона – ҳар қайси соҳаси ҳар хил маънодаги, ҳуқуқий ва диний системамалар орқали бошқариладиган, турли туман давлатларни ягона тузилмага бирлаштирадиган бирлашма КОСМОС ҳисобланади.

КОСМик давлатнинг алоҳида белгиси қайсидир “мета – ҳуқуқ”нинг куртаклари: ихтиёрий хусусий (“худудий”) ҳуқуқни юзага келтирувчи очик принципларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Кўпинча космик мета-ҳуқуқ ғоявий ёки трансцендент кўринишини олади, баъзан у ягона маросимга оид “империя белгиси” шаклини олади.

(Малика)

КОСМик давлатлар барқарор равишда мета-қонунни бошқарув қарорларига “ўгирадиган“ ривожланган бюрократияни келтириб чиқармоқдалар. Шунга кўра, КОСМОС аристократик бошқарув тизимларига интилади, баъзи ҳолатларда улар ўзларини демократик вакиллик тузилмалари ва баъзи ҳолатларда мутлақ монархия сифатида намоён қилади, аммо барча ҳолатларда асосий тамойили — “номенклатура“ ва “бўлинмалар“ нинг мавжудлигини сақлайди.

КОСМик давлатлар бошқарув жараёнидан ташқари бошқа ягона тузилишни шакллантирувчи жараёнга эга эмаслиги ва бўлолмаслиги аниқ. Тизимнинг динамик қарама-қаршиликлари минтақавий чегаралардаги [с.592] кескинлик зоналари — маъмурий, иқтисодий, семантик ва минтақаларнинг империя мета-ҳуқуқига қарши доимий курашидан ташкил топади. Шунга кўра, КОСМик тузилмалар динамик равишда беқарор саналади: улар авлодлар тартибининг характерли даврлари билан намоён бўлади ёки тажовуз ёки эмиграция кўринишидаги ташқи кенгайишни ҳосил қилади.

Таклиф этилаётган модел бизга тўққизта цивилизацияни (айланма йўналишгача аниқлик билан) ажратишга имкон беради, бу

классик дихотом схемасига қараганда (ўн олтига) камроқ, аммо амалда кузатилганидан аниқ кўпроқдир.

“Мета-онтологик айланишлар“ схемаси шуни кўрсатадики, цивилизациялар табиати жуда секин бўлса ҳам ўзгариши мумкин, чунки ўзгариш “координаталар тизими“ ни бир неча марта айланиб ўтиш, ўзгаришларнинг тўпланиши ва кейинчалик ҳукмрон технологиянинг ўзгаришини ўз ичига олади. Бошқа иерархик даражага ўтиш эҳтимоли катта: масалан, ПОЛИСдан КОСМОСга ўтиш ёки аксинча, КОСМОСнинг НОМОС даражасигача таназзулга учраши. Цивилизация маълум оралиқ таркибий даражани барпо қилиши мумкин. Кўпинча бу тизимли фалокат ва “давлат маъмурий аҳволи“нинг пасайганлигидан далолат беради. Шундай қилиб, НОМОС ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган ва ўзига хос ахлоқий меъёрларни яратадиган ягона қонун одамлар ўрнатган ва қонундаги одамлар учун яратилган қонунчиликка қадар қисқартирилган цивилизация тузилмаси — ЛЕГОС даражасигача кичрайиб кетиши мумкин. ЛЕГОС ичида яшайдиган одам “ҳуқуқий жамият“ нафақат онг эгаларини, балки ҳайвонларни ва ҳатто ўлик табиатни ҳам қамраб олади, деб ҳисоблайди. НОМОС дунёси эса анчагина ноқулай (КОСМик фикрлаш нуқтаи назаридан), лекин у ўзини ўзи мувофиқлаштириш ва ривожланишга қодир. ЛЕГОС дунёсини пародия, карнавал, ҳазил деб тушуниш мумкин, аммо бу ҳазил йилдан-йилга, ўн йилликдан ўн йилликгача — мутлақо жиддий кўриниш билан такрорланади. Албатта, эртами-кечми, “ҳаста“ цивилизация ёки тикланади: у ўзини [с.593] НОМОС даражасига қайтаради, КОСМОСни яратади ёки янги ҳаётий цивилизация тузилмасини топади ёхудйўқ бўлиб кетади.

Замонавий Ғарбий маданиятлар АҚШ ва Ғарбий Европанинг катта қисмига хос бўлган ЛЕГОС, ТЕУС (яккаланган, аммо шу билан бирга, эҳтимол ҳаммасидан энг ғарбийроқ бўлган Ватикан маданияти), ТЕХНОС (йўқолиб кетган Совет цивилизацияси тузилиши) билан касалланган.

КОСМОС ва ПОЛИСнинг ҳам “касалланган“ қатламостии сатҳлари мавжуд. Шундай қилиб, биринчиси ЛИНГВОС (соф лингвистик форматда қурилган маданият) ёки ЭТНОС (бу мутлақо ҳаёлий, аммо қисқа умр кўрувчи оксморон — моно этник империяни пайдо бўлишига олиб келади) га айланиши мумкин. Иккинчиси, одатда ахборот раҳнамо-дахоси бўлмаган, ўз ривожланиш миссиясини ва мавжудлик маъносини йўқотган ўз-ўзини бошқарувчи жамият— МУНИЦИПАЛИЯнинг трансцендент таркибий қисмига тўғри келади.

Цивилизациянинг табиий ривожланиши жараёнида (масалан, НОМОСдан КОСМОСга томон) ғайриоддий вазиятлар пайдо бўлиши мумкин, бу эса ҳукмрон технология ва у билан бирга цивилизацияни белгиловчи йўналтириш, КОСМОС даражасида одамларнинг “режасидан“ ўтказида, шу билан бирга ғоялар дунёси НОМОСга ҳос тузилмани сақлаб қолади. Бундай карама-қаршилиқ ривожланиш учун важ ва сабабдир.

Шу муносабат билан, замонавий сиёсий Ислоннинг фаолияти ҳақида ташвишланишнинг ҳожати йўқ (узоқ муддатда). У шунчаки вақтинча НОМОС маънолари билан КОСМик даражада ишлашга ҳаракат қилаётган тузилма.

Домен, шимолий цивилизациянинг ижтимоий шакли

Замонавий глобаллашган дунёда оддий кўз билан қараганда, учта асосий цивилизацияни ажратиш кўрсатиш мумкин, бунда “Ғарб“ ва “Шарқ“ ўртасидаги тафовутни бутун бизга маълум тарих давомида кўриш мумкин бўлса, “Жануб“ цивилизацияси анча ёшроқдир. Эътибор беринг, “Жануб“ фақат битта геосиёсий “бирлик“ – Афросиёни эгалласа, “Шарқ“иккита “бирлик”ни эгаллайди. Бошқа барча геосиёсий блоклар “Ғарб“ нинг тўғридан-тўғри назорати остида ёки унга у ёки бу даражада боғлиқдир.

Анъанавий дихотомик ёндашув доирасида Ғарб цивилизация саналади, унинг асосий тамойиллари ривожланиш (вақт), шахсият, оқилона ва моддийдир.

Шарқ Ғарбдан ҳар жиҳатдан фарқ қилади: бу трансцендент ва руҳий жамоа томон йўналтирилган “Дао” цивилизациясидир (макон, мутаносиблик). Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларни “қизиқиш, аммо тўқнашув эмас” формуласи билан ифодалаш мумкин: бу цивилизацияларнинг бўлиб оладиган ҳеч нарсаси йўқ — уларнинг ҳар бири ўзи учун аҳамиятли бўлган мета-онтологик координаталар тизимининг “ярми” га эгалик қилади.

Жануб Шарқдан кўра кўпроқ Ғарбга яқинроқдир ва бир қатор олимлар Исломни цивилизациялашган христиан тузилиши деб билишлари бежиз эмас. Жанубнинг ориентирлари – вақт, рационаллик, моддийлик. Аммо — шахс ўрнига омма устунлиги.

Ўхшашлик назарияси башорат қиладики, аксиология (қиймат тизими)да фарқлар қанчалик кичик ва шу билан бирга аҳамиятли бўлса, ўхшашликлардаги зиддият шунчалик ёрқинроқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, Жануб Ғарб билан баҳам кўриши мумкин бўлган нарсалари талайгина ва С. Хантингтоннинг хавотири тўлиқ асосли.

Янги мета-онтологик ёндашув доирасида қуйидаги ҳолат пайдо бўлади. Бутун Ғарб КОСМик босқичда бўлсада, унинг маданияти турли хил тарихнинг “ўзига хос белгиларига” эга. Шимолий Америкадаги Қўшма Штатлари дастлаб ўз мамлакатада КОСМОСни қурган бўлса, Ўрта асрлардаги Европа ПОЛИСлар салтанати эди, “католик черковининг тўнғич қизи” бўлмиш Ватикан ва Франция эса НОМОС муносабатлар тизимларини доимий равишда қайта ва қайта яратиб келган. Шундай қилиб, бугунги бирдамлик ҳукмрон архетипик иерархия чизиғи бўйлаб жиддий бўлинишга олиб келиши мумкин.

Ғарб учун йўналтиришнинг бошланғич ва якуний нуқтаси — бу шахс (шахсга йўналтирилганлик), мета-онтологик айланма йўналиш рационалдир — онто-ҳаракат фикрлаш фаолиятдан олдин, охириги эса ижтимоий фаолиятдир.

Шарқ учун йўналтириш ғоялар дунёсида бошланади, айланма йўналиш рационалдир — ғоялар дунёсидан одамлар дунёсига ва шундан кейингина нарсалар дунёсига: ижтимоий ҳаракат онто ҳаракатдан, ташкилий лойиҳа — лойиҳадан олдин. Характерли иерархик даража — НОМОСдир.

Ниҳоят, Жануб технологик йўналишларни нарсалар дунёсида бошлайди, НОМОС иерархиясида жойлашган ва координатлар тизимини бошқалар каби бир хил йўналишда – рационал йўналишда айланиб ўтади. Иерархиянинг КОСМик даражасини ўзлаштирган Жанубни тасаввур қилиш мумкин, аммо бу мутлақо бошқа цивилизация бўлади ва “умуман бошқа тарих“га эга бўлади.

Шундай қилиб, С. Хантингтоннинг саккизта цивилизацияси учга бўлинди, бунда Ғарб Ғарблигича қолди ва бу маънода америкалик тадқиқотчи асаридаги бир бобнинг номи “Ғарб қолган ҳаммага қарши“ деган мазмунни жуда яхши акс эттиради. Одамови, қотиб қолган вақтда яшайдиган (европалик нуқтаи назаридан) буддист ва конфуций маданиятлари ўртасидаги тафовутни биз цивилизация жиҳатидан аҳамиятсиз деб белгиладик. Эҳтимол, бекор шундай қарорга келдик. Тарихда, Хитой доимо айланишнинг “оқилона/рационал“ йўналишига амал қилган, шу билан бир пайтда Ҳиндистон маданиятида трансцендент интилишлар кузатилган. Келажакда бу муҳим бўлиб чиқиши мумкин бўлсада, С. Хантингтоннинг стратегик ёндошуви доирасида бундай эмас.

Ҳақиқатда ҳам таажжубга сабаб бўладиган нарса шуки, Япония цивилизациясининг мустақил моҳият касб этишидир. Ҳатто японияликларнинг ўзлари ҳам уларнинг нозик маданияти Хитой маданиятининг энг чекка, “оролга хос“ шакли эканлигини яширмайдилар. Япония Хитойдан иероглифлардан тортиб жанг санъатигача ҳамма нарсани ўзлаштирган. Агар япон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини жуда аҳамиятли деб ҳисобласак, унда Ғарбни ҳам бир нечта гуруҳларга бўлиш керак

бўлади: АҚШ ва Германия ўртасидаги фарқ, шубҳасиз, Хитой ва Япония ўртасидаги фарқдан кучлироқ.

Лотин Америкаси “цивилизацияси“ ҳақида ҳамма нарса айтилган. Ҳақиқатан ҳам геосиёсий рисола варақларидан империалистик интилишларни асослаш учун фойдаланишнинг иложи йўқ, бундан ташқари, унинг кондирилганига анча бўлган бўлса ... Африка муаммоси очиклигича қолмоқда. Биз С. Хантингтоннинг “у ерда“ нимадир шаклланаётгани тўғрисидаги фикрига қўшилишимиз мумкин, аммо бу “нимадир“ эртанги кун инқирозига айланади.

Ва яна Хантингтон, эҳтимол Рус Православ Черкови билан келишган ҳолда “православ цивилизацияси“ деб атайдиган Россия қолмоқда, гарчи у ердаги аҳолининг 10 фоизига етар-етмас қисмигина динга жиддий қарайди ва “динга алоқадорлар“ нинг ҳатто деярли 1 фоизидан кўпроғигина балки православларнинг католиклардан қандай фарқ қилишини аниқ тушунтиришга кодирдирлар.

Россия, айниқса Пётр давридаги Россия, қоидага кўра, Ғарб цивилизацияси доирасидаги мустақил маданият сифатида ҳисобланишга даъво қилган. Ғарбнинг бир қисми бўлиш истаги Петербург элитасининг Европа пойтахтлари билан яқин алоқалари туфайли кучайиб борган. Натижада, империянинг тимсоли ва пойтахти бўлган Петербург тезда Ғарбдан кўра кўпроқ ғарбий шаҳар доврўғини қўлга киритди. Совет даврида бу доврўқбироз хиралашган бўлсада, аммо умуман йўқолмади.

Қайта қуриш давридан кейинги воқеалар рус зиёлиларининг Ғарб дунёси билан ҳақиқий бирлашишга бўлган умидларини пучга чиқарди. Биринчидан, бу дунёда ҳеч ким Россияни кутмаётганлиги маълум бўлди. Иккинчидан, эндиликда Евро-Атлантика цивилизацияси чуқур инқироз даврига кирган ва бундан ташқари уруш ёқасига ҳам келиб қолган эди. Ва ниҳоят, учинчидан, “конкордат“ йўлидан эргашса, Россия нафақат нимагадир эришиши, балки

ютқазиши ҳам аниқланди. Эҳтимол, йўқотадиган нарсаси кўлга киритадигани билан баробар бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Тарихан шундай бўлганки, Россия Шарқ ва Ғарб ўртасидаги (ва сўнги ўн йилликларда — Жануб ва Ғарб ўртасидаги) маъноларни етказувчи “таржимон-цивилизация“ ўрнида бўлиб келган. Унинг бутунжаҳон меҳнат тақсимоотидаги ўрни шундай. “Дунё таржимони“ ҳолатиРус х атти-ҳаракатларининг ўзига хос тарзига олиб келди: улар ҳар доим ўзлари билмаган ҳолда соф ғарбликлардай ниқобланганлар.

Натижада, русларнинг хулқ-атвори социологнинг нигоҳидан яширин бўлиб чиқади: бу тадқиқотчининг эътиқод тизимига қараб, ё “етарлича ғарбий бўлмаган“ ёки “ўта ғарбга хос“ деб қабул қилинади.

Аслида, бу хулқ-атвор тарзи шунчаки фарқ қилади, бу биз кўриб турганимиздек, Россияни ўзининг асосида бизнинг давримизнинг тўртинчи асосий цивилизацияси — Шимолий цивилизацияни шакллантириш учун зарур шартларга эга бўлган мутлақо мустақил ва ўзига хос маданият билан боғлаш имкониятини беради.

Ушбу шартларнинг биринчиси — бу алоҳида таркибий даражадаги одамларнинг соф рус иерархиясида мавжудлиги. Агар Шарқ (ва маълум даражада Жануб ҳам) ЭТНОС/НОМОСларнинг цивилизацияси бўлса, агар Ғарб КОСМик ўлчамларга қадар ривожланган нуклеар оиланинг цивилизацияси бўлса, демак домен ўзига хос рус феномени ҳисобланади.

Домен бу одатда 10-20 кишидан иборат бўлган ва яхлит бирлик сифатида турмуш кечираётган одамлар гуруҳидир. Доменнинг ҳар доим етакчиси бўлади, шубҳасиз норасмий тарзда, ва доменнинг бутун тузилиши етакчи билан ўзаро алоқа орқали йўлга қўйилади. Қизиғи шундаки, домен ичидаги алоқалар миллий, диний, сулолавий, гуруҳга доир, оилавий тусга эга бўлмайди. Аниқроғи, ҳар бир киши етакчи (ва доменнинг бошқа аъзолари) билан ҳар хил тарзда боғланган: ҳар бир алоҳида жуфтлик учун

бирлаштирувчи кучнинг хусусиятини кўрсатиб ўтиш мумкин, аммо бутун домен учун битта қоидани қўллашнинг иложи йўқ. Кланлардан фарқли ўлароқ, доменлар динамик равишда беқарор: улар фақатгина бир авлод даврида яшайди.

Доменнинг тузилиши жуда бўш бўлиб туюлса-да, бу доменни ҳар қандай ташқи воқеаларга жавоб беришига тўсқинлик қилмайди. Бу, айниқса 1998 йилдаги, дефолт ҳолатидан сўнг, ижтимоий муносабатлар кутилмаганда тезда тикланганида — оиланинг иерархик даражасига йўналтирилган Ғарб социологларининг ҳисоб-китобларидагидан кўра бир даража тезроқ т содир бўлганида намоён бўлди.

Доменнинг ўхшашлиги яширин саналади, шунинг учун унинг мавжудлигини фақат нозик тадқиқотлар билан ўрнатиш мумкин. Бироқ рус этносининг эгилувчанлиги (“ванка-встанка“, рус халқининг кенг тан олинган белгиларидан бири) айнан домен тузилмаси, ҳамда ижтимоий-маданий қайта ишлаш учун юқори салоҳият туфайли эканлиги эҳтимоли катта.

Россия трансцендентцивилизация сифатида

Россиянинг иккинчи энг муҳим хусусияти — бу рус маданиятининг трансцендент табиати. Россия ва Ғарб учун уч ўлчовли мета-онтологик модел доирасида бошланғич / сўнгги нуқта одамлар дунёси. Бироқ, ўтиш йўли карама-қарши йўналишда амалга оширилади: Евро-Атлантика цивилизацияси дастлаб одамлар дунёсини нарсалар дунёси (рационал, предмет фаолияти) билан, сўнгра нарсалар дунёсини ғоялар дунёси билан боғлайди. Рус маданияти учун одамлар дунёсининг ғоялар дунёси билан бирламчи алоқаси ўзига хосдир (иррационал, ахборот фаолияти).

Шундай қилиб, бизнинг Ғарб билан фарқларимиз жуда катта. Аммо:

- домен даражаси ПОЛИС ва НОМОС ўртасида жойлашган ва уни, одатга кўра, аниқлаш жуда қийин (айниқса, Россия империяларнинг ўзи учун одатий жойини эгаллаб олган ва КОСМОСнинг иерархик даражасида бўлган даврда);
- мета-онтологик текисликнинг “айланиб ўтиш йўналишини” аниқлаш янада мушкулроқ — фаолиятнинг шунчаки ўзи ажралиб турмайди, балки бу фаолиятнинг одатда, акс этмайдиган трансцендент асосланиши ҳам фарқланади.

Яъни, минимал истак билан Россияни “нотўғри Ғарб“ деб тушуниш ва хатоларни тузатишни бошлаш мумкин. Аммо муаммо шундаки, цивилизация парадигмасидан келиб чиқадиган “хатолар“ ни тузатишнинг деярли иложи йўқ: ҳар бир тузатиш ортидан янги вазифа пайдо бўлади.

Шундай қилиб, жуда қаттиқ истак бўлсада, Россияда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан Ғарбдаги муносабатни шакллантириб бўлмайди. Худди шу каби, давлатга нисбатан шарқона муносабат. Барқарорликнинг маълум чегаралари доирасида (мўғул-татар истилоси тажрибаси шуни кўрсатадики, бу чегаралар жуда кенг), рус жамияти билан ҳар қандай операцияларда жамиятнинг домен тузилиши ва унинг мавжудлигининг трансцендент табиати тикланаверади.

Ушбу ҳолат, Евро-Атлантика ҳамжамиятининг сезиларли инқирози билан бир қаторда, кун тартибига мустақил рус (шимолӣ) цивилизация масаласини кўяди: унинг эълон қилиниши, парадигматик тамойиллари, ҳаёт шакллари ва ишлаб чиқариш стандартлари.

Санкт-Петербург — “Европага томон очилган туйнук“ ёки афсонавий шаҳар

Назаримда, бундай эълон фақат Санкт-Петербургда, инновациялар шаҳри, империя маънолари шаҳри, трансчегаравий шаҳарда бўлиши мумкин.

Петербург мета-онтологик “тахтада“ тўғри жойлаштирилган шаҳарга мисол тариқасида кўриб чиқилиши мумкин ва керак. Ҳар қандай тирик шаҳар сингари, у ижтимоий ва моддийдир. Жуда оз сонли шаҳарлар сингари, у ғоялар дунёсида “самовий Санкт-Петербург“ деган ўзининг “астрал проекциясини“ шакллантиради. Бундан ташқари, Санкт-Петербург атайлаб трансцендент, атайлаб адабий. Ҳатто Ғарбдан келган меҳмонларимиз учун ҳам Санкт-Петербург матн -шаҳардир.

Аслида, эҳтимол вазият янада мураккабдир.

Тизим операторини ғоялар дунёсига қўллаш юқори даражадаги тузилган маълумотларнинг учта босқичини ажратишимизга имкон беради.

Улардан энг соддаси бу Матн босқичи. Матнлар белгилар ёрдамида яратилади, адабий, тасвирий, мусиқий ёки бошқа семиотик шаклни касб этади. Матнлар даражасида голем, эгрегор, шаҳарнинг руҳи каби маълумот конструкциялари мавжуд. Ушбу босқичда табиий сунъийга айланади ва аксинча.

Афсоналар босқичи чуқурроқ жойлашган бўлиб, у ҳикоялар матнларида ва жамоавий онгсиз босқичда архетипларда сақланган. Маълумки, тузилишни ташкил этувчи афсоналар фақат иккита: Голгофда ўлаётган дайди ҳақида ва ўз уйдан маҳрум бўлган ва Ўрта ер денгизида дарбадар кезиб юрган саёҳатчилар ҳақида.

Мифлар динамик сюжетлар каби шунчалар мураккаб ахборот объектларини яратади. Бу ерда Санкт-Петербург — Александрия ва Константинопол каби бир қатор шаҳарларда динамик сюжет ҳосил қилганини эслаш ўринлидир.

Мифлар эҳтимолни ўзгартириб, мумкин ва мумкин бўлмаган нарсани аралаштиради. Мифлар тасвирлар (нақшлар) тили ёрдамида яратилган.

Санкт-Петербург “тузилишига кўра” афсонавий шаҳар. Бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда ва яқин орада биз нарсалар ва биноларнинг ҳақиқий Петербурги ҳақида ва оддий одамлар ва даҳоларнинг объектив Петербурги ҳақида эмас, балки мифологик Петербург ҳақида гаплашамиз. Ҳикоялар ва матнлар шаҳри ҳақида. Ва ниҳоят, бундан ҳам юқорида эртаклар босқичи бор, у ҳақида биз деярли ҳеч нарса билмаймиз, фақат бу босқичда жонли ва жонсиз нарсалар аралашиб кетишинигина биламиз, холос.

Агар Санкт-Петербург империя пойтахти амбицияларидан, маданият пойтахти ҳийла-найрангларида ва ҳатто Пётр пойтахти афсонасидан воз кечса, шимолий цивилизация амалга ошади. Шунда шаҳар эртак босқичига кўтарилиб, ўлик цивилизация тамойилларини тирик мавжудотга айлантиради.

Сергей Переслегин

ТАМОМ



Ушбу китоб, бир гуруҳ зиёли ёшлар томонидан блогер Нурбек Алимовнинг “Alimoff Team – Ёшлар ёшлар учун!” лойиҳаси бўйича ҳолис билим олиш йўлида илк бора ўзбек тилига таржима қилинди. Биз профессионал китобчилар эмасмиз. Камчиликлар учун олдиндан узр сўраймиз. Ушбу таржимани ўқиш учун тарқатишингиз мумкин. Дарслар, презентацияларда ҳам ушбу таржимадан фойдаланишга қарши эмасмиз. Ушбу китоб илк бор ўзбек тилида чиқишида ҳиссасини қўшган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Янги китобларни <https://t.me/nurbekalimov> Telegram-канали орқали ўқиб боришингиз мумкин.

**Сотиш ва тижорий мақсадда фойдаланиш қатъиян
маън этилади!**

Таржимонлар:

- 1. Моҳина Нурсаидова**
- 2. Эъзога Қиличова**
- 3. Неъматжон Ражабов**
- 4. Бунёд Тангрибергенов**
- 5. Малика Нарзуллаева**
- 6. Камола Бекниёзова**
- 7. Ислон Ўролов**
- 8. Камола Фозилова**
- 9. Ахроржон Ўроқов**
- 10. Шарофиддин Ҳошимжонов**
- 11. Умиджон Сотиболдиев**

12. Расулбек Раҳимов
13. Дилшода Худойназарова
14. Сирожиддин Юлдошев
15. Дийдор Бердикличев
16. Рамзбек Ҳамдамов
17. Озода Азимова
18. Улуғбек Артиков
19. Олимжон Камбаров
20. Раимжон Норматов
21. Миржалол Қосимов
22. Дилноза Ахунова
23. Абдуғаниев Бурхониддин
24. Арофат Ахунжанова

Тахрирчи/муҳаррирлар:

1. Жавохирбек Абдуллаев
2. Севара Алижонова
3. Дилбар Исматуллаева
4. Дилрух Исомиддинова
5. Жахонгир Остонов
6. Дилафруз Абдинабиева
7. Малика Нарзуллаева
8. Абдимўмин Шодиев

Лойиҳа раҳбари:

Нурбек Алимов